

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«ИСТЕЪДОД» ЖАМҒАРМАСИ

# ОЛИЙ

---

---


ЛУҒАТ-МАЪЛУМОТНОМА

---

---

# ТАЪЛИМ

*Академик С. С. Ғуломов умумий тахрири остида*



ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2003

**Тузувчилар: М. Х. Саидов, Л. В. Перегудов, З. Т. Тоҳиров.** Олий таълим (лугат-маълумотнома). —Т.: «Молия» нашриёти, 2003, 456 б.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда булгани каби мустақиллик йилларида таълим соҳасида ҳам кенг қўламда чуқур ислоҳотлар амалга оширила бошланди, Ўзбекистон таълим тизимини жаҳон андозалари асосида қайта ташкил этишга киришилди. Натижада олий ва касб-ҳунар таълими тизими лексикасига қўллаб янги терминлар ва иборалар кириб кела бошлади.

Мазкур лугат-маълумотнома таълим соҳасидаги узгаришларни ҳамда янги термин ва ибораларни шарҳлаш тақозосига кўра юзага келди. Китобда икки мингта яқин термин ва ибора ҳақида маълумот берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашади деб умид қиламиз.

Лугат-маълумотнома олий ва касб-ҳунар таълими, умуман узлуксиз таълим тизимидаги талабалар, педагоглар, мураббийлар, шунингдек таълим-тарбия билан шуғулланувчи барча ходимларга мўлжалланган.

В годы независимости во всех областях общественной жизни, в том числе в системе образования республики происходят глубокие реформы, приступили к ее перестройке на основе мировых стандартов. В связи с этим в лексиконе высшего и профессионального образования появилось много новых терминов и выражений.

Данный словарь-справочник служит для определения этих неологизмов и содержит около двух тысяч терминов и выражений.

Надеемся, что он станет нашим посильным вкладом в дело осуществления Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальной программы по подготовке кадров.

Словарь-справочник рассчитан на широкий круг бакалавров и магистрантов высшего образования, наставников профессионального образования и все те, кто занимается обучением и воспитанием в общеобразовательных учреждениях и детских садах.

During the years of independence all areas of public life in the Republic, including the educational system, have been undergoing big reformation to put them in compliance with the international standards. As a result, vocabulary of higher and professional education has been enriched with many new terms and idioms. This reference book shall serve to define about two thousands of such neologisms.

We hope it will make our adequate contribution to the cause of implementation of the Law "On Education" and of the National Program on Personal Training in the Republic of Uzbekistan

The reference book is intended for a wide range of bachelors and masters of higher education, instructors of professional training and all those involved with the education and upbringing in kindergartens and secondary schools of general education.

**Тақризчилар: Н. Иброҳимов, ЎзРФА академиги,**

**С. И. Иноятов, тарих фанлари доктори, профессор**

**Н. Т. Тухлев, ЎзМЭ Давлат илмий нашриётининг директори, иқтисод фанлари доктори, профессор**

© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси.  
«Молия» нашриёти, 2003 й.

## **КИРИШ**

Муҳтарам ўқувчи, бирор халқнинг маданий тараққиёт даражасини баҳолашда бир қатор жаҳон андозалари мавжуд. Халқ яратган осори атиқалар, миллат тарихи мобайнида унга бошчилик қилган буюк зотлар, миллатнинг фахри бўлган ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар бўйича қомусий олимлар, мутафаккирлар, шоирлар, шoirлар, мусаввирлар, шунингдек, улкан иншоотлар, қадимий шаҳарлар ва ҳоказоларнинг барча-барчаси ана шу жаҳон андозаси бўйича мезонлар ҳисобланади.

Ҳозир мустақил Ўзбекистонимизда миллий мафкура яратилмоқда, бу эзгу иш халқимиз, айниқса, етишиб келаётган ёш авлод онгида миллий ифтихор ва гурур туйғусини уйғотишни тақозо этади. Бу ўта масъулиятли вазифани бажаришга эришиш биринчи гада таълимга боғлиқ. Ҳар бир инсон, хусусан ўғил ва қиз комилликка эришиш учун, аввало, ўзига, ўз собитқадамлигига, ғайрат-шижоатига, ўқиш ва ишдаги фидойилигига, касб-ҳунарни пухта ўрганиб, малакали, рақобатбардош мутахассис бўлишлигини англаб етмоғи лозим.

Таълимнинг илк куртаклари халқимизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Булар меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, мустаҳкам эътиқод, эл-юрт манфаати учун фидойилик каби фазилатлар улуғланган «Тўмарис», «Широқ», «Эр Ҳубби» ва бошқа қатор ривоят ва дostonларда тараннум этилган. Шунингдек, ёшларни халқ удумларига, аждодлар анъанасига бўйсунадиган, ахлоқан пок қилиб камол топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки туркий халқларнинг ўзигагина хос қадимий шеърлар — халқ кўшиқлари, лирик шеърлар ва ҳикматларнинг 300 дан ортиги «Девону лугатит турк»да келтирилган. Уларда ҳам ота-боболаримизнинг юртпарварлик, чинакам дўстлик, меҳнатсеварлик, ахлоқан поклик борасидаги қарашлари, инсон тарбияси хусусидаги фикрлари ёритилган. Қатор шеърларда ёшлар бир-бирига меҳр-оқибатли, ҳар қандай вазиятда ҳам эл билан бирга, юрт ҳимоячиси бўлишга, улуғлар ўғитига қулоқ солишга даъват этилади.

Таълим ва тарбия, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврида тараққий этган. Ўғил болаларга бошланғич билим масжидлар ва хусусий уйларда берилган, қиз болалар эса уйларда отинойилар қўлида таҳсил олганлар. Шаҳар мактабларида ўқувчилар 20-30 нафар, қишлоқ мактабларида 10-15 нафар, баъзан бундан ортиқ ҳам бўлган. Бу даврда ибтидоий диний мактаблардан ташқари шаҳзодалар, хон, беклар ва йирик амалдорларнинг болалари учун савод мактаблари ҳам ташкил этилган. Улар отда чопиш, човгон ўйнашни ҳам ўрганишган, шунингдек давлатни идора қилиш санъати — турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар, бошқа юртдан келган элчиларни қабул қилиш, ҳайру эҳсон бериш тартиб-қоидалари бўйича малака ҳам олганлар. Амир Темур кутубхонасида ҳадис, тарих, география, фалсафа, фикҳ, тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт ва бошқаларга оид китоблар тўпланган. Хусусан Хоразмий, Беруний, Насриддин Тусий ва бошқаларнинг асарлари сақланган.

Амир Темур даврида мадрасалар олий таълим муассасаси вазифасини ўтаган. Улар диний, кейинчалик дунёвий билимлар ўчоғи, фанлар маркази, малакали мутахассис тайёрлаш маскани бўлган. Бу таълим муассасаларида юртнинг энг атоқли, донишманд олим, уламо ва шайхлари муддарислик қилганлар, маърузалар ўқиганлар.

Темурий шаҳзодалар Мирзо Улуғбек, Хусайн Бойқаролар даврида таълим янада юксалади. Айниқса Султон Улуғбек даврида кўплаб мактаб ва мадрасалар бунёд этилади. Самарқанддаги қурдирган мадрасасида Улуғбекнинг ўзи, устози Қозизода Румий ва бошқа улуғ алломалар дарс ўтган. Хусайн Бойқаро давридаги таълимнинг ривожини Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқ. Ул зотнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари тарихдан яхши маълум.

Ижтимоий-сиёсий эҳтиёж туфайли юзага келган жадидлик ҳаракати XIX асрнинг 80—90- йилларида Туркистонда кенг ёйилди. Бунда Мунавварқори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидахмад Сиддиқий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Исоҳқон Ибрат ва бошқалар янги йўналишни бошловчилар бўлди. Уларнинг меҳнати зое кетмади.

Ўзбек халқи миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг миллий анъаналаримиз, динимиз, тилимиз ҳам ўзининг тўлиқ эркини топди. Барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам чуқур ислохотлар босқичма-босқич амалга оширила бош-

ланди. Чунки таълим ва тарбия ижтимоий соҳада устувор йўналиш деб белгиланди. Юқорида қайд этилган ва бошқа қатор миллий меросимиз намуналари оммавий тарзда нашр этилишдан ташқари халқимизни жаҳонга танитишга арзигудек янги-янги асарлар юзага кела бошлади. Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг қатор асарлари жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинishi бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этувчи ёшлар тарбиясига Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг эътибори жуда юксак. Мамлакатимиз жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторида тарбия ва таълимга эътибор жиҳатдан олдинги уринларни эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва бошқа бир қатор таълимга оид давлат мезонлари ҳозирги кун, шунингдек, истиқболдаги тарбия ва таълимнинг қандай бўлишини яққол белгилаб беради. Мазкур қонун ва меъерий ҳужжатларда тарбиячилар ва ўқитувчилар олдига қўйилган вазифаларни бажариш борасида юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қўлланма — лугат-малумотнома ҳам ана шу эзгу вазифани амалга ошириш учун камтарона ҳисса бўлиб қўшилади, деб умид қиламиз.

### ***Тупловчилар***

## А

**АББРЕВИАТУРА** (итал. — қисқартма) — сўз бирикмаларини қисқартириб ясалган ва бошланғич ҳарфлари алифбо тартиби бўйича ўқиладиган сўз. Бундай қисқартмалар: 1) сўзларнинг бош ҳарфи (БМТ, БМА, ОТМ)дан; бўғинлари (Ўзқишхўжмаш)дан иборат, шунингдек, чет сўзларнинг қисқарган транслитерацияси ҳисобланади (Си-эн-эн, Би-би-си, ОПЕК, НАТО).

**АБИТУРИЕНТ** (лот. — кетмоқчи бўлган) — бошқа таълим муассасаси (коллеж, олий таълим муассасаси ва б.)га ўқишга киришга даъвогар.

**АБОНЕМЕНТ** (фр.) — 1) қайд этилган муддат мобайнида хизматлар, неъматлардан фойдаланиш учун аввалдан сотиб олинган ёки эгалик қилиш ҳуқуқи, айрим муассасалар (кутубхона, театр, кинотеатр ёки концерт зали, теннис корти, сузиш ҳавзаси ва б.)га кириш ҳуқуқи; 2) юқорида кўрсатилган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат.

**АБСТРАКТЛАШ** (лот. — мавҳумлаштириш) — нарсалар ва улар ўртасидаги муносабатлар қатор хоссаларини фикран тасаввур этиш ва айримлаштирилган — мавҳумлаштирилган тушунчаларни олиш мақсадида муҳим хосса ва муносабатларни ажратиш.

**АБСТРАКЦИЯ, МАВҲУМОТ** — фикрлаш жараёни, бунда биз ягоналик, тасодифийлик, мавҳум нарсадан четга чиқамиз ва умумий, зарурий, моҳиятлиларни ажратамиз, шу йўл билан илмий объектив билишга эришамиз. Абстракция тушунчалар ҳосил бўлиш воситаси ҳисобланади.

**АВТОГРАФ** (юн. autos — ўзи ва grapho — ёзма) — 1) муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган асл нусха, матн; 2) ўз қўли билан ёзилган ёзув ёки китоб, расм, фотосурат ва б.га қўйилган имзо.

**АВТОДИДАКТИКА** (юн. autos — ўзи ва didaktikos — ибратли) — асосан мустақил таълим жараёнида ўқув фаолиятининг субъекти (ўқувчилар) фойдаланадиган таълимнинг ўзлаштирилган усуллари мажмуи.

**АВТОКРАТИЯ** (юн. — яккаҳукмронлик, яккаҳокимлик) — 1) бир шахснинг чекланмаган, назорат этилмайдиган тўла ҳокимлик асосида бошқаруви шакли (мутлақ ҳокимлик); 2) ҳокимиятнинг битта шахс қўлида тўпланишига асосланган корхона, муассаса, иқтисодни бошқариш тамойили, услуби.

**АВТОМАТИЗМ** (юн. — ўз эрки билан) — *психологияда*, онг (малака, одат)нинг назоратсиз муайян ҳаракатларни такрорлашга машқ йўли билан ҳосил этиладиган инсон қобилияти.

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ (ААТ)** — ҳисоблаш техникаси, ахборот компьютер тармоғи, алоқа воситалари ва каналларидан фойдаланиб ахборотларни тўплаш, сақлаш, жамлаш, излаш, узатиш ва ишлаб чиқиш учун инсон-машина тизими.

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ БЕРУВЧИ ТИЗИМ (АТТ)** — таълимни индивидуаллаштириш учун мўлжалланган техникавий, ўқув-методик, лингвистик, программавий ва ташкилий таъминлаш мажмуидан иборат бўлган тизим. АТТ вазифалари: а) билимнинг, таълим олувчилар қобилиятининг, улар индивидуал хусусиятларининг бошланғич даражасини аниқлаш; б) ўқув материаллари (матнлар, дарсликлар, назорат топшириқлари ва б.)ни тайёрлаш; в) ўқув материали, унинг мураккаблик даражаси бўйича жойлашуви, берилаётган ахборотлар суръатини таъмин этиш; г) таълим олувчининг билиш бўйича фаолиятини бошқариш; д) улар ишга қобиллик кўрсаткичларини белгилаш; ж) ҳар бир таълим олувчи ва умуман гуруҳнинг материалларни ўзлаштириши жараёнларини қайд этиш статистик таҳлили (айрим топшириқларни бажариш тавсифи ва муддати, иш умумий вақти, хатолар миқдори ва б.). Педагогга дидактик лойиҳанинг пассив бажарувчиси сифатида қаралади; унинг шахсияти, маданияти ва малакаси алоҳида аҳамият касб этмайди.

**АВТОМАТЛАШТИРИШ** (юн. — ўз эрки билан) — инсон меҳнатини енгиллаштириш мақсадида машина, машина техникаси ва технологияни қўллаш, унинг қўлда бажарилиш шаклини бартараф этиш, ишлаб чиқариш самаралилигини ошириш.

**АВТОМАТЛАШТИРИШ КОЭФФИЦИЕНТИ** — бир гуруҳ мутахассисларнинг муайян вақт мобайнида бажарган тест синовиغا сарфланган вақтининг айни шу тест синовини ўқувчилар

томонидан бажаришга сарф бўлган вақтга нисбати; автоматлаштириш коэффициенти фаолият асосий операциялари ва усуллари ни ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади.

**АВТОРЕФЕРАТ** — муаллифнинг ўзи, масалан, диссертация муаллифи томонидан қисқача баён этилган илмий тадқиқот.

**АВТОРИТАР ПЕДАГОГИКА** — ўқувчиларни ўқув-тарбия жараёнида қатнашишдан четлаштиришда педагогнинг барча ҳуқуқга эга бўлиши, мажбур қилиш йўли билан ташаббуснинг бўғилиши ва ўқувчиларга таъсир ўтказилиши.

**АВТОРИТАР ТАРБИЯ** — 1) тарбияланувчиларнинг тарбиячига сўзсиз итоат этишини кўзда тутувчи ва унинг обрўси мутлақо, кўркўрона тан олинисига асосланган тарбия; 2) тарбиячи иродасига сўзсиз итоат этишни кўзда тутувчи концепция; ташаббус ва мустақилликни барбод этиб, авторитар тарбия фаоллик, индивидуалликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, тарбияланувчилар ва тарбиячилар ўртасида келишмовчиликни юзага чиқаради. Авторитар тарбия бошқарувнинг авторитар, тоталитар шакллари ва сиёсий тартиблари ҳукмронлиги шароитларида устунликка эга бўлади. Авторитар концепция *эркин тарбия* концепциясига мутлақо зиддир.

**АГНОСТИЦИЗМ** (юн. agnostos — идрокланмайдиган) — фалсафий таълимот, бу таълимотга кўра объектив олам ва ҳақиқатнинг объектив моҳиятини билиш мумкинлиги рад этилади, фаннинг билишдаги аҳамияти фақат ҳодисаларнигина билиш билан чекланади, нарсаларнинг моҳиятини ва табиий ривожланиш қонуниятларининг ҳамда айниқса, ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос томонларини билиш мумкин эмас деб ҳисобланади. Ғарб файласуфлари Д. Юм, И. Кант бу таълимотнинг асосий вакилларидир.

**АДАД** — бир номдаги ёки битта муаллифнинг босма нашрининг миқдорий кўрсаткичи.

**АДЪЮНКТ** (лот. — бириктирилган) — 1) бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида илмий таҳриба ўтовчи, илмий муассасада кичик илмий лавозимда ишловчи (профессор ёрдамчиси); 2) ҳарбий академияда ўқитувчилик фаолиятига тайёрланаётган шахс (офицер), ҳарбий таълим муассасасининг аспиранти.



**АДЪЮНКТУРА** — ҳарбий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида илмий ҳамда педагогик кадрларни тайёрлашнинг асосий шаклларида бири; фуқаро олий таълим муассасаларидаги аспирантурага тўғри келади.

**АЗМУ ҚАРОР БЎЙИЧА БИТИМ** — олдиндан тузилган битим, бунда томонларнинг битим асосида ҳамкорлик қилиш ва кейинчалик муайян битим тузишлари тўғрисидаги ўзаро хоҳиш ва азму қарорлари акс этган бўлади.

**АЙ-КЬЮ** — (*Қ. Интеллект коэффициенти*).

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ** — Ўзбекистон ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муддати уч йил бўлган, давлат таълим стандартига мувофиқ ўрта махсус маълумот берадиган ва ўқувчиларнинг имкониятлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жадал интеллектуал ривожланиш, чуқурлаштирилган, ихтисослашган, табақалаштирилган таълимни таъминловчи таълим муассасаси. Академик лицейлар одатда олий таълим муассасаси ҳузурида ташкил этилади.

**АКАДЕМИК МАҲСУЛДОРЛИК ИНДЕКСИ** — турли даражадаги (техниклардан тортиб то докторларгача бўлган) мутахассисларни етиштиришни тавсифловчи кўрсаткич; ОТМлардан чиқарилиш даражаси ва таълимнинг ўргача давомийлигида акс этади; у таълим тизимининг муҳим хусусияти ҳисобланади ва айрим ОТМлар рейтингини баҳолашда қўлланади (юқори даражада обрўга эга университетлар академик маҳсулдорликнинг юқори индексига эга бўлади).

**АКАДЕМИК ТАЪТИЛ** — ўқув мақсадларида бериладиган маош тўлиқ ёки қисман сақланиб ишдан узоқ муддатга озод қилиш. Дастлаб бундай таътил олиш ҳуқуқидан фақат олий таълим тизимидаги ўқитувчилар фойдаланган, ҳозирги вақтда бу бошқа ўқитувчилар, шунингдек фан, саноат ва тижорат соҳасидаги ходимларга ҳам кенг тадбиқ этилмоқда.

**АКАДЕМИЯ** (юн. Akademia) — 1) илмий, ўқув ва бадий тавсифдаги муассасанинг номи. Афлотун (Платон) асос солган (тахминан милoddан аввалги 387 йил) машҳур фалсафа мактаби номидан олинган, бу мактабга афсонавий қаҳрамон Акадэма

номи берилган. Бу сўз олий таълим муассасасининг муайян тури, олимлар уюшмасининг атамасига айланган; 2) фаолияти таълим, фан ва маданиятни илмий тадқиқотлар олиб бориш ва олий таълимнинг барча bosқичларида, олий таълим муассасасини тугатгандан кейинги ва асосан фан, техника ва маданиятнинг битта соҳасида қўшимча таълим бериш йўли билан таълимни ривожлантиришга йўналтирилган. Академия ўз фаолияти соҳаси бўйича етакчи илмий ва методик марказ ҳисобланади, олий малакали мутахассислар ва муайян соҳа (тармоқ)даги раҳбар мутахассислар тайёрлашни кенг миқёсда амалга оширади.

**АКРОНИМ** (юн. akros — юқори ва opota, oputa — ном) — сўз ва сўз бирикмаларининг биринчи ҳарфларидан ташкил топган қисқартма (АЭС, МДХ, ИИВ ва б.); айнан аббревиатура.

**АКС ТАЪСИР** — 1) *педагогикада*, ўқувчи томонидан содир этиладиган фаоллик намоёиши; у шунчаки тасаввур этмайди, балки у ёки бу ҳодиса ёки ташқи рағбатга жавоб қайтаради, нарсага, ҳодисага ёки фаолиятга қизиқиш билдиради; 2) *психологияда*, четдан олинган таассуротга жавоб, нимагадир ўз муносабатини билдириш. Психотаҳлилда маънавий зўриқишнинг сусайиши, унинг қарама-қаршиси, яъни уни ўзида тинчланиши. Масалан, хизмат бўйича норозилик хотини ёки боласига қўпол муомала қилинганда, анча ёзилиши мумкин, ишдаги нохушлик алкоғоллик ичимликни меъёридан ортиқ истеъмол қилишда, севгидаги қаноатланилмаган ҳиссиёт ижодий фаолиятда юмшаши мумкин.

**АКСЕЛЕРАТ** — ўсмир, унинг физиологик ривожланиши меъёрий даражадан тез кечади ва руҳий, ақлий ҳамда ижтимоий балоғатга етиш вақтидан олдин бўлади; физиологик етук, лекин ижтимоий етук бўлмаган индивид.

**АКСЕЛЕРАЦИЯ** (лот. acceleratio — жадаллаштириш) — жинсий балоғатга етишни тезлаштириш, болалар ва ўсмирларда унинг ўсиши ва тезлик даражасининг оширилиши, 20- аср иккинчи ярмида юзага келган; антропология, психология, педагогика, айниқса физиологик етук, аммо ижтимоий етук бўлмаган индивидларни ўқитиш соҳасида аҳамият касб этади.

**АКСИОЛОГИЯ** (юн. *axia* — қадрият ва *logos* — таълимот) — 1) фалсафада қадриятлар ҳақидаги ва этика (қадриятлар этикаси)ни баҳолаш тўғрисидаги таълимот. У, хусусан, инсон ҳаётининг мазмунини тадқиқ этади; қадрият қандайдир ашёнинг хусусияти бўлмай, балки моҳият ва шу билан бир вақтда объектнинг тўлақонли мавжуд бўлиш шартидир; 2) педагогикада фалсафадан ўзлашган янги тушунча — инсоний қадриятлар табиати хусусидаги таълимот, яъни ҳаётнинг маъноси, инсон фаолиятининг якуний мақсади ва эътироф этилиши; 3) лингвистикада табиий тиллар ва уларнинг унсурларини баҳолаш тизимини ўрганувчи тил социологиясининг қисми.

**АКТУАЛИЗАЦИЯ** — имконият ҳолатидан амалдаги ҳолатга ўтиш; ниманидир амалга ошиши.

**АЛГОРИТМ** (лот. *algorithmi, algorismus* — буюк ўзбек математик олими Ал Хоразмийнинг лотинча талаффуздаги исмидан) — 1) математикада ҳисоблаш операцияларини тадрижий ўтказилишини белгиловчи қоидалар мажмуи, изланаётган натижани топиш тартиби; 2) исталаётган натижага қисқа йўл билан олиб келувчи мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракатларни энг мақсадга мувофиқ тарзда бажарилиши тўғрисидаги аниқ башорат.

**АЛИФБО** — муайян тил ёзувига қабул қилинган ва мазкур тил учун хос бўлган ўқилиш тартибида жойлаштирилган ҳарфлар мажмуи.

**АЛИФБОЛИ КЎРСАТКИЧ** — ҳужжатлар сарлавҳаси контекстида мавжуд бўлган таянч сўзларнинг алифбо тартибида берилган кўрсаткичи. Бу таянч сўзлардан рукн сифатида фойдаланилади ва аввалги ҳамда кейинги микроконтекст билан бирга берилади, шу йўл билан ҳар бир рукн аниқланади.

**АЛИФБОЛИ КАТАЛОГ** — каталог, бунда босма асар тавсифи муаллифларнинг алифбо тартибидаги фамилиялари, шунингдек, 3 дан ортиқ муаллифга тааллуқли ёки муаллифи кўрсатилмай нашр этилган асарларнинг сарлавҳаси алифбо тартибида (уларнинг мазмунидан қатъий назар) жойлаштирилади. Кутубхона ёки ахборотлар идорасининг асосий маълумотнома-библиография воситаларидан бири. Унинг ёрдамида китобхон бирор муаллифнинг асарини топиши, китоб

сақланадиган хонадаги ўзини қизиқтираётган унинг китоби шифрини аниқлаши ва унга буюртма бериши мумкин.

**АЛИФБОЛИ СОҶАВИЙ КЎРСАТКИЧ** — кўплаб сўз, сўз бирикмалари ва ибораларнинг алифбо бўйича тартиб берилган кўрсаткичи, унда фан ёки амалий фаолиятнинг бирор тармоғидаги соҳаси белгиланган бўлади.

**АЛОҲИДА ПРОГРАММАЛАР** — танланган таълим соҳаси бўйича узоқ муддатли иш тажрибасига эга шахсларга мўлжалланган олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги таълим курси давомийлиги бўйича қисқартирилган программалар. Одатда, сиртқи шаклдаги таълимда амалга оширилади. Программани тузишда қуйидагилар ҳисобга олинади: ўқувчиларнинг умумий маълумот даражаси; улар касбий тажрибаси мазмуни; касб-ҳунар таълими тизимида эгаллаган билим ва укувлари.

**АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ ЎҚУВЧИЛАР ТАЪЛИМИ** — унинг мақсади таълимий фаолият ва кўллаб-қувватлаш бўлиб, махсус таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Термин ХТСТда аввал фойдаланилган «махсус таълим» термини ўрнига киритилган. Аввалги терминдан фарқ қилиб, асосан, анъанавий мактаб ёки университет тизимидан четда бўлган махсус мактаблар ёки таълим муассасаларида жисмоний ёки ақлий жиҳатдан камчилиги бўлган болаларни ўқитишни ифода этган. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда жисмоний ёки ақлий жиҳатдан камчиликка эга болаларнинг кўпчилиги анъанавий тизимга кирувчи таълим муассасаларида ўқитилмоқда. Бундан ташқари «таълимдаги алоҳида эҳтиёжли болалар» концепцияси жисмоний, ақлий камчилиги бўлган болалар доирасидан четга чиқади ва турли сабабларга кўра мактабни тугатолмай қолганларга ҳам тааллуқлидир.

**АЛЬМА-МАТЕР** (лот. *alma mater* — боқувчи она) — талабалар ўз университетларини қадимда шундай атаганлар. (Маънавий озик берувчи таълим муассасаси боқувчи онага қийёсланган.)

**АЛЬМАНАХ** — турли муаллифларнинг мавзу, жанр, гоҳрий, сийсий ёки қандайдир бошқа белгилари бўйича бирлаштирилган адабий асарларининг даврий бўлмаган ёки давом этувчи тўплами.

**АЛЬТЕРНАТИВА** (фр. alternative, лот. alter дан — иккисидан бири), **МУҚОБИЛЛИК** — 1) ҳаракат қилишнинг тавсия этилаётган талқинлари 2 ёки ундан ортиқ мумкин бўлган (ёки бир-бирини рад этувчилар)дан бирини танлаш зарурлиги ёки мумкинлиги ва ҳ.к.; 2) ҳаракатнинг энг яхши усулини танлаш мақсадида бошқа бири билан қиёсланаётган педагогик ечимларнинг мумкин бўлган талқинларидан бири.

**АЛЬТРУИЗМ** (фр. altruisme, лот. alter дан — бошқа) — ўзгаларнинг фаровонлиги ҳақида гаразсиз гамхўрлик, бошқалар учун ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёрликдан иборат ахлоқий тамойил. Бунинг акси *худбинлик (эгоизм)*.

**АМАЛИЁТ** — 1) инсоният жамияти ва онги мавжуд бўлиши ҳамда ривожланиши учун зарур шароитни яратишни таъминлайдиган объектив борлиқни ўзлаштириш, уни қайта тузишга йўналтирилган кишиларнинг моддий фаолияти. Амалиёт — билимнинг чинлик мезони; 2) тажриба, ўқувнинг асоси сифатидаги ихтисослик бўйича иш, машғулот.

**АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА** — 1) ўқув қўлланмаси, ўтилганларни мустаҳкамлаш, билимларни ўзлаштириш ва текширишга кўмаклашувчи амалий машқ ҳамда машғулотларни ўз ичига олади; 2) бирор ўқув фани бўйича амалий машғулот тури; лаборатория амалиёт ишларининг бир тури; ускунанинг ишлаши, созланиши, ишга туширилиши, бошқарилиш тамойиллари ва тузилишини амалда ўрганиш мақсадида ўтказилади.

**АМАЛИЙ ПРОГРАММАЛАР ТЎПЛАМИ** — муайян вазифаларни бажариш учун программалар кичик программалар мужассамаси ва улар билан боғлиқ ЭҲМ ҳужжатлари.

**АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ** — кундалик ҳаётнинг турли соҳаларида назарий ва экспериментал психология тадқиқотлари натижаларининг тадбиқ этилиши; ақлий қобилиятни текшириш ва экспериментал педагогикада, психотехникада, суд психологиясида, психотерапияда тасаввур этиш бўйича тадқиқотлар ўтказишда ана шу натижалардан фойдаланиш, шунингдек, кузатишнинг психологик усулларидан у ёки бу ҳодисани тушуниш ва тушунтириш мақсадида фойдаланиш.

**АМАЛИЙ РАҲБАРЛИК** — тавсифий эмпирик тарздаги ва ўз малакасини оширишни хоҳловчи мутахассислар, бирор касб ёки иш бўйича малакани мустақил эгаллашга интилувчи шахс учун муължалланган материаллардан иборат ишлаб чиқариш наشري.

**АМАЛИЙ ТАЙЁРГАРЛИК** — ишлаб чиқариш (касбий) амалиётни ўташ жараёнида амалий малакалар олишга йўналтирилган фаолият, лаборатория ишларини, амалий машқларни, курс лойиҳалари ва ишларини бажариш.

**АМАЛИЙ ТАЪЛИМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ** — касб-хунар таълими муассасасидаги педагогик жараённинг асосий қисми, унинг асосий мақсади бўлиб, ўқувчиларда муайян соҳага оид касбий маҳорат асосларини шакллантириш ҳисобланади.

**АМОРАЛИЗМ** (юн. а — инкор қўшимчаси ва лот. *moralis* — ахлоқий) — ахлоқ ва жамиятда ўзини тутишликнинг умумқабул қилинган меъёрлари талабларига фарқсизлик.

**АНАЛИТИК ШАРҲ** — муайян вақт оралиғидаги масаланинг ҳолатига аналитик баҳо бериладиган шарҳ. Таҳлил этилаётган материалларнинг далилланган тавсифидан иборат бўлади, унда асосланган амалий тавсиялар берилади. Илмий тадқиқот ишининг бир қисми сифатида қаралади.

**АНАЛОГИЯ** (юн. *analogia* — мувофиқлик) — 1) умуман турлича бўлган нарсалар, ҳодисалар ёки тушунчалар ўртасидаги бирон бир муносабатнинг ўхшашлиги, айнийлиги; 2) хулосалаш шакли, бунда икки нарса ёки ҳодисанинг қандайдир муносабатларда ўхшашлиги асосида уларнинг бошқа муносабатлардаги ўхшашлиги ҳақидаги хулоса чиқарилади. Тадқиқот учун мумкин бўлган ёки кам ўрганилган бирон бир объектни бошқа объект (нарса, ҳодиса, жараён)га ўтишини кўриб чиқиш натижасида олинган билим. Исботлашнинг қатъий усули ҳисобланмайди, чунки ўрганилаётган объект, жараён, ҳодисалар ўртасидаги қисман ўхшашлик асосида хулоса чиқарилади; 3) *лингвистикада*, грамматик шаклларни грамматик тизимдаги мазкур шакллар билан боғлиқ бошқа шакл намунаси бўйича баён қилиш. Масалан, «ишчан» шакли «уятчан» шакли асосида ясалган.

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Фарғона давлат педагогика институти факультети (1931),

Ўқитувчилар институти (1939) негизда ташкил этилган. Университетда 7 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, касб-ҳунар таълими (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбиявий иш услубияти, педагогика ва психология, ўзбек филологияси, тарих, ҳуқуқ, иқтисодиёт, биология, физика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, экология ва табиатдан фойдаланиш.

**АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ** — 1995 йилда ташкил этилди. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: менежмент, иқтисодиёт, иқтисодиётда ахборот тизимлари, молия, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси, технологик машина ва ускуналар, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, транспорт воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси, касбий-педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа). Институт таркибида 1999 йилдан буён кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ишлаб турибди.

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номидаги Андижон давлат тиллар педагогика институти 1966 йилда ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатмоқда. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: чет тили — инглиз, немис, француз тиллари, таржимон (тиллар бўйича), рус тили ва адабиёти. Институт қошида хорижий тиллар лицейи ҳамда тил маркази ишлаб турибди.

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ** — Фарғона водийсидаги йирик тиббий таълим муассасаси. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: даволаш иши (умумамалий шифокор), педиатрлик иши (умумамалий педиатр). Институт қошида лицей-интернат (1994) мавжуд.

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ** — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Андижон вилояти Қуйганёр

қишлоғидаги филиали негизида Андижон пахтачилик институти (1964) ташкил этилган. Сўнг Андижон қишлоқ хўжалик институтига айлантирилган. Институтда 2 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: иқтисодиёт, агрономия, мева сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехния, агроинженерия, касбий-педагогик тайёргарлик (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги). 1995 йилда институт қошида лицей-интернат ташкил этилган.

**АНЖУМАН, ФОРУМ** (лот. forum) — 1) форум қадимги Римдаги майдон номидан, бу жойда халқ йиғинлари бўлиб ўтган, ярмарка ташкил қилинган ва суд иш кўрган; 2) кенг доирадаги вакиллар йиғини, қурултой (ёшлар анжумани); “эксперт гуруҳининг йиғилиши”га ўхшаш ўқув мунозараси, муҳокамаси (қ. *Эксперт гуруҳининг йиғилиши*). Бу йиғин мобайнида гуруҳ “аудитория” билан фикр алмашишни амалга оширади.

**АНИҚ ВАЗИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ, ВАЗИЯТЛИ ҲАМДА ҲАЛЛАШТИРИШ** — мавжуд ёки юзага келтирилган вазиятни чуқур ва атрафлича тадқиқ этишни ўқув жараёнига қўшиш усули, бу унинг хусусий ва/ёки умумий муҳим хусусиятларини аниқлаш учун амалга оширилади. Бу ўқувчилар аналитик фикрлашини ривожлантиради, муаммоларни ҳал этишга тизимли ёндашишларига ёрдамлашади, тўғри ва хато ечимларнинг талқинларини белгилашга ва самарали ечимни топиш мезонларини танлашга имкон беради. Ушбу усул 20- асрнинг 80- йилларида Гарвардда ишлаб чиқилган ҳамда бизнес мактабларда қўлланган. Ҳозир касб-хунар таълими (менежмент бўйича ўқитишда) ва бошқа соҳалар тизимида ундан кенг фойдаланилади.

**АНИҚЛАШ ШКАЛАСИ** — индивидларнинг катталиги, жадаллилиги ва барқарорлиги бўйича ўрганилаётган ҳодисага муносабатини қиёслашга имкон берадиган усул. Ўлчаш объекти бўлиб, инсонларнинг шахсий сифатлари ҳисобланади. Муайян ҳодисага субъектнинг эҳтимолий муносабатлари бугун кўламини ифода этувчи шундай мулоҳазаларни тўплаш билан боғли аниқлаш шкалаларини тузиш. Баҳолар шкаласи бўйича ҳар бир мулоҳаза экспертлар томонидан баҳоланади ва ўртача бал чиқарилади, лекин аниқлаш шкаласига шундай мулоҳазалар кирадики, булар энг юқори баҳога эга бўлади. Бу мулоҳазалар билан аниқловини ўрганиш кўзда тутилган шахслар таништирилади; индивид қандай



мулоҳазани танлашига мувофиқ унга баллар йиғиндиси берилади, бу мазкур аниқлов бўйича унинг баллари ҳисобланади.

**АНИМАЦИЯВИЙ** (лот. animatus — жонли, тирик) — кўп миқдордаги бирин-кетин бўлган расмларни суратга олиш асосида ҳаракат, жонлилиқни акс эттириш билан боғлиқ; айти мультпликация (филмларга оид).

**АНКЕТА** (фр. enquete), **СЎРОВНОМА** — 1) тадқиқотчилар, аналитиклар томонидан тузиладиган саволлар рўйхатидан иборат сўровнома варағи, унга берилган жавоблар ижтимоий, иқтисодий тадқиқотлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганишга имкон беради; 2) *педагогикада*, сўров варағи сўралаётганлар томонидан унда кўрсатилган қоидалар бўйича тўлдирилади. Сўровномадаги саволлар мазмунига кўра (далиллар, хатти-ҳаракатлар, баҳолар, индивидларнинг мулоҳазалари ва б.) ҳамда шакли (очиқ — жавобнинг шакл ва мазмуни чеклаб қўйилмаганлиги ва яширин — муқобил, яъни жавоб берувчи таклиф этилаётган бир неча саволларни ёки биттасини танлаши — «ёки — ёки» тамойили) бўйича фарқланади.

**АНКЕТАЛАШТИРИШ** — 1) *анкеталар* ёрдамида ижтимоий, иқтисодий, демографик ва бошқа тадқиқотларда дастлабки материалларни йиғиш жараёни; 2) *педагогикада*, сўровга асосланган ва бирор педагогик ҳодисанинг намунавийлиги ҳақида маълумот олиш учун фойдаланиладиган тажрибавий тадқиқот усули (масалан, ўқув-тарбия жараёни, таълим усулларининг айрим томонлари ҳақидаги ўқувчилар ва ўқитувчилар турли гуруҳларининг фикри). Тадқиқ этилётган муаммо бошқа усулда ўрганилиши қийин бўлган ҳолларда анкеталаштириш усулидан фойдаланилади. Анкеталаштиришнинг илмий қиммати тадқиқотнинг назарий асоси, бошланғич фаразнинг тавсифи, тадқиқот мақсадларига боғлиқ. Анкеталаштириш туфайли олинган маълумот бошқа манба — ҳужжатларнинг таҳлили, интервью, кузатиш ва ҳ.к.лардан олинган маълумотлар қиёсланади.

**АННОТАЦИЯ** (лот. annotatio — изоҳ, қайд) — нашрнинг маъноси нуқтаи назаридан, мақсади, шакли ва бошқа ўзига хос жиҳатлари бўйича қисқача тавсифи. Аннотация, шунингдек, муаллиф ҳақидаги маълумотни ҳам ўз ичига олади, қоидага кўра тавсифий тусда бўлади, ахборот идоралари ва кутубхона

ходимлари томонидан нашр маҳсулотини реклама қилиш ва тарғиб этиш учун фойдаланилади. Аннотация китоблар, брошюралар ва бошқа нашрларда бўлади. Аннотациянинг ўртача ҳажми 500 босма белги; кўпи билан 600.

**АНОМАЛИ** (юн. *anomalia anomalos* дан — нотўғри) — 1) умум қабул қилинган меъёрлар ёки қонуниятлардан четга чиқиш, ривожланишнинг нотўғрилиги; 2) *биологияда*, одатдаги кузатилаётган ва қонуний бўлган кўрсаткичлардан организм тузилиши ёки функциясининг четга чиқиши, қоидага кўра, эмбрион ривожланишидаги нотўғриликлар туфайли юз беради.

**АНОМАЛИ ҲИТИЛУВЧИЛАР** — жисмоний ёки руҳий соғломлик ҳолатида намоён бўладиган меъёрлардан четга чиққан шахслар, ақлий ривожланиш даражаси, ижтимоий таъриба жараёнида орттирилган салбий шахсий сифатлар, шу жумладан, ўқув жараёнидаги; алоҳида ёндашиш, программалар бўйича ўқитиш ва таълим шароитларини талаб этади.

**АНЪАНА** — 1) тарихан шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтадиган урф-одат, тартиб, ҳуқ-атвор қоидаси; маданий ҳаёт аънанага асосланади; 2) урф-одат, ҳуқ-атвор, турмушдаги белгиланган тартиб.

**АНЪАНАВИЙ ҲИТИШ** — педагогнинг иши аввало ўқувчиларга тайёр тарзда бериладиган ва ўзлаштирганларни қайта тиклаш учун мўлжалланган билимлар ва ҳаракат усуллари маълум қилишга қаратилган ўқитув; педагог ўқув жараёнида ташаббус кўрсатувчи ягона шахс ҳисобланади. Аънаnavий ўқитиш нисбатан репродуктив тавсифга эга.

**АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ** — 5-7 ёшдан 20-25 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар учун тўлиқ юкламали таълимнинг узлуксиз «пиллапоя»га тизилган мактаб, коллеж, университет ва б. таълим муассасалари тизимида бериладиган таълим. Баъзи мамлакатларда «пиллапоя»нинг юқори поғонасида ишлаб чиқаришда қисман банд бўлишни юкламаси тўлиқ бўлмаган ўқитиш билан қўшиб олиб борадиган ташкиллаштирилган программалар «пиллапоя»си мавжуд (қ. *Таълимнинг дуалистик тизими*).

**АПЕЛЛЯЦИЯ** (лот. *appellatio* — муурожаат, шикоят), **ДАЪВО АРИЗАСИ** — 1) суд қарори устидан шикоят этиш шаклларида бири; юқори суд идорасига шикоят, унда қуйи суд идорасининг нотўғри ёки адолатсиз қарорини тўғрилаш ҳақидаги тавсиянома асоси баён этилади; 2) маслаҳат, қўллаб-қувватлашни сўраб муурожаат қилиш, масалан, жамоатчилик фикрига; танлов натижаси ёки кириш имтиҳони баҳосини қайта кўриб чиқишни илтимос қилиб берилган ариза.

**АПРИОРИ** (лот. *priori* — олдин келувчи) — мантиқий-фалсафий тушунча, бунда тажрибадан олдинги ва ундан мустақил билим назарда тутилади (акси *апостериори*). Тўғрилигини тажриба билан исботлаш ёки рад этиш мумкин бўлмаган қарашлар априор ҳисобланади; априор ҳолат — фаннинг бошланғич қоидалари.

**АПРОБАЦИЯ** (лот. *approbatio*) — назарий тузилган усуллар, ҳисоб-китоблар, чизмалар, педагогик жараёнларнинг моделларини амалда, аниқ шароитларда текшириш.

**АРГУМЕНТ** (лот. *argumentum* — важ) — исботлашнинг сезиларли даражада ишончилигини белгилувчи унсури; исботлашга асос бўлиб хизмат қилувчи мантиқий далил. Исботлашнинг асоси сифатида қараладиган аргументларнинг кўпроқ учрайдиган (одатий) турлари; а) илгари исботланган қоидалар; б) исботланган (бевосита қабул қилинган, эксперимент вақтида кузатиш йўли билан қайд этилган) далиллар ҳақидаги мулоҳаза; в) аксиомалар; г) ечимлар.

**АСЛ НУСХА** — 1) қўлёзма, асарнинг ҳақиқий (кўчирмасидан фарқли) нусхаси; 2) қўлёзма; 3) бошқа тилга таржима қилиш учун асос ҳисобланувчи матн; 4) бошқаларга ўхшамайдиган ғайритабиий инсон.

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ПУТУРДАН КЕТИШИ, ПУТУРДАН КЕТИШ** — асосий воситаларнинг техникавий-технологик кўрсаткичлари анча устун бўлган жаҳон мезонлари даражасидан анча орқада қолиши муносабати билан эскириши ва қадрсизланиши.

**АСОСИЙ КАСБИЙ ПРОГРАММА МАЗМУНИНИНГ МАЖБУРИЙ МИНИМУМИ** — тегишли давлат стандартларида белгиланган муайян касб, ихтисослик бўйича таълим мазмунининг минимуми.

**АСОСИЙ УМУМТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИ МАЗМУНИНИНГ МАЖБУРИЙ МИНИМУМИ** — таълим мазмунининг минимуми, бу тегишли давлат стандартларига мувофиқ белгиланади.

**АСПЕКТ** (лот. *aspektus* — қараш, кўриниш) — қараш, нуқтаи назар; қандайдир ҳодиса, тушунча, истиқбол унга мувофиқ кўриб чиқилади.

**АСПИРАНТ** (лот. *aspirans* — нимагадир интилувчи) — олий таълим берувчи таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларидаги педагогик ва илмий фаолиятга тайёрланаётган шахс.

**АСПИРАНТУРА** — олий таълим берувчи таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари учун илмий педагог ва илмий кадрларни режа асосида тайёрлаш шакли. Аспирантура юқори малакали илмий кадрлар билан таъминланган таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида ташкил этилади ҳамда тегишли илмий тадқиқот негизига эга бўлади. Аспирантлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи шаклларда амалга оширилади.

**АССИСТЕНТ** (лот. *assistens* — қатнашаётган, ёрдамлашаётган) — ўқитувчилик, режиссёрлик ва бошқа ижодий фаолиятдаги ёрдамчи. Олий маълумот берувчи таълим муассасаларида ассистент профессор ёки доцент раҳбарлиги остида талабалар билан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиши ҳамда кафедранинг илмий тадқиқот, методик ишларида қатнашади.

**АССОЦИАЦИЯ** (лот. *associatio* — бирлашма) — 1) бирлашмага аъзо бўлиб қирувчиларнинг мустақилликлари сақланган ҳолда умумий хўжалик, сиёсий, илмий, маданий ёки қандайдир бошқа мақсадга эришиш учун ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятида жисмоний ва/ёки юридик шахсларнинг кўнгилли уюшмаси; 2) *психологияда*, аввалги тажриба билан асосланган тасаввурларнинг боғланганлиги, шу туфайли онда пайдо бўлган битта тасаввур ўхшашлиги,

қўшилганлиги ёки қарама-қаршилиги бўйича бошқасини юзага келтиради (ғоялар қўшилуви).

**АТАМА, ТЕРМИН** (лот. terminus — ҳад, чегара) — атама кенг маънода; махсус, асосан илмий-техникавий соҳада қўлланадиган сўз ёки бирикмалар, булар фан, техника, санъатга оид тушунчаларни ифодалайди.

**АТТЕСТАЦИЯ** (лот. attestatio — шаҳодатлов) — 1) ходимнинг эғалаб турган лавозими, у даъво этаётган ўринга билим, малакаси даражасининг мувофиқ эканлигини ваколатли идора томонидан белгиланиши, аниқланиши; ходимга унинг малакасига мувофиқ ҳақ тўлаш тоифасини белгилаш; 2) ходимнинг ишга қобиллик сифатлари ва билимлари ҳақидаги хулоса, тақриз.

**АУДИО КАССЕТА** (лот. audire — эшитмоқ ва инг. cassette — кассета, кутгича, филмлар учун кўти) — пластмассадан қилинган ясси кутгича, магнит тасмасига эга бўлади, садоланаётган матн ёки мусиқани ёзиб олиш ва қайта кўйиш учун магнитофонда фойдаланилади.

**АУДИО-ВИДЕО МАТЕРИАЛ** — овоз, тасвирий ёки тасвирий овозли ахборотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар, булар техникавий воситалар ёрдамида намоён этилади. Кинофотофоно ҳужжатлар (кинофилмлар, диафилмлар, диопозитивлар, магнитли овоз ёзувлари, грампластинкалар), магнитофилмлар, видеоёзувлар, голограммалар ва б., шунингдек, мазкур ҳужжатларнинг бир-бири ёки нашр маҳсулоти билан уйғунлаштирилиши аудио-видео материаллар ҳисобланади.

**АУДИТОРИЯ** (лот. auditorium) — 1) хона, унда маъруза, нутқлар қилинади, семинарлар ва б. ўтказилади; 2) маъруза, нутқ ва ҳ.к.ларни эшитувчилар, шунингдек, радио эшиттириш ва телекўрсатувларни тингловчилар ҳамда томоша қилувчилар.

**АУДИТОРИЯ ТАҲЛИЛИ** — тингловчилар ёки радио ва телевидение ўқув программаларини эшитувчи ҳамда кўрувчиларнинг аниқ ёки мумкин бўлган мажмуини мунтазам ўрганиш. Бу уларнинг таълимдаги ва ижтимоий-иқтисодий мавқеи, яшаш географияси, ўқув соҳасида улар нимани маъқул кўришлари ва бўш вақтни қандай ўтказишлари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида амалга оширилади.

**АУДИТОРИЯ ЭШИТТИРУВИ** — овозли матнларни ўқув мақсадларида уларнинг мазмунини эшитиб қабул қилиш ва тушунишни машқ қилиш учун тинглаш.

**АУТОТРЕНИНГ** (юн. autos — ўзи ва инг. training — машқ) — 1) психотерапия усули, ўз-ўзини ишонтириш ёрдамида инсон ўз жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир этиши; 2) ўз жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир этиш усуллариининг мажмуи.

**АХБОРОТ МУҲОФАЗАСИ** — давлат ва тижорат сирларини сақлаш мақсадларида ҳужжатлар айланиши хавфсиз ҳимояланишига эришиш учун йўналтирилган тадбирлар тизими. Натижага эришиш учун тартиб талабларига амал қилинади, мураккаб, одатда, электрон қурилмалар ишлатилади; компьютерлар ва тармоқлардаги ахборотлар — программавий-техникавий ечимлар қўлланади, шу жумладан, криптографиядан фойдаланилади.

**АХБОРОТ ТАРҚАТИШ** — информация хизматининг иш тартиби, бунда фойдаланувчилар мунтазам равишда муайян вақт мобайнида олинган янги ахборотлар ҳақида огоҳлантирилади.

**АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ** — конституциявий ҳуқуқда ҳуқуқ ва эркинликлар бутун бир гуруҳини ўз ичига олувчи тушунча: сўз эркинлиги (ўз фикрини баён этиш эркинлиги); матбуот ва оммавий ахборот бошқа воситалари эркинлиги; ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни олишга бўлган ҳуқуқ; ҳар қандай қонуний йўл билан ахборотни эркин тарқатиш. Конституцияда бир қатор кафолатлар ва шу билан бирга ахборотнинг эркинлигини чекловлар мавжуд. Энг муҳим кафолатлар: назоратни таъқиқлаш, ўз фикри ва эътиқодини ифода этишга мажбурловни таъқиқлаш, шунингдек, уларни рад этишга мажбурловни ҳам таъқиқлаш. Асосий чеклов бўлиб, ижтимоий, миллий, ирқий, диний нафратни ва душманликни кўзғовчи ҳар қандай тарғиб ва ташвиқ, шунингдек, ижтимоий, ирқий, миллий, диний ёки тил бўйича устунликни тарғиб қилишни таъқиқлаш ҳисобланади.

**АХБОРОТЛАРНИ ИШЛАШ ТИЗИМИ** — таҳлил, назорат, режалаштириш бошқариш учун зарур бошланғич кўрсаткичлар мажмуини олиш учун ахборотлар бошланғич жамғармаси асо-

сида имкон берувчи ахборотларни олиш ва қайта ишлаш воситалари ва усулларининг мажмуи.

**АХБОРОТНИ САҚЛАШ** — инсон озми-кўпми вақт мобайнида мияда сақлашидан иборат бўлган хотирлаш жараёни. Сақлаш динамик ва статистик бўлиши мумкин; динамик сақлаш оператив хотирада намоён бўлади, статистик эса узоқ муддатлида. Динамик сақлашда материал кам ўзгаради, статистикда эса, аксинча, бу албатта ўзгаришга, қайта ишлашга учрайди. Узоқ муддатли хотирада сақланаётган материалнинг қайта ўзгартириш янгидан узлуксиз келиб турган ахборотнинг таъсири остида юз беради. Қайта ўзгартириш турли шаклларда намоён бўлади: баъзи қисмларнинг ғойиб бўлиши ва бошқа қисмлар билан алмашиши, материал тадрижийлигининг ўзгариши, уни умумлаштиришда кўринади. Буларнинг барчаси қайта тикланганда аён бўлади. Масалан, ўқувчи ўқув материални ўзи ўрганганидан бошқача кетма-кетликда эслаб қолади, деталларини эътибордан четда қолдиради, нимадир янгисини кўшади, умумлаштиради. Умумлаштириш ўрганилаётган материални идрок этишнинг анча юқори босқичини тавсифлайди. Ахборотнинг сақланиши ва кўринишининг ўзгариши фақат хотирани қуйидаги икки жараёни билан — *пайқаш* ва *қайта тиклаш* билан баҳоланиши мумкин.

**АХБОРОТНИНГ ВАЛИДЛИГИ** — ахборотнинг ишончилиги, тадқиқот методикасини ишлаб чиқишда бошланғич назарий фикрларни белгилаш билан боғлиқ хатоликларнинг йўқлиги. Термин бошланғич статистик ахборотга тадбиқан иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотларда фойдаланилади; *педагогикада*, бу — тест, сўровнома сифатининг асосий мезонларидан бири.

**АХЛОҚ ТАЪЛИМИ** — муайян жамиятдаги ахлоқ асосий меъёр ва қоидаларини ўзлаштириш, уларнинг назарий ва амалий асосланганлиги.

**АХЛОҚ, МАЪНАВИЯТ** — кишиларнинг жамиятга ва бошқаларга нисбатан ҳуқ-атворлари меъёр ва тамойилларининг мажмуи. Ахлоқ индивидуал микрооламнинг таркибий қисми; у шахс учун олам манзарасини белгиловчи нуқталардан бири. Ахлоқнинг мазмуни ҳам вақт ўтиши билан ўзгаради ва турли халқлар ҳамда аҳоли қатламларида ҳар хил намоён бўлади. Ахлоқдаги асосий муаммо бўлиб «нима одоб доираси-

да», нима кишиларнинг биргаликда яшашини таъмин этади деган саволлар ҳисобланади, бунда ҳар бир шахс ижтимоий қадриятларни амалга ошириш фойдасига (бошқа шахслар ҳуқуқини тан олиш, адолатлилик, садоқатлилик, сабртоқатлилик, мулойимлик ва ҳ.к.) ҳаётий қадрият (озик-овқат истеъмол қилиш, шаҳвоний ҳирсни қондириш, ўзини кўрсатишга интилиш ва ўзиники қилиб олиш)ларни тўлиқ амалга оширишни рад этади. Барча халқлардаги ва барча замонлардаги ҳукмрон ахлоққа ижтимоий қадриятлардан ташқари дин тарафидан хуш ахлоқ сифатида қараладиган (яқинларга муҳаббат, саҳоватлилик, меҳмондўстлик, ажодларни ҳурматлаб ёдга олиш, ибодатларни бажариш)лар ҳам киряди. Ахлоқнинг моҳияти энг қадимий ахлоқ тўғрисидаги ўғитлардан бири — «олтин қоида»да ўз ифодасини топган: «сен ўзингга бошқалар қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг бошқаларга ҳам худди шундай муносабатда бўл».

**АҚЛ** — инсоннинг идрок этиш имкониятларининг умумлашган тавсифи; анча тор маънода — инсон фикрлаш қобилиятининг индивидуал-психологик тавсифи (тезлик, аниқлик, мослашувчанлик, чуқурлик, танқидийлик).

**АҚЛ ТРЕСТИ** — йирик раҳбар ҳузурида ижтимоий ташкиллаштирилган муассасада жамланган юқори малакали, чуқур фикрловчи мутахассислар гуруҳи.

**АҚЛИЙ ЖИХАТДАН ЗАИФ** — умумий ақлий ривожланиши ўртача даражадан сезиларли паст бўлган, акс эттириш қобилияти сустлашган шахс, булар умумий ривожланиш учун тўсқинлик қилади. Ақлий ривожланишдан бир оз, ўртача, анча ва ҳаддан ташқари орқада қолган шахслар бир-биридан фарқланади.

**АҚЛИЙ ЖИХАТДАН ОРҚАДА ҚОЛИШ** — умумий интеллектуал етишмовчилик, бу ривожланиш даврида юзага келади ва ҳаётга муносабатда бўлиш қобилиятининг пасайишида аёнлашади. Умумий ривожланишнинг сусайганлиги, ўқишга қобилиятнинг чекланганлиги ва/ёки етарлича ижтимоий мослашмаганликда намён бўлади, шу билан бирга бу белгилар алоҳида ёки турли тарзда уйғунлашган ҳолда юзага чиқиши мумкин.



**АҚЛИЙ МАДАНИЯТ** — фикрлашнинг муайян тарзи, ўзининг ақлий қобилиятини касбий фаолиятга мантиқан қўшиш укуви.

**АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ** — билимлар, укувлар мажмуи ва уларни ўзлаштиришда шаклланган ақлий ҳаракатлар; янги билимлар ва укувларни муайян ҳажмда тафаккур жараёнларида улардан эркин фойдаланиш. Ақлий ривожланишнинг мавжуд бўлган даражаси, бу индивиднинг идрок этиши ва ижодий имкониятларининг ҳолати. Ақлий ривожланиш даражаси тўғрисидаги ахборот ёки узоқ психологик-педагогик кузатиш йўли билан, ёки махсус методика (турли хил *тестлар*) ёрдамида диагностик синов ўтказиш йўли билан олиниши мумкин.

**АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ** — қ. *Интеллект коэффицент*.

**АҚЛИЙ ТАРБИЯ** — билимлар, укувлар, малакалар ва дунёқараш асосларини шакллантириш, ақлий меҳнат тафаккури ва маданиятини ривожлантириш. Ақлий тарбиянинг мазмуни табиат ва жамият ҳақидаги, замонавий ишлаб чиқариш ҳақидаги, ташаббускорлик, ишбилармонлик, вазифаларни мустақил бажариш лаёқатини шакллантириш ҳақидаги асосий билимларни ўз ичига олади.

**“АҚЛЛАРНИНГ КЕТИБ ҚОЛИШИ”, БРЕЙН-ДРЕЙН** — ақлий меҳнат кишиларининг (юқори малакали мутахассислар, олимларнинг) ўз яшаб турган муҳитларидан бошқа ижтимоий-маданий муҳитга кўчиш тўғрисидаги қарорлари билан боғли миграция хатти-ҳаракати шаклларида бири. “Ақлларнинг кетиб қолиши” ҳодисаси ижодий ўз-ўзини намоён этишдан ва янги ижтимоий-маданий муҳитда ўз кутганларига эришиши мумкинлиги билан асосланиши мумкин. “Ақлларнинг кетиб қолиши” термини Британия қироллик жамиятидаги (1962) докладда биринчи мартда қўлланилган ва инглиз олимлари ҳамда муҳандис-техник мутахассисларининг АҚШга эмиграцияси ҳодисасига тааллуқли бўлган. Кейинчалик бу термин ривожланаётган ва парчаланган социалистик тизимдаги мамлакатлардан жаҳоннинг ривожланган давлатларига юқори малакали мутахассисларнинг эмиграцияси ижтимоий ва психологик сабабларини ўрганишда кенг қўлланила бошлади.

## Б

**БАДИЙЙ МАКТАБЛАР** — турли ёшдаги болаларда тасвирий санъатга ёш билан боғлиқ бўлган лаёқатни, мазкур соҳадаги касбий фаолиятга тайёрлаш учун аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган мактабдан ташқари таълим муассасалари.

**БАДИЙЙ ТАРБИЯ** — санъатни тасаввур этиш, ҳис этиш, севиш, баҳолаш қобилиятини шакллантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган жараёни, у билан лаззатланиш ва бадий қимматдорликлар бунёд этиш, санъатнинг турли соҳаларида қобилият ва иқтидорни ривожлантириш.

**БАДИЙЙ ТАЪЛИМ** — санъатшунослик билимлари, уқувлари, малакалари мажмуини ўзлаштириш жараёни, образли фикрлашни шакллантириш.

**БАЁН** — шарҳ, талқин; педагогика фани ва халқ таълимининг аҳволи, йўналишлари ва истиқболдаги ривожланиши ҳақидаги тизимлаштирилган маълумотлар ва илмий умумлашмалар. У ўз ичига тавсиф, таҳлил, баҳолаш ва умумлашмани олади, ривожланиш истиқболлари ва йўналишларини белгилайди. Аниқ таклиф ва тавсиялардан иборат бўлади. Баённинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳужжатларда бевосита бўлмаган хулосаларни олиш ҳисобланади. Баённинг тузилиши унинг қандай мақсадга қаратилганлигига боғлиқ ва сарлавҳа, реферат (аннотация), кириш, асосий аналитик қисм, хулосалар ва тавсиялар, адабиётлар рўйхати, мундарижани ўз ичига олади. Ахборот баёни аниқ ва қисқа бўлиши, муайян мавзу бўйича манбаларни тўла қамраб олиши, мунтазамлик тавсифига эга бўлиши, ишончли, оператив бўлиши, иштибоҳлар олинган ёки фойдаланилган манбаларга ҳаволалар аниқ бўлиши керак. Баённинг ҳажми уч босма табоқдан ортиқ бўлмайди. Ахборотнинг тавсифига боғлиқ тарзда аналитик, библиографик ва рефератив баёнлар фарқланади.

**БАЁН ТАРЗИДАГИ АХБОРОТНОМА НАШРЛАР** — бир ёки бир неча баёндан иборат нашр, бир неча манбаларни таҳлил қилиш асосида тузилади. Олимлар ва танқидчиларга бошланғич манбалар ҳақида тизимли ва умумлашган маълумотларни беради, масаланинг қай аҳволдалигини ёки педагогик муаммони яхши тасаввур этишга ёрдам беради.

**БАЖАРИШ ТЕСТЛАРИ** — у ёки бу вазифани ёхуд вазифалар мажмуини бажаришда қутилган натижаларга эришишнинг ўзига хос томонларини аниқловчи тестлар

**БАЙТ** (инг. bite) — саккиз битга тенг ахборотлар миқдорининг ўлчов бирлиги; бир бутун яхлитлик сифатида ишлаб чиқилади. Байт символ (литер), командадан иборат бўлиши мумкин ёки бир неча байтлардан иборат машина сўзининг қисми ҳисобланади.

**БАКАЛАВР** (лот. *baccalaureus* — вассал ер эгаси) — кўпгина хорижий мамлакатларда бошланғич илмий (Ўзбекистонда бошланғич академик) даража бўлиб, кўп босқичли олий таълим тизимида мавжуд, 1- босқичдаги тўрт йиллик таълим муваффақиятли тугаллангандан, яъни имтиҳонлар муваффақиятли топширилгандан ҳамда битирув ишлари ҳимоя қилингандан сўнг берилади (фан бакалаври, иқтисодиёт бакалаври); Францияда тўлиқ ўрта мактабни тугатганлар шундай даражани олади ва бу университетга кириш ҳуқуқини беради.

**БАКАЛАВРИАТ** — Ўзбекистонда ўқув муддати 4 йилдан кам бўлмаган, олий таълим йўналишларидан бири бўйича назарий билим берадиган таянч олий таълим.

**БАЛЛ** (фр. *balle* — копток, соққа) — 1) бирор ҳодиса (шамол, ер силкиниши ва б.) даражаси ёки тезлиги баҳоланадиган бирлик; 2) билим, малака ва кўникмалар баҳосининг шартли ифодаси, рақам ёки сўз шаклида бўлиши мумкин. Мамлакатимиз таълим тизимида қуйидаги мезонлар бўйича беш балли тизим қабул қилинган; адабий тилда раво ва саводли баён этилган мутлақо тўғри жавоб ёки чуқур билим учун — 5 (аъло); худди шундай, аммо баъзи ноаниқликлар ёки жузъий хатолар мавжуд бўлган жавоб учун — 4 (яхши); ўқув материали асосан ўзлаштирилган, лекин сезиларли хатоларга йўл қўйилган, шунга қарамай ўқувчининг билими кейинги ўзлаштиришларга имкон берарли даражада бўлгани учун — 3 (қониқарли); текширилаётган билимнинг кўпгина қисми ўзлаштирилмагани учун — 2 (ёмон); муайян ўқув материали тўлиқ ўзлаштирилмагани учун — 1 (жуда ёмон). Рақамли балл одатда ўқитувчи мулоҳазаси билан мустаҳкамланади, бунинг натижасида билимга тўлиқ ва аниқ тавсиф берилишига эришилади. Ҳозирги вақтда баҳолаш тизимини такомиллаштириш

бўйича ишлар амалга оширилмоқда, чунки 5 балли тизим амалда 4 баллига айланаб қолди; 3) спортнинг айрим турларидаги мусобақа натижаларининг рақамли баҳоси (фигуралли учуш, гимнастика, сузиш ва б.).

**БАЛОҒАТ, ЕТУКЛИК** — инсон маънавий, интеллектуал ва жисмоний имкониятларининг энг ривожланган даври, ривожланган масъулият хиссининг, бошқа кишилар ҳақида гамхўрлик қилиш эҳтиёжининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишга қобилликнинг намоён бўлиши; ёшликнинг яқунланиши ва кексаликнинг бошланиши оралиғидаги давр.

**БАЛОҒАТ ЁШИ, ЎСМИРЛИК** — болаликдан балоғатга ўтиш даврининг бошланишига тўғри келувчи гавданинг индивидуал ривожланиш даври (10—11 дан 15 ёшгача); индивиднинг онгида, фаолиятида ва ўзаро муносабатлар тизими соҳасида чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ тана ривожланишининг анча қалтис даврига тўғри келади. Бу босқич инсоннинг жадал ўсиши, жинсий балоғатга етиш жараёнида танасининг шаклланиши билан тавсифланади, бу ўсмирнинг психофизиологик томонига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўсмирлардаги шахсий янги сифатлар шаклланишининг асосини улар фаолиятида амалга ошириладиган мулоқот ташкил этади (ўқиш, ишлаб чиқариш, ижод, спорт ва б. билан шуғулланиш). Аниқ ифодаланган шахсий хусусият, катталар оламига қўшилишга фаол интилиш, мавжуд дунё меъёр ва қадриятларига эътибор қаратилганлиги ўсмирлар мулоқотининг ўзига хослигини белгилайди. Ўсмирлик даври учун ўзига хос янгилик бўлиб, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш, ўзи билан шахс сифатида қизиқиш, ўз имкониятлари ва қобилиятларига эътиборни қаратиш ҳисобланади. Индивидуаллашиш ва ўз янги имкониятларини ижобий амалга ошириш учун шароитлар бўлмаганда ўсмирнинг ўз-ўзини қарор топтириши аянчли шаклга киради, нохуш вазиятларга олиб келади.

**БАНДЛИК** — аҳолининг меҳнат фаолиятида, шу жумладан ўқиш, армия сафида хизмат қилиш, уй хўжалигини юритиш, ёш болаларга ва кексаларга қарашда қатнашиши. Бандлик фуқароларнинг ижтимоий фойдали фаолияти деб ҳисобланади, у, одатда, фаолиятда бўлувчига иш ҳақи келтиради; ёлланиб ишлаётганлар, ўзини мустақил иш билан таъминловчи (тад-

биркорлар, фермерлар), ҳарбий хизматчилар иш билан банд бўлганлар ҳисобланади. Бандлик даражаси, яъни меҳнат жараёнига жалб этилганлик аҳолининг меҳнатга лаёқатли бўлганлари ва иш ўринлари ўртасидаги нисбатга, шунингдек, иш ўринларини ходимларнинг улардан фойдаланиш имкониятлари, чекланган касблар, ихтисосликлар, иш тажрибаси, билими ва қобилиятига боғлиқдир. Тўлиқ бандлик амалда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш ўрни билан тўлиқ таъминланганлигини билдиради. Қисман бандлик дейилганда тўла бўлмаган иш кунни, мавсумий давр мобайнида ишга жойлашиш имкони тушунилади; тўлиқ бўлмаган бандлик ишсизлик манбаи бўлиб хизмат қилади. Касб-ҳунар таълимининг асосий вазифаларидан бири меҳнат бозорида ихтисослигига бўлган талаб йўқолган ходимларни унинг жорий ва истиқболдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлашдан иборат.

**БАХТ** — тўла ва мутлақ қаноатланганлик ҳолати, оқилона ҳаракат йўли билан амалга оширишга интилинадиган хоҳиш, орзунинг мутлақо йўқлиги. Бахт ҳиссиёти муайян неъматларга эришишга эмас, балки бахтли бўла билишдек инсоннинг ички лаёқатига боғлиқдир.

**БАШОРАТЛАШ** — башоратлар тузиш ва ишлаб чиқиш; қандайдир ижтимоий ҳодиса муайян истиқболнинг махсус илмий тадқиқи, эҳтимоли бор ҳодисаларни олдиндан айтиш. Башоратлаш сабаб оқибат боғлилигини олдиндан кўришни ўз ичига олади, масалан, иқтисоддаги бизнес бўйича машғулотларда ўқувчиларга агар компания тижорат фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот тайёрламаса нима юз беришини олдиндан айтиш таклиф этилади. Башоратлашдан режа ва программалар ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичларида илмий олдиндан кўра билиш, вариантли таҳлил, кўшимча ахборотлар олиш ва қурорлар ишлаб чиқиш воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Бозор иқтисодиётида талабни, бозор конъюнктурасини башоратлаш мавжуд.

**БАШОРАТЛИЛИК** — катталар таълим тизимига қўйиладиган асосий талаблардан бири; ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги динамик ўзгаришлар ва аҳолининг таълимга эҳтиёжи вариантлилигига мазкур тизимнинг ҳақиқатда йўналганлигини билдиради. Қ. *Катталар таълим тизими*.

**БАҲО** — 1) ўқув фаолияти натижаларининг улар белгиланган талабларга мувофиқлиги мезони бўйича тавсифи; материал (тасдиқлаш, бадий асар, тадқиқот материаллари ва ҳ.к.) қимматини баҳолаш ўқуви билан белгиланади. Ўқувчиларнинг мулоҳазаси аниқ мезонга асосланган бўлиши керак: ички (тузилмавий, мантикий) ёки ташқи (белгиланган мақсадга мувофиқлик), булар ўқувчиларни ўзи томонидан белгиланиши ёки четдан, масалан педагог томонидан таклиф этилиши мумкин. Ўқув жараёнига тадбиқан баҳолаш таълим программасида кўзда тутилган билимлар, ўқувлар, малакаларни ўзлаштиришнинг муваффақиятлилиги даражасини белгилашдир. Баҳо жорий, оралиқ, якунийга ажралади ва баллар миқдоридан ифодаланади. Оралиқ баҳо шаклларида бири бўлиб, муайян курснинг муайян қисмини муваффақиятли ўзлаштирганлик ҳақида гувоҳлик берувчи жорий ва оралиқ аттестация ҳисобланади. Анча юқори тоифадаги таълим муассасаси курсини ўзлаштиришга тайёрлик даражасини аниқлаш — аввалги ўқув фаолиятини натижаларини кириш имтиҳонларида баҳолаш; 2) очиқ таълим тизимида ёки бошқа бирор мақсадларда ўқув программасини индивидуаллаштириш мақсадида аниқ мавжуд билимлар даражасини белгилаш.

**БАҲО ШКАЛАСИ** — ўрганилаётган объектларнинг улар учун умумий хусусиятни ифодаланиш даражаси бўйича мажмуини тақсимлашга имкон берувчи методик усул. Эспертлар гуруҳи бўйича ўртачалаштирилган мазкур хоссаларни субъектив баҳолашга асосланиб, шундай тақсимланади. Бундай шкаланинг оддий баҳоси, одатда, балларнинг мактаб тизими ҳисобланади. Баҳо шкаласи 5 дан 11 гача бўлган интервалга эга, булар рақамлар билан ёхуд вербал (сўзларда) ифодаланган бўлиши мумкин. Инсоннинг психологик имконияти унга объектларни 11-13 позициядан ортиқ таснифлашни амалга оширишга имкон бермайди деб ҳисобланади. Ҳар бир мулоҳаза экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланади ва ўз ўртача балига эга бўлади.

**БЕЛГИ** — бошқа нарса, ҳодиса жараёнининг аломати бўлиб хизмат қилувчи нарса (ҳодиса). Белгилар ҳақидаги фан, семиотика — мантиқ, лингвистика, маданиятшунослик, социология ва б.лар билан бевосита боғлиқ. *Когнитив психология*да унинг учун бошланғич компьютер метафорасига кўра, яъни инсон психикаси ва ахборот-мантикий ҳамда белги ахборотларни

олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш мақсадларида яратилган ҳисоблаш қурилмалари ўртасидаги ўхшашликка кўра белгиларнинг мазмуний аҳамияти айниқса юқори ва кўп қиррали.

**БЕЛГИ** — хосса, унга кўра нарса англашилади ва билинади; бир тушунчани иккинчисидан фарқловчи таъриф.

**БЕЛГИЛАШ** — 1) сўз, термин маъносини аниқлаш, тушунтириш, ифодалаш; айнан *дефиниция*; жорий масалалар бўйича бошланғич идоранинг ажрими, қарори; суд ажрими, хусусий ажрим — қарор, жиноятни содир этишга олиб келувчи вазиятларга амалдор шахс эътиборининг қаратилиши.

**БИБЛИОГРАФИК ЁЗУВ** — библиографик тавсифдан иборат библиографик маълумот, у сарлавҳалар, аннотациялар ёки рефератлар, турли малакавий индекслар, рукнлар, сақланиш рақамлари ва бошқа унсурлар билан тўлдирилиши мумкин.

**БИБЛИОГРАФИК КАРТОТЕКА** — библиографик кўлланма, варақча шаклида бўлади, унга библиографик маълумотлар ёзиб қўйилади. Алифболи, тизимли, соҳавий ва бошқа картотекалар фарқланади. Кутубхона каталогидан фарқли ўлароқ картотекада кутубхона жамғармасида бўлмаган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар учрайди, кутубхона шифрлари ва бошқа маълумотлар берилмайди.

**БИБЛИОГРАФИЯ** (юн. *biblion* — китоб ва *grapho* — ёзаман) — 1) илмий-амалий фаолият, нашр, қўлёзма маҳсулотларни ва улар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш унинг вазифасига киради; 2) мавзу бўйича адабиётларнинг тўлиқ ёки танлаб тузилган рўйхати; шундай рўйхатга эга махсус нашрлар (кўрсаткичлар, каталоглар, шарҳлар); 3) даврий нашрлардаги янги олинган китобларнинг қисқача шарҳига бағишланган бўлим.

**БИБЛИОГРАФИЯ ВАРАҚЧАСИ** — ахборот манбаининг библиографик тавсифи, муаллиф ҳақидаги маълумот, сарлавҳа, сарлавҳа ости маълумотлари (жилднинг рақами, жанр, кимларга мўлжалланганлик), сарлавҳа юқорисидаги маълумотлар (туркум, нашрни тайёрлаган муассаса), манбаининг миқдорий тавсифи (бетлар, нашриёт ҳисоб табоғи, адади, нархи), иловалар (библиография ҳақида маълумотлар, тасвирлар ва б.). Библио-

графия варақчаси эълон қилинган нашрлар ҳақидаги маълумотларни тезда олиш имконини беради, маълумотнома тарзидаги ахборотлар жамғармасини бутлаш учун фойдаланилади.

**БИБЛИОГРАФИЯВИЙ КАТАЛОГ** — библиографиявий қўлланма, муайян жамғарма (унинг қисми) ёки бир неча ҳужжатлар жамғармасининг таркиби ва/ёки мазмунини очиб беради.

**БИБЛИОГРАФИЯВИЙ МАЪЛУМОТНОМА** — библиографиявий ахборотдан иборат бир марталик сўров жавоби.

**БИБЛИОГРАФИЯВИЙ ТАВСИФ** — белгиланган қоида бўйича келтирилган ва уни бир хиллаштириш учун мўлжалланган ҳужжатлар ҳақидаги библиографиявий маълумотлар мажмуи ва умумий тавсифи.

**БИБЛИОГРАФИЯВИЙ ШАРҲ** — 1) кутубхонага сўнги пайтда келган адабиётларни ёки китобхонни бирор мавзу, муаммо билан таништирадиган адабиётларни тарғиб қилиш шаклларида бири; 2) ҳужжатлар муайян гуруҳи мазмунини очиб берувчи қўлланма.

**БИБЛИОГРАФИЯВИЙ ҲАВОЛА** — кўчирма олинаётган, кўриб чиқиляётган ёки эсланаётган ҳужжат ҳақидаги библиографиявий маълумотлар мажмуи; бу уни бир хиллаштириш ва излаш учун зарур.

**БИБЛИОМЕТРИЯ** (юн. *biblion* — китоб ва *metrike* — ўлчов) — унинг асосини янги илмий йўналиш, ҳужжатлар оқимини миқдорий ўрганиш ташкил этади; библиометрия жанрлар, ахборот йўналишларининг турлари ва техникасини ўрганади, илмий техника тараққиётини кузатиб боради.

**БИЗНЕС** (инг. *business* — иш, ишбилармонлик, тadbиркорлик) — ўз шахсий маблагини ёки қарз эвазига таваккал қилиб барча масъулиятни зиммасига олган ҳолда амалга ошириладиган ташаббускорона иқтисодий фаолият. Ўз олдига фойда олиш ва ўз шахсий ишини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Тор қўламдаги ва кичик фирмалардаги бизнес кичик бизнес деб аталади.



**БИЗНЕС МАКТАБ** — таълим муассасаси, бизнес ва менежмент соҳасидаги таълимни амалга оширади ва қоидага кўра, тижорат асосида фаолият кўрсатади.

**БИЗНЕС-РЕЖА** — 1) мазмунини ўзгартириш ҳисобга олинган, босқич ва мақсадларга тақсимланган ташкилотни ривожлантиришнинг асосий ғоясини амалга ошириш режаси; 2) *иқтисодда*, кутилаётган киримлар ва чиқимларни ўз ичига олган ҳамда ой, учой, йил бўйича ишлаб чиқиладиган корхона фаолиятининг қисқа муддатли программаси.

**БИЛИМ** — амалиётда текширилган ҳақиқатни билиш натижаси; таассурот, тушунча, мулоҳаза, назария тарзида инсон онгидаги унга адекватнинг (ҳақиқатан) акс этиши. «Билим» тушунчасига икки жиҳатдан қаралади: ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган нарса ва у томонидан ўзлаштирилган, қўлланилган ёки вербал (сўзларда) ва предмети амалий фаолиятда тегишли тарзда фойдаланилган нарса, унинг шахсий хосаси бўлиб қолади, яъни бу ўрганилган материални эсда сақлаш ва қайта тиклашдир. Касбий педагогикада қуйидаги тарифлардан фойдаланилади: билим, бу — фактлар, тушунчалар, қонунлар, қонуниятлар, назариялар тизимини ўқувчининг ўзлаштириши натижаси; бу — ходимнинг материаллар, машиналар тузилиши ва бошқаларнинг хоссалари, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг усуллари, муайян касб, ихтисосликка, шунингдек жамиятнинг умумий маданий-техникавий ривожланиши ҳақида тўплаган ахбороти.

**БИЛИМ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ДИАЛОГ ШАКЛИ** — билимни ўзлаштириш шакли, билим берувчи мутахассис ва уни олувчи шахс ўртасидаги фаол ҳамкорлик ва барқарор қайта алоқа асосига қурилади; суҳбат, диспут, семинар ва ҳ.к.лар шундай шакл ҳисобланади.

**БИЛИМЛАР ЎҚУВ ЖАМЛАНМАСИ (БЎЖ)** — ўқитиш программасини тизими, айрим фан соҳаларига йўналтирилади. БЎЖда фан соҳаси маълумотлар жамланмасининг бўлиши, булар асосий тушунчалар тавсифи, масалани ечиш стратегияси ва тактикаси, мисоллар ёки мазкур фан соҳаси топшириқлари мажмуи, таълим методикаси, мумкин бўлган хатолар ва уларни тузатиш учун ахборотлар бўйича маълумотлар жамланмаси, ме-

тодик йўсинлар ва ўқувнинг ташкилий шакллари рўйхатини ўз ичига олиши кўзда тутилади. БЎЖ диалогни ташкил этишга имкон беради.

**БИЛИМЛАРНИ САҚЛАНИШ ПУХТАЛИГИ** — таълим тамойилларидан бири; педагогик маҳорат, ўқиш истаги, ишга лаёқатлилиқ ва меҳнатсеварлиқ каби ўқувчилардаги ижобий омиллар таъсири натижаси. Билимларни сақланиш пухталиги учун ўқувчилар ҳаётида билимларнинг қимматини субъектив баҳолаш, ўқитиш шароити, шунингдек ижтимоий-иқтисодий вазият катта ўрин тутди. Билимларни сақланиш пухталиги таъмоийлининг асосий мазмуни қуйидаги қоидалардан иборат: ўрганилаётган ўқув материалдан асосийсини ажратиш; ўрганилаётган масала бўйича мавжуд билим билан асосий қоидаларнинг боғликлиги; илмий дунёқараш, қарашлар ва эътиқодлар субъектив тизимини шакллантирилиши; ўрганилаётган билимларни ўқувчи амалий фаолиятига қўшиш.

**БИЛИМЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ НАЗОРАТИ** — аниқлик, натижаларни қайта тиклаш заруратига эга назорат ва у «ўлчаш сохта приборлари» — тестлардан фойдаланиб бажарилади. Тестлар ўзида назорат топшириқлари ва эталонларни мужассамлаштиради, булар бўйича ўзлаштириш сифати ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Тестлаштириш натижаси бир хилда ва қайта тикланадиган ўлчаш ва баҳолаш имконини беради, бунда имтиҳон олувчи мазкур натижага ўз тузатишларини кирита олмайди (бундай ҳол субъектив назоратда мавжуддир).

**БИЛИШ ФАОЛЛИГИ** — ўқувчи ўқув фаолиятининг сифати, у таълим мазмуни ва жараёнига нисбатан унинг муносабатларида, билим ва уқувларни самарали эгаллашга интилишида, мақсадга эришиш учун маънавий-иродавий кучини сафарбар этишда, агар мақсадга эришилса, эстетик завқ ола билишида намоён бўлади.

**БИТ** (инг. bit) — ахборотни ўлчаш бирлиги, икки эҳтимолий имконият ўртасидаги оддий танловни ўз ичига олади — бинар танлов (0 билан 1 оралиғи) — шунга кўра баъзан «бинар бирлик» (binary unit) тарзида ёзилади.

**БИТИМ** — бир неча — икки ёки ундан ортиқ шахс (иқтисодий субъектлар)нинг ихтиёрий келишуви, бундай келишувда одатда уни тузувчиларнинг ҳар бири битимнинг бошқа қатнашчисига нисбатан бажариш учун ўз зиммасига мажбурият олади. Битимда, одатда, унда иштирок этувчилар ҳақидаги маълумот; битим мазмун ва моҳиятининг баёни; келишаётган томонларнинг мажбуриятлари; битимнинг амалга ошириш шартлари, бир-бирига етказиб берган товарлар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш усуллари, қабул қилинган мажбурият бажарилмагандаги томонларнинг жавобгарлик шакллари; битимни бекор қилиш ёки узайтириш шартлари; томонларнинг юридик манзили қайд этилади. Битим келишувчи томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳр билан (агар битим иштирокчиси юридик шахс бўлса) мустаҳкамланади. Битим шартнома деб аталади.

**БИТИРУВ ИШИ** — таълим муассасасини битирувчининг якуний иши, ДИК унинг асосида малака бериш (масалан, кичик мутахассис) ёки академик даража — «бакалавр», «магистр» даражасини бериш масаласини ҳал қилади.

**БИТИРУВЧИ** — сўнгги синф, сўнгги курсда таълим олаётган, таълим муассасасини тугатаётган ўқувчи.

**БИТИРУВЧИЛАРНИНГ МОСЛАШИШИ** — таълим муассасасини битирувчининг ижтимоий шароитлар ўзгаришига муваффақиятли мослашиш жараёни ва унинг натижаси: касбий мослашиш — ишлаб чиқариш шароитларига кўникиш; таълимга мослашиш — ўрта ёки олий касбий таълим бериладиган таълим муассасасидаги ўқув жараёнига кўникиш.

**БИХЕВИОРИЗМ** (лот. *bihaviour* — ҳулқ-атвор) — 20- аср психологиясидаги йўналиш, айниқса Америкада кенг тарқалди (асосий намоёндалари Ж. Уотсон, Э. Торндайк). Онгни илмий-тадқиқот объекти сифатида инкор этади ва руҳиятни ҳулқ-атворнинг ташқи муҳитга организм акс таъсири мажмуи сифатида тушуниладиган турли шаклларга келтиради: тафаккур нутқни ҳаракатлантирувчи ҳолат билан тенглаштирилади, эмоция эса организм ичидаги ўзгаришларга ўхшатилади ва ҳ.к. Бихевиоризмнинг асосий усули — кузатиш ва ўзгаришлар ўртасидаги корреляцияларни математик тавсифлаш мумкин бўлишини аниқлаш мақсадида атроф муҳит таъси-

рига жавобан организмнинг муносабатини тажриба асосида ўрганиш. Бихевиоризм ўз-ўзини кузатиш ва уни баҳолаш усулини рад этади ҳамда фақат аниқ белгилаш ва тавсифлаш мумкин бўлган фактларнигина эътиборга олади, унинг орқасида яширинган рухий жараёнларни «тушунишни» зарур деб ҳисобламайди. Бихевиаристлар инсон ҳулқ-атворини муайян вазиятларда кузатиш ва шу асосда тарбия қоидаларини ҳамда инсонларнинг биргаликда турмуш кечирishiдаги ҳулқ-атворларини келтириб чиқариш керак деб таъкидлайдилар. Бихевиоризм назарияси лингвистика, антропология, социология, семиотикага таъсир кўрсатади ва кибернетика манбаларидан бири бўлиб қолади. Бихевиористлар ҳулқ-атворни ўрганишнинг эмпирик ва математик методларини ишлаб чиқишга, бир қатор психологик муаммоларни қўйишга, айниқса ёд олишга тааллуқли, яъни организм ҳулқ-атворнинг янги шаклларига эга бўлишини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшидилар.

**БОЗОР** — 1) товарлар ва хизматлар олди-сотдиси амалга ошириладиган савдо битимлари тузиладиган жой; 2) товарлар ва хизматлар айирбошлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва булар натижасида талаб, таклиф ва нарх шаклланади. Бозорларнинг тузилиши ҳаддан зиёд хилма-хил (ишлаб чиқариш воситалари, кўчмас мулк, истеъмол товарлари ва хизматлар, ахборот ва интеллектуал маҳсулотлар, инновациялар, қимматдор қоғозлар, меҳнат ва ҳ.к.лар бозори).

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** — эркин тадбиркорлик тамойилларига асосланган иқтисод, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг турли-туман шакллари; бозор нарх-навосининг ҳосил бўлиши, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги битим муносабатлари, хўжалик фаолиятига давлатнинг чекланган даражада аралашуви.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ТАЪЛИМ** — таълимнинг функцияси билан ва меҳнатнинг ривожланган тақсимланишига асосланган хўжалик уклади шароитларидаги ривожланиши, айрим ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзига хосликлари ва улар ўртасидаги товар-пул муносабатлари билан боғлиқ муаммолар мажмуи. Бозор иқтисодиёти таълим тизими учун хос бўлган қўйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори даражадалиги; шахслараро муносабатлардаги прагматизм; маданиятнинг тижоратлашуви. Таълим тизими олдида икки хил

муаммо туради: бир томондан у ишбилармонлик, ваколатлик, ташаббускорлик, ижтимоий сафарбарлик каби шахсий сифатларни биринчи ўринга чиқарувчи бозор иқтисодиётлари талаби ўзанида ҳаракатланиши лозим; иккинчи томондан — ўзига хос салбий хусусиятларга қаршилиқ кўрсатиш, уларни бартараф этиш, инсоннинг маънавияти, унинг ахлоқий-маънавий, эмоционал, умуммаданий ривожланиш соҳаси бойиши учун кенг имкониятлар яратиши.

**БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ** — психологиянинг соҳаси, турли ойдаги чақалоқ психикасининг ва турли ёшдаги болалар психологиясидаги ўзига хосликларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганеди. Чақалоқнинг онгсиз ва эркин хатти-ҳаракатлари, болалар нутқи, ривожланишдаги ўзига хос хусусиятлар (жамиятда ўзини тутиши, ўз-ўзини шакллантириши, қайсарлиги), болалар ўйини, жинсий балоғатнинг бошланиш аломатлари унинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Қуйидагилар болалар психологиясининг усуллари ҳисобланади: мунтазам, даврий, ёхуд узоқ муддатли кузатиш ёки экспериментал тадқиқот. Болалар психологияси педагогик психология ва педагогика билан чамбарчас боғлиқ.

**БОСҚИ** — 1) тўғри тўртбурчак ёки бошқача шаклдаги муҳр, унда, одатда, муассасанинг номи, манзили, телефон рақамлари бўлади. Бундай муҳр муассасадан жўнатиладиган хатлар, маълумотномалар, ҳужжатларга босилади; 2) ўзига хослиги билан фарқ қилмайдиган одатдаги, стандарт бошқарув қарори.

**БОСҚИЧ** — ривожланиш жараёнидаги қисмни англатувчи ҳар қандай эволюцион назариянинг муҳим тушунчаси, у қандайдир ўзгариш, «олдинга ташланган қадам», (аввалгисига нисбатан) анча юқори ҳолат билан тавсифланади. Бундай босқичлар халқлар тарихи, маданияти, тили, маънавияти, санъати ва ҳ.к.даги ҳам индивидуал, ҳам умумий ривожланишда мавжуддир.

**БОШЛАНГИЧ УМУМИЙ ТАЪЛИМ** — умумий ўрта таълимнинг биринчи босқичи (даражаси), унинг программаси ўқувчиларда умумий ўрта маълумот олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва малакаларнинг мустаҳкам асосини шакллантиришга йўналтирилади. Мазкур босқичдаги мажбурий

таълим программаси 6 ёшдан паст ва 7 ёшдан юқори бўлмаган болаларга бериладиган таълимни қамраб олади.

**БОШЛАНГИЧ УМУМИЙ ТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИ** — давлат томонидан тайёрланган ҳужжатлар, бошланғич умумий таълим мазмунини белгилайди, ўқувчилар функционал саводлилиги асосини, ўқув меҳнати асосий укуви ва малакасининг асосини ҳосил қилади, мамлакат ва жаҳон маданияти билан таништиради, асосий мактаб таълим программасини кейинчалик ўзлаштириши учун ва шахс ривожланиши учун негиз яратади.

**БОШҚАРИШ** — субъектлар, ҳокимият идоралари томонидан кишиларга, таълим, иқтисод ва бошқа объектларга онгли равишда мақсадли йўналтирилган таъсир, уларнинг мақсадини йўналтириш ва қўзланган натижани олиш учун амалга оширилади.

**БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ** — ўз ваколатлари доирасида бошқарув қарорлари қабул қилиш ва қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга ташкилотлар, уларнинг бўлинмалари.

**БОШҚАРИШ ПСИХОЛОГИЯСИ** — бошқариш фаолияти психологик қонуниятларини ўрганувчи соҳа; асосий вазифаси — психологик шароитларни яхшилаш ва бошқарув тизимидаги ишлар самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида бошқарув фаолияти психологик шароитлари ва ўзига хосликларини таҳлил қилиш. Бошқариш жараёни раҳбар фаолиятида амалга ошади ва унинг бошқариш эҳтиёжи ҳамда қобилиятларига боғлиқ.

**БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИ** — бошқарув фаолиятининг мақсади ва турлари. Бошқариш ўз ичига таҳлил, режалаштириш, ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодий муносабатларни назорат қилиш ва тартибга солиш кабиларни олади.

**БОШҚАРИШДАГИ АДОЛАТЛИЛИК НАЗАРИЯСИ** — мотивлаш назарияси, бунга кўра кишилар мукофот ва уни олиш учун сарф бўлган куч-ғайратни субъектив тарзда баҳолайдилар, шунингдек, ўз мукофоти мукофотланиш даражасида ўзларининг орқада қолганликларини бартараф этишга интилиб, худди шундай иш учун бошқа кишилар олган мукофот билан қиёслайдилар.

**БОШҚАРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ** — ишлаб чиқаришни, иқтисодни, таълимни бошқаришда ахборотларни ишлаб чиқиш ва узатишда компьютерлар ҳамда бошқа техника воситаларидан фойдаланиш.

**БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ (БАТ)** — кибернетик тизим инсон-машинаси, бунда инсонларнинг ақлий фаолияти ҳисоблаш техникасидан ва ахборотни сақлаш, узатиш ҳамда ишлаб чиқишнинг замонавий воситаларидан фойдаланиб амалга ошириладиган ахборотларни, ҳисобларни, мантиқий операцияларни ишлаб чиқиш билан инсонларнинг ақлий фаолияти уйғунлашиб ва қўшилиб кетади. БАТдан ишлаб чиқаришни, транспортни, қурилишни ва кўплаб иқтисодий объектлар ҳамда жараёнларни бошқаришда фойдаланилади.

**БОШҚАРИШНИНГ ДИРЕКТИВ УСУЛЛАРИ, БОШҚАРИШНИНГ МАЪМУРИЙ УСУЛЛАРИ, БОШҚАРИШНИНГ ФАРМОЙИШ УСУЛЛАРИ, БОШҚАРИШНИНГ БУЙРУҚ УСУЛЛАРИ** — бошқариш усуллари; булар ёрдамида бошқариш субъекти, бошқарувчи идора директива, буйруқ, фармойиш ишлаб чиқади, улар бошқарилиш объектлари, субъектга бўйсунувчи шахслар томонидан оғишмай бажарилиши шарт.

**БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИ** — илмий-педагог кадрлар ва ўқувчиларни, уларнинг фаолиятини баҳолаш асосида моддий рағбатлантириш усуллари.

**БОШҚАРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛИ ШАКЛИ** — кўп босқичли бошқарув тизимидаги органлар раҳбарлари ва бўйсунувчилари ўртасидаги муносабат, бунда юқори бўгин бошқарув барча функциясини ўзида жамлайди, бошқарилиш объекти эса, ўз субъекти бошқарувчисининг буйруғини бажаради холос.

**БОШҚАРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛИ-ФУНКЦИЯЛИ ТИЗИМИ** — йўналишли ва функцияли бошқариш уйғунлашадиган бошқариш шакли, бу марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган бошқаришни қўшиб олиб боришга имкон беради. Бундай тарздаги бошқариш директорлар кенгашига эга бўлади, у таълимдаги ривожланиш стратегиясини белгилайди, муаммолар ва бошқалар туфайли юзага келган масалаларни ҳал этишда қатнашади.

**БОШҚАРИШНИНГ МАЪМУРИЙ УСУЛЛАРИ** — (Қ. Бошқаришнинг директив усуллари).

**БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ** — таълим ва тарбиянинг воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йўналтирилган педагог ва ўқувчилар (педагогнинг раҳбарлиги остида) ўзаро алоқасининг муайян усуллари. Шу гуруҳга ишонтириш, шахсий намуна бўлиш, рағбатлантириш ва жазони қўллаш, танқид ва ўз-ўзини назорат, шунингдек, педагогик мулоқот, касбий мулоқот, танлов, ҳамкорлик билан боғлиқ усуллар киради.

**БОШҚАРУВ ИДОРАСИ** — мамлакат, минтақа, корхона, таълим муассасаси миқёсида бошқариш функциясини амалга оширувчи идоралар, бўлинмалар, хизматлар.

**БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ФАРМОЙИШ УСУЛЛАРИ** — педагоглар жамоаси аъзоларининг масъулиятини ошириш, уларни қўйилган вазифаларни бажариш учун тайёрлаш мақсадида қўлланадиган усуллар; бунга қуйидагилар тааллуқли: директива, регламентлаш, йўриқлантириш, мажбуриятларни тақсимлаш, ягона талаб.

**БРОШЮРА** (фр. brochure) — ҳажми унча катта бўлмаган китоб бичимидаги даврий бўлмаган босма нашр (халқаро амалиётда 5 дан 48 саҳифагача учрайди); одатда юмшоқ муқовали бўлади.

**БУКЛЕТ** (инг. booklet — брошюра, китобча) — яхлит бир варақча босилган кўп букламли нашр; йўл кўрсаткичлар, реклама ва ахборот варақлари, болаларга оид баъзи нашрлар буклетлар тарзида чиқарилади.

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Бухоро давлат педагогика институти (1930) негизида ташкил этилган. Университетда 10 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: амалий математика ва информатика, физика, кимё, биология, география, ўзбек филологияси, славян филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, француз тили, тарих, социоло-



гия, иқтисодиёт, касб-хунар таълими (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний маданият, педагогика ва психология, бошлангич таълим ва тарбиявий иш, бошлангич таълим ва тарбиявий иш (тожик), мусиқа таълими ва эстетик тарбия, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, агрокимё ва агротупроқшунослик, агрономия, агромуҳандислик, амалий санъат, математика, экология ва табиатдан фойдаланиш.

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ** — 1970 йилда Тошкент политехника институтининг филиали (1972—1977) негизида ташкил этилган. Институтда 5 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: менежмент, касбий педагогик тайёргарлик, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси, касбий-педагогик тайёргарлик (энергетика), касбий педагогик тайёргарлик (технологик машина ва ускуналар), нефть ва газ иши, касбий педагогик тайёргарлик (енгил саноат), касбий педагогик тайёргарлик (озиқ-овқат маҳсулотлари саноати), бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши, нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёралайди: менежмент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлов машиналари ва жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари, тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари, нефть ва газни қайта ишлаш, йигирув технологияси, тикув буюмлари технологияси, чарм ва мўйна технологияси, ёғларни қайта ишлаш технологияси, донни қайта ишлаш ва сақлаш технологияси, дон ва ун маҳсулотлари технологияси, қандолат маҳсулотлари технологияси.

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ** — Абу Али Иб Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти 1990 йилда ташкил этилган. Институтда 2 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: даволаш иши (умумамалий шифокор), стоматология (умумамалий стоматолог).

**БЮДЖЕТ** (инг. budget — ғазначининг сумкаси) — 1) давлат тасарруфига даромадларнинг тушиш ва муайян муддатларда улардан фойдаланиш режаси; 2) муайян вақт мобайни (одатда йил учун белгиланадиган корхона ёки айрим шахснинг кутилаётган кирим ва чиқимларининг ҳисоби).

**БЮДЖЕТ МУАССАСАСИ** — давлат ва маҳаллий бюджет маблағидан тўлиқ ёки деярли молияланадиган ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган муассасалар ва ташкилотлар. Бошқарув идоралари, армия, судлар, прокуратура, ижтимоий-маданий соҳадаги, фан, таълим, соғлиқни сақлаш бўйича кўпгина муассасалар шундай ташкилотлар ҳисобланади.

**БЮДЖЕТ НОМАСИ** — келаси йил давлат бюджетини тузиш стратегияси, у мамлакат президентининг номаси тарзида тавсия этилади.

**БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ** — бюджетнинг чиқим қисмини кирим қисмидан ошиб кетиши. Давлат бюджетида даромад қисмидан 20 фоизгача миқдордаги ёки ялпи миллий маҳсулот миқдоридан 7-8 фоизгача миқдордаги тақчилликка йўл кўйилади.

**БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШ** — давлат буюртмасини амалга ошириш, давлат программасини бажариш, давлат ташкилотлари фаолият кўрсатишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларга давлат (маҳаллий) бюджетдан пул маблағи ажратиш, қайтарилмаслик тартибида пул маблағи билан таъминлаш. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан давлат идоралари бошқарув идоралари, армия, милиция, суд, баъзи ташкилотлар, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа муассасаларининг фаолият кўрсатиши таъминланади.

**БЮЛЛЕТЕН** (фр. bulletin) — 1) даврий ёки давомли нашр, нашр этувчи ташкилот тасарруф доирасига кирувчи масалалар бўйича қисқача расмий материаллардан ташкил топади; турли ҳодисалар ҳақидаги маълумотнома; 2) ижтимоий аҳамиятга эга ҳодиса, масала, ишлар ҳақидаги қисқача расмий хабар; 3) сайлов бюллетени — номзод ёки номзодларнинг фамилияси қайд этилган овоз бериш учун варақа.

**БИЮРОКРАТИЯ** (фр. bureau — бюро, девон ва юн. kratos — ҳокимият) — 1) юқори бошқарув маҳкамаси, маъмурият; 2) расмийчилик, расмийликни амалийдан устун қўйиш, маъмурий қоғозбозликка асосланган бошқарув тизими.

**БЎШ ВАҚТ** — барча вазифалар, мажбуриятлар, шу жумладан, оилавий уй-рўзгор ишларидан ҳамда расмийлаштирилган ўқув фаолиятининг турли шаклларида қатнашиш билан боғлиқ юмушлар бажарилгандан кейин қолган вақт. Норасмий ташкил этилганларнинг кўп қисми бўш вақтдаги ҳаётий фаолиятнинг турли кўринишлари ҳисобланади ва унинг мазмунан тўлдирилганлигини тавсифлайди.

## В

**ВАЗИРЛИК** — мамлакат ҳўжалиги тармоғи (соҳа вазирлиги) ёки фаолият соҳасини (функционал вазирлик) бошқарувчи марказий орган. Масалан, савдо вазирлиги — тармоқ вазирлиги, иқтисодиёт, маданият, таълим вазирлиги — функционал вазирлик ҳисобланади.

**ВАЗИФА** — онгда акс этган муаммоли вазият; билим ва тажрибанинг мавжуд воситалари уни ечиш учун зарур ва стар-лича маълумот ва шароитлардан иборат бўлади.

**ВАЗИЯТ** — субъектга нисбатан шароитлар ташқи тизими, унинг фаоллигини уйғотади ва таъминлайди. Вазият унсурлари бўлиб, ўтган вақт мобайнидаги субъектнинг ўз ҳолатлари ҳисобланади, мабодо булар унинг кейинги ҳолатини юзага чиқарса.

**ВАКАНСИЯ** (лот. vacans — бўш турган), **БЎШ ЛАВОЗИМ** — таълим муассасасидаги банд этилмаган иш ўрни, лавозим, унга янги ходимни қабул қилиш мумкин.

**ВАЛИДЛИК** (инг. valid — ишончли, асосли) — тест натижаларини баҳолашнинг асосий (ишонччилик, репрезентативлик, объективлик, ошқоралик ва самаралилик билан бир қатордаги) низомларидан бири. «Валидлик» тушунчаси инсон руҳий хусусиятларини ўлчаш сифатини зарурий амалий текшириш прагматик ғоясини акс эттиради. Агар илгари «валидлик» тушунчаси кўпинча «тест сифати» тушунчаси билан уйғунлаштирилган бўлса, кейинги йилларда тобора кўпроқ тест

натижаларини талқин этишдаги ўрни тушунилмоқда. Шундай қилиб валидлик — аввало тест натижалари, тест ўтказишнинг мақсади, асосий тушунчанинг моҳияти (диагноз қилинаётган руҳий хосса) ва тест ўтказиш натижаларини қўллаш (касбий саралаш ва бошқа амалий руҳий тадқиқотларда) каби талқинлар билан тенг келади. Валидлик фақат тест сифати мезонининггина эмас, балки тест ўтказиш мақсади мувофиқлик даражасининг ҳам кўрсаткичи ҳисобланади.

**ВАЛЮНТАРИЗМ** (лот. voluntas — ирода) — 1) фалсафадаги йўналиш, бутун мавжудотнинг ҳар қандай ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч асоси сифатида иродани тан олади, уни (иродани) турмуш қонунларига зид кўяди ва уни борлиқдан мустақил деб таъкидлайди (валюнтаристик фалсафа вакиллари А. Шопенгауэр, Ф. Ницшелар барча тирик мавжудотда фақат ирода ҳукмронлик қилади деб таъкидлайдилар); 2) *психологияда*, руҳий ҳаётнинг ҳал қилувчи омили деб ақлни эмас, балки иродани тан олиш; 3) тарихнинг объектив қонунлари, мавжуд шароит ва имкониятлар билан ҳисоблашмайдиган, амалга оширувчи шахс субъектив иродаси ва ўзбошимчалик билан чиқарадиган қарорлари билан белгиладиган сиёсат.

**ВАРИАНТ** (лот. varians — ўзгараётган), **ТАЛҚИН** — 1) кўринишнинг ўзгариши, турли хиллилик; мумкин бўлган ал-машинувчиларнинг бири; 2) бирор (адабий, мусиқий ва ҳ.к.) асар, расмий ҳужжатнинг бир неча таҳриридан биттаси.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** — туғилиб ўсган юрт, ерга муҳаббат, халқ тарихда бунёд этганлардан ғурурланиш, ўз шахсий манфаатларини умумюрт манфаатларига бўйсундиришга тайёрлик, унга садоқат билан хизмат қилиш ва уни ҳимоя этиш. Ватанпарварлик туйғусининг ўқувчиларда қарор топиши жараёнида таълим ва тарбиянинг мазмуни етакчи ўрин тутади.

**ВАҚТ ЎЛЧОВИ** — 1) ишчи томонидан айрим меҳнат операцияларини бажаришга сарфланадиган иш вақтини шу операциялар, ишларнинг қанчалик кўп меҳнат талаб этишлигини белгилаш мақсадида ўлчаш; 2) касбий педагогикада меҳнат фаолияти (шу жумладан, уларни ўзлаштириш жараёнларида) натижавий кўрсаткичларини тадқиқ этиш усули; самарали вақтни, меҳнат меъёрини (жумладан, касб-ҳунар таълими турли

даврларидаги ўқувчилар вақт меъёрини) ишнинг суръатини, меҳнатнинг маромини, ўқувчиларнинг машқ этганлик даражаси баҳосининг натижавий кўрсаткичларини тадқиқ этиш усули.

**ВЕРБАЛ АЛОҚА** (лот. *verbum* — сўз) — тил, яъни нутқ ёрдамидаги мулоқот жараёни. Нутқ дейилганда табиий тил товушлари назарда тутилади, у алоқанинг универсал воситаси ҳисобланади. Чунки унинг ёрдамида ахборот узатишда мулоқот мазмунига жуда кам даражада путур етади.

**ВЕРБАЛ ИШОНТИРИШ** — сўз ёрдамида амалга ошириладиган ишонтириш.

**ВЕРИФИКАЦИЯ** (лот. *verus* — ҳақиқий ва *facio* — бажараман), 1) назарий қоидалар ҳақиқийлигини текшириш, тажриба йўли билан ишончлиликни аниқлаш; 2) материаллар, ҳужжатлар аслини текшириш ва тасдиқлаш.

**ВЕРСИЯ** (лот. *versio* — бурилиш, айланиш) — бир-биридан фарқ қилувчи баёнларнинг бири ёки бирор ҳодиса, далилнинг шарҳи.

**ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ** — Халқаро Вестминстер университети 2002 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этгани тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган. Таъсисчилар: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Умид» фонди; Англия Вестминстер университети билан ҳамкорликда. Қуйидаги тўрт йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлайди: бизнесни бошқариш, ахборот технологияси, иқтисод, халқаро ҳуқуқ.

**ВИДЕОЁЗУВ** (лот. *video* — қарайман, кўраман) — кўз билан кўриладиган ахборотларни уни сақлаш, кўпайтириш ва кейинчалик қайта тиклаш учун теле, радио ва бошқа сигналларда қайд этилиши; магнитли видеоёзув.

**ВИДЕОКАССЕТА** (лот. *video* — қарайман, кўраман ва инг. *kassette* — қутича, филмлар учун қути) — магнитли видеотасмаси бўлган кассета (пластмасса қути), ёзиш ва тасвирни қайта тиклаш учун кассетали *видеомагнитофон*да фойдаланилади.

**ВИДЕОКЛИП** — қ. *Клип*.

**ВИДЕОМАГНИТОФОН** — (лот. video — қарайман, кўраман ва юн. magnetis — магнитли + phone — товуш) — магнитли тасма (*видеокассета*) ёрдамида тасвир ва товушни ёзиш ҳамда қайта тиклаш (шахсий телеэкранда) учун аппарат.

**ВИДЕОПЛЕЙЕР** (лот. video — қарайман, кўраман ва инг. player — ўйинчи, мусиқа асбоби) — видеоёзувларни тиклаш учун мослама (аммо ёзув имкониятига эга эмас).

**ВИЖДОН** — ахлоқий онг, нима яхши ва нима ёмон, нима адолатли ёки адолатсизлигини ҳис этиш ёхуд билиш; ўз хулқ-атворини ахлоқий қадриятларга мос ёки мос эмаслигини субъектив идрок этиш. Виждон бошланғич ахлоқий ҳиссиёт сифатида тугма ҳисобланади, лекин ташқи таъсир туфайли ривожланиши ёки йўқолиши мумкин. Виждон эркинлиги — исталган динга, ақидага амал қилиш ёки амал қилмаслик ҳуқуқи.

**ВИЗУАЛ** — кўз билан кўриш (ҳеч қандай мослама ёки оптик асбоб ёрдамисиз); масалан, визуал кузатиш, визуал ахборот.

**ВИЗУАЛЛАШТИРИШ** (лот. visualis — кўз билан кўриш) — 1) жисмоний ҳодиса ёки жараёни кўз билан кўриш учун қулай шаклда бериш; 2) *инф.-да*, қурилма (дисплей, ёзув ҳосил қилувчи ва б.)да объектлар ва жараёнларни табиий ёки шартли тасвир тарзида акс эттириш. Мавжуд образ намунаси бўлиб, фотосурат ҳисобланади, шартлиси эса диаграммадир.

**ВИРТУАЛ** — 1) мумкин бўлган; бу муайян шароитларда бўлиши мумкин ёки лозим; 2) компьютер графикаси воситаларида яратилади (20- аср охири).

**ВИРТУАЛ РЕАЛИТИ** — қ. *Виртуал реаллик*.

**ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК, ВИРТУАЛ РЕАЛИТИ** (инг. virtual reality, virtual — имконият даражасида, мумкин бўлган ва reality — реаллик, мавжудлик) — «тасаввурий реаллик» — *тех., инф.-да*, компьютер қурилмалар ёрдамида мавжуд вазиятни содир этиш (товушлар, куринадиган образлар, жисмоний, тактил ҳис этиш, масалан, сенсор қўлқоплар билан); асосан ўқув мақсадларида фойдаланилади (учувчи-

лар, танкчилар, саноат корхоналаридаги манипуляторлар ва б. учун). Таълим берувчи программалар, тизимлар ва мужассамалар ишлаб чиқишнинг энг истиқболли йўналишларидан бири.

**ВИРТУАЛЛИК** — *инф.-да*, фойдаланувчи учун қулай тавсифдаги шартли ЭҲМ (реал мавжуд ЭҲМда) қуриш учун программачилар томонидан фойдаланиладиган усул.

**ВОРИСЛИК** — янги эскини алмаштириб, унинг айрим унсурларини ўзида сақлагандаги табиат, жамият ва билишдаги ривожланиш жараёнида юз берадиган ҳодисалар ўртасидаги боғлилик. Жамиятда бу ўзлаштирилган ижтимоий ва маданий қадриятларни авлоддан-авлодга тузумдан-тузумга ўтиб боришини англатади. Педагогикада ворислик тарбия тизимининг турли даража (босқичи) ўртасидаги алоқани билдиради.

**ВУНДЕРКИНД** (нем. Wunderkind, айнан мўъжиза бола; Wunder — мўъжиза ва Kind — бола, гўдак) — ажойиб қобилиятга эга бола.

## Г

**ГИГИЕНА** (юн. hygieinos — шифобахш, соғлиқ келтирувчи) — инсон саломатлигига, ишлаш қобилиятига ва узоқ умр кўришига ташқи муҳитнинг таъсирини ўрганувчи тиббиётнинг касалланишни олдини олиш бўлими. Касаллик пайдо бўлишининг олдини олишга ва соғлиқни сақлашни таъминловчи шароитлар яратишга йўналтирилган талбирларни ишлаб чиқади.

**ГИМНАСТИКА** (юн. gymnastike), **БАДАНТАРБИЯ** — жисмоний машқларнинг умумий ривожлантириш мажмуи, соғлиқни мустаҳкамлайди ва умумий жисмоний ривожланишни таъминлайди; ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш асосий воситаларидан бири. Бадантарбия машғулотларида ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш вазифалари билан бир қаторда соғломлаштириш-гигиена ва тарбиявий вазифалар ҳам амалга оширилади.

**ГИПЕРМНЕЗИЯ** (юн. hyper — устида, юқорисида ва mnēsis — хотира) — хотирлаш имкониятларини ғайритабiiй кучайтириш. Патологик ҳолатларда хотирада кўплаб икир-чикир, арзимас, тасодифий нарсаларнинг сақланиши; гипермнезия гипноз ва туш кўриш вақтида ҳам юзага чиқади, бу ҳолатни

камёб хотирага эга — мнемонистлар намойиш қилиши мумкин; айрим педагогик йўналишларда (методикаларда, мактабларда) масалан, *суггестопедия*да фойдаланилади.

**ГЛОБАЛ ИНДИКАТОРЛАР** — индикаторлар, булар таълим тизимидаги режалаштириш, бошқариш ва мониторингдаги аҳволни баҳолаш учун тавсия этилади; кўпгина кўрсаткичларни интеграллайди ва математик усуллар ёрдамида ҳисобланади. Глобал индикаторлар қўйидаги 8 блокка гуруҳланган: инсон ресурслари, таълим ва ўқитишга эришишдаги тенглик, таълимга молиявий сарфлар, «талаба — ўқитувчи» муносабатлари, таълим муассасаларининг йўналтирилганлиги, малакали ўқитувчилар таркибининг мавжудлиги, академик маҳсулдорлик индекси, минтақавий мутаносиблик.

**ГЛОССАРИЙ** (лот. glossarium — сўзлар луғати) — нотаниш ва кам ишлатиладиган сўз ёки иборалар изоҳли луғати, одатда айрим асар ёки матн учун, асосан қадимий бўлганлари учун тuzилади (масалан, Алишер Навоий тўла асарлар тўпламига тuzилган луғат).

**ГНОСЕОЛОГИЯ** (юн. gnosis — билим, идроклаш ва logos — таълимот) — идроклаш назарияси, манбалар, шакллар ва илмий билиш усуллари, унинг ҳақиқат эканлиги шартларини, инсоннинг билиш қобилиятини ўрганувчи қисми.

**ГОМО САПИЕНС** (лот. Homo sapiens, айнан онгли инсон) — инсон онга эга бўлган тирик мавжудотлар оламининг вакиллари-дан бири сифатида; онгли мавжудот.

**ГОМО ТЕХНИКУС** (лот. Homo technicus, айнан техникавий инсон) — илғор техникавий тафаккурнинг вакили сифатидаги, фан ва техника ютуқларидан оқилона фойдаланувчи замонавий инсон.

**ГОМО ЭКОНОМИКУС** (лот. Homo oeconomicus, айнан — иқтисодиёт кишиси) — 1) тўхтовсиз бойиш учун бутун борлиғи билан киришиб кетган инсон; 2) юқори даражада иқтисодий билимларни эгаллаган инсон, фаол экспериментчи, иқтисодиёт тизимини максималлаштирувчи, иқтисодий хатти-ҳаракат энг



яхши тамойилларини танловчи, иқтисодий ечимларнинг самарали варианты ва ҳ.к.

**ГОНОРАР** (лот. honorarium — хизмат учун мукофот), **ҚАЛАМ ҲАҚИ** — адабий, мусиқий, илмий асар, ихтиро муаллифи, шунингдек, унинг асарини эълон қилган ва ундан фойдаланган ворисга тўланадиган пул мукофоти; қалам ҳақининг миқдори муаллифлик шартномасида кўрсатилади.

**ГРАНТ** (инг. grant — совға, хайрия) — 1) илмий, маданий ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотга пул маблағини бир йўла ажратиш ёки ускуна, хона (хайрия мақсадларида ўз маблағи ҳисобидан) инъом қилиш; 2) таълим муассасалари, ижодий жамоалар, яққа олим, спорт гуруҳлари ва б.га давлат ёки маҳаллий маблағлардан маъмурий идоралар томонидан бериладиган бегараз маблағ, субсидия; 3) давлатга ёки маҳаллий идорага қарашли маблағдан ўқувчилар ва талабаларга тўланадиган стипендия.

**ГРАФИК** (юн. graphikos — чизилган) — 1) ҳаракатлар бажарилиши, вақт давомида ҳодисаларнинг бориш тадрижийлигини белгиловчи жадвал (иш жадвали, навбатчилик жадвали, поездлар қатнаш жадвали); 2) математик боғлиқлиқнинг чизма тасвири; аргумент ўзгариши билан функция қандай ўзгаришини тасвирловчи эгри чизиқ кўринишида чизма шаклида берилган математик боғлиқ, функция.

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Сирдарё давлат педагогика институти (1966) негизда ташкил этилган. Университетда 7 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: математика, амалий математика ва информатика, физика, кимё, биология, тупроқшунослик, ўзбек филологияси, славян филологияси, роман-герман филологияси (инглиз тили), туркий тиллар филологияси (қозоқ тили), тарих, иқтисодиёт, касб-ҳунар таълими (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва чет тили, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, агроинженерия, экология ва табиатдан фойдаланиш. Университет қошида бизнес мактаби ва тил ўрганиш маркази мавжуд. 1989 йилда лицей-интернат ташкил қилинган.

**ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУНДАРИЖАСИ** — гуманитар тажрибага, ақидалар ва мафкуравий бирёқламалиликни, замонавий фан ютуқларидан ўқитишнинг узилиб қолишини бартараф этишга ҳамда янги усуллардан ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган маълумотлар мажмуи. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий таълимни янги мундарижаси концепсия тарзида давлат таълим стандартлари лойиҳалари ва намунали ўқув программаларида қайд этилган.

**ГУМАНИТАР ТАЪЛИМ** — инсон ижтимоий табиати ҳақидаги илмий билимларнинг асосини, шунингдек бадиий маданият ва унинг тили асосларини баён этувчи мужассама ўқув фанларини қамраб олувчи умумий таълимни ташкил этувчилардан бири. Инсонни ахлоқий-этик ва бадиий-эстетик ривожлантириш гуманитар таълимнинг мақсади ҳисобланади.

**ГУМАНИТАР ФАНЛАР** (лот. *humanitas* — инсон табиати, саводлилик) — табиий ва техника фанларидан фарқли ўлароқ инсонни ва унинг маданияти (тарих, филология ва б.)ни ўрганувчи ижтимоий фанлар.

**ГУМАНИТАРЛАШТИРИШ** — инсон фаолиятининг тури, ижтимоий-маънавий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш мақсадлари билан белгиланади.

**ГУРУҲ** — кишилар тўдаси, муайян иш, топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади. Одатда, гуруҳ ўз етакчисига итоат қилади, у гуруҳ аъзолари ўртасидаги ишларни тақсимлайди ва гуруҳнинг вазифасини белгилайди.

**ГУРУҲ** — маълум белгилар (бажарилаётган иш тавсифи, ижтимоий ва табақавий тегишлилик, ички ташкил этилиш, ривожланиш даражаси ва ҳ.к.)лар асосида ижтимоий бутунликдан ажратиладиган ҳажм жиҳатидан чекланган кишилар уюшмаси. Гуруҳ ҳажми (катта, кичик); умумий мақоми (расмий, норасмий); ривожланиш даражаси (қўйи ва юқори — жамоалар) ва ҳ.к. бўйича таснифланади. Гуруҳ катталиги, тузилиши ва таркиби ўзи киритилган ёки ташкил этилган фаолият мақсадлари ва вазифаларига кўра белгиланади.

**ГУРУҲ БЎЛИБ БИР ҚАРОРГА КЕЛИШ** — гуруҳ аъзоларининг барчаси учун умумий бўлган масалани ҳал этишда ўзаро ахборотлар айирбошлаш шароитларида бир қатор муқобиллардан гуруҳ бўлиб танлашни амалга ошириш. Гуруҳ бўлиб бир қарорга келиш тартиби гуруҳ аъзолари фикри бири-бирига албатта мос келишини назарда тутати (гуруҳ бўлиб мунозара этишдан гуруҳ бўлиб бир қарорга келиш фарқланади). Гуруҳ бўлиб бир қарорга келиш ўзаро гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишнинг ўзига хос маҳсули ҳисобланади, у индивидуаллик йиғиндисига олиб келмайди, балки индивидуалга нисбатан юқори даражада сифатга эга бўлади.

**ГУРУҲ БЎЛИБ ИШЛАШ** — кичик гуруҳларда жамоа бўлиб ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув материалларининг муайян қисми устида ишлаш.

**ГУРУҲ БЎЛИБ МАШҚ ҚИЛИШ, ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ** — мулоқот соҳасида билимлар ва айрим малакаларни ўргатишнинг махсус шакли, шунингдек уларни тўғрилашнинг шакллари. Гуруҳ бўлиб машқ қилишнинг кўпгина шакли икки катта синфга ажралади: ижтимоий малакаларни ривожлантиришга мўлжалланган (масалан, мунозара олиб бориш, шахслараро низоларни ҳал қилишни уддалай олиш); мулоқот вазиятларини таҳлил қилиш тажрибасини чуқурлаштиришга қаратилган (ўзини, мулоқот бўйича шерикни, умуман гуруҳли вазиятда таҳлилнинг адекватлигини ошириш). Гуруҳ бўлиб машқ қилиш усулларида гуруҳ бўлиб мунозара қилиш ва ўйинни амалга ошириш ажралиб туради (рол ижро этиш энг кенг тарқалгандир). Гуруҳ бўлиб машқ қилишдан турли соҳа мутахассислари: раҳбарлар, педагоглар, врачлар, психологлар ва б.ларни тайёрлаш учун фойдаланилади. У яна низолар ривожланишини тўғрилаш, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, ўсмирларнинг ижтимоий психологик мослашишини тўғрилаш ва ҳ.к.ларда қўлланади.

**ГУРУҲИЙ МУНОЗАРА УСУЛИ** — 1) жамоа раҳбари томонидан амалиётда қўлланадиган биргаликдаги фаолиятни ташкил қилиш усули, гуруҳ топшириғини жадал ва самарадор ҳал этиш мақсадида ўтказилади; 2) бевосита мулоқот жараёнида мунозара қатнашчиларининг фикри, нуқтаи назари ва қарорларига мантқан асосланган далиллар тизими ёрдамида таъсир этишга имкон берувчи йўсин. Гуруҳий мунозара усулини ташкил этишнинг турли шаклла-

ри мавжуд бўлиб, у оддий ишлаб чиқариш кенгашидан тортиб махсус тайёрланган «актий тажовуз» шаклигача мавжуд (қ. «Дельфи усули»); биргаликдаги фаолиятнинг гуруҳаро келишиб бир қарорга келишни талаб этадиган исталган шакли бу усулнинг қўлланиш соҳаси ҳисобланади.

## Д

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТИ** — жойлардаги давлат ҳоқимияти органлари қуйидагиларни амалга оширади: таълим муассасаси фаолиятининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайди; таълим муассасаларини бунёд этади, қайта ташкил қилади ва тугатади, республика органлари тасарруфидагилар бундан истисно, уларнинг уставларини рўйхатга олади; ўз ваколати доирасида молиялаш ва ўз ҳудудидаги таълим муассасалари учун имтиёзлар ҳажмини белгилайди; таълимнинг сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимлар касбий фаолиятида давлат талабларига амал қилинишини таъминлайди; қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА** — давлат таълим муассасасининг мавқеини, шунингдек, таълим программасининг амалга оширилиш даражасини, давлат таълим стандартлари талаблари асосида битирувчиларни тайёрлаш мазмуни ва сифати мувофиқлигини, таълимнинг тегишли даражаси ҳақида давлат намунасидаги ҳужжатни битирувчиларга бериш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ** — ўқувчилар маълумоти даражасини давлат таълим стандарти (сифат меъёрлари) ёрдамида белгилаш.

**ДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ** — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим муассасаларининг давлат меъёрий ҳужжатлари даражасида фаолият кўрсатишини ва давлат таълим стандартлари бажарилишини таъминлашга йўналтирилган таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли идораларининг фаолияти; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва тегишли таълим муассасаси-

нинг уставига мувофиқ амалга оширилади; якка бошчилик ва ўз-ўзини бошқариш тамойилларига асосланади.

**ДАВЛАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ** — илмий тадқиқот мужассасаси, бир қатор институтлар ва ташкилотларни (уларнинг қайси муассаса тасарруфида эканлигидан қатъий назар) бирлаштиради. Давлат молиявий қўллаб-қувватлаши асосида фан ва техникани тегишли соҳасидаги муайян устувор вазифаларни ҳал қилиш учун тузилади.

**ДАВЛАТ СУБСИДИЯЛАРИ** — давлат бюджетидан маҳаллий ҳокимият идоралари, корхоналар, ташкилотлар томонидан аҳолига ажратиладиган ва қатъий белгиланган мақсадлар учун мўлжалланган пул маблағи, нафақалар, молиявий ёрдам.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА БЎЛМАГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ** — таълим муассасалари ва вазифасига кўра айнан шундай бўлган марказлар, турли хил ташкилотларда фаолият кўрсатади, ўз муассислари томонидан бошқарилади ва асосан давлат бюджетидан молияланади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА БЎЛМАГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ** — таъсисчи ёки унинг топшириғи бўйича ҳомийлик, таъсисчи тузадиган кенгаш ёрдамида мазкур муассасага раҳбарлик қилиш.

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** — таълим муассасаси, унинг фаолияти таълим муассасалари тўғрисидаги низом ва унинг асосида ишлаб чиқиладиган мазкур таълим муассасаларининг уставларига кўра тартибга солинади.

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ** — таълим сифати ва мазмунига миллий-минтақавий талабларни акс эттирувчи ва минтақа миқёсида ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мажмуидан иборат стандартнинг таркибий қисми: минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунига қўйиладиган талабларни белгиловчи ишчи ўқув-програмавий ҳужжат; муайян

касб бўйича тайёргарлик даражаси ва сифатини белгилаш учун назорат топшириқлари ва ҳ.к. Стандартнинг минтақавий таркибий қисми фақат муайян минтақа худудидагина амал қилади; у республика бўйича касблар рўйхатини стандарт асосий қоидаларига риоя этилган ҳолда маҳаллий ўзига хосликларни ҳисобга олиб аниқлаши ва тўлдириши мумкин.

**ДАВЛАТ ТИЛИ, РАСМИЙ ТИЛ** — қонунчилик ва расмий иш юритиш, судлов ишлари, таълим ва ҳ.к.ларда фойдаланиладиган асосий давлат тили. Ўзбекистон Республикасида давлат тили бўлиб, «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 1- моддасига мувофиқ, ўзбек тили ҳисобланади.

**ДАВЛАТ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯСИ** — битирувчининг олий (ёки ўрта, касбий) таълим программаларини малакавий талабларга мувофиқ муайян талаб ва қоидалар ёрдамида бажарганлиги сифатини баҳолаш.

**ДАВРИЙЛИК** — муайян ҳодисалар (хотира, кайфият, ўсиш жараёни, туғилиш, ўлиш, тарихий ҳодисалар, давр ва ҳ.к.)нинг мунтазам такрорланиши (қайтиши).

**ДАЛИЛ** — 1) объектив мавжуд бўлган борлиқ, мавжудлик; 2) ҳақиқатда юз берган ҳодиса, воқеа; бирор тахминни текширишдан иборат қандайдир яқун, хулоса учун хизмат қиладиган қатъий қарор топган билим, тажрибадаги маълумот.

**ДАЛИЛИЙ АХБОРОТ** — объектлар, жараёнлар, ҳодисалар, таълим мазмуни, программалар, таълим ва тарбия усули ва ҳ.к. ҳақидаги ахборот. Уни ҳужжатли график ахборотдан, яъни ҳужжатлар ҳақидаги ахборотдан фарқлаш лозим.

**ДАРС** — педагоглар ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ўзаро муносабати (фаолият ва ўқитиш)ни вақт бўйича чегараланган ташкилий шакли, таълим, ривожлантириш ва тарбия вазифаларини амалга ошириш учун мунтазам қўлланилади. Бундай ўзаро муносабатнинг нагжаси бўлиб, педагог томонидан берилаётган билимни ўқувчиларнинг ўзлаштириши, ўқув ва малакаларни шакллантириш, лаёқатлиликни ривожлантириш, шунингдек, педагог тажрибасини такомиллаштириш ҳисобланади.

**ДАРС ЖАДВАЛИ** — ҳужжат, таълим муассасасида ўқув ҳафтасининг ҳар бир кундаги ўқув машғулотида педагогик мақсадли кетма-кетлигини белгилайди ва шундай қилиб ўқув режасини аниқлаштиради. Тўғри тузилган дарс жадвали ўқувчилар ўқув юкмасини бир меъёрга тақсимлашни, уларнинг ишга қобиллигини сақлашни ва уларнинг турли қиррали фаолияти учун шароитни таъминлайди.

**ДАРС ТУЗИЛИШИ** — дарс компонентларининг дидактик асосланган ички алоқаси, уларнинг тартиблаштирилганлиги ва ўзаро муносабати. Анъанавий дарс тузилиши 4 асосий унсурдан — сўраш, тушунтириш, ўтилганни мустақамлаш ва уй ва-зифасидан иборат бўлади.

**ДАРСЛИК** — программада, методикада ва дидактика талабларида белгиланган таълимнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ муайян ўқув фани бўйича илмий билимлар асоси баён этилган китоб. Ҳар бир тур таълим муассасаси учун шу муассасанинг тавсифига, ўқувчиларининг ёши ва бошқа жиҳатларига мос келадиган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликка қатъий талаблар қўйилади: у қисқа, юқори даражада умумлаштирилган материалга эга ва шу билан бирга, аниқ, асосий фактик материалларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Дарсликнинг матни, асосий қоидаларнинг ифодаланиши, хулосалар юқори даражада аниқ ва равшанлиги билан ажралиб туриши керак. Илмийлик, баённинг қизиқарлилиги, қизиқиш туғдира билиш ва фикрлашга мажбур этиш алоҳида аҳамият касб этади. Яхши дарслик ахборотга бой, энциклопедик бўлиши ўқув материалини қўшимча ва ўхшаш адабиётлар билан боғлаши, мустақил таҳсил олиш ва ижодга даъват этиши лозим.

**ДАРСЛИК(ЎҚУВ ПРОСГРАММАСИ)НИНГ МУРАККАБЛИГИ** — нисбий тушунча, қиёсий тарзда турли дарсликларни ёки ўқувчилар тажрибаси ва ўқув материаллари нисбатини ўқув материалини баён этиш илмий даражасининг абстракциялаш поғоналари терминларида белгилайди. Нисбий, мураккаб тушунча бўлгани ҳолда, шунга қарамай, объектив тушунчадир, агар икки дарслик қиёсланаётган бўлса, агар қиёслаш ўқиётганнинг тажрибаси билан амалга оширилаётган бўлса субъективдир. Дарслик абстракциялик даражаси ва ўқувчи тажрибаси ўртасидаги фарқ қанча

катта бўлса, ўқув фани ўқувчига шунчалик мураккаб туюлади. Қ.  
*Таълимнинг тушунарлилиги.*

**ДАЪВОГАР** — ўз номзодини бирор ўринга тавсия этувчи, қандайдир амални, унвонни, спорт мусобақаларида биринчиликни ва ҳ.к.ни олишга ҳаракат қилувчи шахс.

**ДАҲО** — ҳам умумий (интеллектуал), ҳам махсус иқтидорни ривожлантиришнинг олий даражаси. Шахс жамият ҳаётида, маданият ривожидида бугун бир даврни ташкил этувчи ижодий фаолият натижаларига эришган тақдирдагина даҳо ҳақида гапириш мумкин бўлади.

**ДЕБАТЛАР** (фр. *debats*) — 1) бирор масаланинг муҳокамаси, музокара, фикрлар айирбошлаш; 2) *педагогикада*, мунозарали ўқув шаклларида бири; иштирокчилар — икки қарама-қарши томон вакиллари, рақобатлашаётган гуруҳларнинг олдиндан белгиланган чиқишлари асосида қурилган расмийлаштирилган мунозара. «Британия дебатлари» деб ном олган муҳокама тури Британия парламентида масалаларни муҳокама қилиш тартиби ҳисобланади. Бундаги муҳокама томонлар ҳар бирининг вакиллари нутқи билан бошланади, шундан сўнг минбарга навбатма-навбат қатнашувчи томонларнинг вакиллари савол бериш ва шарҳлаш учун кўтариладилар.

**ДЕВИЗ** (фр. *devise*), **ШИОР** — 1) асосий гоя мақсадни ифода этувчи (кўпинча битта сўздан иборат) даъват; 2) меъморий безакда — ёзув ёки герб, қалқон, ордендаги эмблема; 3) ёпиқ танловда муаллиф ўз номи ўрнида асари (лойиҳаси, баёни ва б.)га берадиган ибора ёки сўз.

**ДЕДУКТИВ УСУЛ** — хусусий қоидалар мантиқан умумий қоидалар (аксиома, қоида, постулат, қонун)дан келтириб чиқарадиган тадқиқот, баён усули; дедукцияга асосланган усул.

**ДЕДУКЦИЯ** (лот. *deductio* — чиқариш) — умумийдан хусусийга бўлган мантиқий хулоса чиқариш, умумийдан хусусийни келтириб чиқариш; билимнинг анча умумийдан нисбатан умумий, хусусийга томон ҳаракати; умумийдан хусусийга олиб келадиган, умумий қоидалардан айримликка олиб борадиган фикрлаш йўли. Де-



дукция ёки *дедуктив усул* табиий фанларда, айниқса математикада қўлланилади. Дедукциянинг акси *индукция*.

**ДЕКАН** (лот. *decanus* — ўнбоши; қадимги рим қўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи) — олий таълим муассасасида факультетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари.

**«ДЕЛЬФИ» УСУЛИ, «АҚЛИЙ ТАЖОВУЗ» УСУЛИ, «АҚЛИЙ ҲУЖУМ» УСУЛИ** — 1) *иқтисодда*, ечимларни жадал излаш усули, «ақлий ҳужум» шароитида уларни генерациялашга асосланган, бир гуруҳ мутахассислар томонидан ва эксперт баҳолаш асосида энг яхши ечимни танлаш мақсадида ўтказилади; эксперт баҳоларни тўплаш тизимини ва математик ишлаб чиқишни ташкил қилиш йўли билан эксперт башоратлашида фойдаланилади; 2) *педагогикада*, муаммо бўйича ташкил этилган мунозара жараёнида қўйилган муаммони биргаликда ҳал этиш жараёнида асосланган билиш фаоллигини рағбатлантириш ва гуруҳда ўқитиш усули; қатнашувчиларда ғояларни эркин илгари суришларига, кейинчалик уларни танқидий таҳлил қилишга рағбатлантиради.

**ДЕМАГОГИЯ** (юн. *demagogia*) — бирор мақсадга эришиш учун ёлғон ваъдалар бериш, далилларни кўра била туриб сохталаштириш, мақтовлардан фойдаланиш, ўзини оммавийлаштириш учун ишонч қозониш; педагог ва ўқувчилар ўртасидаги авторитар муносабатларга хосдир.

**ДЕМОНСТРАЦИЯ** (лот. *demonstratio* — кўрсатиш), **НАМОЙ-ИШ** — 1) оммавий юришлар, митинглар ва ҳ.к.лар уюштириш йўли билан жамоатчилик кайфияти, талаблари, бирдамлиги, ёки қарши эканлигини оммавий намоеън қилиш; 2) *педагогикада*, ўқувчиларни қандайдир ҳодиса, нарса билан таништиришнинг кўргазмали усули (тажрибада кўрсатиш, приборлар ёрдамида кўрсатиш, техникавий қурилмаларда, шунингдек кинофилмларда, телекўрсатувлар, диофилмлар ёрдамида кўрсатиш). Демонстрация таълим усули сифатида ўқувчиларга мураккаб ҳодисаларни амалда уларнинг динамик ҳолатда, вақт ва маконда кўришларини таъминлайди, уларнинг билим савиясини оширади, билимларни ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради, билишнинг хиссий эмпирик асосини яратади.

**ДЕПОНЕНТЛАНГАН ҚҰЛЁЗМА** — давлат муассасасига сақлаш учун берилган илмий нашр мавқеига эга ҳужжатларнинг алоҳида тоифаси. Уни ўқийдиганлар доираси чекланган бўлади, депонентлаш тизими ахборот нашрлардаги қўлёзма ҳақида маълумот албатта бўлиши ҳамда нусха кўчириш имкони мавжудлиги кўзда тутилади; депонентланган қўлёзмаларнинг афзалликлари шундан иборатки, уларда янги, ҳали эълон қилинмаган материаллар бўлади.

**ДЕСКРИПТОР** (лот. describere — тавсифлаш) — 1) муайян тизим тезаурусига киритилган маълум таянч ёки негиз хотирага мос келадиган ахборот-қидирув тизими (АҚТ) тил бирлиги; 2) қатъий маънога эга термин, ахборот ҳужжати асосий мазмуний моҳиятини ва унинг идентификациясини ифодалаш учун хизмат қилади; 3) бирор ахборот қандай тарзда хотирланиб қолишини кўрсатувчи ахборот объекти хотирасида сақланувчи (масалан, ёзувлар массиви ёки файлдаги) тил бирлиги.

**ДЕТЕРМИНАЛ ПСИХОЛОГИЯ** (лот. determinare — белгиламоқ) — детерминловчи тенденциялар ҳақидаги ва руҳий актларнинг мақсадга йўналганлиги ҳақидаги таълимот. Детерминал психологияга кўра субъектнинг атроф муҳит таъсирига нисбатан хатти-ҳаракати соф рецептив(таъсирланувчи)дир, кўйилган мақсадга мувофиқ эса ижодий фаолдир.

**ДЕТЕРМИНАЦИЯ** — белгилаш, белгиланганлик; *мантиқда* — анча умумий (бир жинсли) тушунчага белгилар қўшиш, бунинг натижасида тушунчанинг анча чекланган тури юзага келади.

**ДЕТЕРМИНИЗМ** — 1) инсон ҳаётидаги барча жараёнларни ўз ичига олган оламда юз берадиган барча жараёнлар Худо томонидан азалдан белгиланганлиги ҳақидаги таълимот (теологик детерминизм ёки тақдир ҳақидаги таълимот), ёки фақат табиат ҳодисаси (космологик детерминизм), ёки махсус инсон иродаси (антропологик-этик детерминизм). Детерминизм *фатализмга* ўсиб ўтиши мумкин. Унинг акси — *Индетерминизм*; 2) *психологияда* руҳий ҳодисаларнинг ўзини юзага келтирувчи омилларга қонуний ва зарурий боғлилиги.

**ДЕФЕКТОЛОГИЯ, МАХСУС ПСИХОЛОГИЯ** (лот. defectus — нуқсон ва юн. logos — сўз таълимоти) — руҳий ва жисмоний нуқсонли болалар ривожланишининг ўзига хос томон-

ларини, шунингдек, уларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини ўрганувчи фан; *логопедия, олигофренопедагогика, сурдопедагогика, тифлопедагогикаларни ўз ичига олади.*

**ДИҚҚАТ** — субъектнинг муайян объектга ёки ҳаракатга қаратилган ва уйғунлаштирилган руҳий фаолияти. Замонавий психологияда диққатнинг уч тури фарқланади: ихтиёрсиз — инсоннинг онгли ниятисиз нарса ёки ҳодиса томонидан жалб этилади ва ҳеч бир қийинчиликсиз сақланади; ихтиёрли — онгли ният натижасида юзага келади ва сақланиб қолишга сезиларли даражада куч талаб этади; ихтиёр этилгандан кейинги — фаолиятнинг онгли йўналиши сақланиб қолади, лекин уни амалга ошириш махсус ақлий қувват талаб қилмайди. Диққатга қуйидаги хусусиятлар таллуқли: ҳажм (муайян қисқа вақт мобайнида қабул қилиниши мумкин бўлган объектлар миқдори), тақсимланиш (турли тоифадаги объектларни бир вақтнинг ўзида идроклаб олиш қобилияти), бошқасига ўтиш ва барқарорлик имконияти.

**ДИАГНОЗ** (юн. diagnosis — аниқлаш, белгилаш) — шахснинг, унинг фаол ҳолатини белгилаш, истиқболдаги ривожланишини башоратлаш ва диагностика тадқиқотлари вазифалари билан белгиланадиган тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида индивидуал ўзига хосликлари моҳиятини аниқлаш ва тавсифлаш бўйича педагог-психолог фаолиятининг якуний натижаси.

**ДИАГНОСТИКА** (юн. diagnostikos — аниқлашга қобил) — бирор фаолият турига, шу жумладан муайян мазмундаги ва мураккаблик даражаси ўқув фаолиятига тайёрлик даражасини аниқлаш таркиби. Тестлар тизими, ёзма ишлар, оғзаки саволлар ва бошқа кимнингдир билим ва уқуви ҳолатини тасаввур қилишга имкон берадиган усулларга асосланади. Тор маънода термин ўқув материални ўзлаштиришнинг муваффақиятлилигини текшириш тартиби ва усуллارининг мажмуини англатади.

**ДИАЛЕКТ** (юн. dialektos — нутқ; шева, лаҳжа) — лаҳжа, шева, умумхалқ (умуммиллий) тилнинг ижтимоий ёки маҳаллий тури.

**ДИАЛЕКТИК МАНТИҚ** — онда табиат ва жамият диалектикасини акс эттиришга қобил тафаккур ҳақидаги фан; у тафаккурни ривожланишда, қарама-қаршилиқда шакл ҳамда мазмуннинг бирлигида ўрганади.

**ДИАЛЕКТИКА** (юн. *dialektike*) — 1) табиат, жамият ва тафаккур ривожининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва курашида қараладиган ички манбаа; билиш назарияси ва усули ҳамда борлиқнинг ўзгариши; 2) ҳаракат ва ривожланиш унинг барча мураккабликлари, турли-туманлиги ва зиддиятлилиги билан биргаликда кечадиган жараён; 3) илк маънода — мунозара юритиш санъати, далиллаш санъати (Сукрот фикрича диалектика — тушунчани аниқлаш мақсадида суҳбат юритиш санъати).

**ДИАЛОГ** (юн. *dialogos*), **СУҲБАТ** — нутқнинг оғзаки шакли, икки ёки ундан ортиқ шахснинг навбатма-навбат реплика алмашиниши; мустақил публицистик ва фалсафий жанр сифатида мавжуд, антик фалсафада Сукрот ва унинг шогирдлари, аввало Афлотун томонидан юқори даражада такомиллиги етказилган («Афлотун диалоглари»да унинг устози Сукротнинг ўқитиш усули акс этган). Одатда диалог тарзидаги нутқ тўлиқ ривожга етмайди, чунки кўпгина нарсалар ёки аввал айтилганлардан келиб чиқади, ёки сўзловчилар учун аён бўлади, ёки ўзгараётган вазиятдан кўриниб туради. 70- йиллардан фаол ишлаб чиқиляётган алоҳида соҳа бўлиб, инсоннинг компьютер билан диалоги муаммоси ҳисобланади.

**ДИВЕРГЕНЦИЯ** (лот. *divergentia* — фарқланиш) — 1) ривожланиш давомида дастлаб бир-бирига яқин бўлган гуруҳлар (тирик организмлар ва ижтимоий гуруҳлар)даги белги ва хоссаларнинг фарқланиши; 2) тил бирликларининг фарқи, турланиши, позицион ўзгариши; тилнинг диалектларга ажралиши, бир тилдаги диалектларнинг бир-биридан фарқланиши (қийёсланг, *Конвергенция*).

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ** (лот. *diversus* — турлича ва *facere* — қилмоқ) — 1) *иқтисодда*, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот хилларининг кўпайиши, турининг ўзгариши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадларида янги тур маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодий самара олиш, банкротликнинг олдини олиш; бундай диверсификацияга ишлаб чиқариш диверсификацияси дейилади; 2) *лингвистикада*, тил маданиятини кўреаткичи сифатидаги тилнинг лексик таркиби; 3) *педагогикада*, таълим тизимини ташкил этиш тамойили. Таълим муассасасини кўп вариантли тарзда ташкил қилиш им-

кони́ни беради ва таъминлайди, бир томондан жамият ва ишлаб чиқариш талабларини, шахснинг манфаати ва эҳтиёжларини максимал даражада қондиради, яъни ягона давлат таълим тизимидан четга чиқиш имконини беради.

**ДИДАКТИК ЖАРАЁН** — мутахассис шахсининг шаклланиш жараёни. Стандарт дидактик жараён таълим мақсадини амалга оширишликни таъминлаши лозим ва исталган таълим муассасаси, исталган ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган даражада бўлиши керак; у шунингдек муайян ўқув ускуналарини танлаш, сотиб олиш ва улардан фойдаланиш учун мўлжал бўлмоғи лозим. Дидактик жараённинг тузилишини уч ўзаро боғлиқ ва бир-бири таркибига кирувчи унсурлар сифатида тасаввур этиш мумкин, булар қуйидагича: мотивация, таълим олувчининг ўз идроклаш фаолияти ва бу фаолиятнинг педагог томонидан бошқарилиши.

**ДИДАКТИК МАТЕРИАЛ, ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ** — ўқувчиларга мустақил ишлаш учун дарс вақтида ёки уйга бериладиган, ёки педагог томонидан намоёиш этиладиган кўргазма ўқув қуроллари (хариталар, жадваллар, реактивлар, ўсимликлар ва ҳ.к.лар); машқлар ва масалалар тўплами ҳам дидактик материал ҳисобланади.

**ДИДАКТИК ТАЛАБЛАРНИНГ БИР ХИЛЛИГИ** — ўқув машғулотларини ўтказишни ташкил қилиш ва ўқув фаолиятига раҳбарлик қилишга таълим муассасаси педагоглар жамоасининг ёндашувдаги умумийлик ва келишилганлик; унинг қуйидаги жиҳатлари мавжуд: а) назарий ва амалий таълимнинг ҳажми ва мазмуни, программаларнинг келишилганлиги; б) билим сифати, ўқув ва малакаларга бўлган талаб (унинг чуқурлиги, мустаҳкамлиги, тўлақонлиги, материалларни баён қилиш ўқуви, нутқнинг тўғрилиги ва ҳ.к.); в) ўқув фаолиятини ташкил қилишга бўлган талаблар (эътиборлилик, фаоллик, саришталик, мустақиллик). Мазкур талабларга амал қилиш ўқув тарбия ишининг сифатини оширади, интизомнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади.

**ДИДАКТИК ТИЗИМ** — педагоглар, таълим олувчилар ва таълим воситаларининг муайян уйғунлашуви, бу ўқувчиларнинг билимларини маълум сифатга етказиш мақсадларида уларнинг идроклаш фаолиятини бошқаришга имкон беради.

**ДИДАКТИК ЭКСПЕРИМЕНТ** — таълимнинг янги мазмунини белгилаш, ўқитишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, дидактика соҳасига кирувчи педагогик усул ва йусинларнинг амалда жорий этилганларининг самарасини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотларда қўлланадиган эксперимент. Қ. *Педагогик эксперимент.*

**ДИДАКТИКА** (юн. didaktitos — ибратли), **ЎГИТ** — педагогиканинг бўлими, таълим ва тарбия назариясини баён этади, билим, ўқув ва малакани ўзлаштириш қонуниятларини тадқиқ этади ҳамда аниқланган қонуниятлар асосида таълимнинг муайян тизимларини ишлаб чиқади. Дидактика — назарий ва шу билан бир вақтда меъерий-амалий фан. Дидактиканинг илмий-назарий вазифаси таълимнинг мавжуд жараёнларини ўрганишдан, таълим турли томонлари ўртасидаги омиллар ва қонуний алоқаларни белгилашдан, уларнинг моҳиятини очиб беришдан, ривожланишнинг йўналишлари ва истиқболини аниқлашдан иборатдир. Дидактика таълим мазмунини саралаш муаммоларини ишлаб чиқиб, таълим тамойилларини, таълим усуллари ва воситаларни қўллаш меъёрларини белгилаб, меъерий-амалий, конструктив-техникавий вазифани бажаради. Дидактиканинг ана шу функциялари бирлигида таълим жараёнининг моҳияти, унинг таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириш функцияларини амалга оширилиши тушунилади.

**ДИДАКТОГЕНИЯ** (юн. didaktikos — ибратли ва genos — келиб чиқиш) — тарбиячи (педагог, устоз, раҳбар) томонидан педагогик маромнинг бузилиши натижасида ўқувчида юзага келадиган салбий руҳий ҳолат (тушкун кайфият, кўрқув, фрустрация ва б.), таълим олувчи фаолияти ҳамда шахслараро муносабатларга салбий таъсир этувчи ҳолат.

**ДИЗАЙН** (инг. design — лойиҳаламоқ, тузмоқ) — саноат ашёси, нарсанинг бадий лойиҳаси.

**ДИЗЬЮНКТИВ МУЛОҲАЗА** — мураккаб мулоҳаза, «ёки» боғловчиси ёрдамида икки фикрнинг бирлашишидан ташкил топади. Масалан, мулоҳаза тури: А, бу В ёки С.

**ДИЗЪЮНКЦИЯ** (лот. *disjunctio* — ажралиш) — «ёки» мантикий боғловчиси ёрдамида икки фикрнинг бир кишида ҳосил бўлган мураккаб иборадан ташкил топган мантикий операцияси.

**ДИКТАНТ** — ёзма иш, имло ва тиниш белгиларини ўқитишда фойдаланиладиган одатдаги машқ тури, шунингдек, ўқувчиларнинг имло ва тиниш белгилари бўйича билимини текшириш усули матн ўқитувчининг диктовкаси ёрдамида ёзилади.

**ДИЛЕММА** (юн. *dilemma di(s)*дан — икки марта ва *lemma* — юбориш) — 1) икки бир-бирини инкор этувчи ва улардан бири танланиши керак бўлган мулоҳаза; 2) танлаш қийин бўлган бир-бирига зид икки имкониятдан бири.

**ДИЛЕТАНТ** (фр. *dilettante*) — ишқибоз, нарсани чуқур билиш учун зарур бўлган махсус тайёргарликсиз бирор санъат ёки фан билан шуғулланувчи.

**ДИН** — дунёқараш, дунёни идроклаш, шунингдек илоҳнинг, илоҳийликнинг мавжудлигига бўлган ишонч билан белгиланадиган муайян хулқ-атвор; таянч бўладиган ва етук авлод берадиган сирли кучга нисбатан боғлиқлик, қарамлик ва унинг олдидаги қарздорлик ҳисси. Турли динларнинг ўзига хосликлари эътиқодли кишиларнинг ўзига хос руҳиятидан ва халқ ичидаги руҳиятнинг ўзига хосликларидан келтириб чиқарилиши лозим. Дин, диний маросимлар кишилар онгига мафкуравий ташкиллаштирилган таъсир жараёни ҳисобланади. Диний амалиёт ўз моҳиятига кўра тарбиявий таъсирнинг мураккаб, фаол, таъсирчан тизимидир.

**ДИНИЙ ТАЪЛИМ** — инсоннинг дин тарихи ва диний эътиқод асосий қоидаларини ўзлаштириши.

**ДИПЛОМ** (юн. *diploma* — варақ, ҳужжат) — олий, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганликни ёхуд илмий даража берилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

**ДИПЛОМ ИШИ** (битирув ишларининг бир тури) — мустақил ёзма иш, университетлар ва баъзи бошқа олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатиш вақтида тақдим этилади; талабалар томонидан сўнгги ўқув йилида бажарилади, унинг их-

тисослик бўйича мустақил ишлашга тайёргарлигини текшириш шаклларида бири бўлиб хизмат қилади. Диплом ишига раҳбарликни мазкур таълим муассасасидаги кафедра амалга оширади, давлат аттестация комиссияси олдида ҳимоя қилинади.

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ** — техникавий олий (бакалаврият) ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаси талабасининг битирув иши, бунинг асосида давлат аттестация комиссияси мазкур ихтисослик бўйича билим ёки малакани бериш ҳақидаги масалани ҳал этади. Диплом лойиҳаси талабалар назарий билимини мунтазамлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни, улар томонидан техника соҳаларидан биттасини чуқур ўрганишни муҳандислик вазифаларини мустақил равишда ечиш малакасига эга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди; мавзу ишлаб чиқаришнинг аниқ эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда танланади.

**ДИПЛОМ ОЛГАНДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ** — олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг битирувчиси янги билим ва ўқувларни ўзлаштириши; одатда малака ошириш тизимидаги ўқиш назарда тутилади.

**ДИПЛОМЛИ МУТАХАССИС** — муайян вақт мобайнида (одатда беш йилдан кам бўлмаган вақт ичида) тегишли асосий таълим программасини муваффақиятли ўзлаштирган ва якуний аттестациядан ўтган шахс. «Дипломли мутахассис» малакаси ишга жойлашаётганда малака талабларида олий маълумотлилиқ назарда тутилган ўринни эгаллаш ҳуқуқини беради. Ўзбекистонда 1995/96 йилларда 2 босқичли таълим (бакалаврият ва магистратура)га ўтилгунга қадар дипломли мутахассислар чиқарилган.

**ДИРЕКТИВА** (фр. directive — йўналтирма) — юқори ташкилот, бошқарув идорасининг қуйи ташкилотга, раҳбарнинг бўйсунувчиларга юборадиган ва бажарилиши мажбурий бўлган раҳбарлик кўрсатмалари.

**ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ** — 1) муайян вазифани эгаллашга ноқобил, ниманидир уйдлашга ноқобил ёки муайян ишни бажаришга ноқобил деб эълон қилиш; 2) қондани, спорт этикаси ва ҳ.к.ларни бузганлик учун спортчи (команда)ни спорт мусо-



бақасида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; спортчини спорт унвонидан доимий ёки вақтинча маҳрум этиш.

**ДИСКРЕТ** (лот. *discretus*) — узлукли, алоҳидалик; дискрет қиймат — айрим қисмлардан ташкил топган қиймат.

**ДИСКРИМИНАЦИЯ** (лот. *discriminatio* — фарқлаш), **КАМСИТИШ** — айрим иқтисодий субъектлар (давлат, муасса-са, корхона, фуқаро)ни бошқасига нисбатан ҳеч бир қонуний асос бўлмаган ҳолда камситиш ёки ҳуқуқдан маҳрум қилиш. Дискриминация шунга олиб келадики, камситилаётган субъект ноқулай ҳамда нохуш ҳолатга тушиб қолади.

**ДИСКУССИЯ** (лот. *discussio* — тадқиқот) — гуруҳ қилиб ўқитиш усули, бирор муаммони ҳал қилиш усуллари ҳақида ўқувчиларни фикрлар, ғоялар ва таассуротларни айирбошлашга фаол жалб этишни таъминлайди; дискуссия усулини муваф-фақиятли қўллаш учун муҳокама этилаётган нарса, воқеа, ҳодиса ҳақида иштирокчилар билим ва тажрибага эга бўлишлари зарур.

**ДИСКУССИЯВИЙ ФАОЛИЯТ** — далилларни танлаш ва тақдим этишда нуқтаи назарлар, тутган ўринларни аниқлаш ва қиёслашдан иборат ўқув фаолиятининг тури. Қ. *Дискуссия*.

**ДИСПЕРСИЯ** (лот. *dispersus* — ёйилган, сочилган) — *ста-тистикада*, муайян танлов учун нисбатан ўртача қийматдаги статистик танлов индивидуал қатнашчилари (тасодифий қийматлар)нинг миқдорий ўлчамлари сочилганлик даражасини тавсифловчи қиймат.

**ДИСПЛЕЙ** (инг. *display* — кўрсатмоқ, қайта тикламоқ) — компьютер экранида матн, жадвал, чизма, расм, шакл тарзида-ги информацияни кўриш, шунингдек уни интеракт тартибда таҳрир қилиш учун намоён этувчи қурилма.

**ДИСПУТ** (лот. *disputare* — фикр юритмоқ, бахслашмоқ) — долзарб илмий мавзу, ёки ижтимоий муаммоларни жамоа бўлиб оммавий муҳокама қилиш. Булар қайсидир даражада таълим олувчилар ва уларнинг ижтимоий тажрибалари билан боғлиқ бўлади; катта ёшдаги ўқувчилар билан амалга оширила-

диган таълимнинг фаол усулларидан бири, мантиқий фикрлаш ва мустақил мулоҳаза юритишнинг ривожланиши ва шаклланишига ёрдам беради. Диспут муайян амалий муаммоларни идроклаш ва ҳал этишга мавжуд билим ва турмуш ҳақидаги тушунчаларни қўллаш имконини беради.

**ДИССЕРТАЦИЯ** (лот. *dissertatio* — тадқиқот) — малакавий илмий иш, ички яхлитликка эга, тадқиқот натижалари, илмий қоидалар мажмуидан иборат бўлади, улар изланувчи томонидан ошкора ҳимоя учун илгари сурилади ва унинг олим сифатида илмга қўшган шахсий ҳиссаси ҳақида гувоҳлик беради. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимояланган диссертация — мустақил ёки фан доктори (айрим ҳоллардагина фан номзоди) раҳбарлиги остида бажарилган тугал илмий тадқиқот иши ҳисобланади ва амалий қимматга эга бўлган долзарб илмий муаммонинг янгича ечимидан иборат бўлади.

**ДИСТАНЦИОН ҲАМ ТАЪЛИМ** (лот. *distantia* — масофа) — таълимнинг таълимчи ва таълим олувчиси ўқитиш жараёни, у педагог ва ўқув фаолиятининг субъекти ўртасидаги доимий тўғридан-тўғри боғланишсиз амалга ошади. Ҳам таълимнинг таълимчи ва таълим олувчиси ўқитишга раҳбарлик кириш маърузалар орқали ва махсус тайёрланган йўриқнома материаллар воситасида, шунингдек, вақт-вақти билан ўқиётганлар ва ўқитаётганларнинг тўғридан-тўғри боғланиши вақтида амалга оширилади. Ҳам таълимнинг таълимчи ва таълим олувчиси ўқитишнинг бориши ёзма назорат ишлари асосида белгиланади ва тўғриланади, улар текширилгандан сўнг бажарувчига педагогнинг шарҳлари, қайдлари ва маслаҳатлари билан биргаликда қайтарилади. Анъанавий сиртқи таълимга ажралади, бунда ўзлаштирилиши лозим бўлган билим асосан дарсликлар ва бошқа нашр манбалари ҳамда оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, матбуот орқали берилишга мўлжалланган турли хил ўқув программаларидан олинади. Одатда бу турлар ҳар хил тарзда бир-бирига қўшиб олиб борилади.

**ДИСТАНЦИОН ТАЪЛИМ** (лот. *distantia* — масофа) — халқаро термин, баъзан «масофавий таълим» маъносида ҳам қўлланилади. Ҳам таълимнинг таълимчи ва таълим олувчиси ўқитиш-идроклаш фаолияти ва шахс ривожланишига аниқ мақсадга йўналтирилган ва методик жиҳатдан ташкил этилган раҳбарликни амалга оширилади, бунда таълим олувчилар таълим муассасасидан анча узоқда бўлади, шунга қўра олий таълим муассасасининг педагог ходимлари билан доимий алоқани амалга ошира олмайди. Амалда икки тури, одатда, турли тарзда уйғунлаштирилган шаклларда мавжуд: а) ёзишма-

лар орқали, бунда педагог таълим программасини ўзлаштиришни йўлга қўяди ва назорат қилади; б) оммавий алоқа воситаси орқали, бунда маъруза ва йўриқномалар, аудио-видео материаллар, якка тартибдаги консультациялар телефон орқали бериледи. Дистанцион технологиядан расмий ва ғайрирасмий таълимда фойдаланилади.

**ДИСЦИПЛИНА** (лот. *disciplina* — таълимот, фан) — 1) жамоани ташкил этишдаги бошланғич усул — мазкур жамоа аъзоларини барчаси учун мажбурий, қатъий белгиланган тартибга риоя қилиш; жамоа аъзоларининг ўзаро маданий муносабатлари, фойдали анъаналар ва ахлоқий одатлар шаклланишини таъминлайди; 2) ўқув фани; бир ёки бир неча фан тармоғи.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЎҚИТИШ** — ўқитиш технологияси, ўқитилаётганларнинг манфаатлари ва қобилиятлари ривожланишининг куртакларини аниқлаш учун самарали шароит яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Программа материали турли режалаштирилган босқичлардан, аммо мажбурий (стандарт) даражадан паст бўлмаган босқичда ўзлаштирилади; индивидуал ўқитиш усулларидан кенг фойдаланилади.

**ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** (лот. *differentia* — фарқ) — ажралиш, қисмларга бўлиниш, яхлитнинг турли қисмларга қатламланиши, шакллар ва босқичлар.

**ДОҲИЙ** — иқтидорнинг олий даражаси. У тушуниш (интуиция)нинг ўзига хос ўқуви сифатида, турли унсур (фараз)ларнинг бирлашмаси сифатида, ижодий шаклланиш ва намоён бўлиш сифатида, шунингдек, мазкур иқтидорларни эгаллаган шахс сифатида намоён бўлади. «Доҳийлик» тушунчасини ақлдан озганлик билан бир қаторга қўйиш учун уринишлар бўлган (Ч. Ломброзо ва б. назарияси). Ҳақиқатда кўпчилик даҳо инсонлар ҳам ақлдан озиш даражасига етганлар (Т. Тассо, Ж. Свифт, Р. Шуман, Ф. Ницше), бироқ агар бошқа кишилар ҳаётидан фарқ қилувчи доҳийнинг ҳаётини «маънавий бузилиш» деб тавсифланса, бунинг оғир ботадиган, нотўғри, истисно бўлиши жудаям шарт эмас. Ижтимоий нуқтаи назардан, бу — ижодий шаклланадиган ва инсон эришадиган энг юқори босқичдир; ҳозирги руҳшунослик Ч. Ломброзо назариясини ривожлантиргани йўқ.

**ДОВЮРАКЛИК** — шахснинг ҳавfli вазиятларда кўрқув ҳиссини бартараф этишга ва мақсадга эришиш учун таваккал қилиб ўзини ҳавф-хатарга кўйишга бўлган лаёқатида намоён бўлувчи хусусий жиҳати.

**ДОГМА** (юн. dogma — фикр), **АҚИДА** — қоида, у исбот талаб қилмайдиган, рад этилмайдиган ҳақиқат сифатида қабул қилинади, ҳеч қандай далилсиз, шубҳасиз тан олинади, танқид қилинмайди, мавжуд шартлар ҳисобга олинмайди.

**ДОГМАТИЗМ** — фикрлаш усули, *догмага* асосланади мавжуд шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда қатъий тушунчалар, формулаларга таянади; догматизм асосини нуфузнинг камчиликсизлигига кўр-кўрона ишониш. эскирган қоидаларни ҳимоя қилиш, янги билимларни тан олмаслик ташкил қилади.

**ДОГМАТИК** — етарлича асос бўлмаган ҳолда ниманидир исботловчи ва асосли, қарама-қарши далилларга қарамай ўз фикрида турувчи шахс.

**ДОКТОР** (лот. doctor — ўқитувчи, таълим берувчи) — 1) илмий даража, қоидага кўра, фан номзоди ёки профессорлик илмий даражасига эга бўлган ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ёки эълон қилган илмий ишлари мажмуи учун шахсларга берилади; 2) бир қатор мамлакатларда илмий даражалардан бири (уни бериш шартлари турли мамлакатларда турличадир); 3) *сўзлашувда*, шифокор.

**ДОКТРИНА** (лот. doctrina — таълимот) — бир тизимга келтирилган сиёсий, мафкуравий ёки фалсафий таълимот, амал қилиниши лозим бўлган назарий ёки сиёсий тамойил, фикр.

**ДОЦЕНТ** (лот. docens — ўқитаётган) — олий таълим муассасасидаги ўқитувчининг илмий унвони; фан доктори, номзодларига ёки илмий даражага эга бўлмаган юқори малакали мутахассисларга олий таълим муассасасида муайян ўқитувчилик иш стажига, илмий меҳнатлари ёки ихтиролари учун берилади.

**ДУАЛИЗМ** (лот. dualis — икки ёқлама) — иккита турлича, ягона ҳолатга келтириб бўлмайдиган тамойиллар, фикрлаш тарзи, иродавий интилиш ва ҳ.к.ларнинг мавжуд бўлиши. Дуализм куйидаги жуфт тушунчани акс эттиради: гоёлар дунёси ва

мавжуд дунё, Худо ва иблис (эзгулик ва ёвузлик тимсоли), ишонч ва билим, табиий зарурат ва эркинлик, ноорганик ва органик табиат ва б.

**ДУБЛЕР** (фр. doubleur) — ким биландир ўхшаш, бир хил ишни параллел амалга оширувчи кимса.

**ДУБЛИКАТ** (лот. duplicatus — иккилантирилган) — ҳужжатнинг асл нусхасидек юридик кучга эга бўлган иккинчи нусхаси.

**ДУНЁҚАРАШ** — 1) муайян нуқтаи назар хофизасидаги кўлам; 2) инсоннинг билиш миқёси, ҳаёт ҳақидаги қизиқиш ва тасаввурлар доираси, унинг идроклаш чегараси, оламни кўра билиш кенглиги ва тушуниш чуқурлиги.

**ДУНЁҚАРАШ** — фалсафий, илмий, ижтимоий-сиёсий, эстетик ва бошқа қарашлар ҳамда эътиқодлар тизими, шунингдек, инсоннинг атроф муҳитга муносабатини ва унинг хатти-ҳаракати йўналишини белгиловчи этик тамойиллар. Нуқтаи назар асосида оламни билиш, яъни олам ҳақидаги муайян билимлар ва оламни идроклаш мажмуи ётади, булар муайян амалий ҳаётда, санъат, адабиёт, фан, динда шаклланадиган муайян рамзлар, моделлар ва мавжуд образларда акс этади. Ҳар бир шахс ўз нуқтаи назарини танлашда эркин, бироқ у ижтимоий муносабатлардан четда қолиши мумкин эмас. Демократик жамиятда ҳар бир инсоннинг нуқтаи назари ҳақидаги масала ҳеч бир чекланишларсиз унинг ўз ихтиёридадир.

## Е

**ЕВГЕНИКА** (юн. eugnēs — зоти яхши, зотли, яхшиланган) — инсон наслининг соғлигини яхшилаш мақсадида авлодлар жисмоний, руҳий хоссалари ва сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганувчи фан (генетиканинг қисми).

**ЕТАКЧИ МАВЗУ, ЛЕЙТМОТИВ** (нем. leitmotiv — айнан асосий ғоя) — 1) мотив, мусиқа асарининг бошидан то охиригача такрорланувчи ва саҳнада ҳаракатланаётган бирор шахсни тавсифлашга хизмат қилувчи, бирор ғоя, ҳодисанинг мусиқа асарида акс эттириладиган ифодасидан иборат мусиқа мавзуи; 2) бир неча марта такрорланадиган ва таъкидланадиган асосий бош фикр; фаолият, ҳулқ-атвор ва ҳ.к.ларни белгиловчи мотив.

**ЕТАКЧИ, ЛИДЕР** (инг. leader — бошловчи, раҳбар) — 1) сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва б.нинг бошлиғи йўлбошчиси; муайян жамоада юқори даражадаги таъсир, обрўга эга бўлган шахс; 2) педагогикада, гуруҳнинг унинг учун аҳамиятли бўлган вазиятларга қолган аъзолари хатти-ҳаракатига сезиларли даражада таъсир кўрсатишга қобил, амалда унга раҳбарлик қилувчи шахс. Гуруҳнинг фаолият кўрсатиш турли жиҳатлари билан боғлиқ етакчиликнинг икки асосий кўриниши фарқланади: тадбиркорликда етакчининг аҳамияти гуруҳ олдига қўйилган масалани ҳал этишга йўналтирилган хатти-ҳаракатдан иборат; эммоционал етакчининг аҳамияти жамоанинг эммоционал фаоллик соҳаси билан боғлиқ ва гуруҳдаги шахслараро муносабат соҳасига тааллуқли хатти-ҳаракатлардан иборат.

**ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ** (лот. attestari — гувоҳнома, шаҳодатнома) — умумтаълим муассасасини тугатганлик тўғрисидаги ҳужжат.

## Ё

**ЁЗМА НАЗОРАТ ИШИ** — назарий ўқув материали ўзлаштирилганлигини текшириш ва тўғрилашнинг асосий усули. Сиртқи таълим шаклида имтиҳон ва синовлар билан бир қаторда қўлланади.

**ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧЕКЛАНГАНЛИК** — муайян лавозим, фаолият тури билан шуғулланишдаги ёш жиҳатдан чекланганлик.

**ЁШ РУҲИАТИ** — психология фани соҳаси, инсон руҳиятининг ёш билан боғлиқ ривожланишини ўрганади. Қуйидагилар унинг бўлимлари ҳисобланади: болалар руҳияти, ўсмирлар руҳияти, ёшликнинг бошланғич даври руҳияти, ўрта ёшдаги инсон руҳияти, кексалик руҳияти (геронтопсихология); руҳий жараёнларнинг ёш билан боғлиқ хусусиятларини, шунингдек, шахс ривожланишининг ёш билан боғлиқ омилларини ўрганади. Инсон руҳий ривожланиши асосан таълим ва тарбия жараёнида боради, ёш руҳияти педагогик руҳият билан жипс боғлиқ.

**ЁҚАЧАЛАР** (оқ, кул ранг, кўк) — ёлланиб ишлайдиган шахслар турли тоифасини ифодалаш учун қўлланадиган терминлар; «оқ ёқачалар» — хизматчилар, амалдорлар, бошқарув идораси ходимлари, фирма хизматчилари (менежерлар), муҳандис-техник ходимлар, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар, корхона, ташкилот, фирмаларнинг «ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ходимлари» таркибига кирувчилар. Саноати ривожланган мамлакатларда «оқ ёқачалар» малакали ишчи («кўк ёқачалар»)лардан миқдор жиҳатдан кўпчилиكنинг ташкил қилувчи ходимларнинг асосий қисмидан иборатдир; «кул ранг ёқачалар» — хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари.

## Ж

**ЖАДАЛЛАШТИРИЛГАН КАСБИЙ ТАЙЁРЛОВ** — ишчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш мақсадида ўқитиш ва қайта ўқитиш усули. Одатда, меҳнатдан ташқари пайтда амалга оширилади ва улар ишлашига тўғри келадиган вазиятга максимал яқинлаштирилган шароитларда ўтказилади. Самарага таълимнинг фаол усуллари ва амалий машғулотлар туфайли эришилади. Таълимнинг муддати меҳнат вазифасини бажаришда талаб этилаётган даражага эришиш учун зарур бўлган минимумга келтирилган.

**ЖАЗО** — педагогик таъсир воситаси, низони тўхтатиш усули, онгли равишда амалга ошириладиган жамоа ва шахс манфаатларига зарарли, ғайриахлоқий, қонунбузарлик, зид фаолиятни тўхтатиш. У айбдорга жисмоний ёки маънавий азоб етказишни мақсад қилиб қўймайди, аммо эътиборни айбни ҳис этишга қаратади; жазонинг қоида бузувчини жамоатчилик фикрига ҳавола этиш, унга ишончсизлик билдириш, уни ҳурматдан маҳрум этиш шаклларида фойдаланилади. Жазо ўқувчиларда ўз-ўзини тўхтатиш, ички назорат, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини муҳокама этишни ривожлантиради. Жазони суниестемол қилишга йўл қўйилмайди, чунки у маънавий тушқунликка туширади, ўзига бўлган ишончдан маҳрум этади, тўлақонли эмаслик ҳиссиётини ривожлантиради, аламзадалик ва тарбияга қаршилик қилишга олиб келади.

**ЖАМҒАРМА, ФОНД** (фр. fond, лот. fondus — асос) — 1) бирор ҳужжатлар, программалар ва бошқа объектларнинг тизимлаштирилган тўплами; 2) муайян мақсадлар учун фойдаланиш

мақсадида ягона жамғармага тўпланадиган пул ва моддий воситалар (масалан, нафақа жамғармаси); 3) муайян ижтимоий гуруҳдаги кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган ташкилот, муассаса (масалан, хайрия, илмий, маданий жамғармалар); 4) таълим муассасалари фаолият кўрсатишини таъминлаш, илмий кашфиётлар, ихтироларни амалга ошириш, айримларни мукофотлаш учун халқаро, миллий ажратма ёки капитал қўйилма (одатда, хусусий шахслар томонидан ташкил этилади).

**ЖАМИЯТ** — 1) мамлакат фуқаролари, унинг аҳолиси буларнинг тарихи, манфаатлари, эҳтиёжлари, хоҳишлари, эътиқодлари, ҳуқ-атворлари, руҳияти яхлитликда қаралади; 2) умумий хўжалик фаолиятини бажариш учун фуқаролар, корхоналарнинг бирлашуви (хўжалик жамиятлари); 3) манфаатлари бўйича фуқароларнинг уюшмаси; қандайдир ишга қўмаклашиш мақсадларида тузиладиган жамоатчилик ташкилоти.

**ЖАМОА** — кенг маънода — умумий ғоялар, манфаатлар тўғрисида бирлашган кишилар гуруҳи; *социология*да, умумий белгилари билан тавсифланадиган гуруҳлар, буларда айрим хусусийликлар деярли тўлиқ йўқолади.

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ** — ҳуқуқий ҳужжат, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солади ва ташкилот ходимлари билан иш берувчи ўртасида тузилади. Жамоа шартномасини тузиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади. Жамоа шартномасини тузувчи томонлар бўлиб, ташкилот ходимлари номидан иш кўрувчи вакиллар ва иш берувчилар ҳисобланади. Жамоа шартномаси қонунда белгиланган муддатга тузилади; белгиланган муддат тугагандан сўнг жамоа шартномаси томонлар то янгисини тузмагунча ёки уни ўзгартирмагунча, ёки унга қўшимчалар киритмагунча амал қилади.

**ЖАМОАВИЙЛИК** — индивиднинг бир ёки бир неча жамоага кирганлиги, айниқса ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда, бу кўпинча табиий юзага келган жамоа (оила, табақа ва ҳ.к.)га путур етказган ҳолда юз беради. Жамоавийлик деб жамоага қўшилишга мойилликка ва шахсий маъсулиятнинг бир қисмини жамоа зиммасига ўтказишга ҳам айтилади; айрим шахсларнинг даври тугаб жамоа даври бошланганлиги ҳақидаги



нуқтаи назар. Иқтисодий, сиёсий ёки маънавий йўқотишлар индивидни ўзига бўлган ишончига шу даражада путур етказдики, энди у яшаш йўлидаги қийинчиликлар ва муаммоларни бир ўзи бартараф эта олиши борасидаги қобилиятига ишонмай кўяди. Тарихий-фалсафий назария сифатидаги жамоавийлик шундай нуқтаи назарки, унга кўра тарихнинг бориши буюк шахсларга эмас, балки оммага боғлиқдир.

**ЖАМОАНИ УЮШТИРИШ УСУЛЛАРИ** — тарбия усуллари, юқори даражадаги интизоми, барча ва ҳар бир аъзосининг меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида қайғуриши, ишга мусобақавий муносабатда бўлиши, яъни жамоа ишини бошқаришда фаол иштирок этишлиги билан ажралиб турадиган меҳнат жамоасининг шаклланишига кўмаклашади. Жамоани ташкиллаштиришнинг асосий усуллари: интизом, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, мусобақа ва ўз-ўзини бошқариш.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ** — 1) оммавий онгнинг мавжуд бўлиш усули, бунда мавжуд ҳаётий жараёнларга, яъни уларнинг манфаати ва эҳтиёжларга тааллуқли бўлганларга кишилар турли гуруҳи муносабатининг (яширин ёки ошкора) намоён бўлади. Жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва ривожланиши сиёсий институтлар ва сиёсий муассасалар (сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари) таъсири остида мақсадга мувофиқ юзага келади ёки стихияли тарзда ҳаётий вазиятлар, муайян тажриба ва анъаналар таъсири остида юзага келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам индивид, ижтимоий гуруҳнинг у ёки бу таассурот, қадрият, меъёрларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш хусусидаги қарорни қабул қилишида хатти-ҳаракатини бошқариш юз беради. Жамоатчилик фикри жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалда мавжуддир, лекин ҳар қандай сабаб бўйича баён қилинавермайди. Жамоатчилик фикри, одатда, ижтимоий аҳамият касб этувчи муаммолар, ҳодисалар, далилларга қаратилади, фаоллиги билан ажралиб туради ва кўпинча кўп маъноли талқинга йўл кўяди, мунозарага олиб келади. Жамоатчилик фикри турли хил вазиятларда нарсаларнинг мавжуд ҳолатига турлича мос келади — у ҳам ишончли, аниқ ҳам ёлғон, ҳаёлий бўлган нарсаларнинг ҳақиқий ҳолати бўйича тасаввурни сақлаши мумкин. Жамоатчилик фикрининг институт сифатида юқори даражадаги ривожланиши ижтимоий онг, маданиятнинг аҳволига, демократик қадриятларни, ҳуқуқ ва эркинликларни ва биринчи галда матбуот, фикрларни ошкор этиш — йиғинлар,

митинглар эркинлигига, шунингдек, жамоатчилик фикри таъсирчанлиги кафолатига боғлиқ; 2) педагогикада, ахлоқий талабларнинг бажарилиши, ижтимоий аҳамиятли истиқболни белгилаш ва амалга ошириш, жамоа аъзолари ҳуққ-атворини маънавий баҳолаш воситасида тарбияланувчиларнинг ахлоқий сифатлари намоён бўлиши ва ижтимоий фойдали фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожланишини таъминловчи педагогик рағбатлантиришни ўз-ўзини ташкил этиш усули. Жамоатчилик фикрида анча тўлиқ равишда жамоанинг тарбиявий функцияси амалга ошади. Жамоатчилик фикрининг намоён бўлиш усуллари — жамоа ахборот органлари орқали ошкоралик, жамоа томонидан сайланадиган ташкилотчилар ҳаракатидан иборат.

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган. Университет таркибида 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрланади: халқаро муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқий муносабатлар. ЖИДУ таркибига 1992 йилда ташкил этилган Бошқарув институти ҳам қиради.

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент политехника институти филиали (1977) негизда ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатмоқда. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик, менежмент, электроэнергетика, транспорт воситаларидан фойдаланиш, информатика ва ахборот технологияси, кимёвий технология ва биотехнология, енгил саноат маҳсулотлари технологияси, агроинженерия. бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши. Институт таркибида касб-хунар маркази ишлаб турибди.

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти 1974 йилда ташкил этилган. Институтда 7 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, география, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, Рус тили ва адабиёти, чет тили (инглиз), касб-хунар таълими (соҳалар

бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбия иши услубияти, бошланғич таълим ва тарбия иши услубияти (рус), мусиқа таълими ва эстетик тарбия.

**ЖИНСИЙ ТАРБИЯ** — жинслараро эмоционал муносабатлардаги маданиятни ёшларда мақсадга мувофиқ, мунгазам ривожлантирилиши, ўз ҳиссиёт ва хатти-ҳаракатларини бошқариш иродаси, уқуви, жинсий этика, эстетика ва гигиена, интим муносабатлар севги ва оилавий ҳаёт маданиятининг шакллантирилиши. Жинсий тарбия маърифий (жинслар ўртасидаги ўзаро муносабат маданияти билан таништириш), тарбиявий (маънавий-эстетик ҳуқ-атвор малака ва одатларини ҳосил қилишни, номус, қадр-қиммат, дўстлик, севги, садоқат ҳисларини ривожлантириш) ва гигиеник (ёшларда шарм-ҳаёлилик, суюқоёқликдан жирканиш малака ва одатларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш) вазифаларини бажаради. Ёш йигит ва қизларда оқилона мақсадли ҳуқ-атворни, улар ўзаро муносабати, дўстлиги ва севгисидаги маданиятнинг, оила ва жинсий муносабатлар муаммолари бўйича хабардорликни, жисмоний тарбия ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни, тиббий талабларга аниқ риоя этишни тарбиялаш жинсий тарбиянинг муваффақият мезонлари ҳисобланади.

**ЖИПСЛАШГАНЛИК** — гуруҳнинг ички руҳий бирлиги, унинг барча аъзолар учун жозибалилиги. Қайси жамоа ўз аъзоларига турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун кўмаклашса, шу жамоа одамларни бирлаштиради. Педагогик жамоанинг жипслашганлиги ўқув-тарбия жараёнининг самаралилигининг асосий шартларидан биридир.

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ** — жамият умумий маданиятининг бир қисми, махсус машқлар ва спорт фаолияти тизими, инсоннинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилади. Жамиятдаги жисмоний маданият аҳволининг асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: кишиларнинг соғлик ва жисмоний ривожланганлик даражаси; тарбия ва таълим соҳасида, ишлаб чиқаришда, турмушда жисмоний маданиятдан фойдаланиш даражаси; спортдаги ютуқлар ва б. Ёшлар учун жисмоний маданиятдаги касбий фаолиятга ўтиш — жисмоний чидамлик ҳисобланади, бунга жисмоний зўриқишни кўтара олиш уқуви ўз куч-қувватини мустаҳкамлаш малакаси киради. Жисмоний

маданиятга етуклик мотиви, эмоционал фаоллик, шунингдек, ўз шахсий жисмоний соғлигига тааллуқли бўлган билимлар кенг кўлами ёрдамида эришилади.

**ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ** — тананинг ўсиш жараёни, эпчиллик ва кучни ошириш, жисмоний вазифаларни ҳаёт шароитлари таъсири ва жисмоний фаолият турларига боғлиқ бўлиши. Шулар қаторига алоҳида тур, аввало бутун жисмоний ва спорт машғулотларини бажаришга йўналтирилган махсус жисмоний ривожланиш ҳам киради.

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ** — умумий тарбиянинг таркибий қисми; инсон аъзоларининг шакл ва вазифасини уйғун ривожлантириш соғлиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижтимоий-педагогик жараён. Жисмоний машқлар, спорт, танани чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси, сайёҳлик жисмоний тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади.

**ЖУРНАЛ** — брошюра қилинган матнларнинг даврий наشري. Турли ижтимоий-сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш ва б. масалалар бўйича мақолалар ва ёки рефератлар, шунингдек, адабий асарлар, тасвирлардан иборат бўлади. Журналлар мутахассисларга анча долзарб илмий-услубий муаммолар бўйича нашрларни тезкорлик билан тақдим этади. Йўналишига кўра адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий, рефератив ва б.лари фарқланади.

**ЖУРЪАТЛИЛИК** — ҳаётда тез, асосланган ва қатъий қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш уқуви. Журъатлилик етакчи мотивни ва тўғри ҳаракатни танлашда, мақсадга эришиш учун адекват воситани танлашда намоён бўлади; бу — индивидуал кўрсаткич, мотивлар кураши ва қарор қабул қилиш босқичини тавсифловчи ўзига хослик.

**ЖЮРИ** (фр. jury) — 1) танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ва ҳ.к.ларда мукофот ҳамда нишонларни бериш масаласини ҳал қилувчи мутахассислар гуруҳи; 2) Франция, Англия, АҚШ ва баъзи мамлакатлардаги айбдорни судга берувчи ёки суд ажримини чиқарувчи ҳакамлар ҳайъати.

**ЖЎНАТМАЛАР РЎЙХАТИ** — телеалоқа тармоқлари асосида ўзаро инфор­мацион муносабат турларидан бири; фойдаланувчи (абонент)га ўзини қизиқтирган ахборотни ўз электрон почта қутиси орқали мунтазам олишига имкон беради.

### 3

**ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ПОЧТА** (инг. E-mail)— теле­коммуникация тармоқлари асосида инфор­мацион ўзаро алоқанинг турларидан бири; матн, тасвир, компьютер про­граммалари, овозли хабарларни исталган олис масофадаги ман­зилга амалда дарҳол етказиш имконини беради; INTERNET глобал компьютер тармоғи энг оммавий ва энг содда илова ҳисобланади. Электрон почтани асосий камчилиги у орқали берилаётган ахборотларнинг яхши ҳимоя қилинмаганлигидир.

**ЗИДДИ БИЛАН ИСБОТЛАШ** (лот. reductio ad absurdum) — исботлаш тури, бунда баъзи мулоҳаза(исботлаш тезиси)нинг адолатлилиги унга зид бўлган мулоҳаза — *антитезис*ни рад этиш орқали амалга оширилади. Антитезани рад этишга аввал­дан чин бўлган мулоҳаза билан унинг мос келмаслигини кўрсатиш йўли билан эришилади. Зидди билан исботлашда кўпинча *икки маънолилиқ тамойили*га таянилади.

**ЗИДДИЯТ** — 1) қоида, бир фикр ўзига мос келмайдиган бошқасини (мулоҳаза, фикрни) истисно этиши; 2) *мантиқ*да, бири иккинчисини инкор этадиган икки фикр (мулоҳаза, наза­рия)нинг мавжудлиги. Зиддият қонуни шуни кўрсатадики, ик­ки қарама-қарши мулоҳаза бир вақтда ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, агар улардан бири чин бўлса, бунда иккинчиси албатта ёлгон бўлади. Ёки аксинча: айна бир фикр ҳам тасдиқловчи ҳам рад этувчи бўлиши мумкин эмас.

**ЗИЁЛИЛАР, ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ** (лот. intelligens — билувчи­лар, тушунувчилар, оқиллар) — ижтимоий гуруҳ, бунга ақлий меҳнат билан малакали шуғулланувчи ва ана шундай меҳнат учун зарур бўлган махсус билимга эга бўлган кишилар киради.

**ЗЎРИҚИШ** — зўриқилган ҳолат; турли нохуш омиллар — со­вуқ, очлик, руҳий ёки жисмоний шикаст таъсирига жавоб та­риқасида инсон вужудида юзага чиқади­ган ҳимоявий физиологик

акс таъсирлар мажмуи. Индивиднинг зўриқилган вазиятларни назорат этишга лаёқатлилиги ёки лаёқатсизлиги унинг фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Муътадил зўриқиш жисмоний машқлар ёки медитация (масалан, йогларнинг машқлари ёки шарқона медитация усуллари) билан бартараф этилиши мумкин; кучли зўриққанликда кўпинча бу зўриқишнинг сабабини аниқлаш ва уни бартараф қилиш учун психотерапия зарур. Баъзан атрофдагилар ёки ҳаётий вазиятни ўзгартириш терапевтик самара кўрсатиши мумкин.

**ЗҶРИҚИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШ** — меъерий маънавий ҳолатни сақлашдан иборат педагогик таъсир усули; тарбия усули сифатида бузилган муносабатларни тиклаш, жамоада қулай руҳий муҳитни мунтазам сақлаш, педагоглар, ота-оналар, тенгдошлар муносабатларини тартибга солиш зарурлиги билан тақозо этилади. Зўриқишни бартараф этиш жамоадаги кескин вазиятларни, айрим ўқувчиларда ҳавфли руҳият намоён бўлишини олдини олишга, онгни, хотирани, тасаввурни ёмон таъсирдаги ҳолатдан анча бўшашган ҳолатига ўтказишга йўналтирилади.

## И

**ИДЕАЛ** (фр. ideal, юн. idea — ғоя, тушунча сўзидан) — намуна, бирор нарсанинг образи, такомил тушунчаси, интилишнинг олий мақсади. Жонли ва таъсирчан юқори таассуротлар ва мақсадлардан иборат идеаллар катта амалий кучга эга бўлиши мумкин; и д е а л л а ш т и р и ш — такомиллашмаган ҳақиқатни камчиликлардан фикран холи этиш, уни идеалга тенглаштириш, қандайдир идеани образга таққослаб шакллантириш, булар барчасини шоирлар ва рассомлар амалга оширгандек бажариш.

**ИДЕНТИВЛИК** (лот. identicus — айний, бир хил) — ниманидир нимага айнийлиги, бир хиллиги, тўлиқ мос келиши. Айнийлик тамойили ёки айнийят қонуни ( $A=A$ ) ҳар қандай тушунчага муайян фикрлаш жараёни мобайнида айни бир маъно берилишини талаб этади. Турли тилларда тузилган программалар ўзларида баён этилган алгоритмлар ва натижалар бўйича бир хил бўлиши мумкин.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ** (лот. *identificare* — айнийлаш) — 1) ўхшатиш; объектни маълум бўлган объектлардан бирига ўхшатиш жараёни; муаллифнинг ўзи ифода этаётган шахсга ўхшатиши, томошабиннинг ўзини филм қаҳрамонига, китобхоннинг роман персонажига ўзини таққослаши мавжуд. Яққол намоён бўладиган, тезда ўзлаштириб олинадиган ашёлар, шахсларнинг моҳияти ҳар қандай индентификациянинг шарти бўлиб ҳисобланади; 2) *психологияда*, ўзи учун эришиш мумкин бўлмаган, аммо ўзи хоҳлаган, аммо бошқа кишига хос ҳиссиёт ва сифатларни онгсиз суръатда ўзига кўчириш; кенг маънодаги идентификация, бу — ўз ожизлиги ва тўлақонли эмаслиги ҳақидаги ҳиссиётини энгишга имкон берувчи образлар, идеалларга онгсиз равишда эргашиш.

**ИДЕОЛОГИЯ** (юн. *idea* — тушунча ва *logos* — таълимот) — жамоатчилик фикри (фалсафа, сиёсий қарашлар, ҳуқуқ, ахлоқ, санъат, дин)да турли шаклларда ифодаланган ғоялар, тасавурлар, тушунчалар тизими. Идеология инсонлар онгидаги ижтимоий турмушнинг акс этиши ҳисобланади ва бир қарра намоён бўлиб, ўз навбатида жамият ривожига фаол таъсир кўрсатади, унга кўмаклашади ёки тўсқинлик қилади.

**ИДЕЯ** (юн. *idea* — тушунча, таассурот), **ҒОЯ** — яққол кўргазмавий образ, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги умумий тушунча; белгиловчи тушунча, назарий тизим, мантқиқий қурилиш асоси ҳисобланади.

**ИДРОКЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ** — фаолият усулидан фойдаланишни асослаш ўқувини тавсифловчи касб-ҳунар таълими сифат кўрсаткичларидан бири. Идрок этилганликнинг 3 даражаси фарқланади: фан ичидаги, фанлараро, тизимли.

**ИДРОКЛАНГАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ** — ўқувчи ўқув материалини идроклаб ўзлаштириш даражасини мақсад сифатида кўйилган ўзлаштиришнинг идрокланган даражасига нисбати.

**ИДРОКЛАШ** — 1) объектив борлиқни акс эттириш ва атроф-муҳитни англашни таъминловчи ахборотларни қабул қилиш ва қайта ўзгартириш жараёни; 2) ўқув мақсадининг асосий категорияси, ўқувчининг атроф оламдан келаётган рағбатларни у ёки бу ҳодисани идроклашга тайёрлиги, хоҳиши

ва қобилиятини белгилайди. Ўқув материални идроклашдан бошланади; идроклаш, ўрганилаётганнинг моҳиятини англаш, уни аввал маълум бўлгани билан боғлаш, унинг юзага чиқиши, хоссаси, тадбиқ этиш усуллари билиш демак.

**ИДРОКЛАШ** — тафаккур ёрдамида борлиқни таҳлил қилиш ва идроклаш жараёни. Ҳис этиш, таассуротлар, объектив борлиқни фаол ўрганиш жараёнида ўқувчида у ёки бу ҳодисалар, нарсалар, жараёнлар ҳақида муайян таассурот юзага келади; идроклаш орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига кириб борилади.

**ИДРОКЛАШГА ЎҚИТИШ** — психологик машқ тури; индивиднинг ўз-ўзини англаши ва уларнинг бошқа кишилар билан муносабатини чуқурлаштиришга йўналтирилган фаолият. Одатда кичик гуруҳларда амалга оширилади, буларнинг аъзолари бир вақтда ёки галма-галдан бир-бирига таъсир этади, сўнг мутахассис, машғулоти олиб борувчи раҳбарлиги остида ўзаро таъсир жараёнини таҳлил этади.

**ИЕРАРХИК ТАСНИФ** — таснифлаш, тушунчанинг умийдандан хусусийга ажратишнинг иерархик усулининг асоси ҳисобланади. Таснифланаётган кўплаб объектлар муайян танланган белгилари бўйича йирик гуруҳларга бўлинади, уларнинг ҳар бири танланган асосга мувофиқ бир қатор кейинги гуруҳчаларга бўлинади, булар ўз навбатида анча майдаларга тақсимланади. Бунда муносабатнинг асосий кўриниши бўлиб, бўйсунуш — *иерархия* ҳисобланади.

**ИЖОД ЭРКИНЛИГИ** — инсоннинг асосий маданий ҳуқуқларидан бири, эркин баён этишнинг бир тури; конституцияларда мустақкамлаб қўйилганига унча кўп бўлгани йўқ. Адабий, бадиий, илмий, техникавий ва бошқа тур ижод эркинлигини, шунингдек, ўқитиш эркинлиги (академик эркинлик деб аталувчи эркинлик)ни ўз ичига олади.

**ИЖОД, ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ** — қандайдир янгиликни юзага келтирувчи, такрорланмас, ўзига хос ҳамда ижтимоий-тарихий жиҳатдан ноёб фаолият. Баъзи олимларнинг нуқтаи назарича ижод, фан, техника, ишлаб чиқариш, санъат ёки



умуман кишилар ҳаёт фаолиятининг у ёки бу соҳасидаги янги ахборотни жамлаш.

**ИЖРОЧИ** — буюртма асосида бошқа кишининг топшириғи ёки иш ва хизмат буюртмачиси билан тузилган шартномага мувофиқ иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳар қандай шахс (корхона, ташкилот, фирма, инсон).

**ИЖТИМОЙ** — жамоавий; инсонлар ва уларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларига тааллуқлидир.

**ИЖТИМОЙ ҚОНУНЧИЛИК** — ёлланиб ишловчилар аҳволини, шунингдек, ижтимоий таъминот масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар.

**ИЖТИМОЙ ЎЛЧОВ** — ижтимоий психология соҳаси, унча катта бўлмаган кишилар жамоасининг тузилиши ва фаолият кўрсатиши ҳақидаги миқдорий маълумотларни олиш ва таҳлил қилишга йўналтирилган усул ва йўсинлар ёрдамида шахслараро муносабатларни ўрғанади. Ижтимоий ўлчов асосида ижтимоий ҳаётнинг барча иқтисодий, сиёсий томонларини, инсонлараро эмоциявий муносабатларнинг ҳолатини, уларнинг бир-бирига меҳри ва нафратини тушунтиришга интилиш ётади. Ижтимоий ўлчов тарафдорлари ҳозирги жамиятнинг барча муаммолари инсонларни уларнинг эмоциявий устуворликлари асосида қайта жойлаштириш йўли билан ҳал этилиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий ўлчов тартиби натижалари асосида ижтимоий ўлчов матрицаси (социограмма) тузилади, коммуникатив уюшганлик тарзида тушуниладиган гуруҳлар жипслиги коэффиценти ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙ АДОЛАТ** — кишилар, синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг турмушдаги эгаллаган мавқеини тенглаштириш чораси, бу жамиятнинг моддий ва маънавий даражаси билан объектив боғлидир.

**ИЖТИМОЙ АЛОҚАЛАР** (инг. public relations) — мақсади жамоатчилик, аҳолини, оммавий ахборот воситаларини ҳукумат, давлат идоралари қабул қиладиган қарорлари, уларнинг иқтисодийёт ва сиёсат учун аҳамиятлари, кутилаётган оқибатлари ҳақида хабардор қилишдан иборат бўлган фаолият. Социологик ва маркетинг

бўйича тадқиқотлар ҳамда ҳаракатлар ижтимоий алоқалар соҳасига киради, бу мазкур соҳани йирик компания фирмалари учун фаоллаштиради (яна қ. *Паблик-релейшенз*).

**ИЖТИМОЙ БУЮРТМА** — вазифалар мажмуи, уларни бажариш у ёки бу меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиш тизимига киритилган субъектлар фаолияти билан боғлиқдир. Таълим тизимига қаратилган ижтимоий буюртма ижтимоий эҳтиёжлар мажмуидан иборат бўлиб, булар қуйидагиларни қаноатлантиришга қаратилади: доимий эҳтиёжлар, буларни қаноатлантириш жамият ҳаёт фаолияти учун меъёрий зарур омил ҳисобланади, таълим хизматларига бўлган эҳтиёжлар, буларни янги пайдо бўлган муаммолар ва вазифалар юзага келтиради.

**ИЖТИМОЙ ГИГИЕНА** — тиббиётнинг ижтимоий муаммолари ҳақидаги, ижтимоий муҳит (меҳнат, турмуш шароитлари, маданият даражаси ва ҳ.к.) турли омилларининг солиққа таъсири ҳақидаги, соғлиқни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича ижтимоий чоралар ҳақидаги фан.

**ИЖТИМОЙ ГУРУҲ** — тарихан юзага келган жамият доирасида шаклланган умумий манфаатлар, қадриятлар, меъёрлар асосида бирлашган кишилар мажмуи. Йирик ижтимоий гуруҳлар — ижтимоий синфлар, ижтимоий табақалар, касбий гуруҳлар, этник умумлашма (миллат, элат)лар, ёш гуруҳлари (ёшлар, нафақахўрлар); кичик гуруҳлар — оила, мактаб синфлари, ишлаб чиқариш бригадалари; ўрта гуруҳлар — бир корхона ходимларининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ҳудудий умумийлиги (бир қишлоқда яшовчилар) фарқланади.

**ИЖТИМОЙ ЕТУКЛИК** — субъектнинг шахсий сифатлари мажмуи, шунингдек, унга умумий мақсадларга эришиш жараёнларида бошқа кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиши учун имкон берадиган тарбия ва таълим жараёнида шаклланган билимлар, уқувлар ва ахлоқий сифатлар.

**ИЖТИМОЙ ИНДИВИДУАЛИЗМ** — индивидуализмнинг бир тури; унинг тарафдорлари ижтимоий жараёнлар индивидларнинг ўзаро муносабатлари туфайли амалга ошади деб таъкидлайдилар, ҳамкорлик ёки универсализмга қарама-қарши ўлароқ, у ижтимоий ҳодисаларни унинг бир бутунлигида ўрганади.

**ИЖТИМОЙ ИНЖИҚЛИК** — бир таҳлитдаги, стандартлаштирилган образ ёки. одатда, эмоционал бўёқли ва анч барқарорликка эга бўлган ижтимоий ҳодиса ёки объект ҳақидаги тасаввур; инсоннинг ижтимоий шароитлар ва аввалги тажрибалар таъсири остида юзага келган бирон-бир ҳодисага нисбатан одатини акс эттиради.

**ИЖТИМОЙ КЎНИКИШ** — индивиднинг ижтимоий муҳит шароитларига ва шу жараён натижасига мунтазам фаол мослашув жараёни. Ҳулқ-атворни белгиловчи мазкур компонентларнинг нисбати индивиднинг мақсадлари ва кўзлаган қадриятларига, ижтимоий муҳитда уларга эришиш имкониятларига боғлиқ. Ижтимоий кўникиш жараёни узлуксиз тавсифга эгаллигига қарамай, уни одатда индивид фаолияти ва унинг ижтимоий доираси тубдан ўзгарадиган даврлар билан боғланади.

**ИЖТИМОЙ МАВҚЕ** — индивиднинг ёки гуруҳнинг уларни бошқа шахс ёки гуруҳлардан фарқлангирувчи ижтимоий тузимдаги нисбий мавқеи (тутган ўрни). Шахснинг ижтимоий мавқеи унинг касбий меҳнатга бўлган муносабатига кўра белгиланади. Шу муносабат билан аҳоли 5 тоифага бўлинади: ишловчилар, вақтинча иш билан банд бўлмаганлар; мутлақо уй-рўзғорда банд бўлган шахслар; муайян ҳақ тўланадиган машғулотга эга бўлмаган шахслар; пенсионерлар.

**ИЖТИМОЙ МУҲИТ** — инсонни, унинг яшаши ва фаолиятини қуршаб олган ижтимоий, моддий ва маънавий шароитлар. Кенг маънодаги муҳит (макромуҳит) ижтимоий-иқтисодий тизимни, умуман ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий муносабатлар ва институтлар, ижтимоий онг ва маданиятни қамраб олади. Тор маънодаги муҳит (микромуҳит) бевосита инсонни ўраб турган — оила, меҳнат, ўқиш ва бошқа жамoa ҳамда гуруҳларни ўз ичига олади. Муҳит шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади; шу билан бир вақтда инсон фаолияти таъсири остида у ўзгаради, шу ўзгаришлар жараёнида инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради.

**ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА** — инсон ҳуқуқларини, унинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат ва жамият чоралари тизими.

**ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА** — педагогикадаги йўналиш, унинг тарбиялашдан мақсади ижтимоий-ахлоқий мотивлар билан белгиланади, асосий вазифаси бўлиб фуқароларни тарбиялаш ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ** — *психология* соҳаси. У ёки бу ижтимоий гуруҳга тааллуқлилиги, шунингдек, шу гуруҳнинг психологик тавсифи омиллари билан белгиланадиган кишиларнинг ҳуққ-атвори ва фаолияти қонуниятларини ўрганadi. Жамиятда пайдо бўлган асосий руҳий ҳолатларни, яъни туғёнлар, инстинктлар, алоқа шакли, ишонтириш, севги, дўстлик, ўз-ўзини қарор топтириш, ҳокимиятга интилишлар, шунингдек, атроф дунёнинг руҳиятга таъсири ҳақида, турли ижтимоий гуруҳ — деҳқонлар, ишчилар ва ҳ.к.лар ҳақидаги масалаларни, ниҳоят модалар, одатлар ва уларни ривожланиш йўналишлари ҳақидаги масалаларни тадқиқ этиш ижтимоий психологияни вазифаси ҳисобланади. Унинг муҳим қисмлари ва соҳалари: кишилар мулоқоти ва ўзаро алоқаси, гуруҳ руҳияти, шахс руҳияти. Ишлаб чиқариш, таълим, бошқариш, оммавий ахборот соҳаси, оилавий муносабатлар, фан, сиёсат, дин ва б.даги ижтимоий психологиянинг амалий кўриниши алоҳида катта блокни ташкил этади.

**ИЖТИМОЙ РУҲИЙ МУҲИТ** — шахснинг биргаликдаги самарали фаолияти ва ҳар томонлама гуруҳда ривожланишига кўмаклашувчи ёки тўсқинлик қилувчи психологик шароитлар мажмуи. Қулай муҳитнинг муҳим белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: гуруҳ аъзоларининг бир-бирига бўлган ишончи ва талабчанлиги; хайрихоҳлик ва иш бўйича танқид; раҳбарнинг бўйсунувчиларга тазйиқининг истиснолиги; жамоа аъзоларининг унинг вазифалари ҳақида етарлича хабардорликлари ва б. ижтимоий психологик муҳитнинг ҳолати ва унинг аъзолари биргаликдаги фаолияти самараси ўртасида ижобий алоқа мавжудлиги аниқланган. Жамоада фаолиятни самарали бошқариш ва ижтимоий психологик муҳит раҳбардан махсус билим ва уқувни талаб қилади. Яна қ. *Психологик муҳит*.

**ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК** — бир ижтимоий қатламдан бошқасига ўтиш билан (юқорилама сафарбарлик) ёки айна бир ижтимоий қатлам доирасида қайта жойлашниш (уфқий сафарбар-

лик) билан боғлиқ жамият ижтимоий тузилишида (инсон ёки гуруҳ) мавқеининг ўзгариши. Инсоннинг янги вазиятлар пайдо бўлганда ўз фаолиятини тез ва адекват тарзда модификациялаш қобилияти билан ифодаланади. Таълим муаммолари соҳасида индивиднинг улар таълим мавқеидаги ўзгаришлар билан боғли ҳолда жамиятнинг ижтимоий-касбий тузилишида бир жойдан иккинчи жойга ўтишини англатади: уфқий сафарбарлик айти бир малака даражаси доирасида шуғулланилаётган соҳани ўзгартириш бўлса, бўйлама сафарбарлик таълим бўғинининг навбатдаги босқичини ўтагандан кейин машғулотнинг анча мураккаб турига, шунингдек, ўқув фаолияти жараёнида ўзлаштирилган ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларидаги ўзгаришларга осон ва тез мослашиш қобилияти сифатида намоён бўлган, қутилмаган муаммоларни ҳал қилишнинг адекват усуллари топиш ва ностандарт вазифаларини бажариш сифатига ўтиш. мослашувчанликка, ўзгаришларга қобилликка, давр талабига тезда жавоб қайтара олишликка эга индивидни ижтимоий сафарбар деб аташ қабул қилинган. Ижтимоий сафарбарлик даражаси олинган таълимнинг сифатига боғлиқдир.

**ИЖТИМОЙ СОҲА** — узвий боғлиқ ва кишиларнинг турмуш тарзи ва даражаси, уларнинг фаровонлиги, эҳтиёжларини белгилловчи тармоқлар, корхоналар, ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага аввало хизмат кўрсатиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумовқатланиш, коммунал хизмат, йўловчи транспорти, алоқа соҳалари тааллуқлидир. Яна қ. *Маҳсулот ишлаб чиқармайдиган соҳа.*

**ИЖТИМОЙ СУҒУРТА** — давлат томонидан белгиланган, назорат этиладиган ва кафолатланган таъминот тизими, қариялар, меҳнатга лаёқатсизларни давлат суғурта жамғармаси, шунингдек жамоавий ва хусусий суғурта жамғармаси ҳисобидан қўллаб-қувватлаш.

**ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАНИШ** — социологияда, жамият тузилиши ва унинг айрим қатламлари; ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик аломатлари тизими. Таълим, даромадлар, турмуш шароитлари, машғулотлар, руҳият, дин ва ҳ.к. сингари белгилар асосида жамият тоифа (қатлам)га ажралади. Тенгсизликдан ҳеч бир жамият ҳоли эмас, инсонларнинг ижтимоий табақаланиш тизимида бир табақадан бошқасига ўтиши уларнинг

қобилиятлари ва куч-ғайратлари (ижтимоий сафарбарлиги)га мувофиқ жамиятдаги барқарорликни таъминлайди.

**ИЖТИМОЙ ТАЖРИБА** — кишиларнинг биргаликдаги ҳаёт фаолияти тажрибаси, булар билимлар ва идроклаш усулларида, хулқ-атвор тамойиллари ва меъёрларида, маънавий ўғитларда, анъаналар, одатлар, удумлар, зарур нарсалар ҳақидаги тасаввурларда акс эттирилган бўлади. Ижтимоий тажриба бутун кўлами билан инсоният тўплаган билимларда, маданиятда акс этади.

**ИЖТИМОЙ ТАНГЛИК** — низоли вазиятлар тез-тез юзага келиши билан тавсифланадиган жамиятдаги ҳолат.

**ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ** — инсоннинг асосий конституциявий ижтимоий ҳуқуқларидан бири (баъзан фақат фуқаронинг); одатда, давлат томонидан кексалик бўйича вақтинча ёки доимий меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, ишсизлик бўйича, қашшоқлик бўйича тўлов тарзида ёрдамга бўлган ҳуқуқ сифатида ифодаланади.

**ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ, ИЖТИМОЙ ЁРДАМ** — қариялар ва меҳнатга лаёқатли бўлмаган фуқаролар, шунингдек, кўп болали оилаларни таъминлаш ва уларга хизмат қилиш билан шуғулланувчи давлат тизими. Ижтимоий таъминот кўйидагиларни ўз ичига олади: пенсиялар; ишловчиларга нафақалар (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича, ҳомиладорлик ва туғанлик ва ҳ.к. бўйича), кўп болали ва ёлғиз оналар, болали оилаларга нафақалар; ногиронлар ва қариларга хизмат кўрсатиш; ногиронларни касбий ўқитиш ва ишга жойлаш; ногиронлар, пенсионерлар, кўп болали оналарга имтиёзлар.

**ИЖТИМОЙ УЙҒУНЛИК** — йирик барқарор ижтимоий умумийлик, унга кишилар ҳаёт фаолияти шароитларининг бирлиги ва маданиятнинг умумийлиги хосдир (20- аср охири).

**ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК** — манфаатларга анча тўлиқ эришиш ва эҳтиёжларни қондиришга кўмаклашувчи ўзгаришлар тарзидаги ижтимоий объектив шароитлар ўзгаришида инсоннинг фаолиятли, мотивлашган иштироки.

**ИЖТИМОЙ ХОДИМ** — содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни тушунишда кишиларга ёрдам бериш учун, ана шу ўзгаришларга мослашиш учун ҳаракат қилаётганларга ёрдам кўрсатишга ва мувофиқ тарзда ўзини ўзгартиришга, шу жумладан, таълимга ёрдам беришга даъват этилган шахс ёки шахслар гуруҳи.

**ИЖТИМОЙ ЭКСПЕРИМЕНТ** — ўзига хос шароитлар яратиш ва амал қилиш омиллари ёрдамида тадқиқ этилаётган объект (индивид, жамоа, гуруҳ) умумий қонуниятларини таҳлил этишдан иборат ижтимоий фанлардаги тадқиқот усули.

**ИЖТИМОЙ ЭЛИТА** — юқори даражада ташкиллаштирилган жамиятдаги ижтимоий ҳаётга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш вазифасини бажарувчи кишилар табақаси.

**ИЖТИМОЙ ЭТИКА** — ижтимоий ҳаёт ахлоқи, ахлоқий муносабатлар ва мажбуриятлар ҳақидаги таълимот, инсоннинг жамиятдаги ҳаёти билан белгиланади. *Индивидуал этикага* қарама-қарши, ахлоқий шахс сифатидаги инсон табиатидан ахлоқ қонунлари асосини келтириб чиқаради.

**ИЖТИМОЙЛАШУВ** — индивид томонидан ўзига жамият ҳаётида фаол ва ваколатли тарзда қатнашишга имкон берувчи билимлар, меъёрлар ва маданий қадриятлар муайян тизимнинг ўзлаштирилиши; шахсга аниқ мақсадли таъсир этишни ҳам, стихияли, тўсатдан бўладиган унинг шаклланишига таъсир этувчи жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

**ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛИК** — 1) ижтимоий турмуш у ёки бу ҳодисаларга индивидлар ёки кишилар гуруҳининг муайян тарзда ҳозирлиги, тайёрлиги; 2) индивиднинг қадриятларга амал қилишига асосланган қарашлар вақт бўйича нисбатан барқарор тизими, шунингдек, бу билан боғлиқ эмоционал ҳолатлар мажмуи, бу муайян ҳаракатларга тайёрликни билдиради.

**ИЖТИМОИАТШУНОСЛИК** — жамият, яхлит тизим ва унинг ижтимоий институтлари, гуруҳлари, уларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этувчи сифатидаги унинг ривожланиш қонунлари тўғрисидаги фан. Ижтимоиятшуносликнинг асосчи-си юнон файласуфи Арастудир.

**ИЗЛАНУВЧАН ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ** — ўқув фаолияти тури, у ўқувчилар ўз янги тажрибасини ишлаб чиқиши давомида ўқиш идроклашни ташкил этишга йўналтирилади. Изланувчан ўқув фаолиятининг қўйидаги турлари фарқланади: тадқиқий, назарий-билиш (ўқув тадқиқоти), мунозаравий ва моделлаштирувчи; изла-ниш фаолиятининг турлари: дарслик, илмий-оммабоп ва маълумотнома адабиётлар билан ишлаш; янги билимлар манбаи сифати-да аудио, видео ёзув, компьютер техникасидан фойдаланиш; ўлкашунослик ишлари ва библиографик қидирув.

**ИЗЛАШ УСУЛИ** — таълимнинг фаол усулларидан бири, ўқув материални баён қилиш ўқувчилардан улар ўзлари амалга оши-риши керак бўлган мустақил ечиш ёки «ихтиро»ни талаб этувчи муаммо сифатида қўйилади. Излаш усули ўқувчиларнинг билим-ларни мустақил эгаллаш, ахборот йиғиш ва ундан фойдаланиш жараёнига жалб этилишларини таъминлайди.

**ИЗОҲЛАШ** — ҳодисанинг моҳиятини аввал маълум бўлмаган таҳлил йўли билан ниманидир тушунтириш ёки талқин этиш. Изоҳ гуманитар фанларнинг усулларидан бири ҳисобланади, у нарсаларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш жараёнига индивидуал ёндашишдан фойдаланади.

**ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ** — маънолари ҳақида тушунтириш берил-ган сўзлар луғати; сўзларнинг грамматик, этимологик ва услу-бий тавсифига эга бўлиши мумкин, ишлатилишига оид мисол-лар ва бошқа маълумотлар берилади.

**ИЗТИРОБ** — муҳим ҳаётий эҳтиёжларни қондиришнинг мумкин эмаслиги ҳақида ишончли ёки гўё ишончли бўлган ах-боротни олиш билан боғлиқ салбий эмоционал ҳолат, бу шу дақиқагача озми-кўпми ишончли ҳолда тасаввур этилган бўлади; бу ҳол кўпинча эмоционал стресс шаклида ўтади.

**ИККИЛАМЧИ ҲУЖЖАТ** — бир ёки бир нечта бирламчи ҳужжатларни мақсадга мувофиқ тарзда саралаш ва таҳлил қилиш натижасида ҳосил қилинган ҳужжат; уларнинг муҳим томонларини ва жиҳатларини акс эттиради, мамлакатимиздаги ва чет элдаги манбаларни қамраб олувчи долзарб маълумотларни ўз ичига олади. Иккиламчи ҳужжатлар ёрдамида ўқувчилар нашрлар оламида пай-



до бўлганлар ҳақида ўз вақтида билишлари, таълим ва тарбиядаги амалга оширилган тадқиқотлар, янгиликлар ҳақида маълумот олишлари мумкин. Халқ таълими ходимларини кенг хабардор қилиш учун рефератлар, аннотациялар, шарҳлар, экспресс ахборот материаллари, библиографик кўрсаткичлар, каталоглар ва бошқалардан кенг фойдаланилади.

**ИККИЛАНИШ** — нимани чин ёки нотўғри деб ҳисоблашга бўлган ишончсизлик, қатъиятсизлик ҳолати (назарий, ахлоқий, диний иккиланиш).

**ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА** — янгилик, педагог фаолиятининг юқори натижаси ва самаралилиги, замонавий педагогика ва ўқитиш методикаси ютуқларига мувофиқлик, бошқа педагоглар томонидан ижодий қўллаш барқарорлиги ва мумкинлиги, умумий педагогик жараёндаги тажрибани самаралилиги. Илғор тажрибанинг 2 тури — педагогик маҳорат ва янгилик яратувчилик ажралиб туради. Илғор педагогик тажрибани амалда тадбиқ этиш таянч ва экспериментал мактаблар орқали, педагог усталар мураббийлиги орқали, шунингдек тажрибани ўрганиш ва уни умумлаштириш йўли билан амалга оширилади.

**ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА МЕЗОНИ** — педагогик тажрибани эксперт баҳолашни амалга ошириш учун асос бўладиган кўрсаткичлар, бу педагогик жараён самарадорлиги ва сифатининг ошишини; янгиликни, янгилик яратишни; илғор фан ғоялари билан ижтимоий ривожланиш йўналишлари мувофиқлигини; педагогик фаолият соҳаларининг кенгайтирилишини; шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратишни ўз ичига олади.

**ИЛҒОР ТАЖРИБА** — педагогика фани илгари сурган янги ғояни илмий ишлаб чиқиш, бу ғояни турли талқинда амалиётга жорий этиш.

**ИЛҒОР ТАЖРИБАНИ УМУМЛАШТИРИШ** — амалиётни ўрганиш ва унинг ҳолатини таҳлил қилиш усули, янги йўналишлар, фан тавсиялари самарасини ва тушунарлилигини аниқлаш. Оммавий тажриба (етакчи йўналишларни аниқлаш учун), салбий тажриба (жиддий камчилик ва хатоларни аниқлаш учун), оммавий амалиётда учратилган илғор тажриба

ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Илғор тажрибанинг икки тури фарқланади: педагогик маҳорат (педагогика фанининг тавсияларидан оқилона фойдаланиш) ва новаторлик (хусусий топилма, янгича мазмун, тарбия ва таълимнинг янги йўсинлари). Илғор тажрибани умумлаштириш уни тавсифлашдан (кузатиш, суҳбат, сўров асосида); кузатилаётган ҳодисаларни таснифлаш, уларни талқин этиш; сабаб оқибат боғлилигини ўқув жараёнининг турли томонларига ўзаро таъсир этиш воситаларини белгилаш; новатор ўқитувчи фаолиятини таҳлил этишдан иборатдир. Илғор педагогик тажриба мезони бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: педагогик фаолиятдаги янгилик, юқори даражадаги натижа ва самаралилик, педагогика ва методиканинг замонавий ютуқларига мувофиқлик, бошқа педагоглар томонидан ижодий қўллашнинг мумкинлиги ва барқарорлик. Илғор педагогик тажрибани амалиётга тадбиқ этиш бир қатор амалий шакллар (илғор тажриба мактаби, таълим ходимларининг малакасини ошириш институтлари, таянч ва экспериментал мактаблар) ва уни умумлаштиришнинг турли шакллари (мақолалар, маърузалар, методик ишланмалар нашр этиш) орқали амалга ошади.

**ИЛҲОМЛАНИШ** — руҳий қувватнинг ўзига хос зўриқиш ва кўтарилиш ҳолати, илмий, санъат, техникага оид асар ғояси ва у ҳақдаги фикрнинг юзага келиши ёки амалга ошишига олиб келувчи инсондаги ижодий ҳаяжон. Илҳомланиш ўз-ўзидан пайдо бўладигандек туюлсада, қоидага кўра олдиндан амалга оширилган оғир меҳнат натижасидир.

**ИЛЛЮЗИЯ** (лот. *illusio* — алдов) — 1) ҳиссиётларнинг алданиши туфайли юзага келадиган хато тасаввур; ҳақиқатни бузилган тарзда, хаёлдагидек қабул қилиш; амалий турмушда — омилларга хушёр қараш ўрнига ўз-ўзини енгил ҳис эттирувчи ёлғон. «Иллюзиялардан халос бўлиш» (иллюзияни бартараф қилиш) кучли ёки кучсиз бўлган қаноатланмаслик ҳиссиёти билан боғлиқ; 2) асосланмаган умид, амалга ошмайдиган орзу.

**ИЛЛЮСТРАЦИЯ** (лот. *illustrare* — ойдинлашмоқ) — ўрганилаётган ҳодиса образини кўргазмалилик воситаси ёрдамида аниқ, равшан ўқувчи онгида юзага келтириш мақсадларида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ўзаро таълим бериш усули. Иллюстрация сифатида табиий ва сунъий ҳосил булган нарсалар —

*макет, модел, муляждан* фойдаланилади; тасвирий санъат асари, филмлардан кўринишлар, адабий асарлар. Иллюстрация материалларидан фойдаланишнинг аҳамияти ўқувчиларда илғаб олиш ва тинглаб билиш маданиятини шакллантиради.

**ИЛМИЙ БИЛИШ УСУЛИ** — мавжуд борлиқ ҳақидаги ишончли, асосли далилларни олиш, аниқлаш усуллари, уларнинг ривожланиш йўналишлари қонуниятлари ҳақидаги, ҳодисалар ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ва алоқадорлик ҳақидаги билимлар, олинган маълумотларни умумлаштириш ва уларни баҳолаш усули.

**ИЛМИЙ БОШҚАРИШ** — меҳнатни илмий ташкил этиш, тизимли таҳлил, қарорлар қабул қилишнинг илмий асосланган усулларига таянувчи бошқариш. Бошқаришга илмий ёндашиш 20- аср бошларида шаклланади, америкалик ишлаб чиқаришни ташкил этувчи Ф. Тейлор унинг асосчиси ҳисобланади.

**ИЛМИЙ ДАРАЖА** — билимнинг муайян соҳасидаги илмий малака (фан номзоди, доктори) хорижда бакалавр, агреж, лицензиат, магистр илмий даражалари мавжуд.

**ИЛМИЙ ЖАМОА** — тадқиқот программаси атрофида уюшган кишилар гуруҳи, уни амалга ошириш мураккаб функционал-аҳамиятли тузилма томонидан таъминланади. Унда куйидаги ўринлар фарқланади: 1) илмий когнетив («генератор», танқидчи, эрудит ва б.); 2) илмий бошқариш (раҳбар, етакчи, бажарувчи ва б.); 3) илмий-қушимча (муҳандис, техник, лаборант ва б.). Илмий жамоанинг бошқа тур жамоалардан фарқи шундаки, у ўзига хос, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланишида фан ижтимоий институти мақсадли функцияси билан боғлиқлигидан иборат.

**ИЛМИЙ КЕНГАШ** — олий таълим ёки илмий-тадқиқот институти ректори, директори ҳузуридаги маслаҳат органи, илмий-тадқиқот, услубий ва ўқув тарбиявий ишлар асосий йўналишларини уйғунлаштиради.

**ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ** — даврий бўлмаган, программалар, докладлар, тавсиялар, қарорлар, ил-

мий конференция маърузаларининг тезисларидан иборат илмий тўплам.

**ИЛМИЙ НАШР** — тадқиқот ишлари учун мўлжалланган нашр; назарий ва/ёки эксперимент тадқиқотлар тавсифи ёки натижаларидан иборат бўлади, монография, диссертация автореферати, маърузалар тезиси, илмий ишлар тўплами, илмий-конференция материаллари ва б. тарзида нашр этилади.

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ** — янги билимлар яратиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири; объективлиги қайта тикланиши, аниқлиги билан тавсифланади; икки — эмпирик ва назарий босқичга эга. Тадқиқотларни назарий ва амалий, миқдорий ва сифат, нодир ва мужассамага ажратиш энг кўп тарқалган.

**ИЛМИЙ ТАРБИЯ** — мавжуд идроклаш жараёнида амалга ошириладиган, шахс ривожига табиат ва жамият ҳодисаларига ижодий, аналитик муносабатни тарбияланувчиларда шакллантиришдан иборат тарбия, ҳар қандай ишда башоратлай билиш, исботлаш тизимини тузиш, умумлашмалар чиқариш ва моделлаштириш.

**ИЛМИЙ ТАЪЛИМ** — ўқувчилар томонидан ижтимоий-ишлаб чиқариш ҳаётини бошлаш учун мавжуд ва зарур негиз ҳисобланган объектив-ишончли, амалиётда синалган билим ва малакалар негизи тизимини тадрижий равишда эгалланиши.

**ИЛМИЙ УНВОН** — расмий унвон, олий таълим муассасасининг ўқитувчилари ва илмий ходимларга педагогик ва илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ берилади (профессор, доцент, етакчи мутахассис ва б.).

**ИЛМИЙ ХОДИМ** — илмий таълим муассасаси (институт, лаборатория ва б.), шунингдек, олий касбий таълим муассасаси кафедралари ходимларининг лавозими ва илмий даражаси. Кичик илмий ходим даражаси ИТИ ёки ОТМнинг илмий раҳбари томонидан олий касбий маълумотга эга ва ихтисослиги бўйича ишлаётган шахсларга берилади. Катта илмий ходим илмий даражаси фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга, илмий асарлар нашр этган ва мустақил илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи ходимларга берилади.

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ** — дипломли мутахассисларнинг малакасини қисқа муддатли ошириш шакллари-дан бири амалиёт ходимларининг у ёки бу долзарб муаммони ишлаб чиқаётган илмий-тадқиқот марказларининг вакиллари билан учрашуви сифатида ташкил этилади. Конференция қатнашчилари фаннинг энг янги ютуқлари билан биринчи бўлиб танишиш, тажриба алмашиш, ҳамкасб назариётчилар билан ишга тааллуқли алоқа ўрнатиш имконига эга бўладилар.

**ИЛМИЙ-БАДИИЙ АДАБИЁТ** — адабиёт соҳаси, бадий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп, насрий адабиётларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради, фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, олимларнинг кашфиётлари, ихтиролари, гоёлари ва ҳ.к.лар ҳақида ҳикоя қилади.

**ИЛМИЙЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ** — ўқитиш олиб борилаётган абстракциянинг амалдаги босқичининг ўқув фанини юзага келтирувчи фан соҳасида эришилган абстракция босқичига нисбати.

**ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТ** — таълим тизимини замонавий педагогика фани ва амалиёти талабларига жавоб берадиган методологик, дидактик, методик ишланмалар билан таъминлаш.

**ИЛМИЙ-ОММАБОП АДАБИЁТ** — муайян фан ва техника соҳасида мутахассис бўлмаган китобхонлар кенг оммасига тушунарли бўлган, замонавий муваффақиятлар асослари баён этилган ва оммалаштирилган адабиёт.

**ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АХБОРОТ** — ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда, халқ таълими ҳамда педагогика фанларида фойдаланиладиган, шунингдек, махсус наشرлар ёрдамида тарқатиладиган объектлар ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар тизими.

**ИЛМИЙ-НЕДАГОГИК ИНФОРМАЦИЯ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪМИНОТИ (ИПИАТ)** — ИПИАТда қўлланадиган тиллар мажмуи, шунингдек, уларни яратиш восита ва усуллари. ИПИАТ лингвистик таъминоти (ИПИАТЛТ) таркибига рубрикаторлар,

меъёрланган лексика луғати, инфор­мацион-қидирув тезаури ва илмий педагогик инфор­мация (ИПИ) органларида инфор­мация жараёнларини амалга оширишни таъминловчи методик ишланмалар киради. ИПИАТЛТнинг асосий мақсади — ИПИ органлари лингвистик воситаларини улар биргаликда ҳаракатланаётганда ўзаро ва бошқа ташқи тизимлар, аввало ДИТИАТ, ИПИАТЛТ билан инфор­мация марказида мавжуд бўлган инфор­мация кўламли ва инфор­мация нашрларини тизимлаштиришни ўтказишга имконият бериш, ўзаро ҳаракатланаётган тизим органлари ўртасида инфор­мацион кўламини самарали тақсимлаш учун ИПИАТ органлари мавзули қамраб олишини белгилаш, жорий ва ретроспектив инфор­мацион қидирув учун фойдаланувчилар турли гуруҳлари ҳужжатлари ва талабларини индекслаш, ИПИАТ органлараро айирбошлаш учун мўлжалланган инфор­мацион кўламини ягона тарзда шакллантириш, ИПИАТ органларидаги тил воситалари­ни тузиш ва кўллаш жараёнини чеклаш имконини беришдан иборат.

**ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАМОЙИЛЛАРИ** — ижтимоий ҳодисаларни буларнинг барча хилма-хиллиги, алоқалари ва боғли эканликларининг аниқ-тарихий тадқиқидан иборат таълим ва тарбиянинг методологик тамойиллари. Ҳар бир тарихий босқичда пе­дагогика ижтимоий ривожда ворисийликни сақлаган ҳолда моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ва ижтимоий муноса­батлар тавсифи инсон олди­га қўяётган талаблар ҳисобига тубдан ян­гиланади. Ўзгарувчан шароитларда тарбиянинг янги мақсадлари пай­до бўлади, унинг мазмуни, шунингдек, педагогик таъсирнинг шакл­лари ва воситалари такомиллашади. Педагогик тадқиқотларда аниқ-тарихий ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга ол­маган ҳолда педагогик қонуниятлар очиб берилиши, том маънодаги илмий назария яратилиши мумкин эмас.

**ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ЭКСПЕДИЦИЯ** — педагогик тадқиқот усули, у жойларда ҳақиқатга максимал даражада яқинлаштирилган шароитларда ўқув-тарбия ишлари учун маълумот олиш, тадқиқот давомида қисқа муддат ичида кўп ва ҳар томонлама материал тўплаш имконини беради, педагогга ўқув амалиётига таъсир ўтказишда ёрдам кўрсатади.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ** — жамоавий тарзда илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва академия, вазирлик ҳамда муассасалар тизимида илмий-техникавий ишланмаларни бажарувчи муассаса.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ (ИТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ)** — тадқиқот жараёни ва натижалари ҳақида анча тўлиқ маълумотга эга бўлган, тарқатилиши чекланган ҳужжат. Ҳар йили мавзунинг ёки унинг айрим босқичининг туғашидан сўнг бевосита бажарилади. ИТИ ҳақидаги ҳисоботлар тадқиқот жараёни ва натижалари, эксперимент ўтказиш методикаси, бошқа фактографик маълумотлар ҳақида анча тўлиқ маълумотларга эга бўлади.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ** — мавжуд билимларни кенгайтириш ва янгиларини яратиш, илмий фаразларни текшириш, табиғ ва жамиятда намоён бўладиган қонуниятларни белгилаш, илмий умумлашмалар, илмий асосланган лойиҳаларни текшириш мақсадларида илмий изланишлар, тадқиқот, эксперимент ўтказиш билан боғлиқ илмий тавсифдаги ишлар.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ УСУЛИ** — усуллар мажмуи, уларнинг мақсадли ташкиллаштирилиши ва илгари сурилган фаразни тасдиқлаш ёки рад этиш учун билиш жараёнида қўлланиши. Тадқиқот объекти муаммо сифатида ифодалангани, у ўзида ҳам мавжуд ҳаётий зиддиятларни, ҳам янги далиллар, ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликни, улар моҳиятини тушунтириш учун билимларнинг етишмаслигини, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни акс эттириши мумкин. Илмий-тадқиқотни ташкил этиш, илмий фаразларни текшириш, илмий муаммоларни ҳал этишдан иборатдир.

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЖАМИЯТ** — ишлаб чиқариш соҳаси олимлари, муҳандислари, техниклари ва янгилик яратувчи ишчилари ва ихтирочиларининг уюشمаси.

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ИНҚИЛОБ** — фан ва техниканинг жадаллаштирилган эволюцияси асосида ишлаб чиқаришни тубдан, сифат жиҳатдан ўзгартириш, фанни XX аср ўрталаридан бевосита ишлаб чиқариш кучига айлантириш.

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРҒИБОТ** — фан, техника ютуқлари ва илгор ишлаб чиқариш тажрибасини жорий этиш мақсадларида тарқатиш, оммавий ахборот шакллари, усуллари ва воситаларидан фойдаланиб, мутахассислар билим даражасини ошириш бўйича илмий-информациявий фаолият тури.

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ** — ишлаб чиқариш жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириш, кишилар эҳтиёжини янада яхшироқ қондириш мақсадларида хўжалик, ишлаб чиқаришда фан ва техника, технологиянинг илгор ютуқларидан фойдаланиш. Замонавий иқтисодиёт назариясида иқтисод ва техникада фойдаланиладиган илмий ютуқлар кўпинча *инновация* деб аталади.

**ИМАЖИНЛАШ** (фр. image — образ) — таассурот, хаёлот, образли яққол тасаввур, тасаввур этиш кучи.

**ИМИЖ** (инг. image — образ) — рекламалар ва ҳ.к.ларни оммалаштириш мақсадларида эммоционал-руҳий таъсир ўтказишга мўлжалланган қандайдир шахс образининг оммавий ахборот воситалари, инсоннинг ўзи, шунингдек, махсус, имижмейкерлар деб аталувчи кишилар томонидан мақсадга мувофиқ шакллантириш, шунингдек, инсон ҳақидаги унинг ташқи қиёфаси, одатлари, гапириш тарзи, менталитети, хатти-ҳаракатлари ва ҳ.к.лар асосида шаклланадиган тасаввур.

**ИМИТАЦИЯ, ИМИТАЦИЯВИЙ МОДЕЛЛАШТИРИШ** (лот. imitatio — қайта тиклаш, тикланиш) — бирор объект ёки жараённинг образини, унинг сунъий қиёфасини тадқиқ этиш, ўрганиш, башоратлаш мақсадларида яратиш.

**ИМЛО** — 1) муайян тилдаги сўзларни умум томонидан эътироф этилган тўғри ёзиш тамойили; 2) сўзларнинг ёзилиши бўйича меъёрий тизимни ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи тилшунослик қисми.

**ИМПРОВИЗАЦИЯ** (лот. improvisus — қутилмаганда тўсатдан) — 1) ижро вақтида шеърлар, мусиқа ва ҳ.к.ларни яратиш; шундай тарзда яратилган асар; бирор нарса хусусида олдиндан тайёрланмаган ҳолда сўзлаш; 2) педагогнинг олдиндан тайёрланмаган ҳолда мулоқот давомида амалга оширилади-



ган фаолияти; таълим жараёнида юзага чиққан вазиятга тезда муносабат кўрсатиш.

**ИМТИҲОН, ЭКЗАМЕН** (лот. *examen* — синаш) — ўқувчилар билими, ўқувчи малакаси, ривожланганлик даражасининг якуний текширув шакли; имтиҳонлар мақсадига кўра битирув, ўқув жараёнининг муайян босқичини тугатув, шунингдек, касб-ҳунар таълими, умуман таълим муассасасига кириш ёки давлат хизматида муайян лавозимни эгаллаш учун кириш имтиҳонлари бўлиши мумкин.

**ИМТИЁЗЛАР** — фуқаролар муайян тоифаси ёки айрим ташкилотлар, корхоналар, минтақаларга бериладиган устунлик, қўшимча ҳуқуқлар. Бундай имтиёзлар солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш тарзида бўлади (солиқ имтиёзлари) ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилиш (масалан, жамоатчилик транспортда текинга қатнаш) шаклида, шунингдек, барча учун умумий бўлган мажбуриятлардан озод этиш ёки улар (имтиҳонлар, ўқиш учун ҳақ тўлаш)ни бажариш шартларини енгиллаштириш ёки қўшимча тўловлар (стипендияни, нафақа, пенсияни ошириш) тарзида бўлади.

**ИНВАРИАНТ** (лот. *invariants* — ўзгармайдиган) — 1) *математикада*, у ёки бу қайта ўзгаришларда ўзгармай қоладиган қиймат, масалан, икки тўғри чизиқ орасидаги бурчак; 2) *лингвистикада*, тилнинг тузилмавий бирлиги (фонема, морфема, лексема).

**ИНВАРИАНТЛИК** — физик шароитлар ўзгаргандаги ёки баъзи қайта ўзгаришларга нисбатан қандайдир қийматнинг ўзгармаслиги.

**ИНДЕКС** (лот. *index* — кўрсаткич, йўсин) — иқтисодий ва статистик кўрсаткич, иқтисодий қиймат, ўлчовлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг якуний қиймат билан бошланғичининг муносабатига тенг муайян вақт давридаги ўзгаришларни нисбий тарзда тавсифлайди; индекс ҳисоблаш нуқтаси сифатида қабул қилинган муайян йилга мувофиқ келувчи таянч индекс, таянч қийматга нисбатан ҳисобланади.

**ИНДИВИД, ИНДИВИДУМ** (лот. *individuum* — бўлинмас) — мустақил, ақл ато этилган мавжудот сифатидаги инсон (Яна қ. *Мен*). У ўзини ўзи идора этиши мумкин, лекин шу билан бирга ўзининг ташқи муносабатларида умуминсоний қадриятларни элтувчи ҳам ҳисобланади. «Индивид тушунчаси», биринчидан, муайян биологик турнинг айрим яхлит ва бўлинмас хили, иккинчидан, тур муайян вакилининг бошқа вакилларида фарқловчи ўзига хослигини ифодалайди.

**ИНДИВИДНИНГ ИЖТИМОЙ ТАЖРИБАСИ** — индивиднинг фаолият ва шахслараро ўзаро муносабатнинг турли кўринишларида иштирок этиш тажрибаси, бу унинг турлича кўринишдаги муносабатлари ва ҳаётни тушунишида ўз изини қолдиради, унинг билимлари моҳиятини, ўқув ва малакалари ривожланиш даражасини белгилайди.

**ИНДИВИДУАЛ ЎҚУВ РЕЖАСИ** — стандартлар доирасидаги индивидуал тақсимот бўйича ва таълим муассасаси уставига амал қилган ҳолда таълим программасини (уларнинг психо-физик ривожланиши ва имконият хусусиятлари ҳисобга олинган) ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши.

**ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШИШ** — мамлакат педагогикасидаги тамоийил, унга мувофиқ машғулотлардаги ўқув-тарбия ишларида ўқувчиларнинг ҳар бирига оиласининг ва яқинларининг таъсири, уларнинг хусусияти, манфаатлари, қобилиятларини билишга асосланган ўқувчилар билан ҳамкорликка эришилади. Ўз тарбияланувчиларини мунтазам равишда ўрганиш натижасида педагог уларнинг у ёки бу нарсага, умуман таълимга муносабатларинигина аниқлаб қолмайди, балки салбий жиҳатларни бартараф этиш ва индивидда ижобий сифатларни ривожлантиришга қарагилган масалаларни ҳам ўз олдига қўяди.

**ИНДИВИДУАЛ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** — бандликни таъминлаш, кўшимча даромад олиш, аҳолини хабарлар ва хизматларга бўлган талабини анча тўлиқ қондириш мақсадларида амалга ошириладиган фуқаронинг ижтимоий фойдали мустақил шахсий фаолияти. Энг умумий тарзда, бу — ёлланма меҳнатни жалб этмасдан амалга ошириладиган айрим фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти.

**ИНДИВИДУАЛ ПЕДАГОГИК МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** — даромад олиш билан боғли бўлган педагогик меҳнат фаолияти; тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралади ва ЎзР қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилиши шарт.

**ИНДИВИДУАЛ ЭТИКА** — и ж т и м о и й э т и к а дан фарқли ўлароқ фақат индивидгагина тааллуқли бўлган этиканинг бир қисми. Индивидуал этика гуруҳ, уюшмага инсон табиатига нисбатан четдан киритилган ёндош нарса сифатида қарайди, у ташқи ижтимоий алоқадорликка қарамай ўз индивидуаллиги ва ахлоқини қарор топтиришга даъват этилган.

**ИНДИВИДУАЛ-ГУРУҲИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ** — бевосита корхоналарда амалга ошириладиган, қўл меҳнати ходимлари малакасини sanoat ёки хизмат кўрсатиш соҳасида бошлангич касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шакли. Назарий машғулотлар бутун гуруҳ билан, амалий укув ва малакаларни шакллантириш индивидуал тарзда бириктириб қўйилган йўриқчи, одатда, малакали, шундай таълим бўйича тажрибага эга ишчи раҳбарлиги остида амалга оширилади. Кейингиси, қоидага кўра одатдаги иш жойида махсус укув ускуналаридан фойдаланилмаган ҳолда амалга оширилади.

**ИНДИВИДУАЛЛИК** — ўзига хослик, айрим, алоҳида индивиднинг моҳиятини акс эттирувчи сифат ва ўзига хос бўлган хусусиятларнинг нодир мажмуи.

**ИНДИКАТОР** (лот. indicator — кўрсаткич) — 1) кузатилаётган жараёни ёки объект аҳволини, унинг сифат ёхуд миқдорий тавсифини акс эттирувчи прибор, қурилма, унсур; техникада, шунингдек, илмий тадқиқотларда қўлланади; 2) бирор жараён, ҳодисанинг кўрсаткичи, масалан, ижтимоий фикр индикатори (қ. *Кўрсаткич*); тадқиқот объекти миқдорий тавсифини ҳам, тадқиқ этилаётган объектда у ёки бу хоссанинг мавжудлигини ҳам акс эттиради. Индикатор таълим муассасаси вазифа ва мақсадларининг ҳаддан зиёд ранг-баранглигини акс эттириш учун мослашувчан бўлиши керак; индикатор, муайян даражада у ёки бу (иқтисодий, сиёсий, педагогик) жараён қайси йўналишда ривожланишини кутиш мумкинлигини муайян даражада олдиндан билиш имконини беради.

**ИНДУКТИВ ТАФАККУР МОДЕЛИ** — ўқув жараёнининг модели, қуйидаги таълим стратегияларини бирлаштиради: тушунчаларнинг шаклланиши, маълумотларни талқин этиш ва қоида ҳамда тамойилларни қўллаш. Модел ўқув-тарбия жараёнига барқарор ёндашиш, таълим мазмунининг билим ва намуналар буйича фаолият усуллари каби унсурлари ўртасидан мутаносибликка интилишдан иборат, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ўқувчиларнинг ривожланиши ўртасидаги тенгликдир; ўқитувчининг ташкиллаштириш фаолияти билан ўқувчилар ташаббуси ўртасидаги мутаносиблик.

**ИНДУКЦИЯ** (лот. *inductio* — келтириб чиқариш) — билимнинг айримдан, алоҳидадан умумийга, қонунийга ҳаракатланиши илмий усули; айрим таассуротлардан умумий билимга эга бўлиш усули. Индукция кузатиш натижасида ёки қандайдир бошқача йўл билан юзага келган маълум ҳодисалар боғлилиги ҳақидаги тахминлардан иборат бўлади, мунтазам равишда далиллар асосида белгиланади ва ишончлилик аҳамиятига эга бўлади; индукция *дедукция* асосига қўйилиши мумкин бўлган умумий тушунча ва қонунларга олиб келади.

**ИНДУСТРИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ** — саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда руҳий омилларнинг аҳамиятини ўрганувчи меҳнат психологиясининг соҳаси; касбий-техникавий таълим психологияси, хусусан меҳнат уқуви ва малакаларини шакллантириш ва унинг қонуниятларига бағишланган қисмга эга. Махсус шуғулланишлар, машқлар ва қисқа муддатларда муҳим касбий сифатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга имкон берувчи психологик тренинг усулларида фойдаланишга катта эътибор беради.

**ИНКОР** — ҳимоя усули, борлиқ тасаввурини сохталаштириш билан тавсифланади; ташвишлантираётган ва низога олиб келиши мумкин бўлган ахборотни қабул қилинмасликка олиб келади. Бунда шахснинг асосий қоидаларига қарама-қарши мотивларнинг пайдо бўлишидан юзага келадиган низо кўзда тутилади, у ўз-ўзини сақлаш, обрў, ўз-ўзини баҳолашга тазйиқ кўрсатади. Инкор болалик ёшлариданоқ шаклланади ва кўпинча инсонга ўз атрофида содир бўлаётганларни айнан баҳолашига имкон бермайди, у ўз навбатида хатти-ҳаракатда

қийинчиликларни юзага келтиради. Инкор руҳий ҳимоя воситаларидан бири ҳисобланади.

**ИННОВАЦИЯ** (инг. innovatio — янгилик киритиш) — 1) фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликларни жорий этиш, шунингдек, бу янгиликлардан турли соҳалар ва фаолият соҳаларида фойдаланиш; 2) таълимдаги инновация — таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклига, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқувчилар биргаликдаги фаолиятини ташкил этишда янгиликни жорий қилиш; тафаккур услубидаги ўзгариш.

**ИННОВАЦИЯ ДАРСИ** — стандарт бўлмаган, анъанавийликдан холи, мослашувчан, ўзгарувчан тузилмали ва ўқув фаолияти янги шаклини ташкил қилиш йўли билан ўқувчиларнинг таълимга қизиқишларини оширишга қаратилган машғулот. Ўтиш шакли бўйича дарсларни мусобақа ва ўйин шакли (танловлар, турнирлар, иш ўйинлари ва б.)га ажратиш мумкин; дарслар — мулоқотнинг оммавий шакли (матбуот конференцияси, аукционлар, бинефислар ва б.); дарслар — муассаса фаолияти имитация (судлов, илмий кенгаш, таҳририят кенгаши ва б.).

**ИННОВАЦИЯ-МОДЕРНИЗАЦИЯ** — таълимга янгича ёндашиш — унинг анъанавий репродуктив йўналганлиги доирасида натижаларга эришишни кафолатлашга йўналтирилган ўқув жараёнини модернизациялашнинг асосий турларидан бири. Унинг асосини ташкил қилувчи таълимга технологик ёндашиш аввало ўқувчиларни билим билан уйғунлаштириш ва намуна бўйича ҳаракат қилиш усуллари шакллантиришга мўлжалланган ҳамда юқори самарали репродуктив таълимга йўналтирилган.

**ИННОВАЦИЯ-ТРАНСФОРМАЦИЯ** — анъанавий ўқув жараёнини ўзгартирувчи янгилик, унинг тадқиқий тавсифини таъминлашга, изланувчан ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишга қаратилган. Таълимга бўлган тегишли изланувчан ёндашиш, аввало ўқувчиларда янги билимларни мустақил излаш тажрибасини шакллантиришга ва уларни янги шароитларда қўллашга, қадриятларга йўналганликни ишлаб чиқиш билан уйғунлашган ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни кўзда тутади.

**ИНСОН** — турмуш ривожланиши олий босқичи билан сингиб кетган мавжудот, ижтимоий-тарихий фаолият субъекти. Инсон тизим ҳисобланади, бунда жисмоний ва руҳий, жинсий асосланганлик ва тан олинган шаклланганлик, табиийлик, ижтимоий ва маънавийлик яхлит бир бутунликни ҳосил қилади. Инсон куйидагилардан иборатдир: организм; индивид (бу унинг муайян жинсга таалуқлигини билдиради); индивидуаллик (бир индивиднинг бошқасидан фарқланиши тавсифланади); субъект (атроф муҳит, бошқа кишилар ва ўз-ўзини ўзгартира олувчи); вазифа бажарувчи (жинсий, касбий); Мен-образ (намоиш, ўз-ўзини баҳолаш тизими); шахс (индивиднинг тизимли ижтимоий сифати, унинг персоналлашуви, бошқа кишиларда ва ўз-ўзида бошқалардаги каби намоиш топган субъективлик). Инсон бир қатор фанларнинг ўрганиш объектидир: масалан, антропология, социология, педагогика ва б. Амалда бутун психология индивид тарзидаги ижтимоий алоқаларга киришган шахс муаммосига, унинг таълим ва тарбия жараёнида ривожланишига, фаолият ва мулоқотда шаклланишига қаратилган. Биргаликдаги фаолият ва мулоқот инсоннинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч ва асос ҳисобланади; булар ёрдамида инсоннинг кишилар оламидаги ҳаракати, унинг маданият билан танишуви амалга ошади.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ** — давлатга нисбатан инсоннинг ҳуқуқий мақомини тавсифловчи тушунча, иқтисодий ва маданий соҳалардаги унинг имконияти ва даъвоси. Инсон ҳуқуқларини эркин ва самарали амалга ошириш фуқаролик жамияти ва фуқаролик давлатининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари мутлақ ва нисбийга ажралади. Биринчисини чеклаш ёки вақтинча тўхтатиб қўйишга демократик давлатларда ҳар қандай вазиятларда ҳам йўл қўйилмайди. Мутлақ шахсий ҳуқуқлар сирасига яшашга бўлган ҳуқуқ, қийноққа тортилмаслик ҳуқуқи, ҳар қандай зўравонликдан ҳоли бўлиш ҳуқуқи ва бошқа инсон кадр қимматини пастга урувчи муомаладан ҳоли бўлиш ҳуқуқи, хусусий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқи, ўз номуси, виждон эркинлиги, эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқлар киради. Инсоннинг қолган барча ҳуқуқлари нисбий ҳисобланади ва чекланиши ёки фавқулодда ёхуд ҳарбий ҳолат

жорий этилган вазиятларда муайян муддатга тўхтатилган бўлиши мумкин.

**ИНСОН ҲУЛҚ-АТВОРИ** — замонавий психологиянинг тадқиқ объекти, ҳаётнинг моддий, интеллектуал ва ижтимоий соҳаларидаги фаолиятга инсон қобиллигини ўз ичига олади. Инсоннинг ҳулқ-атвори унинг бутун умри мобайнида ривожланади. Болаларнинг мактабгача ва қуйи синф ёшидаги ривожланиши боланинг оила билан ўзаро муносабати асосида юз беради; болаларнинг 6 ёшигача бўлган даврда ота-оналари уларни ахлоқий тасавурлари ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ёшлик даври репродуктив тизим етилиши билан бошланади; бу босқичда тафаккур тартибий ва мантиқий бўлади, индивид мавҳум ғоялар билан фикрлашни ўрганади. Бу даврнинг психологик хусусияти сифатида мустақиллик, жинсий идентификация, касбни ўзи белгилаш ҳисобланади. Тенгдошлар туруҳи жуда катта аҳамият касб этади, ўсмирга ўз фикрини баён этиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини тушуниш имконини таъминлайди, уни ҳулқ-атворини қўллаб-қувватлайди ёки рад этади.

**ИНСОН ЁШИ** — *психологияда*, индивидуал ривожланишнинг вақт билан боғлиқ тавсифини белгилаш учун хизмат қиладиган категория. Индивид туғилган дақиқадан бошлаб яшаш даври мобайни билан ифодаланувчи йиллар билан ўлчанадиган ёш тушунчаси мавжуд, шунингдек, инсон танасининг шаклланиш қонуниятлари, турмуш шароити, таълим ва тарбия ҳамда муайян тарихий келиб чиқишга эгалик билан боғлиқ онтогенетик (индивидуал) ривожланишнинг сифат жиҳатдан ўзига хос муайян босқичини белгиловчи руҳий тушунча ҳам мавжуддир.

**ИНСОН ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИ** — инсоннинг (ёки муайян бир давлат фуқаросининггина) конституциявий ҳуқуқлари мажмуи, булар унга муайян шароитларда маълум моддий неъматларни давлатдан олишга даъво этиш имконини беради. Одатда, инсоннинг ижтимоий ҳуқуқларига ижтимоий таъминот ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, соғлиғини муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи, болаларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва ногиронларнинг ҳуқуқлари киради.

**ИНСОН ОМИЛИ** — 1) инсоннинг ижтимоий-тарихий меҳнат фаолияти субъекти сифатидаги аҳамияти ўрни ва таъсири; 2) тор маънода — инсоннинг техник қурилмалар билан алоқасининг интеграл тавсифини англатувчи тушунча, бу улар ўзаро муносабатининг муайян шароитларида намоён бўлади.

**ИНСОН ОМИЛЛАРИ** — асосий глобал индикатор, олий таълимга айрим жамиятнинг интилиши ва бу эҳтиёжни амалга ошириш даражасини тавсифлайди. Бу индикатор ЮНЕСКО томонидан тавсия этилган ва қуйидаги тенгламага асосан ҳисоблаб чиқилади:

$$I = (S+T+D)/P \times 10\,000, \text{ бунда}$$

**P** — минтақа аҳолисининг сони;

**S** — минтақа ОТМларидаги талабалар сони;

**T** — минтақа ОТМларидаги ўқитувчиларнинг сони;

**D** — ОТМларга хизмат кўрсатувчи ходимлар.

Шундай қилиб, мазкур индикатор ушбу минтақада 10 минг аҳоли ҳисобидан олий таълим соҳасида қанча киши банд эканлигини кўрсатади. 1989—1993 йиллардаги статистик маълумотларга кўра энг юқори кўрсаткич Канада (743,5—1991 й.)га, энг паст кўрсаткич Хитой (21,8—1991 й.)га тааллуқли.

**ИНСОНИЙЛАШТИРИШ** — жамиятда инсонпарварлик амолларини кучайтириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, мулойимлик ва инсонийлик билан уйғунлашган ҳолдаги тугалланган эстетик шаклга эга бўлган инсоний қобилиятларни юқори маданий ва ахлоқий даражада ривожлантириш.

**ИНСОНИЙЛИК, ГУМАННОСТ** (лот. humanus — инсоний) — инсонни севиш, инсоннинг кадр-қиммати, изтиробларини ҳурмат қилиш; ҳамкорлик, бирга иштирок этиш, ёрдамлашиш жараёнидаги мулоқот ва фаолиятда амалга оширилади. Инсонийлик билан келиша олмайдиган ҳар қандай фаолият ғайриахлоқий ҳисобланади; ҳаттоки «инсониятга қарши жиноят» тушунчаси ҳам пайдо бўлган.

**ИНСОННИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИ** — инсон конституциявий ҳуқуқларининг алоҳида бир тури. Бунинг юзага келишига ҳам жаҳон миқёсида, ҳам миллий кўламдаги экологик тангликнинг



кескинлашуви сабаб бўлди. Инсон экологик ҳуқуқига, аввало, экологик ҳуқуқбузарлик туфайли унинг соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи тааллуқлидир.

**ИНСОНПАРВАР ПЕДАГОГИКА** — тарбиянинг замонавий назарияси ва амалиётдаги йўналиш. 20- аср 60- йилларида АҚШда *инсонпарвар психология* ғоясининг педагогик тадбиқи сифатида юзага келган. Инсонпарвар педагогиканинг эътибори марказида шахснинг ноёб бир бутунлиги туради. У ўз имкониятларини максимал даражада юзага чиқариш (ўз-ўзини фаоллаштириш)га интилади, у янги тажрибани қабул қилиш учун очик, мураккаб ҳаётий вазиятларда идрокланган ва масъулиятли танловга қобил. Шундай сифатларга эга инсоннинг камол топишида тарбиячига анъанавий педагогикадагидек билим ва ижтимоий меъёрларни расмий равишда сингдиришдан фарқли ўлароқ тарбия бош вазифа деб ҳисобланади.

**ИНСОНПАРВАР ПСИХОЛОГИЯ** — замонавий (асосан Америка) психологиясидаги йўналиш. У шахсни ўз-ўзини фаоллаштиришга қобил тизимнинг нодир яхлитлиги сифатида асосий объект деб тан олади. Куйидагилар инсонпарвар психологиянинг асосий қоидалари ҳисобланади: инсон яхлитлигида ўрганилиши керак; ҳар бир инсон нодирдир; олам инсон учун очик, инсон яшаётган олам ва оламдаги унинг ўзи асосий психологик мавжудлик ҳисобланади; инсон ўз табиатининг бир қисми ҳисобланган узлуксиз ривожланиш ва ўз-ўзини юзага чиқариш имкониятига эгадир; инсон — фаол, ижодий мавжудот. Инсонпарвар психология ўзини *бихевиоризм ва фрейдизм*га қарама-қарши қўяди, чунки булар инсоннинг ўз ўтмишига боғлилигига асосий эътиборни қаратади, ваҳоланки, инсонпарвар психологияга кўра ундаги энг асосий нарса — келажакка интилиш, ўз имкониятлари, айниқса, ижодий имкониятларини эркин юзага чиқаришга ҳаракат қилишдир.

**ИНСОНПАРВАР ТАЪЛИМ** — умуминсоний қадриятлар, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, шахснинг эркин ривожланиши устуворлиги тамойилларига асосланган таълим.

**ИНСТИТУТ** (лот. *institutum* — ўрнатиш, таъсис этиш) — 1) фан, техника ва маданиятнинг бир қатор йўналишлари бўйича таълим программаларини, шунингдек, қоидага кўра, ОТМдан

кейинги таълимнинг программаларини амалга оширувчи мустақил олий таълим муассасаси ёки университет, академиянинг қисми (таркибий бўлинмаси); 2) фаолиятнинг муайян турини амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси; 3) ижтимоий муносабатлар бирор соҳасидаги ҳуқуқ меъёрларининг мажмуи, ижтимоий қурилишнинг бирор шакли.

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛЛАР** (лот. *institutio* — ўғит, кўрсатма) — иқтисодий, ижтимоий муносабатлар айрим соҳа ва тармоғини бошқариш, тартибга солиш билан боғлиқ омиллар (қоидалар, меъёрлар, ўрнатмалар) шу соҳалар, бошқарув муассасаларини бошқариш.

**ИНСТРУМЕНТАЛ УСУЛЛАР** — объектив миқдорий маълумотлар олиш мақсадларида фойдаланиладиган бевосита тасаввур этиш мумкин бўлмаган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш учун мўлжалланган приборлар, асбоблар, аппаратларни қўллаш билан боғлиқ касбий педогогикадаги тадқиқотнинг махсус эмпирик усуллари; касбий малакаларни шакллантириш, касбий йўналтириш ва саралаш муаммолари, ишчиларнинг касб-ҳунар кўникмалари ва ҳ.к.лар билан боғлиқ тадқиқотларда кенг қўлланади.

**ИНСТРУМЕНТАЛИЗМ** (лот. *instrumentum*) — нуқтаи назар, унга кўра ақл ва интеллект ҳам тана қисмлари, тишлар сингари ўзгараётган шароитларга мослашиш воситаси (инструмент) ҳисобланади; инструментализм Америка фалсафасида *прагматизм* ҳисобланади.

**ИНТЕГРАЛ КЎРСАТКИЧ** (лот. *integer* — яхлит) — умумлаштирилган, йиғма, синтетик кўрсаткичлар.

**ИНТЕЛЛЕКТ** (лот. *intellectus* — тушуниш, идроклаш, тушунча) — онг, фикрлаш қобилияти, донолик, тасаввурни билимга айлантирувчи ёки мавжуд билимни танқидий қайта кўриб чиқувчи ва таҳлил қилувчи ақлий функция (таққослаш, тушунча ҳосил бўлиши, мулоҳаза, хулоса ва ҳ.к.)ларнинг мажмуи. Бир қатор психологик концепцияларда интеллект ақлий операциялар тизими, муаммоларни ҳал этиш услуби ва стратегияси, идроклашда фаолиқни талаб қилувчи вазиятта самарали индивидуал ёндашиш, когнитив услуб билан айнан қўйилади. Замонавий Фарб психологиясида тегишли масалани ҳал қилиш иқтисодии си-

фатида прагматик талқин этиш анча кенг тарқалган, бу ижтимоий-маданий ҳаётга самарали қўшилиб кетади, муваффақиятли мослашади. Интеллектнинг моҳиятини белгилаш индивид соҳалари(таълимот, ишлаб чиқариш, сиёсат ва б.)нинг тегишли ижтимоий қимматга эга фаоллиги тавсифига боғлиқдир. Илмий техника инқилобининг муваффақияти — кибернетиканинг, информация назариясининг, ҳисоблаш техникасининг ривож билан боғли ҳолда «сунъий интеллект» термини тобора кенг ёйилмоқда.

**ИНТЕЛЛЕКТ КОЭФФИЦИЕНТИ, АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ, АЙ-КЬЮ** (инг. IQ, Intellegence Quotient қисқартмаси; intelligence — ақл, интеллект ва quotient) — тафаккур қобилияти ривожланишининг кўрсаткичи; ақлий балоғат (АБ)нинг ҳақиқий йилли ёш (ЙЁ)га нисбати орқали ифодаланади. Тестлаш ёрдамида белгиланади ва қуйидаги тенглама буйича ҳисобланади:

$$\frac{АБ}{ЙЁ} \times 100\% = IQ$$

Тестга, одатда, математик ва арифметик топшириқлар киритилади, амалдаги вазиятлардаги мўлжал, оператив хотирани текшириш ва ҳ.к.лар бўлади.

**ИНТЕЛЛЕКТ ТЕСТЛАРИ, АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕСТЛАРИ** — психодиагностика усули, индивиднинг ақлий салоҳиятини баҳолаш учун мўлжалланган. Тест натижалари сигналувчининг аввалги тажрибаси ва ўқиганлигининг ўзига хослигини аниқлайди: аввалги тажрибаси мобайнида у тест вазифасини ечиш учун зарур терминлар, тушунчалар, ақлий ҳаракатларни қанчалик ўзлаштиргани белгиланади.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР** — маблағни мутахассислар тайёрлашга қўйиш, ноу-хау, илмий ишланмаларни бириш ва ҳ.к.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАҲСУЛОТ** — маънавий, фикрий, интеллектуал фаолият натижаси; ихтиролар, кашфиётлар, патентлар, илмий ҳисобот ва маърузалар, лойиҳалар, технологиялар тавсифи, адабий, мусиқий, бадий асарлар, санъат намуналарини ўз ичига олади.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТ** — маънавий бойликни ўзлаштириш даражасини, тавсифловчи ва таълим, фикрлаш мустақиллиги, умуминсоний қадриятлар устуворлигини тушуниш, ҳодисаларни қарама-қаршилиқларда кўриш ҳамда уларни баҳолаш уқувини, ўрганишга фаол интилиш ва иқтидорни, билимни тўлдиришни, ҳар қандай ишга ижодий ёндашишни тавсифловчи шахс ривожининг даражаси.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** — йиғма тушунча, ижодий фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ мажмуини англатади; бадиий, адабий ва илмий асарларга, артистларнинг ижрочилиқ фаолиятига, овоз ёзиш, радио ва телевидение эшиттириш ва кўрсатувларига, ихтироларга, саноат намуналарига, товар белгиларига, фирма номларига ва ҳ.к.ларга тааллуқли ҳуқуқни ўз ичига олади. Интеллектуал мулк тушунчаси биринчи бўлиб 1967 й.да умумжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этган конвенцияда жорий қилинган.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШ** — тафаккурнинг турли кўринишлари (эмпирик, образли, назарий, муайян-тарихий, уларнинг диалектик бирликлари)дан фойдаланиш ва уларни эгаллашга бўлган қобилиятни шакллантириш. Ҳаётдаги ҳодиса ва воқеаларни мустақил таҳлил қила билиш, мустақил хулосалар ва умумлашмалар чиқариш, шунингдек, нутқий ривожланганлик, яъни тил луғат бойлигини ўзлаштирганлик ва ундан эркин фойдалана билиш унинг таркибий қисми ҳисобланади. Олам ҳақидаги асосий илмий билимларнинг муайян ҳажмини, борлиқни фалсафий, муайян-тарихий баҳолаш қобилиятини ўз ичига олган умуммахлоқий билимлар интеллектуал ривожланишнинг мазмуний томони ҳисобланади.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРЕНИНГ** (инг. training) — усул, бунинг ёрдамида кишилар ўз фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ундан фойдаланишни ўрганадилар. Тадрижий машқлар натижасида ўз интеллектуал уқувларини бойитиб, индивидлар идроклаш фаоллигига эришиш томон ҳаракатланадилар, бу уларга муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш ва исталган вазиятда хатти-ҳаракатни амалга оширишга имкон беради.

**ИНТЕРВЬЮ** (инг. interview — учрашув, суҳбат), **СУҲБАТ** — 1) радио телевидение ва матбуот учун мўлжалланган журналистнинг сиёсий, жамоат арбоби ёки бирон бир арбоб суҳбати; 2) со-

циологик тадқиқотларда —тадқиқотчининг саволларига берган жавобларини умумлаштириш учун бошлангич эмпирик материал бўлиб хизмат қилувчи шахс ёки бир гуруҳ шахслар билан аввалдан белгиланган режа бўйича тадқиқотчининг суҳбати; 3) педагогикада — эмпирик тадқиқот усули; унинг илк босқичларида фойдаланилади. Интервьюнинг 2 тури фарқланади: эркин (чегараланмаган мавзу ва шаклдаги суҳбатлар) ва стандартлаштирилган (сўровномага яқин хуфя савол шакли бўйича). Бу тур интервьюлар орасидаги чегара ўзгарувчан ва муаммонинг мураккаблиги, мақсадлар ҳамда тадқиқот босқичларига боғлиқдир.

**ИНТЕРНАТ** (лот. *internus* — ички) — 1) ўқувчилар яшайдиган, таълим оладиган, қисман давлат таъминотида бўлган таълим муассасаси (мактаб); 2) таълим муассасасидаги ўқувчилар учун ётоқхона; 3) ногиронлар ва ёлғиз қариялар учун уй, бошпана, бу ерда уларга ғамхўрлик қилинади.

**ИНТЕРНЕТ** (лот. *INTERNET*) — глобал компьютер тармоғи, сифимли ихтисослашган ахборот серверларига кириш имконини беради ва электрон почтани таъминлайди. **ИНТЕРНЕТ** ва серверга кириш провайдерлар (маҳаллий тармоқ хизмат кўрсатувчилари — инг. *service providers*) томонидан таъминланади.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ** (лот. *interpretatio* — воситачилик).— 1) муайян назария қандайдир унсурлари етказадиган маъно (мазмун) мажмуи; фанда кенг қўлланади; 2) ниманингдир (масалан, меъёрий ҳужжатнинг) маъноси мазмунининг талқини, уни тушунтирилиши, аниқланиши; 3) ижрочи (актёр, режиссёр, мусиқачи ва ҳ.к.) томонидан бадиий асарнинг ижодий ўқишлиши.

**ИНТЕРФЕЙС** (инг. *interface*) — 1) ҳисоблаш тизими қурилмаси ва/ёки программаларнинг биргаликда ҳаракатини таъминловчи восита ва қоидалар мажмуи; 2) ҳисоблаш тизимидаги қурилмаларни қўшишда ёки тизимлараро қўшилишда фойдаланиладиган уйғунлаштирилган техникавий ва программавий воситалар мажмуи.

**ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ** (лот. *inter* — аро ва *ferens* — элтувчи, кўчирувчидан) — 1) *психологияда*, субъект операция амалга оширилаётган бошқа материал таъсири (қўйилиши) натижаси-

да эслаб қолинаётган материал сақланишининг ёмонлашуви; хотира тадқиқи вақтида ва малакалар ўзаро таъсир этишини тўхтатиб қўювчи муаммолар билан боғли равишда ўрганилади, бунда ҳосил бўлган малака янгисининг юзага келишини қийинлаштиради ёхуд улар самаралигини пасайтиради; 2) *лингвистикада*, тиллар алоқаси жараёнида ёки ўзга тилни якка тартибда ўрганишда юзага келадиган икки тиллилик шароитларидаги тиллар тизимининг бир-бирига таъсири.

**ИНТИЗОМЛИЛИК** — шахснинг босиқлик, ички уйғунлик сифатлари, жамият ёки давлат томонидан белгиланган қоидаларга бўйсунушга тайёргарлик ва шунга одатланганлик.

**ИНТРОВЕРТИВ** (инг. *introvertive*, лот. *intro* — ичкари ва *verto* — айланиш) — ичкарига қаратилган; ўз-ўзини чуқурлаштирган шахснинг психологик тавсифи, унинг фикрий фаолияти асосан ўз ички кечинмалари ва ҳиссиётларига йўналтирилган бўлади. Бундай шахс биқиқлиги, идроклилиги ва ўз-ўзига эътиборни қаратганлиги билан тавсифланади. Бунинг зидди — *экстровертив*.

**ИНТРОСПЕКЦИЯ** (лот. *introspectare* — ичкарига қарамоқ) — *психологияда*, инсон ўз фаоллигини чуқурлаштирилган тарзда тадқиқ этиши ва тушунишининг усули: айрим фикрлар, ҳиссиётлар, кечинмалар, онг фаолияти сифатидаги идроклаш ва ҳ.к. Психологлар тадқиқотида интроспекция ўз-ўзини кузатиш тарзида иштирок этади.

**ИНТУИЦИЯ** (лот. *intueri* — диққат, эътибор билан қараш) — сезги, илғаб о шиш, аввалги тажриба асосида мантиқий асосларсиз бевосита ҳақиқатни англаш. «Бевосита» интуитив билиш (эришиш йўли идрок этилмаган ҳолда юзага чиқадиган билиш), одатда, инсоннинг амалий ва маънавий фаолиятига асосланади, бу касбий интуиция ҳақида касбий фаолият компонентларининг мажмуида касбий ижодни зарур ташкил этувчиси сифатида гапириш имконини беради.

**ИНФАНТИЛИЗМ** (лот. *infantilis* — чақалоққа, болага хос) — 1) бола тана мутаносиблигини сақлаган ҳолда ўсишнинг сусайганлигини тавсифловчи жисмоний ривожланишдаги орқада қолиш; жинсий аъзоларнинг ривожланишдан орқада қолганлиги ва ҳ.к.; 2) катта ёш-

дагилар руҳи ва ҳуқ-атворида болаларга хос хусусиятларнинг сақланганлиги: меъёридаги ёки ҳатто тезлаштирилган жисмоний ва ақлий ривожланишда инфантилизм хос бўлган индивид, у эмоционал иродавий соҳада балоғатга етмаганлиги билан ажралиб туради, бу хатти-ҳаракатлар қилишда ва бир қарорга келишда мустақил бўлмасликдир, ўзини ҳимояланмаган ҳис этишда, ўзига нисбатан танқидий қарашнинг паст эканлигида ва бошқаларга нисбатан юқори даражада талаб қўйишда фарқланади. Бундай хусусиятлар, ўзига бино қўйганлик, каландимоғлик, тезда қизишиб кетишлик ва бошқалар яққол кўринади. Аста-секин боқимандалик кайфияти шаклланади; меҳнат қилишга одатланмаслик меҳнат фаолиятини ёқтирмасликка сабаб бўлади. Жамиятнинг катта ёшдаги аъзоларига хос бўлган турли фаолият кўринишларининг кечиши ва муваффақиятли бўлиши учун жиддий тўсиқ ҳисобланади. «Инфантилар»ни ўқитиш алоҳида ёндашишни талаб этади, ҳатто даъволаш-педагогика муассасаларидан фойдаланишни тақозо қилади. Инфантилизм (болалик) кўчма маънода — турмуш, сиёсат ва ҳ.к.ларга соддалик билан ёндашишда намоён бўлади.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ СЎРОВ** — бирор информация тармоғига мурожаат қилишда абонент ўзига керак бўлган ахборотни олиш эҳтиёжи ҳақидаги хабарни табиий тилда ифодалаши.

**ИНФОРМАТИВ РЕФЕРАТ, РЕФЕРАТ-КОНСПЕКТ** — реферат, бунда бошланғич ҳужжат, муҳим далиллар, тадқиқот методикаси, қўлланиш соҳаси, барча асосий қоидалар умумлашган тарзда берилади. Қ. *Индикатив реферат*.

**ИНФОРМАТИКА** — математика, физика, техника, кибернетика қисмларини бирлаштирувчи ва ахборотни шакллантириш, жамлаш, қайта ўзгартириш, сақлаш, узатиш ва фойдаланиш қонуниятлари ҳамда усулларини ўрганувчи, шунингдек, ҳисоблаш ва ахборот техникаси замонавий воситалари, алоқа ва техникавий ёзув жамгаргичлар воситаларини яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш билан шугулланувчи фан.

**ИНФОРМАЦИОН ЎЗАРО АЛОҚАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ** — компьютер тармоғи ва телефон, телевизион, йўлдош орқали алоқа воситалари синтези даражасидаги телекоммуникатив воситалар. Бу воситалардан фойдаланувчи комплекслар мамлакат

бутун-бутун минтақаларини ахборот билан таъминлаш учун узатиш — қабул қилиш тизимларига бирлашиши мумкин. Компьютер тармоғи (локал ёки глобал) орқали мулоқот реал вақтда (синхрон телеалоқа) ва вақт бўйича кечикиб (асинхрон телеалоқада) амалга оширилиши мумкин.

**ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ (ИТЗТ)** — реал вақт ёки асинхрон тартибда телекоммуникация тармоқлари асосида инфор­мацион ўзаро алоқани амалга оширувчи тизимлар. ИТЗТнинг қуйидаги турлари мавжуд: синхрон телеалоқа; асинхрон телеалоқа, замонавий электрон почта (E-mail); жўнатмалар рўйхати; умумжаҳон мултимедиа муҳити (WWW — Word Wide Web); электрон конференциялар; диалог (On-line Database) тартибида маълумотлар жамғармаси (МЖ)дан излаш ва б. Барча айтиб утилган тизимлар ўқувчиларда укувларни ривожлантиришга, берилаётган ахборотларни қисқа шаклда узатишга, қисқа, аммо мазмундор хабарлар тузишга, зарур ахборотларни муайян белгилар бўйича саралашга имкон беради. Булар барчаси коммуникатив қобилиятни юзага келтиради.

**ИНФОРМАЦИЯ** (лот. informatio — хабар, тушунтириш) — 1) ҳодисалар ҳақидаги хабар, маълумот, сақлаш, ишлаб чиқиш ва узатиш ҳамда таҳлил объекти ҳисобланувчи, шунингдек, амалий ечимларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган миқдорий-сифат кўрсаткичларнинг қиймати; 2) атроф-муҳит ҳақидаги маълумот ва унда борадиган жараён, инсон ва махсус қурилмалар ёрдамида қабул қилинади. Бу тушунчадан фалсафа, психология, педагогикада кенг фойдаланилади, у кибернетика ривожланиши билан (20- аср ўрталарида) информатиканинг, кибернетиканинг, амалий фанларнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб қолди. Информация ҳодисасининг замонавий тадқиқоти 3 асосий йўналишда бормоқда: тушунчавий ва математик аппаратлар ишлаб чиқилмоқда, булар кибернетика масалаларига, илмий коммуникация, информациявий қидирув, ахборотларни қайта ишлаш, сақлашга тадбиқан информациянинг асосий хоссаларини акс эттиради; мавжуд математик воситалар негизида информациянинг қимматлилик, амалда фойдаланиш учун фойдалилик ва яроқлилиқ каби хусусиятлари тадқиқ этилмоқда; ишлаб чиқилган математик ва информациявий усуллар гуманитар фанларда — лингвистикада, семиотикада,



педагогикада, психология ва б.да фойдаланилмоқда. Масалан, муҳандислик психологияси ва эргономикада инсон ва машина ўртасидаги информациявий алоқа жараёни ва воситалари тадқиқ этилди. Информация турлари бўйича (иқтисодий, педагогик, техникавий, сиёсий ва б.) ва мўлжалланганлиги бўйича (индивидуал, оммавий, махсус ва ҳ.к.) фарқланади.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ ЖАМИЯТ** — ижтимоий ривожланиш концепцияси; бунга кўра ахборот технологиявий, иқтисодий ва бошқа жараёнларни ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланади. Шунинг учун ахборотлар тўплаш, ишлаб чиқиш, тарқатиш ва фойдаланишнинг яхши йўлга қўйилган воситалари ижтимоий организмнинг барча унсурлари самарали фаолият кўрсатиши учун зарур имкониятларни яратади; шу муносабат билан таълим тизими кишиларга ахборотни тўплаш ва жамғариш усулларини, шунингдек уни идроклаш, қайта ишлаш ва амалда тадбиқ этиш технологиясини фаол эгаллашларига ёрдам беришга даъват этилган.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ МАДАНИЯТ** — ахборотлардан самарали фойдаланиш билим ва малакаси; керакли ахборотни ҳар томонлама излай билишни ва ундан фойдаланишни назарда тутати. Шунингдек, кутубхона каталоглари билан ишлаш, ахборотни ИНТЕРНЕТ тармоғидан кўрабилишгача бўлган компьютер саводхонлигини талаб қилади.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ МАССИВ, МАЪЛУМОТЛАР МАССИВИ** — табиий тилда ифодаланган ёзувлар, маълумотлар (яъни бир бутунлик тарзида қаралаётган) тўплами ҳақидаги хабар, булар, одатда, ЭҲМ ташқи хотирасида ва файлларда сақланади.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ ТАЪМИНОТ** — тизимнинг фаолият кўрсатиш информациявий шароитларини яратиш, зарур ахборотлар билан таъминлаш, ахборотларни излаш, олиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш воситалари тизимига уланиш, маълумотлар жамланмасини ташкил этиш. Информациявий таъминотни яратиш — бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини қуриш ва фаолият кўрсатишининг асосий шarti.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ** — ахборотни таъминлаш, ишлаб чиқиш, узатиш ва акс эттиришни таъминловчи усуллар, йўсинлар ва воситалар мажмуи; лойиҳалаш-

конструкторлик ишларида, педагоглик ва таҳририят-нашриёт фаолиятида, ташкилий раҳбарликда, илмий тадқиқотларда сессияларли аҳамият касб этади. Информацион технологияни ривожлантириш ҳисоблаш техникасини тадбиқ этиш, коммуникатив тармоқлар ва ҳ.к.лар билан узвий боғлиқдир.

**ИНФОРМАЦИОН ТИЗИМ** — бирор фан соҳаси маълумотларини ахборот тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш қайта ўзгартириш, узатиш, янгилаш воситалари ва компьютер техникасидан ҳамда бошқа техникалардан фойдаланиб ишлаб чиқиш тизими.

**ИНФОРМАЦИОН УСУЛ** — ишонтиришнинг бошланғич усули, педагог томонидан тарбияланувчиларга турли маълумотларни етказишдан ва уларда янги билимга қизиқишни рағбатлантиришдан иборат; унинг қуйидаги шакллари билан фойдаланилади: ҳикоя, суҳбат, маъруза, йўриқнома, кўргазмали материал, машҳур кишилар билан учрашув. Информацион усулни муваффақиятли қўллашга эълон қилинаётган информациянинг қимматлиги, тезкорлиги, шунингдек, мантиқий қурилиши, хабарнинг тушунарли ва зўрмазўраки тақширтилмаётганлигига кўра эришилади.

**ИНФОРМАЦИОН ҲАВФСИЗЛИК** — 1) барча муаллифлаштирилган фойдаланувчилар учун очиклиги билан уйғунлаштирилган ҳолда ахборотларнинг маҳфийлиги ва маълумотларнинг бир бутунлигини таъминловчи ташкилий-техникавий тадбирлар мажмуи; 2) ахборот тизими ҳимояланганлик мавқеини акс эттирувчи кўрсаткич. Фаолият айрим соҳалари (давлат бошқарув тизимлари, банклар, ахборот тармоқлари ва б.), булар махсус информациявий ҳавфсизликни таъминлашни талаб қилади ва ҳал этилаётган масалалар тавсифи ҳамда муҳимлигига мувофиқ фаолият кўрсатиш ишончлилигига алоҳида талаблар қўяди; атрофлича тадбирларни амалга ошириш ва ҳимоя воситаларини қўллаш ҳисобига эришилади.

**ИНФОРМАЦИОН-ҚИДИРУВ ТЕЗАУРУСИ (ИҚТ)** — информациявий қидирув тили (ИҚТ) ва табиий тил лексик бирликларининг махсус ташкил этилган меъёрий лугати. ИҚТнинг асосий таркибий қисми — дескрипторлар лексик-семантик алифболи рўйхати ва дескрипторлар ўртасидаги маъновий (парадигматик) му-

носабатлар уларнинг кўрсатилган талқинлари. ИҚТнинг мақсади — ҳужжатлар ва талабномаларни анча мукамал ва тўлиқ индекслаш. ДАСТга мувофиқ (қ. ДАСТ 7.25.80) ИҚТ, бу — дескрипторлар ва ҳужжатлар ҳамда информациявий сўровларни координатли индекслаш учун мўлжалланган, парадигматик муносабатлари қайд этилган таянч сўзларнинг меъёрий лугати.

**ИНФОРМАЦИЯВИЙ-ҚИДИРУВ ТИЛИ** — ҳужжатлар ёки сўровлар мазмуний моҳиятини формаллаштирилган тавсифи ёки кейинчалик қидириш мақсадларида далилларни тавсифлаш учун мўлжалланган тил. Табиий тил сингари у ҳам алифбо белгилари (ҳарфлар, рақамлар ёки аралаш алифбо) тўпламидан иборат бўлади.

**ИНФОРМАЦИЯЛАШТИРИШ** — 1) меҳнат соҳаси ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида жорий этиладиган илмий билимлар ва бошқа маълумотларнинг тобора ўсиб бораётган кўлами; информацион фанлар мавқеини оширувчи ижтимоий жараён; 2) фуқаролар, ташкилотлар, муассасаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун самарали шароитлар яратиш; шу муносабат билан таълимнинг ахборот билан таъминланганлигини кучайтириш ва таълим жараёни муваққат давомийлигини ошириш зарурати юзага чиқади.

**ИНФРАТУЗИЛМА** (лот. *infra* — остида ва тузилма) — бўйсунганлик ёрдамчи тавсифга эга ва яхлит ҳолда иқтисодий ёки сиёсий тизим меъёрий фаолиятини, шунингдек, кишилар ҳаёт фаолиятини таъминловчи иқтисодий ёки сиёсий ҳаёт умумий тузилишининг таркибий қисмлари. Масалан, транспорт ва алоқа, таълим ва касбий ўқитиш, турар жой ва коммунал хўжалик иқтисодий инфратузилмага киради, ижтимоий ишлаб чиқариш уларнинг ҳолатига боғлиқдир.

**ИРОДА** — инсоннинг ўз-ўзини бошқариш қобилияти (ўз интилишлари, ҳис-туйғулари, иштиёқлари устидан ҳукмронлиги), ташқи ва ички тўсқинликлар, таъсир ва даъватларга қарамай, ўз хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини онгли равишда бошқариш. Қуйидагилар инсоннинг асосий иродавий сифатлари ҳисобланади: мақсадга интилганлик, дадиллик, қатъийлик, сабот, ўз-ўзини тута билиш, интизомлилик, қўрқмаслик ва матонат.

**ИРОДА КУЧИ** — иродавий куч-ғайрат ёрдамида қандай тўсиқ бартараф этилгани ва бунда қандай натижага эришилганида намоён бўлувчи ирода тавсифи. Ирода кучи инсон қандай чалгитиш ва адашишликларни рад этганлигида, ўз ҳиссиётларини қанчалик тизгинлай олишида, қизиққонлик билан хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслигида ҳам намоён бўлади.

**ИРРАЦИОНАЛЛИК** (лот. irrationalis — ғайриақлий) — онгнинг кучи етмайдиган, англаб бўлмайдиган; мантиқ қонунларига бўйсунмайдиган — иррационаллик, «онгдан ташқарида» деб баҳоланадиган.

**ИСБОТЛАШ** — тезиснинг тўғрилигига, идрок этилганнинг чинлигига ишонтириш мақсадида ёки агар мазкур қоида бўйича баҳс кетаётган бўлса, уни яна бир карра тўлдириш ва тасдиқлашда қўлланадиган усул; *инкор этиш* исботлашнинг акси бўлиб ҳисобланади.

**ИСЛОҲОТ** — қайта ҳосил қилиш, мавжуд ижтимоий тузумнинг асосини сақлаган ҳолда ижтимоий ҳаёт (тартиблар, муассасалар, таълим)нинг бирор томонини қайта қуриш; ижтимоий ислоҳот.

**ИСТИҚБОЛ, ПЕРСПЕКТИВА** (фр. perspective, лот. perspicere — оралаб қараш) — ўқувчилар олдида шахсий интилиш, режалар, истакларга ажраладиган қизиқарли, аҳамиятли мақсадларни қўйишдан иборат педагогик рағбатлантиришнинг етакчи усули. Яқин келажак (эртанги кун қувончи, қувончли хабарни туйиш), оралиқ истиқбол (кутилаётган ҳодиса, вақтга кўра бир-мунча орқага сурилган бўлади) ва олис истиқбол (келажак режасини тузиш, келажакни кўзлаш)га ажралади.

**ИХТИРОНИНГ ХАЛҚАРО ТАСНИФИ (ИХТ)** — тушунчасини тақсимлаш функционал-тармоқ тамойилили иерархик таснифи. 1954 йилда турлича тизимларини уйғунлаштириш мақсадида Патент ишлари бўйича Европа кенгаши қатнашчи-давлатлари ўртасидаги келишув асосида ихтиролар таснифи қабул қилинган; билимнинг барча соҳасини қамраб олади, уни объектлари муҳофазаловчи ҳужжатлар томонидан ҳимояланади. Патент ҳужжатларни сақлашни тартибга солиш, фойдаланув-

чилар ўртасида ахборотни танлаб тарқатиш учун турли хил статистик маълумотлар олиш, айрим соҳаларда техниканинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун хизмат қилади.

**ИХТИСОСИЙ МОСЛАШИШ** — инсоннинг касбий фаолиятни бошлаш, меҳнат шароити, талабларини ўзлаштириш, янги жамоага қўниқиш, унинг меъёр ва қоидалари билан танишиш ҳамда ўта қисқа вақт мобайнида талаб этиладиган меҳнат самарадорлигига эришиш жараёни. Ижтимоий касбий мослашиш мобайнида одатий усуллар (касб билан таништириш, меҳнат йўлланмаси бериш), мураббийлик, оталиққа олиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, малака оширишнинг турли шаклларида фойдаланилади.

**ИХТИСОСЛАШИШ** — ўрганилаётган ихтисослик билан боғли бирор касбий фаолиятни эгаллаш.

**ИХТИСОСЛАШИШ** — 1) фаолиятнинг нисбатан тор, махсус йўналишлар, айрим технологик операциялар ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қаратилиши; 2) муайян соҳа бўйича махсус билимларга эга бўлиш; ихтисослашиш ихтисоснинг бир қисми ҳисобланади, шунинг доирасида у юзага келади; 3) меҳнатни унинг айрим тур, шакллари бўйича тақсимланиши.

**ИХТИСОСЛИК** — меҳнат фаолиятининг муайян касб доирасида функционал ўзига хосланган соҳаси. Ихтисослик меҳнат объектини айрим ташкил этувчиларнинг ўзига хосликлари, шунингдек фойдаланилаётган меҳнат қуроллари ва меҳнат фаолияти воситалари ўзига хосликларига боғлиқ.

**ИЧКИ ДУНЁ** — инсоннинг бутун онгли маънавий ҳаёти.

**ИЧКИ МАТН** — тўғридан-тўғри маъносидан фарқ қилувчи ички, қўшимча, яширин фикр ифодаси, у вазиятни ҳисобга олган ҳолда контекст асосида тикланади.

**ИЧКИ НУТҚ** — мавжуд алоқа жараёнидан ташқаридаги тилдан фойдаланиш; бу, аввало, ичдан гапириш, «ўз-ўзи билан гаплашиш»; у ташқи нутқ тузилишига эга бўлади, аммо унда

товуш иштирок этмайди, яъни товуш чиқарилмайди. Бу ҳолат мушкул шароитларда масалани фикран ҳал қилиш учун хосдир.

**ИШ** — 1) инсон меҳнат фаолиятининг тури ва ўрни; 2) меҳнат фаолиятини амалга ошириш, меҳнатда иштирок этиш, инсон ёки жамоа томонидан топшириқ муайян доирасида ва-зифани бажариш.

**ИШ** — 1) машғулотлар доираси, билим ёки малакалар, касб соҳаси; 2) тадбиркорлик; 3) бирор далил, ҳодиса бўйича маъмурий ёки суддаги муҳокама; 4) далиллар, масалалар, шахс-га тааллуқли ҳужжатлар мажмуи.

**ИШ ЎЙИНЛАРИ** — касбий фаолият мазмунини моддий ва ижтимоий бунёд этиш, амалиётнинг мазкур тури учун хос бўлган муносабатлар тизимини моделлаштириш шакли. Иш ўйинларини ўтказиш ишлаб чиқариш шароитлари ва динами-касини юзага чиқарувчи имитациявий моделда қатнашувчилар ўйин фаолиятларини ёйишдан иборатдир. Иш ўйинлари *таълимнинг фаол усулига* киради; ўқувчилар ўйин да-вомида берилган ишлаб чиқариш шароитларини таҳлил қилади ва самарали бир қарорга келади, энг мақсадга мувофиқ техно-логик жараёни танлайди, ижтимоий муаммоларни ҳал этади ва ҳ.к. Бошқарув, режавий ва ишлаб чиқаришга оид қарорларни қабул қилиш, кадрлар тайёрлаш, малакасини оши-ришни такомиллаштириш вазифалари билан боғлиқ ҳолда иш ўйинлари кенг ёйилди. Ўйинда инсон амалиётининг қайси ту-ри юзага чиқарилаётганлиги ва қатнашчиларнинг мақсадлари қандайлигига боғлиқ ҳолда ўқув, тадқиқот, бошқарув, аттеста-цияга оид иш ўйинлари фарқланади.

**ИШ ЎРГАНИШ** — малака ошириш шаклларида бири; на-зарий тайёргарлик натижасида олинган касбий билимлар, ўқувлар ва малакаларнинг амалиётда (муассасаларда ва корхо-наларда) шаклланиши ва мустаҳкамланиши, шунингдек, илгор тажрибани ўрганиш, эгаллаб турган ёки анча юқори лавозим мажбуриятларини бажариш учун касбий ва ташкилотчилик ма-лакаларини ҳосил қилиш.

**ИШ БЎЙИЧА МУЛОҚОТ ТРЕНИНГГИ** — *ижтимоий-психологик тренинг* тури, касбий фаолият шароитларида му-ваффақиятли мулоқот учун зарур билимлар, ўқувлар ва мала-

каларни эгаллашга, белгиланган қоидаларни тўғрилаш ва шакллантиришга йўналтирилади. Иш бўйича мулоқот тренинг гуруҳларида музокаралар олиб бориш, катта аудитория олдида нутқ сўзлаш, кенгашлар ўтказиш, низоли вазиятларда ўзни тўғри тута билиш уқуви ривожланади. Ишга алоқадор мулоқот муваффақиятини таъминловчи асосий қоида бошқа кишига қараб ҳаракат қилишга, унинг шахсий устунликларини тан олишга, шерикнинг манфаатларини ҳам эътиборга олишга тайёрликдан иборатдир. Тренинг гуруҳларидаги машғулотлар вақтида албатта дискуссия, ролга кириш ўтказилади, булар учун вазият, машғулот қатнашчилари асосий фаолиятига адекват мазмундан фойдаланилади.

**ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ БАЖАРИЛГАН ИШ** — белгиланган иш вақти мобайнидан ташқари пайтда белгиланганидан ортиқча бажарилган иш. Иш вақтидан ташқари ишлашга, одатда, йўл қўйилмайди. Меҳнат қонунчилигида иш вақтидан ташқари ишлаш мумкин бўлган айрим истисно ҳолатлар рўйхати кўзда тутилади, бундан бошқа ҳолатларда маъмурият уни жорий этишга ҳақи йўқ. Иш вақтидан ташқари бажарилган ишларга оширилган ҳажмда ҳақ тўланади. Ходимнинг узрли сабабсиз қонуний асосларда ва белгиланган тартибда жорий этилган иш вақтидан ташқари ишлашни рад этиши меҳнат интизомини бузганлик тарзида баҳоланади.

**ИШ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МОСЛАШУВ-ЧАН ЖАДВАЛИ** — иш вақтидан фойдаланиш усули, бунда фақат ишнинг давомийлиги қайд этилади, ваҳоланки, иш соатлари ишда юзага келадиган вазият, ходимнинг ўз хоҳиши ва имкониятларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкин.

**ИШ ЖОЙИДАН ТАШҚАРИДА ЎҚИТИШ** — корхонадаги касб-ҳунар таълими, одатдаги меҳнат вазиятидан ҳоли тарзда амалга оширилади; иш жойида ўқитиш билан қўшиб олиб бориладиган ўқув программасининг қисми.

**ИШ КУНИНИ СУРАТГА ОЛИШ** — касбий педагогикадаги *хронометраж*нинг бир тури, бунда иш куни ёки ишлаб чиқариш таълими дарси мобайнида сарф бўлган вақт тўлиғича ўлчанади ва таҳлил этилади. Шундай қилиб, иш вақтини йўқотиш аниқланади

ва бунинг сабаблари ўрганилади, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш аҳволи ҳам таҳлил этилади.

**ИШ СТАЖИ, МЕҲНАТ СТАЖИ** — меҳнат фаолиятининг давомийлиги. Қуйидагилар фарқланади: умумий (ишчи ёки хизматчи сифатида бажарган ҳар қандай ишларнинг умумий давомийлиги); узлуксиз (битта корхона ёки муассасадаги узлуксиз иш давомийлиги); муайян ишлар (муайян лавозимлардаги ёки муайян шароитлардаги ишлар давомийлиги). Иш стажининг мавжудлиги — пенсия олиш, навбатдаги ва қўшимча тинимга чиқиш, имтиёзлар ва ҳ.к.лар ҳуқуқининг юзага келишига асос бўлади.

**ИШГА ҚОБИЛЛИК** — зарур малака ва ваколат мавжуд бўлганида давомли тарзда ва самарали ҳолда у ёки бу фаолият билан шуғулланишга имкон берувчи жимоний соғлиқ ва иродавий сифатларга эга бўлган шахс тавсифи.

**ИШДАГИ ФАОЛЛИК** — инсоннинг хусусияти ва бу хусусиятнинг намоён бўлиши, у сафарбарлик, тадбирчилик, ташаббусларда аён бўлади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ** — турли иқтисодий маҳсулотлар, моддий неъматлар яратиш жараёни; инсон ҳаётининг табиий шарти ва бошқа тур фаолиятларининг моддий асоси ҳисобланади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎҚУВИ ДАРСИ** — ўқув устахоналаридаги машгулот, бунда бошланғич касбий малака шаклланади, билимларни ўзлаштириш ва уларни ўқувчилар амалий фаолияти жараёнида атрофлича қўллаш амалга ошади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ, КАСБИЙ АМАЛИЁТ** — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқув жараёнининг таркибий қисми, талабалар таълим жараёнида олган билимларни мустақамлаш ва чуқурлаштириш, шунингдек ўрганилаётган ихтисослик бўйича амалий ишлар зарурий ўқуви, малакаларини эгаллаш асосий мақсади ҳисобланади. Амалдаги давлат таълим стандартига мувофиқ ўтказилади ва бошланғич касбий малака олиш учун амалиётни ўз ичига олади.



**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЗИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ** — таълим усули, ишлаб чиқариш вазиятларини чуқур таҳлил қилиш унинг асоси ҳисобланади. Ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш мақсадларида фойдаланилади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ** — кишиларнинг ишлаб чиқариш меҳнат фаолияти қуроллари ва предметлари; ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситалар (ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари, машиналари, ускуналари, асбоблари ва б.), айланма воситалар (хомашё, материаллар, энергия, арзон ашёлар) одамлар яратган барча нарсалар ва ишлаб чиқариш фаолиятида улар томонидан фойдаланиладиган нарсалар.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ ОПЕРАЦИЯВИЙ ТИЗИМИ** — таълим тизими, таълим олувчилар айрим мураккаблаштирувчи операцияларни тадрижий ўзлаштириши унинг асоси ҳисобланади; бирор ашёни тайёрлаш бўйича операцияларни бажариш; бошланғич малака ва ўқувларни шакллантириш; оддий ашёларни мустақил тайёрлаш. Ишлаб чиқариш таълими операциявий тизими фан тизими ўрнини эгаллайди; у мануфактура ишлаб чиқариш даврида пайдо бўлади ва машина техникасининг ривожланиши оқибати ҳисобланади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ ОПЕРАЦИЯВИЙ-ПРЕДМЕТЛИ ТИЗИМИ** — таълим тизими, унинг моҳияти тобора мураккаброқ ашёларни тайёрлаш жараёнидаги меҳнат операцияларини ўрганишдан иборат. Мазкур таълим тизимининг қиммати шундан иборатки, бунда ўқувчи нарса тайёрлашдаги ўз меҳнатининг натижасини кўради.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ПРЕДМЕТИ** — таълим тизими, ишлаб чиқариш таълимининг индивидуал шаклини акс эттиради: ўқувчи ҳам ишчи-йўриқчи ясаган буюмни ясайди; амалда таълим программасига хизмат қилувчи тайёрланадиган ашёлар рўйхати; технология жараёнларини оқилона ташкил қилиш ва турли-туман мосламаларни қўллаш малакасини эгаллаш имкони бўлади. Тизим ҳунармандчилик ишлаб чиқариши даврида пайдо бўлади, ўша даврдаги техника тараққиёти даражасига мос келади ва чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича ташкил этилади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАСИ** — касбий-техникавий таълим тизимидаги педагог ходим. Унинг асосий вазифаси — чуқур касбий билим ва малакаларга эга, уларни ижодий қўллай биладиган ва техника ҳамда технологияларни ўзлаштира оладиган рақобатбардош ишчиларни тайёрлашни таъмин этиш.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИНИНГ ИНВАРИАНТ-МОДУЛ ТИЗИМИ** — таълим тизими, касб-ҳунар таълимининг босқичли назарияси унинг асоси ҳисобланади. Тизимнинг моҳияти шундан иборатки, ўқув-тарбия жараёни икки босқичга ажралади: асосий (барқарор) ва махсус (динамик). Мазкур тизим академик С. Я. Батишев томонидан 60- й. охири, 70- й. бошларида ишлаб чиқилган.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИНИНГ ФАОЛ УСУЛЛАРИ** — ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатини тўғрилаш усуллари, мустақил танлай олишлари ва ўз ишини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнидаги хатоларнинг олдини ола билишдаги фаолият усуллари мақсадга мувофиқ тарзда уйғунлаштиришларида намоён бўладиган самарали, фаол фикрлашни талаб қиладиган усуллар.

**ИШНИНГ БАЖАРИЛИШ СИФАТИ** — ишга қўйилган техникавий талабларнинг бажарилиши; унинг белгиланган кўрсаткич, меъёр, ўлчамларга мувофиқлиги; барқарор ижобий натижалар олиш.

**ИШОНТИРИШ** — (*қ. Суггестия*).

**ИШОНТИРИШ** — жараён, бу жараён воситасида инсоннинг қарашлари ва ҳулқ-атвори мажбурламаслик йўли билан бошқа одамларнинг вербал (сўзлар ёрдамидаги) таъсирига учрайди. Диний арбоблар кишиларни инсоф, иймонга чақиришда бундан кучли восита сифатида фойдаландилар. Педагогикада ишонтириш тарбиялаш усули ҳисобланади. Қуйидагилар ишонтириш усуллари: ахборот, изланиш, суҳбат, ўзаро бир-бирини маърифатли қилиш. Тарбияланувчиларга ёрдам бериш учун ишонтиришнинг фаол методикасини белгилаш, яъни улар инсоният маънавий маданияти асосларини эгаллаш йўли билан ўз ҳаёт тажрибаларини идрок этишларига ва инсонпарвар қарашларни ишлаб чиқишига кўмаклашиш.

**ИШОНТИРИШ** — эътиқод усули, манфаатлар, эҳтиёжлар, мойиллик, истакларга таяниш йўли билан ўқувчиларни ўқишда, ишда, жамоатчилик ишида, ижодда фаол фаолият кўрсатишга рағбатлантиришдан иборат. Педагоглар маънавий қўллаб-қувватлашнинг турли-туман шаклларида рағбатлантиришда фойдаланадилар. Ишонтириш туфайли ўқувчиларда табиий ички маънавий куч ва ҳаётий фаолият рағбати уйғонади, у педагогга шахснинг йўналганлигини чуқур тушунишга ёрдам беради.

**ИШОНТИРИШ УСУЛЛАРИ** — ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатида амал қиладиган, онгни шакллантиришга, инсон-парвар қарашларни ишлаб чиқишга ва шахсий эътиқоднинг юзага келишига кўмаклашувчи усуллар. Информациявий изланиш, мунозара ва ўзаро билимларни бойитиш ишонтириш усуллари бўлиб ҳисобланади.

**ИШОНУВЧАНЛИК** — ишонтиришликни қабул қилиш даражаси, ишонтирув таъсирига берилиш ва бўйсунмишдаги субъектив тайёрлик билан белгиланади; индивиднинг вазият ва шахсий омилларга боғлиқ хусусияти ҳисобланади. Ишонтиришга кўмаклашувчи шахсга хос хусусиятларга ўзига ишонмаслик, ўз-ўзини етарлича баҳолай олмаслик, ўзининг лойиқ эмаслигини хис этиш, итоаткорлик, тортинчоқлик, уятчанлик, кўнгилчанлик, хавотирлик, юқори даражада ҳис-ҳаяжонга эғаллик, экстравертликлар тааллуқлидир (қ. *Экстраверт*), шунингдек мантиқий фикрлашнинг кучсизлиги, руҳий фаолият суръатининг сустлиги ҳам шу жумладандир.

**ИШОНЧ** — ўқувчилар(тарбияланувчилар)га нисбатан уларнинг ҳар бири ақлий ва ахлоқий ривожланишда кенг имкониятларга эга эканликлари тўғрисидаги ҳурмат ва ишончга асосланган муносабат. Педагогнинг ишончи ўқувчиларда ички маънавий қувватни юзага чиқаради, уларнинг мустақиллиги ва масъулиятлилигини мустаҳкамлайди, ўз қадр-қимматини ҳис этишни кучайтиради, ўз-ўзини тарбиялашга бўлган интилишини рағбатлантиради.

**ИШОНЧ** — тажрибага, аввало, билимларга асосланган шубҳадан ҳолилик; касб-ҳунар таълими ва тарбия жараёнида шаклланадиган руҳий тайёргарлик билан фаоллашадиган инсоннинг ижобий хусусияти.

**ИШОНЧЛИЛИК** — идрок этаётган субъект учун қандайдир усул (масалан, эксперимент, мантиқий асослаш) ёрдамида асосланган ҳақиқатнинг мавжудлик шакли; билимга асосланган ва ҳар қандай шубҳани инкор этадиган эътиқод. Ишончлилик субъектив (эътиқодий), объектив (илмий), бевосита (камолга эришиш, хусусий таассуротлар, ўз ички кечинмалари — интуитив ишончга асосланган) ёки билвосита, тарихий ёки мантиқий (ахборот ёрдамида ёки тафаккур воситасида олинган) бўлиши мумкин.

**ИШТИЁҚ** — инсоннинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хоҳишларини бўйсундирадиган кучли, қатъий, кенг кўламли сезгилар, уларни ўзига хизмат қилдиради ва шу билан бирга инсон эркинлигини истисно қилади. Иштиёқ катта кучга эга бўлиб, фаолиятга сезиларли даражада ундовчилардан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун иштиёқ нимага қаратилганини билиш муҳим. Иштиёқни баҳолаш у анча тубан ёки анча юқори қадриятга йўналтирилганлигига кўра амалга оширилиши лозим. Ахлоқий, оқилона ибтидо ва иштиёқнинг бирлиги кўпинча буюк кишиларга, жасоратга, кашфиётларга ундовчи куч сифатида намоён бўлади. «Бирор улуг бўлган нарса иштиёқсиз амалга ошмаган ва усиз амалга ошиши мумкин эмас», — деб таъкидлайди Гегел.

**ИШЧИ** — моддий ишлаб чиқариш соҳасида (саноатда, қурилишда, транспортда ва уларга яқин соҳаларда банд бўлган), жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган ходим. «Ишчи» номи нисбийликка эга, масалан деҳқонларни ҳам бемалол қишлоқ хўжалик ишчилари дейиш мумкин.

**ИШЧИ ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ** — давлат таълим стандарти минтақавий компонентларини ҳисобга олган ҳолда муайян таълим муассасасига тадбиқан намунавийси асосида ишлаб чиқилган ўқув программа; муайян ўқув фанини ўрганиш натижалари ва тарбиявий жараён ташкилотчиси тавсиясига кўра талабаларни тайёрлаш учун талаблардан иборат бўлади.

**ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖАСИ** — давлат таълим стандарти минтақавий компоненти талаблари ҳамда танланган ихтисосликни ҳисобга олиб муайян таълим муассасаси учун ишлаб чиқилган

ўқув режаси. Ишчи ўқув режаси махсус курс тузилишини ва уни ўрганиш учун зарур бўлган вақт ҳажмини белгилайди; ўқув фанлари рўйхати ва уларнинг соатлар бўйича ҳажмига эга; ўқув жараёни жадвалини, курс ва семестрлар бўйича фанларни ўрганиш кетма-кетлигини, ўқув машғулоти ва ишлаб чиқариш (касбий) амалиёт турлари оралиқ ва якуний давлат аттестацияси турларини белгилайди.

**ИШЧИ КУЧ** — 1) инсоннинг меҳнатга қобиллиги, унинг ишлаш имконияти. Замонавий иқтисодиёт фанида кўпинча бошқа термин — «иқтисодий фаол, меҳнатга қобил аҳоли» қўлланади; 2) 16 ёшдан пенсияга чиқиш учун қабул қилинган ёшгача бўлган, ишлаётган ёки ишсиз ишга қобил шахслар умумий миқдори, ишга қобилсизлар бундан истисно. Ҳарбий хизматдаги ва фуқаровий фаолиятдаги шахсларни ҳам кўшгандаги, ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган шахсларни чегиргандаги умумий ишчи кучлари фарқланади.

**ИҚТИДОР** — тавсиф жиҳатларидан фарқли ўлароқ инсон ёки инсонлар гуруҳи ижобий имкониятларини белгиловчи қобилиятларнинг сифат жиҳатидан ўзига хос уйғунлашуви. Иқтидор бир томондан мулоҳазалиликнинг, ақлнинг, ички сифатлар ва ироданинг ривожланиши бўйича, бошқа томондан бу қобилиятларнинг билим турли соҳаларини ўзлаштиришга йўналганлиги бўйича фарқланади. Иқтидорни тадқиқ этиш натижасида эркин танлаш имконини бериш йўли билан қобилиятни такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқиш ва уни белгилаш учун асос яратилди. Қобилиятни ва уларнинг йўналишини аниқлаш бўйича тестлар касбни танлашда муҳим аҳамият касб этади.

**ИҚТИСОДИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ** — амалий психология соҳаси, иқтисоднинг турли шаклларда (ва алоқаларда) инсонга (иқтисодга интилиш, меҳнат қувончи ва ҳ.к.) таъсирини тадқиқ этади.

**ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ** — моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш ижтимоий жараёнлари ҳақидаги ахборот.

**ИҚТИСОДИЙ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК** — касб ўргатиш таълим муассасаларида ишчи ва мутахассисларга уларга бўлган бозор талабини ҳисобга олган тайёрлашни режалаштириш зарурати.

**ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ** — хўжалик фаолияти қадриятлари ва ҳиссиётлари тизими, мулкнинг ҳар қандай шакли ва тижоратдаги муваффақиятга катта ижтимоий ютуқ сифатида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, «барчани баробарлаштирган» кайфиятини рад этиш, тадбиркорлик учун ижтимоий муҳитнинг яратилиши ва ривожлантирилиши.

**ИҚТИСОДИЙ ПСИХОЛОГИЯ** — психология соҳаси, иқтисодий фаолият субъектининг психологик ўзига хослигини, индивидлар, гуруҳлар, синфлар, халқлар онгида иқтисодий ҳодисаларнинг акс этиш шакллари, шунингдек, шуларга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатларни ўрганади. Иқтисодий психология инсон ва хўжалик юритиш фаолияти жараёнида юзага келадиган инсоний муносабатлар ҳақидаги фанлараро билимлардан иборат, социология, биология, антропология, фалсафа, усулларидан фойдаланади, иқтисодий хатти-ҳаракат томонларини тадқиқ этади. Иқтисодий педагогика иқтисодий фанлардан тадқиқот объектига кўра фарқ қилади. У иқтисодий жараёнинг ўзини эмас, балки аввало уларда иштирок этувчи инсонларни ўрганади.

**ИҚТИСОДИЙ САВОДЛИЛИК** — хўжалик фаолияти назарий асосларини билиш, иқтисодий алоқа ва муносабат табиатини тушуниш, муайян иқтисодий вазиятларни таҳлил эта олиш ўқувидан иборат иқтисодий фаолиятда иштирок этишга тайёрлаш.

**ИҚТИСОДИЙ САМАРАЛИЛИК** — олинган самарага омиллар, ресурсларга сарфи натижасига нисбатан тавсифландиган иқтисодий фаолият, иқтисодий программа ва тадбирлар самаралилиги, муайян қийматдаги ресурсларни қўллаб ишлаб чиқаришнинг энг юқори натижасига эришиш.

**ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ** — ўқувчилар иқтисодий онгини шакллантиришга йўналтирилган, ташкиллаштирилган педагогик фаолият, бунини амалга ошириш жараёнида улар ташкиллаштирилган ва самарали иқтисод, хўжалик юритишда амал қилаётган ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муноса-

батлари ривож ҳақида тушунча ва тасаввурлар мажмуини ўзлаштирадilar. Иқтисодий тарбия иқтисодий тафаккурни ривожлантиради ижтимоий фаоллик, тадбиркорлик, хўжайинлик қилиш, тежаб-тергаш, жамоа мулкига виждонан муносабатда бўлиш, масъулият, юқори самаралиликка эришиш, технологик жараёнлар ва усқуналарни янгилаш, юқори сифатга эришиш, шахсий муваффақият ва фаровонлик каби маънавий ва ишбилармонлик сифатлари шаклланишини таъминлайди. Иқтисодий тарбия амалий фаолият жараёнида, иқтисод муайян муаммоларининг муҳокамасига бағишланган суҳбатларда, барча асосий фанлар бўйича дарсларда амалга оширилади. Корхона ва хўжалик раҳбарлари, гуруҳларининг вакиллари билан учрашув иқтисодий тарбия тизимида катта аҳамият касб этади. Булар барчаси болалар ва қизларга касб танлашда қўл келади.

**ИҚТИСОДИЙ ТРЕНИНГ** — компьютерлаштирилган иш ўйинлари, самарали бошқарув фаолиятини баҳолаш ҳисобкитобини ўтказиш имконини беради.

## Й

**ЙИЛНОМА** — 1) тарих ҳодисаларининг вақт кетма-кетлиги тартибидаги рўйхати, вақтга кўра кетма-кетлик; 2) вақтни ўлчаш, ҳисоблаш бўйича фан, назария.

**ЙИЛНОМА КАТАЛОГ** — кутубхона каталоги, бунда библиографик ёзув нашр (ёки биринчи нашр) йиллари бўйича жойлаштирилади.

**ЙЎНАЛИШ, ОҚИМ, ТЕНДЕНЦИЯ** (лот. *tendere* — йўналмоқ, интилмоқ) — 1) қандайдир ҳодисанинг ривожланиши амалга ошадиган йўналиш; 2) қарашлар ва ҳаракатлардаги йўналиш; кимгадир хос бўлган интилиш; 3) *иқтисодда*, иқтисодий таҳлил натижасида иқтисодий тизимга, мамлакат иқтисодига, корхоналарга, фирмаларга хос кузатилаётган муносабат, хосса, белгиларни аниқлаш; оилаларнинг даромадлари, харажатлари, истеъмол кўрсаткичлари; товарлар ва хизматлар бозоридаги талаблар ва таклифлар; иқтисодий жараёнларнинг юзага келган йўналишлари. Йўналишлар асосида келажакда

иқтисодий жараёнларнинг бориши ҳақида хулоса чиқариш, иқтисодий кўрсаткичларни башоратлаш мумкин.

**ЙЎРИҚЛАНТИРИШ** — таълим тартиби, бирор вазифа ёки топшириқни бажариш тартиби ва усулини белгилаб беради; ўқув гуруҳига раҳбарликни амалга ошираётган ёки якка мураббий (уста), ваколатли шахс томонидан ўтказилади. Қуйидаги унсурларни ўз ичига олади: тушунтириш, суҳбат, усулларни намойиш қилиш, кўргазма қуроллар кўрсатиш; кириш, жорий, якуний йўриқлантиришга ажралади.

**ЙЎРИҚНОМА МАТЕРИАЛЛАР** — ўқув машғулоти ёки таълим фаолияти билан банд шахсларга консултация ёрдами кўрсатиш учун мўлжалланган аудио ва видео кассеталарга ёзилган ёки бошқа бирор усул билан кўпайтирилган матнлар нашри мажмуининг умумий номи.

**ЙЎРИҚНОМА, ИНСТРУКЦИЯ** (лот. instructio — ўғит) — муайян фаолият турларини амалга ошириш, ишларни бажариш қоидаларининг мажмуи, булар ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлиб, махсус меъёрий ҳужжатларда баён этилади; йўриқномалар, бир томондан, мамлакатда нашр этилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, қарорларни аниқлаштириш, тушунтириш, тўлдиришга хизмат қилса, иккинчи томондан бажарувчиларга у ёки бу ҳолатларда, шу жумладан «ғайриодатий», ҳалокатли ҳолатларда қандай ҳаракат қилишлари бўйича амал қилинадиган кўрсатмалар беради.

**ЙЎРИҚЧИ, ИНСТРУКТОР** (лот. instructor — ташкилотчи, ўрнатувчи) — қўл меҳнати ходимларини тайёрлаш ва малакасини оширишда кўпинча якка тартибдаги ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарликни амалга оширувчи мутахассис.

## К

**КАДРЛАР** (фр. cadre — шахсий таркиб), **ХОДИМЛАР** — муассаса, корхоналар, фирқа, касаба уюшма ва фаолиятнинг у ёки бу соҳасидаги жамоачилик ташкилотлари асосий (лавозимдаги) ходимларининг таркиби.



**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ** — таълим муассасаси, таълим тизими ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари, ташкилот, муассаса ва иқтисодиёт тармоқларидаги мутахассисларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият олиб боради, шунингдек илмий тадқиқотлар ўтказди, тингловчиларга илмий ва методик ёрдам кўрсатади.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ** — Давлат программаси, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган, *Кадрлар тайёрлаш миллий модели*ни амалга оширишни, ҳар томонлама ривожланган шахснинг шаклланиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратишни кўзда тутди.

**«КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ»** — Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжати. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Беш банддан иборат. 1- банд «Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари»; 2- банд «Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари»; 3- банд «Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели»; 4- банд «Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»; 5- банд «Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар»дан иборат. Миллий дастурда белгиланган вазифалар уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич (1997—2001) — кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизимини унинг ижобий салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатдан таъминланган, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич (2001—2005) — Миллий дастурни тўлиқ юзага чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш жараёнидан иборат.

Учинчи босқич (2005 ва кейинги йиллар) — тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилган.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ КЎП БОСҚИЧЛИ ТИЗИМИ** — кадрлар тайёрлаш тизими, бунда таълим жараёни бир неча босқичдан иборат бўлади, ҳар бир босқичда таълим олувчи касбий малака ҳосил қилади, яъни муайян ишлаб чиқариш фаолиятига тайёргарликни тутади.

**КАЙФИЯТ** — умумий эмоционал ҳолат, инсоннинг бутун хатти-ҳаракатини узоқ вақт мобайнида чулғаб олади. Кайфият у ёки бу ҳодиса оқибатига эмоционал акс таъсир ҳисобланмайди, балки инсон ҳаёти учун уларнинг моҳиятига нисбатан бўлган акс таъсирдир. Бу моҳиятга инсон умумий ҳаётий режалари, манфаатлари ва умидлари нуқтаи назаридан қаралади. Кайфият соғлиқнинг умумий ҳолатига сезиларли даражада, айниқса асаб тизими ҳолатига боғлиқдир. Кайфият хулқ-атворга жиддий таъсир кўрсатади, инсон фаолиятини рағбатлантиради ёки сўндиради, атрофдагилар ишига таъсир этади. Инсон ўз кайфиятининг қули бўлмаслиги лозим, у кайфиятини бошқара билиши керак. Ўз кайфиятини назорат этиш уқуви, уни онгли равишда тўғрилаш усулларини топиш ва ўзлаштириш тарбия ҳамда ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

**КАМПУС** (инг. campus — қароргоҳ, манзил) — Америка университети, коллежи ёки ўрта мактабининг ҳудуди ва қурилишлари; университет ётоқхонаси.

**КАНДИДАТ** (лот. candidatus — оқ кийинган), **НОМЗОДЛИК** — илмий даража, номзодлик имтиҳонларини топширган ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга берилади; «фан номзоди» илмий даражаси олий таълим муассасасининг ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий кенгаши томонидан берилади.

**КАРТотека** (юн. thēkē — омбор, қути) — муайян тартибда тизимга солинган, бирлаштирилган, маълумотлар ёзилган ва-

рақчалар йиғиндиси, мажмуи: улар алифбо тартибида, мавзуга кура, ҳужжатларнинг бажарилиш муддатлари бўйича тартибга солинади.

**КАРЬЕРА** (фр. *carriere*) — 1) жамоатчилик, хизмат, илмий ва б. фаолиятларда муваффақиятли илгарилаш; 2) машғулот, касб тури, масалан, педагогик карьера.

**КАСАБА УЮШМАСИ** — фаолиятлари тури бўйича, ишлаб чиқариш, касбий манфаатлар умумийлиги билан боғли фуқароларнинг ихтиёрий ижтимоий бирлашмаси. Ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ваколатлаш мақсадида тузилади.

**КАСБ** — 1) юқори даражадаги маҳоратни талаб этувчи майда товарларни асосан қўлда тайёрлаш; 2) муайян тур ашёларни тайёрлаш санъатига эгаллик, муайян касбнинг мавжудлиги.

**КАСБ** — махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида эгалланган махсус назарий билимлар ва амалий малакалар мажмуига эга бўлган шахснинг меҳнат фаолияти (машғулоти) тури; одатда яшаш манбаи ҳисобланади.

**КАСБ ВА ИХТИСОСЛИКЛАР РЎЙХАТИ** — касблар номенклатурасини, касблар гуруҳи таркибига талабларни белгиловчи ҳужжат; Ўзбекистон иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланиши ўқувчиларни янги касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлашга бўлган қобиллик даражасини акс эттиради.

**КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ** — психология бўлими, ходимнинг қобилияти ва касбий яроқчилигини аниқлаш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар билан шуғулланади. Касб психологиясининг ёрдамчи фанлари ёки усуллари бўлиб, физиология, психология, психотехника, у ҳақдаги барча тасаввурларнинг умумлашмаси сифатидаги, моҳиятига кириб борилганда юзага чиқадиган касб ҳақидаги таълимот ҳисобланади.

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ** — Ўзбекистон ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасаси, ўқиш муддати 3 йил, ўқувчилар касбий қобилиятлари, уқув ва малакала-

рининг чуқур ривожлантирилишини, танланган касб бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллашларини таъминлайди.

**КАСБГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ДИАГНОСТИКАСИ** — индивиднинг касбий лаёқатлилигини инсон қобилиятини ўлчовчи тестлар ёрдамида белгилаш; консултант ўлчаш натижаларини касб талаблари билан қиёслаб шахснинг муайян касбга лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳақида хулоса чиқаради. Бу назарияни француз психологи А. Леон механик деб атайди, чунки унинг асосида муҳит ва ривожланиш таъсирига кам бериладиган барқарор мавжудотнинг қобилиятига бўлган қараш ётади. Субъект пассив ҳисобланади; консултант, яъни башорат қилувчи фаол ҳисобланади.

**КАСБГАЧА БЎЛГАН ТАЙЁРГАРЛИК** — касбий ва политехник таълим программасига мўлжалланган умуммеҳнат тайёргарлиги; ўқувчиларнинг яратувчилик фаолияти ва билишининг барча асосий турлари жараёнида амалга оширилади. Унинг мақсади ҳаётдаги меҳнат тарзига барқарор йўналишни шакллантиришга, меҳнатга маънавий-руҳий ва амалий тайёрланишга кўмаклашиш, кишиларда меҳнат маданиятини тарбиялаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, шахс интеллектуал сифатларни шакллантиришдан иборат.

**КАСБИЙ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ** — ўқувчиларда касбий маҳоратни шакллантириш мақсадида машқларнинг мунтазам мураккаблашиб бориши жараёни.

**КАСБИЙ АХБОРОТ ВА МАОРИФ** — ўқувчиларга меҳнат бозорининг мутахассис ходимларга эҳтиёжи ҳақида, инсоннинг касб сифатига, уларни эгаллаш усуллари ва йўлларига талаблари ҳақида, касбни танлашнинг ижтимоий-иқтисодий, психологик ўзига хосликлари ҳақида ахборот бериш. Касбий ахборот ва касбий маориф учун қуйидаги ахборот усуллари хос: маъруза, суҳбат, экскурсия, касбга тааллуқли, илмий-оммабоп адабиётлар билан ишлаш, видео-, аудио-, кузатиш воситаларидан фойдаланиш.

**КАСБИЙ ВАКОЛАТЛИЛИК** — умумий таълим негизида шахс ва жамият учун касбий муҳим сифатларни шакллантириш, булар инсонга меҳнатнинг ижтимоий зарурий

тақсимотиға ва рағбатлантиришнинг бозор воситаларига мос келувчи меҳнат фаолиятининг аниқ турларида ўзини юқори даражада тўлиқ кўрсатишга имкон беради.

**КАСБИЙ ЙЎНАЛГАНЛИК** — 1) таълим тизими ва ижтимоий соҳа ходимларининг ўз ишини йўқотган ёки касбини ўзгартиришни мўлжаллаётган шахсларга консультив ёрдам кўрсатиш, янги соҳани онгли равишда танлашга кўмаклашиш фаолияти; 2) ёшларга ўз хоҳиши, мойиллиги, қобилиятига мувофиқ, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ва меҳнат бозоридаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда касб танлашларига кўмаклашиш бўйича педагогик тадбирлар мажмуи.

**КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИШ КУРСЛАРИ (МАРКАЗЛАРИ)** — қўшимча ўқитиладиган таълим муассасаси, бунда шахснинг хоҳиши ва мойиллиги, шунингдек, жамият эҳтиёжларига мос келадиган касбни танлашга кўмаклашадиган ишлар олиб борилади.

**КАСБИЙ КОНСУЛЬТАЦИЯ** — танланган касб, ихтисослик бўйича ишга жойлашиш ва таълим олиш имкониятлари, мойиллик, манфаатлар, қобилиятлар, шунингдек, меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашга амалий ёрдам бериш мақсадида ўқувчи ёшлар учун мўлжалланган касблар ҳақидаги илмий ташкиллаштирилган ахборот. Консултация жараёнида ишнинг руҳий ва индивидуал шакллари, касбга йўналтирувчи ўйинлар, вазиятлар, машқлардан фойдаланилади.

**КАСБИЙ МАҲОРАТ** — касбий фаолиятнинг муайян турини эгаллашнинг юқори даражаси ва уни мунтазам такомиллаштириш; бажарилган иш сифати, меҳнатнинг юқори самараси, касбий мустақиллик, меҳнат маданияти ва меҳнатга ижобий муносабат билан тавсифланади.

**КАСБИЙ МУСТАҚИЛЛИК** — ўқувчиларнинг фаол фаолияти, уларнинг касб ёки ихтисосликни амалда эгаллашга, олган назарий билимларини амалда қўллашга, ўз интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларини баҳолашга мақсадли интилиши ва қатъияти. Касбий мустақиллик меҳнатнинг юқори даражадаги сифати ва самарасини таъминловчи ишларни бажариш усулларини мустақил танлаш қобилияти орқали амалга оширилади; ишлаб чиқариш вазиятида мустақил фарқлаш

укуви, тўғри қарор қабул қилиш; бажарилаётган ишни мустақил режалаштириш ва назорат қилиш қобилиятида аён бўлади.

**КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГИКАСИ** — таълим, тарбия ва ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи, таълим ва тарбия тамойилларини, ахборот ва педагогика технологияларини ишлаб чиқувчи, таълим муассасаси турини ва уларни бошқариш тизимини асослаб берувчи фан. У педагогик назариялар, инновацион технологияларни лойиҳалаштириш усуллари, тизимнинг янада ривожлантириш йўллари ҳақидаги билимларни умумлаштиради. Бу инсонни касбий фаолиятга тайёрлаш касбий тарбия, малакали ишчи кучларни етиштириш ҳақидаги фан. Касбий педагогика умумий педагогиканинг тармоғи ҳисобланади.

**КАСБИЙ САРАЛАШ** — кишидан юқори даражада масъулият, соғлиқ, ишга қобиллик ва вазифаларни бажаришда аниқлик талаб этувчи ўзига хос қийин шароитларда (гигиеник, микроиқлим, техника ва б. шароитларда) касб мажбуриятини муваффақиятли бажариш ҳамда маҳоратнинг талаб этиладиган даражасига эришиш, мутахассисликни эгаллашга яроқлилигини эҳтимолий баҳолашни таъминловчи воситалар тизими. Касбий саралаш учун касбий зарур сифатларни белгилаш, касбий яроқлилиқни аниқлашга йўналтирилган диагностиканинг махсус усулларидадан фойдаланилади. Қоидага кўра саралаш махсус лаборатория шароитларида амалга оширилади.

**КАСБИЙ САФАРБАРЛИК** — ишчининг техника воситалари, технология жараёнлари ва янги ихтисосликни тез эгаллашга ёки уларни ўзгартиришга бўлган қобилияти ва тайёрлиги; ўз маълумоти ва малакасини мунтазам оширишга бўлган эҳтиёж.

**КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК** — фаолиятнинг муайян соҳасидаги ишларни бажаришга имкон берувчи билимлар, малакалар ва уқувларни эгаллаш жараёни. Касбий тайёргарликнинг мақсади ўқиётганларнинг муайян ишни ёки ишлар гуруҳини бажаришлари учун зарур малакаларни жадал эгаллашларидан иборат, у ўқиётганларнинг маълумот даражаси ошишини назарда тутмайди.

**КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК СИФАТИНИ БАҲОЛАШ МЕ-  
ЗОНИ** — қуйидаги параметрларнинг миқдорий ифодаси: ўқув  
фанининг тўлақонлиги, фаолиятни ўзлаштирганлик даражаси,  
мавҳумлик даражаси, автоматлаштириш, ўзлаштирилганларнинг  
идрокланганлиги.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ** — ҳақ тўланадиган меҳнат  
соҳасида ихтисослаштирилган вазифаларни бажариш учун му-  
айян касблар ва ихтисосликлар бўйича билимлар, малакалар ва  
уқувларни эгаллаш билан бирга борадиган шахснинг касбий  
қарор топиши ва ривожланиш жараёни ҳамда натижаси. Касб-  
ҳунар таълимининг умумий таълимга нисбатан ўзига хос хусу-  
сияти касблар ва ихтисосликлар турли-туманлиги, ўқув про-  
грамма ҳужжатлари қисқа муддатли ҳаёти давомида ходимлар-  
ни тайёрлаш шаклидан иборатдир, чунки касб-ҳунар таълими-  
нинг мазмуни илмий-техника тараққиёти натижасида жадал  
ўзгараётган меҳнатнинг мазмуни билан бевосита боғлиқдир.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ** —  
муайян вақт оралиғида барқарорликка эга бўлган касбий  
маҳоратнинг объектив, қиёсий кўрсаткичлари. Қуйидагилар  
самарадорликнинг асосий мезонлари ҳисобланади: касбий  
фаолиятдаги мустақиллик; техника талабларини бажариш,  
меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш, барқарор ижобий натижа-  
ларга эга бўлиш; меҳнат самарадорлиги; касбий-йўналган та-  
факкур; меҳнат маданияти; меҳнатга ижодий муносабатда  
бўлиш; касбий топшириқларни бажаришдаги масъуллик.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИ** —  
касбий ўқитиш натижаларининг касб-ҳунар таълими стандартла-  
рига мувофиқлигини таъминлаш. Назорат тартиби уч босқичдан  
иборат бўлади: *кириш назорати* (суҳбатлашиш, тестдан ўтказиш,  
кириш имтиҳонлари ва б.); *оралиқ назорат* (ёзма ишлар, тестдан  
ўтказиш, босқичма-босқич касбий аттестация, курс ишлари ва  
лойиҳалари ҳимояси ва б.); *давлат аттестацияси* (фанлар бўйича  
давлат аттестацияси, битирув ишлари ҳимояси ва б.).

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**  
— касб-ҳунар таълимини тасдиқлайдиган ва касбий малака да-  
ражасини акс эттирадиган давлат намунасидаги ҳужжатлар; ма-  
лаканинг тегишли босқичига мос касб ёки ихтисослик бўйича

иш олиш учун ёки кейинчалик касбий малакани оширишда ўқишни давом эттириш учун асос ҳисобланади.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР** — ўқувчиларнинг тизимли ижодий техникавий тафаккурини ва уларнинг ижодий ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришларида стандарт бўлмаган техникавий ғояларни ўзлаштириш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган технологиялар.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЛАКАВИЙ ТУЗИЛИШИ** — иерархия бўйлаб жойлашган малака босқичларининг мажмуи; касбий тайёрлов анъана ва йўналишларининг ривожини белгилайди, иқтисодий тизимдаги касб ёки ихтисосликнинг аҳамияти ва ўрнини кўрсатади ҳамда ривожланган мамлакатлар касб-ҳунар таълими стандартларининг шаклланган амалдаги талабларини ҳисобга олади.

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ СИФАТИ** — касб-ҳунар таълимининг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги вазифаларига мослик даражаси, яъни унинг айрим шахс ва умуман жамиятнинг, давлат ҳамда инсон маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятининг вужудга келган соҳаларини қанчалик қондира олиш.

**КАСБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЙЁРГАРЛИК** — билим ва малакаларни таъминлашга, шунингдек қандайдир ихтисослик ёки ихтисосликлар гуруҳи бўйича самарали ва маҳсулдор ишлаш учун талаб этиладиган ҳаётий ўринни шакллантиришга йўналтирилган ҳаракат; муайян ишга йўналтирилган бошланғич тайёргарлик, қайта тайёргарлик, малакани ошириш ва ихтисослаштирилган тайёргарликни ўз ичига олади; умумтаълим фанларини киритиш мумкин (лекин шарт эмас).

**КАСБИЙ ФАОЛИЯТДАГИ МУСТАҚИЛЛИК** — касб-ҳунар таълими самарадорлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири, меҳнатнинг юқори сифати ва самарадорлигини таъминловчи оқилона технологияларни хатосиз танлашни кўзда тутуди; ишлаб чиқариш вазиятини диагностика қилиш, мақсадга мувофиқ қарор қабул қилиш уқуви; мунтазам ўз-ўзини назорат этишни амалга ошириш уқуви.



**КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ** — ўқув жараёни давомида намунавий вазифаларни аниқлаш, ўқув ишлаб чиқариш топшириғига уларни сингдириш, ўқув жараёни ва таълим усуллари ташкил этиш шакллари танлаш. Моделлаштиришнинг вазифаси тайёрлашга қўйиладиган талаблар билан касбий билим ва ўқувларнинг амалдаги ҳажми ўртасида мувофиқликни ўрнатишдан иборатдир. Моделлаштириш ёрдамида таълим мақсадлари, мазмуни, воситалари, хатти-ҳаракати ва усуллари асослаш учун олдиндан ахборот олиш мумкин, унинг асосида касбий-малакавий тавсифлар, ўқув режалари, программалар, дарсликлар яратилади.

**КАСБИЙ ЧЕКЛАНГАНЛИК** — инсон жисмоний камчиликларини унинг касбий фаолиятга яроқлилигига таъсири.

**КАСБИЙ ЯРОҚЛИЛИК** — у ёки бу касб соҳасида самарали ишлаш учун зарур ва етарлича бўлган инсондаги руҳий ва руҳий физиологик хусусиятлар мажмуи. Касбий яроқлилик инсонда туғма эмас, у таълим ва ижобий мотивациялар бўлганида кейинги касбий фаолият жараёнида шаклланади.

**КАТАЛОГ** (юн. *katalogos* — рўйхат) — 1) муайян тартибда тузилган бирор предмет (китоб, экспонат, товар)ларнинг рўйхати; 2) кутубхона каталоги — кутубхонада мавжуд бўлган нашр асарларининг рўйхати. Замонавий кутубхоналарда каталоглар қуйидагича фарқланади: мўлжалланганлиги (қироатхонларга ва хизматчиларга тааллуқлилиги) бўйича, ёзувларнинг гуруҳланиш усули (алфавитли, тизимли, фанлар) бўйича, нашр тури ва б. бўйича. Каталоглар илмий ва амалиётчи ходимлар учун мўлжал бўлади, кутубхона жамғармаси мазмунини очиб беришда ишончли восита бўлиб хизмат қилади.

**КАТЕГОРИЯ** (юн. *katēgoria* — фикр, белги), **ҲУКМ** — 1) *фалсафа*да, нарсалар, табиий ҳодисаларнинг муҳим хусусият ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунча; 2) тур, нав; ходимларнинг касбий даражасини белгиловчи тоифа, тартиб ўрни; 3) *лингвистика*да, тил бирликлари турли синф ва даражаларининг, шу синфларни ташкил этувчиларнинг умумий хосаси (масалан, келишик категорияси — муайян тил барча келишикларининг мажмуи).

**КАТЕГОРИЯВИЙ ТАҲЛИЛ** — билишнинг ривожланиши-ни фаолият сифатида ўрганиш усули, аниқ илмий категориялар, яъни психик мавжудликнинг турли томонларини акс эттирувчилар унинг унсурлари ҳисобланади: образ, ҳаракат, мотив, онг, шахс ва б. Фанни ўз-ўзининг идроклаш шакли сифатида категориявий таҳлил янги тадқиқотларни самарали ташкил этиш мақсадларида унинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга хизмат қилади.

**КАТТА ЎҚИТУВЧИ** — олий касбий таълим муассасасидаги ўқитувчилик лавозими. Бу лавозимга олий маълумотга ва қонунчиликка мувофиқ илмий педагогик иш тажрибасига эга шахс сайланиши мумкин.

**КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ** — таълим тизимининг таркибий қисми, унинг нисбатан хосланган бўлинмаси, асосий вазифаси бўлиб, инсонга унинг мустақил ҳаёти вақтида ҳар томонлама ривожланишига қўмаклашиш. Шу маънода катталар таълими жамиятда мавжуд ижтимоий маданий тажрибага унинг барча аъзолари эришиши жараёнини давом эттирувчи ижтимоий институт ҳисобланади. ХТСТ бўйича катталар таълими, бу — анъанавий мактаб, ёки университет таълимига эга шахс фаровонлиги ва эҳтиёжларига мослаштирилган таълимни юзага келтирувчи ҳар қандай ташкиллаштирилган ва барқарор (ворисий бўлган) алоқа жараёни. ЮНЕСКОнинг катталар таълимини ривожлантириш тўғрисидаги тавсияларида (1976) мазкур термин ташкиллаштирилган таълим жараёнининг доираси билан чегараланган, таълимнинг мазмуни, даражаси ва усулидан, расмий ёки бошқачалигидан, давом эттирувчилиги ёки мактаб, коллеж ва университетлардаги таълимни алмаштиришидан қатъий назар бутун мажмуани ифода этади. Мазкур тизимга ўқувчилик ҳам киради, унга кўра мазкур жамиятда катта ёшдаги ҳисобланмиш шахс ўз техникавий ёки касбий малакасини оширади, қобилиятини ривожлантиради, расмий таълим муайян босқичини тугатиш мақсадида билимини бойитади, янги соҳа билимлари ва малакаларини эгаллайди, соҳаси бўйича билимини янилайди ёки унга қўшимчалар қилади.

**КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ** — муассасалар тармоғи ва кишилар учун улар кўрсатадиган таълим хизмати мажмуи, булар: ёш даражаларига кўра умум қабул қилинган (мазкур босқичда), у ёки бу тур бўйича таълим олиш муваққат чегараларидан ўтган

шахслардир; булар — ўз касбий малакасини оширишни истовчилар; мустақил таълим ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилувчилар; янги касб эгаллашни хоҳловчилар. Катталар таълими узлуксиз таълим яхлит тизимининг мослашувчан ва анча сафарбар босқичи ҳисобланади, у башоратланишлик, кўп талқинлилик, адаптивлик ва барчага баробарлик талабларига жавоб бериши керак.

**КАТТАЛАР УМУМИЙ ТАЪЛИМИ** — ўқув программалари мажмуи (расмий ва ғайрирасмий таълим муассасаларида), инсон, табиат, жамият ҳақидаги назарий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутади. Термин ҳар бир индивидга, унинг касбий машғулоти тавсифидан қатъий назар зарур бўлган қоидалар, билимлар ва уқувлар мажмуини англатади; уч маънода қўлланади: касб-ҳунар таълими билан қўшиб олиб борилувчи умумтаълимий тайёргарлик, касб-ҳунар таълими муассасаси курсининг таркибий қисми; катта ёшга етганда дунёни тушунишни чуқурлаштирувчи жараён. Умумий таълим тузилмасига табиий, жамиятшунослик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар туркумдаги ўқув фанлари киради.

**КАТТАЛАРНИ ЎҚИТИШ** — катталарнинг жамиятдаги мавжуд у ёки бу соҳадаги тажрибани бирор амалий вазифани бажариш учун (янги тажрибага асосий эътиборни қаратган ҳолда) ўзлаштиришига имкон берувчи фаолият; ихтисослаштирилган муассасалардаги педагогик ташкиллаштирилган фаолият ва кундалик ҳаётий фаолият жараёнида тажриба беришга бўлинади.

**КАФЕДРА** (юн. *kathedra* — стул, ўриндик) — 1) минбар, унга кўтарилиб маъруза ўқилади, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади; 2) олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар таркибининг муайян фан соҳаси бўйича бирлашмаси.

**КАШФИЁТ** — янгилик; иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, маданият, фан, техника, мудофаа исталган соҳасида сезиларли техникавий фарққа эга бўлган масаланинг ижобий натижа берувчи ечими.

**КВАЛИМЕТРИЯ** (лот. *qualis* — қандай, қандай сифатда ва *metron* — меъёр) — фан соҳаси, маҳсулот сифатини миқдорий баҳолашни ўрганадиган ва амалга оширадиган усуллар.

**КВОРУМ** (лот. quorum) — йиғилиш қатнашчиларининг энг кам миқдори, бунда у қонуний ҳисобланади ва кучга эга бўлган қарор қабул қилиши мумкин; муайян рақам билан ёки аъзоларнинг умумий миқдорига фоизларда белгиланади; баъзи ҳолларда алоҳида муҳим масалаларни ҳал қилишда одатда кворум оширилади.

**КЕНГ ИХТИСОСЛИ ИШЧИ** — ўз меҳнат фаолиятида бир неча касбни эгаллаган, иш жойлари технологияси бўйича аралаш ишлаб чиқариш функциясини бажариш учун зарур малака ва укув билимларга эга бўлган ишчи. У ишлаб чиқариш илмий асосларини эгаллаган, унинг ўзгарувчан шароитларига тезда мослашишга қобил бўлиши лозим.

**КЕЧКИ МАКТАБ** — ўқувчиларда ўз билим, қараш ва эътиқодларини тарғиб қилиш эҳтиёжи ва укувини шакллантиришни таъминлайдиган тарбия усули. У ўз ўртоқлари ўртасидаги кундалик тарғибий ва тушунтириш ишлари воситасида амалга ошади; жамоа тарбия ишининг субъекти бўлади, педагог эса ёрдамчи ва маслаҳатчига айланади.

**КИБЕРНЕТИКА** (юн. kybernētika — бошқариш санъати) — бошқариш жараёни умумий қонуниятлари ва ташкилий тизим (машиналар, тирик организмлар ва жамият)даги алоқа ҳақидаги фан. Кибернетика 20- аср сўнгги 30 йили мобайнида кенг тарқалди ва ҳозир биология ҳамда социологияда кенг қўлланмоқда. Кибернетиканинг отаси ва шу терминнинг ижодкори (1947) америкалик олим Норберт Винер инсон миёси иккиланган ҳисоблаш тизимли электрон ҳисоблаш машинасига ўхшаб ҳаракатланади деб кўрсатади.

**КИРИЛЛИЦА** (Кирилл номидан) — алифбо, болгариялик маърифатпарвар ака-укалар Кирилл ва Мефодийлар томонидан IX асрда тузилган. Унга юнон низом ёзувлари асос бўлган. Ўзбекистонда 1940 йилдан шўролар ҳукумати тазйиқи остида латин ёзуви ўрнига жорий этилган.

**КИРИШ МАЪРУЗАСИ** — маъруза, ўқув фанини, мавзулар мажмуи ёки айрим мавзунини ўрганишга бошлаш олдидан кириш қисм ҳисобланади; ўз ичига мазкур материални ўрганишнинг

ўқув-тарбиявий мақсадларини тушунтиришни олади ва муайян ўқув мотивини яратишга йўналтирилади.

**КИРИШИМЛИЛИК** — бошқа кишилар билан алоқа ўрнатишга бўлган қобилият ёки хусусият, одамохунлик.

**КИЧИК ГУРУҲ** — умумий мақсад ёки вазифаларга кўра бирлашган бевосита бир-бирига боғли нисбатан кам сонли гуруҳ; кичик гуруҳда, одатда, нуфузли етакчи бўлади, гуруҳнинг қолган аъзолари унинг атрофига уюшади. Агар кичик гуруҳ гуруҳнинг барча аъзолари учун ижтимоий аҳамиятга эга ҳамкорликдаги фаолият билан банд бўлса, бунда у юқори даражада ривожланган гуруҳ — *жамоа* ҳисобланади.

**КИЧИК МУТАХАССИС** — малака даражаси, таълим программасини муваффақиятли ўзлаштирган ўрта махсус, касбий таълим берувчи таълим муассасасининг битирувчисига берилади.

**КОГЕРЕНТЛИК** (лот. *cohaerentia* — алоқа) — ўзаро алоқа; когерентлик тамойили барча мавжуд нарсалар ўзаро алоқадар деб таъкидлашдан иборат.

**КОГНИТИВ ДИССОНАНС** — интеллектуал низо, бу ҳолат мавжуд фикр ва таассуротлар янги ахборотга зид келганда юзага чиқади. Низо туфайли юзага келган нохушлик ёки кескинлик куйидаги бир нечта ҳимоявий ҳаракатлардан бирининг ёрдами билан бартараф этилиши мумкин: индивид янги ахборотдан ўзини четга олади ёки зиддият амалда мавжуд эмас деб ўзини ишонтиради, ёки зиддиятни келиштиради, ёки дунё ҳақида ва ўзи ҳақидаги ўз таассуротларида барқарорлик ҳамда тартибни сақлаш мақсадида бошқа чораларни топишга интилади.

**КОГНИТИВ КўРСАТИШ** — кўрсатиш тури, у тасвирий вазифани бажаради ва янги билимлар олиш табиий-интеллектуал жараёнига кўмаклашади.

**КОГНИТИВ ПСИХОЛОГИЯ** — замонавий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири, билиш жараёнлари, хотира, тил ва нутқнинг психологик жиҳатлари, тасаввур этиш, масалаларни ечиш, фикрлаш, диққат, хаёл қилиш ва билишнинг

ривожланиши унинг асосий тадқиқот соҳаси ҳисобланади. Инсон билишининг барча шакллари ахборот йиғишнинг тадрижий блоки ва ахборотни қайта ишлаш сифатидаги ЭҲМнинг аналоги бўйича кўриб чиқилади; инсон организми ахборотни фаол излаш ва ахборотни қайта ишлаш билан банд тизим сифатида қаралади. Когнитив психология 20- аср 60- йилларида АҚШда пайдо бўлган ва ҳулқ-атворни таҳлил қилишдан руҳий компонентларни бихевиористик истисно этишга қарши, билиш жараёнларини ва билишнинг ривожланишини рад этишга қарши йуналтирилган.

**КОГНИТИВ СОҲА, БИЛИШ СОҲАСИ** — *таксономия*нинг асосий, энг кўп қўлланадиган ва ишлаб чиқилган соҳаси. Ўқитувчи кундалик амалиётида программалар, дарсликларда илгари суриладиган таълим мақсадларининг кўпчилигини — материалларни эслаб қолиш ва қайта хотирлашдан тортиб то муаммоларни ҳал қилишгача ўз ичига олади.

**КОГНИТИВ ФАН** — тафаккур ҳақидаги фан, тафаккур билан боғлиқ тузилмалар ва жараёнлар, шу жумладан тасаввур қилиш, эслаб қолиш, масалани ечиш соҳаларини тадқиқ этади; когнетив фаннинг мақсади — инсоннинг фикрлаш, тасаввур қилиш ва тушуниш жараёнидаги мавжуд табиий воситаларни белгилаш.

**КОГНИЦИЯ** (лот. *cognitio* — билим) — билим, билиш; **когнитив** — когницияга ёки билишга тааллуқли, идрокланадиган.

**КОД** (фр. *code* — хуфя ёзув) — 1) турли ахборотларни (масалан, дипломатик, тижоратга оид, ҳарбий) узатиш, ишлаб чиқиш, сақлаш учун қўлланадиган қисқартма белгилар ва номларнинг шартли тизими; 2) алоқа йўллари бўйича хабарни бериш учун қўлланадиган белгилар тизими.

**КОЛЛЕГИАЛЛИК** — бошқариш тамойили, бунда раҳбарлик якка бошлиқ томонидан эмас, масалаларни ҳал қилишда турлича ҳуқуқта эга бўлган шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилади; кенг маънода — қарор қабул қилиш шакли, бунда жамоанинг фикри ҳисобга олинади, оммавий муҳокама усулидан фойдаланилади.

**КОЛЛЕГИЯ** (лот. *collega*) — бирга ишлайдиган, бирга ўқийдиган ўртоқ (олий мактабда), ҳамкасб.

**КОЛЛЕЖ** (инг. *college*) — 1) Буюк Британия ва Британия ҳамкорлигидаги мамлакатлар, АҚШ ва баъзи бошқа мамлакатлар таълим тизимидаги таълим муассасаси. Тайёрлов даражасига боғлиқ ҳолда бир неча турга ажралади: олий касбий таълим таянч курси даражасида тайёрлашга йўналтирилган; олий ва ўрта касб-хунар таълими ўртасидаги оралиқ турга йўналтирилган; ўрта умумий таълим даражасида тайёрлашга йўналтирилган. Франция, Бельгия, Швейцария ва бир қатор француз тилли мамлакатларда ўрта ёки тўлиқсиз ўрта таълим муассасалари; 2) Ўзбекистонда — давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими берадиган янги турдаги таълим муассасаси. Коллежларда таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

**КОЛЛЕКТОР** (лот. *collector* — йиғувчи) — муайян тур товарларни йиғиш ва уларни белгиланган манзиллар бўйлаб тарқатишни амалга оширувчи муассаса, ташкилот. Масалан, кутубхона коллектори кутубхоналарга китобларни тарқатади.

**КОЛЛЕКЦИЯ** (лот. *collectio* — йиғим) — одатда, илмий, бадиий, тарихий қимматга эга бўлган бирор нарсаларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси. Масалан, расмлар, маркалар ва б.лар тўплами. **К о л л е к ц и о н е р** — коллекция тўпловчи.

**КОЛЛОКВИУМ** (лот. *colloquium* — суҳбат, гаплашиш) — 1) олий ва ўрта касб-хунар мактаби ўқувчиларининг билимларини текшириш ва мустаҳкамлаш шаклларида бири, ўқитувчининг талабалар билан суҳбати; 2) олимлар, одатда, битта ихтисосликдаги, илмий мунозараси, йиғилиши шакли, бунда мунозара мавзуи бўйича маъруза тақдим этилади ва муҳокама қилинади.

**КОМИКСЛАР** (инг. *comics*, комик сўзидан — кулгили) — «оммавий адабиётлар» (қоидага кўра ҳарбий саргузаштлар, дeктивлар ва ҳ.к., баъзан мумтоз адабиёт асарларини соддалаш-

тириб баён этиш) деб аталган жанрга тааллуқли қисқача тавсифдаги (туғалланган ҳикоядан иборат) газета ва журналлардаги расмлар туркуми; кўпинча катта бўлмаган китоб шаклида нашр этилади.

**КОММУНИКАЦИЯ** (лот. *communicatio* — алоқа) — 1) алоқа воситаси (транспорт коммуникациялари) ва алоқа, ин-формацион контактлар. Ҳозирги пайтда ахборот коммуникацияларининг, хусусан алоқа тизими воситасидаги аҳамияти айниқса ошиб кетди, махсус телекоммуникация тизимлари орқали минтақалар миқёсидан то давлатлараро даражагача алоқалар амалга оширилмоқда; 2) ахборотлар айирбошлаш жараёни, алоқанинг туташ йўналиши; МСКО бўйича бу — икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги ўзаро муносабат, бундай муносабат ахборотлар (хабар, ғоя, билим, стратегия ва ҳ.к.)лар айирбошлаш туфайли юзага чиқади. Коммуникация вербал (сўзлардан ташкил топган) ва вербал бўлмаган (сўзларсиз), тўғридан-тўғри (бевосита, шахсий) ёки билвосита (масофавий) бўлиши мумкин ва алоқанинг йўллари ва воситалари кўпдан-кўп хиллари туфайли амалга оширилади.

**КОМПЕНСАЦИЯ** (лот. *compensare* — мутаносибламоқ) — 1) тоvon, йўқотишларни, кўрилган зарар, сарфларнинг ўрнини қоплаш, қарзни қайтариш, мукофот; 2) *психология*да, индивидуал психология тушунчаси, унга мувофиқ индивид ўз тўлақонлилиги ва ҳатто устун эканлигини ана шу тушунча туфайли ҳис этади, тўлақонли эмаслик хисси компенсацияланади.

**КОМПЕТЕНТЛИК** (лот. *competens* — тегишли, лаёқатли), **ВАКОЛАТЛИЛИК** — 1) муайян ижтимоий касбий мавқега эга шахсларнинг улар бажараётган вазифа ва ҳал этаётган муаммолари мавжуд мураккаблик даражасига билимлари, лаёқатлари ва тажрибаларининг мос келганлик даражаси. «Малака» терминидан фарқли ўлароқ у малакани тавсифловчи соф касбий билим ва лаёқатни ўз ичига олишдан ташқари, яна сифат, ташаббус, ҳамкорлик, гуруҳда ишлаш билиш қобилияти, коммуникатив уқув, таълим олиш, баҳолаш уқуви, мантиқий фикрлаш, ахборотни танлаш ва фойдаланиш лаёқатлари каби сифатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради; 2) бошқарув органи, амалдор шахсининг ваколат соҳаси; улар қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар доираси. У ёки бу идора ҳамда



шахснинг ваколат доираси қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар, уставлар билан белгиланади.

**КОМПЕТЕНЦИЯ** (лот. *competentia* — ҳуқуқ бўйича тааллуқлилиқ) — 1) муайян давлат идорасининг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси; 2) масалалар доираси, бунда муайян амалдор шахс билимлар, тажрибаларга эга бўлади.

**КОМПИЛЯЦИЯ** (лот. *compilatio* — ўғирланиш, кўчирмалар тўпланиши, ҳужжатлар йиғилиши) — бошқалардан олиш йўли билан тузиладиган ва хусусий умумлаштириш ёки талқинларга эга бўлмаган иш.

**КОМПЛЕКС** (лот. *complexus* — алоқа, мослашиш), **МАЖМУА** — жипс боғланган ва ўзаро таъсир этувчи, яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи объектлар, нарсалар, ҳаракатларнинг жамланмаси, мослашуви.

**КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ** (лот. *virus* — заҳар ва инг. *computer* — компьютер), — бегона шахс томонидан компьютерга ёзилган информацияни қисман ёки тўлиқ ўчиришга қобил махсус ҳалақит берувчи программаларни киритиш йўли билан компьютернинг программа қисми иш тартибини қасддан ёки беихтиёр бузиш; вирус компьютер миқёсида тарқалади ёки *файллар* ёхуд маълумот операциялари вақтида биттасидан иккинчисига ўтказилганда битта компьютердан бошқасига ўтади.

**КОМПЬЮТЕР САВОДҲОНЛИГИ** — ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш мақсадларида электрон процессор техникани қўллай билиш; уч жиҳатни ўз ичига олади: назарий асосларни билиш ва компьютер техникаси ишлаш тамойилларини тушуниш; программалаштириш тилидан фойдалана билиш; кодлаш бўйича операцияларни бажариш ва малакасига эга бўлиш, маълумотларни киритиш ва қайта ишлай олиш.

**КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** (лот. *computare* — ҳисоблаш) — инсон фаолиятининг турли соҳаларида компьютер техникасининг кенг қўлланиши.

**КОНВЕРГЕНЦИЯ** (лот. *convergere* — ўхшайди, яқинлашади) — 1) бир-бирига боғли бўлмаган ҳодисаларнинг қандайдир белгиларининг мос келиши; 2) *биологияда*, қариндош бўлмаган организмларда ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлиши, булар мазкур организмларнинг бошқа ўхшаш шароитларга мослашишлари натижасида юзага келади; 3) *иқтисодда*, турли иқтисодий тизимларнинг яқинлашиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар умумийлиги ва ривожланишнинг ягона объектив қонуниятлари мавжудлигига кўра улар ўртасидаги ҳар хилликнинг йўқолиши; 4) *лингвистикада*, икки ёки ундан ортиқ тилларда келиб чиқиш умумийлигидан қатъий назар ўхшаш хусусиятларнинг ривожланиши, бу, одатда, ҳудудларнинг яқинлиги, яқин маданий алоқалар ва ҳ.к.лар натижасида юз беради; бунга зид бўлган термин — *дивергенция*.

**КОНВЕРСИЯ** (лот. *conversio* — ўзгармоқ, ўхшамоқ) — бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга ўтиши натижасида янги маъно ҳосил бўлиши (масалан, олтин соат — олтин бош), ёки контекстда аъъанадагидан фарқли тарзда сўзнинг қўлланиши. Конверсия сўзлашувда маъновий тўсиқ юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

**КОНКРЕТЛАШИШ** (лот. *concretus* — қуюқлашган, жипслашган) — фикрнинг умумий ва мавҳумликдан мазмунни анча аниқ, яққол очиб бериш мақсадида конкретлашиши. Агар айтилган фикр бошқаларга тушунарли бўлмаса ёки умумийликнинг намоён бўлишини ягоналикда кўрсатиш зарур бўлса, конкретлаштиришга ўтилади; мисол келтириш талаб этилганда, олдин айтилганни конкретлаштириш лозим бўлади. Таълимдаги конкретлаштириш — янги материални тушунтиришнинг методик йўсинларидан бири.

**КОНСЕНСУС** (лот. *consensus* — розилик, бир фикрлилик) — музокара, конференция қатнашчиларининг муҳокама олиб бориш жараёнида ишлаб чиқилган мунозарали масалалар бўйича овоз бериш тартибидан фойдаланилмаган ҳолда келишилган фикри.

**КОНСЕРВАТОР** (лот. *conservator* — кўриқчи), **АҚИДАПАРАСТ** — эскирган, ўз умрини яшаб бўлган нарса, воқеа, ҳодисаларнинг ўзгармай қолиши учун ҳаракат қиладиган ақидавий эътиқодга эга киши (ижтимоий ҳаётда, санъатда, фанда ва б.да).

**КОНСЕРВАТОРЛИК** (лот. conservare — кўриқламоқ, сақламоқ), **АҚИДАПАРАСТЛИК** — эскирган, ўз умрини яшаб булган барча нарсаларга ихлос қилиш; тараққиётга нисбатан душманлик ва қаршилиқ кўрсатиш (ижтимоий ҳаётда, санъатда, фанда ва б.да).

**КОНСПЕКТЛАШТИРИШ** (лот. conspectus — шарҳ, қисқача баён) — маъруза, мақола, китоб, нутқнинг асосий мазмунининг қисқача баёнидан иборат ўқитишдаги усул; ўқилган, тингланган, матнни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси, таълим олувчилар фикрлашини тартибга солади ва ривожлантиради, конспектлаштирилаётган манбани чуқур идрок этишга, ундаги муҳим ва керакли жиҳатларни топишга ёрдам беради.

**КОНСТАНТА** (лот. costans — доимий, ўзгармас) — барча ўзгаришлар ва ҳисобларда ўзгармай қоладиган доимий қиймат.

**КОНСУЛЬТАЦИЯ** (лот. consultatio, cosultare — кенгашмоқ, маслаҳатлашмоқдан) — 1) ўқув фанини ўрганиш жараёнида тушуниш қийин бўлган ёки мураккаб масалалар, мавзулар, программаларнинг қисмларини ойдинлаштириш бўйича бир ёки бир гуруҳ ўқувчилар учун дарсдан ташқари ўқув жараёнини ташкил этиш шакли; 2) масофадан ўқитишда, шу жумладан, сиртқи таълимда қўлланадиган ўқув фаолиятига раҳбарлик қилиш шакли; қоидага кўра, ўрганилаётган материалга оид анча мураккаб масалалар бўйича тушунтиришлар бериш вақтида таълим олувчи ва таълим берувчининг бевосита мулоқоти давомида амалга оширилади.

**КОНТЕКСТ** (лот. contextus — жипс алоқа, бирикма) — ёзма ёки оғзаки нутқнинг маъно жиҳатдан, нисбатан тугалланган қисми, унинг таркибига кирган ибора ёки сўзни алоҳида маъносини белгилаш учун зарур; «контекст бўйича маъноси» деган ибора шундан келиб чиққан.

**КОНТЕКСТЛИ ТАЪЛИМ** — касбий меҳнатнинг моҳияти ва ижтимоий мазмуни динамик тарзда моделлаштириладиган таълим, бу билан талабанинг ўқув фаолияти мутахассиснинг касбий фаолиятига айланиш шароитлари таъминланади. Кон-

текстли таълим назарияси ижтимоий тажрибани мерос қилиб олишга тадбиркорона ёндашиш ривожланиши туфайли ишлаб чиқилган. Бундай ёндашувга кўра, ижтимоий тажрибани ўзлаштириш таълим жараёнида амалга оширилади; бироқ талабанинг билиш фаолиятдан мутахассис касбий фаолиятига ўтиш масаласи очиклигича қолади. Бу зиддият талаба фаолияти ҳаракатланиш моделини амалга оширишдан иборат бўлган контекстли таълимда бартараф этилади: ўқув фаолиятининг ўзидан (маъруза шаклида) касбий (ўйин шакллари орқали) ва ўқув-касбий (талабалар илмий тадқиқот ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти ва б.) орқали касбий фаолиятга ўтилади.

**КОНТИНГЕНТ** (лот. *contingens* — тегинмоқ) — 1) бир таркибли гуруҳни ташкил этувчи кишилар мажмуи, масалан, ўқувчилар контингенти; 2) муайян мақсадлар учун белгиланган чегаравий миқдор, ниманингдир меъёри (масалан, ОТМга қабул контингенти).

**КОНТИНУУМ** (лот. *continuus* — яхлит, узлуксиз) — узлуксиз жамланма; ҳодиса жараёнларнинг ажралмаслиги.

**КОНТРАКТ** (лот. *contractus*) — ҳуқуқда, фуқаролик меҳнат ҳуқуқий муносабатларига тадбиқ этиладиган, ҳар икки томон учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган битим, шартнома. Таълим тизимида — Ўзбекистон республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ёзма шаклда, муддати, лавозими, ҳақ тўлаш тартиби ва меҳнатни рағбатлантиришлар кўрсатилган профессор-ўқитувчилар таркиби билан тузиладиган меҳнат шартномасининг шакли; раҳбар ва ходим томонидан имзоланади.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** (лот. *conferentia, confere* — бир жойга тўплашдан) — тадбир, илмий, методик ва ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва унинг қарорлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади (қ. *Семинар*). Ўқув конференцияси ўқувчиларнинг маънавий кучини бир ерга жамлайди ва сафарбар қилади, билишга бўлган қизиқишни ривожлантиради, ўқув материални тўлақонли такрорлаш ва мустаҳкамлашни таъминлайди; ўқувчилар конференцияга тайёргарлик вақтида изланиш ва ижод билан бойиган мустақил ишга жалб этиладилар.

**КОНЦЕНТРАЦИЯ** (лот. *concentratio*, лот. *con* — билан ва *centrum* — марказ, тўпланишдан) — *психологияда*, муайян тасаввурнинг сақланишига қаратилган диққат-эътибор.

**КОНЦЕНТРАЦИЯЛАНГАН ТАКРОРЛАШ** — ўқув материални такрорлаш усули, бунда бунда материал бир карра ўқиб чиқилади, такрорлаш эса бирин-кетин танаффуссиз амалга оширилади; *тақсимланган* такрорлаш анча самарали ҳисобланади.

**КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМ** — таълим технологияси, таълим жараёнини тасаввур этишнинг табиий психологик ўзига хослиги максимал даражада яқинлаштиришни, ахборотни инсон томонидан қайта ишлаш ва ўзлаштирилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқувчилар ва педагогнинг кучгайрати дарсларни блокларга бирлаштириш, кун ва ҳафта мобайнида параллел тарзда ўрганиладиган фанлар сонини қисқартириш ҳисобига фанни анча чуқур ўрганишга қаратилади. Ўқувчининг ишга лаёқатлилиқ динамикасини ҳисобга олувчи таълим методларидан фойдаланилади.

**КОНЦЕПЦИЯ** (лот. *conceptio* — идроклаш) — 1) табиат ва жамиятдаги жараён ва ҳодисаларга нисбатан бўлган нуқтаи назар тизими; 2) ислохотлар, программалар, лойиҳалар, режаларни амалга оширишда ҳаракат стратегиясини белгиловчи етакчи фикр.

**КОНЪЕКТУРА** (лот. *conjectura* — мулоҳаза, таклиф, тахмин) — 1) тахмин, ўйламоқ 2) бузилган матнни тузатиш ёки тиклаш ёхуд тахмин асосида бирор ёдгорликнинг ўқишни иложи бўлмаган матнини тахминан ўқиш.

**КОНЪЮНКЦИЯ** (лот. *coniunctio*) — «ва» мантиқий боғловчиси ёрдамида боғланган икки фикрдан ташкил топган мураккаб жумлани ҳосил қилувчи мантиқий операция.

**КООПЕРАЦИЯ** (лот. *cooperatio* — ҳамкорлик) — умумий вазифани бажариш учун кўнгилли аъзолик асосидаги жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ёки ўзаро келишилган фаолиятини ташкил этиш шакли. Касб-ҳунар таълимига тадбиқан,

одатда, унинг муассасалари, шунингдек, манфаатдор ташкилотлар, корхоналар, ҳокимият идоралари, махсус хизматлар билан ўзаро уйғун ҳаракат қилиши тушунилади. Кооперация биргаликда ҳаракат қилувчи қатнашчилар таркиби ва уларнинг хусусий вазифаси тавсифини белгилувчи турли йўналишларга эга. Одатда, у кенг қўламли вазифаларга йўналтирилади, чунки бу вазифани унинг қатнашчиларидан ҳеч бири айрим ҳолда удалай олмайди, бу вазифалар қуйидагичадир: меҳнат бозори ва унинг истиқболдаги талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда ишчи кучларни етиштириш; ҳудуд ёки айрим жамоани иқтисодий, маданий ва бошқа тарзда ривожлантириш; турли хил таълим хизматларига бўлган аҳоли эҳтиёжини атрофлича қондириш; инсонни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш.

**КООРДИНАТЛИ ИНДЕКСЛАШ** — таянч сўзлар ва дескрипторларни кўрсатиш йўли билан ҳужжатларни индекслаш.

**КООРДИНАЦИЯ** (лот. *coordinatio* — тартиб билан жойлаштириш) — бошқарилаётган тизим турли қисмлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, тартибга солишдан иборат бошқариш жараёнининг таркибий қисми. Таълим фаолияти ва ривожланиши жараёнига жалб қилинган педагог ходимлар, шунингдек, ташкилотлар ва муассасалар координацияланувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги ҳар координация соҳасини ташкил этувчилар ҳисобланади: таълим соҳасида ҳамкорлик қилувчи турли фанларнинг вакиллари томонидан амалга ошириладиган назарий тадқиқотлар; таълим фаолиятини режалаштириш ва таълим амалиётидаги ўзгаришлар; таълим тизимининг бошқа ижтимоий институтлар — меҳнат, сиёсат, маданият соҳалари билан ҳамкорлиги; таълим муассасаси доирасида педагог ходимларнинг ҳамкорлиги.

**КООРИФЕЙ** (юн. *κορυφαιος* — дохий, йўл бошчи) — билим ёки санъатнинг бирор соҳасидаги машҳур арбоб.

**КОРРЕКТИРОВКАЛАШ, КОРРЕКТИРОВКА** (лот. *correctio* — тўғрилаш, тузатиш) — истиқболдаги башорат, режалар, лойиҳалар, программалар, ҳисоб-китобларга киритиладиган айрим ўзгартиш, тузатиш, тўғрилашлар.

**КОРРЕКТУРА** (лот. correctura — тузатиш, яхшилаш) — 1) босмахонада (ёки бошқача усулда) кўпайтириш учун тайёрланган матн ёки график материаллардаги хато ва камчиликларни тузатиш жараёни; 2) босмахона усулида босилган белги.

**КОРРЕКЦИЯВИЙ ЎҚИТИШ** — ўқитишнинг алоҳида тури, умумий лаёқатнинг пасайганлиги оқибати ҳисобланмайдиган ўқувчилардаги муайян камчиликларни қисман ёки тўлиқ бартараф этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**КОРРЕКЦИЯЛАШ-ТАРБИЯЛАШ ИШИ** — ғайритабиий болаларга хос ривожланишдаги камчиликларни бартараф қилиш ёки камайтиришга йўналтирилган ҳамда фақат айрим камчиликларни тузатишгагина эмас, балки умуман шахснинг шаклланишига кўмаклашувчи махсус педагогик чоралар тизими; ғайритабиий болалар барча тоифасини қамраб олади ва тиббиёт ходимлари ҳамда педагоглар ҳамкорликда ўтказилади.

**КОРРЕЛЯТИВ** (лот. correlativus — тааллуқланган) — бир-бирига қиёслангандагина маънога эга бўлувчи нарса ёки тушунчалар корреляцияланган ҳисобланади (иссиқ — совуқ, сабаб — оқибат); улар, шунингдек, коррелятлар деб ҳам аталади ва биргаликда *корреляция*ни ташкил этади.

**КОРРЕЛЯЦИЯ** (лот. correlatio — ўзаро боғлиқли, нисбат) — 1) ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг қийматларини тавсифловчи ўзаро алоқа мавжудлигини ифодаловчи тушунча; 2) математик статистикада — ҳодисалар ўртасидаги, агар улардан бири бошқасини белгиловчи сабаблар қаторига кирса ёки агар мазкур ҳодисаларга таъсир этувчи умумий сабаблар бўлса, алоқани кўрсатувчи тушунча; *биология*да, тананинг барча аъзолари, барча қисмларининг бир-бирига ўзаро нисбати, чунки бир аъзонинг ёки бир қисмнинг ўзгариши кўпинча бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бундай корреляция *психология* ва *социология*да ўз-ўрнига эга.

**КОРХОНАДА ЎҚИТИШ** — ходимларнинг корхона ҳудудида ташкил этиладиган касбий ёки бошқача турдаги таълими; иш жойидаги таълим шаклини олиши мумкин, махсус жиҳозланган

хоналарда амалга оширилади ёки қўйилган вазифанинг мазмунига боғлиқ ҳолда комбинациялаштирилган тавсифга эга бўлади.

**КОСМОПОЛИТИЗМ** (юн. kosmopolitēs — дунё фуқароси) — мафкуравий оқим, инсон зоти ягоналиги йўлида миллий мустақиллик, миллий анъаналар ва маданиятларни рад этишни тарғиб қилади.

**КОСМОС** (юн. kosmos — олам) — тартибга солинган бир бутунлик тарзида тафаккур этиладиган олам (унинг акси тартибсизлик); илк маънода — тартиб, тузилиш. Олам биринчи бўлиб, Пифагор томонидан космос деб аталган, у оламдаги тартиб ва уйғунликка эътиборини қаратган. Космик ҳиссиёт ёки сезги деб космос билан ички алоқани тўлақонли ҳис этишга айтилади.

**КОЭФФИЦИЕНТ** (лот. coefficient — кўмаклашувчи) — 1) икки бир жинсли ҳисобланган қиймат муносабатини ифодаловчи кўрсаткич, омил, ўлчам; 2) функционал боғли рақамли кўпайтма.

**КРЕАТИВЛИК** (инг. creative — ижодий, яратувчи) — шахснинг нисбатан барқарор тавсифини ташкил этувчи ижодий қобилият, ижодга бўлган лаёқат даражаси; қандайдир янгини яратишга бўлган укув: муаммонинг янгича ечими, янги усул ёки йўсин, санъатнинг янги асари. Креативликка эга шахс, одатда, кундалик ҳаётда юқори интеллектуал даражаси билан фарқ қилади ва юзага келаётган муаммоларни оқилона ҳал этиши мумкин, лекин кўпинча интуиция асосида ҳаракат қилишни афзал кўради ҳамда ўзидаги ва бошқалардаги иррационалликни юқори баҳолайди. Индивиднинг ишчанлиги креатив ҳаракат муваффақиятининг зарурий шартидир. Дастлаб креативликка интеллектуал функцияси сифатида қаралади ҳамда интеллектнинг ривожланиш даражаси креативлик даражасига ўхшатилади; кейинчалик маълум бўлишича, интеллектуал даражаси муайян чегарагача креативлик билан корреляцияланади, гоёт юқори даражадаги интеллектуал креативликка тўсқинлик қилади. Ҳозирги вақтда креативликка тўлақонли шахснинг интеллектуал олиб келмайдиган функцияси сифатида қаралади.



**КРЕАТИВЛИК ТЕСТЛАРИ** — шахс ижодий қобилиятини ўрганиш ва баҳолаш учун усуллар мажмуи. Креативлик омиллари — фикрлашнинг тезлиги, аниқлиги, мослашувчанлиги, муаммоларни сеза билишлик, уларни ечишда ўзига хослик, топқирлик, конструктивлик. Креативлик омилларини ўрганиш (ижодий муваффақиятларга эришиш) икки йўналишда олиб борилади: ҳаёт тажрибасини таҳлил қилиш, ижод кишисининг индивидуал ўзига хослиги (шахсий омиллар) ва ижодий фикрлаш таҳлили ҳамда унинг маҳсули (креативлик омиллари). Интеллектдан мустақил, холи хусусият бўлмиш креативлик ҳақидаги масала ҳозирча ҳал этилмай келинмоқда.

**КРИЗИС** (юн. krisis — қарор, бурилиш нуқтаси, бошланғич нуқта) — *психологияда*, 1) касаллик, асабийлик, жароҳат ва ҳ.к.лар туфайли юзага келган оғир ўткинчи ҳолат; 2) шахсий ҳаётдаги аҳамиятга молик эмоционал ҳодиса ёки мавқенинг тубдан ўзгариши. Педагогика ёш билан боғлиқ, яъни бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш вақтида юзага келадиган кризис (ривожланиш кризиси) билан қизиқади; булар ижтимоий муносабатлар соҳаси, фаолият ва онгдаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ. Кризиснинг шакли, муддати ва кескинлиги индивидуал ўзига хосликлар, ижтимоий шароитлар ва умуман педагогик тизимга боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқланади.

**КРИПТОГРАФИЯ** (юн. kryptos — маҳфий, яширин ва grapho — ёзаман) — маҳфий ёзув усули, уни фақат шу ёзувдан хабардорларгина ўқий олади; сирли ёзув.

**КУЗАТИШ** — тадқиқотчининг тарбия жараёнлари ва ҳодисаларини тўғридан-тўғри ва бевосита қайд этиш йўли билан аниқ мақсадга қаратган ҳамда режа асосида ахборот тўплаш жараёни; кейинчалик назарий хулосалар чиқариш ва уларни тажрибада текшириш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради, эмпирик ахборотларни назарий тадбиқ этишни таъминлайди, назарияни амалиётда адекватлиги ва чинлигини текширади, объектларни улар яхлитлигида, табиий функция бажаришида ўрганишга имкон беради. Кузатиш фарзани ифодалашга, уларни аниқлаштиришга, ҳодисани тушунтирадиган назарияга ўтишга олиб келиши керак; кузатиш ҳодисаларни оддий қайд этишдан мунтазамлилиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги, муайян педагогик нуқтаи назарга та-

янч эканлиги билан фарқланади. Кузатишнинг камчилик томони шундан иборатки, тадқиқотчи кўп миқдордаги ҳодисаларни қамраб олиши қийин, ҳодисаларни талқин этишда хатоликка йўл қўйиш эҳтимоли юқори. Кўпгина педагогик ҳодисалар ва жараёнларни тўғридан-тўғри кузатиб бўлмайди, бундан ташқари у ҳамиша субъективлиги билан ажралиб туради. Кузатишни ахборот олишнинг бошқа усуллари билан самарали қўшиб олиб бориш мумкин (сўровнома, интервью).

**КУЛЬТУРИЗМ** (фр. culturisme), бодибилдинг (инг. body-bilding) — турли тошлар (гантел, штанга ва ҳ.к.лар) билан ўтказиладиган жисмоний машқлар тизими, бунда тана мутаносиблигини таъминлаш мақсадида мускуллар жадал ривожлантирилади. Спортнинг янги тури сифатида шаклланди; 1946 йилда халқаро культуризм уюшмаси тузилган.

**КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ** — ўқувчига битта ўқитувчи ёки ўқувчилар гуруҳига битта ёки бир қанча ўқитувчи бевосита таълим бериш шакли. Кундузги таълим тизими умуман синфдарс ва уй машғулотларидан иборатдир; автоматлаштирилган синфлар, тадбиқ этилиши махсус аудитория шароитини талаб қиладиган таълимнинг турли техника воситалари кенг қўлланилади. Ўқувчиларнинг уй ишлари одатдаги ўқув қўлланмалари ва маърузалар матнларидан фойдаланиб ташкил этилади, булар ўқувчилар учун тушунарлидир, чунки улар ўқитувчи билан мунтазам учрашиб турадилар ва маслаҳат олиш имконига эга бўладилар, шунингдек, машғулотларда материалларнинг олдиндан тушунтирилишлиги туфайли бунга муваффақ бўладилар.

**КУРС-БОСҚИЧИ** — касб-ҳунар таълими курси, узлуксиз таълим тизимига киради, ўз йўлига кўра тугалланган ҳисобланади; лекин у шундай тузилганки, уни муваффақиятли тугатган шахс малаканинг анча юқори даражасини таъминловчи бошқа курсни узлуксиз давом эттириши мумкин бўлади.

**КУРСЛАР** — фаолиятнинг ихтисослаштирилган соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака оширишни кўзда тутувчи қисқа муддатли таълим шакллари билан бири.

**КУТУБХОНА** — нашр асарлари ва бошқа ҳужжатлардан жамоатчилик фойдаланишини ташкил этувчи маданий-маърифий ва ахборот муассасаси. Нашр маҳсулотлари билан бир қаторда аудио-видео материаллари ва улардан фойдаланиш учун жиҳозланган хонага ҳам эгадир. Кутубхоналар умумий ва муайян соҳа бўйича ихтисослашган бўлади.

**КУТУБХОНА БИБЛИОГРАФИЯ ТАСНИФИ (КБТ)** — китоб ва бошқа ҳужжатларни тартиблаштириш учун мўлжалланган тасниф; ҳужжат жамғармаларини тартибловчи анъанавий восита. Унинг ёрдамида соҳанинг барча ҳужжатлари, шу жумладан, халқ таълими ва педагогика фанлари соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар индексланади. Белгиларнинг исталган қиёси бўйича ахборот излашнинг кам самаралилиги ва рукнларнинг етарлича чуқур бўлинмаганлиги КБТнинг камчилиги ҳисобланади.

**КУТУБХОНА ДЕПОЗИТАРИЙ** — минтақадаги бошқа кутубхоналарнинг кам фойдаланиладиган нашр асарлари ва ҳужжатлар жамғармасидан озод қилиш мақсадида максимал тўлиқ кутубхона жамғармасини доимий сақлаш вазифаси юклатилган кутубхона.

**КУТУБХОНАЛАРАРО АБОНЕМЕНТ** — кутубхона абонементи, ўрнатилган қоидалар асосида мамлакат кутубхоналари жамғармасидан ўзаро фойдаланишга асосланган.

**КЎНГИЛЧАНЛИК, ЮМШОҚ КЎНГИЛЛИЛИК** — ҳаяжонли таассуротлар ва томошаларга бўлган мойиллик, ҳар бир кечинмани кучли ҳиссиёт билан бошдан кечиршига мойиллик.

**КЎП ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШ** — тармоқдаги техника тараққиёти даражаси; ишлаб чиқариш техникавий-технологиявий ўзига хосликлари билан боғлиқ фаолият жиҳатларини тавсифлайди.

**КЎП ИЛМ ТАЛАБ ТАРМОҚЛАР** — иқтисод тармоғи, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқаради, ишлар бажаради ва хизматлар кўрсатади. Бундай тармоқларнинг фаолияти унинг илмий тадқиқотлари ва ишланмаларини таъминлашни амалга оширишни ўз ичига олади, бу қўшимча маблағ сарф этиш ва ишларга илмий ходимларни жалб этишга олиб келади.

**КЎП ТАЛҚИНЛИЛИК** — катта ёшдагилар таълим тизими-га бўлган асосий талаблардан бири; шахснинг таълимга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ таълим хизмати турли-туманлигини таъминлайди. Қ. *Катталар таълим тизими.*

**КЎРГАЗМА ҚУРОЛ, КЎРГАЗМА ВОСИТАЛАР** — ўқув топшириқларини бажариш учун яратиладиган, ўрганилаётган ўқув материалида акс этган нарсалар ва ҳодисаларни умумлашган тарзда тасаввур этиш имконини берадиган моддий ёки белгилли модел. Кўргазма қурол шундай бўлиши учун куйидаги белгиларга эга бўлиши керак: аниқ жараёнларнинг моделидан иборат бўлиши, кўриниши ўзгарган нарса, мавжудликнинг кўриниши ўзгарган шароити, ёки у ёки буниси; билишнинг воситаси бўлиши, аммо мақсади эмас; билиш жараёнида ёрдам берувчи асл нусханинг ҳиссий образи бўлиши. Кўргазмалилик воситасини шартли равишда натурал (асбоблар, приборлар, материалларнинг намуналари ва ҳ.к.) ва тасвирий (плакатлар, моделлар, тархлар, кино, видеофильмлар ва б.)га ажратиш мумкин.

**КЎРГАЗМАЛИ УСУЛ** — ўқувчиларда, улар илгари кузатмаган, аммо ўрганаётган нарсалар, ҳодисалар ёки воқеалар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилувчи кўргазмалилик воситаларидан таълим жараёнида фойдаланиш усули.

**КЎРСАТКИЧ** — миқдор, мезон, даража, ўлчагич, таълим тизими ёки таълим муассасасининг фаолият кўрсатиши қандайдир бир жиҳатининг ҳолатини тавсифлайди. Масалан, талабалар қабул қилиш ёки уларнинг умумий сони ва тайёргарликлари йўналиши бўйича тақсимлаш шундай кўрсаткич ҳисобланади. Кўрсаткичлар аналитик, башоратлаш, режавий, ҳисоб-китоб, ҳисобот, статистикка ажралади.

## Л

**ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ** — назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, мустақил эксперимент ўтказиш малакасини ривожлантириш мақсадларида ўрта махсус, касбий ва олий таълим муассасаларида ўқувчилар томонидан олиб бориладиган мустақил амалий иш турларидан бири. Тажриба (эксперимент)

учун приборларни, ускуналарни, реактивларни тайёрлаш, тажриба, уни утказиш ва тавсифлаш режа-тарhini тузишни ўз ичига олади. Табиий ва техника фанларини ўқитиш жараёнида кенг қўлланади.

**ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ** — фан томонидан аввал қўлга киритилган табиий жараёнлар ва натижаларни ўқув лабораторияси шароитларида қайта тиклаш асосида педагог ва ўқувчи биргаликда фаолият кўрсатадиган таълим усули. Лаборатория экспериментининг ўқитиш-ривожлантириш самараси ўқувчиларнинг ўз ижодий кучини фаол сарфлашида, турли тадқиқот нуқтаи назаридан ўрганилаётган объектга ёндашиш ўқувини шакллантиришда намоён бўлади; тарбиявий аҳамияти ўқувчиларнинг билишдаги фаолликларида, уларнинг мустақилликларида, тажриба ишининг бориши ва якунига масъулликда намоён бўлади.

**ЛАВОЗИМ БИРЛИГИ** — лавозим жадвалида кўзда тутилган ташкилотдаги лавозимлар бирлиги.

**ЛАВОЗИМ ЖАДВАЛИ** — корхона мулкининг эгаси, раҳбари ёки юқори идора тасдиқлаган бир номдаги (бўш турган) лавозимлар миқдори ва лавозим маоши ҳажми кўрсатилган ходимларнинг доимий лавозимлари номидан иборат рўйхат. Лавозим жадвалида тегишли ташкилотнинг тузилиши ҳам акс этади.

**ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ** — корхона, муассаса ва фирмада муайян лавозимни эгаллаб турган шахс бажариши лавозим бўлган топшириқ, мажбурият, ишлар қўламини кўрсатувчи йўриқнома.

**ЛАВОЗИМ МАОШИ** — ходимга у эгаллаб турган лавозимга мувофиқ, лавозим жадвали ва лавозимда белгиланган миқдорлар чегарасида, тоифа даражасига мувофиқ белгиланган номинал ойлик иш ҳақи миқдори. Лавозим маошига, қоидага кўра, ишлаган йиллар, малака, чет тилларни билганлик билан боғлиқ ҳолда устама белгиланади; устамалар ва сифат учун берилиши мумкин бўлган мукофотлар, бажариладиган ишнинг зудлигига кўра қилинадиган қўшимчалар билан бирга чинакам иш ҳақини ташкил этади.

**ЛАВОЗИМ ПОФОНАЛАРИ, СУБОРДИНАЦИЯ** (лот. sub — остида ва ordinatio — тартибга келтириш) — 1) қатъий бўйсунлиқ тизими, масалан, бир тушунчанинг бошқа, анча кенгроғига; 2) хизмат бўйича хизмат интизоми қоидаларига асосланган кичик поғонадагининг юқори поғонадагига бўйсунлиқ тизими.

**ЛЕКСИКОГРАФИЯ** (юн. lexicon — луғат ва grapho — ёзма) — 1) тилшунослик бўлими (лексикология), луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланади; 2) луғатлар тузиш, луғатчилик.

**ЛЕКСИКОН** (юн. lexikon — луғат) — 1) луғат; сўзларнинг алифбо тартибдаги таржима қилинган рўйхати; 2) сўз, иборалар заҳираси.

**ЛЕКТОРИЙ** (лот. lectorium) — оммавий маърузалар уюштириш билан шуғулланувчи ва маъруза қилиш учун махсус хонага эга ҳамда тасвирий материалларни намойиш этиш воситалари бўлган муассаса. Маърузалар билан бир қаторда мутахассис ва аудитория қайта алоқасини кўзда тутувчи турли тадбирлар — «тўғарак столлар», семинарлар, савол ва жавоблар кечаси ўтказилади.

**ЛИНГВИСТИК ТАЪМИНОТ** — ИТИАТда қўлланидиган тиллар мажмуи, шунингдек, уларни яратиш восита ва усуллари, жорий этиш ва фойдаланиш. Буларга давлат ва халқаро таснифлар, рубрикаторлар, тиллар инфор­мацион-қидирув тавсифи, луғатлар, тезаурслар, таснифловчилар, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқиш ва фойдаланиш усуллари тааллуқли.

**ЛИНГВИСТИКА** (лот. lingua — тил), **ТИЛШУНОСЛИК** — инсон табиий тили ва жаҳон тиллари барчаси ҳақидаги, инсоният тилининг қурилиши ва амал қилиши умумий қонуниятлари тўғрисидаги фан.

**ЛИНГВОДИДАКТИКА** — тил ўқитишнинг умумий назарияси; тил ўқитиш умумий қонуниятлари мақсад ва вазифаларга боғлиқ ҳолда муайян тилни ўргатиш мазмуни, усуллари ва воситаларининг ўзига хос томонларини, ўрганилаётган материал тавсифини монолингвизм (бир тиллилик) ёки билингвизм (икки тиллилик) шартларини, ўқувчи таълими ва интеллекту-

ал-нутқий ривожланиши босқичларини тадқиқ этади. «Лингводидактика» термини 1969 йилда Н. М. Шанский томонидан киритилган ва 1975 йилда халқаро миқёсда тан олинган.

**ЛИНГОФОН ХОНА** — аудитория, у махсус аппаратлар (овоз техникаси, намоён қилиш, кино кўрсатиш воситалари) билан жиҳозланган бўлади ҳамда аудиокурсатув усули билан халқ оғзаки нутқи, она тили адабий нутқи малакаларни эгаллаш бўйича ўқувчилар мустақил ишлари учун самарали шароит яратиш имконини беради.

**ЛИСТИНГ** (инг. listing — листинг; тузилган рўйхат, list — рўйхатдан) — ЭҲМга олинган информацион маълумот; мазкур маълумотли матннинг қоғозга туширилган шакли.

**ЛИЦЕЙ** (юн. Lykeion) — 1) муайян соҳа бўйича фанларни чуқурлаштириб ўргатадиган таълим муассасаси. Гимназиядаги кенг гуманитар таълимдан фарқли ўлароқ лицейдаги таълим анча тор табақалаштирилган бўлади. Масалан, техник-математик лицей, биологик-кимёвий лицей, техникавий ва б. лицейда касб олди тайёрлови ҳам амалга оширилади; 2) тарихдаги биринчи лицей (ликей) Афина яқинидаги қадимги фалсафа мактабидир, унда мил.ол. 335 йилда Арасту ўқиган. Номи мактаб яқинида жойлашган Аполлон Ликейли ибодатхонаси ҳудудидаги Lykeion ўтлоғидан; 3) бир қатор хорижий мамлакатларда ўрта касб-ҳунар таълими муассасаси тури.

**ЛИЦЕНЗИЯ** (лот. licentia — ҳуқуқ, ижозат) — 1) давлат органлари томонидан чекланиши ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ лицензиялаш лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун бериладиган рухсат (масалан, банк, хусусий, нашр, тиббиёт); 2) экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, чекланган миқдорда товарлар олиб келиш ва четга чиқариш учун давлат идоралари томонидан экспорт, импорт, пул валюталарини назорат қилиш мақсадларида бериладиган рухсат; 3) патент билан ҳимояланган шартнома асосида ёхуд давлат идорасининг рухсати билан бериладиган технология, техникавий ва тижорат ахборотларидан фойдаланишга бўлган рухсат; 4) таълимда, Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда белгиланган ва эксперт комиссиясининг хулосаси асосида ваколатли таълимни бошқариш (давлат ёки маҳаллий ўз-ўзини

бошқариш) идоралари берадиган таълим фаолияти олиб бориш учун ҳуқуқ. Таълим муассасаларига бериладиган лицензияларда назорат меъёрлари, ўқитиладиганлар, тарбияланувчиларнинг чегаравий миқдори ва мазкур лицензиянинг амал қилиш муддати кўрсатилади; 5) патент лицензияси — патент эгасига техникавий ҳужжатлар ёки патентланган ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

**ЛИЦЕНЗИЯЛАШ** — муайян операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олишга муайян шартлар асосида бериладиган рухсат (лицензия); бир шахснинг бошқа шахсга ҳуқуқини гонорат ёки лицензиявий *патент*га алмашиш.

**ЛИЦЕНЦИАТ** (лот. licentiatis — рухсат этилган) — Фарбий Европа ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларда биринчи илмий даража; ОТМдаги ўқувнинг 3—4 йилида берилди ва ўрта касб-ҳунар таълими муассасасида ўқитувчилик лавозимини эгаллаш ҳуқуқини беради.

**ЛОГИСТИКА, МАТЕМАТИК МАНТИҚ** — мантиқнинг замонавий шакли, анъанавий мантиқдан аввало ўзининг формаллашганлиги билан фарқланади (айрим фикрларнинг мазмуний томонини эътиборга олмайди, фақат уларнинг синтактик категорияси тузилишидаги боғлилигини назарда тутди). Унинг асосий усули бўлиб мантиқий фарқлаш ҳисобланади, бунда белгилар тизими ва улар билан операцияларни амалга ошириш қоидалари тушунилади.

**ЛОГОПЕД** — тегишли даволаш усулларида фойдаланиб, нуқсонга эга бўлган шахсларнинг нутқидаги камчиликларни аниқловчи ва ташхисловчи ҳамда уларни ўқитувчи мутахассис. Яна қ. *Ўқитувчи-дефектолог*.

**ЛОЙИҲА** — ўйланган нарсанинг моҳиятини очиб берувчи тавсиф, асослаш, ҳисоб-китоб, чизмалар шаклини олган фикр, фоя, образ ва унинг амалга оширилиш имконияти.

**ЛОНГИТ ТАДҚИҚОТ** (инг. longitudinal — бўйлама) — айна бир объектни узоқ вақт давомида тадқиқ этиш, бу инсон ҳаёт цикли давлари ёш ва индивидуал жиҳатдан ўзгариши диапазонини белгилаш имконини беради (метод сўзининг ўзбек ти-



лига таржимаси — бўйлама кесишлар). Бир неча йиллар мобайнида синфда, ўқувчилар гуруҳида юз берадиган ижтимоий муносабатлар ривожини ўрганишда, улар малакасининг ошиб бориши бўйича мутахассислар инфор­мацион сўровларини тадқиқ этиш ва ҳ.к.ларда қўлланади. Лонгит тадқиқотларда айни бир объектнинг ўзгариши, аввало, вақт функцияси сифатида қаралади. Педагогик тадқиқотларда объект фақат қисман сақланиши мумкин, ўзгариши эса ташқи шароит ўзгариши билан боғлиқ тарзда интерпретирланган бўлиши мумкин.

**ЛОТИНЧА, ЛОТИН АЛИФБОСИ** — ҳарфлар асосидаги ёзув, бундан Қадимги Рим (мил. ав. 4—3 асрлар)да фойдаланилган; Ғарбий Европа халқларининг кўпчилигида сақланиб қолган, дунёдаги кўпгина тиллар ёзуви­га асос бўлган. Ўзбекистонда 1929—1940 йиллар орасида лотин графикасига асосланган алифбо қўлланган. 1993 йил 2 сентябрда лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифосига қайта ўтилади ҳамда 1995 йил 6 майда унга қисман ўзгартиришлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан қабул қилинади.

**ЛУҒАТ** — 1) лексика, сўзнинг луғат таркиби; 2) муайян адабий йўналиш учун хос бўлган сўзлар мажмуи, алоҳида бадиий асарнинг луғат таркиби, у ёки бу ёзувчининг тил бойлиги; 3) маълумотнома китоб, муайян тамойил бўйича жойлаштирилган ва уларнинг маънолари, қўлланиши, келиб чиқиши, бошқа тилга таржима қилиниши (лингвистик луғатлар) ёки тушунчалар, ўзи атайдиган нарсалар ҳақида, фан маданиятнинг бирор соҳасидаги арбоблар (энциклопедик луғатлар) ҳақида маълумот беради, сўзлар (морфемалар, сўз бирикмалари, идиомалар ва ҳ.к.) йиғиндисидан иборат бўлади.

**ЛУҒАТ БОЙЛИГИ** — маъносини муайян шахс тушунадиган ва тушунтириши мумкин бўлган табиий тилга оид сўзлар мажмуи. Булар *актив*, яъни қундалик сўзлашувда ва ёзиш­маларда қўлланадиган сўзларга ва *пассив* — ўқиганда ва оғзаки ҳолатда тушуниладиган сўзларга бўлинади.

**ЛЎНДАЛИК, ЛОКАНИЗМ** (юн. lokonismos) — фикрни баён этишдаги қисқалик ва аниқлик; ривоятларга кўра қадимги Локония аҳолиси спарталиклар шундай хусусиятга эга бўлган.

**МАВҚЕ** — қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқадиған ҳуқуқ ва мажбуриятлар, масъулият, ваколатлар, қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома, уставларда тавсифланадиган ва белгиланадиган ташкилотлар, корхоналар, шахсларнинг ҳуқуқий мақоми.

**МАВЗУЛИ РЕЖА** — ҳам талабанинг максимал ўқув юкламаси, ҳам аудитория машғулотлари ҳисоб-китобидан келиб чиқиб фанларнинг қисмлари ва мавзулари бўйича ўқув соатлари тақсимланишини белгиловчи программа қисмлари ҳамда мавзуларини тадрижий ўрганишни очиб берувчи ҳужжат. Таълим муассасаси ўқув фани намунавий программасига қиёсан қўшимча мавзуларни киритиш ҳуқуқига эга, лекин бунда тайёрлов даражаси давлат талаблари, шунингдек, таълим муассасасининг ўзи томонидан белгиланган талабаларни тайёрлаш даражасига бўлган талаблар билан белгиланади.

**МАГИСТР** (лот. *magister* — бошлиқ; мураббий, ўқитувчи) — кўпгина хорижий мамлакатлар кўп босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи, ўрта (бакалавр ва фан доктори оралиғидаги) илмий даража, университет ёки коллежни тугатган, бакалавр даражасига эга бўлган шахсларга бир-икки йиллик таълимдан сўнг ва ошкора диплом ҳимояси ёки магистрлик диссертациясини ёқлагандан сўнг берилади. Ўзбекистонда магистр — икки босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи академик даража, бакалавр академик даражасига эга шахсларга икки йиллик таълимдан ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг берилади.

**МАГИСТРАТУРА** — кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларида тугалланган олий таълимга эга (бакалавр даражасини олган) мутахассисларни тайёрлаш тизими ва шакли. Ўқув муддати 1-2 йил, диплом ёки магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинади (қ. *ординатура*, *аспирантура*, *докторантура*). Ўзбекистонда магистратура — бакалаврият негизида 2 йилдан кам бўлмаган муддатли таълимдан иборат муайян ихтисослик бўйича назарий ва амалий олий таълим.

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ** — ички яхлитликка эга ва танланган мавзунинг йўналишини ҳамда ишланма натижаларини акс эттирувчи илмий-тадқиқот, илмий-техникавий, илмий-методик ёки ижодий-амалий тавсифдаги тугалланган битирувчи иши. Магистрлик диссертацияси ошқора ҳимоя этилади.

**МАДАНИЯТ** — кишилик жамияти томонидан бунёд этилган ва унинг ривожланиши муайян даражасини тавсифловчи моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи; таълим соҳасидаги маданият, бу — инсоният тўплаган ижтимоий тажрибани ўзлаштириш даражаси билан тавсифланадиган шахснинг ривожланиш миқёси ва уни бойитишга бўлган уқуви.

**МАДАНИЯТ ИЖТИМОИЯТИ** — ижтимоият усулларини маданиятнинг ривожланиши ва амал қилишини тушунтиришга тадбиқ этиш, шу билан бирга маданиятнинг асосида уни намоён этувчи кишилар гуруҳининг умумийлик шакллари ётади деб тахмин қилинади.

**МАДАНИЯТ ПСИХОЛОГИЯСИ** — психология соҳаси, унинг вазифаси психологик нуқтаи назардан инсон маданияти (санъат, дин, тил, иқтисод, жамият ва ҳ.к.) турли томонларини тушунтиришдан иборатдир. Маданий қадриятларни яратувчи ва қайта тиклашдан иборат инсондаги хислат ва хусусият, шунингдек, бу қадриятларни ҳаёт фаолиятига таъсир этиши маданият психологиясининг предмети ҳисобланади.

**МАДРАСА** (ар. дарс, ўрганишдан) — ўрта (олий) диний мактаб. Ўқиш муддати 3-5 йил; толиблар ёши 15 дан 30 гача. Кўпчилик мадрасалар асосан диний билимлар берган ва диний арбоблар тайёрлаган, шу билан бирга баъзи мадрасаларда замонавий билимлар ҳам ўргатилган.

**МАЖБУРИЙ ФАНЛАР** — таълим программасининг асосий қисми, буларни ўзлаштириш кейинчалик яқуний аттестация топшириш билан бирга таълим муассасасини тугатганлик ҳақидаги ҳужжатни олишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

**МАЖБУРИЙДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ** — тўлиқ ўрта мактаб курсининг бир қисми, ҳамма қатнашиши учун мажбурий бўлган даврдан кейин келади.

**МАЗМУН** — 1) ҳодиса, хабар, хатти-ҳаракатнинг моҳияти, бош, асосий (баъзан яширин) мазмуни.; 2) индивид учун у ёки бу ҳодиса, хабар ёки ҳаракатнинг аҳамиятлилиги, уларнинг инсон манфаатлари, эҳтиёжларига муносабати. «Мазмун» тушунчаси фанларно ҳисобланади ва одатда, «маъно» тушунчаси ўрнида ҳам қўлланади.

**МАКЕТ** (фр. maquette) — 1) архитектурада лойиҳаланаётган ёки мавжуд иншоот, ансамбл, мужассаманинг қўламли-фазовий тасвири, кичик ҳажмда бажарилади; 2) педагогикада, ниманингдир модели, нарсанинг кичрайтирилган ҳажмларда ифодаловчи бошлангич намуна; таълим жараёнида кўргазма қўлланма сифатида фойдаланилади (яна қ. *Муляж*); *полиграфияда*, китоб ёки журналнинг бошлангич (адад тайёрлангунга қадар бўлган) намунаси, шунингдек, бўлажак нашр ўлчамидаги матннинг босилган қисмлари ва тасвирлар елимланган қоғоз варақлар (саҳифа макети).

**МАКСИМА** (лот. maxima (regula) ёки maxima (sententia) — асосий, олий тамойил, амал қилинадиган қоида) — қисқача ваъз, турмуш ахлоқи қоидаларини аниқ ифодалайди; инсон ўз хатти-ҳаракатида амал қиладиган ҳулқ-атвор қоидаси ёки асосий тамойил.

**МАКТАБ** — ўқув-тарбия муассасаси, педагог раҳбарлиги остида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни амалга оширади. Давлат, хусусий шахслар ёки жамоатчилик ташкилотларининг маблағлари ҳисобига фаолият юритади. Бериладиган билимлар тавсифи бўйича мактаблар умумтаълим ва ривожланишда орқада қолган ўқувчилар учун махсус мактабларга ажралади; бериладиган таълим даражаси бўйича бошлангич ва умумий ўрта таълим мактабларига бўлинади; динга муносабати бўйича дунёвий ва диний таълим мактаблари фарқланади.

**МАКТАБ ДАРСЛИГИ** — мактаб ўқувчиларини ўқитиш учун мўлжалланган китоблар. Ўқувчиларнинг таълимий тайёрлаш даражасига, уларнинг ёш имкониятларига мос бўлган ўқитишнинг у ёки бу босқчида ўрганилиши лозим бўлган муайян тарзда сараланган ва мунтазамлаштирилган материалларга эга бўлади.

**МАКТАБ ИСЛОҲОТИ** — мактаб тизимини ўзгартиришга қаратилган қонунчилик асосидаги ва маъмурий тадбирлар мажмуи; ижтимоий ривожланиш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ташкил этилганлик даражаси билан белгиланади.

**МАКТАБ КОНТИНГЕНТИ** — умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар миқдори. Мактаб контингентининг миқдори таълим курсининг давомийлигига, мактаб тармоқларига ва унинг оқилона тузилганига, фуқароларнинг умумий таълим олиш имкониятларига ва бошқа омилларига боғлиқ. Мактаб контингенти таълим муассасаларининг тармоғини, уларнинг тузилиши ва турларини, ўқитувчи мутахассисларга талабини, мактаб биналарининг қурилишини, ўқув жиҳозларининг тайёрланиши ва ҳ.к.ларни ҳисоблаш ҳамда режалаштиришда асос миқдор ҳисобланади.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ** — ташкиллаштирилган таълимнинг биринчи босқичи (0 босқич); бу босқичнинг программаси биринчи галда болаларни мактабга тайёрлашга йўналтирилган бўлади, яъни мактаб ва уй шароитини, айтиш мумкинки, боғловчи кўприк вазифасини ўтайди (ақлий ва жисмоний жиҳатдан орқада қолган болаларнинг ташкиллаштирилган таълимининг биринчи босқичи ҳам шунинг таркибига киради). Мактабгача таълим икки мақсадга қаратилган бўлади: болаларни назорат остида сақлаш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ва ақлий ривожлантириш. МСКО доирасида мазкур босқич учун белгиланган ёш у ёки бу йилнинг 31 декабригача 3 йил ҳисобланади.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ УМУМТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИ** — давлат таълими ҳужжатлари, мактабгача таълимнинг мазмунини белгилайди, боланинг ёш пайтида жисмоний, маънавий ва ақлий ривожланишига замин тайёрлайди.

**МАКТАБ-СЕМИНАР** — билимга касбига қўра ёки бошқа эҳтиёжлари асосида талабгор бўлган шахсларни қисқа муддатли ўқитиш шакли. Машгулотлар иш ўйинлари ва бошқа фаол усуллардан фойдаланиб, маъруза-семинар шаклида ўтади. Курсларни ўтиш вақтга нисбатан узайтирилган бўлиши мумкин

ва белгиланган мунтазамликда — ҳафтада, ойда, учойда бир марта амалга оширилиши мумкин.

**МАКТАБШУНОСЛИК** — педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, бутун мамлакат миқёсида ёки айрим ҳудуд бўйича мактаб ишини ташкиллаштириш масаласи билан шуғулланади. Ўрганиш предмети қуйидагилар: умумтаълим мактабларининг жойлашганлиги, уларни бошқариш фаолиятини молиялаш.

**МАЛАКА** — ҳаракат, уқув, булар узоқ вақт такрорлаш натижасида ихтиёрсиз амалга ошувчан бўлади, яъни қисмма-қисм онгли равишда тўғрилаш ва назоратни талаб этмайди. Гарчи уқув бошланғич эсада, барибир ҳар бир янги уқув аввал маълум бўлмаганга маълум бўлганни онгли равишда қўшишининг маҳсулидир, малака эса айни бир ҳаракатни такрорлаш натижаси. Малака консерватив, у ижодга тўсқинлик қилади; унга эга бўлиш уқувга эга бўлишдан қийинроқ, аммо зарур ҳолларда ундан қутулиш ҳам осон эмас. Инсоннинг бутун хилма-хил фаолиятини малака ёрдамида куриш мумкин эмас, шунинг учун уқув инсон фаолиятида устувордир, малака эса техникавий асосни ташкил этади, яъни ўқув ёки меҳнат ҳаракатини хатосиз кўп марта бажариш қобилиятидир. Перцептив малака автоматлаштирилган, яхши таниш бўлган, илгари кўп марта қабул қилинган предмет хосса ва тавсифининг ҳиссий ифодасидир. Интеллектуал малака илгари учраган топшириқни автоматик ечиш усули ва йўсинидир. Ҳаракатлантирувчи малака автоматлаштирилган, илгари кўп марта амалга оширилган, ташқи муҳитга уни ўзгартириш мақсадида ҳаракат ёрдамидаги таъсирдир.

**МАЛАКА** — индивиднинг касбий фаолиятга тайёрланганлиги; ходимнинг муайян ишни бажариши учун зарур бўлган билими, малака ва кўникмалари. Ходимнинг малакаси улар тарификациясида акс этади (унинг малакасига, иш мураккаблигига, бажарувчининг аниқ ва масъулиятлилигига боғлиқ ҳолда ходимга тариф даражаси/синфини белгилаш).

**МАЛАКА ДАРАЖАСИ** — малаканинг муайян босқичи доирасидаги касбий маҳорат даражаси. Малака даражаси индивиднинг ўқитилганлигига боғлиқ ва ҳажм, кўлам, билим ва

уқув сифати каби меъёрлар билан тавсифланади. Малака даражаси — шахсий тавсиф ва меҳнатга ҳақ тўлаш дифференциацияси масаласини ҳал этиш, ходимларга даража ва тоифа беришда ҳисобга олинади.

**МАЛАКА ДАРАЖАСИ** — умумий ва касб-ҳунар таълимининг ҳажми ва нисбатини ифода этувчи ҳамда тегишли ҳужжат (гувоҳнома, сертификат, диплом) олиш билан яқунланувчи узлуксиз олий таълим тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш босқичи.

**МАЛАКА ОШИРИШ** — таълим стандартларининг мунтазам такомиллашуви ва касб вазифасини бажаришнинг замонавий усулларини ўзлаштириш зарурати туфайли олий ва ўрта махсус, касбий ўқув муассасалари ўқитувчилари, раҳбарлари ҳамда иқтисод соҳаси мутахассисларининг назарий ва амалий билимларини узлуксиз янгилаш. Меҳнат самаралилигини ошириш мақсади бўлиб ҳисобланган илғор тажрибани ўзлаштириш шаклларида бири; тегишли босқичларда таълим муассасаларида босқичма-босқич ўқитиш йўли билан узлуксиз таълим тизими доирасида амалга оширилади.

**МАЛАКА ОШИРИШ ВА КАСБИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТАРМОҚЛАРАРО МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ** — таълим муассасаси, унинг фаолияти минтақада жойлашган таълим муассасалари қўшимча касбий таълими, илмий-методик ва ахборот таъминоти, минтақанинг кадрлар малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлашга бўлган талабини, уларнинг қайси ташкилот тасарруфида эканлигидан қатъий назар, эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган.

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ** — турли ихтисосликлар ва малака тоифаси даражасидаги ходимлар даврий касбий ўқуви учун мўлжалланган мунтазам асосда фаолият кўрсатадиган таълим муассасаси.

**МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ** — замонавий таълим технологияси ва таълим жараёнларида ривожланувчи усуллар асосида илмий-касбий билимлар соҳасида ўқитувчилар малакасини оширишни амалга оширувчи олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмаси.

**МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ** — ўқув жараёнининг бир қисми, назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш, таълим программасининг муайян (якуний) қисми мавзуи бўйича материаллар йиғиш учун ўтказилади.

**МАЛАКАВИЙ ДАРАЖА** — ишчи малакасининг даражасини белгиловчи кўрсаткич; таъриф-малака маълумотномасига асосан ишнинг мураккаблиги, масъулиятлилиги, шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

**МАЛАКАВИЙ МЕХНАТ** — махсус тайёргарлик, ходимда муайян тур ишларни бажариш учун малака, ўқув ва билим бўлишини талаб этадиган мураккаб меҳнат. Вақт бирлиги мобайнида малакасиз (оддий) меҳнатга кўра катта қийматга эга бўлади.

**МАЛАКАВИЙ ТАВСИФ** — меъёрий ҳужжат, ихтисосликлар ва кадрлар тайёрлашга талаблар бўйича меҳнат фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш техникавий, ижтимоий-психологик ва психофизиологик тавсифидан иборатдир; таълим мазмунини белгилашда ахборот асоси бўлиб хизмат қилади; касбга йўналтириш ишларида фойдаланилади.

**МАЛАКАВИЙ ТАЛАБ** — узлуксиз таълимнинг тегишли босқичини битирувчининг умумий маълумотлилиги ва касбий тайёргарлигига бўлган талаблар.

**МАЛАКАЛАРНИНГ ЎТИШИ** — бошқа ҳаракатларни эгаллашга ижобий таъсир этувчи ўзлаштирилган малакалар. Масалан, машинанинг бир турида муваффақиятли ишлаётган тажрибали ишчи, бошқа тур ишлашни янги ишчига нисбатан анча тезроқ ўзлаштиради; бир неча чет тилини биладиган киши янги тилни биронта ҳам чет тилини билмайдиган кишига нисбатан осон эгаллайди. Малакаларнинг ўтиши аввало, янги ҳаракат ўзлаштириб олингани билан кўпгина умумийликка эга бўлганда кўринади; инсон янги ўрганган ҳаракатларни бажаришда ўзининг аввалги тажрибасига суянади, ўқувга қанча кўп эга бўлинса, янги малака ҳам шунча тез ўзлаштирилади.

**МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИНИНГ МАВЖУДЛИГИ** — қуйидаги даражалар бўйича малакасига мувофиқ ўқитувчилар таркибини тақсимлашни тавсифловчи кўрсаткич: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва бошқалар.



**МАНТИҚ** — 1) тўғри, яъни мантиқий фикрлаш қобилияти; 2) тафаккур қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан; 3) ички қонуният, боғлилик.

**МАНФААТ** — 1) *социологияда*, *иқтисодда*, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар бевосита туйғулари — мотивлар, ғоялар ва ҳ.к.лар асосида ётувчи ижтимоий ҳаракат сабаблари; манфаатнинг объектив асоси — мазкур жамият иқтисодий муносабатлари, синф ёки ижтимоий гуруҳнинг моддий ва маънавий қадриятлар мажмуига муносабати; 2) *психологияда*, шахснинг нарсага ўзи учун қимматли, жозибали нарсадек муносабати. Манфаатнинг мазмуни ва тавсифи ҳам инсон мотивлари, эҳтиёжларининг тузилиши ва динамикаси билан, ҳам ўзи эгаллик қилган борлиқни ўзлаштириш шакл ва воситаси тавсифи билан боғлиқдир. Манфаатни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда шакллантириш тарбия ва таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

**МАНФААТДОРЛИК** — муайян ҳаракатни амалга оширишда манфаатнинг мавжудлиги, бирор фаолиятда иштирок этиш боиси сифатидаги унинг аҳамияти; психологик-педагогик — нарса, мавзу, муаммо ёки масаланинг айрим ўқув фанида муҳассамланиши ва ижтимоий-иқтисодий — моддий ва бошқа тарздаги ижтимоий неъматлар мажмуи сифатидаги фаолият билан боғлиқ фойда. Таълим олаётган маҳсулдор ўқув фаолиятдан манфаатдор, чунки унинг иқтисодий муваффақияти, ижтимоий мавқеи, шахс сифатида ривожланиши унинг натижаларига боғлиқ.

**МАОРИФ** — таълим фаолиятининг бир тури. Асосий вазифаси замон талабларига жавоб берувчи ва ҳаётни умуман ёки унинг айрим томонини тўғри тушунишга кўмаклашувчи маданият ютуқларини ва билимларни кенг ёйиш, шунингдек, у ёки бу ғояни тарғиб қилиш, уларни амалга оширишда қатнашишга жалб этиш мақсадларида кишилар онгига сингдириш; маърузалар, даъват, суҳбат, диспут, турли оммабоп нашрлар, оммавий ахборот воситаларидаги эшиттириш, кўрсатув ва мақолалар воситасида амалга оширилади.

**МАРКАЗСИЗЛАШТИРИШ** — бошқарув тизими, бунда марказий идоралар функциясининг бир қисми маҳаллий идоралар зиммасига юкланади, юқори идоралар ҳисобидан қуйи бошқарув идоралари ваколат доирасининг кенгайтирилиши. Термин маъноси мажбурият, ваколат ва масъулиятнинг шундай тақсимланиш турини англатадики, бунда бошқарувнинг ҳар бир босқичи қатъий белгиланган ва ўзига хос функцияни бажаради ҳамда бошқаларнинг ваколатига аралашмайди. Марказсизлаштиришнинг вазифаси — таълимни бошқариш жараёни, бир томондан ягона умумдавлат таълим стратегияси ва сиёсатини самарали ишлаб чиқиш ҳамда муваффақиятли амалга оширишга, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимият идоралари ва таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган ижобий ташаббусларнинг эркинлиги ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш даражасини оширишга имкон берувчи самарали асосга қўйиш.

**МАРКЕТИНГ** (инг. market — бозор, сотиш) — 1) товарлар, хизматлар, қимматдор қозғалар бозори соҳасидаги фаолият, товарларни сотишни рағбатлантириш айирбошлашни ривожлантириш ва жадаллаштириш мақсадларида амалга оширилади; максимал фойда олиш мақсадида товарлар ва хизматлар бўйича харидорлар талабини қай даражада эканлигини ўрганишга йўналтирилади; 2) корхона, фирмаларнинг бозор шароитларини ҳисобга олиш ва унга фаол таъсир этиш воситасида фойдани максималлаштиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини стратегик бошқариш тизими.

**МАСЛАҲАТЧИ** — бирор соҳа бўйича мутахассис, ўз ихтисослигига тааллуқли масалалар бўйича маслаҳатлар, кўрсатмалар, хулосалар беради. Педагогика амалиётида мазкур термин қуйидаги маъноларда қўлланади: а) мустақил таълим олиш билан шуғулланаётган шахсга тавсиялар берувчи ваколатли шахс; б) сиртқи таълим тизимида талабага ҳар томонлама вақти-вақти билан ёрдам кўрсатувчи лавозимдор шахс; в) таълим хизмати бозорини яхши билувчи ва шундай хизматни талаб этувчиларга маслаҳатлар берувчи мутахассис.

**МАСОФАДАН БОШҚАРИШ** — бошқарув жойидан узоқда жойлашганларни турли қурилмалар, машиналар ва ҳ.к.лар ёрдамида бошқариш.

**МАСЪУЛИЯТ** — шахснинг ўз-ўзини бошқариш шакли, ўзини амалга оширган хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибатига сабаб деб билишда намоён бўлади, шунингдек, атроф муҳитда ва шахсий ҳаётидаги ўзгаришлар (ёки ўзгаришларга қаршилиқ қилиш) сабаби бўлишдаги ўз қобилиятини тушуниш ва назорат қилишда акс этади. Ижтимоий масъулият — инсоннинг ўзини тор худбин манфаатларга эмас, балки бошқа кишилар манфаатларига ва умуман ижтимоий манфаатларга мувофиқ тутишга мойиллик, қабул қилинган меъёрларга амал қилиш масъулиятнинг кўплаб учрайдиган шакллари билан бири ҳисобланади.

**МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАШ** — бизнинг фаолиятимиз муҳит ёки вазиятга боғли эмаслигини англаш; биз фақат ўз хатти-ҳаракатларимиз учун жавоб беришимиз мумкингина эмас, балки шартлигини ҳам идрок этиш.

**МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ, ОММАВИЙ АХБОРОТЛАР ЭРКИНЛИГИ** — инсоннинг энг қадимий конституциявий мустақкамланган ҳуқуқларидан бири ва анча умумий ҳуқуқ — баён этиш эркинлигининг таркибий қисми ҳисобланувчи фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи. Биринчи бўлиб, Францияда, Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (1789 й.)да эълон қилинган. Матбуот эркинлиги деганда оммавий ахборотларни босиш воситаси (газеталар, журналлар ва ҳ.к.лар) эркин таъсис этиш, ҳар қандай нашр маҳсулотини нашрдан чиқариш ва тарқатиш эркинлиги, назоратни таъқиқлаш ҳуқуқи тушунилади. Демократик давлатларда қонун йўли билан бир қатор чеклашлар ўрнатилади; бу чекловлар рўйхати сўз эркинлиги (қ. *Сўз эркинлиги*) дагига айнан ўхшаш. Дунёда янги-янги оммавий ахборот воситалари (телевидение, радиоэшиттириш ва б.)нинг пайдо бўлиши билан янги тузилган конституцияларда «матбуот эркинлиги» ибораси, одатда, «оммавий ахборот эркинлиги» тушунчаси таркибига сингдириб юборилган.

**МАТЕМАТИКА** (юн. mathēmatikē, mathēma — билиш, фандан) — 1) моддий дунёдаги миқдор муносабатлари ва фазовий шакллар ҳақидаги фан; 2) педагогик таълим соҳаси, ўқув фанлари ва алгебра, геометрия, бошланғич таҳлил, математика муҳассаса курси, статистика, эҳтимоллик назарияси, мантиқ ва

бошқа математика курслари бўйича бирлаштирилган курсларни ўз ичига олади.

**МАТЕРИАЛИЗМ** (лот. *materialis* — моддий) — фалсафий йўналиш, унинг таълимотича олам моддийдир, объектив мавжуд ондан ташқарида ва ундан мустақил, материя бирламчи, у яратилмаган, абадий мавжуд, онг, тафаккур материяга хос, олам ва унинг қонуниятларини билиш мумкин. Материализм учун табиий фанлар, техникани қадрлаш ҳамда инсон ақлини улуғлаш хос; материализмнинг зидди идеализмдир.

**МАТН** — 1) сўзларда баён этилган, тугалланган асар, ҳужжат ёки (расм, чизма, эслатмалар ва ҳ.к.лардан фарқли ўлароқ) унинг қисми; муаллифнинг ўз сўзи, иштибоҳ; 2) семиотика, информатикада *символлар* (гаплар, сўзлар)нинг мазкур тил қоидалари бўйича қурилган кетма-кетлиги, тизимлар ва хабар ҳосил қилувчилар.

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ** — тарбияланувчиларда дунёқараш, эътиқод, мавжуд ҳодисаларга эмоционал муносабат асосларини шакллантиришни кўзда тутувчи ижтимоий ҳаёт жараёнидаги тарбия.

**МАФКУРАВИЙ ТАЪЛИМ** — табиат ва жамият ривожланиши қонунлари ҳақидаги асосий, етакчи, тизим ҳосил қилувчи, турли идеологик йўналишларни билиш ҳамда уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш тизимини эгаллаш.

**МАХСУС БИЛИМЛАР** — айрим операциялар ва ишлар турларини бажариш учун қўлланадиган ускуналар, асбоблар ва мосламаларнинг тузилиш моҳиятини очишга кўмаклашувчи билимлар, улардан фойдаланиш қоидалари, технологик жараёнлар, буюм тайёрлашнинг ўзига хослиги.

**МАХСУС ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ** — ривожланишда орқада қолган ўқувчилар учун таълим программасини амалга оширишга белгиланган таълим стандартлари.

**МАХСУС ТАЪЛИМ** — халқаро термин, одатдаги ўқувчилардан фарқ қилувчи шахслар учун мўлжалланган таълим муассасасини аташда қўлланади. Булар жисмоний кам-

чилиги бўлган ёки ақлий жиҳатдан ривожланишда орқада қолган, шунингдек, экстраординар ақлий қобилиятга эга шахслардир. Махсус таълим контингентини алоҳида шароитларда ўқитиладиган, алоҳида ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлганлар ташкил этади.

**МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, КОРРЕКТИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** — психик ва жисмоний жиҳатдан камчилиги бўлган тарбияланувчилар учун таълим муассасаси.

**МАХСУС ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖИ** — жисмоний ёки ақлий камчиликка эга болалар ва ўсмирлар, шунингдек, қандайдир сабабга кўра мактабни тугата олмаган болалар учун зарур бўлган қўшимча таълим тадбирлари ёки қўллаб-қувватлов.

**МАШҒУЛОТЛАР ТАҲЛИЛИ** — ўқув машғулотини тўлиқ ва унинг таркибий қисмларини ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш, улар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадларида тадқиқ этиш ва баҳолашга йўналтирилган таълим муассасасидаги методик иш турларидан бири.

**МАШҚ** — 1) бирон малака ўқувни эгаллаш ёки уни такомиллаштириш учун мунтазам машқлар; 2) мусобақа бошланишига юқори даражада меҳнатга лаёқатли бўлишга эришиш мақсадида куч, тезлик, эпчилик ва абжирликни намоён этиш учун барча аъзоларни режа асосида максимал даражада тайёрлаш.

**МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ** — билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий ўқув ва малакаларни ҳосил қилиш учун мўлжалланган муайян ўқув фани (математика, физика ва б.) бўйича топшириқ ва машқлар мажмуи. Машқлар тўпламига қўйиладиган асосий талаблар: а) ўқув программаси ва ўқув бўйича фанга оид дарсликка мувофиқлик; б) мазмунининг илмийлиги; в) мураккаблик ва абстрактлик даражасига боғлиқ ҳолда машқ ва топшириқларнинг танланиши ҳамда жойлаштирилиши; г) таълим ва тарбия мақсадларига мувофиқлик, атроф олам билан боғланишга қаратилганлиги; д) мантиқий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилганлиги; е) тилнинг равонлиги, соддалиги ва баённинг аниқлиги.

**МАЪЛУМОТ ОЛИШ** — фуқаро (таълим олувчи)нинг муайян таълим гувоҳномасига эришиши ва эга бўлиши, бу тегишли ҳужжат билан шаҳодатланади.

**МАЪЛУМОТЛАР** — *информатикада*, инсоннинг иштирок этиши ҳам назарда тутилган автоматик воситалар учун яроқли тарзда берилган ахборот.

**МАЪЛУМОТЛАР ҲУҚУВ ЖАМЛАНМАСИ (МҲЖ)** — ўқитиш программавий тизими, билим бериш воситаси, айрим фанлар соҳасига қаратилган бўлади. МҲЖ қуйидагиларни таъминлайди: маълумотлар жамланмасини шакллантириш; мавжуд маълумотлар (қидириш, таҳлил ва маълум белгилар бўйича такомиллаштириш) жамланмасини ишлаб чиқиш; матн таҳриридан, натижалар назоратидан, иш чекловидан фойдаланиш. МҲЖни мустақил таълим воситаси сифатида ахборотларнинг ишлаб чиқиш бўйича ишларни амалга оширишга тавсия қилиш мумкин.

**МАЪЛУМОТЛАР ЖАМҒАРМАСИ** (инг. data bank) — 1) бирор комбинат, муассаса, бошқарув идораси ва ҳ.к.ларнинг муҳим ахборотлари тўлиқ сақланадиган марказ, бу мазкур марказга боғланган фойдаланувчилар ушбу жамғармадан тезликда фойдаланишлари учун имкон беради; 2) бир фан соҳаси маълумотлари мажмуи (масалан, файллар, маълумотлар жамланмаси); 3) *иктисодда*, кўпчилик истеъмолчилар жамоавий фойдаланиши учун мослаштирилган иқтисодий маълумотлар мажмуининг тегишли тарзда ташкил этилганлиги. Маълумотлар жамғармаси электрон ҳисоблаш техникаси ва ахборотни сақлаш ва беришнинг автоматлаштирилган воситасидан фойдаланиб яратилади.

**МАЪЛУМОТЛАР ЖАМЛАНМАСИ (МЖ)** (инг. data base) — 1) тўплаш, узоқ муддат сақлаш ва фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотларнинг ЭҲМ ташқи хотирасида жамланиши; 2) амалий программаларга боғлиқ бўлмаган маълумотлар тавсифи, сақланиши ва манипуляцияси умумий тамойилларини кўзда тутувчи муайян қоидалар бўйича ташкил этилган маълумотлар мажмуи; фанлар соҳасининг ахборот модели ҳисобланади. Маълумотлар жамланмасини бошқариш тизими ёрдамида МЖ га мурожаат этиш амалга оширилади; 3) таҳлил ва ҳисоб-китоблар вақтида фойдала-

ниладиган маълумотлар, кўрсаткичларнинг рақамли қийматлари мажмуи.

**МАЪЛУМОТЛАР ЖАМЛАНМАСИНИ ЮРИТИШ** — *информатикада*, маълумотлар жамланмасини унинг тўлиқлиги, сақланганлиги ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида янгилаб туриш ва тузилишини ўзгартириш бўйича фаолият.

**МАЪЛУМОТЛАР ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ** — талабаларни интерпретация, хулоса ва умумлашмаларни тузишдан иборат фикрий операцияларга ундашга асосланган таълим стратегияси (ўқув жараёнининг кўп учрайдиган модели). Уни амалга ошириш қуйидаги асосий ишларни кўзда тутати: айти бир хил масалалар нуқтаи назари остида танланган мисол (объект, ҳодиса)ларнинг айти бир (ёки ўхшаш) жиҳатларини кўриб чиқиш; нисбий ўхшаш жиҳатлар ва фарқлар ҳақидаги хулосаларни (масалан, турли мамлакатлар таълим тизимига тааллуқли бўлган) умумлаштириш.

**МАЪЛУМОТЛАРНИ КИРИТИШ** — маълумотларни ташувчи, клавиатура ёки бошқа қурилмалардан маълумотлар тизимига бевосита киритиш жараёни; маълумотларни тўғридан-тўғри киритиш, бу тизимга маълумотларни киритишнинг диалогик жараёни ва уларни оператив файлга ёзиш. Маълумотлар оператор томонидан клавиатура ёрдамида киритилиши ёки системага маълумотларни йиғиш қурилмасидан келиши мумкин.

**МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ЖАМҒАРМАСИ** — турли машина ўқийдиган луғат кўлаמידан иборат маълумотлар жамғармаси, буларда тавсифлаш объекти бўлиб, лексик бирликлар ҳисобланади. Булар тезаурслар, рубрикаторлар, терминологик сўзлар, таснифловчилар ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин.

**МАЪЛУМОТЛИЛИК** — шахсий сифат, инсон жамиятдаги ижтимоий тажриба, аввало фан, маданият эришган натижаларни қай даражада ўзлаштириб олганлигини тавсифлайди. Бунда икки кўрсаткич мавжуд: миқдорий — билимлар ҳажми, уларнинг ҳар томонламалилиги, хабардорлик кўлами ва сифат — ҳаётни билиш чуқурлиги, ундаги ҳодисалар ва жараёнларни мустақил таҳлил этиш қобилияти. Термин инсондаги мавжуд

интеллектуал имкониятни амалда қўллашга қобилликни назарда тутмайди, лекин уни истисно ҳам қилмайди.

**МАЪЛУМОТЛИЛИК МЕЗОНИ** — қуйидагиларни ўз ичига олувчи кўрсаткич: инсон операциялар ўтказадиган тушунчаларнинг аниқ ва равшанлиги; тафаккурнинг муайянлиги ва аниқлиги; ҳал этилмаган муаммоларни топа билиш, саволлар қўйиш ва фаразларни илгари суриш уқуви; нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни, жараён ривожланишидаги ҳақиқий йўналишларни идроклаш; мавжуд йўналишларни чуқур таҳлил қилиш асосида ҳодисалар ривожини олдиндан кўра билиш қобилияти; жараёнлар ва меҳнат маҳсулотларининг миқдори ҳамда сифати.

**МАЪЛУМОТНОМА** — илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий ёки маиший тавсифдаги қисқача маълумотлардан иборат нашр; луғатлар, энциклопедиялар, қўлланмалар, атласлар ва б. тарзда, фойдаланиш учун қулай шаклда чиқарилади.

**МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ХОДИМИ (МБХ)** — ходимлар тоифаси, булар ишлаб чиқаришни, тақсимлашни, давлат жамоатчилиқ тизимини, ташкилотлар ва улар техникавий таъминотини бошқариш вазифасини бевосита амалга оширадilar. Булар бошқарув девони ходимлари, маъмурий ташкилот хизматчилари, корхона, фирма ходимлари, корхона ва муассаса бошқарув ходимларидир.

**МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИ** — жамият (шу жумладан иқтисод, мафкура, ижтимоий муносабатлар)ни бошқариш тизими. Бунда тақсимловчи, буйруқ усуллари асосий ўринни эгаллайди ва ҳокимият марказий бошқарув идораси, бюрократик маҳкамада тўпланади. Маъмурий-буйруқбозлиқ тизими учун марказлаштирилган директив лойиҳалаш хосдир. Маъмурий-буйруқбозлиқ тизими тоталитар тартибга таянади, у бошқарувнинг демократик тамойилларига зид келади, эркин бозор, тадбиркорлик, рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

**МАЪМУРИЯТ, БОШҚАРМА РАҲБАРИЯТ** — корхона, ташкилот, фирма раҳбарияти, бошқарув девони; тезкор бошқарувни амалга ошириш, юридик шахс сифатида фаолият кўрсатиш, ташкилот муассаса номидан иш кўришга ваколат



билан таъминланган шахслар доираси. Маъмуриятга одатда раҳбар (Президент, ректор, директор), унинг муовини (вице-президент, проректор), ижрочи директорлар, бош бухгалтерлар, етакчи менежерлар тааллуқли ҳисобланади.

**МАЪНАВИЙ ҚОНУН, АҲЛОҚИЙ ҚОНУН** — яхшилик қилиш ва ёмонлик қилмаслик ҳақидаги қоида. Маънавий қонун эркинлик туфайли каузал (сабаб оқибатли) ҳисобланади ва шунинг учун ҳеч қандай шартларсиз, қатъий бўлади, эмпирик мақсадлар билан ҳисоблашмайди.

**МАЪНАВИЙ ҲИС-ТУЙҒУ, АҲЛОҚИЙ ҲИС-ТУЙҒУ** — инсонлар оламдаги ҳодисаларни тасаввур этишларида ўз бошларидан кечирадиган ҳиссиёт ва бу ҳодисаларни жамият томонидан яратилган меъёрлар билан таққослаш. Маънавий ҳис-туйғуларга бурчни ҳис этиш, инсонпарварлик, ҳайрихоҳлик, севги, дўстлик, ватанпарварлик, ачиниш ва ҳ.к.лар тааллуқлидир. Бундай ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши инсон маънавий меъёр ва қоидаларни ўзлаштирганлигини, у нима яхши-ю, нима ёмон эканини, нима эзгу, нима ёвуз эканини билишини кўрсатади. Муайян жамиятдаги тегишли ахлоқий қарашларга кишиларнинг хатти-ҳаракати ва ҳулқ-атворининг мос келиши маънавий, ахлоқий ҳисобланади; бундай қарашларга мос келмайдиган хатти-ҳаракат ахлоқга, маънавиётга зид ҳисобланади.

**МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ** — шахсга етказилган маънавий зарарни шу зарарни етказган шахс томонидан пул эвазига қоплаш.

**МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ** — билимлар кўлами, уларга бўлган қизиқиш ва уларни ўз ҳулқ-атворининг мотиви сифатида танлашда намоён бўладиган қадриятлар ҳамда ахлоқ анъаналарининг жамиятда шаклланган тизимига муносабатнинг муайян даражаси. Маънавий маданият виждон ва номус, яхшилик, севги, дўстлик, қадр-қиммат каби сифатларни гармоник уйғунлаштиради ва қарор топтиради. Шу билан бир вақтда у қарама-қарши унсурларни ҳам ўз ичига олади: ҳасад ва ёвузлик, сотқинлик, худбинлик, нафрат.

**МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ** — кундалик ахлоқий муносабатлар мобайнида амалга ошириладиган тарбия: ахлоқий онгнинг шаклланиши, ахлоқий тафаккур ва масъулиятли танлаш қобилиятининг ривожланиши. Ахлоқийлик, ҳулқ-атвордаги одатлар туғилган пайдан бошлабоқ тарбиянинг мазмунини ташкил этади. Ахлоқий ҳулқ-атворнинг ташқи мезони бўлиб, ижтимоий фикр талабларини бажариш ҳисобланади; ички мезон бўлиб, виждон — инсонда унинг хатти-ҳаракати, тавсифи, маънавий қанотланганлик ҳолати, афсусланиши ва безовталаниши, виждон азоби ва маънавий қийноққа боғлиқ ҳолда инсонда уйғонадиган кучли ҳиссиёт ҳисобланади.

**МАЪРУЗА** — ўқиш, ўқитувчи (маърузачи)нинг ижодий тавсифдаги ўқув материални мунтазам, тадрижий, монолог тарзидаги баёни; таълим усул ва шаклининг таркибий қисми ҳисобланади. Маъруза усули технологияси ўқувчиларга режани хабар қилиш, конспектлаштиришнинг ўзига хосликларини кўрсатиш, асосий хулоса ва умумлашмаларни ажратиш, тақрорлаш, риторик саволлар, тасвирий материалларни кўрсатиш, ўқтин-ўқтин муҳокама қилиш, саволларга жавоблар, резюме ва адабиётнинг қисқача таҳлилини ўз ичига олади. Таълимнинг ташкилий шаклларида бири ва таълим усулларида бири сифатида ўқув режасидаги кўпчилик фанлар бўйича курслар шаклландиган асос сифатида олий мактаб учун анъанага айланган.

**МАЪРУЗА** — етарли даражада академик тайёргарликка эга бўлган шахсларни ўқитишда фойдаланиладиган мустақил ишларнинг бир тури. Аналитик жанр сифатида маъруза тақлиф этилаётган мавзунини чуқур тушунишни, турли мабалардан фойдалана билишни, шунингдек, эмпирик материални таҳлил қила олишни талаб этади; маъруза тайёрлаш тадқиқий фаолият уқуви ва малакани шакллантиради.

**МАЪРУЗА-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР** — таълим шакли, оғзаки баён этилаётган материални тасаввур этиш учун зарур билим ва тажриба заҳирасига эга бўлган кишиларга мўлжалланади. Маъруза бир неча гуруҳдан иборат аудитория учун ўқилади. Семинар машғулотлар битта гуруҳ учун (одатда диалог шаклида) ўтказилади ва маъруза машғулотларда ўзлаштирилганларни назорат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**МАҚСАД** — инсоннинг ҳаракати эришиш учун йўналтирилган фойдали натижалардан фахрланишнинг идрокланган тимсоли. Инсондаги мақсаднинг шаклланиш асоси бўлиб, унинг предмет-моддий меҳнат фаолияти ҳисобланади, у атроф муҳитни ўзгартиришга йўналтирилади.

**«МАҚСАДЛАР ВА ВАЗИФАЛАР ДАРАХТИ»** — қуйидаги мантиқий тарз бўйича тузилган, мақсад ва вазифаларининг мажмуи даражасига асосан шаклланган, тақсимланган программалар: «мақсадлар — программалар — вазифалар, буларни ушбу мақсадларга эришиш учун ечиш керак, — вазифани бажаришни таъминловчи тадбирлар, — тадбирларни ўтказиш учун зарур ресурслар». «Мақсадлар ва вазифалар дарахти»дан программавий-мақсадли режалаштиришда ва мақсадли мужассама программаларни ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланилади.

**«МАҚСАДЛАР ДАРАХТИ»** — бошқарув тизими мақсадлари, программалари, режаларининг мажмуининг иерархик тамойил (яъни даража ва тоифалар бўйича тақсимланиб) ташкил этилганлик, тузилганлик. «Мақсадлар дарахти» ўз ичига бош мақсад («дарахт чўққиси»)ни ва ўзига бўйсунувчи биринчи, иккинчи ва ундан кейинги даражадаги мақсадлар («дарахт шохлари»)ни олади. «Мақсадлар дарахти» номи даражаси бўйича тақсимланган мақсадлар мажмуи тузилишига кўра тунтарилган дарахтни эслатиши билан боғлиқдир.

**МАҚСАДГА ИНТИЛИШ** — фаолиятнинг муайян натижасига шахснинг онгли ва фаол йўналганлиги. Мақсадга интилиш шахснинг иродавий муҳим хусусияти, бошқа барча иродавий сифатларнинг мазмуни ва ривожланиш даражасини белгилловчи ҳисобланади. Стратегик мақсадга интилиш — бунда шахс бутун ҳаёт фаолияти мобайнида муайян тамойиллар ва гоёларга амал қилади, оператив мақсадга интилишга эса айрим ҳаракатлар учун аниқ мақсадлар қўйилади ва буларни бажариш жараёнида бошқа ҳаракатларга ўтилмайди. Мақсадга интилган киши аниқ шахсий мақсадга эга бўлади, нима исташини, қаяққа йўналганлигини аниқ билади.

**МАҚСАДНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ** — инсон фаолиятида янги мақсадларнинг юзага келиш жараёни, тафаккурнинг намоён бўлиши.

**МАҲСУЛДОР ФАОЛИЯТ УЧЛИГИ** — ижтимоий аҳамиятга молик ижобий натижаларга эришишни таъминловчи 3 асосий омилнинг бирлиги. “Малака — ваколатлилик — ижодийлик” тарзида ифодаланади, унинг унсурлари инсон қобилияти ривожининг юқорилаб борувчи босқичларини акс эттиради. Буларнинг биринчиси — субъектни ишчи куч тарзида тавсифлайди, иккинчиси — ходим сифатида, учинчиси — шахс сифатида.

**МЕҲНАТ ЭРКИНЛИГИ** — ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари гуруҳига тааллуқли инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири. Одатда, меҳнатга бўлган ўз лаёқатини эркин тасарруф этиш ҳуқуқини, фаолият ва касб турини эркин танлаш ҳуқуқини, шунингдек, мажбурий меҳнатни таъқиқлашни ўз ичига олади. Қонунда айрим меҳнат эркинликларини чеклаш кўзда тутилади, хусусан, муайян таълим даражаси мавжудлигига бўлган талаб ёки бошқа махсус малакалар (масалан, тиббиёт кўрсатмалари; муайян ёшга етганлик) фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш учун талаб кўзда тутилади.

**МЕҲНАТ БОЗОРИ** — ишчи кучга талаб ва таклиф шаклландиган соҳа. Меҳнат бозори фақат ишчи ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини эгаси ҳисоблангандагина бўлиши мумкин. Меҳнат бозорига муайян ихтисослик ва малака даражасига эга ходимларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёж тузилмаси касбий йўналишдаги таълим хизмати тузилишини режалаштириш учун асос ҳисобланади.

**МЕҲНАТ МАДАНИЯТИ** — ўз меҳнатини режалаштириш уқуви ва одати; оқилона усуллар, замонавий техника ва технологияларни қўллаб, ишлай билиш уқуви; юқори технологик интизом; ишда касбий билимларни қўллай билиш усули; меҳнатни ва иш ўрнини оқилона ташкил этиш; меҳнат хавфсизлигини қоида ва меъёрларига амал қилиш; усқуналар, материаллар, энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш. Касбий таълим самарадорлигининг асосий мезонларидан бири.

**МЕҲНАТ МУОЛАЖАСИ** — жисмоний ёки ақлий камчилиги бўлган шахслар меҳнат фаолиятини мутахассислар кузатуви остида амалга ошириши, булар уларнинг соғломланиши ва лаёқати тиклашига кўмаклашади.

**МЕҲНАТ ПСИХОЛОГИЯСИ** — инсонда унинг меҳнат фаолияти вақтида амалга ошадиган психик жараёнлар ҳақидаги фан. У меҳнат жараёнини таҳлил этади; инсоннинг меҳнат фаолияти психологик ўзига хос жиҳатларини ўрганади; ўқишга, малакалар, машқлар, ишларни алмаштиришга қобилликни тадқиқ этади; меҳнат жараёнини ўрганади; меҳнатни илмий ташкил этиш психологик томонларини ўрганади; иқтисодий ҳаётга тадқиқот натижаларини тадбиқ этади; меҳнат психологияси психологик фанлар тармоғи — инженерлик психологияси, авиация психологияси, космик психология мустақил тармоғи ҳисобланувчи бир қатор қисмларга эга.

**МЕҲНАТ САМАРАЛИЛИГИ** — иш вақтидан оқилона фойдаланиш уқувини тавсифловчи меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи; ишнинг юқори самарали усулларини, меҳнатни ташкил этишнинг энг тежамли йўлларини ўзлаштиришга интилиш. Бир ходим томонидан муайян, қайд этилган вақт (соат, кун, ой, йил)да ишлаб чиқарилган нотурал ёки пул билан ифодаланган маҳсулот миқдори билан ўлчанади; касб-ҳунар таълимининг самаралилиги асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

**МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ** — меҳнатга бўлган онгли муносабатни асосий ҳаётий эҳтиёж сифатида, шунингдек, меҳнатда муваффақиятни таъминловчи меҳнатсеварлик, интилувчанлик, соф виждонлилик, мустаҳкам иймонлилик сифатидаги хусусиятларни тарбиялаш. Меҳнат тарбияси ўқувчиларни фаол меҳнат фаолиятига, касбни онгли равишда танлашга, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишларини ривожлантиришга, техникавий фикрлашга тайёрлаш учун даъват этилган.

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ОПЕРАЦИЯВИЙ-ОҚИМ ТИЗИМИ** — оқим тизимининг бир тури, бунда ишлаётган битта операцияни бажаради ва ўзига ишлаш учун берилган қисмни доимий йўналиш бўйича узатади; ўқувчилар фақат операцияларни бажариш усуллар-

нигина эмас, балки улар ҳар бирининг технологик жараёндаги ўрнини ҳам биледи.

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДГА МУВО-  
ФИҚЛИГИ** — иш бажариш жараёнида иқтисодий жиҳатдан самарали ечимлар қабул қилиш, бажарилаётган меҳнат жараё-  
нининг бажарилишини иқтисодий таҳлил этишга қобиллик.

**МЕҲНАТ ЭТИКАСИ** — қўйилган мақсаддан, маънавий аҳамиятидан қатъий назар инсон меҳнатига нисбатан қўлланади. Меҳнат ижтимоий функция сифатида ўз маъносини йўқотиш хавфи туғилган ҳолларда муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда ақлий меҳнат ва санъат ходимлари меҳнатининг етарлича баҳоланмаслиги ана шу жамиятга хос бўлган меҳнат этикасини таъкидлаш билан қопланиши мумкин. Меҳнат этикасига амал этилмайдиган мамлакатларда меҳнатга гарчи азоб-уқубат сифати-  
да қаралмаса-да, ҳар ҳолда ҳаётни мушкуллаштирувчи машаққат тарзида қаралади ва инсонга ўзи ҳақида ёки ўзининг қалб қувончлари ҳақида қайғуриш имконини бермайди.

**МЕҲНАТ, МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** — ўз моддий ва маъна-  
вий эҳтиёжларини қондириш учун буюмлар, нарсалар яратиш-  
га йўналтирилган инсоннинг онгли, энергия сарфланадиган,  
мақсадга мувофиқ фаолияти. Меҳнат, шу билан бирга, шах  
шаклланишининг асосий йўли; меҳнат жараёнида фақат субъ-  
ектнинг меҳнат фаолияти туфайли у ёки бу маҳсулот яратил-  
майди, балки меҳнатда унинг ўзи ҳам шаклланади, унинг  
қобилияти ривожланади. Меҳнат жараёни 3 унсурдан ташкил  
топади: айни меҳнатнинг ўзидан, меҳнат предметлари ва  
меҳнат воситаларидан; ҳар учаласи ҳам моддий, ҳам идеал  
шаклда намоён бўлиши мумкин.

**МЕҲНАТГА ҚОБИЛЛИК** — инсоннинг меҳнат операцияла-  
рини бажаришга, меҳнат фаолиятида қатнашишга лаёқатлилиги;  
инсоннинг ёши ва соғломлиги билан белгиланади.

**МЕҲНАТГА ҚОБИЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ** —  
ўқувчиларни меҳнат шароитларига барқарор одатланишларини  
шакллантириш ва у билан боглиқ оғир, нохуш ҳиссиётларни  
баргараф этиш. Бу одатлар аста-секин *меҳнатсеварлик* деб  
аталмиш инсоний сифатга айланади.

**МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ЖАМФАРМАСИ** — иш ҳақи, мукофотлар бериш, ходимларга устама тўлашга муайян вақт мобайнида сарфланган корхоналар, ташкилотларнинг пул маблағи миқдори.

**МЕҲНАТДАГИ ИШТИРОК КОЭФФИЦИЕНТИ (МИК)** — ходимнинг меҳнат умумий натижасидаги улушини жамланган миқдорий баҳоси.

**МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ (МИТ)** — куч, восита, вақтдан самарали фойдаланиб касбий таълим давлат стандартлари талабларига мос келадиган малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш учун педагоглар ва умуман таълим муассасалари томонидан олиб бориладиган илмий асосланган ва самарали педагогик, ташкилий, хўжалик-иқтисодий тадбирлар тизими.

**МЕҲНАТСЕВАР, ИШЧАН** — ишга буткул берилиб кетган киши.

**МЕҲНАТСЕВАРЛИК** — шахснинг меҳнат фаолиятига ижобий муносабатидан иборат бўлган хусусий сифат. Адекватлик, ташаббуслилик, соф виждонлилик, берилиб кетишлик ва меҳнат жараёнининг ўзидан завқланишда намоён бўлади. Меҳнатсеварлик меҳнатга нисбатан ҳаётнинг асосий мазмуни, эҳтиёж ва ишлаш одати сифатида муносабатда бўлишни назарда тутди. Меҳнатсеварликни тарбиялаш учун инсон ўз меҳнатининг моҳиятини кўра билиши ва тушуниши ҳамда натижасига эга бўлиши зарур.

**МЕҲР-МУҲАББАТ** — бошқа шахсга, умумий инсонларга ёки гоёга қаратилган интим ва чуқур ҳиссиёт. Инсонга кучирилган муҳаббат бир томондан авлодни давом эттириш тана-қалб тамойилини билдирса, иккинчи томондан қалбмаънавий тамойилни англатади, эга бўлишлик ҳар қандай хоҳишидан озоддир. Этикада меҳр-муҳаббат шахснинг бошқа шахсга нисбатан хайрихоҳлиги. Шахсий меҳр-муҳаббат шахс учун унинг қадриятларига қўшимча, унинг яшашдан мақсадига қўшимча ҳисобланади.

**МЕГАПОЛИС** (юн. *megas, megalus* — катта ва *polis* — шаҳар) — шаҳар турар жойининг энг йирик шакли, шаҳристоннинг атроф аҳоли яшайдиган жойлар билан қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлади.

**МЕДИА-ТАЪЛИМ** (инг. *media education*) — педагогикадаги йўналиш, оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радио, кино, видео ва ҳ.к.) қонуниятни ўрганади. Куйидагилар медиа-таълимнинг асосий вазифалари ҳисобланади: янги авлодни замонавий ахборот шароитларида турмушга, турли ахборотларни қабул қилишга, инсонни уни тушунишга, унинг руҳиятга таъсири оқибатларини англашга ўргатиш, техника воситалари ёрдамида алоқанинг вербал бўлмаган шакллари асосида мулоқот қила билиш хусусиятини эгаллашга тайёрлаш.

**МЕДИТАЦИЯ** (лот. *meditatio* — фикрлаш) — бирор нарса, гоя ва ҳ.к.га ақл билан чуқур берилиш, жадал, чуқур кириб борадиган фикрлаш, бунга ягона объектга диққат эътиборни жамлаш ва эътиборни чалғитадиган ҳам ташқи (товуш, нур), ҳам ички (жисмоний, эмоционал ва б. зўриқиш каби) омиллар барчасини бартараф қилиш йўли билан эришилади; руҳий машқ усули, маданий-тарихий муҳитга боғлиқ ҳолда турли шаклда бўлади. Медитациянинг шарқона тури Ҳиндистондаги йог, Хитойдаги даосизмда намоён бўлади.

**МЕЗОН** (ар. вазн, ўлчов, торозу) — кўрсаткич, белги, бунинг асосида объект, жараён сифатини баҳолаш шаклланади, шундай баҳолаш ўлчови; билиш назариясида ҳолатнинг чин ёки сохталиги.

**МЕЛАНХОЛИК** — хусусият асосий турларидан бири; юқори даражада ҳиссиётли ва паст даражада фаолликка эга бўлган киши; меланхолик тушкунликка берилувчан бўлади, ҳаётни кайфият ва ҳиссиётга кўпроқ бўйсундирилган ҳолда тасаввур этади, ҳаракат ва иродага боғлиқ деб билмайди. Меланхолик гайратсиз, қатъиятсиз бўлиб, тезда толиқади ва ишга кам лаёқатли; унга осон чалғийдиган ва беқарор эътибор ҳамда барча психик жараёнларнинг суст суръати хосдир.

**МЕЛАНХОЛИЯ** (юн. *melas* — қора ва *chole* — суюқлик) — тушкунлик, ўйга толмоқ, ички кечинма, булар тушкун кайфият



остида, ғамгин таассуротлар, кучсиз ирода, ўз қадр-қимматини хис этишнинг кучсизланганлиги ва ўзига ишончнинг бўшашганлиги билан намоён бўлади.

**МЕНЕЖЕР** (инг. manager — бошқарувчи) — 1) корхонанинг мутахассис бошқарувчиси, ишлаб чиқаришдаги ёлланма раҳбар, маъмурий хўжалик соҳасида чекланган мустақилликка эга маъмур; бошқариш соҳасидаги мутахассис; 2) компания, банк, молия муассасаси, уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарияти аъзоси; 3) спортчиларнинг машғулотлари ва чиқишларини ташкил этувчи касбий спортдаги тadbирчи (айниқса, Англияда).

**МЕНЕЖМЕНТ** (инг. management — бошқариш, ташкил қилиш) — 1) бошқарув тизими, корхоналар ва концернлардаги маъмурий раҳбарлик; 2) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани кўпайтириш, корхона, фирмалар ресурс имкониятларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувдаги ходимларни бошқариш тамойиллари, усуллари, йўсинлари, воситалари ва шаклларининг мажмуи.

**МЕНЕЖМЕНТДАГИ ИМИТАЦИЯ** — мавжуд вазиятнинг моделини ишлаб чиқиш жараёни ва вазиятнинг қандай ўзгаришини тушуниш мақсадида эксперимент ўтказиш.

**МЕНТАЛИТЕТ, МЕНТАЛЛИК** (лот. mentalis — ақлий, маънавий) — муайян ижтимоий, миллий-этник ёки худудий жамоа учун хос бўлган, унинг аъзолари фикрлаш тарзи ва руҳиятидаги ўзига хосликларни акс эттирувчи анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларда жамланган нуқтаи назарлар, қарашлар ва фикрий хулосалар мажмуи. Термин, шунингдек, айрим шахсларга нисбатан уларнинг дунёқарashi, фикрлаш йўсини, интеллектининг ривожланганлик даражаси, маънавий эҳтиёжлари, эстетик иштиёқларидаги ўзига хосликларни тавсифлашга нисбатан ҳам қўлланади.

**МЕНТОР ПЕДАГОГИКАСИ** — ўқув тарбия амалиёти, қуруқ таъкид шаклидаги аҳлоқ одоб ўргатиш, даkki бериш, ақл ўргатиш шаклида қўлланадиган қуруқ сўзлардан иборат усуллар, схоластик фикрлаш асосига қурилади; таълим олувчи-

лар педагогнинг айтганларига оғишмай амал қилишга мажбур, уларга таъсирнинг пассив объекти сифатида қаралади.

**МЕНЮ** (фр. menu — майда) — *информатикада*, дисплей экранига киритиладиган ва фойдаланувчига танлаш учун таклиф этиладиган талқин (тартиб, буйруқ, жавоб ва ҳ.к.)лар рўйхати; танланган талқин тизимнинг кейинги ҳаракат қилишини белгилайди.

**МЕТАТИЛ** (юн. meta — кейин, ортида, орасида ва ўзб. — тил) — *мантиқда*, *лингвистикада*, объект тил, бошланғич тил деб аталувчи ва қандайдир бошқа бир тил тавсифланадиган тил.

**МЕТАФОРА** (юн. metaphora — кўчим, тимсол) — икки нарса ёки ҳодисанинг қандайдир ўхшаш жиҳатлари асосида сўз маъносининг кўчма тарзда қўлланиши: оддий маънони образли ифодалаш (олтин япроқ, барглarning шивирлаши, бинонинг қаноти).

**МЕТОД** (юн. methodos — тадқиқот йўли), **УСУЛ** — муайян мақсадга эришиш йўли, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари ёки операцияларининг мажмуи. Фан соҳасидаги усул билишнинг йўли бўлиб, бу йўлни тадқиқотчи ўз соҳасида очади; универсал усуллар бўлмайди, ҳар бир фан ва ҳар бир муаммо ўз-ўзига хос усулни талаб қилади

**МЕТОДИК ИШЛАНМА** — муайян курс бўйича ўқув материални намунавий режалаштиришдан иборат ўқитувчига ёрдам тарзидаги методик нашр (ярим йиллик, йиллик), шунингдек, айрим дарслар конспекти.

**МЕТОДИК ИШЛАР** — ўқитувчилар, тарбиячиларнинг таълим муассасасидаги узлуксиз таълим тизимининг бир қисми. Қуйидагилар методик ишларнинг мақсади ҳисобланади: ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг энг самарали усул ва йўсинларини ўзлаштириш; педагогнинг ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш ва олиб боришга бўлган тайёргарлик даражасини ошириш; педагогик жамоа аъзолари ўртасида тажриба алмашиш, долзарб педагогик тажрибани аниқлаш ва тарғиб қилиш. Методик ишлар ўқув-тарбия жараёнини юқори даражада сифатли булишига эришиш учун йўналтирилади, педаго-

гик таҳлил малакаси, назарий ва эксперимент тадқиқотлар ривожланишига кўмаклашади, педагогнинг кундалик амалий иши билан узвий боғланиб кетади.

**МЕТОДИК ЙЎСИН** — таълим унсури, қисми, унинг таркибий бўлаги ёки мазкур усулни қўллаш билан олиб бориладиган ўқув ишидаги айрим қадам. Ўқув жараёнида усуллар ва методик йўсинлар бир-бири билан уйғунлашиб, қўшилиб кетади.

**МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР** — таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда тадбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр; таълим муассасалари, ўқитувчилар тажрибаларини, ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида ишлаб чиқилади.

**МЕТОДИК ХАТО** — методикани бузиш, тарбия жараёнини ташкил этишни издан чиқариш, фаолият ва тарбия бўйича олинган натижаларнинг барҳам топишига олиб келувчи педагогнинг хатти-ҳаракати. Қуйидагилар методик хато турлари ҳисобланади: стратегик (мақсад сифатида тарбиянинг аввалдан сохта йўналишини билган ҳолда илгари суриш); тактик (тарбияланувчилар билан ўзаро муносабатдаги нотўғри педагогик нуқтай назар); техникавий (ташкilotчиликдаги янглишишлар).

**МЕТОДИКА** (юн. methodikē) — 1) бирор ишни мақсадга мувофиқ амалга ошириш усулларининг мажмуи; 2) педагогик фан соҳаси, муайян ўқув фанини ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, усуллари ва йўсинларини тадқиқ этади.

**МЕТОДОЛОГИЯ** (юн. methodos — тадқиқот йўли ва logos — тушунча, таълимот) — 1) фаолиятнинг тузилиши, мантикий ташкил этилиши, усуллари ва воситалари ҳақидаги таълимот; 2) илмий билишнинг қурилиши, шакллари ва йўсинлари ҳақидаги таълимот, шунингдек, муайян фанда қўлланадиган усуллар мажмуи. Методология инсон фаолиятининг фақат илмийгина эмас, балки техникавий, педагогик, сиёсий, бошқарув, эстетик турлари барчасини ташкил этиш ва тартибга солишда тадбиқ этилади; у умумий тавсифга эга, лекин амалий ва назарий фаолиятнинг турли соҳаларига тадбиқан муайянлаштирилади. Замонавий шароитларда кўплаб илмий йўналишлар ва ихтисосликлар бевосита ўзаро таъсир этиши

хос бўлганлиги учун кўплаб фанлардаги билимларни эгаллашни таъминловчи умумилмий усуллар деб аталмиш масала, айниқса, долзарблик касб этади. Методология соҳаси тадқиқотнинг кўйидаги муайян илмий йўсинлари кенг кўламини ўз ичига олади: кузагиш, эксперимент, моделлаштириш ва б., булар ўз навбатида кўплаб махсус тартиб — илмий маълумотлар олиш методикаларига айланади.

**МЕЦЕНАТ** (лот. Maecenas, Maecenatis) — беғараз ҳомий, ўз шахсий маблагидан ажратиб фан ва санъатнинг ривожланишига ҳисса қўшувчи (мил.ав. 1-асрда яшаган римлик бадавлат меценат номидан олинган, шоир ва rassомларга саҳийлик билан ҳомийлик қилиб ном чиқарган).

**МЕЪЁР** — қоида, намуна: 1) қонунийлашган қоидалар, мажбурий деб тан олинган тартиб, ҳулқ-атвор ёки хатти-ҳаракат намунаси; 2) белгиланган мезон, ниманингдир ўртачаси (ишлаб чиқариш меъёри).

**МЕЪЁРИЙ** — меъёрга келтирилган, меҳнатга ҳақ тўлаш меъёри, самарадорлик меъёри ва б. сифатидаги бир жинсли кўрсаткичларнинг анча кенг доираси учун белгиланган иқтисодий, техникавий ёки бошқа кўрсаткичлар меъёри.

**МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР** — муайян қоида, меъёр, меъёрийликни белгиловчи йўриқнома материаллар мажмуи.

**МЕЪЁРИЙ ТЕХНИКАВИЙ ҲУЖЖАТ** — буюмлар ва/ёки технология жараёнларига бўлган талабларни чегараловчи ҳужжат, тегишли ташкилот томонидан рамзий ҳужжат сифатида қабул қилинади. Қўйидагилар меъёрий техникавий ҳужжат ҳисобланади: миллий стандарт, халқаро стандарт, техникавий шартлар, техникавий-иқтисодий меъёр, меъёрий-техникавий кўрсатма.

**МЕЪЁРИЙ ЭТИКА** — этиканинг таркибий қисми, бунда ҳаётнинг мазмуни, инсоннинг аҳамияти, маънавий бурчнинг мазмуни, яхшилик ва ёмонлик муаммолари қўйилади ва ҳал этилади; ахлоқий тамойиллар, идеаллар ва меъёрлар назарий жиҳатдан асосланади.

**МИНТАҚА**, р е г и о н (инг. region —ўлка, вилоят, лот. regio — вилоятдан) — 1) табиий ёки тарихан шаклланган иқтисодий географик шароитлар мажмуи ва аҳолисининг миллий таркиби билан ажралиб турадиган вилоят, туман, ҳудуд, мамлакатнинг бир қисми; 2) айрим иқтисодий географик ҳудуддан иборат, бу ҳудудни бошқа ҳудудлардан фарқлантирувчи умумий белгиларга эга бир-бирига туташ мамлакатлар гуруҳи.

**МИНТАҚАВИЙ МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ** — минтақа ҳудудида молиявий ресурслардан фойдаланишнинг ҳаракатланиши, жамланиши ва йўналтирилишини акс эттирувчи режалар ва балансларни ишлаб чиқиш жараёни.

**МИНТАҚАВИЙ МУВОЗАНАТСИЗЛАНИШ** — мамлакатнинг минтақаларга бўлиниши билан изоҳланувчи олий таълим ривожига нотекестиклини тавсифловчи кўрсаткич; меъёрланган миқдор ҳисобланади ва минтақалар сонига боғлиқ бўлмайди. Агар бу кўрсаткичнинг қиймати нулга яқин бўлса, бунда барча минтақалар олий таълимга интилиш ва бу интилишни амалга ошириш имконияти нуқтаи назаридан тахминан бир хилликка эгадир (масалан, АҚШда); бундай ҳолда «чекка жой» ва «марказ» деган тушунча ўртасидаги фарқ йўқолади.

**МИНТАҚАЛАШТИРИШ** — битта минтақага кирувчи вилоятлар ёки давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий, таълим ва бошқа алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Минтақалаштириш айрим минтақаларнинг мустақил ривожланиши ва ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилади.

**МНЕМОНИКА, МНЕМОТЕХНИКА** (юн. mnēmonikon — ёдлаш санъати) — имкони борича кўпроқ маълумот, далилларни эслаб қолишни осонлаштириш мақсадидаги усуллар мажмуи; *ассоциация* қонуниларига асосланади.

**МОДДИЙ ЁРДАМ** — корхона, муассаса муҳтож ходимларига ёки бошқа шахсларга ашёвий ёки пул шаклида кўрсатиладиган ёрдам.

**МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан етказилган мулкый, моддий зарарни қоплаш бўйича мажбурият.

**МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ** — моддий нарсалар, ашёлар, моддий қимматдорликлар тайёрлаш ва моддий хизмат кўрсатиш (масалан, юкни ташиш, кир ювиш), қурилиш, монтаж, ер, таъмирлаш билан бевосита боғлиқ ишлаб чиқариш. Моддий ишлаб чиқариш моддиймас ишлаб чиқариш соҳаси (моддиймас, диний, ахборот хизмати)дан фарқланади.

**МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ** — инсонларни кўзгатишнинг иқтисодий шакллари ва усулларининг кенг кўламининг шартли номи, меҳнатга пулли ҳақ тўлаш даражасини ошириш, қўшимча пул мукофоти олиш, буюмлар ҳада этиш, бошқа қўллаб-қувватлаш (хизмат кўрсатиш, масалан, текинга транспортда қатнаш, дам олиш учун текинга ёки қисман тўланадиган йўлланма бериб ва б.)га инсонлар моддий манфатдорликларидан фойдаланишга асосланади.

**МОДДИЙ ТЕХНИКА НЕГИЗИ** — иқтисодий жараёнларда фойдаланиладиган ва фойдаланиш мумкин бўлган моддий, ашёвий унсурлар, ишлаб чиқариш воситаларининг мажмуи. Иқтисоднинг моддий-техника негизи инфратузилманинг асосий ва ёрдамчи тармоқларини ажратган ҳолда тармоқ тузилмасини ўз ичига олади. Корхона учун моддий техника негизи дейилганда қуйидагилар, яъни ишлаб чиқариш майдонларининг мавжудлиги ва мосланганлиги, ускуналар паркиннинг янги-эскилиги, ишлаб чиқариш программаси моддий ресурсларининг мавжудлиги тушунилади.

**МОДЕЛ** (лот. *modulus* — ўлчов, намуна) — 1) *техникада*, ялпи ишлаб чиқариш учун бирор буюмнинг намунаси; 2) санъатда намоён этувчи предмет; рассомга қараб чизиши учун ўзини намуна тарзида тутувчи эркак (аёл); 3) *информатикада*, моддий объект, тадқиқ этилаётган объект функциясини ёки тузилишини акс эттирувчи математик боғлилик ёки программа тизими; 4) *педагогикада*, асл нусха-тизим баъзи муҳим хоссаларини акс эттирувчи объектлар ёки белгилар тизими; у ҳодисанинг умумлашган ифодаси, амалий тажрибанинг абстракт натижаси ҳисобланади, экспериментнинг натижаси

бўлмайди. Психология ва педагогикада қўзғатувчи куч ва ҳис этиш интенсивлиги ўртасидаги боғлиликни тасвирлаш учун логорифмик функция модели, «унутиш эгри чизиги» модели ва «машқлар (ёки такрорлашлар) сони билан билим ва малакаларнинг ўзлаштирилиш ҳажми (ёки миқдори) ўртасидаги миқдорий боғлилик» модели маълум. Матрица ва графлар назарияси восита ҳисобланади, булар ёрдамида ўқув материали тузилишини таҳлил қилиш, унинг турли унсурлари орасидаги ўзаро алоқаларни тасаввур этиш мумкин. Таълимнинг айрим томонларини математик моделлаштиришга, шунингдек, таълим мазмунини ижтимоий буюртманинг кўпбосқичли педагогик модели сифатида тасаввур этишга ҳаракат қилинмоқда.

**МОДЕЛЛАШТИРИШ** (лот. *modulus* — ўлчов, намуна) —

1) тадқиқот объектларини уларнинг моделлари — табиий ёки ижтимоий мавжудликнинг муайян қисми ўхшашларида тадқиқ этиш усули; 2) мавжуд нарса, ҳодиса ёки жараёнлар (тирик организмлар, муҳандислик конструкциялари, ижтимоий тизимлар ва ҳ.к.)нинг моделини яратиш; *информатикада*, бошқа тизим ёрдамида жисмоний ёки мавҳум тизим турли хусусиятдаги ҳолатини тасаввур этиш; *иқтисодда*, сунъий ҳосил қилинган шароитларда чекланган, кичик, эксперимент шаклларда иқтисодий объектлари ва жараёнларни тиклаш; иқтисодда кўпинча математик боғлилик иқтисодий жараёнларини тавсифлаш воситасида математик моделлаштиришда кўпроқ қўлланади.

**МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛИ** — илмий далиллар нуқтаи

назаридан педагогик жараённинг ёки унинг бирор қисмининг ташкилий ва фаолият кўрсатиш шароити рамзий моделини яратиш. Айрим хусусий педагогик шакллар, ишларнинг усуллари, уларнинг ўзаро боғлилигини ўрганиш ва эксперимент қилиш жараёнида моделлаштириш мумкин бўлади. Ўқув режасини ишлаб чиқиш, ўқув ёки самарали меҳнатни ташкил этиш, тарбия ва тартиб программасини ишлаб чиқишда моделлаштириш усулидан фойдаланилади.

**МОДЕМ** (инг. *modem module* — моделлаштиришдан ва *demodule* — энг янги) — *информацияда*, аналог сигналларни рақамлига ва аксинчага алоқа каналлари бўйича ахборот олиш мақсадларида айлантирувчи қурилма.

**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ** (фр. *moderne* — энг янги) — объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шартларга сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**МОДИФИКАЦИЯЛАШ** (лот. *modificatio* — ўзгариш) — 1) ишлаб чиқиляётган маҳсулотга илғор ўзгартишлар киритиш, ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш, яхшиланган вариантини, янги моделини яратиш; 2) ашё, машинанинг ўзгартирилган модели.

**МОДУЛ** (лот. *modulus* — ўлчов) — 1) аниқ фанларда коэффицент (ёки сон), тегишли катталик кўрсаткичи ҳисобланади; 2) муайян тизимнинг қисми ва алмаштирилиш хоссасига эга функционал жиҳатдан яқунланган бўгин (космик кеманинг модули ҳисоблаш техникасидаги оператив тизим модули).

**МОДУЛ АСОСИДА ЎҚИТИШ** — таълим технологияси, унинг моҳияти шундаки, таълим олувчи ўзига индивидуал тавсия этилган ўқув программаси билан мустақил ишлаши мумкин, бу программа ўз ичига маълумотлар жамғармасини ва методик кўрсатмаларни олади; ўз олдига шахснинг индивидуал талаблари ва унинг таянч тайёргарлик даражасига мослашиш мақсадини кўяди. Модул бўйича ўқитишда педагог ахборот бериш ва назорат қилиш вазифасидан ташқари маслаҳатчи ва уйғунлаштирувчи вазифасини ҳам бажаради. Модул асосида ўқитиш тамойилидан амалда фойдаланиш ўқув материалини унинг қисмлари бир-биридан узилиб қолмаган тарзда бўлишини таъминлайди, бу ўз навбатида ўқув материалини, унинг яхлит мазмунига путур етказмаган ҳолда ўзгартириш, қўшимчалар қилиш ва яратиш имконини беради.

**МОДУЛЛИК** — у ёки бу тизимнинг ўзига хослиги (масалан, ҳисоблаш техникасида), тизимнинг айрим қисмларини бир-биридан ажратишга ва ҳар бир *модул*да муайян мантиқий боғли функциялар гуруҳини йиғишга имкон беради.

**МОЙИЛЛИК** — муайян фаолиятга барқарор берилганлик, у билан шугулланишга интилиш, мазкур фаолият билан боғли малака ва уқувларни такомиллаштириш. Мойилликнинг юзага келиши, одатда, тегишли қобилият ривожланиши учун замин ҳисобланади.



**МОЙИЛЛИК** — инсоннинг турмуш тарзини, кечинмаларини, хулқ-атворини, тафаккури ва ҳ.к.ларни белгилувчи энг хусусиятли жисмоний ва маънавий имкониятлари мажмуи. Мойиллик туғма бўлади: тарбия ва муҳит уни ўзгартира олмайди, лекин булар уни тўхтатиши ёки ривожланишига қўмаклашиши мумкин. Психологияда мойиллик деганда муҳит таъсирига муайян тарзда акс таъсир кўрсатиш имкониятларининг мажмуи тушунилади; бундай қобиллик авлоддан-авлодга ўтади.

**МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ** — давлат, ҳукумат иқтисодий сиёсатининг бир қисми; давлат молия ресурсларидан фойдаланишда, кирим ва чиқимларни тартибга солишда, давлат бюджетини шакллантириш ва уни бажаришда, солиқлар билан тартибга солишда, пул муомаласини бошқаришда, миллий валюта курсига таъсир кўрсатишда намоён бўладиган йўналиш.

**МОЛИЯЛАШ** — мамлакат, минтақа, корхоналар, тадбиркорлар, фуқаролар ҳўжалиklarини, шунингдек, турли (иқтисодий, таълим ва б.) программалар ва иқтисодий фаолият турларини молиявий зарур ресурслар билан таъминлаш. Молиялаш ўз ички манбалардан ва ташқи манбалардан бюджетдан маблағ ажратиш, кредит воситалар, хорижий ёрдам, хусусий шахсларнинг бадаллари тарзида амалга оширилади.

**МОНИТОРИНГ** (инг. monitor — назорат қилмоқ, текширмоқ) — 1) муайян жараён устидан унинг исталаётган натижага ёки бошланғич тахминларга мослигини аниқлаш мақсадларида мунтазам кузатиш; 2) *экологияда*, инсоннинг ҳўжалик фаолияти муносабати билан атроф муҳитдаги ҳолатни кузатиш, баҳолаш ва башоратлаш; 3) *педагогикада*, касбий таълим жараёнининг режа асосида диагностик кузатиш; мониторинг ўз ичига диагностикани, башоратлашни ва шахс касбий ривожланишини тўғрилашни ва таълим жараёнини олади; 4) оммавий алоқа воситаларида ахборот, маълумотлар йиғиш, радиотўлқинларини ушлашни жорий этиш; 5) *иқтисодда*, иқтисодиёт объектларини узлуксиз назорат қилиш, бошқарувнинг таркибий қисми сифатида улар фаолиятини таҳлил этиш.

**МОНОГРАФИЯ** (юн. monos — битта, ягона ва grapho — ёзаман) — китоб ёки брошюра тарзидаги, битта муаммони ёки мавзулар бўйича тадқиқотни тўла ва ҳар томонлама баён этув-

чи, бир ёки бир неча муаллифга тегишли бўлган илмий асар; бошқа илмий хабарлар шаклидан кўриб чиқиладиган масаланинг чуқурлиги ва яхлитлиги билан фарқланади. Қоидага кўра монографияда танланган мавзунинг долзарблиги асосланади, унинг фан ва амалиётдаги ҳолати очиб берилади, қўйилган муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланиш зарур бўлган усуллар кўриб чиқилади.

**МОНОЛОГ** (юн. monologos, monos — бирдан ва logos — нутқ) — нутқ шакли, бир шахснинг кенг баён этилган фикри. Монологик нутқ анча давомий бўлади, бошқаларнинг луқмаси билан бўлинмайди ва олдиндан тайёргарликни талаб этади (масалан, маъруза, нутқ, ваъз ва б.); монологик нутқ тузилиши мураккаб, тугалланган фикрни, қатъий мантиқ ва тадрижийликни талаб қилади. У диологик нутқдан кенгроқ, унинг шаклланиши ўқувчилар учун махсус вазифа бўлади, буни бутун таълим йиллари мобайнида педагог ҳал қилишига тўғри келади.

**МОСЛАНУВЧАНЛИК** — сафарбарлик, бирор фаолият билан шуғулланувчи ташкилот ва шахсларнинг шароит ўзгаришига мослашиши; субъект ҳаракат усулини тезда ўзгартириш уқуви ва бунга қобиллиги.

**МОСЛАШИШ** — 1) организмларнинг ўзгараётган яшаш шароитларига мослашиши; 2) *лингв.* етарлича тайёргарликка эга бўлмаган ўқувчилар учун матнни мослаштириш (масалан, чет тилларни ўрганишни бошлаганлар учун адабий-бадиий матнни «енгиллаштириш»); 3) *пед.* индивидни ташқи муҳит, ишлаб чиқариш, меҳнатнинг ўзгараётган шароитларига кўниктириш. Инсоннинг ўзгараётган ижтимоий муҳитга тезда ва қийинчиликларсиз мослашиш имконияти унинг ривожланганлик даражаси, шунингдек, унинг билимлари ва вазиятга кўра ўзига хос ҳаракат қила билиш уқуви даражаси билан белгиланади.

**МОСЛАШИШ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ, УЗВИЙ ТУЗИЛМА** — ўз фаолияти шароитларида янгиланаётган мақсадлар, вазифалар, объект функцияси ҳамда ташқи иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муҳитга тезда мослашиб ўзгарадиган таълим муассасаси, корхона, фирмаларнинг ташкилий тузилмаси.

**МОСЛАШУВЧАН ЖАДВАЛ** — таълим тартибини ташкил этиш, бу ўқув гуруҳлари ҳажмини ва машғулотларни улар мазмунига боғлиқ равишда давомийлигини ўзгартириш имконини беради.

**МОСЛАШУВЧАН ТАЪЛИМ ТУЗИЛМАЛАРИ** — таълим тизимининг ташкилий шакли. Булар жамият ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ўзгаришига мувофиқ тезда ўзгариш хусусиятига эга. Таълим тузилмаларининг мослашувчанлиги, таълим муассасалари кўп функциялилиги, таълим тизимининг кўп босқичлилиги, кадрлар тайёрлашнинг кўп бўғимлилиги, таълим мазмунини ишлаб чиқишда таълим муассасасининг мустақиллиги ҳисобига таъминланади.

**МОСЛАШУВЧАНЛИК** — катта ёшдагилар таълим тизими-га бўлган асосий талаблардан бири; таълим мазмуни, шакли ва усуллари-нинг мослашувчан тарзда қайта ташкил топиш хусусиятларини белгилайди, бозор иқтисодиётлари шароитларида ишлаш учун кадрларнинг зудлик билан қайта ихтисослашиши ва тайёрланишига катта имкониятларни яратади ҳамда шах-нинг индивидуал талабларига таълим хизмати мослашишини таъминлайди. Қ. Катталар таълими тизими.

**МОТИВ** (лот. moveo — ҳаракатлантираман) — субъект турмуш шароитлари таъсири остида шаклланидиган ва унинг фаоллиги йўналишини белгилайдиган фаолиятни қўзғатувчи. Замонавий психологияда «мотив» термини субъект фаоллигини қўзғатувчи турли ҳодиса ва ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади. Таълимот ижобий мотивларининг ривожланишига машғулот давомида «методика муваффақияти»ни қўллаш сезиларли таъсир кўрсатади; унинг моҳияти шундаки ўқувчида муваффақиятга, ўз кучи ва имкониятига бўлган ишонч ҳамиша барқарор сақланади.

**МОТИВЛАШ** (лот. motivatio) — бирор мақсадга эришиш учун субъектнинг фаолиятга ички ва ташқи рағбати, шундай фаолиятга хоҳишнинг мавжудлиги ва уни қўзғатиш усуллари. Таълимот мотивацияси педагогик таъсирнинг бутун тизими таъсири остида шаклланади, лекин у аввало бевосита ўқув фаолияти жараёнида ҳосил бўлади. Ижобий мотивлашни тарбиялаш таълим мазмуни, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ўқитувчининг шахсига боғлиқ.

**МУАЛЛИФ** — жисмоний шахс, унинг ижодий меҳнати ту-  
файли асар юзага келади.

**МУАЛЛИФ МАКТАБИ** — синов тажриба ўқув-тарбия му-  
ассасаси, унинг фаолияти битта педагог ёки муаллифлар жа-  
моаси томонидан ишлаб чиқилган педагогик концепцияга  
асосланади. Синов майдончаси турларидан бири сифатидаги  
муаллиф мактабининг мақоми ўқув-жараёнини ўзига хос таш-  
кил этиш, таълим муассасасининг янгича тузилиши, меҳнатга  
алоҳида ҳақ тўлаш, моддий-техникавий таъминот бўйича усту-  
ворлик ҳуқуқини беради, бу ҳуқуққа махсус жамоатчилик-  
давлат синови ўтказилгандан сўнг таълимни бошқаришнинг те-  
гишли идораси эга бўлади.

**МУАЛЛИФ ТАБОҚ** — муаллифлар, таржимонлар,  
муҳаррирлар ва бошқаларнинг меҳнатини ҳисоблаш учун хиз-  
мат қиладиган ёзма ҳужжат ҳажм бирлиги. 40 минг босма бел-  
гидан ташкил топган магнга тенг келади (тиниш белгилари ва  
сўзлар орасидаги битта ҳарфга тенг бўш ўрин ҳам ҳисобга ки-  
ради), яъни икки интервал оралиқда ёзув техникасида ёзилган  
22 бетдан ёки 700 қатор шеъринг матндан, ёки 3000 кв.см. гра-  
фика материали (тасвир, харита ва ҳ.к.)дан иборат бўлади.

**МУАЛЛИФ ШАРТНОМАСИ** — асар ихтиро муаллифи бил-  
лан ношир, бажарувчи, муаллиф асаридан фойдаланувчи  
ўртасидаги битим, бунда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза  
қилинган асардан фойдаланиш шартлари белгиланади.

**МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ** — ўз расмий материалларини  
эълон қилувчи, ўз номига эга бўлган нашрлар тўпламлар  
чиқариш ишидаги ходимларнинг доимий ёки вақтинчалик  
ташкилоти. Бу мазкур ташкилотни фаолият кўлами ва мавжуд-  
лиги давомийлигидан қатъи назар уйғунлаштиришга имкон бе-  
ради. Вақтинчалик гуруҳлар ва ҳодисалар, хусусан кенгаш,  
конференция, конгресс, эскпедиция, кўрғазма, фестивал ва  
бошқалар ҳам муаллифлик жамоаси ҳисобланади.

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ** — муаллифларнинг илмий, ада-  
бий ва санъатга оид асарларига махсус қонунчиликга кўра бел-  
гиланган ҳамда ўзлари яратган ижод махсулини тасарруф этиш

ва ундан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ. Муаллифлик ҳуқуқига кўра фақат муаллифнинг ўзи яратган асаридан ким ва қандай тарзда фойдаланиш имкониятини олиши мумкинлигини белгилаш ҳуқуқига эга. Муаллифлик ҳуқуқи меросга қолади. Қонунчиликда белгиланган ҳолатлардагина муаллифлик ҳуқуқи давлатга ўтиши мумкин. Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқини объекти ҳисобланади: адабий, хореографик, мусиқий, аудио-видео асарлар, ЭҶМ учун программалар, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, меъморлик, шаҳарсозлик, боғ сайилгоҳ санъати ва б. асарлар.

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ** — конвенцияга имзо қўйган қатнашчи мамлакатлар фуқароларининг ишланмалар, ихтиролар, адабиёт ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг мажбурияти.

**МУАЛЛИФЛИК ГУВОҲНОМАСИ** — ихтирога бўлган муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Агар ихтиронинг муаллифи ундан фойдаланишлик мутлақ ҳуқуқини ўз ихтиёрига олган бўлса, бунда унга ихтиро учун патент берилади.

**МУАССАСА** — 1) давлат (давлат муассасаси) зиммасига юкланган вазифаларни бажарувчи давлат бошқарув идораси; 2) хизмат соҳасида, маънавий, ахборот маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича хўжалик, ижтимоий-маданий фаолиятни амалга оширувчи ташкилот (фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, майший хизмат муассасалари, молия муассасалари).

**МУВАФФАҚИЯТ ТЕСТЛАРИ** — таълимнинг муайян даражасида бирор соҳада синалувчиларнинг муайян билимлар, ўқувлар, малакаларни эгаллаш даражасини баҳоловчи тестлар. Тестларнинг бу гуруҳига ўқувчилар билимини миқдорий (балларда) ўлчайдиган имтиҳонлар киради.

**МУЖАССАМА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ** — ўқув режаси ва программасида белгиланадиган вақт ва мазмун доирасида ўқувчиларни ўқитишни самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатлар ва воситалар оқилона тизими (мажмуини режалаштириш, ишлаб чиқиш ва яратиш).

**МУЖАССАМА ПРОГРАММА** — мазмуни, муддати, ресурслари ва ягона мақсадга эришиш, умумий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган тадбирлар, ҳаракатларни ўтказиш жойи бўйича ўзаро боғли тизим; мужассама программада мақсадлар, йўл-йўриқлар ва программа муаммосини ҳал қилиш воситалари бериллади.

**МУЖАССАМА СТАНДАРТЛАШ** — ҳам умуман мужассама стандартлаш объектининг ўзига, ҳам унинг асосий унсурларига муайян муаммоларни оптимал ҳал қилиш мақсадида бир-бири билан ўзаро боғлиқ талаблар тизимини мақсадга мувофиқ ва режавий асосда белгилаш ва тадбиқ этиш амалга ошириладиган стандартлаштириш.

**МУЖАССАМА ТАЪЛИМ, ФАОЛ ТАЪЛИМ** — ўқитиш технологияси, ўз олдига таълим олувчилар фаоллигини ташкил этишни мақсад қилиб қўяди. Таълим жараёнида таълимнинг фаол методлари (диспутлар, семинарлар, иш ўйинлари ва блар) ёрдамида таълим олувчиларнинг келажакдаги касбий фаолиятининг моҳияти ва ижтимоий мазмуни моделиштирилади.

**МУЗЕЙ** (лот. museum, юн. museion — илҳом эҳроми) — илмий-маърифий ёки илмий-тадқиқот муассасаси, санъат асарларини, тарихий буюмларни, фан, турмуш, саноат, қишлоқ ҳ.к. ш. т.ги предметларини, буюк кишилар ҳаётига тааллуқли материаллар ва ҳ.к.ларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришни амалга оширади.

**МУЛК ҲУҚУҚИ** — 1) мулк эгаси ва тасарруф этувчи сифатида хусусий мулк объектига эгалик қилиш ва объектдан мулк эгаси сифатида ўз хоҳиши бўйича фойдаланишга бўлган мулкка эгалик ҳуқуқи. Мулкдор ўзига тегишли хусусий мулк объектига нисбатан ҳар қандай хатти-ҳаракатни, агар у қонунга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаса ва ҳуқуқни ҳамда қонун ҳимоясидаги манфаатларни бузмаса, амалга ошириш ҳуқуқига эга; 2) мулк ҳуқуқини мустаҳкамловчи ва ҳимоя қилувчи юридик меъёрлар мажмуи.

**МУЛОҚОТ** — кишиларнинг мунтазам узаро жонли алоқа жараёни, инсоннинг ўз-ўзи билан ва олам билан алоқаси бор. Индивидлар кўп қиррали ҳаёт фаолияти, муносабати, ўз-ўзини намоён этиши ва ўзлигига эришишини таъминлайди; ахборотлар айирбошлаш, бир-бирини тушуниш, ишга оид ҳамкорлик, ижод, руҳиятни ривожлантиради, онгни бойитади. Мулоқот ҳаётда бир қатор муҳим вазифаларни бажаради, шулардан: коммуникатив мулоқот — кишилар уртасидаги алоқани таъминлаш; информатив мулоқот — билимлар, ўқувлар ва малакалар билан маънавий бойиш; педагогик мулоқот — онгни шакллантириш, ёшлар фаолияти ва муносабатини ташкил қилиш (қ. *Педагогик мулоқот*); маънавий — ахлоқий мулоқот — инсон виждонидаги ташвишли ҳиссиётларни тинчлантириш, инсонпарварона хатти-ҳаракатлардан маънавий қониқиш, гўзаллик ҳиссиётини бошдан кечириш.

**МУЛОҚОТ ПСИХОГИГИЕНАСИ** — ижтимоий психология ва педагогика соҳаси, унинг вазифаси амалда соғлом бўлган кишиларга асабий-руҳий ва руҳий жароҳатдан иборат касалликларга йўлиқишларини олдини олиш мақсадида, шунингдек, мулоқотдаги зиддиятлар туфайли юзага келган кучли руҳий жароҳатланганликни енгилаштириш мақсадида ёрдам кўрсатишдан иборат. Мулоқот психогигиенасининг усули мактаб, шаҳар ва туман психологик хизмати, ишбилармонлик ва педагогик муаммолар бўйича ўрта махсус, касбий ва олий таълим муассасалари программаларидаги тематик курслар доирасида психик даволаш ва психик олдини олиш ишларини ўз ичига олади.

**МУЛОҚОТНИНГ ИНТЕРАКТИВ ТОМОНИ, БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТЛАНИШ СИФАТИДАГИ МУЛОҚОТ** — кишиларни биргаликдаги ҳаракатлари бевосита ташкил этилиши, уларнинг биргаликда ҳаракат қилиши билан боғли мулоқотларининг таркибий қисмларини тавсифловчи термин. Шахслараро биргаликда ҳаракат қилиш кишиларнинг бири-бирига таъсир этишдаги вақт мобайнида тадрижий равишда амалга ошириладиган таъсирдан иборат бўлади ва ҳамшиша қандайдир натижа — бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолияти ўзгаришини тақозо этади.

**МУЛОҲАЗА** — 1) *мантиқ*да, фикрнинг таклиф шаклидаги ифодаси. бунинг ёрдамида 2 тушунча (субъект ва предикат) боғланади. Мулоҳазага тушунчани предмет билан «дир» ёрда-

мида тааллуқлаш киради; 2) ақлий ҳаракат, сўзловчининг ифода этилган фикр мазмунига алоқасини амалга оширади, унинг чинлиги ёки ёлгонлигига ишонч ёки шубҳа билан боғли бўлади.

**МУЛОҲАЗАЛИЛИК** — қўйилган масалани ҳал қилиш усулларини тезда топиш уқуви.

**МУЛОЗАМАТ** — шахсий сифат, меъёрни ҳис этишни билдиради, суҳбатдошга ёки атрофдагиларга нисбатан муносабатнинг одоб доирасида эканлигини намоён этади.

**МУЛЬТИМЕДИА** (лот. *multum* — кўп ва инг. *media* — восита) — замонавий техникавий воситалар тизими, булар матнли информациялар, чизма тасвирлар, товуш (нутқ, мусиқа)лар, анимацион компьютер графикаси (чизма фильмлар, уч ўлчовли графика) билан бир бутунликда ишлаш имконини беради; жадал ривожланаётган ва истиқболли, айниқса, таълим соҳасидаги йўналишлардан бири.

**МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯСИ** — CD-ROM (compact disk read only memory) компакт-диски технологияларидан фойдаланишга асосланган аудиоқўрув ахборотларининг усуллари, йўсинлари, ишлаб чиқиш, сақлаш, узатиш йўллари мажмуи. Мультимедиа технологияси негизида амалга оширилган ўқитиш тизимларининг имконияти исталган шаклдаги аудиоқўрув ахборотини интеграллаш имконини беради ва уни фойдаланувчининг тизим билан интерактив диалогини амалга ошириб экранда кўрсатади, таълимни мотивлашни оширади, ахборотни эмоционал қайта тиклашга ва ахборотни қайта ишлаш бўйича мустақил фаолиятнинг турли-туман шаклларини амалга ошириш уқувини шакллантиришга кўмаклашади.

**МУЛЯЖ** (фр. *moulage, mouler* — шакллантирмоқдан) — ҳажмдор модел, у натурал объектнинг юқори даражада ўхшаши бўлади. Муляжларни тайёрлашда аслининг шартли тасвирланишига йўл қўйилмайди: сиртқи ўлчами, шакли, ранги ва тuzилиши юқори даражада аниқликда бўлиши лозим. Муляжлардан атроф муҳитдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ташқи хусусият ва белгиларини ўрганишда умумтаълим, шунингдек, техника фанларини ўқитишда фойдаланилади.



**МУМТОЗ** — намунавий, 1- даражали, ўзгармас қимматга объектив эга бўлган адабиёт ёки санъат асари, у жаҳон ёки миллий миқёсда намуна сифатида умумэътироф этилган бўлади.

**МУНДАРИЖА** — фалсафа категорияси; яхлитнинг гомонларини, унинг қисмлари мажмуини белгилайди. Мундарижа тушунчаси унинг белгилари мажмуидан иборат.

**МУРАББИЙ** — 1) юқори малакали мутахассис ёки тажрибали ходим, ундан бошқа ходимлар (ёш педагоглар) маслаҳат ёки кўмак олиши мумкин. Мураббий ёш педагогга ўқитиш усулини такомиллаштиришда, турли йўриқномалар ва ўқувчиларга топшириқлар тузишда, шунингдек, ёш ҳамкасбга улар шахсан қабул қилган йўриқни амалга ошириб фаолият жараёни ва натижаларини баҳолашга ёрдамлашади. Мураббийнинг фаолияти ва услуби намуна бўлиб қолади (яна қ. *Мураббийлик*); 2) бевосита иш жойида, кўпинча ҳақ тўланадиган ишни бажариш мобайнида яқка ёки гуруҳ касб-ҳунар таълимини амалга оширувчи шахс. Назарий курс минимумга туширилади, бутун эътибор амалий ўқув ва малакани шакллантиришга қаратилади.

**МУРАББИЙ, КУРАТОР** (лот. curator — ҳомий) — бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб бориш топширилган шахс.

**МУРАББИЙЛИК** — 1) ёш ўқитувчиларга улар ўз касби бўйича фаолиятни бошлаётган вақтида ёрдам кўрсатиш. Бу давр мавжуд шароитга кўникишни ва маҳоратга эга бўлишни ўз ичига олади. Ўқитувчиларнинг касбий кўникмалари янги гуманистик нуқтаи назари ишга киришиш даврига ижтимоийлашнинг янги босқичи — янги ижтимоий мақомга эга бўлиш, меъёр ва баҳолаш бутун тизимининг ўзгариши сифатида қарайди. Бундай ёндашувнинг гуманистик моҳияти аввало фақат ёш педагогнинг касбий ва шахсий ривожини учунгина эмас, балки мураббийнинг ўзи учун ҳам асосий восита сифатида коммуникатив таъсирни қуришда намоён бўлади. Бундай тур ҳомийликни ташкиллаштириш мураббий танлаши учун имкон беришни, консультацияларнинг вақт ва мазмуний жиҳатдан белгилашни, мулоқотнинг суҳбат муҳитини яратиш-

ни, ёш ўқитувчилар мустақиллиги, эркинлиги ва фаоллигини рағбатлантиришни кўзда тутуди; 2) фаолият касбий бўлмаган педагогика соҳаси, махсус педагогик маълумотга эга бўлмаган кишилар томонидан жамоатчилик асосида амалга оширилади; ўқитиш ва тарбиялаш вазифасини бажаради. Мактабда ёки хунар-техника билим юртида педагог асосан балогатга етмаган ўқувчилар билан иш олиб борса ва улар учун тан олинган эътиборга сазовор бўлса, ишлаб чиқаришда эса мураббий ва ёш ишчи бир хил мақомга эга бўлади, улар айна бир меҳнат жамоасининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади, булар муҳим аҳамиятга эга.

**МУРАККАБЛИК** — кўп унсурли тузилишга эга ижтимоий ва табиий объектлар хоссасини ифодаловчи категория. Мураккаб ҳодисалар оддийларидан алоқалари ва ўзаро муносабатлари турли-туманлиги билан фарқланади, булар ўзларида сифат жиҳатидан хилма-хилликни уйғунлаштиради, кўпинча қарама-қарши ва бир-бирини инкор этувчи томонлар, хислатлар, имкониятлар ва ривожланишнинг йўналишларини бирлаштиради. Шунга кўра уларни ҳар томонлама идроклаш ва адекват тушунишга мукамал методология асосида эришиш мумкин.

**МУСИҚА МАКТАБИ** — муסיқий қобилиятга эга болалар учун мактабдан ташқари таълим муассасаси, умумий муסיқий ва эстетик ривожлантириш, шунингдек, муסיқа санъати соҳасидаги касбий фаолиятга тайёрлаш унинг мақсади ҳисобланади.

**МУСИҚА РАҲБАРИ** — педагог ходим, муסיқий қобилиятни ва боланинг эмоционал соҳасини, муסיқа фаолиятини ташкил этишнинг кўрилиш ва шакллари асосида болаларда эстетик дидни шакллантириш унинг вазифаси ҳисобланади.

**МУСИҚИЙ ТАРБИЯ** — шахсни жамият муסיқа маданияти билан таништириш жараёни; муסיқий тарбиянинг мақсади — муסיқа фаолияти тажрибасини янги авлодга етказиш. Муסיқий тарбия индивидга аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик тарбияни назарда тутуди ва уни шахснинг умумий гармоник ривожланишидаги бир восита деб билади, шунингдек ахлоқий-эстетик ҳиссиётлар, идеаллар, муסיқий таъб ва эҳтиёжни шакллантиради.

**МУСОБАҚА** — жамоани ташкиллаштириш ва тарбиялаш усули, мусобақа ва унинг натижаларини баҳолаш йўли билан индивидуал ва жамоа меҳнати муваффақиятини, самаралилигини, маҳсулдорлигини ва уюшганлигини таъминловчи ижтимоий фойдали фаолиятни фаоллантириш ва рағбатлантириш. Барча қатнашчиларни, айниқса, илгорларни рағбатлантириш мусобақада муҳим ўрин тутди. Мусобақа шартларини ишлаб чиқишда педагоглар ва жамоанинг ўз-ўзини бошқарувчи органлари муайян вазият ва муайян долзарб вазифалардан келиб чиқмоғи лозим, мусобақа фақат ўтказиш учунгина бўлмаслиги керак; ишлаб чиқариш ва педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлик бир бутунликда бўлиши керак. Мусобақа тўғри ташкил этилганда жамоа учун самарали тарбия воситаси бўлиши мумкин.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАШ** — таълим усули, бу ўқитувчига ўқувчининг мавжуд билими, ўқуви, ва малакаси уларнинг индивидуал хусусиятларига таяниб улар олдида ижодий изланиш вазифасини қўйиш, улар фаолияти бўйича консультация бериш, ўқув жараёнида унинг натижаларини баҳолаш ва бу натижалардан фойдаланиш имконини беради. Изланиш топшириқлари ва лойиҳаларининг педагогик вазифаси бўлиб, таълимни индивидуаллаштириш, табақалаштириш шароитларида билим ҳажмини ва олдинга қўйилган программалар бўйича соҳавий ўқитишни кенгайтириш ҳисобланади. Бундай топшириқлар ўқитилаётганларни меҳнатни рационализациялаштириш муаммоларига, билишнинг тадқиқий-ижодий усулларига олиб киради; исталган фанни, айниқса, соҳа фанлари бўйича ўрганиш жараёнида қўлланади.

**МУСТАҚИЛ ИШ** — 1) ўқувчилар фаолияти сезиларли даражада мустақил, устага боғли бўлмаган тавсифга эга бўлгандаги ишлаб чиқариш таълими даврига хос бўлган машқлар. Бунда асосий мақсад ўқувчиларда касбий мустақилликни шакллантириш ҳисобланади; 2) назарий ўқитишни ташкил қилиш шакли, унинг моҳияти мустақил билиш фаолиятдан иборатдир. Ўқувчиларни фаол мустақил ўқиш ишига тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади; ҳам дарс вақтида, ҳам дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади. Касбий мактабларда дарсдан ташқари мустақил ишларнинг қуйидаги шакллари кенг ўрин эгаллайди: ўқув ва маълумотно-

ма адабиётлари билан ишлаш; фан туркумлари буйича машқлар бажариш; топшириқларни танлов асосида бажариш; таянч корхоналарда, лабораторияларда янги техника ва технологияларни ўрганиш.

**МУСТАҚИЛ КУЗАТИШ** — мураккаб ускунага хизмат кўрсатиш билан боғлиқ меҳнатни амалга оширувчи ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими усули. Усулнинг моҳияти шундаки, ўқувчиларни мустақил кузатишларига раҳбарликни амалга ошириб уста уларга кузатиш учун айрим жиҳатларни ажратишга ёрдам беради, кузатилаётган жараённинг белгиларига эътиборни қаратади, кузатилаётган ҳодиса ва жараёнларни ўқувчиларга маълум бўлган қонуниятлар, қоидалар, талаблар, меъёрлар асосида тушунтиришга кўмаклашади.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ** — мутахассис ёрдамида ёки унинг ёрдамисиз вақти вақти билан консультация олиб бирор масала ёки муаммони мустақил ўрганиш асосига қуриладиган тадрижий ўқув фаолияти. Мустақил таълимнинг самараси интеллектуал ривожланганликка, шунингдек ўқув фаолияти кўрсатмаларига, билимга бўлган муносабатга, иродавий ва бошқа сифатларга боғлиқ. Мустақил таълим индивидуал ва гуруҳий шаклга эга, кейингиси биргаликдаги интеллектуал фаолиятга бўлган ўқув ва малакаларни шакллантиради. Узлуксиз таълим тизимида мустақил таълим ташкиллаштирилган ўқув бўғинлари ва босқичлари ўртасида боғловчи вазифасини ўтайди, таълим жараёнига яхлитлик ва юқорига ҳаракатланиш тавсифини беради.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ** — тасдиқланган таълим программаси буйича иш олиб борадиган, аммо қандайдир ташкилот ёки унинг органи томонидан бевосита бошқарилмайдиган ва назорат остига олинмайдиган мустақил фаолият кўрсатувчи таълим муассасаси. Одатда бундай ташкилотлар норасмий гуманитар соҳа буйича таълим беради. Улар давлатдан маҳаллий ҳокимият органларидан, ҳукумат тасарруфида бўлмаган ва жамоатчилик ташкилотларидан молиявий ёрдам олишлари мумкин, бироқ мазкур ташкилотларнинг улар фаолиятига аралашуви молиявий назорат доирасидан четга чиқмаслиги керак.

**МУСТАҚИЛ УЙ ИШИ** — ўқитиш шакли, дарсда олинган билим, укув ва малакаларни мустаҳкамлаш, тушуна оладиган материаллар ва қўшимча ахборотларни мустақил ўзлаштириш; ижодий ишларни бажариш унинг мақсадидир. Мустақил билишдан иборат меҳнат фаолияти ўқувчини чиниқтиради ва билимини мустаҳкамлайди.

**МУСТАҚИЛЛИК** — фикрлаш, вазиятни таҳлил қилиш, ўз фикрини тузиш, у ёки бу муаммоларни мажбуран қабул қилдирилаётган қарашлар ва ечиш усулларидан қатъий назар ўз ташаббусига кўра бир қарорга келиш ва ҳаракат қилишга бўлган қобилиятда намоён бўладиган шахсий сифат. Хатти-ҳаракатдаги мустақиллик юқори даражадаги ваколатлилик мавжуд бўлгандагина самаралидир.

**МУСТАҲКАМЛАШ** — ўқитувчининг билимларни ўзлаштиришнинг пухталигини ва улардан амалиётда фойдалана олишни таъминлашга йўналтирилган фаолияти. Қуйидагилар мустаҳкамлашнинг энг кенг тарқалган усул ва шакллари ҳисобланади: умумлаштирув тавсифига эга маъруза, аввал ўрганилган материал бўйича суҳбат, маърузалар ва хабарларнинг шарҳи, рефератлар, дарслик, китоблар билан ишлашнинг турли шакллари; мустаҳкамлашнинг ижодий қайта тикловчи машғулотлардан иборат, турлари бор.

**МУТАҲАССИС** — ўз ишининг устаси; ўзининг доимий асосий машғулоти деб бирор соҳадаги муайян ишни танлаган ва бу ишни ўз касбига айлантирган ҳамда бу машғулот учун зарур билимга эга бўлган ишни тушунадиган ва укувли киши. Кўпгина мамлакатларда мутахассис (профессионал) деб эркин касбдаги, дипломли ва олий лавозимли бўлган саноат ёки тижоратдаги шахсга айтилади.

**МУТАҲАССИС** — саноат ёки фаннинг муайян соҳаси бўйича махсус билимлар, малакалар иш тажрибасига эга бўлган, таълим ёки амалий фаолият бўйича ихтисосликка эга бўлган киши.

**МУТАҲАССИСЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ** — мавжуд олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида янги ихтисослик ёки малакани эгаллаш. Қайта тайёрлашга иккинчи

олий ёки ўрта махсус, касбга оид таълимни олиш сифатида қаралади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

**МУТАХАССИСЛИК** — юқори даражадаги усталик, касбни чуқур эгаллаганлик, сифатли, моҳирона бажариш, ўқув ва амалий фаолият мобайнида эгалланган маҳорат. Ишчининг мутахассислиги битта касбда махсус билимлар ва меҳнат функциясини бутун бошли мажмуини қўшиб олиб бориш, шунингдек, фаолият турларини кенгайтириш ҳисобланади. Бу жараёнда асосий бўлиб, ўзлаштирилган ахборот ҳажми эмас, балки ундан ижобий фойдаланиш уқуви, уни топа билиш, амалий фаолиятда ўзлаштириш ва қўллай олиш ҳисобланади.

**МУТАХАССИСНИНГ МАЛАКАВИЙ ТАВСИФИ** — давлат меъёрий ҳужжати, мамлакат халқ ҳўжалигидаги мутахассиснинг ўрнини, унинг ижтимоий-сиёсий, дунёқараши ва касбий жиҳатлари, замонавий ишлаб чиқариш шароитларида меҳнат ва ижтимоий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур билим ва уқувларини белгилаб беради.

**МУТОЙИБАНИ ҲИС ЭТИШ** — инсоннинг ҳодисалардаги кулгили томонларни пайқай билиш қобилияти, уларга эмоционал жавоб қайтариши. Мутуйибани ҳис этиш субъектнинг атроф муҳитдаги зиддиятларни пайқай олиш уқуви билан боғлиқдир. Мутуйиба объектга нисбатан, яъни ўзига хос эмоционал танқидга дучор бўлган объектга, дўстона муносабат сақланиб қолади. Мутуйибани ҳис этиш субъектда ижобий идеал мавжудлигини англатади, бусиз у салбий ҳодиса (пасткашлик, манманлик ва ҳ.к.)га айланади. Инсон ҳазилни, анекдотларни, шаржни, каррикатурани қандай тушунишига, у вазиятнинг кулгиллигидан ажабланишга, фақат бошқалар устидангина эмас, балки, агар ҳазил ўзига қаратилган бўлса, ўз устидан ҳам кула билишлигига кўра унда мутуйибани ҳис этиш хислати бор ёки йўқлиги ҳақида фикр юритиши мумкин бўлади. Мутуйибани ҳис этишнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги эмоционаллик даражасининг пастлиги, шахснинг етарли даражада интеллектуал ривожланмаганлигидан гувоҳлик беради.

**МУҚОБИЛ ЎҚИТИШ** — таълим жараёнини жадаллаштиришга шахс мавжуд имкониятларини сафарбар этишга, тарихан анъанавийлашган ва имкониятга эга бўлган таълимнинг

- усул ва шакллариининг дидактик аҳамиятини оширувчи таълимнинг янги технологияларини қўллаш.

**МУҚОБИЛ МАКТАБ** — ёш авлодга таъсир этувчи ва унинг шаклланишига катта таъсир кўрсатувчи оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, кинематография, матбуот).

**МУҚОБИЛ ТАЪЛИМ** — аввал мавжуд бўлганига муқобил тарзда шакллантирилган синов-тажриба программаси бўйича ишлайдиган янги таъсис этилган (одатда хусусий шахслар ташаббуси бўйича ташкил этилади) таълим муассасаларининг мажмуи. Қоидага кўра, булар пулли таълим хизмати кўрсатувчи давлатга тааллуқли бўлмаган таълим муассасаларидир.

**МУҚОБИЛ, ЭКВИВАЛЕНТ** (лот. *aequus* — тенг ва *valeps* — кучга эгалик, маъно, қиймат) — 1) бошқаси билан тенг қимматда бўлган нимадир, уни тўлиқ алмаштиради ёки уни ифодалашга хизмат қилади; 2) *иқтисодда*, бошқа товар қиймати ифодаланадиган товар (бошқа барча товарлар ўз қийматини ифода этувчи товар умумий эквивалент бўлиб, ҳисобланади, яъни пул); 3) *лингвистикада*, нутқ бирлиги, бошқа нутқ бирлиги қандай вазифани бажарса, ана шу вазифани бажаришга қобил нутқ бирлиги (масалан, бир хил синтактик вазифада келувчи сўз билан вазифаси бўйича мос келадиган муқобил сўз — сўз бирлиги: қулоқ солмоқ — эшитмоқ, тингламоқ; кўз тикмоқ — кутмоқ, қарамоқ ва ҳ.к.).

**МУҲАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ** — фан соҳаси, ишлаб чиқариш жараёни ва бошқарув фаолиятида инсоннинг техника воситалари билан бирга ҳаракатланишидаги меҳнати ўзига хос психологик томонларини, шунингдек инсон руҳий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда машина ва приборлар конструкциясига қўйиладиган талабларни ўрғанади.

**МУҲАНДИСЛИК САНЪАТИ, ИНЖИНИРИНГ** (инг.)— тижорат асосида муҳандислик-маслаҳатчилик хизмати кўрсатиш, тадқиқий, лойиҳавий-конструкторлик, ҳисоб-китоб аналитик тавсифдаги ишларни бажариш, лойиҳалар техникавий-иқтисодий асосларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил қилиш соҳасига оид тавсияларни ишлаб чиқиш, маҳсулотни сотиш.

**МУҲИТ** — 1) кишилиқ жамияти ва организмлар фаолияти кечадиган табиий шароитлар доираси, мажмуи; кишилиқ жамияти ва организмларнинг мавжудлиги ва авлодни давом эттириши уларни қуршаб олган шароитга боғлиқ; 2) атроф олам; ривожланиш учун макон ва материал.

**МУҲОКАМА** — ҳақиқатни аниқлаш жараёнига жалб этиш усули, ишонтириш йўлларида бири; жамоатчилик фикрини ишлаб чиқиш, шахсга, ижтимоий ҳодисаларга, меҳнат фаолияти муаммоларига, маънавий муносабатларга бўлган нуқтаи назарнинг шаклланишига имкон беради. Муҳокама давомида ўқувчилар суҳбат, диалог, баҳслашиш маданиятига эришади, келишилган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш уқувини эгаллайди.

## Н

**НАВАТОРЛИК ТАЖРИБАСИ** — мавжуд илмий билимлар чегарасидан четга чиқувчи педагогнинг мутлақо янги тажрибаси; педагогнинг ўз фаолияти тизимини ўзгартириши билан тавсифланади, бунинг натижасида педагогик жараённинг сезиларли ва барқарор тарзда самараси ошишига эришилади.

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ** — 1996 йилда Тошкент политехника институти Навоий филиали (1963) негизида ташкил этилган. Институтда 6 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: менежмент, электрэнергетика, металлургия, технологик машиналар ва ускуналар, автоматлаштириш ва бошқариш, кимёвий технология ва биотехнология, кончилик иши, касбий-педагогик тайёргарлик. Институт қошида техника коллежи, лицей-интернат ишлаб турибди.

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — 1992 йил 28 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент давлат педагогика институтининг Навоий филиали негизида ташкил этилган. Институтда 5 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: математика ва информатика, физика ва



астрономия, кимё, биология, география, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тили (тиллар бўйича). гуркий тиллар ва адабиётлар (тиллар бўйича), Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, муסיқа таълими ва эстетик тарбия.

**НАЗАРИЙ ЎҚУВ** — фанларни ўзлаштиришга, шу жумладан, турли хил машғулотларни ўтказишни (лаборатория ишлари, амалиётлар, семинарлар ва ҳ.к.), шунингдек, курс лойиҳалари ва ишларини бажариш асосида ўқув жараёнига ажратилган вақт.

**НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТ** — муайян дунёқараш нуқтаи назаридан эмпирик ва умумлаштирилган материални таҳлил қилиш, баҳолаш, тизимлаштириш. Илгор ёки новаторлик тажрибасининг энг хусусиятли томонлари, ўзига хосликларини ҳисоблашда умумлаштиришнинг моҳияти, бу янги ғоялардан бошқа шароитларда фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Педагогикада ҳам тарбия ва ўқитишнинг айрим усуллари, шакллари, йўсинлари, ҳам юзага келган тарбия амалиёти тизими назарий тадқиқ этилади; шунингдек, айрим олимлар, илмий мактаб назарий концепсияси таҳлил қилинади.

**НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАР** — келгусидаги тадқиқотлар учун концепция ва методологик асос яратувчи, таълим ривожланиши умумий қонуниятларини англашга йўналтирилган ва фан соҳаларини тушуниш учун калит бўлувчи, илмий фанлар вазибаларини аниқловчи, унинг айрим томонлари, жараёнлари, жиҳатларини ўрганувчи мураккаб ва кам ўрганилган муаммоларни умумназарий жиҳатдан ишлаб чиқиш.

**НАЗАРИЯ** — билимнинг у ёки бу соҳасидаги асосий ғоялар тизими; ҳаёт қонуниятлари ва аҳамиятли муносабатлари ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билиш шакли.

**НАЗОРАТ** — қонунда, йуриқномаларда, режаларда, шартномаларда, лойиҳаларда, битимларда кўзда тутилган объектнинг кузатилаётган аҳволини текшириш мақсадида объект устидан кузатишдан иборат объектни бошқаришнинг таркибий қисми.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Наманган давлат педагогика институти негизда ташкил этилган. Университетда 11 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: математика, чизмачилик ва амалий санъат, касб-ҳунар таълими (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошлангич таълим ва тарбиявий иш, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, педагогика ва психология, тасвирий санъат, ўзбек филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, француз тили, славян филологияси, тарих, иқтисодиёт, ҳуқуқ, биология, физика, кимё, география, амалий математика ва информатика. Университет қошида 1998 йилдан академик лицей, бизнес ва тадбиркорлик мактаби фаолият кўрсатмоқда.

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — 1998 йилда Наманган саноат-технология институти (1976) негизда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик, касбий педагогик тайёргарлик (кимёвий технологиялар), касбий педагогик тайёргарлик (қурилиш), касбий педагогик тайёргарлик (озиқ-овқат маҳсулотлари), менежмент, технологик машиналар, транспорт воситаларидан фойдаланиш, информатика ва ахборотлар технологияси, агромуҳандислик; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: касб-ҳунар таълими, солиқ ва солиққа тортиш, менежмент, машинасозлик технологияси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг ташкили, деҳқончиликни механикалаш, қурувчи-педагог, консервалаш технологияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш. Институтда лицей ҳамда тадбиркорлик ва бизнес мактаби мавжуд.

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ** — 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманган филиали (1972) негизда ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик, иқтисодиёт, молия, менежмент, техно-

логик машина ва жиҳозлар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси. 1995 йилдан бошлаб бизнес мактаби ва лицей фаолият юритади.

**НАМУНА** — анча аниқ, анча ёрқин ҳолатга умумий анча мавҳум нарсанинг моҳияти сифатидаги моментга уни яхши ёритиш ва тушунтириш мақсадидаги ҳавола. Намуна усул сифатида ахлоқий ва эстетик жиҳатдан жозибали намунани ўзлаштириш натижасида ўз-ўзидан таъсир этувчига айланувчи таъсир этиш воситаси сифатида тасаввур этилади. Ўқувчилардаги «намуна»га муносабат уларнинг идрокланган идеалга интилишининг ривожланганлик даражасини кўрсатади ёки шубҳали нарсалар билан машғул бўлиши ва ўйламасдан тақлид қилиши ҳақида гувоҳлик беради.

**НАМУНАВИЙ (БИР ТАҲЛИТДАГИ) ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ** — ҳужжат, унда таълим мазмуни мажбурий қисмлари ва намунавий (бир таҳлитдаги) ўқув режаси фан бўйича ўқув материални ўзлаштирганлик сифат кўрсаткичлари батафсил очиб берилади.

**НАМУНАВИЙ (БИР ТАҲЛИТДАГИ) ЎҚУВ РЕЖАСИ** — тавсия хусусиятига эга ҳужжат, ўқиш туркумлари ва предметлари рўйхати ва ҳажмини малака босқичи, минимал (таянч) ўқув муддати ва ишчи ўқув ҳужжатлари ишлаб чиқишда минтақа таълим органлари, таълим муассасалари мустақиллик даражасини белгиловчи касб ва ихтисосликларга тадбиқан белгилаб беради.

**НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ** — мониторингнинг таъсирчан усулларида бири, бунинг ёрдамида аввалдан белгиланган тарз бўйича ёзма матнлар, география материаллари, техника ашёлари, ижодий ишлар сингари ўқув-касбий фаолият натижалари ўрганилади.

**НАФРАТ** — *севгининг* зидди; жирканишгача етиб борадиган антипатия. Бундай ҳис-туйғунинг пайдо бўлиши кўпинча ҳодисаларнинг ноҳуш ривожланиши туфайли пайдо бўладиган кучли норозилик ёки салбий кечинмаларнинг аста-секин тўпланиб бориши билан бирга кечади. Бундай ҳолларда мазкур

ҳодисаларнинг мавжуд ёки тасаввур этилаётган сабаблари нафратга олиб келади. Нохуш нафратнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун инсон ўзи учун ёқмайдиган ҳодисалардан ҳоли бўла олмаслигини онгли равишда тушуниши керак.

**НАШР** — нашр қилинган асар, у мустақил полиграфик безакка эга, таҳририй-нашр ишловидан ўтган бўлади, чиқарилиши ва тарқатилиш учун мўлжалланган ахборотдан иборат маълумот ҳам берилади.

**НЕЙРОИНФОРМАТИКА** (юн. neuron — асаб, жиғ ва лот. informatio — тушунтириш, баён қилиш) — информатика соҳаси, табиий нейротизимлар иш тамойиллари ва ана шу тамойиллар — нейрокомпьютерлар негизида ахборотни қайта ишлаш қурилмасини яратиш билан шуғулланади.

**НЕЙРОКОМПЬЮТЕР** (юн. neuron — асаб, жиғ ва лот. computare — ҳисоблаш) — интеллектуал тизимларни моделлаштиришга йўналтирилган электрон қурилмалар.

**НЕОЛОГИЗМЛАР** (юн. neos — янги ва logos — сўз) — янги сўз, ибора ва сўз бирикмалари, улар янги нарсаларни, тушунчалар ва ҳ.к.ларни ифодалаш учун қўлланади, шу жумладан, ўзлаштирилган сўзлар бўлиб, уларнинг янгилиги ва ғайриодатийлиги шу тилда сўзлашувчилар учун аниқ сезилиб туради.

**НИЗО** — *психология*да, ўзаро алоқадор субъектларнинг турли йўналишлардаги мақсадлари, манфаатлари, нуқтаи назарлари, фикрлари ёки қарашларидаги улар томонидан кескин шаклда намоиш этиладиган туқнашув; низонинг кучайишига томонлардан бирининг иккинчи томон манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни юзага келтириши сабаб бўлади. Низоли вазиятга боғлиқ ҳолда гуруҳлараро низолар, ташкилотлараро низолар, табақавий, давлатлараро, миллатлараро низолар юз беради. Рақиб томон ишга алоқадор далиллар ва муносабатлар доирасидан четга чиқмаган вазиятлардаги низолар оқилона низолар ҳисобланади. Яна қ. *Коллизия*.

**НИЗОЛИ ВАЗИЯТ ТАРБИЯ УСУЛИ СИФАТИДА** — ўқувчиларнинг ишга алоқадор ва ахлоқий муносабатларининг стихияли тарзда юзага келган низоли вазиятдан педагогик

мақсадларда фойдаланиш; бу низо қарама-қаршиликнинг кучли намоён бўлиши шаклида ҳал этилади. Ўқувчиларнинг жамоа топшириғини ҳафсаласизлик билан бажариши, айрим гуруҳлар ёки шахсларнинг манфаатлари камситилиши, авторитаризм, кучни суиистеъмол қилиш, адолатнинг бузилиши низони юзага келтиради. Педагог учун низони ҳал этишга ўқувчиларнинг ўзини жалб қилиши муҳимдир, низо кескинлашган ҳолларда эса низоли вазиятнинг ҳал этишга педагогнинг фаол аралашуви мақсадга мувофиқ.

**НИЯТ** — мақсадни амалга оширишга йуналтирилган кўнгилда туғилган қарор, кейинчалик амалга ошириладиган хатти-ҳаракатга ички тайёрлик.

**НОВАТОР** (лот. novator — янгилувчи) — фаолиятнинг бирор соҳасида янги, илғор тамойиллар, ғоялар, усулларни яратувчи ва амалга оширувчи шахс.

**НОМЕНКЛАТУРА** (лот. nomenclatura — номлар нақши) — 1) фан, санъат, техниканинг бирор соҳасида қўлланадиган номлар, терминларнинг мажмуи ёки рўйхати; 2) материаллар, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар кўрсатиладиган хизматларнинг тизимлаштирилган рўйхати; 3) тайинланиши ёки тасдиқланиши бошқарув аппаратидаги ваколатли юқори органга тааллуқли бўлган лавозимдор шахслар доираси, шунингдек муҳимлиги ва бўйсунлиги бўйича жойлаштирилган лавозимлар иерархик тизими.

**НОМЕНКЛАТУРАДАГИ ХОДИМ** — юқори органларда расмий лавозимни эгаллаган шахс.

**НОМУС** — инсоннинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш шакли, ижтимоий-ахлоқий қадрият (ўз қадр-қимматини ҳис этиш)га қаратилган бўлади; бу индивидуал қадрият (ҳурмат, ишонч)нинг соҳиби бўлган индивид сифатидаги инсонга атрофдагиларнинг ихтиёрий тан беришлари. Ўз қадр-қимматининг уйғониши ва авайлаб ривожлантирилишини нозик ва муътадил ҳис этиш, бу — тарбиянинг энг муҳим ва энг қийин вазифаларидан бири, чунки ана шундай ҳиссиётга инсоннинг ўзи учун ва инсон ривожланувчи жамият учун самаралиликка сезиларли даражада боғлиқдир.

**НООСФЕРА** (юн. *noos* — ақл, тафаккур ва *sphaira* — кура) — биомухитнинг янги эволюцион ҳолат, бунда инсоннинг ақлий фаолияти унинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлади; инсон ақли ва техниканинг фаолият соҳаси; инсон ақли билан яратилган барча нарса — табиий ва илк яратилганлар бундан истисно (В. И. Вернадский таълимоти, 1863-1945). Ноосфера учун табиат қонунларининг тафаккур қонунлари ва иқтисодий қонунлар билан жипс алоқаси хос. Коинот ҳақида, унинг ердаги жараёнлар билан боғлилиги ҳақида, инсоннинг ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиб, тарбияланувчи ўзини оламдаги ақлли мавжудот эканлигини ҳис этади. Ижтимоий муҳитнинг субъекти сифатида у инсон авлодининг мавжуд бўлишлигини таъминлаш ва уни давом эттиришга интилади, коинот билан инсон яшаётган сайёра ва ўз-ўзи билан уйғунлашишга ҳаракат қилади, экологик мувозанатга етишишга интилади. В. И. Вернадскийнинг биомухит-ноосфера ҳақидаги фикри ва унинг ижтимоий тасавурлари тартегик ва ўрғача режалаштиришда, хусусан информациявий маданий (ЮНЕСКО) башоратлашда тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда.

**НОРАСМИЙ ҲҚИТИШ** — ўзлаштирилиш натижаларини меъерий баҳолашни кўзда тутмайдиган программалар бўйича ўқитиш.

**НОРАСМИЙ ҲҚУВ ГУРУҲИ** — ўз мавқеини бирор расмий (юридик) қайд эттирмаган ҳолда биргаликда ўқув фаолияти билан шуғулланувчи, билиш манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишилар.

**НОРАСМИЙ ГУРУҲ** — юридик мақомга эга бўлмаган, манфаатлар, дўстлик ва хайрихоҳлик, ёхуд прагматик фойда асосида ихтиёрий бирлашган мавжуд ижтимоий уюшма. Норасмий гуруҳлар айрим уюшма сифатида бўлиши ёки расмий гуруҳлар ичида тузилиши мумкин (қ. *Расмий гуруҳ*); уларнинг манфаатлари касбий йўналишга ҳам, касбий бўлмаган йўналишга ҳам эга бўлиши мумкин (масалан, норасмий ўқув гуруҳи).

**НОРАСМИЙ ТАЪЛИМ** — таълимни юзага келтирувчи ҳар қандай такшилий ва барқарор коммуникатив жараён, анъанавий мактаб ва университет таълими тизими доирасидан

ташқарида бўлади ва барча ёшдаги кишиларни қамраб олади. Мамлакатдаги муайян шароитларга боғлиқ ҳолда бундай таълим катталар ўртасида саводхонликни тарқатиш учун мўлжалланган таълим программаларига асосланади, мактабдан четда қолган болалар учун таянч таълим беради, ҳаётий малакага ўргатади. Меҳнат фаолияти кўникмаси ҳосил қилади ва маданий программаларни амалга оширади. Норасмий таълим программалари босқичма-босқич бўлиши шарт эмас ва турли тарзда давом эттирилиши мумкин.

**НОСТРИФИКАЦИЯ** (нем. Nostrifikation, лот. noster — бизнинг ва facere — қилмоқдан) — чет эл дипломи, унвони, илмий даражасини ўз мамлакатигади муқобил сифатида давлат томонидан тан олинishi.

**НОУ-ХАУ** (инг. know-how, айнан, билишимча) — илмий, техникавий, ишлаб чиқариш-технологиявий, бошқарув, молиявий-иқтисодий, тижорат тавсифидаги билим ва маълумотларни, шунингдек, янгиликдан иборат ҳали кўпчилик томонидан амалиётда эгалланмаган ва қўлланмаган тажрибалар мажмуи. Ноу-хау одатда тижорат асосида, ҳақ тўлаш шарти билан янгилик эгаси ва фойдаланиш, шу билан бирга, ноу-хаунинг ўзини бериш ҳуқуқини берувчи лицензияни сотиб олиш ҳақидаги лицензиявий шартнома тузиш, воситасида берилиши қабул қилинган.

**НУТҚ** — мулоқотнинг алоҳида ва анча такомиллашган шакли, фақат инсонгагина хосдир. Нутқий мулоқотда икки томон қатнашади — сўзловчи ва тингловчи. Сўзловчи фикрни ифодалаш учун зарур сўзларни танлайди, грамматика қоидалари бўйича уларни бирикмага кириштиради ва нутқ мучалари артикуляцияси ёрдамида талаффуз этади; тингловчи эса нутқни қабул қилади, унда айтилган фикрларни у ёки бу қадар тушунади. Ҳар икковида — сўзловчи ва тингловчида — умумий восита — миллий тил, у кўп авлодлар умри мобайнида нутқий алоқа жараёнида шаклланади. Тил муомаланинг қатъий меъёрлаштирилган воситалар тизимидир, нутқ эса фикр ва ҳиссиётни узатиш учун мулоқот жараёнида унинг қўлланиши.

**НУТҚ МАДАНИЯТИ** — 1) индивидуал нутқнинг муайян тил меъёрларига мувофиқлиги, мулоқотнинг турли шароитларида нутқнинг мақсад ва мазмунига мувофиқ тил воситалари-

дан фойдаланиш уқуви; 2) адабий тилни меъёрлаштириш муаммоларини тадқиқ этувчи тилшунослик соҳаси.

**НУТҚ СУРЪАТИ** — вақт давомида нутқнинг амалга ошиш тезлиги, унинг тезлашиши ёки секинлашиши, унинг артикуляри тигизлиги ва аниқ эшитилишини асослайди; икки хил усул билан ўзгартирилиши мумкин: вақт бирлиги мобайнида талаффуз этилган товуш (бўгин)лар миқдори ёки товуш (бўгин) ўртача узунлиги билан; нутқнинг меъёрий суръати ўртача секундига 10-12 товушни ташкил этади.

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 1990 йилда Қорақалпоқ давлат университети негизида қайта ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тили (инглиз), туркий тиллар ва адабиётлар (қозоқ тили), туркий тиллар ва адабиётлар (қорақалпоқ тили), бошланғич таълим ва тарбиявий иш, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, педагогика ва психология, математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, география, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат. Институт қошида 1997 йилда қорақалпоқ-турк лицейи ташкил топган.

**ЎУФУЗ** — ижтимоий онгдаги кишилар фаолияти турли томонларига тақаладиган обрў, жозибадорлик: ижтимоий мавқе, касб, хатти-ҳаракат ва руҳий сифатлар, жисмоний куч-қувватга эгаллик, турли неъмат ва хизматлар, шунингдек, ижтимоий гуруҳлар, институтлар, ташкилотларга нисбатан бериладиган мақом.

## О

**ОБРЎ** — 1) индивиднинг ўз мавқеи, лавозими, мақомига асосланиб ўтказадиган таъсири; кўпинча бу унга берилган ҳокимият билан боғли бўлади; 2) биргаликдаги фаолият шароитларида, яқка шахснинг масъулиятли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқининг тан олинishi. Шу маънода обрў ҳокимият билан мутаносиб бўлмаслиги мумкин, ундан тегишли ваколатга эга бўлмаган, лекин ўзига хос ахлоқ мезони ҳисобланган, шунга



кўра атрофдагилар учун юқори даражада эътибор (қадр-қиммат)га эга бўлган шахс фойдаланиши мумкин.

**ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ** — ўз моҳиятига кўра объективликни айнан акс эттирган ҳақиқат (яъни онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, объектнинг ўзига хос ёки унга мос бўлган аниқлик).

**ОБЪЕКТИВЛИК** — 1) ҳар қандай субъективликдан, субъектив таъсирдан холилик; аниқлик, бетарафлик. Ҳақиқий объективликка индивиднинг жисмонан, жонли ва маънавий мавжудлигига тааллуқли омиллар мажмуи ўзаро таъсир этиши туфайли ва унда ҳаракатланувчи онгли кучларни ҳам қўшганда анча яқинлашади ва бу илмий меҳнат учун рамзий бўлиб қолади; 2) маънавий йўналиш ўз ҳаракатини шахсий манфаат учун эмас, балки олий тартиб учун амалга оширади. Объективлик ишнинг моҳиятига ғаразли ва ҳеч қандай ғайри фикрларсиз кириб бориш қобилияти, нарсалар тартибига итоат этиш, ҳолислик ва ишга садоқат ҳисобланади.

**ОГОҲЛАНТИРИШ** — ишонтириш усули, одоб доирасидаги еслоатиб қўйиш йўсини, эҳтимоли бор ғайриахлоқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва тўхтатиш. Огоҳлантириш ёрдамида педагог ўқувчилар эътиборини ғайри ахлоқий хоҳиш билан ахлоқий хатти-ҳаракат ўртасидаги қарама-қаршилиқни идрок этишга қаратади.

**ОДАТЛАР** — маънавий аҳамиятга эга расм-русумлар; доимий меъёрлардан келиб чиқади, кишилар буларга ўзлариаро ва жамият билан ўртадаги муносабатларда амал қиладилар, лекин бунинг учун мазкур меъёрлар ҳокимият ёки қонун томонидан мажбурий бўлмай, фуқароларнинг ўзлари томонидан бошқарилиш лозим. Булар қачонки ҳаётнинг сиёсий, ақлий, иқтисодий томонларини тартибга келтирса, бундай меъёрлар маънавий ва ахлоқий одатларга тааллуқли бўлади. Одатларнинг тўда устидан ҳокимияти каттадир ва инсоният хатти-ҳаракатининг кўпгина қисми айни пайтда ҳукмрон бўлган одатлар томонидан тартибга солинади. Маданият даражасининг ошиши ва маънавиятнинг юқорилашиши туфайли одатлар ҳам анча юмшайди; аксинча, одатларнинг дағаллашуви дегенератив жараёнларда ва жамиятнинг маънавий

қашшоқлашувида юз беради, бу зўравонлик хатти-ҳаракатларининг кучайиши, ёвузликнинг ва бошқа қусурларнинг пайдо бўлишида акс этади.

**ОДДИЙ** — 1) ҳар қандай ҳодиса, худди шундай турдаги бошқа (кейинги) ҳодисага қиёсан бошланғич (ҳали ривожланмаган, содда) ҳодиса; соддалаштирилган нимадир, техникавий жиҳатдан юқори даражада бўлмаган; 2) маданиятнинг илк ривожланиш даврига тааллуқли, образлар тузилиш яхлитлиги, оддийлиги ва шаклнинг соддалиги билан ажралиб турувчи санъат асари.

**ОИЛА** — никоҳга ёки қондошликка асосланган кичик ижтимоий гуруҳ, турмуш умумийлиги, ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатлар, туғилиш ва бола тарбиясига кўра бирлашади. Оиланинг қуйидаги вазифалари фарқланади: умумий; турмушни ташкил этиш ва ҳўжалик юритиш; жисмоний ва маънавий қувватни қўллаб-қувватлаш, оиланинг ҳар бир аъзоси тўлақонли ривожланиши учун шароит яратиш; дам олишни ташкил қилиш; касбий фаолият учун шароит яратиш; умр йўлдошларининг интим муносабатлари уйғунлигини яратиш; авлодни давом эттириш. Оила бола шахсининг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади. Оила аъзолари ўртасидаги муомаладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги алоҳида маънавий-руҳий муҳитни яратади, бу ҳар бир оила ўзининг тарбиявий вазифасини ҳал этишида муҳим аҳамият касб этади. Ота-оналар ва болаларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниш даражасининг юқори бўлиши бир-бирларининг шахсий ўзига хосликлари ҳақида айнан бирдек тасаввурга эга бўлишларида муҳим омиллардан бири ҳисобланади ва уларнинг меъёрий мулоқотини таъминлайди. Ота-оналар ва болалар муомаласидаги ўзига хослик уларда шахслараро муносабатнигина шакллантириб қолмайди, балки болаларнинг бошқа кишилар билан муомала малакасининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатади.

**ОЛДИНДАН АЙТИШ** — бўлажак ҳодисалар ҳақидаги олий даражадаги ҳиссий билиш, бунда келажакка фикран таъсир ўтказилмайди, балки олдиндан айтиб берувчининг таъкидлашига кўра олдиндан белгиланган ҳодисаларни кўра билиш. Телепатия ва олдиндан кўра билиш каби олдиндан айтиш ҳам маълум ҳис этиш мучаларининг иштирокисиз амалга ошади

деб таъкидланади, шундай қилиб у экстросенсор тасаввур этиш шаклларида бири ҳисобланади. Тушлар, қушларнинг учишини кузатиш ёки қурбонлик қилинган жониворларнинг ички ҳолати бўйича ром очиб келажакни олдиндан айтиб беришликнинг афсонавий далилларига асосланган қадимий анъана мавжуд. Олдиндан айтишга бўлган қобилият башоратлаш натижаларини (чийланаётган картанинг тўдадаги тартиби ёки соққа ташлангандаги тушган рақамлар йиғиндисини) баҳолаш йўли билан тадқиқ этилади, бироқ олинган статистик маълумотлар *телепатия* ёки *олдиндан кўриш* соҳасидаги экспериментларга нисбатан анча ишончсиз бўлиб чиқди. Олдиндан айтишни олдиндан кўришдан фарқлаш зарур.

**ОЛИГОФРЕНИЯ** (юн. oligos — кўп бўлмаган ва phgēn — ақл) — туғма ёки болалик даврида орттирилган руҳий ривожланмаганликнинг турли шакллари (ақлипастлик). Олигофрения нуқсонни ифодалаш турли даражасига эга: енгил (дебиллик), ўртача (имбециллик), чуқур (телбалик), шуларга боғлиқ ҳолда махсус программалар тузилади ва махсус таълим муассасаларида ўқитиш методикаси танланади.

**ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКА** — дефектология таркибига кирувчи махсус педагогика, ақлий ривожланиши орқада қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнини ўрганади.

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ** — олий ва ўрта махсус таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТ). Куйидагилар унинг ваколоти доирасида: ОЎМТ соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; таълим муассасаси фаолиятини ва унга методик раҳбарликни амалга оширишни уйғунлаштириш; давлат таълим стандартлари бажарилишини таъминлаш; ўқув жараёнига таълимнинг илғор шаклларини ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техникавий ва информацион воситаларини тадбиқ этиш; ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратишни ташкил қилиш; педагог ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш; ОЎМТ соҳаси фаолият кўрсатиш ташкилий-иқтисодий воситаларини такомиллаштириш; касб-ҳунар таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШ ЎРГАНИШИ** — ўқитувчилар малакасини оширишнинг индивидуал шакли, унинг асосий вазифаси бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: фан, илгор техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари билан танишиш асосида психологик-педагогик, илмий-касбий ва умуммаданий билимларни янгилаш ва чуқурлаштириш; мамлакат ва чет эл тажрибасини ўрганиш. Иш ўрганиш етакчи таълим муассасалари, корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари, фан ва маданият муассасаларида ўтказилади.

**ОЛИЙ МАВҚЕЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** — алоҳида қобилият намоён этган ва махсус саралашдан ўтган болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг таълим муассасаси.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ** — узлуксиз таълимнинг мустақил тури. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, малакали педагог кадрлар ва илмий ходимлар тайёрлашни, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида маълумотини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бўлган шахснинг эҳтиёжини қондиришни амалга оширади ва бунини олий таълим муассасаларида юзага чиқаради.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ (ОТДТС)** — таянч меъерий ҳужжат, кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига бўлган умумий талабларни белгилайди; таълим олувчилар зарур ва етарли даражада тайёргарлиги ва таълим муассасаларини битирувчиларга умумий малакавий талабларни белгилайди; ўқув юкларини ҳажмини белгилайди; олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш тартиби ва воситаларини ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини белгилайди. ОТДТС таълим жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни, кадрлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини белгиловчи тегишли меъерий ҳужжатлар (бакалаврият ва магистратура ихтисосликлари йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фани программалари ва б.)ни яратиш учун асос ҳисобланади.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ** — шахснинг олий таълим муайян ўқув программасини ўзлаштирганлиги натижаси, бу таълим тўғрисидаги тегишли давлат ҳужжатини бериш билан яқунланади.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИХТИСОСЛИКЛАРИНИНГ ТАСНИФЛОВЧИСИ** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими ва магистратура ихтисосликлари йўналишларининг тизимлаштирилган рўйхати.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ (ОТМ)** — (қ. *Олий таълим таълим муассасаси*).

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ АККРЕДИТАЦИЯЛАШ** — олий таълим бўйича давлат таълим стандартлари мезонлари ва талабларига жавоб берувчи олий таълим муассасаси фаолият даражасининг давлат томонидан тан олиниши.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ АТТЕСТАЦИЯЛАШ** — олий таълим муассасасининг кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифати олий таълим бўйича давлат таълим стандартлари талаблари даражасида эканлигини аниқлаш тартиби.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ ҲУЖЖАТИ (ДИПЛОМ)** — давлат ҳужжати, аккредитланган олий таълим муассасаларини битирганларга берилади ва улар томонидан олий таълим программасининг бажарилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги бўғинида ўқишни давом эттириш учун ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш учун ҳуқуқ беради.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** — таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида фаолият юритади, юридик шахс мақомига эга ва лицензияга мувофиқ олий таълимнинг таълим программаларини амалга оширади. Шахснинг интеллектуал, маданий ва ахлоқий ривожланиш эҳтиёжларини олий ва/ёки ОТМдан кейинги таълим воситасида қондиришга кўмаклашади. Халқ хўжалиги турли соҳалари, маданияти ва давлат бошқаруви учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАЪЛИМ ПРОГРАММАСИ** — бакалаврият ёки магистрлик ихтисосликлари бўйича кадрларни улар малакавий талабларига мувофиқ тайёрлашнинг зарурий ва

етарли даражасини таъминловчи блокларга бирлаштирилган таълим фанларининг рўйхати.

**ОЛИМ** — 1) илмий мутахассис, билимнинг бирор соҳасидаги эксперт; 2) фанга тааллуқли, илмий.

**ОЛИМЛАРГА АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ** — соҳа олимларига илмий-педагогик ахборотларни етказиш тизими. Мутахассисларга уларнинг талабларига мувофиқ турли хил маълумотлар берилди. Хизматнинг бундай шакли ихтисослаштирилган кутубхоналарда кенг ёйилган. Хизматнинг бошқа турлари ҳам бўлиб, улар кутубхона маълумотнома-қидирув бўлимини ташкиллаштириш ва унинг соҳа олимларига ҳужжатларнинг манбаларини излаш учун тақдим этиш ҳисобланади. Ниҳоят, олимларга уларнинг сўровлари бўйича ҳужжат манбалари бевосита берилди ёки уларнинг нусхаси топширилади, буларда тадқиқот ўтказиш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлади. Олимларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ахборот таъминотига автоматлаштирилган тизимни жорий этиш билан боғлиқ.

**ОЛИМПИАДА** (юн. *Olimpias* ёки *Olympiados*) — 1) юнонларнинг олимпия шаҳридаги мусобақаси, шунингдек, йилнома бирлиги бўлиб хизмат қилувчи икки олимпия ўйинлари ўртасидаги 4 йил оралиқда уларни байрам қилиш; 2) **ФИДЕ**га аъзо мамлакат ва ҳудудлар шахматчиларининг гуруҳий мусобақаси; 3) танлов, бадиий ҳавоскорлар, халқ ижоди кўриги; 4) фаннинг бирор соҳасидаги топшириқни яхши бажариш бўйича ўқувчилар мусобақаси (масалан, математика олимпиадаси).

**ОМИЛЛАР НАЗАРИЯСИ** — социологик концепция, у ёки бу тенг ҳуқуқли омиллар таъсирида ижтимоий ривожланишни тушунтириб беради: иқтисод, техника, маданият, дин, маънавият ва ҳ.к. шундай омил ҳисобланади. Социологияда бу ривожланишни битта қандайдир омил (географик ёки геосийёсий, психологик, демографик ва б.) таъсири деб тушунтириш мавжуд, лекин бундай ҳаракат муваффақиятсиз тугади, шунинг учун жамият тарихида муҳим ўрин тутувчи бир-бирига таъсир этувчи омилларнинг тенг ҳуқуқлилиги назарияси илгари сурилди (19- аср охири — 20- аср бошлари). Ҳозирги вақтда ижтимоий ривожланиш замонавий назарияларининг умумий но-

ми («Ўсиш босқичи» назарияси, саноатлашган ва саноатлашгандан кейинги жамият назарияси ва б.).

**ОММА РУҲИЯТИ** — оммани ташкил этувчи кишилар руҳий ҳаётининг тадқиқи. Одатда оммавий бўлиб ҳисобланади: фикрларни очиқ баён этиш (нутқ, намойиш, жараёнлар), онгсиз қўрқув (саросималик, оммавий васваса) туфайли амалга ошириладиган ҳаракат, ҳақиқатни табиий ҳис этолмай қолиш (ўғрилиқ, зўравонлик), кўнгилни кўтариш қобилияти (оммавий кўтаринкилик).

**ОММАВИЙ АЛОҚА** — ахборотни (матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ёзиш, тасвирёзув орқали) жамият маънавий қадриятларини қарор топтириш ва кишилар баҳолаши, фикри ҳамда ҳулқ-атвorigа таъсир этиш мақсадида мунтазам тарқатиш. Оммавий алоқанинг юзага келиши босиш дастгоҳининг ихтиро этилиши ва кўп адабий китоб пайдо бўлиши билан боғлиқ (И. Гутенберг, 15- аср). Мамлакатимиз педагогикасида таълим тузилмасида оммавий алоқа воситаларидан фойдаланиш ва аҳоли кенг қатламини маърифатли қилиш билан боғлиқ оммавий алоқа таълим жиҳатлари мавжуд, бу махсус ахборот оқимларини ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

**ОНГ** — ҳаётни тафаккурда идеал тарзда тасаввур этишга бўлган инсоннинг қобилияти. Социология, психология ва фалсафанинг асосий тушунчаларидан бири, булар онгли идрок этилган турмуш тарзида, юқори даражада ташкиллаштирилган материя хоссасиз тарзида, объектив оламнинг субъектив образи тарзида, моддийга идеал суратда қарама-қаршилиги ва у билан бирлиги тарзида қарайди. Анча тор маънода онг инсоннинг ижтимоий ривожига хос ва нутқ билан боғли руҳий инъикоснинг олий шаклидир, меҳнат фаолиятининг мақсадли идеал томонидир. Ижтимоий амалиёт асосида ва жараёнида шаклланган; икки хил шаклга эга: индивидуал (шахсий) ва ижтимоий.

**ОНГЛИ ИНТИЗОМ** — фуқаровий сифат ва ўқув-тарбия жараёнининг натижаси; фаоллик ва ташаббуснинг намоён бўлиши, шахс ва жамият манфаатларининг узвий боғлилиги, меҳнатга ва жамият мулкига масъулиятли муносабатда бўлиш билан тавсифланади; муайян турмушнинг долзарб масалалари-

ни ҳал этишда эътиборни мақсадли жамлаш, ирода, барча интеллектгуал ва ижодий қобилиятни ҳамда жисмоний қувватни қаратишни назарда тутади.

**ОНГЛИЛИК** — ҳаётдаги нарса, воқеа, ҳодисалар ҳақида тўғри фикрлай олиш ўқуви ва қобилияти. Таълимдаги онглилик, бу — ўқувчилар билимни онгли тарзда қабул қиладиган, ўзлаштирадиган ва тадбиқ этадигаг ўқув ишларининг зарурлигини асословчи дидактик тамойил. Бу тамойил ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ.

**ОПЕРАТОР** — 1) техника қурилмаси, компьютерда ишловчи ва йўриқнома билан чегараланган ҳаракатлар, операцияларни бажарувчи шахс; 2) ҳисоблаш техникасида — ЭҲМ программаси командаси ёки командалар гуруҳи; 3) биржада операцияларни амалга оширувчи юридик шахс.

**ОПЕРАЦИЯ** (лот. operatio — ҳаракат) — 1) кўп маъноли термин, фаолият тури тадбиркорлик битимлари, ягона (иқтисодий, ишлаб чиқариш, кредит) вазифа ёки муаммоларни ҳал этиш бўйича ўзаро боғли ҳаракатлар мажмуини англатади; 2) ҳисоб-китоб, ахборот таркиби, маълумотларни тузиш ва ишлаб чиқиш, кўчирмалар тузиш ва ҳ.к. жараёнларда амалга оширилади; 3) битта иш ўрнида ёки бир қанча ишчилар томонидан бажариладиган айрим тугалланган технологик жараён қисми.

**ОППОНЕНТ** (лот. opponens/opponentis — эътироз билдирувчи) — 1) маъруза, диссертация ва ҳ.к.ни танқид қилиб сўзловчи шахс; 2) р а с м и й о п п о н е н т — диссертация ҳимоясида сўзлаш учун олдиндан белгиланган шахс; 3) баҳсдаги рақиб.

**ОПТИМИЗМ** (лот. optimus — энг яхши, аъло) — нарсалар ва ҳодисларда уларнинг энг яхши томонларини ажратиш ва оқибат хайрли бўлиши хос бўлган ҳаёт ёки кайфиятни тасаввур этиш, узлуксиз тараққиётга бўлган ишонч.

**ОРДИНАТУРА** — тиббиёт ОТМни тугатгандан сўнг таълим олиш, малака ошириш тизими ва шакли, қоидага кўра малака ошириш институтлари, ИТИ ва такомиллаштириш институтла-



рида амалга оширилади; клиник ординатура (қийёсланг *Магистратура, Аспирантура, Докторантура*).

**ОРТИҚЧА ИНФОРМАЦИЯ** — кўшимча информация, у тизимга унинг ишончилигини ошириш учун киритилади.

**ОРТИҚЧА ЮКЛАНГАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ** — ўзлаштиришнинг белгиланган сифатида ўқув материали қайд этилган ҳажмини ўзлаштиришга ўқувчи сарфлаган вақтнинг ўқув режаси бўйича мазкур материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтга нисбати.

**ОРТОБИОЗ** (юн. orthos — тўғридан-тўғри, тўғри ва bios — ҳаёт) — соғлиқ, оқилона ҳаёт тарзи; ортобиоз жисмоний соғлиқ, иш ва дам олишнинг самарали тартиби, ҳаракатлангирувчи фаоллик, ташкиллаштирилган самарали овқатланиш, мулоқот маданияти ва шахсий гигиенани ўз ичига олади.

**ОРТОДОКС** (юн. orthodexos — тўғри фикрлайдиган, тўғри эътиқодли) — муайян таълимотга, йўналишга қарашлар тизимида оғишмай амал қиладиган, уларнинг мутлақо чинлиги ва гуноҳсизлигига ишонган, ўз эътиқодининг танқидини қабул қилмайдиган инсон.

**ОРТОДОКСАЛЛИК** — муайян эътиқодга қаттиқ амал қилишга мойиллик, ҳаракат қондаси ва йўналишига қатъий амал қилиш.

**ОРТОДОКСИЯ** (юн. orthodoxia — тўғри фикр) — бирор таълимот, дунёқарашга оғишмай амал қилиш; ҳар қандай четга чиқишликни истисно этувчи тамойил ва қондаларга содиқлик.

**ОТМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ** — фуқароларга олий маълумот негизида ўз маълумоти, илмий, педагогик малакаси даражасини ошириш имконини берадиган ва олий таълим муассасаларида ҳамда илмий муассасаларда ташкил этиладиган аспирантура, ординатура, адъюнктурада амалда ошириладиган таълим.

**ОЧИҚ ДАРС** — тажрибали уқитувчи бошқа ўқитувчилар иштирокида ўз иш усулларини кўрсатиш мақсадида

ўтказадиган дарс; тажриба алмашиш ва малака оширишнинг муҳим воситаси. Дарс тугагандан сўнг у қатнашувчилар иштирокида муҳокама қилинади.

**ОЧИҚ ТАЪЛИМ** — таълим олишнинг мумкинлик даражасини кенгайтириш йўллари ҳақидаги замонавий таълимот. Унинг асосий мақсади — инсоннинг амалдаги ва расмий таснифдаги ҳуқуқларини тенглаштириш. Катта касбий тажрибага эга кишилар ўзлари эга бўлган билим ва уқувлар даражаси расмий тарзда тан олиншига муҳтождирлар; бу мақсадда муассасалар тизими барпо этилади, уларга кириш таълим тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этишни талаб қилади. Одатда, булар турли даражадаги мунтазам таълим муассасаларида алоҳида программалар бўйича фаолият кўрсатувчи таркибий бўлинмалардир, уни тугатувчилар таълимни тугатганлик ҳақидаги дипломга эга бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўядилар. Бунга тўла курс учун машғулотларга қатнамаган ҳолда имтиҳон топшириб ёки расман талаба бўлмаган ҳолда таълим курсини ўтаб эришиш мумкин.

**ОЧИҚ УНИВЕРСИТЕТ** — олий таълимга эришиш учун кенг йўл очиш мақсадида барпо этилган таълим муассасаси (одатда, гуманитар соҳага тааллуқли бўлади). Унга кириш ҳуқуқига барча кишилар, расман тан олинган академик малакаси даражасидан қатъий назар эгадир. Таълим сиртқи (масофали) шаклда, шунингдек талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги бевосита алоқа воситасида амалга оширилади; синов курсларини ўз ичига олади, буларни ўташ диплом олиш учун зарур, яна бир қатор факултатив курсларни ҳам ўташ лозим.

**ОҒЗАКИ БАЁН** — ўқув материални батафсил тушунтиришлар, таққослаш ва қиёслашлар, асослашлар, қонуниятлар хусусидаги хулосалар, вазифани бажариш ҳикоя қилиш билан ўқув материални баён қилишни қўшиб олиб борувчи сўзлаш усули (ҳикоя-тушунтириш).

**ОҒЗАКИ НУТҚ** — эшитиладиган, овозли нутқ. Оғзаки нутқда мулоқот макон ва замон шароитлари билан чекланган. Одатда, суҳбатдошлар бир-бирини яхши кўриб туради ва шундай масофада жойлашадикки, улар айтилган сўзларни эшитишлари мумкин, бу нутқнинг тавсифига ўз таъсирини ўтказadi.

Шароит ўзгарганда, масалан телефон орқали гаплашганда, нутқнинг тавсифи, одатда, ўзгаради (у анча қисқа, кам тафсилотли бўлади). Оғзаки нутқ *диалог* ва *монолог* бўлиши мумкин.

## П

**ПАЙҚАШ** — аввалги тажрибадан маълум бўлган объектни идроклаш (қ. *Идентификация*). Фаол қайта тиклашни хотирада сақланган из билан солиштириш пайқашнинг асоси ҳисобланади. Объектни пайқар эканмиз, биз ҳамиша уни муайян объектлар тоифасига қиёслаймиз. Пайқаш муайянлиги, аниқлиги ва тўлақонлиги даражалари бўйича фарқланади; *хотирлаш* ёки ёдлаш самарали бўлиши учун фойдаланилади. Қайта тиклашнинг қандай йўсинлари қўлланишидан қатъий назар пайқаш даражаси ҳамиша қайта тиклаш даражасидан юқоридир.

**ПАНАЦЕЯ** (лот. panacea — юнон маъбудаси панаки номидан, айнан минг бир дардга даъво) — 1) барча касалликларнинг дориси; 2) ҳаётдаги барча ҳолатларда ёрдам бериши, барча ёмонликлардан қутқариши мумкин бўлган восита.

**ПАНЕГИРИК** (юн. logos panegyrikos — байрамон, тантанавор нутқ) — кимнидир ёки ниманидир ҳаяжонли ва кўтаринки руҳда мақташ, нутқ, мақола, ваъз.

**ПАНЕЛ ТАДҚИҚОТ** — педагогик тадқиқот усули, айти бир педагогик объектни муайян вақт оралиғида бир хил усул ва программа бўйича ўрганишни назарда тутати (масалан, ўқувчилар билимини турли йиллардаги баҳолаш) айти бир масала айти бир шахслар томонидан мунтазам вақт оралиғида қўйилади, бу натижаларни қиёслаш ва таҳлил қилиш имкониятини беради.

**ПАРАДИГМА** (юн. paradigma — мисол, намуна) — 1) *лингвистика*да, турланиш ёки тусланишнинг тури, намунаси; бир сўз, лексемаларнинг грамматик шакллариининг мажмуи; 2) асосий илмий муваффақиятлар (назариялар, усуллар) тизими, булар ёрдамида берилган вақт мобайнида билимнинг муайян соҳасида олимларнинг тадқиқий амалиёти ташкил этилади

(таълим парадигмасининг алмашинуви — ўзгартириш, таълим тизимини қайта тузиш); 3) *фалсафада*, таълим — муайян илмий тадқиқот (билим)ни белгиловчи ва мазкур босқичда тан олинган тахминлар мажмуи.

**ПАРАДОКС** (юн. paradoxos — кутилмаган, ғайриодатий) — 1) умум қабул қилинган фикрдан кескин фарқланувчи, соғлом ақлга қарама-қарши (баъзан биринчи қарашда) бўлган фикр, мулоҳаза; 2) шаклланган қарашлар тизимини рад этувчи фандаги кутилмаган кашфиёт.

**ПАРАМЕТР** (юн. parametron — ўлчовчи), **КЎРСАТКИЧ** — жараён, ҳодиса ёки тизимнинг тавсифи. Билимни ўзлаштиришнинг қуйидаги кўрсаткичлари маълум: ўқув фанидаги ўқув унсурларининг миқдори (фаннинг тўлақонлиги), фан мазмунини ўзлаштириш даражаси (фаолиятни ўзлаштириш даражаси), фан мазмунини баён этиш мавҳумлик даражаси (таълимнинг илмийлиги), ўзлаштирилган фаолиятни автоматлаштириш (фаолиятни ўзлаштириш), ўзлаштирилганни идрокланганлиги (қарорлар ва ҳаракатларни далиллашга бўлган қобиллик).

**ПАРАПСИХОЛОГИЯ** (юн. para — олдида, яқинида ва психологи) — руҳий ҳодисаларга тааллуқли бўлган ғайб кучларнинг ўзига хос намоён бўлиши ҳақидаги фан, буларни тушунтириш қатъий илмий асосга эга эмас ва буларга аввало экстра-сенсор тасаввур — бир кишининг бошқа кишига руҳий ҳаракатлар ёрдамида, техника воситаларисиз масофадан туриб ахборотни бевосита узатиш имконияти деб аталмиш ҳодиса бунга тааллуқлидир (келажакдаги натижаларни олдиндан пайқаш, кўра билиш, п с и х о к и н е з — масофадан туриб объектга таъсир ўтказиш).

**ПАРИШОНХОТИРЛИК** — инсоннинг узоқ вақт мобайнида муайян бирор нарсага диққатини жамлашга ноқобиллиги. Паришонхотирликнинг 2 тури — сохта ва ҳақиқийси учрайди. Сохта паришонхотирлик, бу инсоннинг бирор предметга эътиборини ҳаддан ташқари қаратилганлиги натижасида унинг бевосита атрофдаги нарсалар ва ҳодисларга эътиборсизлиги. Сохта паришонхотирлик — эътиборнинг ҳаддан ташқари бир нарсага қаратилганлиги ва торлиги натижаси; баъзан уни «профессо-

рона» ҳам дейдилар, чунки бу ана шу тоифадаги кишиларда кўпроқ учрайди. Сохта паришонхотирлик гарчи инсоннинг атроф-дунёга мўлжалини қийинлаштиради ҳам, ички эътиборнинг жамланганлиги оқибати сифатида ишга кўпам зарар етказмайди. Ҳақиқий паришонхотирлик салбийдир; бу тур паришонхотирликдан азият чекувчи киши бирор объект ёки ҳаракатга эътиборини қаратиш ва унда эркин тутиб туришга қийналади. Ҳақиқий паришонхотирликнинг сабаби ранг-барангдир. Бу асаб тизимининг умумий бузилиши (неврастения), камқонлик бўлиши мумкин. Баъзан паришонхотирлик жисмонан ва ақдан чарчаш ва толиқиш, оғир кечинмалар натижасида пайдо бўлади. Ҳақиқий паришонхотирликнинг сабабларидан бири бўлиб, кўплаб таассурот туфайли мияга оғирлик тушиши, шунингдек, манфаатларнинг тарқоқлиги ҳисобланади. Паришонхотирликнинг сабабини билиш ўқитувчи учун унга қарши курашишда зарурдир.

**ПАТЕНТ** (лот. patens — очилган) — 1) ҳужжат, ихтирочиға давлат томонидан бериладиган унинг муаллифлигини ва ихтиродан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди. Агар патент ҳуқуқи, яъни ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқи муайян бир шахсга тегишли бўлса, бунда бошқа шахснинг патент муаллифининг рухсатсиз патентланган объектдан фойдаланиши мумкин эмас; 2) ҳужжат, унга асосан бирор ҳунар ёки машғулот билан ҳужжатда белгиланган шартларга амал қилган ҳолда ва муайян тўловларни — патент йиғими (акциз)ни амалга оширган ҳолда фойдаланиш учун рухсат бериледи.

**ПАТЕНТ ҲИМОЯСИ** — қонун бўйича расмийлаштириш ва ихтиро, ҳўжалик фаолиятига патент берувчи кўзда тутувчи муаллифлик ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолиятининг юридик ҳимояси.

**ПАТЕНТ ҲУҚУҚИ** — қонунчилик соҳаси, унинг қоидалари мулкӣ, шунингдек, у билан боғлиқ шахсий мулкӣямас, яратиш, ҳуқуқӣ ҳимоя ва ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналаридан фойдаланиш туфайли юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди, қайд этилган объектларга патент бериш йўли билан ҳимоялаш тизимини белгилайди; интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликнинг таркибий қисми.

**ПАТЕНТ СОФЛИГИ** — муайян мамлакатда унинг худудида амал қилаётган патент тартибини бузиш ҳавфидан ҳоли тарзда техника объектидан эркин фойдаланиш имкониятининг юридик ва қонуний жиҳатдан мустақамланиши. Қандайдир бошқа бир мамлакатда мазкур техника объекти «соф бўлмаслиги» мумкин, агар мазкур мамлакатда бошқа шахсга берилган патент ёки айна шундай объектга бўлган муаллифлик гувоҳномаси таъсири остига олинган бўлса.

**ПЕДАГОГ** (юн. *paidagogos* — тарбиячи) — болалар ва ёшларни тарбиялаш, таълим бериш ва ўқитиш бўйича амалий иш олиб боровчи, мазкур соҳада махсус тайёргарликка эга бўлган шахс (мактаб, билим муассасаси ва б.даги ўқитувчи). Педагог ўқувчиларга таъсир ўтказди, уларга билим беради, унинг шахсини шакллантиради, «педагог — ўқувчи» муносабатида раҳбар ва бошқарувчи томон ҳисобланади. Шу билан бир вақтда педагог узлуксиз таълим, ўз-ўзини тарбиялаш, ўқувчилар билан мулоқот натижасида тарбиявий таъсирга дуч келади ва ўз-ўзини комиллаштиришга интилади.

**ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР АТТЕСТАЦИЯСИ** — таълим муассасалари ходимларининг малака, педагоглик маҳорати ва фаолияти самараси даражасини атрофлича баҳолаш. Аттестация ўтказиш янги технологияларни излаш, педагог ходимлар малакаси ва маҳоратини ошириш долзарблигини кўрсатади.

**ПЕДАГОГИК ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК** — эскириб бораётган педагогик тасаввурлар, нуқтаи назарлар билан янги ривожланиб бораётган, ҳаётнинг инсонга бўлган ва тобора мураккаблашиб бораётган талаблари ўртасидаги мутаносибсизлик. Педагогик қарама-қаршиликларнинг 2 гуруҳи мавжуд: ижтимоий педагогик ва ички педагогик (педагогик жараён ўзининг диалектикасини акс эттиради). Қарама-қаршиликларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш — педагогик жараёни такомиллаштиришнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи.

**ПЕДАГОГИК ЎЗARO TAЪCИP** — таълим жараёни қатнашчилари ўртасидаги алоқанинг алоҳида шакли. Таълим жараёни қатнашчиларининг интеллектуал, эмоционал фаолиятини ўзаро бойитиш, уларни уйғунлаштиришни кўзда тутди.

**ПЕДАГОГИК АДОЛАТ** — ўқувчиларни маънавий баҳолаш шакли, у ўқувчиларнинг ижтимоий тан олинишга мувофиқ эканликларига таянади.

**ПЕДАГОГИК АЛГОРИТМ** — қўйилган мақсадга эришиш учун педагог томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, операциялар тадрижийлиги, бу конструкциялашни ва педагогик фаолиятни амалга оширишни ўз ичига олади.

**ПЕДАГОГИК БАШОРАТЛАШ** — махсус ташкил қилинган фанлараро тадқиқот, бу узлуксиз, мунтазам, ҳам олий ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳаси, ҳам муайян касбий йўналтирилган таълим тизими ривожига ҳақидаги узлуксиз янгилашиб турувчи ахборотларни олиш мақсадида узлуксиз, мунтазам ўтказилиши керак. Гап, амалда, объектларда тегишли даража ва соҳага тааллуқли ишчилар ва мутахассислар меҳнати мазмуни ва тавсифида ўзгариб турувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги йўналишларни албатта, ҳисобга олган ҳолда касбий таълим ривожланишини кузатувчи ўзига хос хизмат ҳақида бормоқда.

**ПЕДАГОГИК ЖАМОА** — таълим фаолияти асосида ташкиллаштирилган ва жипслашган ҳамда ўқув-тарбия ва ижтимоий гуманитар вазифани бажарувчи кишилар гуруҳи. Биринчи вазифа жамият эҳтиёжларида, иккинчиси ходимларнинг ўз шахсий манфаатларида намоён бўлади.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН** — педагоглар ва ўқувчилар ўзаро ҳаракатини мақсадга йўналтирилган, мазмунан бойитилган ва ташкиллаштирилган кўриниши, бу ўқувчиларнинг билимлар, уқувлар ва малакаларни онгли равишда ҳамда мустақкам ўзлаштиришларига, уларни амалиётда қўллай олиш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилади. Педагогик жараёнда 3 та асосий ўзаро боғли вазифани амалга ошириши кўзда тутилади: таълим, тарбия ва ривожлантириш. Педагогик жараёнда етакчи ўринни педагог эгаллайди, унга шахсни шакллантириш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришнинг аниқ шароитларини яратиш масъулияти юкланади.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН САМАРАДОРЛИК КўРСАТКИЧИ** — билимлар, уқув ва малакаларни баҳолаш, эксперт баҳолаш ва ўқувчиларга сингдирилган эътиқод тавсифи, хусусият, шахсий хис-

лат; педагогика ва психология томонидан белгиланади. Ўқувчиларнинг кундалик ҳатти-ҳаракати, уларнинг амалда бажарётган ишлари, ҳулқ-атвори, меҳнатга, таълимга, жамиятга, бир-бирига булган муносабатлари.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ МАЗМУНИ** — ижтимоий муносабатлар, мафкура, ишлаб чиқариш, меҳнат, фан, маданият соҳасидаги инсоният тажрибалари асосини ўз ичига олувчи шахс ижтимоий типини шакллантиришнинг асосий воситаси. Педагогик жараённинг мазмуни ўқувчиларда маънавий эҳтиёжни ва қадриятларни англай билишни шакллантиради, уларни билимлар, дунёни билиш ва ўзгартириш усуллари билан қуроллантиради, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш йўллари ва шакллари очиқ беради, интеллектуал ва эмоционал ривожланишга қўмаклашади.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ РИВОЖЛАНИШ ФУНКЦИЯСИ** — ўқувчиларда тафаккур (таҳлил, синтез, қиёслаш, умумлаштириш)нинг самарали усуллари шакллантириш; билиш ва яратиш фаоллигини ривожлантириш; диққат-эътибор, хотира, нутқ, тасаввур қилишни ривожлантириш; меҳнат маданиятини шакллантириш.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТАРБИЯВИЙ ФУНКЦИЯСИ** — илмий дунёқараш, касбий эътиқод, меҳнатга ҳурмат асосини шакллантириш бўйича, жамоавийлик, дўстлик, меҳнат интизоми, масъулиятни тарбиялаш бўйича фаолиятлар доираси; фуқаровий ҳулқ меъёр ва қоидаларнинг шакллантирилиши.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ МУЖАССАМАСИ** — ташкилий асос, бунинг доирасида барча педагогик ҳодисалар ва омиллар амалга ошади. Ташкилий-бошқарув мужассамасининг ўзаги бўлиб, тарбия ва таълимнинг шакллари ва усуллари ҳисобланади; у педагогик диагностика усуллари ва йўсинларини, қайта алоқани амалга оширишни, педагогик таъсир ва таъсирнинг самаралилик мезонини ўз ичига олади.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ТАЪЛИМ ФУНКЦИЯСИ** — таълим жараёнида илмий, техникавий, технологик ва ишлаб чиқариш билимларини шакллантириш; олган билим ва



уқувларни ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун қўллай олиш қобилиятини шакллантириш; олинган билимлар, уқувлар ва малакаларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

**ПЕДАГОГИК ИНДИВИДУАЛЛИК** — индивидуаллик тури; педагог тарбия ишларини ҳақиқий ўртоқлик фақат ҳар томонлама ривожланган индивидлар ўртасида бўлиши мумкинлигини, тарбияланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш асосига қуриши.

**ПЕДАГОГИК КОНСИЛИУМ** — эксперт баҳолаш усулининг тури; муайян программа бўйича ва ягона белгилар бўйича таълим натижаларини жамоавий муҳокама этишни, шахснинг у ёки бу томонларини жамоавий баҳолашни, шахс у ёки бу хусусиятлари шаклланишида юзага келган четга чиқишлар сабабини аниқлашни кўзда тутди.

**ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲА** — муайян педагогик шароитлар ва амалда қўллаш учун ишлаб чиқилган моделни аниқлаштириш; педагогик лойиҳа педагогик объектни кейинчалик пухта ишлаб чиқиш учун маълумотларга эга бўлади. Ўқув режалари ва ўқув программалари, малакавий тавсиф, методик тавсиялар, ўқувдан ташқари тарбиявий ишларнинг режалари педагогик лойиҳаларга кирди.

**ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШ** — ўқувчилар ва педагоглар келгуси фаолиятидаги асосий жиҳатларни олдиндан ишлаб чиқиш; аниқ дарслар, алоҳида мавзулар, яхлит ўқув фанлари, ўқув машғулотлари ёки ўқув курслари мужассамасини ишлаб чиқиш. Педагогик лойиҳалаш педагогик жараёнларни ҳам ўз ичига олган анча технологик бўлган педагогик объектларни тузишга кўмаклашади. Педагогик лойиҳалашдан фойдаланиш машаққатли меҳнатни минимумга келтиради ва конструктив ижодий излашга катта ўрин ажратади.

**ПЕДАГОГИК МАҚСАДЛАР ТАКСОНОМИЯСИ** — мақсадларнинг тартибга солинган иерархик таснифидан иборат тизим, таълимни режалаштириш ва унинг натижаларини баҳолашда фойдаланилади, янги курсларни текширишда муҳим восита ҳисобланади. Таксономия фаолиятнинг асосий

соҳаларини қамраб олади: когнитив (билиш) ва аффектив, шунга мувофиқ уларнинг мақсадлари, шунингдек, психомотор соҳаси.

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ** — 1) фан тавсияларидан самарали фойдаланишдан иборат илгор тажриба тури; 2) педагогнинг ўқув-тарбия фаолиятида эришган мукамалликнинг юқори даражаси.

**ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ** — таълим ва тарбия соҳасида барча эришилганларнинг мажмуи. Жамиятга тадбиқан термин унинг педагогик фикри ва амалиётининг аҳволини тавсифлаш учун қўлланади. Одатда, бунда таълим фаолияти билан шахслар, жамиятдан бўладиган талаблар ва жамият кутаётган натижалар мажмуига уларнинг мувофиқлиги кўзда тутилади, шунингдек, меҳнатнинг бу соҳасидаги ходим қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввур. Юқорида айтилган мажмуа 3 асосий ташкил этувчиларни ўз ичига олади: умумий маданият — инсоният ютуқларини ўзлаштириш даражаси; касбий маҳорат — фанни ва ўқитиш технологиясини фаол эгаллаганлик туфайли юзага чиқади; касбий-шахсий сифат — педагогга хос маънавий-ахлоқий ва ижтимоий хусусият.

**ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ** — онгнинг шаклланиши; фаолият ва ўқувчиларга муносабатни ташкил этиш; аниқ мақсадга йўналтирилганлик ўз олдига мақсадни онгли равишда қўйилганлик, мулоқот жараёни ва натижасида муайян ўқув, таълим, ривожлантириш, тарбиялаш вазифасини ҳал этишга интилиш. Ахборотнинг ва манбаларининг мўл-кўллиги замонавий шароитларда мулоқот таълимнинг асосий воситасига айланмоқда, яъни билим ва малакаларни олиш, таҳлил қилиш, саралаш, қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Педагогик мулоқотнинг тарбиявий вазифаси шундан иборатки, унинг ёрдамида ўзаро ишга алоқадор ҳаракат жараёнида тарбияланувчининг атроф-муҳитни тасаввур қилишида ўзига хосликлар намойиш бўлмоқда, булар муносабатлар тизимида мустаҳкамланади ва шахс хусусият ҳамда сифатларида юзага чиқади.

**ПЕДАГОГИК ПЕДАГОГИКА** — бакалаврият бошқа (педагогик бўлмаган) йўналишлари негизидан муайян касб бўйича ўрта махсус, касб-хунарсиз таълими муассасалари учун педагоглар тайёрлаш.

**ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ** — психология соҳаси, инсонни ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини, шунингдек, педагог фаолияти психологик жиҳатлари, айниқса, аномал болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларининг ўзига хос томонларини ўрганади.

**ПЕДАГОГИК РАҒБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ** — педагогнинг амалий ишда фаол таъсир этиш ва ўқувчиларнинг улар ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракати, меҳнат ва таълимини ташкил этишдаги мулоқот усуллари. Педагогик рағбатлантириш усуллари қуйидагилардан иборат: талабчанлик, рағбатлантириш, жазолаш, жамоатчилик фикри.

**ПЕДАГОГИК САВОДЛИЛИК** — билимлар, ўқувлар ва малакалар мажмуи ҳамда ўзлаштирилган билим ва ижтимоий тажрибани бошқаларга бериш қобилияти; ижтимоий-маданий тажрибани яратаётган, сақлаётган ва бойитаётганлар ўртасида ва буларнинг муваффақиятларини ўзлаштиришга эҳтиёж сезаётганлар ўртасида воситачи бўлишга қобиллик. Педагогик саводлилик субъектнинг унинг жамиятдаги мавқеига кўра мотивлаш билимини, ёш ва жинсга хос руҳий фаолият ўзига хосликларини тушунишни, қўйилган мақсад ва вазифаларга адекват бўлган ишнинг шакллари ва усулларини танлашга қобилликни назарда тутди.

**ПЕДАГОГИК САНЪАТ** — педагог томонидан педагогик машғулот, ривожланган педагогик тафаккур ва интуиция, ҳаётга маънавий-эстетик муносабат, чуқур эътиқод ва мустаҳкам ирода билан қўшилиб кетган психологик-педагогик билимлар, ўқувлар ва малакаларнинг бутун мажмуини мукамал эгаллаганлик. *Педагогик маҳорат* педагогик санъатнинг қисми ҳисобланади.

**ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА** — ўқитувчи, уста томонидан ижодий қайта ишланган маълум методик тавсияларни қўллаш (яна қ. *Тажриба*).

**ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ ВА УМУМ-ЛАШТИРИШ** — амалиётнинг ҳолатини таҳлил қилиш, нозик ўринлар ва низоларни аниқлаш, педагогика фаолиятидаги янги унсурларни топиш, фан тавсияларининг самаралиги ва тушу-

нарлилигини белгилашга йўналтирилган тадқиқот усули; оммавий педагогик тажриба (етақчи йўналишларни аниқлаш учун), салбий тажриба (аҳамиятли камчилик ва хатоларни топиш), илғор тажриба тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

**ПЕДАГОГИК ТАКСОНОМИЯ** — ичида мезонлари ва тадрийжий даражалари (иерархияси) ажратилган мақсадлар аниқ тизимининг тузилиши.

**ПЕДАГОГИК ТАКТ** — педагог ҳулқ-атвориға булган этик талаб, ўқув фаолияти психологик мақбуллигини таъминловчи шартлардан бири. Таълим олувчиларнинг шаъни ва қадрқимматини хурмат қилишни, уларға нисбатан муносабатда бўлишнинг энг оқилона йулини танлашни кўзда тутади.

**ПЕДАГОГИК ТАФАККУР** — педагогнинг тарбия амалиётини идроклаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, баҳолаш, педагогик назариялар ва нуқтаи назарлар яратиш, методик ихтиролар қилиш, таълим ва тарбияни фаол, ижодий ва самарали амалға оширишға бўлган касбий қобилияти.

**ПЕДАГОГИК ТЕРМИНОЛОГИЯ** — тарбия ва ўқитиш назарияси ва амалиёти тушунчасини белгилаш учун фойдаланиладиган терминлар ва лексик воситалар мажмуи.

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** — олдндан лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини мунтазам ва тадрижий тарзда амалға оширишни таъминловчи технологик тартиблар йиғиндиси. Педагогик технология, бу — фақат таълимда техника воситаларидан фойдаланишигина эмас (педагогик технология илк бор шундай тушунилган эди), балки ўқув-тарбия жараёнини мазмундор техникавий амалға оширишдир, хусусан: конструкциялаш ва усуллар ҳамда материалларни қўллаш воситасида таълим самаралилигини оширувчи омилларни таҳлил этиш йўли билан таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқиш. Педагогик технологияни моддийлаштириш: дарсликлар, таълим методикаси, ўқитувчи, педагог-ўқитувчи фаолияти.

**ПЕДАГОГИК ТИЗИМ** — шахсни белгиланган сифатларда шакллантиришға мақсадли ва олдндан кўзланган педагогик таъсирни яратиш учун зарур бўлган ўзаро боғли воситалар,

усуллар ва жараёнларнинг ташкиллаштирилган мажмуи. Унинг тузилишини қуйидаги инвариант унсурлар белгилайди: ўқувчилар; таълим ва тарбиянинг мақсади; таълим ва тарбиянинг мазмуни; тарбия ва ўқитиш жараёнлари (дидактик жараёнлар); ўқитувчилар (ёки ТТВ); педагогика фаолиятини ташкиллаштириш шакллари.

**ПЕДАГОГИК УНИВЕРСИТЕТ** — кўп соҳали таълим муассасаси, педагогик таълим функционаллигини таъминлаш, илмий-тадқиқотларни таълим соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш амалиёти билан бирлаштириш имконини беради, талабага индивидуал таълим йўлини таълаш имконини беради. Педагогик университет умумтаълим муассасалари, касб-хунар таълими муассасалари, ОТМгача тайёрлов марказлари, қўшимча касбий таълим муассасалари билан ўзаро алоқа қилишнинг шакллари ривожлантириш ҳисобига узлуксиз педагогик таълимни таъминлайди.

**ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ** — ўқув программаси ёки бир қатор бошқа программалар, шунингдек, таълимнинг бошқа вазифалари ва унинг ижтимоий (иқтисодий, сиёсий, маънавий, эстетик) мақсадларда кўзда тутилган натижаларига эришиш учун таълим муассасаларида махсус тайёргарлиги бўлган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган фаолият. Педагогнинг ваколатлиги, демак, педагогик фаолиятининг самаралиги қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади: билим даражаси ва у бошқаларни ўқитмоқчи бўлганини тушуниши; ўқитиш технологиясини эгаллаганлик даражаси; шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни бир вақтда бажаришга эришиш қобилияти.

**ПЕДАГОГИК ЭКСПЕРИМЕНТ** — тадқиқотчи махсус яратган ёки назорат қилаётган шароитларда ўқув ёки тарбия ишлари соҳасидаги эксперимент (илмий тажриба). Таълим усуллари, воситалари ва унинг натижалари ўртасидаги боғлиқликни белгилашга, педагогик омиллар ўртасидаги сабаб, оқибатлар муносабати ҳақида янги билимлар олишга имкон берувчи педагогик тадқиқот усуллариининг мажмуидан иборат бўлади. Назоратдаги ва эксперимент гуруҳларни қиёслаш ва ўрганилаётган объект ёки тизимга хос тегишли ўзгаришларни қайд этиш асосига қурилади (яна қ. *Шакллантирувчи эксперимент*).

**ПЕДАГОГИКА** (юн. *piadagogike*) — ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фан; тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифаси ва қонуниятларини, жамият ҳаёти ва шахснинг ривожланишидаги унинг аҳамиятини, таълим ва ўқитиш жараёнини очиқ беради. Қуйидаги соҳалардан иборат: мактабгача, мактаб педагогикаси; касбий (ўрта махсус, касбий, олий ва ОТМдагидан кейинги) таълим педагогикаси; ишлаб чиқариш педагогикаси; ижтимоий ва ҳарбий; қиёсий ва ижтимоий; педагогика тарихи ва б. Тарбия, дидактика (таълим ва ўқитиш назарияси), мактабшунослик назариялари ва усулларини ўз ичига олади.

**ПЕДАГОГИКА ПРЕДМЕТИ** — ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш қонунлари билан узвий боғланган тарбия жараёнининг объектив қонунлари, шунингдек, ёш авлодни шакллантиришнинг ижтимоий тарбиявий амалиёти, педагогик жараённи ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ва шароитлари. Педагогика катталар ва ёш авлод ўртасида шаклланадиган ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, тавсифи, тарбиявий таъсирини ўрганеди; бу муносабатлар бутун жамиятдаги муносабатлар ва зиддиятларни акс эттиради.

**ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ** — педагогика фани соҳаси, инсоният тараққиётининг турли босқичларида келажак авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси ҳамда амалиётининг ривожланиши ва ҳолатини ўрганеди, қуйидагилар тадқиқот манбаи ҳисобланади: дарсликлар, ўқув қўлланмалар, программалар; таълим соҳасига тааллуқли расмий материаллар ва меъёрий ҳужжатлар; педагог меҳнати, педагогик жараён; архив материаллари, мемуарлар ва танқидий адабиётлар.

**ПЕДАГОГИКАДА МОДЕЛЛАШТИРИШ** — махсус ўхшаш (модел)лар яратиш йўли билан амалда мавжуд педагогика тизимини моддий ёки фикран тиклаш, бунда мазкур тизимни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тамойиллари намоён бўлади. Моделлаштириш ёрдамида тизимнинг кам аҳамиятли хоссаларидан четлашиш мумкин, лекин ҳар қандай модел шундай педагогик ҳодисалар тоифасини маълум даражада содда-лаштиришни назарда тутадик, у нарсани идроклаш сифатида кўринадик ва объектнинг айнан ўхшаши, барча томондан унинг тақрори бўлиши мумкин эмас.

**ПЕДАГОГИКАДАГИ ТАДҚИҚОТ** — илмий фаолият натижа-сида таълим ва тарбия қонуниятлари, тузилиши, воситалари ҳақида; педагогика назарияси ва тарихи ҳақида; ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш усули, унинг моҳияти, тамойиллари ва ташкилий шакллари ҳақида янги билимларни олиш жараёни. Педагогик тизимлар; жараёнлар (тарбиялаш, таълим, шахсни, жамоани ривожлантириш, шакллантириш) тадқиқот объектлари ҳисобланади; педагогик объектнинг муайян соҳасидаги унсурлар, алоқалар, муносабатлар мажмуи эса тадқиқотнинг предметиدير.

**ПЕДАГОГНИНГ ОБРЎСИ** — ўқувчилар томонидан педагог кадр-қимматининг тан олинishi ва шу тан олиш асосидаги унинг тарбиявий ҳамда таълимий таъсир кучи. Қуйидагилар ана шу кадр-қимматни ташкил этувчилар ҳисобланади: иқтидорлилик, педагогик маҳорат, адолатлилик, фуқаровий нуқтаи назар, ижтимоий рамзлар ва жамиятда эгалланган ўрин. Ҳақиқий обрўдан сохта, турли-туман кўринишлардаги — тазйиқ ўтказиш обрўси, калондимоғлик, манманлик, сохта ҳайрихоҳлик ва дўстликни фарқлаш лозим.

**ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГ** — педагог ходим, ўқувчи шахсининг жисмоний соғломлиги ва ривожланишини танлаш, шахсининг қарор топишини қийинлаштирувчи шароитларни аниқлаш, психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекция, ўқувчиларга маслаҳатлар бериш ва уларни тиклаш педагог-психологнинг вазифаси ҳисобланади.

**ПЕРСОНИФИКАЦИЯ** (лот. *persona* — шахс ва *facere* — қилмоқ) — жонлантириш, жониворлар, нарсалар, табиат ҳодисаларига инсонга хос хусусият бахш этиш (масалан, яроқлар шивирлаши, юлдузнинг кулиб боқиши).

**ПЛАГИАТ** (лот. *plagium* — ўғрилик, ўғрилаш) — бегона илмий, адабий ёки санъат асарининг муаллифлигини онгли равишда тўлиғича ёки қисман ўзиники қилиб олиш. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги бўйича фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка олиб келади. Ўзига ҳаммуаллиф қилиб олишга мажбурлаш ҳам плагиат сифатида баҳоланади.

**ПОЛЕМИКА** (юн. *polemikē* — ҳарбий санъат, *polemikos* — исёнкор) — мажлис, илмий йиғилиш, матбуотдаги бирор долзарб масала бўйича кучли баҳслашув, қизғин тортишув, турли

фикрлар тўқнашуви; полемикачи — полемикада қатнашишни ёқтирувчи; полемик — полемикага мойил, полемикага хос.

**ПОЛИТЕХНИЗМ** — умумтаълим ва политехник билимларнинг узвий бирлиги, бу билимларни замонавий ишлаб чиқаришда қўллаш. Замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий назарий моҳияти умумтаълим билимининг узвий қисмига айланмоқда.

**ПОЛИТЕХНИК ТАЪЛИМ** — ўқувчиларни ишлаб чиқариш барча жараёнларининг асосий тамойиллари билан танишишларини таъминловчи ва шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш қуроли билан ишлай олиш малакасини шакллантирувчи таълим; замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асослари ҳақидаги билимлар тизимини эгаллашни кўзда тутати; таълим жараёнида *умумкасбий, политехник* ва *махсус билимлар* шаклланади.

**ПОСТУЛАТ** (лот. *postulatum* — талаб этилувчи, талаб) — бирор илмий назария доирасида ҳақиқат тарзида, бошланғич сифатида қабул қилинадиган, исбот талаб қилмайдиган ҳолида, мулоҳаза, тасдиқ ёки таъкид. Лекин у далиллар асосида ёки мунтазам ҳамда амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, қатъий ва асосли (ҳақиқий) бўлиши лозим. Постулат — нима-нидир ҳолида тарзида айтиш, исботларсиз бошланғич ҳолат сифатида қабул қилиш.

**ПОТЕНЦИАЛ** (лот. *potentia* — куч), **ИМКОН** — ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган, муайян вазифаларни бажариш учун фойдаланиладиган имкониятлар, манбалар, воситалар, заҳиралар ва ҳ.к. мажмуи, қўйилган мақсадга эришиш; айрим шахс, жамият, давлатнинг муайян соҳадаги имконияти (ҳарбий, иқтисодий, ижодий, ҳаётий имкон).

**ПРАГМАТИЗМ** (юн. *pragma, pragmatos* — иш, ҳаракат) — маънавий моҳиятидан қатъий назар бевосита фойда кўришликка асосланган инсонларнинг фаолияти. Прагматизм инсон моҳиятини унинг ҳаракатида ниҳоятда ёрқин намоён бўлишида кўради ва инсонни амалий фаолиятда қанчалик муваффақиятли хизмат кўрсатишига боғлиқ ҳолда баҳолайди (прагматизм муваффақият фалсафаси сифатида); прагматизм нисбатан АҚШда ривожланган.



**ПРЕДМЕТ** — кенг маънодаги нарса, объект, кўргазмалилиги ёки ички маънавий бирлиги туфайли органик ҳисобланувчи ва туғалликка эга бўлган ҳар қандай мавжуд нарса. Шу маънода предмет индивидуал шаклга эга оддий англашиладиган ҳар қандай нимадир ҳисобланади. Предметларнинг асосий турлари сифатида қуйидагиларни фарқлаш мумкин: ашё — физик, ташқи дунёга тааллуқли нарса; тушунча — мантиқий фикрланадиган нарса; нарса сифатидаги ҳолат — ҳиссиёт умумий ҳолати ёки маънавий йўналганлик, масалан, давр «руҳи».

**ПРЕДМЕТЛИ КАТАЛОГ** — кутубхона каталоги унда библиографик ёзувлар предмет рукнлари алифболи тартиби асосида бўлади. Предметли каталоглар амалий фанлар учун қулай, уларда тушунчавий терминологик аппарат аниқ ишлаб чиқилган.

**ПРЕЦЕДЕНТ** (лот. *praecedens* — аввал ўтган, олдинги) — ўтмишда юз берган, келгусида намуна ёки шундай ҳолатларда асос бўладиган ҳодиса, хатти-ҳаракат, воқеа.

**ПРОГРАММА (ЛОЙИҲА) ДИРЕКТОРИ** — иқтисодий, техникавий, педагогик ва бошқа программалар ҳамда лойиҳаларнинг, уларни ишлаб чиқариш ва амалда ошириш бўйича раҳбари, программа молиявий ресурсларини тақсимловчи.

**ПРОГРАММА** (юн. *programma* — эълон, фармойиш) — 1) ягона мақсадга эришишга, битта муаммони (ижтимоий, иқтисодий; яна қ. *Муҳассама программа*) ҳал этишга йўналтирилган ўзаро бир-бирига боғли тадбир, режа, ҳаракатлар мажмуи; 2) топшириқнинг программалаштириш тилидаги буйруқ тадрижийлиги тарзида ЭҲМда ечиш учун алгоритм.

**ПРОГРАММАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ** — таълим шакли, махсус ишлаб чиқилган программалар асосида билим ва малакаларни мустақил ўзлаштириш имконини беради.

**ПРОГРАММАЛАШТИРИШ** — программа тузишни ўз ичига олувчи маълумотларни ишлаб чиқишни программавий бошқаришни таъминлаш бўйича назарий ва амалий фаолият, шунингдек, маълумотлар тузилиши ва кодларини танлаш.

**ПРОЕКЦИЯ** (лот. projectio — олдинга ташлаш) — психологик ҳимоя воситаси, ижтимоий мақбул эмаслигини тушунгани ҳолда инсон ўзини билишни хоҳламайдиган шахсий ҳиссиёт, хоҳиш ва машғулотларини шу кишига тақаш, бошқа кишига онгсиз равишда ўтишидан иборатдир. Масалан, бирор киши бошқа бирортасига нисбатан тажовуз кўрсатса, унда кўпинча жабрланганнинг жозиба-ли сифатларини камайтириш ҳиссиёти пайдо бўлади.

**ПРОРЕКТОР** (лот. pro — бирга ва rector — бошқариш) — ректор ўринбосари; олий таълим муассасасидаги ишнинг муайян қисми бўйича масъул амалдор шахс.

**ПРОФЕССОР** (лот. professor — мураббий) — илмий унвон, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг мустақил курс олиб боровчи ҳамда илмий тадқиқот ишига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчиси ва илмий ходимига берилади.

**ПРОЦЕССУАЛ-ЙЎНАЛТИРУВ ЎҚУВИ** — тадқиқот жараёнининг ўзи кучайтирувчи таълимга бўлган ёндашиш; ўқувчиларнинг фаолияти, бунинг илмий тадқиқот моделлаштирадиган ва шу билан уларни шунчаки тактик маълумотларни ўзлаштиришгагина эмас, балки янги муаммовий қарашни ривожлантиришга, аниқ белгиланган тадқиқот тартибларини ўзлаштиришга ҳам олиб келади. Ўқитиш усулларида тадқиқот унинг асосий мазмунига айланади.

**ПСИХИАТРИЯ** (юн. psychē — руҳ ва iatrea — даволаш) — медицина соҳаси, руҳий хасталикларни ўрганади ва уларни олдини олиш ҳамда даволаш усулларида ишлаб чиқади.

**ПСИХИК ТАҲЛИЛ** — 1) касалликни ўрганиш, беморни қуршаган муҳит, бемор билан асабий ҳолат манбаини аниқлаш мақсадида ташқи дунё ҳамда унинг ўртасида юзага келган муносабатни муҳокама қилиш, имкон борича уни бартараф этиш, атрофдагиларга нисбатан бемордаги нотўғри тушунчани тўғриладан иборат асабийликни даволаш усули; 2) онгсиз психик жараёнлар ва мотивацияни эътибор марказига қўювчи психологик таълимот. Психик таҳлилга 19- аср охири — 20- аср бошларида австриялик психиатр Зигмунд Фрейд асос солган (яна қ. *Фрейдизм*).

**ПСИХИКА** (юн. *psyhikos* — руҳий) — мия фаолияти, унинг моҳияти бўрлиқни ҳис этиш, тасаввур этиш, кўз олдига келтириш, фикрлар, сезгилар, ирода ва ҳ.к. тарзида акс эттиришдан иборатдир. Нутқ ва меҳнат фаолияти ривожланиши билан боғли бўлган психиканинг олий шакли — инсон онги.

**ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ** — ички ёки ташқи зиддиятлар, хавотирли ёки ўзни ноқулай сезишлик ҳолати билан боғли шахсни жароҳатловчи салбий кечинмаларни бартараф қилиш ёки минимум даражага туширишга хизмат қилувчи тартибга солиш воситалари тизими; эмоционал низолар шароитида ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг етарли даражасини сақлашга имкон берувчи ахборотларни қайта ишлашнинг ўзига хос усуллари шаклида амалга оширилади. Психологик ҳимоя воситаси шахс қадриятлари ички тизими қайта ташкил этиш, мазкур тизим босқичларини ўзгартириш, психологик жароҳатловчи дақиқаларни минимумга келтириш мақсадида тегишли кечинмалар субъектив аҳамияти даражасини пасайтиришга йўналтириш билан боғлидир. Инкор, четга суриш, проекция, идентификация, самаралилаштириш, алмаштириш, бегоналаштириш ва б. психологик ҳимоя воситаси ҳисобланади.

**ПСИХОЛОГИК МУҲИТ** — гуруҳ кайфияти, фикри ва мулоҳазаларида намоён бўладиган гуруҳий онг ҳолати. Яна қ. *Ижтимоий психологик муҳит*.

**ПСИХОЛОГИК РУҲИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ** — шахснинг ўз касбий йўлини амалга ошириш шароитларига мослашиши ва унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ижтимоий ҳамда касбий ўз-ўзини белгилашга кўмаклашувчи психологик усуллардан амалий фойдаланиш тизими; касбий ва ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга тўсқинлик қилувчи психологик муаммолар фаоллигини тўла ҳал этиш ёки пасайтириш учун инсон психологик ресурсларини самаралаштириш йўли билан амалга оширилади.

**ПСИХОЛОГИК ТўСИҚ** — субъектнинг номувофиқ сусткашлигида намоён бўладиган руҳий ҳолат; у ёки бу ҳаракатни бажаришга тўсқинлик қилади. Психологик тўсиқ эмоционал воситаси салбий кечинма ва тушунчалар — уят, айбни ҳис

этиш, кўрқув, ташвиш, ўзини баҳолашнинг паст даражаси, кўйилган вазифалар билан уйғунликнинг кучайишидан иборат.

**ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАШ, ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ** — қобилиятларнинг руҳий физиологик кўрсаткичларини миқдорий ўлчаш учун тестларни мунтазам қўллаш, шунингдек психологик ҳодисаларни башоратлаш учун тадбиқ этиш.

**ПСИХОЛОГИК УСУЛЛАР** — ўқув ва меҳнат фаолияти жараёни ҳамда натижасида инсон турли аъзолари ва аъзолар тизими функционал ҳолатини ўрганиш усуллари. Қуйидаги усул турларидан энг кўп фойдаланилади: электромиография, электрокардиография ва электродермография.

**ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ** — ишлаб чиқариш, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва б. соҳаларда психологик экспертиза, диагностика, консультация мужассама вазифаларини бажариш учун психологиядан амалий фойдаланиш тизими. Ташкилий томондан психологик хизмат ёки касбий психологик консультациялар (оила ва никоҳ хизмати, касбий консультация ва касбий йўналтириш, бошқарув консультацияси ва ҳ.к.) тарзида, ёки тегишли ташкилотлар таркибидаги ихтисослаштирилган психологик бўлинма тарзида мавжуд бўлади.

**ПСИХОЛОГИК ЧИҚИШУВ** — гуруҳий мумкинлик тури, унинг бўлмаслиги гуруҳий фаолият самарасини пасайтиради ва низоларга олиб келиши мумкин.

**ПСИХОЛОГИЯ** (юн. psychē — руҳ logos — таълимот, фан) — психикани ҳаётий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида ривожланиш ва амал қилиш қонуниятлари ҳақидаги фан. Психология учун бошлангич материал сифатида ички тажриба омиллари — хотирлаш, бошдан кечириш, иродавий ҳиссиёт ва ҳ.к.лар хизмат қилади. Умумий психология руҳий ҳаёт (тана ва жон муаммоси, ҳақиқий борлиқни, онгни, тасаввур этиш, эслаш, эътибор)ни очади ва тадқиқ этади, амалий психология инсоннинг қалби ва руҳининг ривожланиш муаммолари, хотирлаш ва ўқиш (болалар ва ёшлар психологияси) масалалари, шуларнинг биргаликдаги ҳаёти (ижтимоий психология, омма руҳияти) ва б. билан шуғулланади. Психологиянинг тадқиқий амалиёти ижтимоийдан

ўқитиш, тарбиялаш, мутахассисларни саралаш, шахс ва жамоа фаолиятини рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш билан боғли ижтимоий эҳтиёжлардан ажралмасдир. Шу билан бирга бошқа фанлар билан психологиянинг алоқаси натижасида унинг ўзи янги мазмунини ривожлантирувчи гоя ва ёндашишлар билан бойиб боради. «Сунъий интеллект», *компьютерлаштириш* муаммоларни ўрганиш, бир томондан, *ижод* — иккинчи томондан психологиянинг ҳозирги даврида муҳим йўналиш бўлмоқда. У билан бирга ижтимоий психология ва бошқариш психологияси жадал ривожланмоқда, «инсон омили»нинг жамият ривожиди, бошқариш жараёнларидаги аҳамияти ҳал этилмоқда.

**ПСИХОМОТОР СОҲАСИ** — таксономия соҳаси, двигател (мотор), манипулятор, асаб-мушак уйғунлашуви у ёки бу турларининг шаклланиши билан боғлиқ мақсадларини ўз ичига олади. Бу соҳага таълим мақсадлари умумий мажмуидан бир улуши тааллуқлидир. Ёзиш малакаси, нутқ малакаси, шунингдек, жисмоний тарбия, меҳнат ўқуви доирасида илгари суриладиган мақсадлар шулар орасига киради.

## Р

**РАДЦИЯ** — илгари сурилган даъво, мулоҳаза ёки исботнинг ёлғонлиги ёки нотўғрилигини асослаш. Мантиқдаги инкор этишнинг муҳим тури далилни рад этишдир, бу уч йўл билан амалга оширилади: далил тезисини рад этиш, далил асосланишини рад этиш ва далиллаш усулини рад этиш.

**РАСМИЙ ҲУЖЖАТ** — қонунчилик, меъерий ёки фармойиш тавсифидаги ҳужжат, давлат ёки ижтимоий ташкилотлар, муассасалар ёки ишхоналар номидан чоп этилади.

**РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИ** — Камолитдин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн миллий институтида 2 факултет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (санъат ва маданият), рангтасвир, дизайн, манзарали — амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги, графика (санъат турлари бўйича), Ҳайкалтарошлик, музейшунослик.

**РАСМИЙ НАШР** — двлаат ва жамоатчилик ташкилотлари, муассасалар ва ишхоналар номидан чиқариладиган нашр.

**РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ** — ўзи йўналтирилган корхона, ташкилот муассаса учун янги ва фойдали ҳисобланган техникавий ечим, бунда буюм конструкцияси, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлатилаётган техника ёки материалнинг таркибини ўзгартириш кўзда тутилади.

**РАЦИОНАЛЛАШТИРИШ** (лот. rationalis — оқилона, ratio — онг) — 1) асбоблар, воситаларни такомиллаштириш; меҳнат жараёнини анча мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этишни жорий қилиш (ишлаб чиқаришни рационаллаштириш); 2) *психологияда*, психологик ҳимоя воситаси; инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари ҳақидаги сохта рационал тушунтириши, ҳақиқатда сабаб туфайли юзага чиқади, уларни тан олиш ўзига бўлган ҳурматни йўқотиш хавфини туғдиради. Рационаллаштиришдан кишилар айрим ҳолларда, улар вазиятни идроклашдан кўрқиб ўзидан далилни яширишга интилади, бу ҳаракат унинг ўз ахлоқий стандартлари билан низода бўлган мотивлаш туфайли юз беради.

**РАҚОБАТ** (лот. concurrentia, concurrere — тўқнашмоқдан) — 1) *иқтисодда*, бирор фаолият (ишлаб чиқариш, таълим, санъат ва б. соҳалар)да энг яхши натижаларга эришиш учун ҳар қандай иқтисодиёт, бозор субъектлари ўртасидаги мусобақа, рақиблик, кураш; рақобат яшаш учун курашнинг маданиятли ошқора шаклини назарда тутати ҳамда бозор иқтисодиёти танлаш ва тартибга солишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади; 2) *психологияда*, бошқа индивидлар ёки гуруҳлар ҳам айна шундай мақсад ва манфаатларга эришиш учун курашаётган шароитларда индивидуал ёки гуруҳ мақсадларига эришиш билан тавсифландиган ижтимоий ва шахслараро ўзаро ҳаракатни ташкил этишнинг асосий шаклларида бири. Рақобат кучли даражада шахсан курашга жалб бўлганлик, субъект ҳаракатининг фаоллашишига кўра фарқланади.

**РАҚОБАТБАРДОШЛИК** — бошқа ўхшаш муассасаларга нисбатан рақобатли бозор талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган малакали ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш юқори сифатини таъминлашга бўлган таълим муассасасининг қобиллиги.

**РАҒБАТ** — ҳаракатга ундаш, ҳаракатни амалга оширишдан манфаатдорлик, ҳулқ-атворнинг қўзғатувчи сабаби; *рағбатлантириш* — қўзғатиш, ҳаяжонлантириш, уйғотиш.

**РАҒБАТЛАНТИРИШ** — ўқув фаолиятини мақсадли фаоллаштириш усулларидан бири; бу фаолиятни ташкил этувчи ва бошқарувчи шахслар томонидан, ижтимоий муҳит томонидан ўқувчига ижобий таъсирнинг тадбирлар мажмуи сифатида қўлланади. Рағбатлантириш фаолиятининг қиммати ва муҳимлигини тан олиш, унинг муваффақиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, эришилган натижаларни ошқора қўллаб-қувватлаш ва ўзини кўрсатганларни алоҳида ажратиш, уларни мукофот, диплом, эсдалик совғалар билан мукофотлашдан иборатдир. Ўқув фаолиятини рағбатлантириш, уни юқори натижалардан шахсий манфаатдорликни оширувчи ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари билан қўшиб олиб борилса, айниқса, самаралидир.

**РАҲБАР** — жамоага раҳбарлик қилиш функцияси ва унинг фаолиятини ташкил этиш расман юкланган шахс. Раҳбар ўзини тайинлаган (сайлаган, тасдиқлаган), инстанция олдида жамоа (гурӯҳ) фаолияти учун юридик масъулиятга ва қатъий белгиланган санкция имконияти — бўйсунувчиларни жазолаш ва рағбатлантириш имконига эга.

**РАҲБАРИЙ ҲУЖЖАТ** — меъёрий-техникавий ҳужжат, ташкилий-методик ва умумтехникавий тавсифдаги меъёр, қоида, талабларни белгилайди.

**РАҲБАРИЯТГА АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТИШ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ** — педагогик фан ва амалиётнинг энг муҳим ютуқлари ҳақида раҳбариятга ахборот етказувчи тизим. Материаллар маълумотлар қиёсий таҳлили (қоидага кўра улар бир неча манбадан олинади), шунингдек, маълумот-ахборот органларига келган жорий маълумотлар таҳлили, фактографик варақчалар ва хабарлар асосида тайёрланади. Ахборотни беришнинг асосий шакли бўлиб, аналитик маълумотнома, шарҳ, ахборот хабарлари ҳисобланади.

**РАҲБАРЛИК УСЛУБИ, БОШҚАРИШ УСЛУБИ** — раҳбарларнинг ўзига бўйсунувчиларга мурожаат этиш усули,

хизмат мажбуриятини бажарш жараёнида бўйсинувчилар билан муносабатининг тавсифи. *Авторитар (автократик), демократик, либерал услублар* фарқланади.

**РАҲБАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ (РДТ)** — турли босқичдаги раҳбарларни бошқариш ва-зифасини бажариш учун мўлжалланган ва махсус тайёрланган илмий-техникавий ахборотлар билан таъминлаш; раҳбариятни таълим соҳасида асосланган қарорлар қабул қилиш учун зарур материаллар билан таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Олинган маълумот ҳажмининг минимал даражадалиги билан ажралиб туриши керак, фактографик маълумотларга эга бўлиши кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулоса ва таклифларни, мамлакат ва чет эл тажрибасига берилган баҳоларни ўз ичига олиши, абонентнинг бошланғич манбага мурожаат этишлиги заруратини истесно қилиши лозим.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** (лот. *rehabilitatio* — тиклаш, ўрнига келтириш) **ТИКЛАШ, ЎЗ ҲОЛИГА КЕЛТИРИШ** — 1) яхши номни, аввалги обрўни тиклаш; аввалги ҳуқуқларнинг тикланиши, шу жумладан, маъмурий ёки суд йўли билан (қатағон этилганларнинг барча ҳуқуқларининг тикланиши); 2) судланганларга уларнинг тузалишлари мақсадида озодликдан маҳрум этиш билан боғли бўлмаган тарбиялаш тавсифидаги чора ёки жазо; 3) организмнинг бузилган функциясини ва касаллар ҳамда ногиронлар меҳнатга қобиллигини тиклашга йўналтирилган тиббий, педагогик, юридик ва бошқа тадбирлар мажмуи.

**РЕАКЦИЯ** (лот. *re* — қарши ва *actio* — ҳаракат), **ҚАРШИ ҲАРАКАТ** — 1) у ёки бу таъсирга жавобан юзага келадиган ҳаракат; 2) *биологияда*, инсон аъзосининг бирор ташқи ёки ички қўзғатувчига жавоби, масалан, иммунологик, физиологик, психологик ва б. қарши ҳаракатлар; 3) сиёсий ва маданий ҳаётда қарши ҳаракат дейилганда янгича тартиб, ижтимоий тараққиётга қаршилиқ, эски, ўз умрини яшаб бўлган тартибларни мустаҳкамлаш ёки тиклашга интилиш тушунилади.

**РЕАЛИЗАЦИЯ** (лот. *realis* — моддий) — 1) ниманидир амалга ошириш, бирор режа, лойиҳа, программа, ниятни ҳаётда жорий этиш; 2) товарни сотиш, мулк ёки қимматли қоғозни пулга айлантириш.



**РЕЖА-БАШОРАТ** — башоратлаш (истиқбол) тавсифидаги режа, у таълим, иқтисод ва бошқа соҳалардаги жараёнларни ва уларнинг келгусидаги аҳволини илмий асослашга таянади.

**РЕЖАЛАШТИРИШ** — 1) бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири, тадқиқ этилаётган объектнинг келгусидаги ҳолати, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилловчи режаларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришдан иборат; 2) *психологияда*, мураккаб ақлий фаолият, қабул қилинган қарорни амалга оширишнинг энг самарали усуллари ва воситаларини излашдан иборат.

**РЕЗЮМЕ** (фр. resume — қисқача баён) — 1) ёзилган, ай-тилган ёки ўқилган матн мазмунининг қисқача баёни; қисқача хулоса, ниманингдир хулосавий якуни; 2) ишга даъвогар ҳақидаги маълумотларнинг муайян қоидалар мажмуи бўйича тузилмаси.

**РЕЙТИНГ** (инг. rating — баҳо, қоида, даража) — 1) фирма, банк аҳамияти, кўлами, муҳимлигини баҳолаш, шунингдек, компаниянинг кредитга қобиллигини тавсифловчи кўрсаткич; 2) социологик сўров белгилайдиган сиёсий, ижтимоий арбоб, давлат раҳбари, ижтимоий ёки давлат ташкилотининг муваффақияти даражаси бўйича баҳо, ранжировка (20- аср 2- ярми); 3) *психологияда*, берилган шкала бўйича бирор ҳодисанинг субъектив баҳоси; рейтинг ёрдамида объектларни улар учун хоссалар (эксперт баҳоси) умумийлигини ифодаловчи таснифлаш амалга оширилади. Ижтимоий фанларда, педагогикада рейтинг баҳолар шкаласини, хусусан, меҳнат ва ўқув фаолиятининг, касб нуфузининг, айрим шахслар оммавийлигининг асоси бўлиб хизмат қилади.

**РЕЙТИНГ-ШКАЛАЛАШТИРИШ** (инг. rating — баҳо ва scolding — кўламни белгилаш) — эксперт баҳолар (рейтинглар) асосида ўрганилаётган объектлар ўртасидаги муносабатни ўлчаш учун шкала тузиш усули.

**РЕКЛАМАЦИЯ** (лот. reclamatio — эътироз, маъқулламаслик) — 1) давлат аттестация хизматининг таълим сифатига уни қабул қилинган стандартларга мувофиқ келмас-

лигини таъкидловчи даъвоси; таълим муассасасини давлат аккредитациядан маҳрум этишга олиб келиши мумкин; 2) *иктисодда*, товарнинг сифатсизлиги ёки шартнома тузган томонлардан бирининг қабул қилган ўз мажбуриятини етарли даражада бажариши бўйича асоси даъводан иборат ариза.

**РЕКРЕАЦИЯ** (лот. *recreatio* — тиклаш) — меҳнат жараёнида сарфланган қувватни тиклаш; кишилар ишдан ташқари вақтда амалга оширадиган дам олиш; таълимда, булар — таътил, машғулотлар ўртасидаги танаффус.

**РЕКРЕАЦИЯВИЙ ХИЗМАТ** — дам олиш кишилар қуввати ва соғломлигини тиклаш, бўш вақтдан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар.

**РЕКТОР** (лот. *rector* — бошқарувчи) — 1) университет ва баъзи бошқа олий таълим муассасасининг раҳбари; 2) диний таълим муассасасининг раҳбари.

**РЕЛАКСАЦИЯ** (лот. *relaxatio* — сусайиш, тинчланиш) — кучли ҳаяжон ёки жисмоний толиқишдан кейинги зўриқишни тарқатиш натижасида юзага келадиган тиним, хотиржамлашиш ҳолати. Релаксация гайриихтиёрий (уйқуга кетиш олдидан бўшашишлик) ва ихтиёрий, тинч ҳолатга ўтиш, мушакларни бўш қўйиш, *фаоллик* турли хилларига жалб бўлиш туфайли юзага келиши мумкин (қ. *Аутоген машқ*). Приборлар ёрдамида қайта алоқа ўрнатиш релаксацияга ўргатишнинг самарали усули ҳисобланади. Релаксация — спорт ва аутоген машқларнинг ёрдамчи усулларида бири.

**РЕЛЕВАНТ АХБОРОТ** — муайян топшириқ бўйича жамланадиган ишга алоқадор ахборот. Релевантлик — ахборот сўрови ва олинган хабар ўртасидаги мувофиқлик.

**РЕЛЯТИВ** (лот. *relativus* — нисбий) — нисбий; муносабатда бўлувчи, муайян муносабатлардагина қимматга эга, шу билан белгиланувчи муносабатлар.

**РЕПЕТИТОР** (лот. *repetitor* — такрорловчи) — ўқувчиларга уй вазифасини бажаришга кўмаклашувчи шахс; хонадон ўқитувчиси.

**РЕПЕТИТОРЛИК** — мавзу, қисм ёки бутун ўқув курси бўйича яқка тартибдаги ёхуд гуруҳий қўшимча машғулотлардан иборат ёрдамчи ўқитув шакли, мақсади стандарт программалар талаби даражасига ўқувчиларни етказишдан иборат. Олий таълим муассасасидаги имтиҳонларни муваффақиятли топшириш учун программалардан ташқари билимларни ўзлаштириш воситаси бўлиши мумкин. Репетиторликнинг кенг ёйилиши умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув жараёнида камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК** (фр. *representatif* — кўргазмалилик) — саралаш амалга оширилган маълумотлар бутун мажмуига нисбатан саралашнинг кўргазмалилиги ва ваколатлилиги (статистикада, метеорологияда); социологияда репрезентативликка саралов жамғармасининг (яъни бевосита таҳлил объектининг) шу жамғарма энг яхши тарзда бош жамғарма (яъни яхлит объект) тарзида намоён бўлиши ёрдамида эришилинадиган ва демак, танланган жамғармалар бош жамғармага айланишини таҳлил этишда олинган илмий хулосаларни исботланган ҳолда етказишга имкон беради. Репрезентатив ваколатли, хусусиятли деганидир.

**РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТ** — 1) ўқувчиларнинг қайд этилган билимларни ўзлаштириши ва қайта тиклаши ҳамда фаолият усуллари, бу анъанавий дидактик таълим мақсади — тавсия этилган образларни ўзлаштириш (белгиланган эталонга эргашиш)га мос келади. Дарсликдаги бошланғич маълумотга ўқувчилар репродуктив фаолият давомида ҳеч қандай янги информацияни қўшмайди. Репродуктив фаолият учун аниқ баён этилган қоидалар (алгоритмлар) ва яхши маълум бўлган шароитлар бўйича ҳаракатланиш хосдир; 2) ижтимоий-маданий тажрибада мавжуд бўлган қайта тиклаш; у ёки бу топшириқни бажаришда бошқача ҳаракат усуллари билан ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган такрорлаш, муайян мақсадларга эришишда самарали эканлигини исботлаган тажрибадан нусха кўчириш.

**РЕПРОДУКЦИЯ** (лот. *re* — қарши ва *productio* — ишлаб чиқариш, асар) — 1) полиграфия ёки фотография воситалари билан тасвирни, суратни, босиладиган матнни акс эттириш; босиш воситасида акс эттирилган тасвирлар — расм, сурат, фо-

тосурат ва ҳ.к.; 3) *психологияда*, хотирада олиб қолинган ва сақланган маълумотнинг акс эттирилиши.

**РЕСПОНДЕНТ** (инг. respondent — жавоб берувчи, акс таъсир кўрсатувчи) — жамоатчилик фикрини ўрганувчи хизматларнинг сўров (шу жумладан, телефон орқали сўраш)дан иборат сайлов ўтказиш вақтидаги сўровни ўтказадиган шахс; оғзаки ёки ёзма ахборот манбаи (20- аср 2- ярми).

**РЕФЕРАТ** (лот. refero — бераман, маълум қиламан) — биринчи манба (китоб, мақола, маъруза), мавзу бўйича адабиёт мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни; тегишли адабиётлар ва бошқа манбалар шарҳини ўз ичига олган муайян мавзуга бағишланган маъруза.

**РЕФЕРАТИВ АХБОРОТ** — иккиламчи ахборот, унинг асосий мақсади информацияни таҳлил этишга унинг истеъмоличлари сарфлайдиган вақтни қисқартириш, ахборотлар оқимида йўналишни белгилашларини енгиллаштириш, мутахассислар эътиборини ечимини талаб қилаётган янги муаммоларга қаратишдан иборатдир.

**РЕФЕРАТИВ АХБОРОТ НАШРИ** — китоб, мақола, илмий тўпламлар, эълон қилинмаган ҳужжатлар, (диссертация, депонентланган қўлёзма) рефератларини ўз ичига олган нашр, бу китобхонга ҳужжат мазмунининг муҳим хусусияти билан танишиш, кейинчалик ишлаш учун зарур бўлган адабиётни танлаш имконини беради.

**РЕФЕРАТИВ ЖУРНАЛ** — вақтли нашр, фан ёки техниканинг бирор соҳаси ва бошқа иккиламчи маълумотнома қидирув аппарати билан боғли ҳолда ахборот материаллари бўйича илмий нашрлар рефератларидан иборат бўлади.

**РЕФЕРАТИВ ТЎПЛАМ** — кам кишиларгагина етиб борадиган нашрларда конференциялар, илмий ёзишмалар, депонентланган қўлёзмаларнинг эълон қилиниши, бир ёки бир неча муаммолар бўйича мақолалар рефератларидан иборат тўплам. Фан ва амалиёт ривожланишининг янги йўналишларидан иборат бўлади, асосий муаммоларга қаратилади, мутахассисларнинг ахборотларга бўлган

эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жорий ва ўтган йилдаги материаллардан ташкил топади. Касбий-техникавий таълим илмий-тадқиқот институтлари шундай тўпламларни нашр этади, булардан ишчи мутахассислар тайёрлаш муаммолар буйича энг долзарб илмий тадқиқотлар натижаларининг рефератларидан ташкил топади, жорий йилда нашрдан чиққан монографиялар, тўпламлар, журналлар, ҳисоботлар, шунингдек, илгор тажриба ҳақидаги эълон қилинмаган материаллар тавсифи ўз аксини топади.

**РЕФЕРАТИВ ШАРҲ** — бошланғич ишларда кўриб чиқилган масалаларнинг йиғма тавсифидан иборат шарҳ, лекин унда шу манбаларда келтирилган ахборотларнинг танқидий баҳоси берилмайди. Кўп ҳолларда у муайян вақт оралиғидаги мамлакат ва чет эл педагогикаси эришган энг янги ютуқлар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

**РЕФЕРЕНТ** (лот. *referens* — маълум қилувчи) — 1) раҳбарига маъруза тайёрловчи, муайян масалалар буйича маслаҳатлар, тавсиялар берувчи лавозимдор шахс; 2) муаллиф, реферат тузувчи.

**РЕФЕРЕНТ ГУРУҲ** — *психологияда*, ижтимоий умумийлик, индивид ўзини эталон ва меъёрлар, фикрлар, қадриятлар ва баҳолашга қиёслайди, бунда у ўз хатти-ҳаракати ва ўзини-ўзи баҳолашга ёндашади. Шундай қилиб, референт гуруҳ икки функцияга эга — қиёсий ва меъёрий. «Ижобий» ва «салбий» референт гуруҳлар фарқланади. Индивид ўзи аъзоси бўлишни хоҳлаган ўзини у билан уйғунлаштирадиган гуруҳ (гуруҳлар) «ижобий» ҳисобланади; индивиднинг ёқтирмагани эса «салбий» ҳисобланади.

**РЕФЕРОВКАЛАШ** — ҳужжат асосий мазмунининг қисқа шаклдаги баёни ёки ҳужжат резюмесини тузиш.

**РЕФЛЕКСИЯ** (лот. *reflexio* — орқага қараш) — 1) мулоҳаза, ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини англаш; инсоннинг ўз-ўзига ички дунёсига эътиборни қаратиши, руҳий сифат ва ҳолат; ўз-ўзини таҳлил этишга мойиллик; 2) *психологияда*, ҳаракатланувчи индивид томонидан ўзини мулоқот буйича шериги томонидан қандай қабул қилинишини идроклаш. Кишиларнинг бир-

бирини айна бир пайтда тасаввур этиши муайян ўзаро таъсирдир, унинг икки томони бор: бир-бирини баҳолаш ва бир-бирининг қандайдир хусусиятини ўзгартириш.

**РЕЦЕПТИВЛИК** — тасаввур этиш, шунингдек, тасаввур этиш ҳолатининг ўзи; нарсаларнинг бизга таъсири туфайли таасурот ҳосил қилиш қобилияти. Зидди — м а ҳ с у л д о р л и к.

**РЕЦЕПЦИЯ** (лот. *receptio* — қабул қилиш, қабул) — бошқа мамлакатда ёки бошқа даврда пайдо бўлган ижтимоий ва маданий шаклларга муайян жамиятнинг мослашиши ёки унинг ўзлаштириши.

**РЕЦИДИВ** (лот. *recidivus* — қайта, такрор, қайтувчи) — 1) ремиссиядан сўнг касалликнинг клиник намоён бўлишининг қайтиши; 2) қандайдир ҳодисанинг у гўё йўқ бўлгандан сўнг қайта (такрор) янгидан пайдо бўлиши, такрорланиши; 3) айна шундай ёки қандайдир бошқача жиноят учун жазони ўтаб қайтган шахснинг худди шундай ёки бошқача жиноятни такрор содир этиши.

**РЕЦИПИЕНТ** (лот. *recipiens*) — ўзига қаратилган хабарни қабул қилувчи шахс; хабарга акс таъсир кўрсатувчи шахс — *респондент*.

**РИВОЖЛАНИШ** — материя ва онгнинг қонуний ўзгариши, уларнинг универсал хоссаси. «Яратиш» ҳеч нимадан пайдо бўлишга қарама-қарши «ривожланиш» тушунчаси олға борувчи ҳаракатни, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишни белгилаш учун қўлланади; умумий ривожланишдан индивидуал ривожланиш ҳам фарқланади (табиатлар, Қуёш тизими, Ер, ҳаёт, инсоният). Педагогика нуқтаи назаридан ривожланиш инсон (бола) ички табиий кучи билан ижтимоий шароитнинг фаол ўзаро таъсири натижасидир. Ривожланишга нисбатан тарбия етакчи ўринни тутаети; у мазкур ривожланишнинг даражаси, кенглиги ва чуқурлигини белгилайди. Ривожланишнинг бир неча тури мавжуд: умумфизик, меҳнат, интеллектуал, фуқаровий-сиёсий, эмоционал, ахлоқий ва эстетик.

**РИВОЖЛАНИШ ПСИХОЛОГИЯСИ** — психология қисмларидан бири, болалардаги маънавий ҳаёт кечадиган пси-

хика, шакллар генезиси ривожланишини тадқиқ этади (қ. *Бо- лалар психологияси*), ёшлар (қ. *Ёшлар психологияси*), халқлар (қ. *Халқлар психологияси*) психикасини ўрганади.

**РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ** — Ер ва айрим мавжудот, ин- дивидлар ривожланишининг тарихан бориши мобайнидаги ҳаёт ривожланиши тўғрисидаги фан.

**РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҲАМДА ҚУЛЛАШ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚУЯДИ.**

**РИГИДЛИК** (инг. rigid, лот. rigidus — қаттиқ, пишиқ) — 1) вазият талабларига мувофиқ фаолият программасини тўғрилашга ноқобиллик; 2) *тиббиётда*, мушаклар тоник зўриқиши оқибатидаги букилмаслик, қайишоқмаслик, қотиб қолганлик.

**РИГОРИЗМ** (лот. rigor — букилмас, кескинлик, қатъийлик) — асосан маънавий меъёрларга тааллуқли устав, қоида ва тамойил- ларга оғишмай амал қилиш; қандайдир тамойилни оғишмай ҳаракатга келтириш, қандайдир муросани, айниқса, маънавий жиҳатдан истисно қилувчи ҳулқ-атвор ва фикр.

**РОБОТ** (чех. robot — ишловчи киши, ишчи) — ҳаёт учун хавфли (юқори даражадаги радиация, ҳароратда) ёки етиб бо- риш нисбатан мумкин бўлмаган объект (сув остида, фазода ва ҳ.к.)даги шароитларда ишларни бажариш вақтида инсонни ал- маштириш учун мўлжалланган антропоморф (инсонга хос) ҳаракатли программавий масофадан бошқариладиган алоҳида автоматик қурилма. «Кул», «хизматчи», «механик одам» синга- ри маъноларни ака-ука Чапеклар томонидан ўйлаб топилган, худди шу маънодаги суз ака-укаларнинг бири — чех ёзувчиси Карл Чапекнинг «R. U R» пьесасида 1920 йилда ишлатилган.

**РОЛЛИ ҲАМДА ҚУЛЛАШ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚУЯДИ.**

род етишмаганда, шунингдек, оз миқдорда наркотик модда истеъмол қилганда юзага келади.

**РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ** — Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали ўз фаолиятини 1995 йилдан ўқув илмий марказ сифатида бошлаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги «Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар тайёрлайди**: банк иши, суғурта иши, ходимларни бошқариш, солиқ ва солиққа тортиш, тадбиркорлик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар тайёрлайди**: иқтисодиёт назарияси ва молия-кредит муносабатлари, фирмалар ва тармоқ бозорлари иқтисоди.

**РУКН** — 1) газета журнал қисми (абзаци) сарлавҳаси; 2) қисм, қисм бўлаги, графа.

**РУКНЛУФАТ** — лугатрукн иерархик таснифдан иборат бўлади; маълумотнома-ахборот жамғармасини шакллантириш, ахборот нашрлари ва ахборот излаш учун мўлжалланади; прагматик тасниф ҳисобланади ҳамда мавжуд ахборот оқимлари ва мутахассисларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилади.

## С

**САВОДЛИЛИК** — бирор соҳадаги муваффақиятли фаолият учун тушунчалар, билимлар ва зарур бўлган ўқувларга эғалик. Термин тор (анъанавий) ва анча кенг талқинга эга бўлиб, ўқиш, ёзиш ва арифметикадаги 4 амал ёрдамида ҳисобкитобларни амалга оширишни, шунингдек, у ёки бу вазифани идроклаш ва бажаришда табиий ва сунъий ёзув тизимидаги белгиларни қўллай билиш қобилияти. Биринчи талқин универсал тарзда қараш мумкин бўлган иккинчи талқиннинг хусусий ҳолатларидан бири ҳисобланади.

**САВОДЛИЛИК СТАНДАРТИ** — таълим натижаларига бўлган тарихан ўзгарувчи талаблар мажмуи; аввал оддий матнларни ўқиш ва ёзиш уқувини билдирган. Ҳозирги пайтда замонавий инсон ҳаётнинг турли соҳаларида фойдаланадиган таби-



ий ва сунъий тилларнинг белгилар тизимини эгаллаганлик даражасини билдиради дейиш асослидир.

**САВОДСИЗЛИК** — икки асосий маънога эга термин: 1) умумий маънода — у ёки бу фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун тушунча, билим ва уқувнинг йўқлиги; 2) хусусий маънода — ўқишни, ёзишни ва оддий ҳисоб амалларини бажаришни билмаслик.

**САМАРАЛИ ТАФАККУР** — кўплаб турли-туман ва ғайри одатий гоёларнинг уйғунлашуви, уларнинг ривожланиши ва чуқурлашиши.

**САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ** — ўқувчининг ўқув қўлланмасидаги мазмунга қиёсан янги ахборотни уйғунлаштириш жараёнидан иборат фаолияти. Маҳсулдор фаолиятнинг икки даражаси фарқланади: эвристик (изланиш) ва ижодий. Эвристик босқичда ўқувчи субъектив тарзда янги ахборотни эгаллайди (фақат ўзи учун янги бўлгани); ижодий босқичда эса объектив янги ахборотга эга бўлинади. Инсон «қоидасиз» ҳаракат қилади, лекин ўзи учун маълум бўлган соҳада янги қоида яратиб, ижодий (тадқиқий) фаолият билан шуғулланади.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1933 йилда Педакадемия (1930) негизда ташкил этилган. Ўзбекистон Давлат университети номи билан узоқ йиллар фаолият кўрсатган. Университетда 14 факультет мавжуд. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбия иши услубиёти, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, педагогика ва психология, касбий педагогик тайёргарлик, ўзбек филологияси, славян филологияси, шарқ филологияси (тожик тили ва адабиёти), фалсафа, тарих, археология, социология, иқтисодиёт, ҳуқуқ, биология, биокимё, физика, механика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, электроника ва микроэлектроника, информатика ва ахборотлар технологияси, тупроқшунослик, экология ва табиатдан фойдаланиш; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистр**лар тайёрлайди: информатика, тарих, бошланғич таълим, ўзбек филологияси, славян филологияси, мумтоз шарқ филологияси, фалсафа, Ўзбекистон тарихи, социоло-

гия, менежмент, биология, назарий физика, назарий механика, кимё, география, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, амалий математика ва информацион технологиялар, ҳисоблаш математикаси, ахборот ва ҳисоблаш техникаси педагоги. 1998 йилда академик лицей очилди, шунингдек бизнес мактаб ва менежер мактаби (1995) фаолият кўрсатиб келмоқда.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ** — 1994 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факультети негизида ташкил этилган. 5 факультет, таржимонлик бўлими фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: роман-герман филологияси, инглиз тили, немис тили, француз тили, таржимон (тиллар бўйича), бошланғич таълим ва чет тили; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти, француз тили ва адабиёти. Институтда инженерлик лингвистикаси маркази, тил марказлари мавжуд.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ** — 1966 йилда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик, дизайн (тасвирий тарғибот ва ташвиқот жиҳозлари), менежмент, ер усти транспорти тизимлари, геодезия ва картография, архитектура, бинолар ва саноат иншоотлар қурилиши, инженерлик тармоқлари қурилиши, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси, ер тузиш ва ер кадастри, атроф муҳит муҳофазаси. Институт қошида лицей-интернат, бизнес мактаб, халқаро бизнес мактаби фаолият кўрсатмоқда.

**САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ** — 1931 йилда Тошкент давлат университетининг иқтисод факультети негизиде ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: иқтисодиёт, молия, менежмент, маркетинг, гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси. Институт қошида лицей-интернат (1995), гимназия, бизнес мактаб (1996) мавжуд.

**САНГВИНИК** — юқори даражада жўшқинликка эга шахс, лекин шунга қарамай ундаги фаоллик ва жўшқинлик мутаносибдир. У ўз эътиборини жалб этган барча нарсаларга қизиқиш ва кўтаринки тарзда муносабат билдиради, жозибали имо-ишора ва ифодавий хатти-ҳаракатларга эга. Юқори фаолликка ва аслида гайратли ишга қобил бўлиб, у янги ишга жадал киришиб кетади ва толиқмасдан узоқ вақт ишлаши мумкин. Тез ҳаракатланиш, ақлни тез ишлага билиш, топқирлик, нутқнинг тез ва раволиги, янги ишга тез киришиб кетиш унга хос. Сангвиник янги учратган кишилари билан осон чиқишиб кетади, янги талаб ва вазиятга тезда кўникади, бир ишдан бошқа ишга ортиқча зўр бермасдан ўта олибгина қолмай, балки янги малакаларни эгаллаб, кўп нарса ўрганади ҳам.

**САНЪАТ** — 1) умуман бадиий ижод — адабиёт, меъморлик, тасвир, мусиқа, кино ва борлиқни бадиий-образли шаклда акс эттиришига кўра бирлашган инсон фаолиятининг бошқа турлари; 2) ҳар қандай фаолият соҳасидаги уқув, маҳоратнинг юқори даражаси.

**САНЪАТШУНОСЛИК** — ижтимоий (гуманитар) фанлар мажмуи, санъатни, унинг айрим турларини ва жамият умуман бадиий маданияти, уларнинг борлиққа муносабати, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий ҳаёт билан боғлилиги ва маданиятнинг турли кўринишлари билан алоқадор бўлган мажмуа.

**САНЪАТШУНОСЛИК ТАЪЛИМИ** — ҳам турли санъат асарларининг ўзи ҳақида, ҳам мазкур асарлар бўйича тадқиқотлар ҳақида мунтазам тўпланган билимлар.

**САРАЛАШ** — ўрганиш учун танлаб олинган объектлар ёки кўрсаткичлар мажмуининг бир қисми. Саралов статистик жиҳатдан салмоқли бўлиши, яъни тадқиқ этилаётган умумийликни ифодалаш керак.

**САТЕЛЛИТ** (лот. *satelles, satellitis* — хос кўриқчи, йўлдош), **ҚАРАМ, ТОБЕ** — 1) бошқанинг иродасини кўр-кўрона амалга оширувчи шахс; 2) номигагина мустақил мамлакат, амалда у йирик давлатга тўлиғича бўйсунди (қарам давлат); 3) *астрономия*да, бирор сайёранинг йўлдоши (масалан, Ернинг йўлдоши — Ой).

**СЕЗГИ** — нисбатан барқарорлиги, умумийлиги, эҳтиёж ва қадриятларга мувофиқлиги шахсий ривожда шаклланганлиги билан ажралиб турувчи инсоннинг нарсалар ва турмуш ҳодисаларига эмоционал муносабатининг олий шакли. Инсоннинг шахс сифатида ривожланишининг муҳим шарти бўлган барқарор эмоционал муносабатларнинг шаклланиши. Унинг тарбиясининг бош мақсади ва якуний маҳсули. Тарбия инсонга ўзини ташвишлантираётган ҳодисаларнинг бевосита сабабларини очиб беришни, эмоционал тажрибани умумлаштириш ва йўналтиришни кўзда тутади. Етакчи ҳиссиётларнинг моҳияти инсоннинг муҳим хусусияти — шахснинг йўналганлигини белгилайди.

**СЕМАНТИКА** (юн. *sēmantikos* — белгиловчи) — 1) айрим тил бирлигининг — морфемалар, сўзлар, сўз бирикмалари, шунингдек, грамматик шаклларнинг — маъновий томони, маъноси; 2) сўз ва ибораларнинг маъносини ва бу маъноларнинг ўзгаришини ўрганувчи тилшуносликнинг қисми (синоними *семасиология*); белгилар тизими маъносини ифодаловчи восита, яъни белгиларни талқин этиш қондаси ва шулардан тузилган ибораларни ўрганадиган *семиотиканин*г қисми.

**СЕМЕСТР** (лот. *semestris* — олтиойлик) — якуний аттестация билан тугалланувчи ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларидаги ўқув йилининг ярми.

**СЕМИНАР** (лот. *seminarium* — кўчириб ўтқазиш) — 1) илмий ютуқлар ва илгор тажрибани ўрганиш, айирбошлаш ва тарқатиш ёки мутахассислар билим ва касбий малакасини ошириш мақсадларида ўтказадиган ўқув тадбири (қ. *Конференция*); 2) ўқувчиларни мустақил таълим олиш ва ижодий меҳнатга тайёрлаш учун мўлжалланган, ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мунтазамлаштиришга қаратилган масалаларни мустақил олдиндан ишлаб чиқишлари ва муҳокама қилишларини, идроклаш уқувини ишлаб чиқиш ва ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни кўзда тутувчи таълимни ташкил этиш шакли.

**СЕМИОТИКА** (юн. *sema* — белги) — табиатдаги ва жамиятдаги белгилар тизими ҳақидаги фан (табиий, сўзлашув тили, грамматлаштириш тили, физик ва кимёвий рамзлар ва ҳ.к.). У ти-

рик танадаги, табиат ва жамиятдаги алоқалар ва бошқаришлар жараёнини тадбиқ этувчи кибернетикага яқин. Семантика лингвистикага ҳам яқин, чунки у алоқа тизимлари ичида энг тўлиғи ва энг муқаммали бўлган инсон тилини ўрганади.

**СЕРТИФИКАТЛАШ** — 1) сифат стандартида талаб этила-диган даражага сифат тавсифининг мос келишининг тасдиқи; 2) сертификат олиш тартиби.

◦ **СЕССИЯ** (лот. *sessio* — йиғилиш) — 1) вакиллар органи, илмий муассасалар, жамиятлар йиғилиши, ишлаши даври; 2) олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида *сес-стрлардан бирининг тугаши бўйича якуний аттестация даври*.

**СИЁСАТ** — давлатни бошқариш санъати, 1) ижтимоий синфлар, фирқалар, гуруҳлар, уларнинг манфаатлари ва мақсадлари билан белгиланадиган фаолият; 2) муайян жамиятнинг ижтимоий-сиёсий табиатини ифода этувчи давлат ҳокимияти идораларининг фаолияти ва давлат бошқаруви. Ҳозирги вақтда давлат ҳақидаги таълимотда сиёсат терминининг маъно ифодаси давлатнинг вазифаси ва мақсадлари ҳақидаги фанни англатади, булар давлат тасарруфида туради, ана шу мақсадларни бажариш учун зарурдир. Амалий сиёсат кишиларнинг давлат ҳаётида сайловчилар, депутатлар, вазирлар ва ҳ.к.лар сифатида фаол қатнашуvidан иборатдир.

**СИЁСАТШУНОСЛИК** — фаннинг алоҳида соҳаси, жамият сиёсий тузилиши ва сиёсий ҳаётини, ички сиёсат муаммолари ва халқаро муносабатларни ўрганади.

**СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ВА ЭРКИНЛИКЛАР** — фуқароларнинг фуқаролик (шахсий), ижтимоий, иқтисодий ва баъзи бошқа ҳуқуқлари билан бир қатордаги асосий конституциявий ҳуқуқи ва эркинлиги гуруҳларидан бири. Фуқароларга мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қатнашиш имконини беради. Жамият ва давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини, сайлаш ҳуқуқини, уюшиш ҳуқуқини (уюшмалар эркинлиги), йиғилиш ва намойиш эркинлигини, ахборот эркинлигини, петиция ҳуқуқини ўз ичига олади. Сиёсий ҳуқуқларга ва эркинликларга эгалик қилиш одатда муайян давлат фуқаролигига таллуқлилиқ билан боғланади.

**СИЁСИЙ МАДАНИЯТ** — сиёсий билимлар даражаси ва тавсифи, фуқаролар баҳоси ва ҳаракати, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий қадриятлар, анъаналар ва меъёрларнинг мазмуни ҳамда сифати.

**СИЁСИЙ ОНГ** — ижтимоий ва миллий гуруҳлар, айрим кишиларнинг бошқа ижтимоий, миллий гуруҳлар ва кишиларга муносабатини шакллантирувчи ижтимоий қимматга эга қарашлар, эътиқодлар, қадриятлар мажмуини ўз ичига оловчи яхлит, барқарор ижтимоий-психологик маълумот. Ҳар бир жамиятда муайян тур сиёсий онгга эга бўлганлар мавжуддир, булар ҳокимиятнинг мавжуд тизимига шунчаки бўйсуниб қолмайди, балки эътиқодига кўра уни бошқаларга ҳам мақбул кўради. Сиёсий онг турлари ичида, тоталитар, авторитар, демократик ва б. фарқланади.

**СИЁСИЙ САВОДЛИЛИК** — ҳокимият органларининг мафкураси ва фаолиятига ваколатли муносабат, у ёки бу сиёсий бирлашмаларнинг фаолиятида онгли иштирок этиш учун зарур омил; ҳокимият ижтимоий табиатини тушунишга асосланади, умумий ишларни олиб бориш ва умумий манфаатларни ҳимоя қилиш уқув ва малакаларни шакллантиришни талаб этади.

**СИЁСИЙЛАШИШ** — 1) сиёсий масалаларга қизиқишнинг ўйғониши, кўплаб сиёсий ташкилотлар, гуруҳларнинг пайдо бўлиши; 2) сиёсий тус, тавсиф бериш ва унга эга бўлиш; сиёсат билан алоқанинг кучайиши.

**СИМПОЗИУМ** (лот. *symposium*, юн. *symposion* — зиёфат) — 1) юнонлар ва қадимги римликларда — зиёфат, базм, булар кўпинча мусиқа, кўнгилочар ўйинлар, суҳбат билан бирга амалга оширилган; 2) кенгаш, қандайдир махсус (асосан илмий) масала бўйича халқаро миқёсда ўтказилади; 3) *педагогикада*, ўқув мунозараси шаклларида бири; *форумга* нисбатан анча расмийлаштирилган муҳокама, унинг мобайнида қатнашувчилар ўзларининг нуқтаи назарларидан иборат чиқишларни амалга оширадilar, сўнг «аудитория»нинг саволларига жавоб қайтарадилар.

**СИНЕКТИКА** (инг. synectics) — метафорик тафаккур асосида муаммоларни гуруҳий ҳал этиш модели. Синектика ўрганилаётган материални тушунишни чуқурлаштиришга қаратилади. Синектиканинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар тахминлар, дадил фаразлар, «аҳмоқона ғоялар» интуитив қарорлардан фойдаланиб, эксперт гуруҳларнинг муаммони ҳал этиш бўйича биргаликдаги изланиш фаолиятидир. Дастлаб синектика саноат ва бошқариш муаммоларини инновацион ечимини излашда ижобий ишларни рағбатлантириш метафораси сифатида яратилган (60- йиллар, АҚШ). Уни қўллаш тажрибаси ҳозирча анча чекланган — синектикадан ўқув жараёнида «илғор» дидактик воситанинг ўзига хос кўриниши сифатида фойдаланилади.

**СИНЕРГИЯ, СИНЕРГИЗМ** (юн. synergieia — ҳамкорлик, ҳамдўстлик) — биргаликдаги ҳаракат; яхлит ҳаракатда турли имконият ёки энергия турларининг биргаликдаги ҳаракатланиши. Социологияда — инсон фаолиятининг барча соҳаларида умумийликнинг асоси сифатидаги биргаликдаги меҳнат; педагогикада — педагог тарбиявий фаолиятининг биргаликдаги ҳаракати, шахснинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш мақсадларида жамият инфратузилмаси таъсирини такомиллашиши.

**СИНОВ (ЗАЧЕТ)** — илгари (1996 йилгача) мавжуд бўлган якуний назорат шакли ва ўқувчилар талабалар билимининг тўлақонлилиги ва пухталигини, шунингдек, қобилият ва малакаларнинг шаклланганлигини баҳолаш; ўрганилган курс ҳар бир қисмининг ёки умуман курс бўйича муҳим масалалар ҳусусида яқка тартибда ёки назоратнинг гуруҳли шакли тарзида амалга оширилади. Тестларни қўллаб ўтказилиши мумкин, унинг натижасини ўқувчиларнинг ўзаро назорат, ўз-ўзини назорат ва ўз-ўзини баҳолашдан фаол фойдаланиб, ўқитувчи томонидан белгиланган низомлар бўйича ўзлари баҳолашлари мумкин.

**СИНОВ МАКТАБИ** — таълим муассасаси, энг янги замонавий ғояларни ёки программаларни уларнинг самаралилигини ва кенг ёйишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида эксперимент асосида текшириш учун барпо этилади.

**СИНОВ МУДДАТИ** — меҳнат шартномасида кўрсатилган муддат, мазкур вақт ичида ишга ёлланаётгани шахс синовдан ўтади, ходимнинг ўзига топширилаётган ишга мувофиқлиги аниқланади; қонун бўйича синов муддати 3 ойдан ошмаслиги керак.

**СИНОВ ТАДҚИҚОТ** — синаш-излаш тадқиқоти, у асосий тадқиқотгача ўтказилади ва унинг соддалаштирилган шакли ҳисобланади; сўровномалар, тестлар зарурий саралаш ҳажмини белгилаш, мазмунини аниқлаш учун қўлланади. Синов тадқиқоти ҳар қандай экспериментал тадқиқотни режалаштиришнинг муҳим қисми; у асосий йўналишни белгилаш, ташкил этиш тамойиллари ва асосий тадқиқот усуллари белгилашни таъминлайди, анча муҳим фаразларни аниқлайди.

**СИНОНИМ** (юн. *synonymos* — бир номли, бир номдаги) — маъноси жиҳатдан бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган, айна бир тушунчани ифода этадиган, лекин маъно оттенкаси ёки услубий бўёғига, ёки ҳар иккисига кўра бир-биридан фарқланувчи сўзлар. Синонимлар, одатда, айна бир сўз туркумига тааллуқли бўлади ва бир-бирининг ўрнида алмаштирилиб қўлланиши мумкин, масалан эшитмоқ, тингламоқ, қулоқ солмоқ; уй, гўша, турар-жой; юз, чеҳра, афт, башара.

**СИНТЕЗ** (юн. *synthesis* — қўшилиш, бирикиш, тузилиш) — турли ҳодисалар, моддалар, сифатлар, қарама-қаршиликлар бирлашмасидан ёки бирликдаги қўплаб қарама-қаршиликлардан иборат илмий-тадқиқот усули. Бунда зиддият ва қарама-қаршилик пасаяди ёки бартараф бўлади. Унинг зидди — *таҳлил*. Мутлақо янги ҳосил бўлган, фақат компонентлар хоссаси ташқи йиғиндисигина эмас, балки уларнинг бир-бирига ўтиши ва бир-бирига таъсир этиши натижасидан иборат хосса. Синтез қисмларнинг оддий (механик) бирикиши ҳисобланмайди ва шунинг учун уларнинг йиғиндисига олиб келмайди. Ҳам синтез, ҳам таҳлил ўқув жараёнида муҳим ўрин тутади. Педагогикада синтез — янгилikka эга бўлган бир бутунликни ҳосил қиладиган тарзда унсурларни комбинациялаш уқувини назарда тутувчи тадқиқотнинг назарий усулидир. Шундай янги маҳсулот бўлиб, хабар (нутқ, маъруза), ҳаракат режаси, мавжуд маълумотни тартибга солувчи тарх бўлиши мумкин. Ўқувчилар у ёки бу муаммони ҳал этиш режасини ту-



зиш мақсадида турли соҳалардаги билимлардан фойдаланиши мумкин. Тегишли ўқув натижаларига эришиш янги тарх, тузилмаларни яратишга йўналтирилган фаолиятни кўзда тутати.

**СИНФ** — 1) умумий белгиларга эга бўлган нарса ёки ҳодисаларнинг мажмуи, даражаси, гуруҳи; 2) ягона таълим программаси бўйича ўқитиладиган бир хил даражадаги билимга эга ўқувчилар доимий (ўқув йили мобайнида) жамоаси; 3) махсус мебел билан жиҳозланган ва ёритиш, майдони, кубатураси, шамоллатилиши ва б. бўйича тиббий гигиена талабларига жавоб берадиган мактабдаги асосий ўқув хонаси.

**СИНФ РАҲБАРИ** — педагог ходим, қуйидагилар уларнинг лавозим мажбурияти ҳисобланади: индивидуал ривожланиш ва ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланиши учун қулай шароит яратиш; синфдаги ҳар бир ўқувчи учун мақбул микромуҳит ва маънавий-руҳий муҳит яратиш; ўқувчиларни тарбиялаш тизимида тузатишлар (зарур ҳолларда) киритиш; ўқувчиларнинг ўртасида, ўқитувчилар, ота-оналар билан улар ўртасида юзага чиқадиган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш.

**СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШ, АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ИШ** — ўқув режаси ва программасидан ташқари ўтказиладиган умумтаълим ва тарбия иши, шунингдек, билимларни анча тўлиқ ва чуқур ўзлаштириш ҳамда техникавий ижодни ривожлантириш мақсадида таълим муассасаси контингенти учун ташкил қилинадиган турли хил тадбирлар. Булар, касбий маҳорат танлови, илмий-амалий конференциялар, янгилик яратувчилар, ихтирочилар, фан ва техниканинг кўзга кўринган намоёндалари билан учрашув, энг яхши ишлар кўргазмаси, мавзули саёҳатлардир.

**СИНФ-ДАРС ТИЗИМИ** — ўқитиш шакли, ўқувчиларнинг белгиланган ва доимий таркиби (синф) гуруҳида педагогнинг иш олиб боришини кўзда тутати. Дарс деб аталадиган академик соат мобайнида педагог аввалги ўтилган материалнинг ўзлаштирилганлиги назоратини амалга оширади, янги билим ҳақида маълумот беради ва унинг мустаҳкамланганлигини текширади. Синф-дарс тизими бугунги кунда таълимни ташкил этишнинг энг барқарор тизими ҳисобланади; ҳозирги шароитларда синф-дарс тизими такомиллаштирилмоқда ва синф-хона шаклига айлантирилмоқда.

**СИНФ-ХОНА ТИЗИМИ** — ўқитиш шакли, мураккаб ўқитиш, моддий техника (ТВ, компьютерлар, приборлар) ва ишлаб чиқариш (дастгоҳ ва б.) асосида педагоглар ва ўқувчиларнинг фаол биргаликда ҳаракат қилиш имкониятларини яратиб беради; махсус жиҳозланган фан хоналарида замонавий техника воситалари билан ўқув жараёнини таъминлашга имкон беради. Ўқувчиларнинг бир ўқув хонасидан бошқасига ўтиши ўқувчилар онгида руҳий қайта мослашишни тезда амалга ошириш имконини беради, уларда интеллектуал меҳнатнинг янги турига тезда кўникма ҳосил қилади.

**СИРТҚИ АСПИРАНТУРА** — юқори малакали илмий педагог ва илмий кадрлар (фан номзодлари) тайёрлашнинг ишдан ажралмаган шакли; олий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда фаолият кўрсатади. Унга олий маълумотлилик тўғрисидаги дипломга эга ва аспирантура соҳасига мос амалий фаолият тажрибасига эга бўлган шахслар қабул қилинади. **Сиртқи таълим** — билимни касбий меҳнат фаолияти билан қўшиб эгалловчи шахслар учун ўқув жараёнини ташкил этиш шакли. Узлуксиз таълим тизимининг бир қисми. Талабаларнинг қисқа курслардаги таништирув маърузаларига қатнашишини ҳамда махсус ишлаб чиқилган режалар ва ўқув программаларига мувофиқ ўқув курсларини мустақил ўташни, таълим муассасасининг ўқитувчиси томонидан текширилаётган назорат ишлари бажаришни ва унда белгиланган аттестациядан кундузги тарзда ўтишлари назарда тутилади. Сиртқи бўлимнинг дипломи кундузги бўлимдан олиб ўқилган дипломга тенглаштирилади; ўқув муддатининг давомийлиги ўртача бир йилга ошади.

**СИФАТ** — объектнинг муҳим белгисини ифодаловчи хоссалар, аломатлар мажмуи, шулар туфайли у бошқача эмас айни шундай бўлади. Сифат объектлар (товарлар, хизматлар, ишлар)нинг кишилар эҳтиёж ва талабларини қондиришини, унинг мақсадга ва қўйиладиган талабларга мувофиқлигини таъминлайди.

**СЛЕНГ** (инг. slang — жаргон) — инглиз тилида муайян ёш гуруҳи, касби, ижтимоий табақага мансуб кишилар қўллайдиган сўз ва иборалар; сўзлашнинг алоҳида тарзи.

**СОҒЛОМ АҚЛ** — умум қабул қилинган, кўпинча идрок этилмаган ички ва ташқи дунёнинг кузатилаётган ҳодисаларини тушунтириш ва баҳолаш усулларининг мажмуи. Соғлом ақл ҳар бир инсонга унинг кундалик ҳаётида зарур бўлган тарихан эришилган тажрибаларни табиат ва ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги ахборотлар билан бир қаторда жамлайди; соғлом ақлда шахслараро муносабатларга тааллуқли таассуротлар жиддий аҳамият касб этади.

**СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ** — жисмоний тарбия воситалари тизими, касалланишнинг олдини олиш ва касалликни ҳамда унинг оқибатларини даволаш учун қўлланади.

**СОБИТЛИК** — муайян тамойилларни назария ва амалиётда тадрижий тарзда амалга ошириш; эътиқод асосида ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни онгли равишда бажариш.

**СРЕТИФИКАТ** (фр. *certificat*, лот. *certum* — ишончли ва *facere* — қилмоқ) — 1) эгалик қилувчида муайян билим ва уқувлар мавжудлиги ҳақида далолат берувчи ҳужжат; 2) ёзма молиявий ҳужжат, эгаси муайян миқдордаги пул маблағини ўтказганлиги ҳолатини тасдиқловчи ва унга бундан келиб чиқадиган ҳуқуқларни берувчи гувоҳнома; 3) облигация тури; 4) товар сифатини тасдиқловчи ҳужжат (сифат сертификати, мувофиқлик сертификати); 5) умумий ҳолларда — у ёки бу далилни аниқлаштирувчи ҳужжат.

**СТАНДАРТ** (инг. *standard* — меъёр, намуна) — 1) ваколатли идоралар белгилаган ва тасдиқлаган тартибда ишлаб чиқилган муайян соҳаларда фаолиятни амалга ошириш учун мажбурий бўлган стандартлаштириш объектларига нисбатан меъёрлар, қоидалар, талаблар мажмуини белгиловчи меъёрий-техникавий ҳужжат. Стандартлар моддий нарса (маҳсулот, эталон, моддалар намуналари)га ҳам, меъёр, қоида, турли тавсифдаги талабларга ҳам ишлаб чиқилиши мумкин; 2) бошқа худди шундай объектда таққосланадиган намуна, эталон.

**СТАТИСТИК УСУЛЛАР** — эксперимент натижаларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган амалий математик статистиканинг баъзи усуллари. Бир қатор статистик усуллар кас-

бий саралашда ва интеллектуал қобилиятларни тадқиқ этишга қўллаш учун психологик тестлар сифатини ўрганиш мақсадида махсус ишлаб чиқилган.

**СТАТИСТИКА** (нем. Statistic, лот. status — ҳолат, вазият) — 1) ижтимоий ишлаб чиқариш ва жамият ривожининг миқдорий кўрсаткичларини, уларнинг ҳўжалик, давлат ва ижтимоий ҳаёт соҳасидаги, шунингдек, оммавий ҳолларда намоён бўлувчи биология, физика ва ҳ.к. соҳалардаги нисбати ва ўзгаришини ўрганувчи фан. Кузатилаётган якка-ёлғиз ҳолатлар миқдори қанча кўп бўлса, улар натижасининг чинлиги шунча юқори бўлади; 2) юқори даражада намунавий, оммавий жараёнлар ва вақт мобайнида уларнинг ўзгаришини қайд этувчи, тизимлаштирувчи ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш соҳаси (кўрсаткичлар динамик қатори деб аталади); 3) миқдорий тадқиқотлар усули.

**СТЕНОГРАММА** (юн. stenos — тор, жипс gramma ёзув белгиси, чизик) — мажлислар, йиғилишлар ва коллегиал идоралар кенгашларидаги маърузалар, нутқ ва бошқа чиқишларнинг сўзма-сўз ёзуви, стенография асосида амалга оширилади; *стенографияк ёзув*.

**СТЕНОГРАФИК ЁЗУВ** — оғзаки нутқни сўзма-сўз ёзиш ва ёзув техникасини самаралилаштиришга имкон берувчи белгилар, қисқартма сўзлар ва сўз бирикмаларининг махсус тизимдан фойдаланиб тез ёзиш (одатдаги ёзиш тезлигидан 4-7 баробар юқори бўлади).

**СТЕРЕОТИП** (нем. Stereotype, юн. stereos — қатъий ва typos — тимсол) — оригинал бўлмаган, шаблон асосида бажарилган, кўплар учун хос нарса; стереотип шаклда — ўзгаришсиз қайтариқ, шаблон (масалан, стереотип ибора).

**СТИПЕНДИЯ** (лот. stipendium — тўлов, маош) — давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши ўзлаштиришлар билан ўқиётган талабаларга ва аспирантларга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълимнинг махсус курсларида ўқиётган шахсларга мунтазам тўлаб бориладиган пул тарзидаги нафақа.

**СТРАТЕГИЯ** (юн. *stratēgia*, *stratos* дан — кўшин ва *ago* — олиб бораман) — 1) ҳарбий санъатнинг таркибий қисми; куролли кучларни урушга тайёрлаш ва урушни олиб бориш назарияси ҳамда амалиёти масалаларини қамраб олади; 2) ижтимоий ва сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати; тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги асосий-сиёсий кучларнинг нисбати ва жойлашувидан келиб чиқадиган ушбу курашни олиб боришнинг умумий режаси; 3) *информацияда*, мақсадларни айрим-айрим қисмларга бўлиш ва уларга эришиш йўлини излашга асосланган ҳаракатларни режалаштириш алгоритми; «стратегия» термини иш ўйинларининг турли кўринишларида кенг тарқалди, буларнинг иштирокчилари «ўйновчилар» турли мақсадларга эга бўлиб, ҳаракат — стратегиянинг муайян кўпликдаги усулларига эгадирлар.

**СУҲБАТ** — 1) таълимнинг диалог усули, ўқитувчи томонидан ўқувчи янги билимларни ўзлаштириши ёки аввал олган билимларини такрорлаши ва мустаҳкамлаши жараёнида унинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш мақсадида қўлланади; 2) шахснинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ташкил этиладиган руҳий педагогик тадқиқот усули (мотивлаш ва эмоция соҳаси, билимлар, эътиқодлар, манфаатлар, муҳитга муносабат ва б.).

**СУҲБАТЛАШИШ** — 1) махсус ташкил этилган суҳбат, шахснинг муайян тур фаолиятга тайёрлигини аниқлаш мақсадида уюштирилади. Янги ходимни ишга қабул қилиш тартибининг таркибий қисмларидан бири, бўш лавозимга хос вазифавий мажбуриятларни даъвогар бажаришга тайёргарлиги аниқ даражасини белгилаш мақсадларида унинг ҳужжатлари билан танишиб чиқилгандан сўнг ўтказилади. Суҳбатлашишнинг натижаси қабул қилишни рад этиш ёки айни шу корхонада ёки бошқа ўқув марказида муайян ўқиш курсини ўташга тавсия этишдан иборат бўлиши мумкин; 2) таълим муассасасига кираётган билан унинг қизиқишлари, мойиллиги ва қасбий таълимнинг мазкур даражасини ўзлаштиришга тайёрлигини аниқлаш мақсадидаги суҳбат.

**СУБСТАНЦИЯ** (лот. *substantia* — моҳият) — 1) объектив муайянлик; ўз ҳаракати барча шакллари бирлигидаги материя; 2) ўзакасос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти;

ўзгарадиган ҳолат ва хоссалар зидди ҳисобланмиш қандайдир ўзгармас.

**СУБЪЕКТ** (лот. *subjectus* — асосида турувчи) — 1) қандайдир хусусият эгаси бўлмиш инсон, объективлаштирилган Меннинг, яъни индивиднинг белгиланиши, бунга объект ва бу объектга ўз билими ёки ҳаракатини йўналтирувчи қарама-қарши қўйилади, бундай муносабатда у «билиш субъекти», «ҳаракат субъекти» сифатида намоён бўлади; 2) мантикий эга, мулоҳаза предмети. *Субъектив* — фақат мазкур шахсга, *субъектга* хослик, шахсий; объективликдан ҳоли, иштиёқий.

**СУБЪЕКТИВ НАЗОРАТ** — кўплаб турли-туман вазиятларга тўлигича боғлиқ бўлган, имтиҳон олувчининг фикрга таъсир этадиган, ўқувчининг ўзлаштириш сифатини назорат қилиш ва муваффақиятини баҳолаш усули. Субъектив назорат олдиндан ўқишни талаб қилмайди ва ўз ташаббуси, фикри ва имтиҳон олувчининг интуициясига таянади, шунга кўра муҳокама этишга ёки баҳолашга ўрин йўқ.

**СУГГЕСТИЯ** (лот. *suggestio* — ишонтириш), **ИШОНТИРИШ** — *психологияда*, танқидий таҳлил ва баҳолаш, фаол тушуниш бўлмаганда ўқдирилаётган моҳиятни идроклашда онглилик ва танқидийликнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган инсоннинг руҳият соҳасига фаол таъсир кўрсатиш жараёни. Ишонтириш оддий инсонга хос муомала компоненти ҳисобланади, лекин коммуникациянинг махсус ташкиллаштирилган тури сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин; четдан таъсир ва аутосуггестия (ўз-ўзини ишонтириш) шаклида амалга оширилади. Айрим оммавий алоқа воситалари, рекламалар, модалар, урф-одатлар, эътиқоднинг шаклланиши суггестия (ишонтириш)га асосланади. Суггестия тиббиётда беморнинг руҳий ҳолатини тўғрилаш учун кенг қўлланади (*психотерапия*). Ишонтирилаётганнинг иштирокида ишонтирувчи томонидан амалга ошириладиган суггестия гипноз (кўзбойлоғичлик) деб аталади, бунда гипнозли уйку ёки тетиклик ҳолати ишонтирилади. Суггестияга берилувчанлик — суггестияни осон қабул қилиш, таъсирларга осон берилиш. Суггестив — ишонтирадиган; масалан, суггестив (йўналтирувчи) савол — исталаётган жавобни зимдан етказиш, сингдиришга хизмат қиладиган савол. Қ. *Гипноз*.

**СУГГЕСТОПЕДИЯ** (лот. *suggestio* — ишонтириш ва юн. *paideia* — ўқитиш) — таълим усуллари ва йўсинлари тизими, бунда ўқув материални жадал ўзлаштиришнинг максимал да-

ражадаги қулай шароитлари яратилади; суггестопедия ўқувчиларнинг ўз қобилиятига, педагогнинг обрўсига ишонишини назарда тутаяди; ўйин унсурларида, хусусан, чет тилларни ўрганишда фойдаланади, бунда нутқ аҳамиятини тегишли элтувчисига айланиш кўзда тутилади; шу билан баробар тарзда материални қабул қилишга тайёрлик самарасини юзага келтирувчи мусиқий таъсирдан фойдаланилади (бу болгар педагоги Г. Лозанов томонидан 1971 й. да ишлаб чиқилган); қ. *Гипермнезия*.

**СУД ЙИФИЛИШИ** — ўқув дискуссияси шаклларида бири; судда кўришликни (ишни тинглашни) намоён этувчи муҳокама.

**СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ** — 1) инсон интеллектуал фаолияти баъзи турларини ЭҲМ ёрдамида моделлаштирувчи кибернетика тизими; 2) сунъий интеллект тизими тузиш билан боғлиқ ва унга асосланган тадқиқот соҳаси. Ишнинг анча самарали йўналиши инсон фаолияти (таҳлил, ўқитиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш, ижодий иш)ни бажаришга қобил компьютер программаларини яратиш билан боғлиқ; ўрта даражадаги малакага эга ходимлар қарор қабул қилишига имкон берадиган, тор ихтисосликларгагина мумкин бўлган эксперт тизими; ахборотни таҳлил қилиш ва талқинларини танлашга имкон берадиган маълумотлар жамланмаси; бевосита кузатиш мумкин бўлмаган воқеликни кўриш имконини берадиган тадқиқий моделлар. Сунъий интеллект бўйича ишлар замонавий фикрлаш ривожини истиқболларини очиб берди, *таълим* вазифасини тушунишни ўзгартирди: инсон масалани ҳал этиш усулларини эгаллаши эмас, балки масалаларни қўйиш усулларини эгаллаши муайян прагматикага мувофиқ бўлган фикрлаш услубини танлай билиш лозим.

**СУНЪИЙ ТИЛЛАР** — махсус тиллар, булар табиийлари асосида халқаро мулоқот учун мақсадга мувофиқ тузилади (эс-перанто, интерлингва), ЭҲМ ёрдамида ахборотни автоматик ишлаб чиқиш (программалаштиришнинг алгоритмларга асосланган тили), информациявий тизимлар ва б.да фойдаланиш мақсадидаги ахборот ёзувлари.

**СУРДОПЕДАГОГИКА** (лот. *surdus* — гаранг) — *дефектология* соҳаси, эшитиш имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масаласини ишлаб чиқади, эшитишни меъёрлаштириш имкониятларини ўрганади.

**СУСТКАШЛИК** — ҳуққ-атвор, бу шундан иборатки, унга амал қилувчи инсон тақдирга аралашидан ёки ташқи дунёда содир бўлаётган ҳодисаларнинг боришига таъсир кўрсатишдан ўзини олиб қочади, бунга сабаб — бу аралашувнинг оқибати нима билан тугадини била олмаслик ва улар учун жавоб беришнинг мумкин эмаслиги.

**СУСТЛИК, ПАССИВЛИК** (лот. *passivus* — сусткаш, фаолсиз) — шахсий сифат, атроф-муҳитга фарқсизлик, фаолиятсизликда намоён бўладиган хислат, хусусият, ироданинг, мустақилликнинг, ички эҳтиёжнинг йўқлиги ва турли хил ижтимоий фаолиятда ташаббус кўрсатмаслик одати. Мунтазам интеллектуал шароитларга одатланмаганлик ва ижтимоий сустлик — ўқув фаолиятида иштирок этмасликнинг бош сабаби. Зидди — *фаоллик*.

**СУЯК СУРИШИ** — организмларнинг ота-онага хос бўлган умумий хислатларни сақлаши ва бир неча авлодга ўтказишидан иборат табиий хусусияти, мижозларни ўз-ўзини тиклаши ҳисобига моддалар алмашинуви ўхшаш турини ва индивидуал ривожланишни такрорлайди; инсоннинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

**СЎЗ** — асосий тил бирлиги, шахслар, нарсалар, жараёнлар, хоссаларни аташ учун хизмат қилади. Тилшуносликда сўзлар товуш таркиби, маъноси, морфологик тузилиши, сўз ясаиш хусусиятлари, у ёки бу парадигмада қатнашиши, бирор сўз туркумига алоқадорлиги, гаптаги ўрни нуқтаи назаридан қаралади. Сўзда икки асосий таркибий қисмни ажратиш мумкин, булар «насага хослик» ва «маъно» атамаларида ифодаланади. Ҳар қандай сўз бирор предметни атайди, унга қаратади, тасаввуримизда у ёки бу нарсанинг образини намоён этади. Бу сўзнинг биринчи асосий вазифаси бўлиб, насага хосланганлик деб аталади. Иккинчи вазифаси шундан иборатки, сўз нарсаларни таҳлил қилиш, улардаги муҳим хусусиятларни ажратиш, нарсаларни муайян тоифага киритиш имконини беради. Мавҳумлаштириш ва умумлаштириш воситаси сифатида у ташқи олам нарсаларидан четда турувчи чуқур боғлиқлик ва алоқаларни акс эттиради. Сўз турлари бизнинг сезгиларимиз қабул қиладиган борлиққа мос келади: от — нарсалар номи; сифат — нарсалар сифати; кўмакчи ва боғловчилар —



предметлар ўртасидаги мавжуд боғланиш ва муносабатлар; феъл — нарсалар орасида содир бўлувчи ҳаракат.

**СЎЗ ЭРКИНЛИГИ** — инсон асосий шахсий ҳуқуқлари ва фуқаро сиёсий ҳуқуқларидан бири, анча умумий «ахборот эркинлиги» ҳуқуқининг таркибий қисми, у оммавий (оғзаки, ёзма, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб) ўз фикри (ўйлаганлари)ни эркин баён этишдан иборат. Демократик мамлакатлардаги қонунчилик ва судлов амалиёти томонидан сўз эркинлигини чеклаш тизими, уни суиистеъмол этишни олдини олиш мақсадида, ишлаб чиқилган. Хусусан, кўпгина мамлакатларда қонуний давлат ҳокимиятини куч билан ағдариб ташлашга чақириш учун сўз эркинлигидан фойдаланиш, қонун йўли билан муҳофаза қилинадиган давлат сирини ва бошқа сирларни ошкор қилишда, жиноят содир этишга даъват қилиши учун, миллий, ирқий, диний ва бошқа низоларни келтириб чиқариш учун, бошқа кишиларни ҳақоратлаш ва уларга туҳмат қилиш учун, ижтимоий ахлоқ ва маънавиятга таҳдид қилиш учун сўз эркинлигидан фойдаланиш таъқиқланади.

**СЎЗЛАБ БЕРИШ** — ўқитиш усули, олимлар ҳаёти ва илмий назариялар яратилиши билан боғлиқ илмий кашфиётлар, қизиқ ҳодисалар тарихидан айрим маълумотларни образли тасвирлаш ва етказиш мақсадида илмий тушунчалар, тенгламаларни тушунтириш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланади. Бундай ҳолларда сўзлаб бериш билиш фаоллигини оширади, билишга интилувчанлик ва қизиқувчанликни ривожлантиради.

**СЎЗЛИ-МАНТИҚЛИ ХОТИРА** — сўзларда намоён бўлган фикримиздан таркиб топган хотира. Фикр турли тил шаклларида намоён бўлар экан, уларни қайта тиклаш материалнинг асосий мазмунинигина, ёки уни айнан сўздаги ифодасини беришга йўналтирилган бўлиши мумкин. Сўзли-мантиқли хотирада иккинчи сигнал тизими асосий ўринни эгаллайди, чунки бу ҳаракатлантирувчи, эмоционал ва образлидан фарқ қиладиган ўзига хос инсон хотирасидир, булар оддий шаклларда жониворларга ҳам хосдир. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билимларни эгаллашида асосий ўринда сўзли-мантиқли хотира туради.

**СЎРОВ** — бошланғич ахборотни йиғиш усули. Бунинг мақсади сўралаётганларнинг айтганларидан объектив ва субъектив омиллар ҳақида маълумот олишдан иборатдир. Психологик тадқиқотларда қўлланаётган сўровнинг хилма-хил барча усуллари асосий турга ажратиш мумкин: а) «юзма-юз» сўров — интервью, маълум режа бўйича тадқиқот олиб бориш; б) сиртдан сўров — мустақил тўлдириш учун мўлжалланган сўровномалар. Бироқ, сўровга маълум чекланганлик хосдир: улардаги маълумот кўп жиҳатдан сўралаётганларнинг кузатувларига асосланади ва кўпинча сўралаётганлар томонидан тўла самимийлик шароитида бўлса-да, уларнинг ҳақиқий фикр ва кайфиятлари хусусида эмас, балки уларни қандай тасвирлашлари ҳақида маълумот беради.

**СЎРОВ** — *инф.-да*, маълумотлар жамғармасини бошқариш тизимига ёки ахборот-қидирув тизимига мурожаат қилиш; тизим чекка қурилмалардан уларнинг маълумотлар айирбошлашга тайёрлигини белгилаш мақсадида сўровни амалга ошириш мумкин.

**СЎРОВ УСУЛЛАРИ** — мониторингни амалга ошириш усуллари; стандарт, махсус танланган саволларга ёзма ёки оғзаки берилган жавобларни таҳлил қилиш асосида таълим жараёнининг субъектлари ривожланиши тўғрисида ахборот олиш имконини беради. Сўров усуллари ёрдамида ўқув-касбий фаолият асосий қисмларининг шаклланганлик даражасини белгилаш мумкин, шунингдек, айрим ўқув-билиш хоссалари ва сифатлари аниқланади. Сўровнома сўров усулларида бири бўлиб, ҳисобланади.

**СЎРОВ-ЖАВОБ УСУЛИ** — педагог ва ўқувчиларнинг қайта-ахборотли ўзаро таъсир усули, булар ўқув, меҳнат, ижодий фаолиятнинг турли-туман шаклларида ўз билим, уқув ва малакаларини махсус акс эттиради, уларнинг сифати педагог томонидан таҳлил этилади ва баҳоланади. Олинган ахборот асосида педагог таълим жараёнини тўғри ташкиллаштиради. Мунтазам назорат ташкил этади, билимни оғзаки ва ёзма баён этиш усуллари ва мантиқини ўргатади. Амалиётда савол-жавоб усули барча фанлар бўйича, таълимнинг барча босқичларида асосан ҳар томонлама сўров ўтказиш йўли билан тадбиқ этилади. Сўров хотира, қайта тикловчи ва самарадор тасаввур этиш, фикрлаш, нутқ тарзидаги руҳий жараёнларни жадал такомиллаштиради.

## Т

**ТАБИЙ-ИЛМИЙ ТАЪЛИМ** — умумий таълимни ташкил этувчиларнинг бири. Табиат ҳақидаги илмий билим асосларини баён этувчи ўқув фанлари мажмуини қамраб олади. Икки асосий мақсадни кўзда тутди: а) борлиқнинг илмий манзарасини ва уни айнан тушунишликни шакллантириш; б) саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ходимлар тайёрлайдиган касбий таълим соҳасида махсус фанларни муваффақиятли ўрганиш учун назарий асос яратиш.

**ТАБИЙ ТИЛ** — том маънодаги тил, муҳим алоқа воситаси сифатидаги, инсон тили, фикрни шакллантириш ва ифода этиш роли (сунъий тиллардан фарқли ўлароқ). «Табиий» сўзини айна табиат берган нимадир маъносида тушунмаслик керак; аксинча инсоният тилининг бутун тарихи шуни кўрсатадики, у инсон зотининг минглаб авлодлари ижодий куч-ғайратининг натижасидир.

**ТАБИЙ ФАНЛАР** — табиатни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи барча фанлар мажмуининг номи. Табиий фанларнинг асосий соҳаси — материя, ҳаёт, инсон, Ер, Олам бўлиб уларни қуйидагича гуруҳлаш имконини беради: 1) физика, кимё, физик-кимё; 2) биология, ботаника, зоология; 3) анатомия, физиология, келиб чиқиш ва ривожланиш ҳақидаги таълимот, ворислик ҳақидаги таълимот; 4) геология, минерология, палеонтология, метеорология, география (физик); 5) астрофизика ва астрокимё билан биргаликда астрономия.

**ТАБИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ** — бирор омилини ўқувчилар учун одатдаги шароитларда ўқув-тарбия жараёнининг айрим томонларига таъсирини текшириш мақсад қилиб қўйилган тажриба-синов; синалаётган учун сезиларсиз тарзда унинг меҳнат ва ўқув фаолиятига қўшилиб кетади. Табиий эксперимент ижобий 4 та қузатиш усулини бирлаштиради (табиийлик) ва лабораториядаги эксперимент (синалаётганга аниқ мақсадга кўра таъсир ўтказиш). Эксперимент вазифасини синалувчи олдига сездирмай қўйишнинг, шунингдек, синалувчи фаолиятидаги айрим унсурларни ажратишнинг қийинлиги ушбу методнинг камчилиги ҳисобланади.

**ТАБИЙ-ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МОДЕЛИ** — таълимни тузиш учун намуна сифатида илмий тадқиқотга қаратилган модел, шунинг учун фан ғоясини уларнинг пайдо бўлиши ва сабабларини кейинги тадқиқотлардан тушуниш мумкин; таълим давомида барча илмий фанлар тадқиқот сифатида намоён бўлади. Тадқиқий мўлжал ўқитиш амалиётида кенг тарқалган материални бир чеккадан баён этиш тарзига зиддир. Бу модел кўп йиллик ишланмалар натижаси ҳисобланади, булар табиий фанлар соҳасидаги олим экспертлар томонидан олиб борилди (унинг асосий муаллифи — америкалик машҳур биолог ва педагог Ж. Шваб); модел ижтимоий фанлар курслари доирасида тенг равишда ривожланди. Ҳозирги вақтда модел мумтоз, дидактик йўналиш бўлиб қолди.

**ТАВСИФЛАШ** — хабар қилинаётган ахборот тўғрисида аниқ ва равшан тасаввурга эга бўлиш мақсадида иш аҳволининг тартибга солинган баёни. Тавсиф усули — тавсифлаш (дескриптивлик) — усулларида бири ҳисобланади. Яна қ.  
*Дескрипция.*

**ТАВСИФНОМА** — 1) ниманингдир ёки кимнингдир фарқли хусусияти, сифатининг тавсифи; 2) муайян шахснинг хизмат бўйича, жамоатчилик фаолияти тавсифланган расмий ҳужжат.

**ТАВТОЛОГИЯ** (юн. *tatuo* — айнан шу ва *logos* — сўз) — 1) айтилганни бошқа ҳеч бир янгилик киритмайдиган сўзлар билан қайтариш (масалан, Али хўжа — хўжа Али, олий маълумотли — университетни тугатган); 2) гапда бир ўзакли сўзларни такрорлаш (масалан, улар вазифаларини бажариб бўлган бўлиши керак); 3) ифодаларнинг асоссиз кўпайтирилиши (масалан, кичкина болача, анча юқори ҳолат).

**ТАДҚИҚИЙ-НАЗАРИЙ БИЛИШ ФАОЛИЯТИ** — қ. *Ўқув тадқиқоти.*

**ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ** — педагогикада, булар мавжуд ҳодисаларни эмпирик, назарий билиш ва ўрганишнинг йўсинлари, тартиблари ва операциялари; булар педагогик муаммоларни ҳал этиш усуллари самарали тизимини танлашни таъминлаши, кузатиш, суҳбат, экспериментлар ва ҳ.к.лар йўли

билан янада тушуниш учун замин тайёрлаши лозим. Назарий ва эмпирикга ажралади. Таҳлил, синтез, абстрактлаштириш, аниқлаштириш, моделлаштириш тадқиқотнинг назарий усуллари ҳисобланади. Эмпирик усуллар эса хусусий ва умумийга бўлинади. Кузатиш, оғзаки сўраш (суҳбат, интервью), ёзма сўров (сўровнома, эксперт баҳолаш усули, тестлаштириш) хусусий эмпирик усул ҳисобланади. Тадқиқ этиш, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, тажриба ишлари, эксперимент эмпирик тадқиқотнинг умумий усуллари ҳисобланади.

**ТАЖРИБА** — инсон билан унинг ҳаёти давомида содир бўлаётган ва у идроклаётган барча нарсалар мажмуи. Фалсафа категорияси сифатида тажриба, бу борлиқни ҳиссий-эмпирик билиш амалиётига асосланиш; билимлар, уқувлар ва малакалар бирлиги. Тажриба инсоннинг ташқи дунёга амалий таъсир ва бу таъсирнинг билим ва уқувлар тарзидаги натижаси сифатида намоён бўлади.

**ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ИШЛАНМАЛАРИ (ТКИ)** — ўзлари яратган илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) натижаларини ишлаб чиқаришда амалга ошириш имконигача етказадиган техникавий, муҳандислик, лабораториявий ишланмалар. Одатда, ТКИ ашё тажриба намунасини ва яратилган ашёни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишчи ҳужжатларини яратиш билан яқунланади.

**ТАЖРИБАНИ ТАДБИҚ ЭТИШ** — янги жорий этилганларни мақсадга мувофиқ ёйиш, илғор ғоялар, ихтиролар, илмий тадқиқотлар натижаларидан амалда фойдаланиш; педагогика амалиётида чоралар тизими фармойиш тавсифига эга, янгиликни педагогик жамоа аъзоларининг барчаси томонидан мажбурий қўлланишини таъминлайди.

**ТАЙЁРГАРЛИК** — субъектнинг муайян вазиятларда маълум фаолликка ҳозирлиги, чоғланганлиги.

**ТАЙЁРЛАНИШ** — бирор ихтисослик бўйича ишга жойлашиш учун, бир-бирига яқин ихтисосликлар гуруҳи ёки иқтисоднинг қандайдир соҳасидаги ишлар учун зарур бўлган ҳаётий нуқтаи назарни шакллантириш ва малақа ҳосил қилиш, билим беришга йўналтирилган ҳаракат.

**ТАЙЁРЛОВ ТАЪЛИМИ** — ижтимоий фаолият турли хиллари субъекти сифатидаги инсонга қўйиладиган истиқболдаги талабларни олдиндан кўриш асосида шакллантириладиган мазмунга эга таълим; тор маънода — ходимларни техника тараққиётига кўра тайёрлаш.

**ТАКРОРЛАШ** — ўзлаштирилган билим ва ҳаракатларни уларни эслашни осонлаштириш мақсадида қайта тиклаш; аввало, хотирани тадқиқ этиш билан боғли ҳолда қаралади. Такрорлаш янги мазмуний боғлиликни ўрнатиш, инсон томонидан фаолиятнинг у ёки бу усулини фаоллаштириш воситаси сифатида ўрганилади. Такрорлашнинг бошқа вазифаси ҳам бўлиб, у турли ўлчамлар бўйича ҳаракатни такомиллаштириш ҳисобланади. Махсус танланган машқларни бажариш ва ҳаракатларни такрорлаш ўзгарувчан шароитларда инсонга умийлашганлик ва идрокланганлик каби сифатларни эгаллашни таъминлайди; асабий шароитларда ҳаракатни кўп марта такрорлаш автоматизм ҳосил бўлишига олиб келади.

**ТАКСОНОМИЯ** (юн. taxis — тартиб бўйича жойлашиш ва potos — қонун) — 1) одатда, поғонали қурилишга эга (органик олам, география, геология, тилшунослик ва ҳ.к. объектлари), уларнинг табиий ўзаро боғлилиги асосида тузилган ва ортиб борувчи мураккаблик (яъни, иерархия) бўйича тадрижий жойланган категориялар объектларини ифодалаш учун фойдаланиладиган ҳаётнинг мураккаб ташкиллаштирилган соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш назарияси; «таксономия» тушунчаси биологиядан ўзлаштирилган; 2) *биологияда*, биологиянинг қисми, унинг вазифаси жониворлар, ўсимликлар, микро-организмлар турларини ҳар томонлама тавсифлаш, улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини аниқлаш, уларни ўзаро боғли категориялар (тур, жинс, оила, отряд, синф, тип)га бирлаштириш, турларнинг ҳосил бўлиш йўллари аниқлаш ва оқибат натижада организмларнинг табиий тизимини тузишдан иборатдир; 3) *лингвистикада*, тиллар ва тил фактларини илмий таснифининг асоси сифатида айни бир тилдаги ёки турли тиллардаги ўхшаш (айни бир хил) ҳодисаларни қиёслаш.

**ТАЛАБ** — педагогик рағбатлантириш усули; ўқувчининг ҳулқ-атвори ва фаолиятини ташкиллаштириш ёки

уйғунлаштириш мақсадида унинг онги ва иродасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш усули. Унинг таъсирчанлиги педагог ва жамоанинг вақолатлиги ва обрўсига таянади, бу педагог, тарбиячи, ташкилотчининг фармойиш бериш ҳуқуқини таъминлайди, улар буйруқ, қатъий маслаҳат, илтимос, дакки бериш, жазоланиш хавфидан фойдаланиб, топшириқнинг бажарилишига эришадилар. Талабнинг натижаси ишбилармонлик ва бажаришга қобилликда намоён бўлади; талаб интизомлиликни, ўз манфаатини жамоа манфаати билан бирдек кўйиш уқувини шакллантиради. Талабни ўқувчилар билан ўзаро муносабат усули сифатида мутлақлаштириш уларда қайсарликни, авторитар таъйиққа қаршиликни юзага келтиради ёки улар иродасини сусайтиради, лоқайдлик, фарқсизлик, ташаббуссизликка олиб келади. Педагог томонидан талабдан оқилона фойдаланиш ўқувчи хусусияти ҳақида маълумот олиш имконини беради, унинг “қаршилиқ кўрсата олиши”, вазифасига муносабати, ўз бурчини ўйламай ёки ижобий бажариши ҳақида маълумот беради.

**ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИГАН ТАЪЛИМ** — таълим муассасасида ҳосил қилинган ва уни тугатгандан кейинги даврда қўлланилмайдиган ижтимоий қоидалар, билимлар ва уқувлар мажмуи.

**ТАЛАБА** — олий таълим муассасасининг ўқувчиси.

**«ТАЛАБА-ЎҚИТУВЧИ» МУНОСАБАТИ** — бир томондан, ОТМдаги ўқитувчилар таркибининг юкласини тавсифловчи, иккинчи томондан, таълим қийматини кўрсатувчи индикатор; бундай муносабат қанча кам бўлса, мазкур мамлакатдаги таълим шунча қиммат бўлади. Статистик маълумотларга 1989-1994 йилларда энг юқори индикатор қиймати Канадада — 28,9 ва энг пасти Хитой (1991— 5,4) ва Венгрияда (1994 — 7,2) қайд этилган. Бу кўрсаткичнинг бутун дунёда пасайиши кузатилмоқда, бу янги технологияларнинг таълимга тадбиқ этилиши (компьютер синфлар, кичик гуруҳлар) билан боғлиқ.

**«ТАЪЛИМ ОММАГА»** — ЮНЕСКО томонидан илгари сурилган инсон ўқув фаолиятини унинг турмуш тарзидаги ёшидан қатъи назар табиий унсур деб тан олувчи ва жамият барча

аъзоларининг жинсидан, ижтимоий ҳолатидан ҳамда моддий, таъминланганлик даражасидан қатъий назар сифатли таълим олиш ҳуқуқини баён этувчи таълимни ривожлантириш борасидаги глобал концепция.

**ТАМОЙИЛ** — бирор назария, таълимот, фаннинг асосий бошланғич қоидаси; амал қилинадиган гоя, ҳулқ-атвор, фаолиятнинг асосий қоидаси.

**ТАНҚИД** — муҳокама санъати, баҳолаш, баҳолашга бўлган қобилият. Инсонни адашиш ва хато қилиш оқибатларидан сақловчи муҳим хусусиятларидан бири; хусусий ҳолат — ўз-ўзига нисбатан танқидий муносабат (ўз-ўзини танқид). Педагогикада ишонтириш йўсини, камчилик, хато, фикрлашдаги адашиш ҳамда ўқувчилар ва педагоглар хатти-ҳаракатлардаги янглишишларни кўрсатиш, очиб бериш усули. Ўқувчилар ва педагогларнинг ўзаро одоб доирасидаги танқиди танқидий фикрлашни, фуқаровий жасоратни, ўзаро самимийликни, тўғрисиўзликни, субутлиликни шакллантиради, камчиликларни ўз вақтида йўқотиш учун шароит яратади.

**ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ** — педагог ва ўқувчилар таълимий ўзаро боғлилигидан иборат ўқув фаолияти натижаларини таҳлил қилиш усули. Танқидий таҳлилнинг педагогик вазифаси ўқувчининг ўқув фаолияти натижаларини тўлдириш, чуқурлаштириш, тўғрилаш, тузатиш, мазмундор назорат қилишдан иборатдир. Натижаларни танқидий аналитик баҳолаш бутун жамоага ўрганилаётган материални ўзлаштиришга фаол кўмаклашади. Ўқувчи танқидий-аналитик фикрлашининг жадал қарор топиши усулнинг ривожлантириш самарасидан иборатдир.

**ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ** — нимага ишониш кераклиги ёки қандай хатти-ҳаракатни амалга ошириш лозимлиги ҳақида бир қарорга келиш учун йўналтирилган самарали, рефлексив фикрлаш. Шундай тушунилганда танқидий фикрлаш ҳам қобилият (уқув)ни, ҳам мойиллик (рағбат)ни ўз ичига олади.

**ТАНЛАБ НАЗОРАТ ҚИЛИШ** — айрим меъёр ва танланмалар бўйича амалга ошириладиган назорат сифати.



**ТАНЛОВ** — 1) лавозимни эгаллашга, таълим муассасасига киришга, шартнома тузишга, буюртма олишга ва ҳ.к.ларга даъвогарлар орасидан чекланган миқдордаги қатнашувчиларни саралаш; 2) фаолиятнинг илмий, ишлаб чиқариш соҳаси ёки санъат соҳасининг вакиллари орасидан энг яхшиларини аниқлаш учун ўтказиладиган мусобақа.

**ТАНЛОВ ИМТИҲОНЛАРИ** — олий ўқув юртларига кирувчиларнинг бошланғич синовлари, буларнинг натижасига кўра касбий таълим берадиган таълим муассасаларига имтиҳонлар натижаси бўйича тўпланган баллар миқдори таълим муассасасининг қабул комиссияси белгилайдиган «ўтиш бали»дан кам бўлмаганда қабул қилиш амалга оширилади.

**ТАРҒИБОТ** — қатъий, фаол тушунтириш йўли билан баъзан эса мажбурлаб нуқтаи назар, ғоя, билим ёки техника янгилигини тарқатиш; кенг оммага ғоявий таъсир ўтказиш.

**ТАРАҚҚИЁТ** — илгарилама ҳаракат; кишилар ва инсониятнинг яхши, олий, такомиллашган ҳолатга йўналган ривожланиши. Тараққиёт ҳаёт эволюциясида, Ер тарихи (геологик ривожланиш) мобайнида тобора юқори ташкил этилган тирик мавжудотлар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Тараққиёт жаҳон ҳодисаларининг тамойили ҳисобланади, инсонда аввал ўтилган йўл бўйлаб табиатни тобора тизимли эгаллаш, ерни самарадорлаштириш ва техникавийлаштириш сари олға боришдан иборат вазифалар мавжуд. Тараққиётга бўлган ишонч баъзан кучли иккиланиш остида қолади ва шунда тушкун дунёқараш тарқала бошлайди.

**ТАРБИЯ** — 1) кенг маънода — индивидни ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий фаолиятга тайёрлаш мақсадида маънавий ва жисмоний ривожланишига мунтазам, мақсадли йўналтирилган жараён; унинг шахс сифатида бутун ҳаёти мобайнида ўз фаоллиги асосида ва табиий, ижтимоий ҳамда маданий муҳит, шунингдек, ота-оналар ва педагогларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган махсус ташкил этилган фаолиятида шаклланиши ва ривожланиши; 2) *педагогикада*, инсоннинг ахлоқий-этик нуқтаи назарини белгиловчи сифатларини шакллантиришга, унинг ижтимоий ҳулқи (фуқаролиги, масъулиятлилиги, бурчни ҳис этиш)га йўналтирилган, ирода кучи, мақсадга интилиш, қийинчиликларни енгишга тайёрлик каби

хислатларни шакллантиришга қаратилган педагог ходимларнинг фаолияти. Тарбияланувчига етказиладиган тарбиячи (педагог)нинг намуна бўлишлиги тарбия воситаси ҳисобланади. Педагогика жараёнидаги тарбия ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий маҳорати ва педагогик санъати, ўқув материални танлай билишлик, ўқитувчининг юқори илмий даражаси, таълим методикаси, ҳар бир ўқувчининг шахсий ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда жамоавийлик тамойиллари асосидаги таълим ва меҳнатни ташкил қилиш билан таъминланади. Буйруқ (талаб ва таъқиқ) ва ишонтириш тарбиянинг воситалари ҳисобланади. Тарбия табиий иқтидор ва ривожланаётган қобилиятни, бошқа кишилар, оила, давлатга нисбатан муносабатларни тарбияланувчининг ўзи учун ва жамият учун мақбул тарзда ривожланаётган хислатларни яхлит гармоник ҳолда ҳосил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**ТАРБИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ** — тарбия жараёнидаги барқарор, тақрорланувчи, жиддий боғлиқликлар, уларни амалга ошириш шахсни ривожлантириш ва шакллантиришда самарали натижаларга эришиш, шунингдек, шахснинг ривожланиш даражаси мақсадлар, тамойиллар, усуллар, мазмун, шакл ва тарбия воситаларига боғлиқлигига эришиш имконини беради.

**ТАРБИЯ ВА ТУРМУШ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ** — мавжуд ҳаётий шароитларни ҳисобга олган ҳолда янгиланувчан ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга ёш авлодни тайёрлаш талабларига мувофиқ илмий педагогик тадқиқотларнинг методологик тамойили. Ҳаёт, ижтимоий муносабатлар амалиёти асосий тарбиячи, шахсни ва унинг дунё билан муносабатини шакллантирувчи ҳисобланади. Тарбия — ҳаётнинг узвий қисми ва улар ягонадир. Тарбия боланинг ҳаётини таъминлайди, жамият ҳаётида ўзига йўл топишни ўргатади, ўзини ижодий фаоллигини кўрсатишга имкон беради, салбий таъсирларга берилмаслик хислатини бағишлайди. Ҳаёт, тарбия, педагогик жараён бирлигида шаклланаётган бола шахсига самарали тарбиявий педагогик таъсир асосий шартларини, унинг ижодий ўзини намоён этиш фаоллигини кўриш мумкин.

**ТАРБИЯ ИДЕАЛИ** — педагогик фаолиятнинг мақсади; ўзида шахснинг ахлоқий, эстетик ва маданий-таълимий тавсифларини мужассамлаштиради. Ахлоқ нуқтаи назаридан идеал

инсон ахлоқнинг умуминсоний меъёрларига, юқори маънавий қадриятларга эга бўлади, у фақат ахлоқий тамойилларга асосланади, шунингдек, ташқи конъюнктуравий таъсирлардан ҳамда хулқ-атвори танлашда ў фойдасини кўзлашдан ҳолидир, ўз виждони ва кишилар олдида масъулиятли. Ижтимоий ҳаётда у ўз-ўзини ижодий камолотга етказиш ва ўз-ўзини намоён этишга, моддий ҳамда маънавий бойлик яратишга интилади, табиатнинг экологик яхлитлиги, маданий, ахлоқий софлик ҳақида қайғуради. У ҳар қандай кўринишдаги ёмонликка қарши мурасасиз. Эстетик жиҳатдан идеал киши ички маънавий яхлитлик, идроки, иродаси ва хулқ-атвори уйғунлигига эришиш учун интилиши билан тавсифланади. Идеал инсоннинг маданий-таълимий тавсифи шундан иборатки, у ҳамisha ўзини маънавий бойликлар ҳақидаги билимларни, қобилиятини ҳамда ўз-ўзини малакавий такомиллаштиришга интилади. Булар барчасига ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликнинг уйғунлашуви ёрдамида эришилинади, идеал юзага чиқади.

**ТАРБИЯ МЕТОДИКАСИ** — педагогика фани соҳаси, тарбия усуллари ҳақидаги таълимот; агар умумий усуллар назарда тутилаётган ва тарбиянинг (ақлий, жисмоний ва б.) барча йўналишларига тааллуқли бўлса, шунингдек, сўз тарбиянинг қандайдир муайян соҳасида қўлланадиган усуллар ҳақида бораётган бўлса, умумий бўлиши мумкин.

**ТАРБИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ** — тарбия иши амалиётида амал қилиниши лозим бўлган асосий, бошланғич қоидалар: педагогик мақсадга мувофиқлик тамойили; умуминсоний ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш тамойили; шахс ва жамоа бирлиги тамойили; шахс мустақиллигини ривожлантириш тамойили; жамоанинг тарбиявий функциясини ривожлантириш тамойили; шахсга талаб ва ҳурматнинг бирлиги.

**ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ** — тарбия масалаларини ҳал этиш ва тарбиявий ўзаро алоқаларни амалга оширишнинг энг умумий усуллари мажмуи. Педагогика амалиётида қуйидаги тарбияга оид анъанавий усуллар шаклланган: ишонтириш, кўниктириш, рағбатлантириш, намуна бўлиб тарбиялаш ва б. Тарбия усуллари бир бутунликни ташкил этади; улар ўзаро боғли, бир-бирини тўлдиради ва шахснинг ривожланиши учун шароит яратишга кўмаклашади.

**ТАРБИЯВИЙ МАҲОРАТ** — педагогнинг муайян тарбиявий вазифаларни ҳал этишда тарбия функциялари тизимини кенгайтиришга қаратилган маҳоратини такомиллаштириш меъёри.

**ТАРБИЯДАГИ ВОРИСЛИК** — тарбия-таълим кўламининг кўпбосқиччилиги, бунда муайян босқич инсоннинг муайян ҳаётий чегарасини ўз ичига олади, унда зарур шахсий ва касбий сифатларни шакллантиради. Шу билан бирга ҳар бир босқич ўзидан аввалгисидан келиб чиқади, кейингисига мантиқий уланади, шу тарзда узлуксиз тарбия жараёнини ҳосил этади. Тарбия узлуксиз жараёнинг кўпбосқиччилиги ва ворислиги инсонга қаратилган бўлади, таълим-тарбия программасининг мазмуни билан, касбий таълим даражаси билан, таълим муассасасининг тури ва индивид меҳнат фаолиятининг тавсифи билан жипс боғлидир.

**ТАРБИЯЛАНУВЧИ** — инсон, у бир томондан, педагог (тарбиячи) ва/ёки ижтимоий муҳит (оила, ўқув, ижодий меҳнат, спорт жамоаси)нинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг объекти ҳисобланади; иккинчи томондан — ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантириш субъекти.

**ТАРБИЯНИНГ МАҚСАДИ** — уйғун ва ҳар томонлама ривожланган, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш. Инсонни ҳар томонлама ривожлантириш унинг ақлий ва жисмоний ахлоқий ва эстетик ривожланиши билан бирликда тавсифланади, бу умумий ва касбий таълим, меҳнатга руҳий ва амалий тайёргарлик юқори даражасини, маънавий эҳтиёжларни ҳамда ижодий қобилиятни ҳар томонлама шакллантиришни таъминлайди.

**ТАРБИЯЧИ** — таълим муассасасининг ходими, қуйидагилар унинг лавозим мажбуриятига киради: таълим олувчилар, тарбияланувчиларнинг ҳаёт фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш; таълим олувчилар ижтимоий психологик жиҳатдан соғломлаштириш учун, шунингдек, улар жамият ва меҳнатга кўникишлари учун шароитлар яратиш; ўқувчилар, тарбияланувчилар индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш асосида камчиликларини бартараф қилиш-ривожлантириш ишларини олиб бориш; улар руҳий ривожланишига кўмаклашувчи тадбирларни утказиш. Тарбияга қўйиладиган талаблар қуйидагича: юқори даражадаги маънавий сифат, тарбияланувчиларга уларга қўйиладиган талабчанлик билан уйғунлаштирилган

ҳолда эътибор қилиш ва ғамхўрлик муносабатлари, тарбияланувчиларни уюштириш учун зарур билим ва малаканинг мавжудлиги, уларга турли фаолиятда ёрдам кўрсатиш.

**ТАРИХ** — 1) муайян ҳақиқатни ташкил этувчи дунё ҳодисаларининг вақт бўйича тадрижийлиги, шунингдек, хроника тарзидаги битта ҳодисани иккинчисининг кетгудан вақт мобайнида одатдаги ўтиши тарзидаги битик; тарих ўз-ўзидан якунига етмайди, у фақат оламнинг ҳалокатга учраши билан охирига етиши мумкин; 2) инсон ўтмишини унинг барча аниқликлари ва ранг-баранглигида ўрганувчи ижтимоий фанлар мажмуи.

**ТАРИХИЙ СЎЗЛАР, ИСТОРИЗМЛАР** — кундалик истеъмолдан чиққан сўзлар, терминлар, аббревиатуралар, булар кундалик тажриба ва истеъмолдан нарса ва тушунчаларнинг чиқиб кетиши туфайли юзага келади (масалан, қадимий кийим-кечак — кулоҳ, бошмоқ; уй-рўзғор буюми — қумфон, кашкул ва ҳ.к.).

**ТАРИХИЙ МАКТАБ** — жараёнларни тарихий жиҳатдан тушунишга, уларни батафсил тадқиқ этишга асосланган йўналиш.

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ** — бизгача етиб келган тарихий ҳодисалар ичидан аҳамиятга молик бўлганини танлаш, улар ёрдамида тарихга оид манзарани акс эттириш ва улар орасидаги мавжуд алоқанинг ҳозирги ҳолати уларнинг натижаси эканлигини очиқ беришдан иборат вазифани ўз олдига қўювчи тадқиқот; тарихий тадқиқотлар бунда тарихдан юқорида турмайди, балки унинг ўзи даврга сингиб кетади.

**ТАРИХИЙЛИК** — мавжуд бўлганларни ва ўтган воқеа ҳамда ҳодисаларни уларнинг қарор топиши ва ривожланишида, улар юзага келтирган шароитлар билан узвий боғлиқликда ўрганиш тамойили.

**ТАСАВВУР** — амалий фаолият якуний натижаларини олдиндан кўра билишни ўз ичига олувчи образларни яратиш ва муаммоли вазият мавҳум бўлган вақтларда ҳулқ-атвор программаси тузишни таъминловчи руҳий жараён. Тасаввур этишнинг муҳим томони шундаки, у меҳнат натижасини ҳали у бошланмасидан олдин кўра билишга имкон беради ва бу билан

инсонни фаолият жараёнига йўллайди. Меҳнатнинг якуний ёки оралиқ маҳсулотининг тасаввурдаги моделини яратиш уни амалга оширишга кўмаклашади. Тасаввур этишнинг қимматини баҳолаш қийин. У ёзувчилар, рассомлар, олимлар учун жуда зарур; ўқитувчилар усиз дарсга тайёрлана олмаган бўлур эдилар, чунки тасаввурсиз унинг қандай боришини кўз олдига келтириш, ўқувчиларнинг ўзларини тутишларини олдиндан пайқаш мумкин эмас; ўқув жараёни усиз чегараланиб қолган бўлур эди, чунки тасаввурга таянмай туриб тарих, адабиёт ва бошқа фанларни ўрганиш мумкин эмас.

**ТАСАВВУР ЭТИШ** — сезиш ва тасаввур этиш билан бир қаторда ҳиссий билиш шаклларида бири, лекин улардан фарқли ўлароқ ҳис этилаётган объект билан бевосита алоқа мавжуд бўлмаганда юзага келади. Шу маънода тасаввур этиш тушунчага яқинлашади ва баъзан ҳиссий идрок ва тафаккур ўртасидаги чегара тарзида тавсифланади. Шу билан бир вақтда, агар тасаввур этиш ва тушунча қийёсланса, бунда кейингиси мавҳумлик даражаси юқори эканлиги билан фарқланади. Тасаввур этиш материални ўз сўзлари билан баён этишга, қоида, ҳодиса, қонунларни мазмунини ифодалаш, уларни тушунтириш, далиллашга қобилликда намоён бўлади.

**ТАСНИФ** — 1) бир-бирига ички бўйсунган тушунчалар (объектлар, ҳодисалар синфи)нинг бирор соҳадаги улар ўртасидаги умумий белгилар ва қонуний боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда гуруҳлар, синфлар бўйича тақсимланган мантиқий тизими (тилларнинг таснифи, фанларнинг таснифи, ишлаб чиқариш тармоқларининг таснифи, кутубхона-библиографик тасниф); 2) *информация*да, билим соҳалари, айрим муаммолар, нарсалар ёки қандайдир шартли белгилар бўйича илмий ҳужжатларнинг гуруҳланиши; тор маънода — ҳужжатларнинг мазмунига мувофиқ билим соҳалари бўйича тақсимланиши.

**ТАСНИФЛОВЧИ, КЛАССИФИКАТОР** (лот. classis — даража, синф ва facere — қилмоқ) — объект (маҳсулот, товар, фан ва б.)ларнинг ҳар бири ўз ўрнини топишига имкон берувчи тизимлаштирилган рўйхат ва маълум (одатда рақамли) белги (шифр, код)лар; маҳсулотлар, товарлар, шунингдек, олий таълим йўналишлари ва ихтисосликларининг таснифловчилари маълум.

**ТАФАККУР** — инсон билишининг, объектив борлиқни акс эттириш жараёнининг олий босқичи; билишнинг ҳиссиётлар даражасида бевосита тасаввур этиш мумкин бўлмаган мавжуд оламдаги объектлар, хоссалар ва муносабатлар ҳақида билим олиш имкониятини беради. Меъърий шароитларда тафаккур тил ифодасига эга бўлади; товушлардаги фикрлаш тилдир. Таълим шароитларидаги тафаккур индивид билан у олаётган маълумотлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг фаол жараёнидан иборатдир. Бу шунинг асосидаки, ўқувчи ўқув материални фақат у билан у ёки бу билиш операцияларини амалга ошираётгандагина ҳақиқатдан ҳам, қабул қилади (масалан, маълумотлар ўртасидаги алоқани белгилайди, умумлашмалар қилади, фарзлар тузади ва ҳ.к.). Тафаккур ўқув жараёнида шакллана олади, уни ўрганиш мумкин. Тафаккур жараёни тобора ошиб бораётган мураккаблик бўйича муайян тадрижийликда шаклланади ва бу иерархия ҳеч қачон бузилмайди.

**ТАФАККУР КЎЛАМИ** — фикрлаш хусусияти; муаммони тўлиғича қамраб олиш қобилияти, турмушнинг кўлаб соҳасига эътибор қаратиш, шунингдек, инсоннинг ўтмиши, ҳозир ва келажакни тасаввур этиш. Кўпинча бундай кишиларни «билим доираси кенг инсонлар» атайдилар. Бироқ, кенг кўламли фикрлашни юзаки, узук-юлуқ фикрлаш билан аралаштирмаслик керак. Шунинг учун тафаккур кўлами, одатда, чуқур бўлади, яъни ҳаётнинг муҳим хусусиятлари ва сифатлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттиради.

**ТАФАККУР МУСТАҚИЛЛИГИ** — индивидуал ўзига хос фикрлаш, янги масалани, янги муаммони кўриш ва қўйиш ўқуви, уларни ўзига хос йўллар билан ҳал этишга интилиш.

**ТАШАББУС, ИНИЦИАТИВА** (лот.) — бошланиш, фаолиятнинг янги шаклларига бўлган ички туғён, тадбиркорлик, бирор ҳаракатдаги раҳбарлик вазифаси; шахслар ёки гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фаоллик, ижтимоий ижод кўринишларидан бири. Ташаббус жамият манфаатлари ёки шахсий манфаатлар йўлидаги ихтиёрий фаолият, меҳнатга ижодий муносабатда намоён бўлади; инсон ўз зиммасига умум қабул қилинган меъёрларга оддий амал қилиш талаб этганидан кўра, юксакроқ масъулиятни олиши билан тавсифланади. Умумий фаронликка кўмаклашиш нуқтаи назаридан фойдали ташаббусни

хусусий манфаатни амалга оширишдаги ахлоқ меъёрлари ва йўналишларидан четга чиқишни фарқлаш лозим.

**ТАШАББУСКОРЛИК** — инсонга хос хусусият, тadbирчилик, мустақил, фаол ҳаракатларга қобиллик ва мойиллик билан тавсифланади; дидактик усуллар, йўсинлар ва воситалар тизими ёрдамида ўқитиш жараёнида ривожлантирилади. Ташаббускорликни шакллантиришга шахсни тушкунликка солувчи таъқиқлар, тарбиянинг авторитар усуллари ҳалақит бериши мумкин.

**ТАШКИЛЛОВЧИ ТЕХНИКА** — мужассама, ҳужжатлар айланиши жараёнида ҳужжатларни тайёрлаш, кўпайтириш (нусха кўчириш), ишлаб чиқиш, сақлаш, (автоматик) излаш, узатиш, олиш, замонавий техника воситаларининг мажмуи (ёзув машинкалари, ксерокс, калькулятор, факс, модем ва б.лар).

**ТАШКИЛОТ** — 1) бошқаришнинг таркибий қисми, унинг моҳияти тизим айрим унсурлари ҳаракатини уйғунлаштириш, унинг қисмлари функциясида биргаликда ҳаракатланишига эришишдан иборат; 2) кишиларнинг муайян тузилма доирасидаги биргаликда фаолият кўрсатишлари учун бирлашма шакли; белгиланган функцияни бажаришга, муайян масалалар доирасини ҳал этишга даъват қилинган муассаса, масалан, мактаб, институт, банк.

**ТАЪЛИМ** — Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ бу, инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлидаги аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни; фуқаролар (таълим олувчилар) давлат томонидан белгиланган таълим даражаси (таълим мезони)га эришувини таъминлайди. ЮНЕСКО ХТСТга мувофиқ «таълим» термини ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ўзида ифода этади. Таълим деганда ўқувни юзага келтирадиган ташкилий ва барқарор алоқа жараёни тушунилади. Хуллас, таълим, аввало, ўқувчиларда билимлар, ўқувлар ва малакалар тизимлари шаклланишида ифодаланадиган таълим жараёнининг нисбий натижасидир, шунингдек, тарбия, ўз-ўзини тарбия, таъсир жараёни, яъни инсон қиёфасини шакллантириш жараёни; бунда билим-



нинг ҳажми эмас, балки уни шахсий сифатлар, ўз билимларини мустақил тасарруф этиш уқуви билан бирлаштириш асосий ҳисобланади.

**ТАЪЛИМ ҲУҚУҚИ** — инсоннинг муҳим конституциявий, ижтимоий ҳуқуқларидан бири, уни шахс сифатида камол топишига ва бутун жамиятнинг ривожланишига шароит яратади. Ҳозирги вақтда демократик жамиятларда таълимга бўлган ҳуқуқ кенг маънода ўз ичига бир қатор ҳуқуқларни олади: давлат ва муниципаль мактабларда бепул бошланғич ва ўрта маълумот олиш ҳуқуқи, таълимнинг барча учун мумкинлиги, ота-оналарнинг таълим шаклини (диний ва дунёвий таълимни) танлаш ҳуқуқи, ўқитиш эркинлиги.

**ТАЪЛИМ ҲУҚУҚИ** — у ёки бу ҳуқуқни, хусусан, ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини ёки анча юқори даражадаги таълим муассасасига ўқишга кириш ҳуқуқини олиш учун талаб этиладиган расмий таълим даражаси (тегишли ҳужжат билан тасдиқланади).

**ТАЪЛИМ БЕРИШ** — ўқитишнинг тури; ўқувчиларга билимлар, уқув ва малакалар мажмуини беришга ва уларни ўқитиш жараёнида тарбиялашга йўналтирилган ўқитувчининг махсус фаолияти. Терминдан кўпинча назарий курс фанларига тадбиқан фойдаланилади.

**ТАЪЛИМ БЕРУВЧИ** — махсус тайёргарликка эга ва олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида бирор назарий курс фанини ўқитувчи ёки амалий фаолият турини ўргатувчи махсус тайёргарликка эга шахс мавқеи (умумтаълим мактабида — ўқитувчи).

**ТАЪЛИМ БОСҚИЧИ** — таълим муассасалари ворисий юқорилама боғлилиги, инсонга унинг ҳаёти мобайнидаги турли босқичларда ҳамроҳлик қилади. Узлуксиз таълим концепциясини ишлаб чиқувчилар олдида турган асосий муаммолардан бири; инсоннинг ҳаёти турли даврларида унинг манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолияти босқичларининг самарали миқдори ва тавсифини белгилашдан иборат.

**ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ БОҒЛИЛИГИ, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БОҒЛИЛИГИ** — барча ўқув фанларини ўқитиш тайёрлаш учун йўналтирилганда таълимни ўқувчининг ишлаб чиқариш меҳнати билан узвий боғлашнинг икки томонлама жараёни ва ўқувчининг ишлаб чиқариш фаолиятига онгли жалб бўлиши.

**ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ** — расмий кўрсаткич, айрим шахс ёки шахслар гуруҳини мунтазам таълим муассасасида ўқиган йиллари сони бўйича тавсифлайди. Индивид тугаллаган босқич ва бошлангич, ўрта ёки олий таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг мавжудлиги даража кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда таълимнинг куйидаги 4 даражаси белгиланган: 1) умумий ўрта таълим; 2) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; 3) олий таълим; 4) ОТМдан кейинги таълим.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ** — ижтимоий-маданий тажрибани бериш ва ўзлаштириш, шунингдек, уни бойитишга қобилиятни шакллантириш. Тушунча ўқув ёки педагогик жараён тушунчасидан кўра анча кенгроқ; расмий ва норасмий таълимга тааллуқли ҳодисалар мажмуини ва бир қадар таълим босқичи поғоналарига киришни ўташ билан бирга амалга ошириладиганлар фаолиятни акс эттиради. Узлуксиз таълим концепцияси инсонни унинг ҳаёти мобайнидаги турли босқичларда ҳамкори бўлаётган таълим муассасаси яхлит тизими ҳақидаги масалани кўяди (яна қ. *Таълим жараёнини ташкил этиш*).

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА УМУМИЙ ТАЛАБЛАР** — ўқув режаси (таълим программасини ўқув курслари бўйича, фанлар бўйича ва таълим йиллари бўйича тақсимлаш), йиллик календарли ўқув тартиби ва таълим муассасаси томонидан мустақил ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган машғулотлар жадвали билан тартибга солинадиган талаблар. Ваколатли таълимни бошқарувчи давлат идоралари намунавий ўқув режалари ва курслар, фанлар программаларини ишлаб чиқишни таъминлайди.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ** — 1) таълим муассасаларини шакллантириш ва программалар ҳамда уларни ягона тизимга келтириш бўйича аниқ мақсадга

Йўналтирилган фаолият, турли-туман таълим эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш таълим муассасаси мустақил ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган ўқув режаси, йиллик календар ўқув шакли ва машғулотлар жадвали билан чегараланади деб белгилаб қўйилган. Таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идоралари намунавий ўқув режалари ва программалари курслар ва фанларни ишлаб чиқишни таъминлайди. Таълим муассасалари ўқувчиларни баҳолаш тизимини, оралиқ даврий аттестация шакллари ва тартибини танлашда мустақилдирлар. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг таълим программаларини ўзлаштириш битирувчиларнинг мажбурий якуний аттестацияси билан тугалланади. Якуний аттестациялар ва таълимнинг ҳар бир босқичини тугаллагандан кейинги битирувчиларнинг тайёрланганлик сифатини объектив назоратини илмий-методик таъминлаш давлат аттестация хизмати давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади; 2) таълимнинг тузилиши, шунингдек, унинг муассасаларини бошқариш тизими ва улар фаолиятини молиялаш, уларнинг меҳнат ижтимоий тақсимооти бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигининг тавсифи.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УЙҒУНЛАШУВИ** — таълим жараёни, шунингдек, унинг натижалари яхлитлигига эришиш жараёни; икки турга ажралади: уфқий яхлитлик — фанлараро мустақкам алоқа, турли соҳалардаги билимларнинг ўзаро бойитилиши, билим ва ўқувнинг ягоналиги; юқорилама яхлитлик — таълим босқичи турли даражалари ўртасидаги ворисийлик, бу босқичларнинг ягона юқорилама қаторга қўшилиши, бу инсон ҳаёт циклининг барча босқичини қамраб олади.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЮҚОРИЛАМА ТУЗИЛИШИ** — инсонни ҳаёти турли даврларида у таълим оладиган таълим муассасаларининг биттаси ёки бир нечтаси; узлуқсиз таълим нуқтаи назаридан бу шахс ижодий имкониятларини бойитишдаги мунтазам юқорилама босқич бўлиши мумкин.

**ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ** — иқтисод соҳаси, таълим тизими фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, кадрлар тайёрлаш моддий имкониятларини ўрганади. Қуйидагилар тадқиқот объекти ҳисобланади: таълим харажатларининг табиати — инвестиция, ис-

теъмол, молиялаш — манбаи буларнинг тузилиши, таълим сарфланадиган миллий даромаднинг энг самарали улуши: миллий даромаднинг ўсишига олий таълим тизими қўшадиган улуш; таълим муассасаларининг молия-ҳўжалик фаолияти — улар бюджети ва унинг манбаи, сарфлар тузилиши, моддий-техника базаси, битта ўқувчига қилинадиган сарфлар ва ҳ.к.

**ТАЪЛИМ ИДЕОЛОГИЯСИ** — таълимнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига бўлган ғоя ва қарашлар тизими унинг мақсади, унга эришиш йўллари. Ўз моҳиятига кўра у умумий педагогик йўналиш, бирор киши, ижтимоий гуруҳ, ташкилотлар, ижтимоий ҳаракатлар ва партиялар илгари сурадиган тушунчаларнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тавсифига боғлиқ.

**ТАЪЛИМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ** — бўйсунтириш, ёрдамчи тавсифга эга бўлган педагогик ва ўқув фаолияти меъёрида амал қилишини таъминловчи таълим амалиёти умумий тузилиши таркибий унсурларининг мажмуи. Мазкур мажмуага 3 гуруҳ муассасалар киради: а) таълим сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, турли уйғунлаштириш вазифаларини бажарувчи бошқариш идоралари; б) моддий-техника негизини таъминловчи — биноларни лойиҳалаш ва қуриш, техник воситаларни яратувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар; в) ўқув программа ҳужжатларини ва йўриқнома материалларни ишлаб чиқувчи методика ва тадқиқот марказлари.

**ТАЪЛИМ КОНТРАКТИ** — ўқитиладиганлар ва таълим берувчи ҳисобланмиш шахс ёки муассаса, шунингдек таълим хизмати кўрсатувчи ёки таълим олувчининг ҳомийси вазифасини ўтовчи шахс ўртасидаги шартнома; оғзаки шаклда ёки ёзма тарзда тузилиши мумкин, унда таълимнинг мақсад ва шартлари, шунингдек, ҳар икки томонни масъулияти қайд қилинган бўлади.

**ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ** — муайян нарса ёки ҳодисанинг тизимли тавсифи, бу унинг тушунилишига, шарҳланишига, унинг қурилиши ёки фаолият кўрсатиши бўйича раҳбар ғоянинг аниқланишига кўмаклашади. Педагогика фани инсон шахси шаклланувчи омиллар ва шароитларни тадқиқ этади; ўрта, касбий ёки олий мактаб педагогика тизими

унинг предмети ҳисобланади, унинг доирасида ўтадиган тарбия жараёни ҳодиса ҳисобланади.

**ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР** — қуйидагиларга қаратилган талаблар: шахс ўз-ўзини белгилашини таъминлаш, ўз-ўзини намоён қилиши учун шароит яратиш; жамиятни ривожлантириш; ҳуқуқий давлатни мустақкамлаш ва такомиллаштириш. Таълимнинг мазмуни қуйидагиларни таъминлаши лозим: жамиятнинг умумий ва касбий маданият даражасини жаҳон мезони даражасига етказиш; ўқувчиларда замонавий билим даражаси ва таълим программалари (ўқитиш босқичлари) даражасини шакллантириш; шахснинг миллий ва жаҳон маданиятига уйғунлашуви; ўз замонаси билан уйғунлашиб кетган инсон ва фуқарони шакллантириш ва шу жамиятни такомиллаштиришга йўналтириш; жамият мутахассислар салоҳиятини яратиш ва ривожлантириш.

**ТАЪЛИМ МАЗМУНИДАГИ ВОРИСИЙЛИК ТАМОЙИЛИ** — ҳар бир даражаси бўйича юқори булган таълим ўқитишнинг мазмуни белгилашда аввалги босқичларда нималар ўзлаштирилганини ҳисобга олишдан иборат педагогик тамойил; унга асосан ўқув материали мазмунининг таркиби ва тузилиши, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этиш ишлаб чиқилади.

**ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРИ** — раҳбарликнинг замонавий илмий усуллари асосида таълимни бошқариш вазифасини амалга оширувчи мутахассис ходим. Таълимда менежерларнинг 3 гуруҳи (даражаси) мавжуд. Биринчи гуруҳ (олий даража)га маъмурий муассаса ва таълим бошқарув идораларининг маъмурий ходимлари тааллуқли; иккинчи гуруҳ (ўрта бўғин)ни методик, юридик, молия-иқтисод ва таълимнинг бошқа тизими хизмати раҳбарлари ташкил этади; учинчи гуруҳ — таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришнинг ташкилотчиси сифатидаги ўқитувчилардан иборат.

**ТАЪЛИМ МОДЕЛИ** — таълим амалиётининг яхлит ёки унинг айрим қисмларида акс эттирилган тархи. Таълим модели 3 турга бўлинади: тасвифли, таълим амалиётининг асосий мазмуни, тузилиши, асосий унсурларини акс эттиради; функционал, таълим тизимини ва унинг ижтимоий муҳит билан

алоқасини акс эттиради; башоратловчи, таълим амалиётининг келажакдаги аҳволини назарий асослаб кўрсатади.

**ТАЪЛИМ МОНИТОРИНГИ** — педагогик жараён ҳолатини узлуксиз илмий асосланган, диагностик-башоратли кузатилади-ган ва натижаларни эталон билан қиёсланадиган жараён.

**ТАЪЛИМ МУҲИТИ** — ижтимоий, маданий ёки бошқа шароитлар мажмуи, буларда индивиднинг ўқув фаолияти такомиллашади, шунингдек, муайян ҳудудий жамоа аъзолари учун улар эришиши амалда мумкин бўлган таълим хизматининг мажмуи.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ, ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШ** — давлат, маҳаллий ёки бошқа хил бюджетлардан таълим муассасаларини пул маблағи билан таъминлаш. Таълимни молиялаш — Ўзбекистон фуқароларининг давлат стандартлари чегарасида таълим олишлари кафолатининг асосидир; таълим муассасасининг тури, тарзи ва категорияси бўйича ўқийдиган, таълим олаётганларнинг ҳар бирига нисбатан қилинган ҳисоб-китобларда белгилан-диган давлат (шу жумладан, муассаса) ва маҳаллий меъёрларда молиялаш асосида амалга оширилади. Таълим муассасалари ўз ўзини маблағ билан таъминлаш шароитларида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ УЮШМАСИ** — таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадларида тузиладиган таълим муассасаларининг ихтиёрий бирлашмаси.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** — таълим жараёнини амалга оширувчи, яъни бир ёки бир неча таълим программасини амалга оширувчи ва/ёки ўқитиладиган тарбияланувчилар таълими ва тарбиясини таъминловчи тарбия жараёнини олиб боровчи муассаса. Таълим муассасалари ўз ташкилий ҳуқуқий шаклларига кўра давлатга қарашли, муниципал ёки давлат та-сарруфида бўлмаган, хусусий, жамоатчилик ва диний ташкилот/бирлашмага қарашли муассаса бўлиши мумкин. Таълим муассасалари юридик шахс ҳисобланади.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КЕНГАШИ** — таълим тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва вазифаларга эга бўлган таълим муассасасининг коллегиял органи.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ТАРТИБИ** — таълим муассасасини қайта тузиш жараёнини тартибга солувчи қоида ва ҳаракатларнинг тадрижийлиги.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ АТТЕСТАЦИЯЛАШ** — таълим муассасасининг кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифати олий таълим бўйича давлат таълим стандартлари талаблари даражасида эканлигини аниқлаш тартиби.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ** — ваколатли давлат таълим бошқарув органи томонидан ёки унинг топшириғига кўра эксперт комиссиясининг хулосаси асосида таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги маҳаллий таълим бошқарув (муниципал) идораси томонидан таълим фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга лицензиянинг берилиши.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ** — таълимни бошқариш идораси, таълим муассасасининг мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотларида ЎзР қонунчилиги билан белгиланган тартибда валюта ҳисобига эга бўлиш ҳуқуқи. Таълим муассасаси ташқи иқтисодий фаолиятдан олган валюта маблағлари хусусий мулк сифатида унинг ўзига тегишли бўлади ёки унинг оператив бошқарувига келиб тушади ҳамда олиб қўйилиши мумкин эмас.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ** — таълим муассасасини тугатиш жараёнини белгиловчи қоида ва ҳаракатларнинг тадрижийлиги.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ** — таълим муассасаларини ташкил қилиш жараёнини тартибга солувчи қоида ва ҳаракатларнинг тадрижийлиги.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ** — таълим муассасаси ижарага олган давлат ёки муниципал

мулкни таълим муассасасининг меҳнат жамоасига хусусий мулк қилиб бериш.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ВАКОЛАТИ** — таълим жараёнини ташкил этиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, таълим тури ҳақидаги намунавий низом ва таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда илмий, молиявий, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишдаги мустақиллик.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ДАВЛАТ МАҚОМИ** — таълим муассасасининг тури, тоифаси. У муассаса амалга ошираётган таълим программасининг даражаси ва йўналишига мувофиқ белгиланади. Таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказиб белгиланади.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МЕТОДИСТИ** — педагог ходим, қўйидагилар унинг вазифаси ҳисобланади: таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва методик ишлар; методик ва маълумотнома материалларни мунтазамлаштириш ва ишлаб чиқиш; мутахассислар тайёрлашни башоратлаш ва режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш; муайян ихтисосликлар бўйича ўқув режалари ишлаб чиқиш.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА НЕГИЗИ** — таълим муассасасига бириктирилган ёки хусусий мулк сифатида унга тегишли бўлган бино, иншоот, мулкрий мужассамалар, жиҳозлар ва ускуналар, истеъмол, маданий ва бошқа мақсадларга қаратилган мулклар.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ МУЛКИ** — таъсисчи томонидан уставда белгиланган таълим фаолиятини таъминлаш мақсадида таълим муассасасига бириктириб қўйган ер, бино, иншоот, ашёлар мажмуи, ускуналар, шунингдек, бошқа зарурий истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган мулк. Шунингдек, таълим муассасасига жисмоний ёки юридик шахслар томонидан совға, хайрия тарзида ёки васият бўйича берилган пул маблағи, мол-мулк ва бошқа хусусий мулк объектлари; ўз фаолиятининг натижаси ҳисобланган интеллектуал ёки ижодий меҳнат маҳсулотлари; таълим муасса-



сасининг ўз фаолиятдан келадиган даромадлар ва шу даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк объектлари.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ** — таълим муассасасининг асосий фондлари ва мулкни сотиш ёки ижарага бериш; сотиб олинган товарлар, жиҳозлар билан савдо қилиш; воситачилик хизмати кўрсатиш; бошқа муассаса (шу жумладан, таълим муассасаси) ва ташкилот фаолиятида улушли асосда иштирок этиш; акциялар, облигациялар, бошқа қимматдор қоғозларни сотиб олиш ва улар бўйича даромад (дивиденд, фоиз) олиш; бевосита уставда кўзда тутилган ўз маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва уларни сотиш билан боғли бўлмаган даромад келтирувчи бошқа операцияларни олиб бориш бўйича ҳар қандай фаолият.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ТАЪСИСЧИСИ (ТАЪСИСЧИЛАРИ)** — таълим муассасасининг ташкилотчиси, тузувчиси, ҳомийси, қуйидагилар ана шулар бўлиши мумкин: давлат ҳокимият идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари; мулк эгалигининг барча шаклдаги ижтимоий ва хорижий ташкилотлар, уларнинг бирлашмалари (ассоциациялари ва уюшмалари); мамлакат ва чет эл жамоатчилиқ ва хусусий жамғармалари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган жамоатчилиқ ва диний ташкилот (бирлашма)лар; Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари. Ҳамкорликда таълим муассасасини таъсис этишга йўл қўйилади. Таъсисчилар билан таълим муассасалари ўртасидаги муносабат улар ўзаро Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тузган шартнома билан белгиланади.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ УСТАВИ** — давлат намунасидаги ҳужжат, унда қуйидагилар мажбурий тартибда белгиланади: номи, манзили (юримдик, амалдаги макон), қаердалиги, таълим муассасасининг мавқеи; таълим муассасасининг таъсисчиси; таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуққий шакли; таълим жараёнининг мақсади; амалга ошириладиган программанинг хили ва тури; таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий тавсифи. Устав ўз ичига таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий тавсифини, шу жумладан, тил (тиллари), яъни таълим ва тарбия олиб бориладиган тилнинг тавсифини; ўқувчилар, тарбияланувчиларни

қабул қилиш тартибини; ҳар бир босқичдаги ўқувнинг давомийлигини; ўқувчилар, тарбияланувчиларни чиқариш тартиби ва асосини; оралиқ аттестацияда баҳолаш тизимини, унинг шакллари тартибини; ўқувчилар, тарбияланувчилар машғулот тартибини; т. юв асосидаги таълим хизмати мавжудлиги ва шундай ўқитиш тартибини; таълим муассасаси билан ўқувчилар, тарбияланувчилар ва ёки уларнинг ота-оналари (уларни ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатларни чегаралаш ва расмийлаштириш тартибини; таълим муассасасининг молиявий ва ҳўжалик фаолияти тузилишини; таълим муассасасини бошқариш тартибини; таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини; таълим муассасасининг фаолиятини белгиловчи ички ҳужжатлар (бўйруқлар, фармойишлар ва б.) турларининг рўйхатини ўз ичига олади.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЭКСПЕРТИЗАСИ ПРЕДМЕТИ** — таълим муассасаси таклиф этаётган таълим жараёнини амалга ошириш шароитларининг давлат ва маҳаллий талабларга, хусусан қурилиш меъёр ва қоидаларига, тиббиёт ва гигиена меъёрларига, таълим жараёнининг жиҳозланганлиги меъёрларига, педагог ходимларнинг таълим меъёрларига ва лавозимлар бутлиги меъёрларига мувофиқ бўлиш.

**ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ** — таълим, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, уни самаралилигини ривожлантириш ва ошириш йўллари қонуниятлари ҳақидаги таълимот. 4 компонентдан юзага келади: фалсафий — бунда таълимнинг моҳияти унинг мақсад таксономияси кўриб чиқилади; ижтимоий-иқтисодий — бунда таълимнинг жамият ҳаёт фаолиятининг турли томонлари билан ўзаро муносабати ўрганилади; педагогик — бунда таълим фаолиятининг моҳияти ва технологияси ўрганилади; ижтимоий-психологик — бунда индивид ва гуруҳлар ўқув фаолиятининг субъекти сифатида қаралади.

**ТАЪЛИМ ОЛИШ УСУЛЛАРИ** — шахснинг эҳтиёжлари ва имкониятларини, ҳаёт фаолияти тартиби ва ижтимоий-руҳий жиҳатларини ҳисобга олувчи таълим хизмати кўрсатиш усуллари. Ушбу омилларни эътиборга олиб, таълим қуйидаги шаклларда амалга оширилади: таълим муассасаларида — кундузги, сиртқи; оила ўқуви, мустақил таҳсил олиш ва экстернат. Турли шаклларни уйғунлаштиришга йўл қўйилади. Муайян асосий умумтаълим ёки

асосий касбий таълим программаси доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун *ягона давлат таълим стандарти* белгиланган.

**ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК КАФОЛАТЛАРИ** — жисмоний ва юридик шахсларнинг таълимга бўлган ҳуқуқини чеклашнинг мумкин эмаслиги.

**ТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯЛАШ** — таълимнинг тегишли соҳасига тааллуқли давлат стандартларининг таркибий қисми ҳисобланувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига таълим программаларининг мос эканлигини аниқлаш.

**ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ** — ағаллий психология соҳаси, инсон руҳий фаолиятини ўқув фаолиятининг субъекти, хотира, эътибор, тафаккур жараёнларининг ўзига хослиги билан боғли бўлган турли ёш давларида ўқитилиш динамикаси сифатида ўрганади.

**ТАЪЛИМ СИЁСАТИ** — таълим тизими амал қилиши ва ривожланишини белгиловчи ҳамда ҳоким ва муқобил мафкура мазмунини, таълим тўғрисидаги мавжуд қонунчилик тавсифини, шу пингдек ташкилотчилик ва бошқарувчилик фаолияти умумий йўналишини ақс этирувчи ижтимоий ташкилотлар ва давлат ҳисимияти идораларининг фаолияти.

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИ** — таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига мазмуни ва натижаларига кўра мос бўлишини таъминлаш устидан олиб бориладиган назорат.

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ** — қуйидагилар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланади: таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги, демократик тавсифи; таълим тизимининг дунёвий эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва ворисийлиги; умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи)нинг йўналишини ихтиёрий танлаш; давлат таълим стандартлари чегарасида таълимнинг барчага баробарлиги; маълумотлилик ва қобилиятни рағбатлантириш; давлат ва ижтимоий бошқарувни таълим тизимида қўшиб олиб борилиши.

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ** — таълим тизими субъектларининг ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳам ўзаро, ҳам давлат ҳокимият идоралари ва бошқармалари, алоҳида юридик шахс ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш.

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК** — Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан таълим соҳасида олиб борадиган ҳамкорлиги. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига зид келмайдиган қонунчилик қоидалари, халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади. Таълимни бошқариш идоралари, таълим муассасалари чет эл корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, қонунчиликда белгиланган тартибда улар билан қўшма таълим муассасалари тузиш ҳуқуқига эга.

**ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ** — законнинг муайян тарихий қисмида жамият учун зарур бўлган таълимнинг эталон даражаси.

**ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ** — ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланишнинг муайян босқичида турувчи жамиятдаги турмуш учун зарур ва етарли деб ҳисобланган таълимнинг ўртача статистик даражаси. Анча тор маънода — муайян даража ва соҳадаги таълим муассасасини битирувчи билими, уқуви ва малакасига қўйиладиган минимал талабларнинг бир хиллаштирилган мажмуи. Сифат стандарт кўрсаткичларида ифодалангани ҳамда назоратнинг стандарт усулларига мос келади.

**ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯСИ** — таълим сиёсатининг асоси бўлиб ҳисобланувчи концепция; таълим тизимини яхлит ижтимоий институт сифатида ривожлантиришнинг узоқ муддатли, энг оқилона, муҳим қоидалари, режалари, асосий йўналишлари ва тамойилларини тавсифлайди. Таълим стратегияси турли йўналишга эга бўлиши мумкин — саводсизликни тугатиш, технологик жараён, иқтисодий ўсиш ва б.

**ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН** — фуқаролар таълим олиши, тарбияланиши, касбий тайёргарлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради ва таълимда ҳар бир кишининг конституциявий ҳуқуқини таъминлашга йўналтирилади.

**ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ХУЖЖАТЛАР** — аттестациядан ўтган шахсларга лицензияларга мувофиқ таълим муассасаси томонидан бериладиган таълимнинг тегишли даражаси ва ёки малака ҳақидаги давлат намунасидаги ҳужжатлар. Юқорида қайд этилган ҳужжатлар таълим муассасасининг муҳри билан тасдиқланади ҳамда таълимни кейинги босқичида давлат таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш учун зарур шарт ҳисобланади.

**«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»** — Ўзбекистон республикасининг таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжати. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган. Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, ҳар кимнинг билим амалига бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлайди. Беш банд ва ўттиз тўрт моддadan иборат. Биринчи банд «Умумий қоидалар»дан иборат, 8 моддани ўз ичига олади. Иккинчи банд «Таълим тизими ва турлари»га бағишланган, 11 моддadan ташкил топган. Учинчи банд «Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш» деб номланган, 5 моддани ўз ичига олади. Тўртинчи банд «Таълим тизимини бошқариш» бўлиб, 5 моддага эга. Бешинчи банд «Яқунловчи қоидалар» деб аталган, 5 моддadan ташкил топган. Қонун эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирган.

**ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ** — таълим берувчининг фаолиятини ва ўқувчининг билиш фаолияти тавсифини белгиловчи бошлангич, асосий қоидалар. Таълим тамойиллари таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятининг муҳим ички томонларини акс эттиради ва турли шаклларда, унинг мазмуни ва ташкиллаштирилиши турлича бўлганда таълимнинг самарадорлигини белгилайди; таълимнинг объектив қонуниятларини ифода эътади.

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ** — таълим жараёнини *лойиҳалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, тузатиш* ва *кейинчалик қайта тиклаш*, шунингдек, бу жараённи *техникавий жиҳозлашнинг* тизимли усули. Таълим технологияси илмий педагогик билимларнинг замонавий даражасини акс эттириши таълим ва тарбиянинг самарали усулларида фойдаланиши, шунингдек, ўқитишнинг мумкин бўлган техникавий воситаларни қўллаши ло-

зим; таълим ва тарбия бўйича қўйилган мақсадга тўлиқ эришишни кафолатлаши керак; барча таълим технологиялари шахс шаклланиш жараёнлари сифатини назорат қилишнинг объектив методикаси билан таъминланган бўлиши шарт.

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ ПРЕДМЕТИ** — таълим ва касбий тайёрлаш тизимини тузиш.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ** — таълимнинг мазмуни, шакли ва усуллари белгилловчи қоидалар (тамойиллар) асосий тизими.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚАЙТА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ** — таълим муассасаси пулли хизмат кўрсатган муассасадан олинган фойда (таъсисчи, мулк эгасининг улуши чегирилгандан қолгани)ни қўйиш, шу жумладан иш ҳақи бўйича харажатларни ошириш, таълим муассасасидаги таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришга сарфлаш.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ** — таълим муассасасининг таълим, ўқув-ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш тизими, таълим программалари ва бошқа таълим хизматларига, маҳсулотларга ва иш турларига бўлган талабни аниқлайди ҳамда максимал фойда олиш мақсадида уларни сотишни таъминлайди.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНИ** — бир бутунликда қараладиган педагогик янгиликларни педагоглар жамоаси томонидан яратиш, қайта тиклаш, баҳолаш, ўзлаштириш ва қўллашнинг бошқариладиган жараёнлари.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли давлат идораларининг таълимни бошқариш бўйича фаолияти, бу фаолият таълим соҳасидаги сиёсатни белгилаш ва амалга оширишга, таълим соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга, таълимни ривожлантириш программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилади. Бирин-кетин бажариладиган вазифалар 6 блокдан ташкил топади: а) юзага келган таълим амалиётининг таҳлили ва баҳоланиши; б) режалаштириш — унинг оптимал ҳолати моделини ва уни амалга ошириш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш; в) ҳужжатлаштириш —

бошқарув қарорлари ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ва расмийлаштириш; г) қўйилган вазифаларни бажаришга алоқадор субъектларнинг бир-бирига мослаштирилган фаолиятини ташкил қилиш; д) юзага келадиган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашиш; молиялаш ва бошқа таъминотлар; е) қўйилган мақсадларни тўғри режалаштириш ва уларга эришиш йўлларини таъминловчи бошланғич қайта алоқалар билан назорат қилиш. Таълимнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши жараёнини бошқариш турли — республика, минтақавий, маҳаллий, муассасавий миқёсда амалга оширилади, уларнинг ҳар бири юқоридаги санаб ўтилган вазифаларни ўз соҳаларига мослаштирган ҳолда қабул қилади.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АДЕКВАТЛИГИ** — таълим тизимининг жамият замонавий талаблари ва унинг ривожланиш йўналишларига мувофиқлиги. Динамик тарзда ривожланаётган жамиятда таълим тизимининг ижтимоий ўзгаришларга тез суръатда ва олдиндан ақс таъсир этиш имконияти, ўзгаришлар ва фаолият ранг-баранг турларини субъекти сифатидаги инсонга қўйиладиган талаб чегарасининг ошишига мослашиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўпчилик томонидан эътироф этилишича узлуксиз таълим тизими замонавий жамият учун адекват ҳисобланади.

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИНФОРМАЦИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ** — таълим муассасалари ва бошқарув идораларини, таълим тизимини бошқа жамоатчилик тизимлари билан тўғридан-тўғри ва қайта алоқасини таъминловчи маълумотлар ва техника воситалари билан таъминлаш, хабардор қилиш.

**ТАЪЛИМ ТУЗИЛИШИ** — таълимнинг қурилиши, таркиби, унинг айрим қисмларининг ўзаро муносабати ва алоқаси. Таълим, тарбия ва ривожланиш унинг асосий ташкил этувчиларидир; шу билан бирга ривожланиш деганда мақсад тушунилади, таълим, тарбия деганда унга эришиш воситаси англашилади. Таълим тузилишида таълим даражаси, ўқитиш шакли, ёш ажралиб туради; ҳар бир бўлинма ўзига хос тузилишга эга.

**ТАЪЛИМ УСУЛИ** — билимларни ўзлаштириш жараёнидаги, ўқув ва малакаларни шакллантиришдаги усул, айрим операциялар. Қабул мустақил ўқув топшириғига эга эмас, балки ана шу усул ёр-

дамида бажариладиган вазифага бўйсунилади. Ўқитишнинг бир хил усуллардан турли тарзларда ва аксинча фойдаланиш мумкин, айти бир усул турли ўқитувчиларда турли йўсинда бўлиши мумкин. Таълим йўсинлари ўқитувчи ишлаш усулларининг ўзига хослигини белгилайди, ўқитиш тарзига индивидуал хусусият бағишлайди, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришида индивидуал ўзига хосликни шакллантиради.

**ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ** — ўқувчиларнинг билим, ўқув ва малакаларни эгаллашига, уларни тарбиялашга ҳамда таълим жараёнида ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчи (ишлаб чиқариш таълими устаси) ва ўқувчиларнинг ўзаро боғли фаолият усуллари. Ўқитувчи инсоният тажрибаси тўплаган билимлар билан шу билимларга эга бўлмаган ўқувчиларнинг идроклаши ўртасида воситачи вазифасини бажаради; ўқувчи бориши лозим бўлган билишнинг йўли тавсия этилади; ўқув материалини ўзлаштиришнинг муайян йўли, усуллари, йўсинларини ташкил этилади. Таълим усулларини қўллаш ўқувчининг билиш фаолиятини ташкиллаштиради, олам манзарасини тасаввур этишга имкон беради, ақлий фаолият йўналиши ва моҳиятини таъминлайди, қонуниятларни тушунишга олиб келади, эмоционал ва ақлий йўналишни барпо этади, шахс сифатларини шакллантиради.

**ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ** — таълимнинг моҳиятини, унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ва инсон ривожланишидаги ўрнини тадқиқ этувчи таълимнинг назарий соҳаси; назарий қарашларнинг, асосланган тасаввурлар ва назарий гоялар, тарихий маданий ривожланиш билан бир бўлган таълим фаолиятининг мақсад ва мазмунини асословчи умумлашган тизим. Таълим фалсафасининг асосий вазифаси узоқ истиқболга мўлжалланган таълим стратегиясининг таянч тамойилларини ишлаб чиқиш.

**ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИНГ ҚИСМИ** — кадрлар тайёрлаш жараёнида муайян мақсад ва вазифаларга эришиш учун билим ёки фаолиятнинг маълум соҳасини эгаллашга ёрдам берувчи таълим фанларини бирлаштирувчи таълим программасининг таркибий қисми.



**ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ** — таълимни ташкил этувчилар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари ва таълим муассасасининг бошқа ходимлари таълим программасида кўзда тутилган натижаларга эришиш учун амалга оширадиган тадрийжий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

**ТАЪЛИМ ФУНКЦИЯСИ** — меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши тизимидаги таълимнинг ўзига хос вазифаси. Ёш авлод ва жамиятнинг катта ёшдаги аъзолари томонидан ижтимоий-маданий тажрибани ўзлаштириш унинг асосий вазифасидир. Ҳосилавий вазифаси: маданий-тарихий — тўпланган ижтимоий-маданий тажрибанинг сақланишини таъминлайди ва шу орқали ўтмиш жамиятнинг ҳозир ва келажаги ўртасидаги ворисийликни таъминлайди; воситачилик — маънавий маданият билан ижтимоий амалиёт турли соҳалари ўртасидаги алоқани таъминлайди; ижтимоий-иқтисодий — меҳнатнинг тақсимланган турли соҳалари учун ходимлар тайёрлайди; ижтимоий-сиёсий — шахс ва жамият манфаатларини мувофиқлаштиради; ижтимоий — инсоннинг турли кўриниш фаолият субъекти сифатида, шахс ва индивид сифатида ривожланишини таъминлайди.

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ** — таълим эҳтиёжларини қондириш мақсадларида билим ва ўқувга эга бўлиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда яратиладиган ва тақлиф этиладиган имкониятлар мажмуи. Ўз мақсад ва мазмуни бўйича таълим хизмати қўйидагиларга ажралади: касбий — ташкилотлар ва ижтимоий умумийликни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтирилган; ижтимоий-маданий — инсоннинг ривожланиш эҳтиёжларига йўналтирилган.

**ТАЪЛИМГА МОЛИЯВИЙ САРФЛАР** — таълимга сарфланган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) фоизлари билан белгиладиган асосий кўрсаткич, шунингдек, инсон ресурслари ва устуворлик кўрсаткичи. Тиббиёт, хавфсизлик хизмати, мудофаа ва ҳ.к.га қийёслаш бўйича таълим тизимида жамият кўрсатаётган устуворлик назарда тутилмоқда.

**ТАЪЛИМГА ТАЙЁРГАРЛИК** — таълимни давом эттиришга субъектив чоғланганликни ифодаловчи янги билимлар ва ўқувларни ўзлаштиришга бўлган барқарор ният; шахснинг

мўлжаллаган қадриятлари тизими, унинг маълумотлилик даражаси ва умумий ижтимоий йўналишига боғлиқ.

**ТАЪЛИМДАГИ АНАЛОГИЯ** — педагогик усул. Ўрганилаётган, бошқа муносабатларда турлича бўлган нарса, ҳодисалар ўртасидаги қандайдир муносабатлар ўхшашлигини белгилашдан иборатдир; қисман ўхшаш ва таниш бўлган тушунчалар ёрдамида эксперимент йўли билан олинган янги тушунчаларни тушунтиришда фойдаланилади. Аналогиянинг қиммати шундан иборатки, у ўқув материални ўзлаштиришни осонлаштиради, ўқувчининг фикрлашини фаоллаштиради ва уларни изланишга ундайди.

**ТАЪЛИМДАГИ АХБОРОТ ТИЗИМИ** — таълим тизимининг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини таъминловчи ахборотни ташкил этиш шакли.

**ТАЪЛИМДАГИ БАШОРАТЛАШ** — технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тавсифи ва суръатларини олдиндан кўриш асосида таълим амалиётидаги бўлажак аҳвол ҳақидаги илмий асосланган фаразлар. Бунга мисол бўлиб, таълим тизимининг қандайлигини ифодаловчи, ҳозир мавжуд бўлганининг ўрнини эгалловчи узлуксиз таълим концепциясини мисол сифатида келтириш мумкин.

**ТАЪЛИМДАГИ ВОРИСЛИК** — жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва таълимга бўлган эҳтиёж янги мазмунини ҳисобга олган ҳолда мунтазам сифат жиҳатдан ўзгариб турувчи умумий анъаналар ва анча хусусий ижобий тажрибани сақлаш ҳамда тадрижий суратда бойитишга асосланувчи таълим назарияси ва амалиётининг тарихий ривожланиши турли даврлари ва босқичлари ўртасидаги узилмас боғлилик.

**ТАЪЛИМДАГИ ДЕДУКЦИЯ** — нарса ҳақидаги янги билим нарсаларнинг мазкур синфи учун умумий билимлар, қоида, таърифлар асосида келтириб чиқариладиган хулоса шаклидан ўқув фаолиятида фойдаланиш; ўқув материални баён қилиш умумий қоидалардан бошланади ва уларни хусусий нарсаларга тадбиқ этиш билан яқунланади.

**ТАЪЛИМДАГИ ДИСКРИМИНАЦИЯ** — муайян тоифа фуқароларни инсоннинг мойиллиги ва иқтидорини ҳисобга олган ҳолда тўлақонли таълим олиши ҳақида расман эълон

қилинган тенг ҳуқуқлилигини чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш. Ҳозирги жамиятда, ирқий ёки табақавий камситишлик тан олинмайди, аммо хоҳлаган маълумотига эга бўлишнинг чекланган яширин шакллари мавжуд: масалан, таълимга юқори ҳақ тўлаш, нуфузли таълим муассасасига ўқишга киришдаги ота-оналарнинг имконсизлиги, у ёки бу ҳудудда таклиф этилаётган таълим хизматининг тор даражадалиги.

**ТАЪЛИМДАГИ ДОГМАТИЗМ** — таълим тамойили, ўқитувчига нисбатан юксак даражадаги ҳурмат билан муносабатда бўлишни, эълон қилинган қоидаларни эътиқод сифатида қабул қилишни талаб қилади. Термин таълим назарийтчилари, ташкилотчилари ва ходимларининг салбий тавсифи сифатида қўлланади. Одатда, догматизмнинг уч асосий қўриниши мавжуд: а) эскирган тамойиллар ва умуман таълимдаги ёндашувларга садоқатлилиқнинг сақланиши; б) унинг мазмунида замонавий фан томонидан рад этилган билим, ғоя, қоидаларни сақлаб қолишга интилиш; в) янги ўқув вазиятининг, хусусан таълим мазмунидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда қачонлардир самарали бўлган ўқитиш технологиясига эргашиш.

**ТАЪЛИМДАГИ ИНДУКЦИЯ** — ўқув ишларида ягоналикдан умумий билимга, далиллардан умумлашмаларга томон ҳаракатланиш усулидан фойдаланиш; янги материални тушунтиришда, машқларда, алоҳида қузатишларда ва *дедукция* билан ўзаро алоқада кенг қўлланилади.

**ТАЪЛИМДАГИ ИСБОТЛАШ** — мулоҳазанинг чинлиги асосланадиган мантиқий ҳаракат. Таълимда исботлашнинг қуйидаги шакллари қўлланади: ўқув материални баён қилишда педагог томонидан исботлашдан фойдаланиш; у ёки бу тезисни исботлаш ҳақида тўғридан-тўғри таклиф олган ўқувчининг мустақил ҳаракати; ҳал қилиш мобайнида мустақил исботлашни талаб қилувчи вазифанинг ўқувчига таклиф этилиши.

**ТАЪЛИМДАГИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ** — ахборотни қабул қилиш ва талабага бериш усулларининг мажмуи, ўзлаштиришни назорат қилиш, олинган билимдан компьютерлар ёрдамида кундалик ҳаётда фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш.

**ТАЪЛИМДАГИ МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ** — таълим муассасаси уставини, меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъерий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда тузилган контракт асосида белгиладиган таълим муассасасининг ходимлари ва маъмурияти ўртасидаги муносабат.

**ТАЪЛИМДАГИ ПРАГМАТИЗМ** — амалиётга бевосита тадбиқ этиладиган билим ва ўқувларнигина зарурий деб тан олувчи таълимнинг мазмунини танлашга бўлган ёндашиш; таълимнинг ҳаёт билан алоқасини содда-расмий тушунишга асосланган, хусусан таълимнинг тафаккурни ривожлантириш омили сифатидаги аҳамияти инкор этилади.

**ТАЪЛИМИЙ ТАҚРИЗ** — педагог томонидан ўқувчилар фаолиятини улар ўз ҳамкурсларининг ишлари, илмий-оммабоп ва илмий адабиётлар, санъат асарларини мустақил танқидий таҳлил қила олишлари даражасида ташкиллаштириши. Тақризлашнинг педагогик вазифаси ўқувчилар фан ва санъатни мустақил ўрганишлари манбаини кенгайтириш, борлиқдаги ҳодисаларни улар мустақил баҳолашлари учун ўқув ва малакаларни ривожлантиришдан иборатдир. Усул ижтимоий танланган мақолалар, илмий, илмий-оммабоп, адабиётлар ва б.ға тақризлар ёзиш бўйича вазифалар ёрдамида амалга оширилади.

**ТАЪЛИМНИ БАЙНАЛМИЛАЛЛАШ** — турли мамлакатлар миллий таълим амалиётида умумий унсурларнинг қўпайиши, технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тавсифи ва суръатларидаги муайян ўхшашликка, шунингдек, халқаро уйғунлашиш жараёнига асосланади; ҳам таълим жараёнининг мазмуни, ҳам унинг шакли — муваққат давомийлиги ошишига таъсир кўрсатади.

**ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТИ** — қуйидагилар таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ваколат доирасига киради: таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш; таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш ва методик раҳбарликни амалга ошириш; давлат таълим стандартлари, таълим даражасига ва мутахассислар касбий тайёрланиши сифатига қўйиладиган талабларнинг бажарилишини таъминлаш; ўқув жараёнига илғор таълим шакл-

лари ва янги педагогик технологиялар, таълимнинг техникавий ва информацион воситаларини жорий этиш; ўқув ва ўқув методик адабиётларни ишлаб чиқиш ҳамда нашр қилишни ташкил этиш; таълим олувчилар давлат аттестацияси якунлари ҳақида ва таълим муассасаларидаги экстернет тўғрисидаги низомиларни тасдиқлаш; давлат олий таълим муассасаси ректорини тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш; педагог ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш; қонунчиликка асосан бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ** — бошқариш субъектларининг унинг объектига таъсир этишнинг мақсадли усуллари мажмуи; 3 гуруҳдан иборат: психологик-педагогик, ташкилий-фармойиш ва иқтисодий.

**ТАЪЛИМНИ ГУМАНИТАРЛАШТИРИШ** — таълим жараёнида гуманитар фанларни ўқитишга асосий эътиборни қаратиш. Бу айниқса, Европа таълим тизими учун хос бўлиб, бир қатор салбий оқибатларни юзага чиқаради. Амалий интеллект ва амалий фаолиятнинг ўрни ва аҳамияти пасаяди, табиий ва техника фанларига бўлган қизиқиш сусаяди ва шунга мувофиқ мазкур фанлар бўйича тайёргарлик даражаси пасаяди.

**ТАЪЛИМНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ** — демократик тамойилларни жорий этиш, таълим тизимини демократик асосларда қайта ташкил этиш, бу куйидагиларни назарда тутати: ўқувчилар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлилиги, шахс манфаатлари ва эҳтиёжларини амалга ошириш даражасида жамоатчилик талабларига риоя этиш; таълимда ҳамкорлик тамойилларини амалга ошириш.

**ТАЪЛИМНИ ДУАЛИСТИК ТИЗИМИ** — МСКОга мувофиқ кўпгина мамлакатларда ёшлар учун ташкил этилган таълим программалари ишлаб чиқаришда қисман банд бўлиш ва анъанавий мактаб ҳамда университет тизимида тўлиқ юкмасиз таълимни уйғунлаштиради (Яна қ. *Анъанавий мактаб ва университет таълими*).

**ТАЪЛИМНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ** — ўқувчиларга таъсир этиш педагогик ва психологик усулларининг мажмуи, булар унинг эътибор марказида ўзини ҳис этишдан иборат эҳтиёжини

амалга оширади; дидактик тамойилларидан бири сифатида ўқув жараёнини қуйидагича ташкил этишни, яъни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг ижтимоий ва таълим тажрибаси, шунингдек, интеллектуал ривожланиш даражаси, билишга қизиқиши, ижтимоий мавқеи, ҳаётий фаолият тартиби ва бошқа таълимнинг муваффақиятли бўлишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олинишини кўзда тутди.

**ТАЪЛИМНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ** — таълим жараёнини шахснинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришига, умуминсоний устувор қадриятларга, шахс ва ижтимоий фикрнинг ўзаро алоқасини оптималлаштиришга қаратиш. Таълимни инсонпарварлаштириш таълим олувчининг индивидуаллигини самарали очиб беришни — унинг билиш манфаатлари, шахсий сифатларини таъминловчи таълим ва тарбиянинг шундай шакл ва усулларини яратишга йўналтирилади; шунингдек, таълим олувчи ўқишни истайдиган, тарбиявий таъсирни у рад этмасдан балки қабул қилишдан шахсан манфаатдор бўладиган шароитларни яратишга қаратилади. «Таълимни инсонпарварлаштириш» тушунчасини таълимнинг гуманитарлаштириш билан айна бирдек қўйиб бўлмайди.

**ТАЪЛИМНИ ИНФОРМАЦИЯЛАШТИРИШ** — автоматлаштирилган маълумотлар жамгармасидан фойдаланиш асосида таълимни бошқариш тизимининг воситаларини тақомиллаштириш мақсадларида таълим тизимини ахборот воситалари, маҳсулотлари ва технологиялари билан таъминлаш жараёни; мазмунни, таълим ва тарбия усуллари ҳамда ташкилий шакллари танлаш методологиясини тақомиллаштириш; ўқувчиларда қобилиятни ривожлантиришга, уларда ахборот қидирув ва экспериментал тадқиқот фаолиятини мустақил амалга ошириш ўқувини шакллантиришга йўналтирилган усулларни яратиш; объектив, мунтазам ва тезкор назоратни ҳамда ўқувчилар билим даражасини баҳолашни таъминловчи компьютер тестлари ва диагностика усулларини ишлаб чиқиш.

**ТАЪЛИМНИ МИНТАҚАЛАШТИРИШ** — таълимнинг минтақа шароитлари ва эҳтиёжига йўналтирилишини кучайтириш билан тавсифланувчи таълим тизимининг замонавий ривожланиш йўналишларидан бири.

**ТАЪЛИМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ** — ижтимоий режалаштиришнинг таркибий қисмларидан бири; жамият яқин ва олис келажакка қуядиган мақсадлар мазмунидан келиб чиқиб, буларга эришишда таълим қандай аҳамият касб этишини тушунган ҳолда амалга оширилади. Режалаштириш жараёнида таълимни ўзгартириш бўйича белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилади, шунингдек, уларни амалга ошириш тартиби, кетма-кетлиги ва тахминий муддатлари белгиланади.

**ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ** — таълимни бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаси ва фаолият мақсадининг баёни.

**ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМЌАРМАСИ** — давлат ва давлатга тааллуқли бўлмаган манбалардан шаклланадиган, таълимнинг ривожланишига йўналтирилаётган пул маблағи.

**ТАЪЛИМНИ СТАНДАРТЛАШ** — бир хилдаги таълим муассасалари таълим фаолияти натижаларига белгиланган ягона талаб, буларга эришиш усуллариининг хилма хиллигини истисно этмайди. Стандартлаштириш ғояси аввало фаолиятнинг турли хилларига тайёргарликни назарда тутати. У жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳаётнинг талаби бирдек эканлигидан келиб чиқади. Таълим муассасасини битирувчи эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши ва янада юқорироқ босқичларда таълимни давом эттиришга лаёқатли бўлиши ҳақидаги ғамхўрлик унинг бошқа асоси ҳисобланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ЎЙИН МОДЕЛИ** — ўқувчини ўрганилаётган ҳодисаниннг ўйин моделига жалб этиш; ўйин вазиятида унинг янги тажрибани бошидан кечириши. Ўйиннинг дидактик функцияси ўйин ҳаракатлари муҳокамаси, моделловчи сифатидаги ўйин вазиятининг таҳлили, унинг ҳақиқатдаги билан нисбати орқали амалга оширилади. Дидактик ўйинлар асосида ўқув жараёнини тўлақонли олиб бориш ўқитувчида шахсий-касбий имкониятлар сезиларли даражада бўлишини назарда тутати, у таълимнинг боришида турли ролларни бажаради ва ўйин ҳаракатига жалб этилган ўқувчилар билан ўйиннинг махсус ўқув-идроқлаш натижаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди.

амалга оширади; дидактик тамойилларидан бири сифатида ўқув жараёнини қуйидагича ташкил этишни, яъни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг ижтимоий ва таълим тажрибаси, шунингдек, интеллектуал ривожланиш даражаси, билишга қизиқиши, ижтимоий мавқеи, ҳаётий фаолият тартиби ва бошқа таълимнинг муваффақиятли бўлишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олинишини кўзда тутади.

**ТАЪЛИМНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ** — таълим жараёнини шахснинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришига, умуминсоний устувор қадриятларга, шахс ва ижтимоий фикрнинг ўзаро алоқасини оптималлаштиришга қаратиш. Таълимни инсонпарварлаштириш таълим олувчининг индивидуаллигини самарали очиб беришни — унинг билиш манфаатлари, шахсий сифатларини таъминловчи таълим ва тарбиянинг шундай шакл ва усулларини яратишга йўналтирилади; шунингдек, таълим олувчи ўқишни истайдиган, тарбиявий таъсирни у рад этмасдан балки қабул қилишдан шахсан манфаатдор бўладиган шароитларни яратишга қаратилади. «Таълимни инсонпарварлаштириш» тушунчасини таълимнинг гуманитарлаштириш билан айна бирдек қўйиб бўлмайди.

**ТАЪЛИМНИ ИНФОРМАЦИЯЛАШТИРИШ** — автоматлаштирилган маълумотлар жамғармасидан фойдаланиш асосида таълимни бошқариш тизимининг воситаларини такомиллаштириш мақсадларида таълим тизимини ахборот воситалари, маҳсулотлари ва технологиялари билан таъминлаш жараёни; мазмунни, таълим ва тарбия усуллари ҳамда ташкилий шакллари таллаш методологиясини такомиллаштириш; ўқувчиларда қобилиятни ривожлантиришга, уларда ахборот қидирув ва экспериментал тадқиқот фаолиятини мустақил амалга ошириш ўқувини шакллантиришга йўналтирилган усулларни яратиш; объектив, мунтазам ва тезкор назоратни ҳамда ўқувчилар билим даражасини баҳолашни таъминловчи компьютер тестлари ва диагностика усулларини ишлаб чиқиш.

**ТАЪЛИМНИ МИНТАҚАЛАШТИРИШ** — таълимнинг минтақа шароитлари ва эҳтиёжига йўналтирилишини кучайтириш билан тавсифланувчи таълим тизимининг замонавий ривожланиш йўналишларидан бири.



**ТАЪЛИМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ** — ижтимоий режалаштиришнинг таркибий қисмларидан бири; жамият яқин ва олис келажакка қуядиган мақсадлар мазмунидан келиб чиқиб, буларга эришишда таълим қандай аҳамият касб этишини тушунган ҳолда амалга оширилади. Режалаштириш жараёнида таълимни ўзгартириш бўйича белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилади, шунингдек, уларни амалга ошириш тартиби, кетма-кетлиги ва тахминий муддатлари белгиланади.

**ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ** — таълимни бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаси ва фаолият мақсадининг баёни.

**ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ** — давлат ва давлатга тааллуқли бўлмаган манбалардан шаклланадиган, таълимнинг ривожланишига йўналтириладиган пул маблағи.

**ТАЪЛИМНИ СТАНДАРТЛАШ** — бир хилдаги таълим муассасалари таълим фаолияти натижаларига белгиланган ягона талаб, буларга эришиш усуллариининг хилма хиллигини истисно этмайди. Стандартлаштириш ғояси аввало фаолиятнинг турли хилларига тайёргарликни назарда тутати. У жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳаётнинг талаби бирдек эканлигидан келиб чиқади. Таълим муассасасини битирувчи эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши ва янада юқорироқ босқичларда таълимни давом эттиришга лаёқатли бўлиши ҳақидаги ғамхўрлик унинг бошқа асоси ҳисобланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ЎЙИН МОДЕЛИ** — ўқувчини ўрганилаётган ҳодисаниннг ўйин моделига жалб этиш; ўйин вазиятида унинг янги тажрибани бошидан кечириши. Ўйинниинг дидактик функцияси ўйин ҳаракатлари муҳокамаси, моделловчи сифатидаги ўйин вазиятининг таҳлили, унинг ҳақиқатдаги билан нисбати орқали амалга оширилади. Дидактик ўйинлар асосида ўқув жараёнини тўлақонли олиб бориш ўқитувчида шахсий-касбий имкониятлар сезиларли даражада бўлишини назарда тутати, у таълимнинг боришида турли ролларни бажаради ва ўйин ҳаракатига жалб этилган ўқувчилар билан ўйиннинг махсус ўқув-идроқлаш натижаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди.

**ТАЪЛИМНИНГ АДЕКВАТЛИГИ** — олинган таълимнинг индивиднинг шахс сифатида ривожланишидаги объектив эҳтиёжларига мослиги.

**ТАЪЛИМНИНГ АНЪАНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ** — таълим жараёни инсоннинг мустақил етуклик ҳаётига қадам қўйган дақиқада тугайди деб ҳисоблайдиган нуқтаи назарлар тизими. Бу вақтга келиб шахсий сифатларнинг қарор топиш жараёни яқун топади, эгалланган билим ва ўқувлар бутун умрга етарли деб тахмин этилади.

**ТАЪЛИМНИНГ АУДИО-ВИДЕО ВОСИТАЛАРИ** — таълимнинг замонавий техникавий воситалари, ўқув кино ва диофилмлари, диапозитивлар, радио ва телекўрсатув, ёзиб олинган овозларни ўз ичига олади.

**ТАЪЛИМНИНГ БАРЧАГА БАРОБАРЛИГИ** — демократик жамиятдаги таълим сиёсатининг асосий тамойили. Меҳнат фаолиятини бошлагунча ва етуклик ёшида давом эттириш учун тегишли тарзда аҳолининг кенг қатламига имкониятлар берилиши кўзда тутилади. Бу тамойилни амалга оширишнинг самарали воситаси бўлиб, ҳақ тўланадиган тинимлар бериш, давлат маҳаллий ҳокимияти томонидан таълимни ривожлантириш учун бериладиган субсидиялар, шунингдек, корхона, минтақавий ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан таълим учун тўланадиган ҳақнинг бир қисми қопланиши ҳисобланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ВАЗИФАСИ** — инсон ҳаёт фаолияти ва жамият учун аҳамиятга молик мустақилликка эга бўлган таълимнинг алоҳида олинган натижалари. Вазифаларнинг мажмуи уч гуруҳга ажралади: а) жамият ривожланиши манфаатлари тақозо этувчи малакали ходимлар тайёрлаш, унинг қадриятларини ёқловчи онгли ва фаол фуқароларни шакллантириш; в) инсон ривожини манфаатларидан келиб чиқувчи — унинг ижодий имконияти ва маънавий дунёсини шакллантириш ва бойитиш; в) шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришнинг зарурлиги тақозо этадиган турли хил таълим хизматларига бўлган уларнинг талабларини бир йўла қондириш.

**ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ** — таълим муайян мақсадларини таъминловчи тартибга солинган кўплаб операциялар ва ҳаракатларни, билимни ўзлаштириш, касбий ўқув ва малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган мазмунли инфор­мацион–предметли ва ташкилий жиҳатларни, таълимнинг белгиланган мақсадларига мувофиқ ўқиётганларнинг шахсий сифатларини шакллантиришни ўз ичига олувчи муж­жасама уйғунлаштирилган тизим.

**ТАЪЛИМНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАЛИЛИГИ** — миллий даромад ўсишида таълимнинг аҳамиятини ифода этувчи термин. Таълимга кетадиган молиявий сарфлар бутун ҳажмини моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари маълумот ва малақа даражасини ошириш туфайли олин­адиган миллий даромад ўсиши улушига нисбати сифатида тушунилади.

**ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ** — педагогик фаолиятнинг режалаштирилган натижалари, булар ўқувчига ўз (жисмоний, маънавий ва интеллектуал) имкониятларини тўлақонли тарзда ривожлантириб охиригача очиш ва етказиш имконини берадиган ривожланиш ва шундай шароитларни таъминлашдан иборатдир, у буларга жамият аъзоси сифатида эгаллик қилади. Қуйидагиларга бўлинади: таълимнинг мақсади — билимларни ўзлаштириш, ўқув ва малакаларни шакллантириш ҳажми ва даражаси ўқув программасида қайд этилади; тарбиявий мақсадлар — хусусиятни шакллантириш, қадриятларга эргашиш, иродавий сифатлар, ижтимоий ахлоқнинг меъёрларини ўзлаштириш ва шахслараро муносабатни эгаллаш; ривожланиш мақсадлари — маънавий дунёни бойитиш, билиш ва интеллектуал-ижодий қobiliятни ошириш, идроклаш, эътибор, хотира, фикрлашни такомиллаштириш. Таълим мақсадлари ижтимоий талабларга асосланади ва уларга эришиш воситаси сифатида намоён бўлади.

**ТАЪЛИМНИНГ МЕЪЁРИЙ МУДДАТИ** — ўқувчининг таълим программасини ўзлаштириши бўйича белгиланган муддат.

**ТАЪЛИМНИНГ МИНТАҚАВИЙ ТИЗИМИ** — муайян минтақадаги таълим тизими.

**ТАЪЛИМНИНГ МУЖАССАМА ИЗИМИ** — уқув материали мавзуларга кўра бирлаштириладиган тизим; мужассамалар асосида программалар тузилади.

**ТАЪЛИМНИНГ МУНДАРИЖАСИ** — таълим жараёнига жалб этилган шахслар эриша оладиган тарзда педагогик жиҳатдан фан умумий асосларида ишлаб чиқилган, фаннинг замонавий ҳолатига мувофиқ бўлган билимлар, уқувлар, малакалар мажмуи. Жамиятимиздаги ўзгаришлар шароитида педагогика бир вақтнинг ўзида жамиятнинг барча манфаатларига жавоб берадиган ва шу билан бирга ҳар бир шахснинг қобилияти ва иқтидорини жадал ривожлантиришига йўналтирилган таълим мундарижасини шакллантиради. Таълимнинг мундарижаси кўйидаги ҳужжатларда қайд этилган: давлат таълим стандарти, тегишли фан бўйича уқув программаси ва б. Муайян таълим муассасасида таълимнинг мазмуни мазкур таълим муассасаси мустақил тарзда ишлаб чиқадиган, қабул қиладиган ва амалга оширадиган таълим программасида белгиланади.

**ТАЪЛИМНИНГ НУФУЗИ** — таълимнинг жамиятда эришган обрўси ва ҳурмати, унинг ўқув фаолиятига бўлган муносабат ва уни муваффақиятлилиги мотивациясига таъсир этувчи аҳоли турли тоифасининг қиёсий баҳоси. Таълим нуфузи юқори малакали меҳнатга тўланадиган ҳақ даражаси ва унинг обрўси билан белгиланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ОҚИЛОНА МОДЕЛИ** — технократик педагогика ривожланишидан иборат таълим назариясидаги йўналиш; *бихевиоризм* ғоясига таянади. Ўқувчилар ўзлари аниқ намойиш этиши мумкин бўлган шундай малакалар, билимлар, уқувлар ва идроклаш қобилиятларини ўзлаштиришнинг самарали усуллари асосида ҳаракатнинг муайян тарзини шакллантириш муаммоси рационаллаштириш концепциясининг эътибор марказида туради. Таълимнинг оқилона модели «технологиялаштирилган ёдлаш» натижаси репродуктив асосида билиш қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайди. Умуман бу йўналиш таълим вазифасининг тор-утилитар талқинига (ишчи ихтисослиги муайян технологиясини ўзлаштириш) қаратилган ва асосий мақсад — ижодий шахсни ривожлантириш, уни ижтимоийлаштиришга жавоб беради.

**ТАЪЛИМНИНГ РЕКРЕАЦИЯВИЙ ФУНКЦИЯСИ** — ишдан ҳоли пайтда вақтни мазмунли ўлкашига кумақлашиш бўйича вазифалар туркуми; дам олиш, кўнгил очиш ва кишиларни қизиқтирадиган соҳаси бўйича билимини оширишни уйғунлаштирувчи тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

**ТАЪЛИМНИНГ СИФАТИ** — таълим жараёни ва натижаларининг, таълим қандай бўлиши ва у қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги ҳақидаги жамиятда тарқалган тасаввурга унинг мос келиш даражасини ифодаловчи интеграл тавсиф. Замонавий таълимнинг сифати мазмуни фаолиятнинг у ёки бу соҳадаги маънавий маданият ва тажрибанинг энг яхши ютуқларини ўз ичига олувчи мазмун сифатида ижтимоий самаралилигини белгиловчи омиллар билан белгиланади; энг янги педагогик технологиялар ва унга мос равишда моддий техникавий таъминланганлик; гуманистик йўналганлик; аҳолининг билимга бўлган эҳтиёжларининг тўлақонли қондирилиши.

**ТАЪЛИМНИНГ ТўЛИҚ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ** — ўқув фаолияти амалга ошадиган шароитлар мажмуи, улар меъёрий ижтимоий-руҳий муҳит ва зарур қулайликларни таъминлай олишлиги нуқтаи назаридан тавсифланади. Қуйидагилар шулар жумласига киради: таълим муассасасининг яшаш ва ишлаш жойига яқинлиги, ўқув хоналарининг тархи, мебель ва б. жиҳозлар, махсус жиҳозланган хоналарнинг мавжудлиги, машгулотларнинг давомийлиги, ҳарорат мўътадиллиги, танаффус пайтларида тамадди қилиш имконияти, шунингдек, таълим мароми, ўқитувчининг ҳулқ-атвори, ўқув гуруҳидаги ўзаро муносабат.

**ТАЪЛИМНИНГ ТўЛОВСИЗЛИГИ** — жамият барча аъзолари учун таълим муассасаси ва хизматлардан бемалол фойдаланишларини кафолатловчи таълим демократик тузилишининг тамойилларидан бири. Таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ барча тўлов харажатларидан таълим олувчиларнинг озод қилиниши кўзда тутилади.

**ТАЪЛИМНИНГ ТАДҚИҚИЙ УСУЛИ** — босқичлар ва ўқув ҳамда илмий билиш мантиқидан муайян ўшашликлар мавжудлиги ҳақидаги ғояга хизмат қиладиган усул, бошланғич йўл; ўқув ва илмий билишни ташкил этишни кўзда тутади;

таълим олувчи ҳодиса ва жараёнларни илмий таҳлил қилиш методологияси ва методи унсурларини ўзлаштирадиган, ўзи учун янгиликни мустақил эгаллаш уқувига эга бўлишини назарда тутди; фаоллик, ташаббуслилик, қизиқувчанликни ҳосил қилишга кўмаклашади, фикрлашни ривожлантиради.

**ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ** — таълим содир бўладиган ташқи шароитлар мажмуи. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимда таълимнинг кундузги, сиртқи таълим ташкилий шакллари мавжуд, бу шакллар ичида эса аудитория машғулоти ва турли хил аудиториядан ташқари машғулотлар бор. Аудитория машғулотлари маъруза, семинар, амалий, лаборатория ва баъзи бошқаларга бўлинади. Аудиториядан ташқари машғулотлар эса, уй (кутубхона)даги турли хил тайёргарлик, лойиҳалаштириш, тадқиқот, тўгарак ва ҳ.к.ларга ажралади.

**ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ** — техник қурилмалар ва уларга мос келадиган ахборот ташувчилар. Ўқув жараёни самаралилигини ошириш, педагогнинг ўқитиш фаолиятини енгиллатиш ва ўқувчилар ўқув фаолиятини осонлаштириш учун қўлланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНОЛОГИЯВИЙЛИГИ** — ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар билан бевосита боғли бўлган ва талабаларда ижодий фикрлаш, техникавий мустақилликни ривожлантиришда ўқув-амалий ва касбий ўқув ва малакаларни тадрижий равишда эгаллашларидан иборат касбий ўқитиш тамойили. Бу тамойил ишчи ва мутахассисларни касбий тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

**ТАЪЛИМНИНГ ТИЖОРАТЛАШУВИ** — хизматнинг тўлов даражасининг таълим муассасалари таъсисчиси ва улар ходимларининг фойда олишига имкон берадиган кўламгача ошиши. Халқаро амалиётда бу муассасаларга миллий, маҳаллий бюджетдан ва уларнинг таъсисчилари бюджетидан беғараз молияланадиган фойда келтирувчи ташкилот сифатида қаралади. Бу соҳадан тижорат тузилмалари мутлақо истисно қилиниши кераклиги ҳақидаги фикр кенг тан олинган ҳисобланади, таълим муассасасининг фаолияти ҳеч қандай тадбиркорлик мақсадларига хизмат қилмаслиги лозим деб таъкидланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ТУГАЛЛАНГАНЛИК ТАМОЙИЛИ** — касбий тайёргарлик ҳар бир босқичида ўқувчи бўлажак касбий фаолияти учун зарур билим, ўқув ва малакаларни олиши лозим бўлган педагогик тамойил.

**ТАЪЛИМНИНГ ФАОЛ УСУЛЛАРИ** — ўқитилаётганларнинг билиш фаолиятини рағбатлантирувчи усуллар. Бирор муаммони ҳал этиш йўллари тўғрисида эркин фикр алмашишни маъқул кўрувчи суҳбатга асосланади. Суҳбат, мунозара, семинар, тренинг, иш ўйинлари таълимнинг энг кўп тарқалган ва муҳим усуллари ҳисобланади.

**ТАЪЛИМНИНГ ХОСЛАНТИРИЛГАН ТИЗИМИ, КЕЛЛЕР РЕЖАСИ** — олий таълим муассасалари учун психолог Ф. Келлер (АҚШ) тузган индивидуаллаштирилган таълим тизими. Куйидагилар тизимнинг асосий тавсифи: ўқув материалининг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга йўналтирилганлиги, бунда аввалгиси тўлиқ ўзлаштирилганлиги шарти билан янгисига ўтилади; ўқувчининг ўз суръатига мувофиқ мустақил ишлаши; маърузалардан фақат мотивлаш ва умумий мўлжаллаш мақсадида фойдаланиш; ўқув ахборотлари баён этилган, махсус тайёрланган ва нашрдан чиқарилган ўқув қўлланмасидан фойдаланиш; программа курси қисмлари бўйича материалларни ўзлаштиришнинг жорий баҳоси (курсни аъло даражада ўзлаштирган аспирантлар ёки талабалардан ташкил топган ўқитувчи ассистентлари томонидан амалга оширилади).

**ТАЪСИР** — индивид томонидан бошқа кишининг ҳуққатворини, унинг қарашлари, ниятлари, тасаввурлари, баҳолаши ва ҳ.к.ларни у билан ҳамкорлик вақтида ўзгартириши жараёни ва натижаси. Йўналтирилган ва йўналтирилмаган таъсирлар бири-биридан фарқланади. Биринчисининг асосини ишонтириш ва сингдириш ташкил этади, бунда субъект ўз олдига таъсир объектидан муайян натижага эришиш вазифасини қўяди; иккинчиси бундай махсус вазифанинг таъсири йўналтирилган бўлмайди ва ўзлаштириш ҳамда тақлидий воситалар ҳаракатида юзага келади. Турли туман педагогик таъсир усуллари икки асосий усулда, яъни талаб ва баҳолашда жамланиши мумкин.

**ТАЪСИСЧИЛАР** — янги ташкилот ассоциация, акциядорлик жамияти, фондларни ўз ташаббуси билан ташкил этувчи ва

унда сармойси билан иштирок этувчиларни жалб этувчи жисмоний ва/ёки юридик шахслар.

**ТАЯНЧ КОНСПЕКТ** — таълим усули чегаравий умумлаштириш, кодлаш, шартли белгилар, рамзлар, тархлар, чизмалар, жадваллар ёрдамида билимни «жадаллаштириш» ва уларни кейинчалик «кенг ёйиш» асосидаги педагог билан ўқувчи ўзаро ҳаракатини таъминлайди, ўқувчилар онгида тулақонли акс эттиради; ўқувчилар шпаргалкаси ҳам айни шундай тамойиллар асосида тузилади ва ўзига хос конспект ҳисобланади. Таянч конспект тузиш ўқувчининг педагог раҳбарлиги остидаги мустақил ишини ташкиллаштиради. Усулдан қаттиқ эслаб қолиш талаб этиладиган физика-математика, табиий ва ижтимоий туркум фанлари бўйича ўқув материалларини ўрганишда кенг қўлланади. Таянч конспектларни тузиш ва ундан фойдаланиш бўйича ишларга жалб этиш ўқувчиларда махсус усуллар ёрдамида ҳар қандай мураккаб ва турли ҳажмдаги материални ўзлаштириш қобилиятини, меҳнатсеварликни тарбиялайди. Усул узлуксиз таълим тизимида, малака ошириш ва мустақил таълим олишда, бошқа касбга қайта ўқишда муҳим аҳамият касб этади.

**ТАЯНЧ МАЪЛУМОТ** — билимларни янада ўстириш ва бойитиш учун асос ҳисобланган қоида, билим ва ўқувлар мажмуи. Мазкур термин икки маънода қўлланилади: 1) жамиятдаги турмуш учун зарур бўлган минимал даражадаги билим ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган таълим; 2) меҳнатга ҳақ тўланадиган соҳага ўтгунигача олинган ҳамда катта ёшда ўқишни давом эттириш учун бошланғич замин сифатида қараладиган таълим.

**ТАЯНЧ СЎЗ** — информацион излаш нуқтаи назаридан сезиларли маъновий аҳамиятга молик бўлган ва ҳужжат ёки сўровнома матнидан изланадиган сўз ёки сўз бирикмаси.

**ТАЯНЧ СЎЗ БОЙЛИГИ** — оғзаки ва ёзма нутқни фаол эгаллаш учун зарур имконият ҳисобланувчи табиий тилдаги ўзлаштирилган сўз ва сўз бирикмаларининг мажмуи.

**ТАҚРИЗ**, р е ц е н з и я (лот. recensio — кўриб чиқиш) — 1) газета журнал жанри; янги бадий асар ёки илмий асарнинг,



спектакл, кинофильмнинг танқидий муҳокамаси ва баҳоси; 2) илмий иш ёки абадий-бадий асарнинг у эълон қилинишидан олдинги ёзма таҳлили.

**ТАҲЛИЛ** — 1) ҳодиса ва жараёнларни илмий тадқиқ этиш (билиш) усули, ўрганилаётган тизим қисмлари унсурлари таркибини ўрганиш унга асос бўлади. Таҳлилдан қонуниятларнинг ижтимоий йўналишларнинг, иқтисодий жараёнларнинг, барча даражадаги (мамлакат, тармоқ, корхона миқёсидаги) ва турли соҳалар (ижтимоий, ишлаб чиқариш соҳалари)даги ҳужалик фаолиятининг моҳиятини аниқлаш мақсадларида фойдаланилади; 2) материални унинг тузилиши яққол намоён бўлиши учун таркибий қисмларга ажрата билиш (яхлитни қисмларга ажратиш ва улар ўртасидаги ўзаро таъсирни аниқлаш, яхлитни ҳосил қилиш тамойилларини идроклаш) унга хосдир. Ўқувчилар хато ва йўл қўйилган камчиликларни мантиқий мулоҳазалашда, сабаб ва оқибатларни бир-бирдан фарқлашда, берилганларнинг қийматини баҳолашда таҳлилдан фойдаландилар. Ўқув натижалари тушуниш ва тадбиқ этишдан кўра анча юқори идроклаш даражаси билан тавсифланади, ҳам ўқув материалли мазмунини, ҳам унинг ички тузилишини идрок этишни талаб қилади.

**ТЕЗАУРУС** (юн. *thēsawos* — хазина, заҳира) — 1) лугат, унда қандайдир тилдаги сўзлар ва улар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва б.) муносабатлар максимал даражада тўлиқ берилган бўлади. Анъанавий тезаурус 2 қисмдан иборат бўлади: сўзлар ва маъно (мавзу) рукни бўйича гуруҳланган; «калит» — алифбо тартибидаги лугат, бунда ҳар бир сўз учун тегишли рукн кўрсатилади. Биринчи тезаурус тузувчи ва «тезаурус» терминини қўллаган киши инглиз олими П. Роже (1852); 2) *информатика*да, билимнинг қандайдир соҳаси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ тартибга солинган йиғиндиси, бу ҳисоблаш машинаси ёки инсонга мазкур соҳага асосланиш имконини беради.

**ТЕЗИС** (юн. *thesis* — қоида, тасдиқ) — 1) маъруза, нутқ, хабарлар асосий қоидаларининг қисқача ифодаси (одатда, кўпликда — «тезислар» дейилади); 2) *мантиқ*да, чинлиги исбот этилиши лозим бўлган қоида.

**ТЕКШИРУВ НАЗОРАТИ** — аввалги назоратнинг тўғрилигини текшириш учун махсус вакил этилган идора ёки шахс томонидан амалга ошириладиган назорат.

**ТЕЛЕКС** (инг. telex — сўз бирикмасининг биринчи бўгинлари бўйича қисқартма teleprinter exchange) — абонентли телеграф халқаро тармоги; телеграф алоқаси телефон станциялари орқали амалга оширилади.

**ТЕЛЕПАТИЯ** (юн. tēle — олис ва pathos — сезги, тасаввур этиш) — сезги мучаларининг иштирокисиз, яъни тилнинг ёрдамисиз, **ғайриихтиёрий** шивирлаш ёки инсон ички ҳаётини акс эттирувчи ҳодисаларни қандайдир сезги орқали билиш воситасида олисга фикр ва сезгиларни узатиш; фан шундай жараён мумкинлигини тобора кўпроқ эътироф эта бошлади.

**ТЕМПЕРАМЕНТ** (лот. temperamentum — қисмларнинг тегишли нисбати, мутаносиб) — руҳий жараёнларнинг бориши усуллари, кучи, мароми, тезлиги ва тавсифи ҳамда ҳолатининг фаолиятда намоён бўлиши, хатти-ҳаракати билан белгиланадиган шахс индивидуал ўзига хосликларининг барқарор уйғунлашуви. Марказий асаб тизимига боғлиқ равишда ҳулқатворнинг динамик ўзига хослиги асаб тизими 3 асосий хоссасини, яъни қўзғатувчи ва тормозловчи жараёнлар кучи, мувозанати, ҳаракатчанлигини, шунингдек, олий асаб фаолияти 4 тури тарзида уларнинг 4 асосий уйғунлиги ва уларга мос келувчи темперамент типларини алоҳида ажратиб кўрсатади: 1) кучли, барқарор, ҳаракатчан (*сангвиник*); 2) кучли, барқарор, инерт (*флегматик*); 3) кучли, беқарор (*холерик*); 4) заиф (*меланхолик*). Кўпинча битта темпераментга хос бўлган хусусият бошқасидаги хусусият билан қўшилиб кетади.

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Термиз давлат педагогика институти (1956) негизида ташкил этилган. Университетда 13 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбия иши услубияти, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, мактабгача ва оилавий таълим, касбий педагогик тайёргарлик (ижтимоий-

иктисодий соҳа), ўзбек филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, славян филологияси, тарих, психология, иқтисодиёт, молия, менежмент, биология, физика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, транспорт воситаларидан фойдаланиш, агротупроқшунослик ва агрокимё, экология ва табиатдан фойдаланиш. Университет қошида бизнес мактаб (1995) ва академик лицей (1998) мавжуд.

**ТЕРМИНОЛОГИЯ** (лот. terminus — ҳад, чегара ва юн. logos — таълимот) — махсус тил ёки фан, техника, санъатда қўлланадиган махсус атамалар ёки сунъий белгилар мажмуи.

**ТЕСТ** (инг. test — синаш, текшириш) — 1) бир хилдалик, қисқалик ва оддийлик талабларига мос келувчи стандарт топшириқлар, буларни бажариш sinalувчининг баъзи психофизиологик хусусиятларини (ақлий ривожланиши, лаёқатлари, иродавий сифатларини), шунингдек, унинг билимлари, қобилияти ва малакалари даражасини белгилашга имкон беради; ўқувчилар билим сифатини назорат қилишнинг объектив усули, ўзлаштирганлик ҳолатини аниқлашга имкон берувчи восита ҳисобланади; назорат топшириғи ва эталон — топшириқни тадрижий ва тўғри бажариш намунасидан ташкил топади. Топшириқ sinalувчига берилади, эталондан эса ўқитувчи фойдаланади ёки у sinalувчининг жавоби билан ҳамда баҳолаш учун техник воситага киритилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу усул анча ҳажмдаги ва қиммат турадиган методик таъминотни (таълимнинг ҳар бир мақсади бўйича тестлар жамланмасини) ва тест ишловчилар юқори малакасини талаб этади; 2) муайян ижтимоий тадқиқотлар учун саволнома; 3) *информатикада*, ҳисоблаш машинасининг иши тўғрилигини текшириш учун мўлжалланган ечими аввалдан маълум бўлган топшириқ.

**ТЕСТ ВАЗИЯТИ УСУЛИ** — педагог махсус шароитлар яратадиган усул, буларда ўқув касбий фаолият таркибий қисмларнинг ҳар бири аниқ намоён бўлади; мониторинг усулларида бири.

**ТЕСТ ИШОНЧЛИЛИГИ** — тестнинг сифат мезонларидан бири (қ. *Тестлаштириш*). Тестнинг ишончлилиги қанча юқори

бўлса, у ўлчаш хатоликларидан шунча ҳоли бўлади. Тест ишончлилигига ёндашишларининг бирида унга қайта тестдан ўтказиш натижаларининг барқарорлиги сифатида қаралади; бошқа бир ёндашувда тестнинг ишончлилигига иккита шакл ва мақсади бир хил тестнинг муқобиллик даражаси намоён бўлиши сифатида қаралади.

**ТЕСТ-БАШОРАТ** — фаолиятнинг ўзига хос соҳасидаги муваффақиятни олдиндан айтиб бериш учун фойдаланиладиган тест; касбий саралаш, ишга ёки ўқишга қабул қилиш тизимида қўлланади.

**ТЕСТЛАШТИРИШ** — психодиагностика усули, саволлар ва топшириқлар (тестлар)ни стандартлаштиришда фойдаланилади. Индивидуал фарқларни ўлчаш учун қўлланади, индивидуалда зарур малакалар, билимлар, шахсий хусусиятларни ривожланиш даражасини маълум эҳтимолликда белгилашга имкон беради. Тестлаштиришнинг 3 асосий соҳаси мавжуд: таълим; касбий тайёрлов ва саралаш — ишлаб чиқаришнинг мураккаб-лашганлиги муносабати билан; психологик консультация — ижтимоий динамик жараёнлар жадаллашганлиги муносабати билан ўтказилади.

**ТЕХНИКА** (юн. technē — санъат, маҳорат) — 1) жамиятнинг ишлаб чиқариш билан боғли бўлмаган эҳтиёжларига хизмат қиладиган ва ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун яратилган инсоният фаолияти воситаларининг жаммуи: техникада ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши жараёнида инсоният тўплаган билим ва ишлаб чиқариш тажрибаси моддийлашади. Техниканинг жаҳондаги барча мамлакатларга кириб бориши меҳнатда, жамиятда ва кишилар турмуш тарзида тегишли ўзгаришларни юзага келтирди (жамият индустриялашди); у бошқа оқибатларга ҳам олиб келди, яъни ишонч ва «ирроционаллик»дан «билим», рационаллик, аниқ ҳисобкитоб ва текширишга томон бурилиш ясади. Шу билан бир вақтда фақат техниканинг тараққиёти даражаси бўйича халқлар маданий даражасини нотўғри баҳолаш пайдо бўлди, бундан анъанавий маданий қадриятлар, айниқса дин, миллий ўзига хослик жабрланди. Техниканинг шахсга етказган зарарини инкор этиб бўлмайди. Европа халқларида техника тобора кучлироқ безовталиқ ва ишончсизлик уйғотмоқда. Уруш хавфи ва

атом бомбаларининг қўлланилиши мумкинлиги олдидаги кўрқув техникани ҳаётий кучлар учун душман тарзида тасаввур этишни юзага келтирди, у тобора инсонга бўйсуннишдан четга чиқмоқда ва мустақил мавжуд бўла бошлаяпти, инсоният зоти-га хавф солмоқда, илғор фикрловчи инсонлар кенг доираси техникавий жамоа функционерларига айланиш ва шундай қилиб инсонийликни, маданий қадриятларни йўқотиш йўлида турибди.

**ТЕХНИКАВИЙ ЛОЙИҲА** — янги маҳсулот техникавий намунаси, объектининг техникавий ечими қайд этилган лойиҳа. Техникавий лойиҳа илк лойиҳа асосида яратилади, сўнг ишчи, конструкторлик лойиҳасида аниқлаштирилади.

**ТЕХНИКАВИЙ ТАФАККУР** — технологик билимлар ва меҳнатни самарали ташкил этиш тажрибаси тўпланишини, меҳнат фаолияти натижаларини идроклашни таъминловчи меҳнат тарбиясининг асосий воситаларидан бири; ишга ижодий муносабатни, ишлаб чиқаришни самаралилаштиришга интилишни шакллантиради; эмоционал кўтаринкилик ва фидойиликни юзага чиқаради.

**ТЕХНИКАВИЙ ТАЪМИНОТ** — техника воситалари, компьютер техникаси, бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларида ва ахборот тизимларида фойдаланиладиган ахборот уза-тиш воситалари мажмуи.

**ТЕХНИКАВИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ** — иқтисодий мақсадга мувофиқлик таҳлили, ҳисоб-китоби, баҳоси, илмий мавзун ишлаб чиқиш, таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш, янги техника объектини барпо этиш, мавжуд объектларни такомиллаштириш ва қайта қуриш. Сарф ва натижаларни қиёсий баҳолашга, самарали фойдаланишни аниқлашга, қўйилган маблағнинг ўзини оқлаш вақтига асосланади.

**ТЕХНОЛОГИК САВОДЛИК** — касбий машғулотлар соҳасида муаммоларни ҳал қилиш ва вазифаларни самарали ҳамда ваколатли тарзда бажариш қобилияти; воситалар мажмуини ва юқори натижаларга эришиш усулларини фаол эгаллаш.

**ТЕХНОЛОГИЯ** (юн. — санъат, маҳорат ва logos — таълим) — маҳсулотлар тайёрлаш, материалларга ишлов бериш ва қайта ишлаш, тайёр буюмларни йиғиш, сифат, бошқаришни назорат қилиш жараёнида моддалар, энергиялар, ахборотларни қайта ўзгартириш усули. Технология ўзида операциялар ва тартибларнинг усуллари, йўсинлари, ишлаш тартиби, тадрижийлигини мужассамлайди, у қўлланаётган воситалар, ускуналар, асбоблар, ишлатилаётган материаллар билан жипс боғли. Технологик операцияларнинг мажмуи технология жараёни. Замонавий фан «технология» терминидан «ўқитиш, таълим жараёни, даволаш, бошқариш технологияси» каби бирикмаларда фойдаланади.

**ТИЖОРАТЛАШИШ** — 1) иқтисодда кенг фойдаланиладиган фаолият шакли, тижорат ташкилотлари миқдорининг кенгайиши; 2) фаолиятнинг фойда олиш мақсадларига бўйсундирилиши.

**ТИЗИМ** — 1) бир-бири билан кўплаб қонуният асосида боғланган унсурлар (предметлар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва ҳ.к.), булар муайян органик тузилма, бирликдан иборат бўлади; 2) муайян алоқадорликда, ҳаракатнинг қатъиян тадрижийлигида маълум режа, қоида билан асосланган тартиб, масалан, ишдаги тизим; 3) ниманингдир шакли, қурилиш усули, ташкиллашуви, ижтимоий тизим, масалан, демократик тизим, давлат тизими, сайлов тизими, таълим тизими; 4) ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган хўжалик бирлиги, вазифасига кўра бир-бирига яқин муассасалар.

**ТИЗИМЛАШТИРИШ** — ўрганилаётган объектларни муайян тартибда ва танланган тамойил асосида тадрижий суратда қабул қилинган объектларни ўрганишни ташкил этиш.

**ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ** — методология йўналиши, объектларга тизим сифатида қараш унинг асосини ташкил этади; тадқиқотчини объектнинг яхлитлигини очишга, ундаги алоқа турларининг хилма-хиллигини аниқлашга ва уларни ягона назарий тарзга келтиришга йўналтиради. Педагогик тизимни тадқиқ этишда тадқиқотчи педагогик жараённинг компонентлари ва тизим ҳосил қилувчи алоқаларини аниқлаши, бу тизимнинг функциясига таъсир этувчи асосий омилларни белги-

лаши, бошқа ҳодисалар тизимидаги мазкур тизимларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаши, қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи бошқариш жараёнини ўрганиши керак, натижада функцияси яхшиланган тизим яратиши, олинган натижаларни амалда тадбиқ этиши лозим.

**ТИЗИМЛИ КАТАЛОГ** — кутубхона каталоги, унда библиографик ёзувлар муайян кутубхона-библиография таснифи тизимига мувофиқ фан соҳалари бўйича жойлашади. Тизимли каталогда асарлар рўйхати фан ва техниканинг айрим тармоқлари, уларнинг бўлимлари бўйича таснифнинг (руқнлашнинг) қабул қилинган тизимига мувофиқ жойлаштирилади.

**ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ** — иқтисодий, илмий, ижтимоий, сиёсий, техникавий ва ҳарбий тавсифдаги мураккаб муаммолар бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни асослаш учун фойдаланиладиган тадқиқот усуллари ҳамда методик воситалар мажмуи. *Тизимли ёндашувга*, шунингдек, бир қатор математик фанлар ва бошқарувнинг замонавий усулларига асосланади. Асосий тартиби — мавжуд вазият ўзаро боғлилигини акс эттирувчи умумлаштирилган моделлар тузиш; тизимли таҳлилнинг техникавий асоси — ҳисоблаш техникаси ва ахборот тизимлари. Тизимли таҳлил бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда режалаштириш ҳамда бошқариш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

**ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ, ЛЕКСИКА** — муайян тил таркибига кирувчи унинг асосий луғат жамғармасини ўз ичига оловчи барча сўзлар мажмуи.

**ТИМСОЛ, ОБРАЗ** — моддий оламдаги нарсалар, ҳодисаларнинг инсон онгида акс этиши натижаси ва рамзий шакли. Билишнинг ҳис этиш босқичларида тимсол — сезиш, идроклаш, тасаввур этиш; тафаккур босқичида — тушунча, мулоҳаза, хулоса. Амалдаги ҳаракатлар, тил тимсолнинг моддий шаклда намоён бўлишидир. Тимсол объектни қанчали айнан акс этгирса, у шунчали объектив мазмунга эга бўлади. Бадий тимсол, фанда борлиқни образли ўзлаштиришнинг усули ва шакли.

**ТИМСОЛИЙ ХОТИРА** — тасаввур, табиат ва турмуш манзаралари, шунингдек, товушлар, ҳидлар, таъмлар хотираси; кўриш хотираси, эшитиш хотираси, ҳис этиш хотираси ҳид билиш ва маза билиш хотиралари мавжуд. Агар кўриш ва эшитиш хотираси, одатда, яхши ривожланган бўлиб, барча рисоладаги кишиларнинг ҳаётдаги мўлжалларида муҳим аҳамиятга эга бўлса, ҳис этиш ва маза-таъм билиш хотирасини муайян маънода касбий хотира турлари дейиш мумкин. Хотиранинг бу турлари етишмаётган хотира турлари, масалан, қар ва кўрлардагиларни юқори даражада ўрнини босадиган ёки алмаштирадиган даражада жадал ривожланган бўлади.

**ТИП** (юн. *typos* — кўчирма, шакл, намуна) — 1) тур ёки жинсни энг яхши тарзда намоён этувчи нусха ёки намуна; қандайдир ташқи ёки ички хусусият умумийлиги асосида бирлашган кишилар тоифаси, шунингдек, ўзига хос хислатларга эга, кишиларнинг бирор гуруҳининг шу гуруҳга хос бўлган хислатларни ўзида мужассам этган ёрқин вакили; 2) адабиёт, санъатда — умумлашма образ.

**ТИПОЛОГИЯ** (юн. *typos* — кўчирма, шакл, намуна ва *logos* — таълимот) — қандайдир умумий белгилар бўйича нарсалар ёки ҳодисаларнинг таснифи.

**ТИФЛОПЕДАГОГ** (юн. *tuphlos* — кўр) — кўзи кўрмайдиган ва яхши кўрмайдиган болалар ҳамда ўсмирларни ўқитиш, тарбиялаш, техникавий жиҳатдан ва меҳнат қилиш учун тайёрлашни амалга оширадиган махсус олий маълумотли педагог.

**ТИФЛОПЕДАГОГИКА** — махсус педагогика (дифектологиянинг бўлими), кўзи кўрмайдиганлар ва яхши кўрмайдиганларни ўқитиш, тарбиялаш жараёнларни ўрганеди. Кўриш қуввати паст бўлган болаларни ҳар томонлама ривожлантириш тизимини ишлаб чиқиш, уларни умумтаълим билимлари, уқувлари, малакалари билан қуроллантириш, ижтимоий ҳаётда ва амалий меҳнат фаолиятида қатнашишга тайёрлаш унинг вазифаси ҳисобланади.

**ТОЛЕРАНТЛИК** — 1) бошқача қараш, ахлоқ, одатларга муросалилик; бу турли халқлар, миллатлар ва динларга муносабатларда жуда зарур; ўзига ишонч ва ўз нуқтаи назари



ишончлилигини англаш белгилари ҳисобланади; 2) муҳит у ёки бу омилининг нохуш таъсирини организмнинг енгиб кетиш имконияти.

**ТОЛИҚИШ** — фаолият билан боғли оғирликни узоқ вақт мобайнидаги таъсири остида ишга лаёқатлилиликни қисман ёки тўла йўқотиш. Толиқиш хилма-хил кўриниш ва даражага эга: хатти-ҳаракатда (ишлаш тезлиги ва аниқлигининг пасайиши, меҳнат самарадорлигининг пасайиши); физиологик (шартли алоқани ишлаб чиқишнинг қийинлашуви); психологик (этиборнинг, хотиранинг, интеллектуал жараёнларнинг бузилиши). Юзага келиш хусусиятига боғли ҳолда толиқиш — жисмоний ва ақлий, кучли ва сурункали хилларга ажралади.

**ТОТАЛИТАРИЗМ** (лот. *totalis* — барчаси, бутун, тўлиқ) — ижтимоий-сиёсий тузим, бу жамият ва айрим шахсларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларига авторитар давлатнинг “буйруқбозлик” асосида ҳар томонлама аралашуви билан тавсифланади. Тоталитар тавсиф мутлақ, баноартгча, фашизм, социализм сингари тартибларга хос. Барча расмий ташкилотларни давлат тасарруфига олиш, ҳокимият ваколатининг чекланмаганлиги, демократик институтларнинг таъқиқланиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини барбод қилиш, одатда, бир партияли тизим, иқтисодни милитаризациялаш, бошқача фикрловчилар ва нуқтаи назарларга эга бўлганларга нисбатан тазйиқ ўтказиш тоталитаризмига хос. Инсон маданияти ривожланишининг асосий йўналиши, бу — ривожланишнинг демократик йўлига эволюция қилиш ва демократия барча қадриятларини ўзлаштиришидир.

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган. Университетда қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрланади: диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, иқтисодиёт, информатика. Университетнинг асосий вазифалари: диншунослик асослари, ислом дини тарихи ва фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни билан боғлиқ масалаларни, шунингдек замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда ходимлар малакасини ошириш.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ — Абу

Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 1929 йилда ташкил топган Тошкент политехника университети негизда 1991 йилдан фаолият кўрсатмоқда. Университетда 9 факультет мавжуд. Унда қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрланади: касбий-педагогик тайёргарлик (машина-созлик), касбий-педагогик тайёргарлик (энергетика), касбий-педагогик тайёргарлик (радиоэлектроника ва телекоммуникация), касбий-педагогик тайёргарлик (фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари), касбий-педагогик тайёргарлик (нефть ва газ саноати), нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув ишлари (педагог), дизайн (санъат), менежмент, фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари, иссиқлик энергетикаси, электроэнергетика, металлургия, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, машинасозлик, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш, пайванд-ишлов технологияси ва машиналари, технологик машина ва ускуналар, ер усти транспорт тизимлари, электротехника, электромеханика ва электротехнология, кончилик электротехникаси, асбобсозлик, электроника ва микроэлектроника, метрология, стандарт ва сертификатлаш, автоматлаш ва бошқарув, радиотехника, информатика ва ахборот технологияси, кимёвий технология ва биотехнология, нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси, кончилик иши, агроинженерия, атроф-муҳит муҳофазаси, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, нефть ва газ саноати; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрланади: менежмент, нефть ва газ конларини қидириш, нефть ва газ геологияси, саноат иссиқлик энергетикаси, электр станциялари, электр таъминоти (соҳалар бўйича), гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш, машинасозлик технологияси, пайвандлаб ишлов технологияси ва жиҳозлари, қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлари, буг ва газ турбиналар, саноат қурилмалари ва технологик мажмуаларнинг электр юритмалари, уларни автоматлаш, физикавий электроника, микроэлектроника ва яримўтказгичли асбоблар, саноат электроникаси, метрология, стандартлаш ва сифатни бошқариш, электрон-ҳисоблаш воситалари қисмлари ва қурилмалари, техник тизимларда автоматика ва бошқарув, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаш, радиотехника. ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқлар, бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлашган тизимлари, нефть ва газни қайта

ишлаш корхоналари экологияси, нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш, нефть ва газ қудуқларини бурғилаш, Газ-нефть ҳайдовчи қувурлар ва газ-нефть сақлаш омборларини лойиҳалаш, қуриш, газ-нефть ва нефть-кимёвий жиҳозлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, маркшейдер иши, қора металлургияси, фойдали қазилма конларининг геологияси ва қидирув ишлари. Университетда 1992 йилда техник йўналишдаги лицей-интернат ва 1995 йилда гимназия ташкил этилган.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1931 йилда ўз фаолиятини бошлаган Тошкент Молия институти негизда ташкил этилган. Университетда 5 та факультет ва ихтисослашган Олий бизнес мактаби фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа), иқтисодиёт, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, суғурта иши тортиш, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиётда ахборот, менежмент, маркетинг, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимлари, бизнесни бошқариш, божхона иши, статистика, халқаро туризм; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистр**лар тайёрлайди: иқтисодиёт назарияси, меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, давлат ва маҳаллий иқтисодиёт, иқтисодиёт педагог, давлат молиясини бошқариш, кредит ва аудит, халқаро валюта-кредит тизимлари муносабатлари, солиқ ва солиққа тортиш, давлат ташкилотларида суғурта иши, аудит, иқтисодиётда ахборот, иқтисодий кибернетика, менежмент, ишлаб чиқариш воситалари маркетинги ва тижорати, товар ва хизматлар маркетинги, маркетинг, ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг, ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро бизнес, бизнесни бошқариш, божхона иши, статистика, халқаро туризм менежменти. Таълим кундузги ва сиртқи бўлимларда олиб борилади. Университет қошида иқтисодиёт ва бизнес соҳалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, ихтисослашган Олий бизнес мактаби, гимназия, республика иқтисодиёт лицейи ва касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Халқаро ўзбек-немис бизнес мактаби немис тилида юқори малакали мутахассис тайёрлашни амалга оширади.

## **ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ —**

1991 йилда Тошкент политехника институтининг архитектура ва қурилиш факультети негизда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик (қурилиш), дизайн (тасвирий агитация ва реклама асбоблари), иқтисодиёт, менежмент, геодезия, картография ва кадастр, архитектура, бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши, транспорт ва гидротехника иншоотлари қурилиши, инженерлик тармоқлари қурилиши, қурилиш ишлаб чиқариши технологияси, шаҳар қурилиши ва хўжалиги; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: тармоқлар иқтисодиёти, менежмент (қурилиш), амалий геодезия, архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши, гидротехник қурилиш, сув таъминоти, сув тармоқлари, сув ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, бинолар, шаҳар ҳудудларини ёппасига қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш, шаҳар хўжалиги иқтисодиёти, уни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш. Институт қошида 1996 йилдан бошлаб лицей фаолият кўрсатмоқда. У физика, математика, инглиз тили ва информатика фанларини чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган. Олий таълим муассасаси таркибида малака ошириш факультети мавжуд бўлиб, ОТМ ўқитувчилари учун 10 та, ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари учун 12 та фан бўйича малака ошириш йўлга қўйилган.

## **ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ —**

1972 йилда Тошкент политехника институтининг автомобил-йўллар факультети негизда ташкил этилган. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий педагогик тайёргарлик (транспорт воситларидан фойдаланиш ва уни таъмирлаш), иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, технологик машиналар ва ускуналар, ер усти транспорти тизими, транспорт воситаларидан фойдаланиш, транспорт ва гидротехника иншоотлари қурилиши, агроф-муҳит муҳофазаси; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: менежмент (транспорт), маркетинг (транспорт), автомобиллар, кўтариш-ташиш, қурилиш, йўл қуриш машиналари ва жиҳозлари, юк ташишни ташкил этиш ва транспортни бошқариш, йўл

ҳаракати хавфсизлиги ва унинг ташкили, автомобиллар ва автомобил хўжалиги, ички ёнув моторларини синаш ва улардан фойдаланиш, автомобил ва тракторлар электр жиҳозлари, автомобил йўллари ва аэродромлар, кўприklar ва транспорт тоннеллари, атроф-муҳит муҳофазаси. Таълим кундузги ва сиртқи бўлимларда олиб борилади. Институт қошида лицей, тайёрлов ва тармоқ мутахассисларни малакасини ошириш курслари фаолият кўрсатади.

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ** — 1931 йилда асос солинган, 1962 йилда халқ хўжалик институтига айлантирилган, 1991 йилда шу институт молия-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизда ташкил этилган. Институтда 6 та факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа), молия, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, сугурта иши, лойиҳалашни молиялаштириш, қимматбаҳо қоғозлар, бухгалтерия ҳисоби ва аудит; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: давлат молиясини бошқариш, кредит, солиқ ва солиққа тортиш, сармоялар молияси ва уларнинг мониторинги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, бухгалтерия ҳисоби. аудит ва фонд биржаси. Институт қошида малака ошириш институти, минтақавий бизнес маркази, тайёрлов бўлими, лицей, қимматли қоғозлар соҳасида малака ошириш маркази фаолият юритади.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ** — 1995 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Беруний номидаги Тошкент давлат университетининг самолётсозлик факультети, Киев халқаро фуқаро авиацияси университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент авиация техникуми (ҳозир коллеж) ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув-машғулот маркази асосида ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (машинасозлик), менежмент, авиасозлик ва космик техника, космик ва авиация техникасидан фойдаланиш, радиотехника, атроф-муҳит муҳофазаси; қуйидаги ихтисосликлар бўйича магистрлар тайёрлайди: менежмент, авиация электр тизимлари ва учиш маҳоратини бошқариш мажмуасидан техник фойдаланиш.

учиш хавфсизлиги ва сертификатлаш, авиасозлик, учиш аппаратлари ва моторларидн техник фойдаланиш, космик аппаратлар ва ракеталарнинг учиш ва техник комплекслари, учиш аппаратлари радио жиҳозларидан техникавий фойдаланиш, локация, навигация ва бошқаришнинг радиоэлектрон тизимлари ва қурилмалари. Институт қошида авиация ахборот технологияси бўйича илмий текшириш лабораторияси, авиация технологияси илмий-тадқиқот институти ва Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб-чиқариш авиация хавфсизлиги муаммолари бўйича ташкилотлараро илмий-тадқиқот лабораторияси ва кичик авиацияни лойиҳалаш-конструкторлик бюроси мавжуд.

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ** — 1932 йилда ташкил этилган. Институтда 6 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (енгил саноат), менежмент, технологик машина ва усқуналар, кимёвий технология ва биотехнология, синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси, матбаачилик, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси, енгил саноат маҳсулотлари технологияси; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистр**лар тайёрлайди: менежмент, тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари, пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш кимёвий технологияси жиҳозлари, матбаачилик ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари, табиий толлалар ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари, йигирув технологияси, трикотаж технологияси, ипак чувиш ва ишлаб чиқариш технологияси, тикув буюмларини режалаш, чарм буюмлар технологияси, енгил саноат маҳсулотлари технологияси педагоги.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ** — 1991 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) негизда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: шарқ филологияси (тиллар бўйича), чет мамлакатлар тарихи (шарқшунослик), Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослик, диншунослик, халқаро муносабатлар, минтақашунослик, халқаро иқтисодий муносабатлар; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **ма-**

**гистрлар тайёрлайди:** таржима назарияси ва амалиёти, шарқ филологияси, чет мамлакатлар тарихи, чет мамлакатлар тарихшунослари ва манбашунослиги, Марказий Осиё халқлари тарихи, Марказий Осиё тарихшунослиги ва тарихий манбашунослик, исломшунослик, халқаро муносабатлар, чет мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатлари, маркетингни бошқариш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ** — 1991 йилда Тошкент политехника институтининг кимё-технология ва муҳандислик-технология факультетлари негизида ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (озиқ-овқат маҳсулотлари саноати), касбий-педагогик тайёргарлик (кимёвий технология), менежмент, кимёвий технология ва биотехнология, силикат ва қийин суюлувчан материаллар технологияси, нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси, синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси, камёб, нодир ва тарқоқ металлар технологияси, ёғ-мой технологияси, шакар ва бижғиш маҳсулотлари технологияси, гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси, дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси, атроф-муҳит муҳофазаси; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: менежмент, аорганик моддалар ишлаб чиқариш кимёвий технологияси, керамика ва оловбардош буюмлар кимёвий технологияси, органик маҳсулотлар кимёвий технологияси, юқори молекулали бирикмаларнинг кимёвий технологияси, ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш технологияси, виночилик технологияси, спирт технологияси, консервалаш технологияси, атроф-муҳитни муҳофазалаш. ОТМ қошида лицей мавжуд.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ** — 1998 йилда Тошкент давлат педагогика институти (1935) негизида ташкил этилган. Университетда 10 факультет фаолият кўрсатмоқда. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, география, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда), рус ти-

ли ва адабиёти, рус тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда), чет тили (инглиз тили), туркий тиллар ва адабиётлар (қozoқ тили), шарқ тиллари ва адабиётлари (корейс тили), касбий таълим (соҳалар бўйича), чақирикқача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, бошланғич таълим ва тарбиявий иш услубияти, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, дефектология, педагогика ва психология, мактабгача ва оилавий таълим, касбий-педагогик тайёргарлик; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: математика, информатика, физика, астрономия, кимё, биология, география, чизмачилик, тасвирий санъат, амалий санъат, тарих, ўзбек тили, ўзбек адабиёти, рус тили, рус адабиёти, қozoқ тили, қozoқ адабиёти, корейс тили, касбий таълим, бошланғич таълим, мусиқий таълим, сурдопедагогика, логопедия, олигофренопедагогика, педагогика, психология, мактабгача таълим, оилавий таълим. Университет қошида 1995 йилда педагогик-лицей очилди. Унга 9-синфни битирувчилар тест асосида қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — 1967 йилда ташкил этилган. Институтда 5 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: математика ва информатика, кимё, биология, география, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тили (инглиз тили), туркий тиллар ва адабиётлар (қozoқ тили), касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, мусиқа таълими ва эстетик тарбия.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ 1- ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ** — 1990 йилда Туркистон халқ университети тиббиёт факультети асосида 1991 йилда Ўрта Осиё медицина институти ташкил топади. 1935 йилда Тошкент давлат медицина институти деб номланади. 1990 йилда шу институт негизида ташкил этилган. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (шифокорлик), даволаш иши, стоматология; Урганч филиалида: даволаш иши, педиатрлик иши (умумамалий педиатр). Ўқиш 3 босқичли: 1- босқич 5- курсдан, 2- босқич 6-7- йиллик ўқувдан иборат; 3- босқич — магистратура.



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ 2- ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ** — 1990 йилда Тошкент давлат медицина институти негизда ташкил этилган. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (тиббий-педагогик иш), даволаш иши (умумамалий шифокор), тиббиёт-профилактика иши (санитария умумамалий шифокор); Фарғона филиали: тиббиёт-профилактика иши (санитария умумамалий шифокор).

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ** — 1975 йилда Тошкент давлат болалар тиббиёт институти негизда ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (шифокорлик), педиатрлик иши (умумий педиатр); Нукус филиалида: даволаш иши (умумамалий шифокор), педиатрлик иши (умумий педиатр). 1997 йилда тиббиёт лицейи очилган.

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ** — 1937 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг айрим кафедралари негизда ташкил этилган. Институтда агробιοтехнология факультети фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: доришунослик (фармация), тайёр доривор маҳсулотлар ва фитопрепаратлар технологияси, доривор ўсимликлар парвариши ва экологияси.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ** — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти 1974 йилда ташкил этилган. Институтда 3 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик, халқ бадиий ижоди, кутубхонашунослик ва библиография, ижтимоий-маданий фаолият.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ** — 1936 йилда ташкил этилган. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: чолғу асбоблари ижрочилиги (музиқа асбоблари бўйича), вокал ижрочилиги санъати, дирижёрлик, композиция, музикашунослик, музикаий овоз режиссёрлиги, касбий педагогик тайёргарлик (санъат ва маданият).

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти 1945 йилда Тошкент давлат театр санъати институти сифатида ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: актёрлик санъати, мусиқали драматург йўналиши, драма режиссёрлиги, кино-телевидение санъати, санъатшунослик.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ** — 1997 йилда ташкил этилган. Олий мактабда 1 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналиш бўйича **бакалавр** тайёрлайди: хореография санъати.

**ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ** — 1955 йилда ташкил этилган. Қуйидаги ихтисосликлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: менежмент, телекоммуникациялар, касбий-педагогик тайёргарлик (радиоэлектроника ва телекоммуникация), почта хизмати, информатика ва ахборот технологияси. Институт қошида лицей-интернат ва касб-ҳунар коллежи мавжуд, шунингдек, чет эллик талабаларни ўқитиш факультети фаолият кўрсатади.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ** — 1991 йилда Тошкент давлат университетининг юридика факультети негизида ташкил этилган. Институтда таълим 3 йўналишда олиб борилади. Қуйидаги йўналиш бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: ҳуқуқ; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи.

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ** — 1931 йилда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик (инженерлик коммуникациялари қурилиши), иқтисодиёт (соҳалар бўйича), менежмент (темир йўл транспорти), электроэнергетика, ер усти транспорт тизими, транспорт воситаларидан фойдаланиш (темир йўл транспорти), электротехника, электромеханика ва электротехнология, автоматлаш ва бошқарув, телекоммуникациялар, бинолар ва саноат иншоотлар қурилиши, транспорт ва гидротехника иншоотлари

қурилиши, инженерлик тармоқлари қурилиши. Институт қошида лицей-интернат мавжуд.

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ** — 1920 йилда факультет сифатида мавжуд бўлган. 1924 йил меллиорация муҳандислиги факультети негизда Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти сифатида ташкил этилади. 1931 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтига айлантирилади. 1934 йилда Ўрта Осиё ирригация муҳандислари ва техникалари институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш институти номи билан аталган. Шу йилдан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига айлантирилади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: менежмент, иқтисодиёт, электроэнергетика, геодезия, картография ва кадастр, атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича), ер тузиш ва ер кадастри, агроинженерия, сув хўжалиги ва мелиорация, қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси, гидроинженерия, фермер хўжалиги ташкилий ва техникавий сервиси, касбий педагогик тайёргарлик (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги). Институтда «ИнтернешнлхаузТошкент» лицейи мавжуд.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ** — 1991 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (1930) негизда ташкил этилган. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: иқтисодиёт, агрокимё ва агротупроқшунослик, агрономия, мева ва сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипақчилик, зоотехния, ўрмончилик иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, касбий-педагогик тайёргарлик (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги), қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси.

**ТРЕНАЖЕР** (инг. train — машқ қилдирмоқ, ўргатмоқ) — ўқув-машқни моделлаштирувчи қурилма, ўқув натижалари қўлланадиган фаолиятнинг муайян жараёнида техникавий ва бошқа воситалар билан амалий муомала қилишда ўқув ва малакалар ҳосил қилиш учун таълим жараёнида (учувчилар, космонавтларни тайёрлашда, транспорт ҳайдовчиларини

ўқитишда) фойдаланилади, шунингдек, спорт маҳоратини яхшилаш ва жисмоний соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида муҳассаса машқларни бажаришда қўлланади.

**ТРЕНИНГ** (инг. training) — махсус мунтазам машқ, муайян ўқувлар, малакалар ва ҳар икковини қўшган ҳолда шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган аввалдан ишлаб чиқилган усул бўйича ўқитиш.

**АХЛОҚ ТУЗАТИШ-МЕҲНАТ ПЕДАГОГИКАСИ** — педагогика соҳаси, асосан тузатиш-меҳнат муассасаларида ҳуқуқбузарларни тузатиш ва қайта тарбиялашнинг шароитлари ҳамда ўзига хос томонларини (шундай шахсларнинг интеллектуал ва шахсий хусусиятлари, ахлоқ тузатиш муассасаларида бўлишга уларнинг кўникиш жараёнларини, меҳнатга ижобий муносабатда бўлишни тарбиялаш усуллари, тузатиш қоидаларини шакллантиришни) ўрганади. Илмий тадқиқот натижаларидан ҳукм қилинганларга ижтимоий-педагогик таъсир этиш тизимини, ҳуқуқбузарларни қайта ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик тавсиялар, уларда озод этилганлардан сўнг одатдаги ҳаётга психологик тайёргарликни яратишда, шунингдек, оғир жиноятларнинг олдини олишда фойдаланилади. Замонавий ахлоқ тузатиш-меҳнат педагогикасининг ривожланиш йўналиши инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда жазони ўташ жараёнини инсонпарварлаштириш, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари учун ваколатли педагог ходимлар тайёрлаш, ҳукм этилганларни қайта тарбиялаш жараёнига жамоатчилик ташкилотлари (шу жумладан, хайрия, диний ташкилотларни) кенг жалб этиш билан боғлиқдир.

**ТУЗИЛИШ** — 1) объектнинг, уни яхлитлигини таъминловчи барқарор алоқалари мажмуи; тузилиш, ички қурилиш, қўшилиш; ижтимоий тузилиш — ижтимоий гуруҳларнинг муносабатларига асосланган ижтимоий тизим унсурлари ўртасидаги барқарор ва тартибга солинган алоқалар мажмуи; ахборот тузилиши — ОАВ ва улар ички бўлинмаларининг мажмуи; 2) тижорат ва баъзи бир бошқа муассаса ва ташкилотларга тадбиқан қўлланадиган термин.

**ТУРКУМ** — 1) муайян вақт оралиғидаги даврда ривожланишнинг тугалланишини яқунловчи ҳодисалар, ишлар, жараёнларнинг мажмуи, масалан, ишлаб чиқариш даври, ҳаёт ва б. даври; 2) *педа-*

гогикада, бир таълим йўналишидаги фанлар, илмларнинг муайян гуруҳи ва фанлар мажмуи (гуманитар ва табиий илмий туркум фанлар). Касбий тайёргарлик ўз ичига умумтехникавий, умумкасбий (соҳавий) ва касбий даврларни олади.

**ТУРКУМ НАШРЛАР ХАЛҚАРО СТАНДАРТ РАҚАМИ** (ISSN — International Standard Serial Number) — ҳарфли-рақамли код, унинг ёрдамида туркум нашрлар индентификацияланади; нашрнинг қайд этиш рақами ҳисобланади ва ҳар бир навбатдаги нашрга, сонга, жилдга қўйилади. ISSN аббревиатурасидан иборат, одатда, саккиз рақамли.

**ТУРМУШ БИЛАН АЛОҚА** — таълим ва тарбиянинг мазмунини иқтисодий ислоҳотлар, демократлаштириш жараёни билан боғлаш воситасида, шунингдек, политехника таълими ва таълим ҳамда тарбияни самарали меҳнат билан бирлаштириб амалга ошириладиган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тамойили. Таълим жараёни ҳаёт билан яна ташкилий шакл ва усуллар орқали боғланади: ижтимоий фаолият ва меҳнатни ташкил этиш билан танишиш ҳамда меҳнат жараёнларида қатнашиш, замонавий фан билан танишиш.

**ТУРМУШНИНГ СИФАТИ** — ижтимоий-иқтисодий категория, «турмуш даражаси»нинг умумлашган тушунчаси; ўз ичига фақат моддий неъматларни истеъмол этиш даражасинигина эмас, балки маънавий, шу жумладан, таълим, соғлиқ, умрнинг узоқлиги, инсонни ўраб турган муҳит шароити, ахлоқий-руҳий муҳитни ҳам олади.

**ТУШУНИБ ЁДЛАШ** — материал қисмлари ўртасидаги ички мантиқий боғлиликни тушунишга асосланган ёдлаш; асосан боғлиликни умумлаштирувчи иккинчи сигнал тизимига таянади. Тушуниб ёдлаш қуруқ ёдлашдан анча самарали эканлиги исботланган, чунки у инсондан камроқ вақт сарфлашни ва кўпроқ фаолликни талаб этади.

**ТУШУНИШ** — ниманингдир моҳияти ва аҳамиятини тушуниш қобилияти ва шу туфайли эришилган натижа. Ўқувчининг материални талқин этиши (тушунтириши, қисқача баён қилиши) ёки воқеаларнинг келгусидаги бориши ҳақидаги

таклифи тушунишнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Ўқувнинг бундай натижалари материални қуруқ ёдлашдан устун туради.

**ТУШУНТИРИШ** — ўқувчи онгига вербал (сўзлар ёрдамидаги) таъсир усули, онгга мурожаат этиш йўли билан онглиликни шакллантириш, ҳаётий вазиятларни тушунишда ёрдам кўрсатиш; у ўқувчиларда ахлоқий-эстетик тушунчалар ҳосил қилиш имконини, улар ҳулқ-атвори ва ахлоқий танловига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишни таъминлайди.

**ТУШУНТИРИШ** — илмий исботлашнинг асосий усули, илмий тушунчалар ва қондаларнинг шаклланиши, қонунлар ва қонуниятларни ўрганиш; ўрганилаётган объект моҳиятини очиб беришдан иборат бўлган илмий билиш функцияси. Тушунтириш, демак, озми-кўпми чалкаштирилган нимагадир равшанлик киритиш, бунга сабаб ёки шартларни, мақсадларни аниқлаш йўли билан, нимадир нега ва нима учун айти шундай эмас бошқача эканлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Таълимнинг бу усулидаги энг асосий нарса — мулоҳазаларни илмий исботлаш мантиқи. Тушунтириш материалнинг мазмунини чуқур билишни, дарс учун материал танлай билиш уқувини, уни баён қилишнинг мантиқий шакл ва услубини белгилашни кўзда тутади; ўқувчилардан эътиборни бир нуқтага тўплашни, уларни эшитиш ва тушунишни хоҳлашларини талаб этади.

**ТУШУНЧА** — идрок этилаётган ҳодисанинг чуқур, моҳиятли томонларини акс эттиришга қобил тафаккур бирлиги; унинг ёрдамида турли нарсалар, хоссалар, муносабатлар уларнинг муҳим белгилари орқали инсон онгида акс этади, яъни тушунча объектни акс эттириш натижасидир. Тушунчанинг моҳияти, бу — онгда акс эттирилаётган объект муҳим белгиларининг йиғиндиси, булар онгда шундай фарқланиши ва қайд этилиши керак, токи мазкур объект ушбу белгилар асосида қолган барчасидан имкони борича осон фарқлансин. Тушунча сўз ва сўз бирикмаларида мустақамланиб, инсоният тўплаган билимларни жамлайди ва сақлайди, уларни кўплаб авлодларнинг мулкига айлантиради. Психологияда тушунчанинг икки тури фарқланади: ҳаётий ва илмий. Ҳаётий тушунча (уй, дарахт, китоб ва ҳ.к.)ни болалар амалий тажрибасида орттиради; илмий тушунчага эса таълим жараёнида эришиллади. Тушунчага эга бўлиш онгли, идрокланган тарзда бўлиши учун педагог материал-

нинг моҳияти, мазмундорлиги ва кўргазмалилиги ҳақида қайғуриши лозим. Тушунчанинг сўздаги ифодасини ўзлаштириб, ўқувчи олган билимларини ўқиш ва ҳаётий топшириқларни турли шароитларда ечишда қўллашни машқ қилиш имконига эга бўлиши лозим.

**ТУШУНЧАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ** — тушунча таҳлилини, унинг дефиницияси ва ифодасини ўз ичига олган тушунчани белгилашнинг илмий усули. Тушунчанинг шаклланиши икки асосий босқичдан иборат: биринчисида инсон муҳим тавсифларни пайқайди, иккинчисида эса тавсифларнинг мантиқий боғлилигини идрок этади. Когнитив (идрокий) ривожланишда тушунчанинг шаклланиши тафаккурнинг шаклланиш босқичи ва унга мос келадиган таълим стратегияси ҳисобланади, бунда ўқувчилар ўқиш-билиш фаолияти жараёнида қаралаётган масалалар, мавзуларга тааллуқли маълумотлар (нарсалар, ҳодисалар, хоссалар)ни аниқлайди ва ҳисоблайди; бу маълумотларни уларнинг айрим умумийлиги, ўхшашлиги асосида гуруҳлайди; категориялар ва мазкур категориялар учун ном (атама) яратади. Ҳозирги кундаги таъкидлашларга кўра тушунчанинг шаклланиши инсоннинг тўлиқ измида эмас: кўпчилик тадқиқотчилар жониворлар ҳам мавҳум фикрлашга қобилдирлар деб ҳисоблайди. Бундан ташқари компьютерда содир бўладиган ахборот жараёнларининг нисбати ва инсондаги тушунчанинг шаклланиши *сунъий интеллект*ни ўрганишнинг муҳим ва-зифаси бўлиб қолди.

**ТЮТОР** (инг. tutor — раҳбар, етакчи, таълим муассасасидаги тарбиячи) — 1) таълим олувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларига умумий раҳбарликни амалга оширувчи педагог; айрим университетлардаги ўқитувчилик лавозими. Индивидуал режа ва ахборот манбалари билан мустақил ишлаш бўйича ўқув фаолиятига катта эътибор қаратиладиган таълим муассасаларида тюторликдан амалда фойдаланилади; 2) талабанинг индивидуал илмий раҳбари.

**ТЎТАРАК СТОЛ** — ўқув мунозараси, суҳбат шакллари билан бири, бунда «тенглик» асосида унча катта бўлмаган ўқувчилар гуруҳи (одатда 4-5 нафар) қатнашади ва ҳам улар ўртасида, ҳам улар билан «аудитория» (ўқув гуруҳининг қолган қисми) ўртасида фикр айирбошлаш амалга оширилади.

**ТЎЛА БАНДЛИК** — мамлакатнинг меҳнатга қобил барча аҳолисини ишга бўлган талабини қондириш учун етарлича миқдорда бўлган иш ўрнининг мавжудлиги, давомий ишсизликнинг амалда йўқлиги, ишлашни хоҳловчиларга уларнинг касб йўналишларига, маълумотига, иш тажрибасига мувофиқ келадиган иш ўрнини бериш имконияти.

**ТЎЛАҚОНЛИ ЭМАСЛИК МАЖМУИ** — *психологияда*, психопатологик синдром, бу инсоннинг ўз шахси тўлақонли эмаслигига бўлган қатъи ишончидан иборатдир. Индивиднинг ўз чекланган камчиликларини ҳис этиши унда тўлақонли эмаслик ҳақидаги ҳиссиётни уйғотади; нуқсонни йўқотишга ноқобиллик ёки турмушдаги вазиятни бартараф эта олмаслик ва шу билан ўз тўлақонли эмаслиги устидан ғолиб чиқа олмаслик буларнинг барчасини тўлақонли эмаслик мажмуига айлантиради.

**ТЎПЛАМ** — нашр, бир ёки бир неча муаллифнинг бир қатор асарларини, шунингдек, турли расмий, илмий ва ахборот материалларини ўз ичига олади. Тўплаларда халқ таълими ва педагогика фанлари муҳим муаммолари муҳокама этилган илмий конференциялар, симпозиумлар, кенгашларнинг материаллари нашр қилинади.

**ТЎХТАЛИБ ҚОЛИШ** — *психологияда*, нерв марказлари фаолияти тўхталиб қолишига олиб келувчи қўзғалишлар билан боғли фаол, ажралмас жараён. Педагогикада интеллектуал тўхтаб қолиш салбий аҳамиятга эга: у ўқишга бўлган лаёқатни сусайтиради ва ялқовлик, хаёлпарастлик, паришонхотирлик, қайсарликда намоён бўлади. Тарбиявий ишдан мақсад ана шундай нохуш тўхтаб қолишни бартараф этишдан иборатдир.

## У

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ** — инсон бутун ҳаёти мобайнида олиши мумкин бўлган таълим. Узлуксиз таълим деганда, унинг ривожланиши тугамаслиги, тадрижий боғли бўлган бир неча босқичларга бўлиниши, ҳар бир босқич янги, анча юқори даражадаги босқичга ўтиш учун имкон яратиши тушунилади.



**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ** — таълим амалиётини ривожлантиришга қаратилган нуқтаи назарларнинг замонавий муқобил тизими; инсоннинг ўқиш фаолиятини ис-талган ёшда унинг турмуш тарзининг ажралмас ва табиий таркибий қисми сифатида таъкидлайди. «Узлуксиз таълим» концепцияси биринчи марта ЮНЕСКОнинг форуми (1965)да йирик назарийчи П. Ленгранд томонидан тақдим этилган. Таклиф этилган талқинга барча таълимларнинг марказига инсонни қўювчи гуманистик ғоя сингдирилган бўлиб, бутун ҳаёти мобайнида унга ўз қобилиятини тўлиқ ривожлантиришига шароит яратиш лозимлиги таъкидланади; инсоннинг ҳаёт босқичларига янгича қаралади; ҳаётни анъанавий тарзда ўқиш ва меҳнат қилиш даврига бўлиш баргараф этилади. Назарий ишланмалар жаҳондаги таълим миллий тизимларини ислоҳ қилиш учун асос бўлди.

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ** — ягона таълим тизими, таълимни шахс ижодий имкониятларининг мунтазам ривожланишини таъминловчи бир умрлик жараён сифатида талқин этади ва унинг маъновий дунёсини ҳар томонлама бойитади. Тизим шахснинг ривожланиш жараёнини, «пиллапоя» тарзида унинг қарор топишини тасаввур этиш имконини беради, «пиллапоя»нинг ҳар бир поғонаси инсоннинг ўз таълим жараёнида янада юқори даражага эришишга томон тадрижий ҳаракатини англайди.

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ** — мактабнинг бирбутунлик тамойилини қуйидан то юқоригача барча таълим муассасаларига тааллуқлилиги; инсоннинг бутун ҳаёт йўли мобайнида давом этадиган ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўз таълим даражасини ёши улғайганда иш даврини ташкиллаштирилган ўқув фаолияти даври билан навбатма-навбат мунтазам ошириб бориш.

**УЗОҚ МУДДАТЛИ ХОТИРА** — хотира кичик тизими, билимни узоқ муддат сақлашни, шунингдек ўқув ва малакани сақлашни таъминлайди ҳамда сақланаётган ахборот ҳажмининг катталиги билан тавсифланади. Одатда, тақрорлаш узоқ муддатли хотирага маълумотларни киритиш ва уларни қайд этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бироқ, кўпинча механик тарзда тақрорлаш барқарор узоқ муддатли хотирлаб қолишга

олиб келмайди; янги материалнинг идрокланган талқини, у билан субъектга аввал маълум бўлган маълумот ўртасида алоқа ўрнатиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**УЙҒУНЛАШИШ, ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* — тиклаш, тўлдириш) — қуйидаги натижаларга эга жараён ёки ҳаракат: 1) бирор қисмлар, унсурларнинг яхлит бўлиб бирлашиши, бирликнинг тикланиши; 2) *иқтисодда*, иқтисодий субъектларнинг бирлашиши, улар ўзаро муносабатининг чуқурлашиши, улар ўртасидаги алоқанинг ривожланиши; 3) *педагогикада*, бир неча таълим муассасасининг ҳар бири ўз вазифасини мустақил бажарган ҳолда қўшилиши, лекин биргаликда бошқарилади, шунингдек таълим ягона инфратузилмасидан фойдаланиш (ташқил этилган даражада уйғунлашиш).

**УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ДАРС, БИНАР ДАРС, ҚЎШИЛГАН ДАРС** — дарснинг алоҳида тури, бунда икки ёки ундан ортиқ фанлар (масалан, математика ва информатика) ўзаро боғлиликда ўрганилади; бундай дарсларни бир фан материални билиш бошқа фандаги жараён, ҳодисани ўрганишда тушуниш учун зарур ҳолларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Уйғунлаштирилган дарсни, одатда, бир-бирига боғли фанлардан икки ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси ва махсус фан ўқитувчиси олиб боради.

**УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН КУРС** — турли фанларни ягона ўқув фанида ўрганишни бирлаштирувчи ўқув курси.

**УЙҒУНЛАШТИРИШ** — бир хиллиликни ўрнатиш, ҳужжатлар, қисмлар, заҳира қисмлар, ускуналар, хизматларни ягона шаклга келтириш стандартлаштириш усулларидан бири.

**УМУМЖАҲОН МУЛТИМЕДИА МУҲИТИ** (инг. *WWW* — *World Wide Web*) — телекоммуникация тармоқлари асосида ахборот таъсири турларидан бири; ажратилган сўзлар ва тасвирлар бўйича ахборот(товуш, видео, виртуал реаллик унсурлари ва б.)ни излаш ва тақдим этиш имконини беради, шунингдек, *INTERNET* ресурсларига осон кириб боришни таъминлайди.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ** — умумий ўрта таълим зарур ҳажмдаги билимларга замин яратади, мустақил фикрлаш малакасини ривожлантиради, ташкилотчилик қобилияти ва амалий

тажрибани юзага келтиради, бошланғич касбий йўналишни ва таълимнинг кейинги босқичини танлашга кўмаклашади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими негизи ҳисобланади.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ (УЎТДТС)** — таянч меъёрий ҳужжат, таълим мазмунини, ўқувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, таълим сифатини назорат қилиш, шакл, усулларини белгилаб беради. УЎТДТС ўқув режалари, ўқув фанлари программалари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тузиш учун асос ҳисобланади.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ УМУМТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИ** — давлат томонидан тайёрланган ҳужжатлар, шахсни ривожлантириш ва унда умумий маданиятни шакллантиришга, жамиятдаги ҳаётга мослаштиришга касб-хунар таълими программаларини онгли равишда танлаш ва ўзлаштириш учун асос яратишга йўналтирилган асосий умумий таълим мазмунини белгилайди.

**УМУМИЙ ВА АЛОҲИДАНИНГ ДИАЛЕКТИК БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ** — илмий педагогик тадқиқотларни ташкил этиш тамойили, шахс ва индивидуалликнинг шаклланиш муаммоларини ақс эттиради. Педагогикада умумий таълим, умумий фуқаровий сифатларни тарбиялаш, ахлоқий онг, хатти-ҳаракатдаги малакалар ва одатларнинг муаммолари билан шуғулланади, булар барча кишиларга меъёрий ижтимоий ҳаёт фаолияти учун зарурдир. Шу билан бирга педагогикада асосий эътибор индивидуал хусусиятларни ривожлантириш муаммоларига қаратилади: руҳий жараёнларнинг ўзига хос бориши; интеллектуал ва жисмоний қобилиятлар, иқтидор ва мойиллик, хусусият барчасининг мажмуи.

**УМУМИЙ МАДАНИЯТ** — инсоният жамияти эришган ютуқлар мажмуи, буларга ҳар ким касбий машғулоти тавсифидан қатъий назар эга бўлиши лозим; термин индивиднинг ижтимоий, интеллектуал, маънавий ривожланиш даражасини тавсифлаш учун қўлланади. Умумий маданият тушунчаси ўз ичига, шунингдек, ахлоқий-хулқий ва бадиий-эстетик тажрибани ҳамда шахслараро мулоқот ва ижтимоий ўзаро ҳаракат тажрибасини олади.

**УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ** — психологиянинг соҳаси, психологиянинг методологияси муаммоларини ишлаб чиқиш ва тарихини ўрганиш унинг вазифасига киради, психик ҳодисалар пайдо бўлиши, ривожланиши ва мавжудлигининг энг умумий қонуниятларини тадқиқ этиш назарияси ҳамда усулларини ўз ичига олади; билиш ва амалий фаолиятни ўрганади. Психология фанининг барча соҳалари ва қисмларининг фундаментал асоси бўлиб, умумий психология соҳасидаги тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

**УМУМИЙ ТАЪЛИМ** — жамият барча аъзолари учун улар ихтисослашган машгулотлари туридан қатъий назар зарур бўлган таълим; атроф-муҳитни тушунишга ва унда ҳаракатланишга қобилликдан иборат қоидалар, билимлар ва уқувлар мажмуи сифатида тавсифланади. У ўз ичига ижтимоий-маданий тажрибанинг шундай қисмини оладики, буни ҳар бир киши ҳаётдан тўлақонли равишда қаноат ҳосил қилиши учун талаб этиладиган меъёр ва даражада фуқаро, шахс, индивид сифатида ўзлаштириши лозим. Умумий таълим инсонни унинг ҳаётидаги турли даврларда бирга кечувчи жараён сифатида юқорилаб борадиган босқичнинг тадрижий қаторидан юзага келади, бунинг умумий ўзаги бўлиб, ижодий имкониятнинг мавжуд ижтимоий-маданий тажрибани ўз улуши билан бойитишга имкон берадиган даражага қадар ривожлантиришга хизмат қилади. Умумий таълим таълим программаларининг даражасига мос келувчи икки босқични ўз ичига олади: бошлангич ва умумий ўрта маълумот. Умумий таълим қатнашувчиларнинг фанлар ёки фанлар гуруҳини, айниқса, (лекин мажбурий эмас) кейинги (қўшимча) таълимга тайёрлаш мақсадида худди шу ёки анча юқори босқичда анча чуқур тушунишга йўналтиради. Мазкур программаларни муваффақиятли тугаллаш меҳнат бозорида талаб этиладиган малакани беришга имкон яратади. Умумий таълим кўпинча расмий таълим бўлиб, мактаб негизида берилади, лекин гайрирасмий воситалардан фойдаланиши мумкин.

**УМУМИЛМИЙ ТАЙЁРГАРЛИК** — умумтаълим программасида ажратилган вақт, бу вақт ўзлаштиришга, қоидага қўра мустақил умумилмий фанларни эмас, балки табиий илмий мазмундаги бошқа фанлар қисмларига киритилганларни ўрганишга қаратилган.

**УМУМКАСБИЙ (ТАРМОҚ) ТУРКУМ, УМУМКАСБИЙ ЎҚУВ ФАНЛАРИ** — фанлар мажмуи, уларнинг мазмуни тармоқлараро таснифдаги фаолиятнинг муайян турига ёки муайян тармоқ касбларига (ишлаб чиқариш турларига) йўналтирилган бўлади. Ўқув режаларини лойиҳалашда касблар қоидага кўра техника, технологик ёки функционал асосида гуруҳга бирлаштирилади, бундан умумкасбий туркум ўз ичига касбий тайёргарликнинг айна шу жиҳатларининг инвариантини очиб бевучи фанларни олади.

**УМУМКАСБИЙ БИЛИМЛАР** — муайян соҳа ишлаб чиқариш технологияси асосида ётувчи техника ва тамойиллар таснифларининг умумий асослари ҳақидаги билимлар; материаллар таснифи ва уларни олиш усуллари ҳақидаги, стандартлаштириш, ўлчаш техникаси ва маҳсулот сифатини баҳолаш ҳақидаги, иқтисод, экология, меҳнатни ташкил этиш ҳақидаги, янги техника ва ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги билимлар.

**УМУМЛАШТИРИШ** — ўрганилаётган нарсалар, далиллар, жараёнлар, мавжуд ҳодисаларни ажратиш ва уларнинг муҳим хусусиятларини бирлаштириш жараёни; айрим далиллар, ҳодисалардан уларни айнийлаштиришга фикрлан ўтиш; бир фикрдан бошқа анча умумий фикрга ўтиш. Умумлашган билимни олиш борлиқ моҳиятига чуқур кириб бориш дегани.

**УМУМТАЪЛИМ ПРОГРАММАСИ** — шахсда умумий маданиятни шакллантириш вазифасини, шахснинг жамиятдаги ҳаётга мослашишини ҳал этишга, касб-ҳунар таълими программасини онгли равишда танлаш ва ўзлаштириш учун асос яратишга йўналтирилган программа. Қуйидаги программалар умумтаълимий ҳисобланади: мактабгача таълим, бошланғич ва умумий ўрта таълим.

**УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ** — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бу фанлар мактабда олинган умумий таълимни кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Бу фанларнинг вазифаси, мазмуни ва ҳажми, қоидага кўра ихтисосликлар гуруҳи учун умумийдир.

**УНИВЕРСАЛ ЎНЛИК ТАСНИФИ (УЎТ)** — халқаро, универсал, жаҳон амалиётида кенг тарқалган таснифлаш тизими, ҳужжатларни тизимлаштириш учун қўлланади. У қисқа, аниқ

ва шу билан бир вақтда ҳужжатнинг асосий мазмунини ифода-ловчи етарлича ахборот олишга имкон беради. КБТ (қ. *Кутуб-хона-библиография таснифи*) билан бирга педагогик адабиётларни, шунингдек, тармоқларда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларини таснифлашда фойдаланилади. “Ўнлик таснифи” асосида Д. Дюи томонидан 1963 йилда тузилган, мамлакатимизда аниқ табиий ва техникавий фанлар бўйича нашрларни таснифлаш ягона тизими сифатида фармойиш асосида жорий этилган.

**УНИВЕРСИТЕТ** (нем. *Universität*, лот. *universitas* — мажмуа) — олий таълим ўқув муассасаси, назарий-илмий тадқиқотлар олиб бориш йўли билан таълимни, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳамда олий, ОТМдан кейинги, қўшимча таълим барча даражаларида табиийилмий, гуманитар ва фан, техника ҳамда маданиятнинг бошқа йўналишларида кенг соҳа бўйича ўқитишга йўналтирилган. Университет таълимни ривожлантиришнинг етакчи маркази ҳисобланади, илмий билимларни тарқатишга кўмаклашади, аҳоли ўртасида маданий-маърифий фаолиятни амалга оширади. ХТСТ (Халқаро таълим стандарти таснифи) доирасида университет терминининг аниқ ифодаси учрамайди, чунки таълим муассасаларининг диверсификацияси бўйича университет ва университет бўлмаган таълим ўртасидаги чегара тобора йўқолиб бормоқда.

**УНИКУМ** (лот. *unicum* — ўзига хос ягона, ғайритабиий) — 1) қандайдир муносабатларда ғайритабиий, мутлақо ўзига хос бўлган киши (20- аср ўртаси); 2) камёб, ниманингдир ягона ўзига хос нусхаси.

**УНУТИШ** — руҳий жараён, хотирлашнинг мумкин эмаслиги ёки янглиш тарзда эслаш, хотирада ўқув материалининг аниқ сақланмаслигига олиб келиш, эсланаётганнинг ҳажми, айниқса бўлак ва қисмларда камайишига, уларни қайта тиклаётганда хаголикка йўл қўйишда намоён бўлади. Айрим ҳолларда унутиш инсоннинг аввалги тажрибасидагиларни эслаш ва билишнинг тўлиқ мумкин эмаслигига олиб келади. Унутишнинг тезлиги материалнинг ҳажми ва уни ўзлаштиришнинг қийинлик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ; уни бартараф этиш усулларида бири бўлиб, такрорлаш ҳисобланади. Умуман унутиш даражаси ўзлаштирилган билим-

лар ва улардан амалий мақсадларда, кейинчалик ўқув фаолиятида фойдаланиш тўлақонлилигига боғлиқдир.

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — Ал Хоразмий номидаги Урганч давлат университети 1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Хоразм давлат педагогика институти негизда ташкил этилган. Университетда 6 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, педагогика ва психология, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, касбий педагогик тайёргарлик (қурилиш), касбий педагогик тайёргарлик, амалий безак санъати ва халқ ҳунаромандчилиги, ўзбек филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, француз тили, славян филологияси, тарих, иқтисодиёт, биология, физика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, технологик машиналар ва жиҳозлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш, информатика ва ахборотлар технологияси, кимёвий технология ва биотехнология, архитектура, биолог ва саноат иншоотлари қурилиши, тупроқшунослик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси. Университет қошида минтақавий тил маркази фаолият кўрсатмоқда.

**УСЛУБ** — 1) муайян қонуниятларга асосланган усул, ҳаёт ва ҳаракат тарзи. Шу маънода ижодий услублар ҳақида (Алишер Навоий даври услуби), маданият услуби ҳақида, айрим буюк шахсларнинг яшаш услуби ҳақида сўз боради; 2) ёзувчининг индивидуал ифодаси.

**УСТАВ** — қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва тасдиқланган ҳужжат, юридик шахслар (ташкилотлар, корхоналар, акциядорлик жамиятлари) амал қиладиган низомлар, қоидалар мажмуи, унинг тузилиши, қурилиши, фаолият тури, бошқа шахслар давлат идоралари билан муносабати, ҳуқуқи ва мажбуриятини белгиладий.

**УСТАЛИК** — ихтисослашган фаолиятнинг муайян турини эгаллаганлик юқори даражаси; ишни чуқур тушунишнинг са-

марадор ва оқилона ҳаракатларини амалга ошириш укувини ривожлантириш билан қўшиб олиб боришга асосланади.

**УСУЛЛАР КЎРСАТИШ** — ишлаб чиқариш таълими усули, унинг мақсади — ўқувчилар онгида меҳнат ҳаракати ҳақида аниқ ва равшан қўз билан кўриш мумкин бўлган образни яратишдан иборат. Ўқувчилар бу билан ўз ҳаракатларини ишларнинг тегишли усул ва йўсинларини ишлаб чиқариш жараёнида қиёслайдилар.

**УЯТ** — ўз ўй-фикри, хулқ-атвори ва ташқи қиёфасини фақат атрофдагиларнинг кутганларигагина эмас, балки меъёрий хулқ-атвор ва ташқи қиёфа ҳақидаги ўз тасаввурига ҳам мос эмаслигини идроклашда намоён бўладиган салбий ҳолат. Бундай кечинмалардан ўзни олиб қочишга интилиш ўз-ўзини такомиллаштириш, билим ва уқувларни эгаллаш, лаёқатни ривожлантиришга йўналтирилган хулқ-атворнинг кучли мотиви ҳисобланади.

**УҚДИРИШ** — индивидуал тажриба орттириш жараёни ва натижаси (топшириқларни самарали бажариш, муаммоларни ҳал этиш жараёни, мақсадга эришиш технологиясини эгаллаш). Уқдириш ўқитишдан фарқ қилади, у билиш мотивлари ва ҳаракатлари йўналтирадиган фаолият мобайнида тажриба орттириш сифатида тавсифланади. Уқиш йўли билан ҳар қандай тажриба (билим, уқув ва малака)га эга бўлиш мумкин.

**УҚИБ ОЛИШ** — билимни ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган иш тури, машғулотларда ва амалиётда қўллаш мақсадида кейинчалик тиклаш учун ўқув материални хотирага жойлаб олиш.

**УҚУВ** — ўзлаштирилган билимлар ва эгалланган малакалар асосида муайян ҳаракатларни тез, аниқ ва онгли тарзда бажариш лаёқати. Уқув ҳамиша билимларни амалиётда ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида қўллаш билан боғлиқдир. Уқув машқ қилиш йўли билан шакллантирилади ва фақат одатдаги шароитлардагина эмас, балки ўзгарувчан шароитларда ҳам хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконини яратади. Уқувдан ташқари *малака* ҳам фаолиятнинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Уқув ва малакага нисбатан турли хил фикрлар



мавжуд. Айрим тадқиқотчилар малака уқувдан олдин ҳосил бўлади деб ҳисобласалар, бошқалари уқув малакадан олдин пайдо бўлади деб фараз қиладилар. Фикрларнинг бундай хилма-хиллигига сабаб “уқув” сўзининг кўп маънолилигидир. Ўз моҳиятига кўра уқув билим ва малакаларнинг муайян ҳаракатга айланишидир. Янги шароитга тушганда ёки янги объект билан ўзаро муносабатга киришганда инсон ўзидаги билим ва малакалардан фойдаланади. Мазкур ҳолатда малакаларнинг бундай кўчувига уқув тарзида қаралади. Ҳаракат программаси уни амалга оширишга қанчали тааллуқли бўлса, уқув малакага шунчали тааллуқлидир. Уқув малакадан кенг, улар ҳаракатнинг турли хил талқинини тақозо этади.

**УҚУВ ТЕСТЛАРИ** — ўқитишнинг бошланғич даврида ёки ўқитиш вақтининг муайян оралиқ вақтларида муайян вазифаларни бажаришга тайёрлик даражасини аниқлаш мақсадида таклиф этиладиган тестлар.

## Ф

**ФАЙЛ** (инг. file — тикма, картотека) — *информатика*да, 1) бир таҳлитдаги тадрижий ёки кўплаб ёзувлар; 2) ташқи ташувчидаги маълумотлар яхлит мажмуининг номлари.

**ФАКС, ТЕЛЕФАКС** (инг. fax, fax machine) — 1) ишга алоқадор ёзишмалар ва график ахборот (текстлар, жадваллар, чизмалар, тархлар, ёзувлар, фотосуратлар ва ҳ.к.)ларни бериш учун ва халқаро факсимил алоқани амалга ошириш учун мўлжалланган матн босиш қурилмаси бор аппарат. Замонавий ишлаш амалиётида факс бўйича, одатда, қўйидагилар жўнатилади: ёзма сўровлар, прайс-варақлар, прессрелизлар, реклама материаллар, тижоратга оид таклифлар, шунингдек, жорий ёзишмалар амалга оширилади. Факс бўйича, одатда, муҳим ҳужжатлар (контрактларнинг асл нусхаси, аккредитивлар ва б.) жўнатилади; 2) қоғоздаги узатиш-қабул қилиш натижаси; ҳажми, одатда, бир бетдан ошмайди.

**ФАКСИМИЛ** (лот. fac simile — ўхшашини ярат) — 1) қулёзма, ҳужжат, дастхатнинг аниқ қайта тикланиши; 2) босиш, клише, булар ёрдамида кўплаб ҳужжатлар, қоғозларга им-

зо қўювчи шахснинг шахсий имзоси қайта тикланади. Факсимил шахснинг ўз қўли билан қўйган имзосига тенглаштирилади; факсимил ҳужжатлар, қоидага кўра юридик кучга эга.

**ФАКСИМИЛ АЛОҚА** — телефакс ёрдамида телефон каналлари бўйича қоғозларда тасвирларни, хатларни, фотосуратларни, ҳужжатларни бериш.

**ФАКСИМИЛ НАШР** — нодир ва қимматбаҳо асл нусха нашрларнинг ҳажми, муқоваси, матннинг ўзига хосликлари ва тасвирлар аниқ қайта тикланган нашр.

**ФАКУЛЬТАТИВ КУРС** (лот. facultas — лаёқат, имконият) — умумий дунёқарашни кенгайтириш ёки қўшимча ихтисослик олиш учун олий ва ўрта махсус, касбий таълим ўқувчиларининг хоҳиши бўйича ўрганиладиган ихтиёрий курс; ўқув жараёнининг шакллари билан бири ҳисобланади.

**ФАКУЛЬТЕТ** (нем. fakultat, лот. facultas) — талабалар ва аспирантлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси, декан бошчилигидаги билимнинг муайян соҳасига оид илмий фанлар бўйича кафедралар раҳбарияти мажмуи.

**ФАЛСАФА** — табиат, кишилик жамияти ва тафаккурининг ривожланиши энг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан. Фалсафанинг асосий масаласи бўлиб, онгнинг турмушга бўлган муносабати ҳисобланади. Фалсафанинг ривожланиши фанлар билан боғлиқ, у муайян даврда фанлар эришган энг юқори даражага таяниб иш кўради. Фанларга зид ҳолларда фалсафий тафаккур учун ривожланиш, тараққиёт хос эмас. Фалсафа тарихи инсоният тафаккурининг тарихидир, у фалсафий муаммоларни илгари суради ва уларни ҳал қилиш борасида фаолият юритади.

**ФАН** — инсон фаолияти соҳаси, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий жиҳатдан тартибга келтиришдан иборатдир; ижтимоий онг шакллари билан бири; янги билимлар олиш бўйича ҳам фаолият, ҳам унинг натижалари, яъни оламнинг илмий манзараси асосида ётувчи билимлар йиғиндисини ўз ичига олади; илмий би-

лим айрим соҳаларининг номланиши. Фаннинг бевосита мақсади бўлиб, тасвирлаш, борлиқдаги жараёнлар ва ҳодисаларни тушунтириш, башоратлашдан иборат, булар у очиб берадиган қонунлар асосида унинг ўрганиш объектини ташкил этади. Фан тизими шартли равишда табиий, ижтимоий ва техникавийга ажратилади. Фаннинг тараққиёти шундан иборатки, у ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, жамиятдаги муносабатларни такомиллаштиришда, жамият маънавий ривожланишида тобора ошиб бораётган аҳамиятга эга.

**ФАН ОБЪЕКТИ** — борлиқ соҳаси, мавжуд ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи, уларни ўрганиш ва асослашга йўналтирилган муайян илмий билимлар тармоғи. Фан объекти одатда, борлиқнинг анча кенг соҳасини намоён этади, у мураккаблиги ва кўп томонлилиги оқибатида ўзининг асосланишида турли-туман фанлар «қатнашуви»га йўл қўяди ва ҳатто талаб қилади.

**ФАН ПРЕДМЕТИ** — илмий билимнинг муайян соҳасидаги ўрганиш учун аниқ тадқиқот йўналтирилган объектнинг муайян томони.

**ФАН ПСИХОЛОГИЯСИ** — илмий фаолиятнинг самарасини ошириш мақсадида унинг психологик омилларини ўрганувчи соҳа. Фан психологияси индивидуал ва жамоавий фаолият шароитларида илмий билимларни ишлаб чиқиш психологик воситаларини тадқиқ этади; илмий мутахассислар психологик тайёрлаш муаммоларини, тегишли шахсий сифатлар диагностикасини, ижоднинг ёш билан боғлиқ динамикасини ўрганади; илмий коммуникация психологик жиҳатларини, янги ғоялар қабул қилиниши ва баҳоланишини, тадқиқотларни автоматлаштириш (компьютерлаштириш)ни таҳлил қилади; турли хил ташкилотлар ва жамоалардаги олимларнинг фаолияти, мулоқоти ва шахслараро муносабатини ўрганади.

**ФАН СТАТИСТИКАСИ** — фаншунослик соҳаси, илмий ахборот тузилиши ва динамикасининг статистик тадқиқоти билан шуғулланувчи илмий фан.

**ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА (ФБЎУМ)** — фанлар бўйича ўқув машғулотлари асосий турла-

ри ва ўқув адабиётларига тааллуқли услубий кўрсатмалардан иборат ҳужжатлар мажмуи. **ФБЎУМ** ўқитувчилар педагогик фаолиятининг ташқи моддий амалга ошиши ҳисобланади, яъни бу услубий ҳужжатлар муайян мажмуи бўлиб, уларга асосан педагогик тизимни қайта тузиш мумкин. **ФБЎУМ**даги услубий кўрсатмалар сифатида бундай ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. **ФБЎУМ**да асосий услубий ҳужжат ўқув программаси ҳисобланади.

**ФАНЛАРАРО АЛОҚА** — айрим ўқув фанлари мазмуни ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бунинг ёрдамида таълим программаси бирлигига, шунингдек, бир қанча турли программани бир бутун қилиб тадрижий бирлаштиришга эришилади.

**ФАНШУНОСЛИК** — илмий соҳа, фан функцияси қонуниятлари ва тарихан ривожини, унинг структураси, динамикаси ва ҳ.к.ларни тадқиқ этади.

**ФАОЛ ТАСАВВУР ЭТИШ (ҚАЙТА ТИКЛАНИШ)** — берилган тарх, чизма, расм ёки сўзлар ёрдамидаги баёнга мувофиқ нарсани фикран тасаввур этиш. Тасаввур этишнинг бундай тури ҳар қандай ўқув фаолиятига хос бўлади ва адабиётни ўқишда, география харитасини, тарихий тафсилотларни ўрганишда, чизмалар ва лойиҳаларни кўриб чиқишда намоён бўлади.

**ФАОЛ ТАСАВВУР ЭТИШ (ИЖОДИЙ)** — амалда мавжуд бўлмаган объектнинг янги, ўзига хос тимсолини яратиш; инсон эҳтиёжлари, унинг ривожланиш даражаси, бутун жамият манфаатлари билан рағбатлантирилади.

**ФАОЛ ТАЪЛИМ** (*Қ. Мужассаса таълим*).

**ФАОЛИЯТ** — инсоннинг ўзини қуршаб турган оламга фаол муносабати шакли; ҳуққ-атворга оид хатти-ҳаракатлар ўртасидаги қонуний алоқаларнинг мотивланган мажмуи ва муайян вазифаларни бажаришга, у ёки бу ижтимоий қимматга молик мақсадларга эришишга йўналтирилган тадрижий амалга ошириладиган ҳаракатлар.

**ФАОЛИЯТ ТУЗИЛИШИ** — тахминий, ижроия ва назорат ҳаракатларининг мажмуи.

**ФАОЛЛАШТИРИШ** — 1) фаолиятнинг кучайиши, жонланиши; қатъий ҳаракатга чоғланиш; 2) педагогикада ўқувчининг ақли, иродаси, ахлоқий қувватининг сафарбарлиги.

**ФАОЛЛИК** — инсоннинг кучайтирилган фаолияти, қарашлари ва эътиқодининг ташқи кўринишида ифода топадиган сифат. Фаолликнинг ижтимоий моҳияти унинг йўналтирилганлиги ва мотивлари билан белгиланади. Ана шу мезон бўйича фаоллик ижобий ва салбийга ажралади. Ижобий фаоллик чуқур ваколатлилиқ билан уйғунлашгандагина юқори даражада ижтимоий аҳамиятга молик натижаларни юзага чиқаради. Бунинг акси — *сусткашлик*.

**ФАРАЗ, ГИПОТЕЗА** (юн. hypothesis — асос, тахмин) — бирор ҳодисани тушунтириш учун илгари суриладиган ва ишончли илмий назария бўлиши учун тажрибада текширишни ҳамда назарий асослашни талаб этадиган илмий тахмин. Фараз фақат тажриба далилларига зид келмагунча мавжуд бўлиши мумкин, акс ҳолда у шунчаки ёлғон бўлиб қолади; у тажрибадаги тегишли далиллар, айниқса, эксперимент ёрдамида текширилади, чинлик характерига эга бўлади.

**ФАРАЗ, ФАНТАЗИЯ** (юн. phantasia — тасаввур) — ижодий тасаввур этишга қобиллик; фараз онгда акс этган борлиқ қиёфасини ўзгартиради; унинг учун аниқлик унсурларининг жойини ўзгартириш хосдир. Фараз маълум бўлган далилларга янгича нуқтаи назарни топишга имкон беради, шунга кўра улкан бадиий ва илмий-идроқлаш қимматига эга (олим, рассом ёки инженернинг ижодий фарази). Фаразни юзага келтирувчи ижодий фаоллик шахснинг иқтидори ва инсоннинг индивидуал тажрибаси билан боғлидир.

**ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — Фарғона давлат педагогика институти (1930) негизда ташкил этилган. Университетда 11 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар тайёрлайди**: касбий таълим (соҳалар бўйича), чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний маданият, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бош-

ланғич таълим ва тарбия иши услубиёти, ўзбек филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, француз тили, славян филологияси, тарих, психология, социология, иқтисодиёт, ҳуқуқ, биология, физика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, тупроқшунослик, ижтимоий-маданий фаолият, экология ва табиатдан фойдаланиш. Университет қошида академик лицей, лицей-интернат ва бизнес мактаби бор.

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ** — 1967 йилда Тошкент политехника институтининг Фарғона умумтехника факультети негизда ташкил этилган. Институтда 5 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлайди: касбий-педагогик тайёргарлик, иқтисодиёт, молия, менежмент, электроэнергетика, технологик машина ва ускуналар, асбобсозлик, электроника ва микроэлектроника, информатика ва ахборот технологияси, кимёвий технология ва биотехнология, геодезия ва картография, биналар ва саноат иншоотлари қурилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси. Институтда лицей-интернат мавжуд.

**ФАСЕТ** (инг. facet — жиҳат) — бир жинсли терминлар гуруҳи, бирор белгиси умумийлиги асосида бир-бири билан боғланади (тақсимланиш асосининг тавсифи); фасет тузилма ахборот-қидирув тилининг қурилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**ФИКР** — ўйлаш жараёни, тафаккур жараёнининг қисми; фикрлаш мазмуни, маҳсули ёки унинг натижаси.

**ФИКР БИЛДИРИШ** — маъно яхлитлигига эга ва берилган тил мулоқоти шароитларида тингловчи томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган хабар бирлиги.

**ФИКРЛАШ ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири, аввало, индивиднинг ҳар қандай мафкуравий назоратдан эркинлигини, ҳар ким ўзи учун маънавий қадриятлар тизимини мустақил белгилаш ҳуқуқини англатади. Фикрлаш ва виждон эркинлиги инсоннинг интеллекти ва маънавиятининг барча томонларини қамраб олади, инсоннинг

мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва ҳар қандай вазиятларда ҳам чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

**ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИ** — инсоннинг интеллектуал фаолиятига қўйиладиган ва мантиқий, тил бўйича, мазмуний-методологик ва ахлоқий талаблар ҳамда меъёрлар мажмуи; уларни ўзлаштириш ва тадбиқ этишга шахснинг ижтимоийлашув жараёни, унинг касбий муваффақияти ва ижодий ютуқлари боғлиқдир. Маданият ақл соҳиби сифатидаги, ҳам ўз ҳаёти, ҳам ижтимоий масалаларни оқилона қўйиш ва ҳал қилишга, ўзига ва барча атрофдагиларга айна бирдек баҳо беришга қобил инсоннинг турмушига синоним ҳисобланади. Маданий, яъни аниқ, тиниқ ва тадрижий фикрлашнинг зидди бўлиб, чалкаш, палапартиш фикрлашдир.

**ФИЛОЛОГИЯ** (юн. *phileo* — севаман ва *logos* — таълимот, тушунча) — муайян бир халқнинг тили ва адабиётини тавсифлаш имконини берадиган ёзма ёдгорликлар, матнларни ўрганувчи фанлар мажмуи.

**ФЛЕГМАТИК** (юн. *phlegma* — шиллик) — ўз жўшқинлиги бўйича сусткаш, пинагини бузмайдиган, барқарор интилиш ва кайфиятга эга, қалб кечинмаларини сиртида кучсиз намоён этадиган, сезги ва эмоционаллиги паст даражада бўлган киши. У топқир, янги вазиятга эътиборини қийинчилик билан кўчиради ва мослашади, малака ва одатларни секинлик билан қарор топтиради. Шу билан бирга у ҳаракатчан ва ишга лаёқатли, ўз чидамлилиги, собитлиги, ўз-ўзини тута билишлиги билан фарқланади. Одатда, у бошқалар билан тезда чиқишиб кета олмайди, ташқи таассуротларга эътибори суст.

**ФОБИЯ** (юн. *fobos* — қўрқув) — 1) *психологияда*, баъзи руҳий зўриқишларда ривожланадиган қўрқув чулғаб оладиган ҳолат; 2) ... фобия — қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, «душманлик», «муросасизлик», нимадандир «хавотирлик» масалан, сейсмофобия.

**ФОРМАЛ МАНТИҚ** — мулоҳаза, хулоса, тушунчанинг муайян моҳиятидан фарқли ўлароқ тафаккурнинг шаклларини ўрганувчи фан.

**ФОРМАЛИЗМ** — инсон фаолияти турли соҳаларидаги мазмундан кўра шаклга устуворлик бериш. Этика, расм-русумлар қоидаларига, булар ҳатто ҳаётий вазиятларда ўз маъносини йўқотган бўлса-да, оғишмай амал қилиш, қонуннинг мақсадига эмас, балки қуруқ ёзувига сажда қилишда намоён бўлади; санъатда, адабиётда ягона қимматли бадиий унсур шаклининг «соф» дея тан олинishi, мазмунни шаклга бўйсундирилиши; шаклбозлик.

**ФОРМАЛЛАШТИРИЛГАН УСУЛЛАР** — олдиндан белгиланган қоидалар алгоритмларга қатъий амал қилишга асосланган ҳаракат усуллари; тенгламалар, математик боғлиқликлар бўйича ҳисоб-китоблар.

**ФОРМАЛЛАШТИРИШ** — билим соҳасининг бирор мазмунини формал тизим ёки ҳисоблаш тарзида тасаввур этиш ва ўрганиш (илмий назария, мулоҳаза, излаш тартиби ва ҳ.к.); илмий-тадқиқотларда формал мантиқ ва математик усулларнинг аҳамияти ортганлиги билан боғлиқ.

**ФРАЗЕОЛОГИК ЛУҒАТ** — лингвистик луғат, мазкур луғатдан мантиқан бир бутун, таркиби ва тузилишига кўра барқарор бўлган, яхлит маънони ифода этувчи сўз бирикмалари ва уларнинг тавсифлари ўрин олади. Ўзбек тили фразеологик луғати, мақол ва маталлар, синоним иборалар ва ҳ.к.лар шундай луғат ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛИК** — шахсий сифат, инсон ўзи яшаётган жамиятга тааллуқли эканлигини чуқур англашида намоён бўлади, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва жамиятга нисбатан мажбуриятлари, ундаги ахлоқ ва қонун меъёрларига амал қилиш борасида ихтиёрий тайёр эканлигида яққол кўринади; анча умумий маънода — жамият фаровонлиги ҳақида қайғуриш, фуқаролик бурчи ғоясидаги фикр ва хиссиётларнинг мажмуи.

**ФУНКЦИОНАЛ БОШҚАРИШ** — функциялар бўйича бошқариш; бу жараёнда ҳар бир раҳбар муайян (технологик, информациявий, молиявий, таъминот, ишлаб чиқариш, лойиҳавий) функция, ишнинг бажарилиши устидан назорат қилади.



**ФУНКЦИЯ** (лот. *functio* — бажариш) — 1) вазифа, фаолият доираси, тайинланиш, рол; 2) *физиологияда*, жонивор ёки ўсимлик организмнинг, унинг аъзолари, тўқималари ва ҳужайраларининг ўзига хос фаолияти; 3) *мантиқда*, битта қийматнинг ўзгариши бошқасининг ўзгариши оқибати эканлиги билан тавсифланувчи икки ўзгарувчан қиймат (ўзгарувчилар) ёки қийматлар гуруҳининг бир-бирига боғли муносабати; 4) *лингвистикада*, бошқа шаклларга нисбатан белгиланган бирор тил шаклининг маъноси, унинг тил тизимидаги аҳамияти.

**ФУТУРОЛОГИЯ** (нем. *Futurologia* — сунъий яратилган, лот. *futurum* — келажак ва юн. *logos*—таълимот, тушунча) — кенг маънода — Ер ва инсониятнинг келажаги тўғрисидаги умумий концепция; тор маънода — ҳам амалий ҳаётда, ҳам илмий-техника тараққиёти соҳасида юз берадиган башоратланувчи жараёнларни мунтазам ўрганадиган, шунингдек, фақат иқтисод, фан ва техника соҳасидагина эмас, балки ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳам режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган башоратларни тузиш учун статистик ва бошқа ахборотларни ишлаб чиқиш математик усуллари яратадиган келажак тўғрисидаги фан.

## Х

**ХАБАРЛАР** — алоқа йўллари бўйича узатиш учун маълумотлар, хабарлар мажмуи, булар уларни берувчи (манба)дан истеъмолчи (қабул қилувчи)га кодланган тарзда узатилади.

**ХАЙРАТЛАНИШ** — на ижобий, на салбий аниқ ифодага эга бўлмаган тўсатдан юзага келган вазиятга эмоционал акс таъсир. Хайратланиш аввалги барча ҳис-туйғуларни тўхтатади, эътиборни ўзини уйғотган объектга йўналтиради ва қизиқишга айланиши мумкин; билиш фаолиятининг боиси ҳисобланади.

**ХАКЕР** (инг. *hacker* — хакер, программачи-мутаассиб) — программалаштиришни аъло даражада эгаллаган ва ўз билими ҳамда куч-ғайратини ўзгаларнинг компьютерларидаги программаларга, маълумотлар жамғармасига, ҳимоя қўрилмаларига кўнгил очиш ёки маҳфий маълумотларни олиш учун кириб боришга

Йуналтирган «фидойи»-компьютерчи. Бу ўз навбагида банклардаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини, лицензияланган программа ва ҳ.к.ларни ўғирлаш билан боғлиқ халқаро миқёсдаги жиноий фаолиятга олиб келади (20- аср охири).

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ АХБОРОТ ТАРМОҒИ** (инг. STN International) — ахборот тармоғи, жаҳондаги учта йирик ахборот маркази ресурсларини бирлаштиради. Fachinformationzentrum (FIZ), Германия; Chemical Abstracts Service (CAS), АҚШ; Japan Information Center of Science and Technology, Япония. Бу 150 дан ортиқ рефератив маълумотномалар ва матнлар жамғармаси бўлиб, физика, химия, математика, биология, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва б. сингари фан ва техниканинг муҳим соҳаларини қамраб олади. Фойдаланувчиларни илмий тадқиқотлар, ишланмалар ҳақидаги ахборотлар билан фаол таъминлайди; патентлар ва ихтиролар; моддалар ва материаллар физик-кимёвий хоссалари ҳақидаги рақамли маълумотлар; саноатнинг турли тармоқлари ҳақидаги техникавий-иқтисодий ахборотлар; ускуналар ва материаллар етказиб берувчилар ҳақида маълумотномалар билан таъминлайди.

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ УЮШМАЛАР КЕНГАШИ** (инг. ICSU, International Council of Scientific Unions) — турли соҳалардаги халқаро илмий фаолиятни кенгайтиришга қўмаклашиш мақсадида 1931 йилда ташкил этилган. 75 та аъзоси бор; бир йилда 600 га яқин илмий конгресс ва симпозиумлар ташкил этади.

**ХАЛҚАРО КУТУБХОНАЛАРАРО АБОНЕМЕНТ** — белгиланган қоидалар асосида турли мамлакатлар кутубхона жамғармаларидан ўзаро фойдаланишга асосланган кутубхона абонементи.

**ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ)** — халқаро ташкилот, 1919 йилда тузилган; унинг қароргоҳи Женевада жойлашган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган бўлинмаси (1946 й.дан) ҳисобланади, турли мамлакатлар аҳолисининг меҳнат шароитларини яхшилаш ва ижтимоий таъминлаш масалалари, меҳнат қонунчилиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. ХМТда мазкур

ташкилотга аъзо мамлакатнинг вакиллари, касаба уюшмаларининг вакиллари ва мамлакат тадбиркорларининг ташкилотлари вакиллари номидан иш кўради.

**ХАЛҚАРО ПЕДАГОГИК АХБОРОТЛАР ТАРМОҒИ (ХПАТ — International Network for Educational Information, INED)** — педагогик ахборотлар халқаро тармоғи, 1979 йилда ЮНЕСКОнинг Халқаро маориф бюроси (ХМБ) доирасида ташкил этилган. Европа, Осиё ва Америкадаги миллий марказларни бирлаштиради. ХПАТ тармоғининг вазифаси — ҳар бир давлат — ЮНЕСКО аъзосидан ахборот олиш, бу ахборотни қайта ишлаш ва тизим барча қатнашчиларига тақдим этиш. ХМБ вақти-вақти билан «Educational Innovation and Information» номда бюллетен чиқаради, бунда қатнашчи мамлакатлар таълим соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотлар бериб боради.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТ** — халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва бошқа маҳсулотлар айрим турларини стандартлаштириш бўйича ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган стандарт.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТ КИТОБ РАҚАМИ (ISBN)** — ҳарфли-рақамли код, унинг ёрдамида китоб наشري идентификацияланади; ISBN аббревиатураси (International Standard Book Number)дан иборат ва қоидага кўра 10 та рақамдан ташкил топган. ISBN халқаро ва миллий агентлик томонидан ягона усулда берилади.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТИ (ХСТ)** — халқаро товар айирбошлаш ва ўзаро ёрдамни таъминлаш, шунингдек, интеллектуал, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолият соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлаш учун жаҳон миқёсида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш асосий вазифаси бўлиб ҳисобланган ташкилот.

**ХАЛҚАРО ТАЛАБАЛАР УЮШМАСИ** — тинчлик, миллий мустақиллик учун ва талабалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун курашиш мақсадида тузилган турли мамлакатларнинг демократик ташкилотлари уюшмаси. Прага (1946)да бўлиб ўтган талабалар Биринчи умумжаҳон конгрессида 43 мамлакат вакилла-

ридан иборат ҳолда ташкил этилган; мухтор аъзо ҳуқуқи билан Демократик ёшлар умумжаҳон федерациясига киради.

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР** — ҳукуматлараро ва ҳукумат тасарруфида бўлмаган доимий бирлашмалар, халқаро муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш ва давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадларида халқаро шартнома (устав, мавқе ва бошқа таъсис ҳужжати) асосида тузилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ташкилот намунаси ҳисобланади.

**ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ СТАНДАРТ ТАСНИФИ (ХТСТ)** — 1970 йил бошларида ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган тасниф. 1978 йилдан миллий ва халқаро миқёсда таълим соҳасидаги қиёсий таҳлил воситаси бўлиб хизмат қилади. ХТСТ халқаро кўламда таълим статистикасини йиғиш ва қиёслаш учун таксономик уйғунлашган ва барқарор тузилмаси ҳисобланади. У замонавий таълим тизимини статистик тавсифлаш учун меъёрни таъминлайди, бу таълим сиёсатини ишлаб чикувчилар учун зўр қизиқиш уйғотади. 1992 йилда ХТСТнинг янги талқинини тайёрлаш бўйича иш бошланди ва 1996 йилда ХТСТ II талқини ишлаб чиқилди.

**ХАТОЛАРНИ АВТОМАТИК ТОПИШ** — матнлардаги турли хатоларни (одатда имло, камдан-кам ҳолда синтактик ва услубий) турлича кўринишларини топиш ва/ёки тузатиш учун мўлжалланган тизим.

**ХАТТИ-ҲАРАКАТ** — онгли ҳаракат, инсоннинг ахлоқий табиати сифатида баҳоланади; бунда у ўзини ўз-ўзига, бошқа кишиларга ёки жамиятга, умуман табиатга нисбатан шахс сифатида намоён этади. Хатти-ҳаракат — ижтимоий ҳуққатворнинг асосий бирлиги, унда инсон шахси намоён бўлади ва шаклланади. Хатти-ҳаракат ирода эркинлигини аниқ мақсадга қаратилган фаолиятнинг намоён бўлиш шаклидан биридир ва ҳаракат ёки ҳаракатсизликда акс этиши мумкин; сўзларда баён этилган нуқтаи назар; кўз қири, юз ифодаси, сўзлаш оҳанги, шаъма қилиш тарзида кўринадиган нимагадир муносабат; жисмоний тўсиқларни бартараф этишга ва ҳақиқатни излашга қаратилган ҳаракат. Замонавий антрополо-

гияда инсон фақат шунчаки фикрловчигина эмас, балки хатти-ҳаракатни амалга оширувчи мавжудотдир.

**ХИЗМАТ СОҲАСИ** — аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисод соҳаларининг мажмуи; маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, маиший хизматни хизмат соҳасига киритиш қабул қилинган.

**ХОДИМЛАРНИ ҲАМОНАТИ** — тадбирлар мажмуи, муассаса ёки корхона маъмурияти томонидан ходимлар меҳнат самарадорлигини кўтариш мақсадида амалга оширилади. Улар ўз вазифаларини чуқур тушунишларига, касбий вазифалари соҳасида ваколатларини бойитишга, ҳуқуқ, иқтисод, ижтимоий муносабатлар масалаларида хабардорликларини кенгайтиришга қаратилади.

**ХОКИСОРЛИК ҲИССИЁТИ** — яқинларга жисмоний, маънавий ёки ахлоқий муносабатларда боғлиқликни (асосланган ёки асосланмаган тарзда) ҳис этиш. Кўпинча у камситилганликнинг оқибати ҳисобланади. Одамлар томонидан юзага келтириладиган ҳаётий қийинчиликларга қарама-қарши тарзда жиззакилик, ҳокимиятга ўчлик, йўқ қилиб юбориш ҳақидаги орзу ва ҳ.к. пайдо бўлади, шунга кўра кимнинг ўз хокисорлигини эзувчи ҳиссиёти юқори даражада бўлса, жамият учун хавфли ҳисобланади. Шунинг учун тарбиянинг муҳим вазифаси бўлиб, ўз-ўзига бўлган ишонччи аста-секин юзага келтиришга ёрдамлашиш ҳисобланади.

**ХОЛЕРИК** (юн. chole — зардоб) — ўз жўшқинлигига кўра, яъни ҳаракатларининг тезлиги, шиддатлилигига кўра, ишга астойдил иштиёқ билан берилиб кетиш қобилияти, лекин беқарор, кучли эмоционал ҳиссиётларга мойил, кайфияти кескин ўзгарадиган инсон; у босиқ, оғир вазмин эмас, тоқатсизланувчан, қизишиб кетадиган бўлади, бу унинг ҳаракатларида, нутқида, қилиқларида, юз ифодаларида намоён бўлади. Шунга кўра унинг интилиш ва қизиқишларида кучли барқарорлик, қатъиятлик мавжуд, эътиборни бир нарсадан бошқасига ўтказишда қийналиши мумкин.

**ХОССА** — бирор нарсага хос бўлган хислат, бу унинг аниқ мавжудлигини ташкил этади. *Арзийдиган* хосса бўлиб, бусиз нарса мавжуд бўлиши мумкин эмас, *арзимас* хосса ҳам бўлиб, бусиз нарса мавжуд бўлиши мумкин.

**ХОТИРА** — ўтмиш тажрибасини қайта тиклаш қобилияти, ташқи дунё ҳодисалари ва аъзоларнинг акс таъсири ҳақидаги маълумотни узоқ сақлашга ва уни онг ҳамда хулқ-атвор соҳасига кўп марталаб чиқаришга қобилликда намоён бўладиган асаб тизимининг асосий хусусиятларидан бири. Ёдлаш, эсда сақлаш ва қайта тиклаш жараёнлари алоҳида ажралиб туради; ўз ичига таниш, хотирлаш ва ёдга келтиришни олади. Ихтиёрий ва ихтиёрий бўлмаган, бевосита ва билвосита, қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотиралар фарқланади. Куйидагилар хотиранинг турлари ҳисобланади: эмоционал (аффектив), образли ва сўзли-мантиқий. Кўп ҳолларда кузатиладиган хотира нуқсонидан бири шикастланган мианинг ишлаш маромлари ҳисобланади, улар вақтинчалик (эпилепсиядан кейинги) ёки доимий (бош жиддий шикастлангандан кейинги) бўлиши мумкин.

**ХОТИРА** — хотиранинг беихтиёр юзага чиқиши ёки эркин ҳолатда янгидан юзага келган мазмуни, у аввалги ҳодисаларга ўхшаш ёки ўхшашдек бўлади. Ўтмиш тажрибасини аниқ тиклашга бўлган қобилият турли кишиларда бир хил бўлмайди ва ҳатто айни бир кишининг ўзида ҳам турли моддий соҳаларга нисбатан ҳам ҳар хил бўлади.

**ХУДБИНЛИК, ЭГОИЗМ** (лот. ego — Мен) — ўз-ўзини ёқтириш; хулқ-атвор, бу ўз Мени ҳақидаги фикрларда, ўз фойдаси, ютуғи, бошқаларнинг манфаатидан ўз манфаатини афзал билиш ҳақидаги фикрларда тўлиғича намоён бўлади. Худбинлик ўз-ўзини сақлаш табиий инстинкти туфайли пайдо бўлган, этика нуқтаи назаридан худбинликнинг зарурлиги ҳаётнинг қимматига асосланган. У шахс табиатида бўлган қадриятларни идроклаш ва амалга ошириш учун, ўз имконият ва қобилиятларини юқори даражадаги такомилга етказишдан иборат маънавий бурчни бажариш учун зарурдир. Худбинлик этика нуқтаи назаридан ўзиникига қараганда бошқанинг ҳаёти ва шахсига камроқ маъно берилганда, бошқанинг ҳуқуқи пой-мол этилаётганда юзага чиқиши мумкин эмас. Худбинликнинг ривожланиши ва шахсда етакчи йўналишга айланишини тарбиядаги жиддий камчиликлар билан изоҳлаш мумкин. Балогат ёшидаги бутун эътиборни ўз Менига шундай қаратилиши, ўз-ўзини ёқтириши ва бошқа кишининг ёки ижтимоий гуруҳнинг

ички дунёсига тўла фарқсиз бўлиш субъектнинг яккаланишига, ўзига душман бўлган оламда ёлғизланиб қолишига олиб келади. Худбинликка асоссиз равишда инсонга хос хусусият деб қаралади. Бунга антоним бўлган термин — *алтруизм*.

**ХУЛОСА** — бир неча мулоҳаза, тахминлар ёки битта мулоҳаза асосида фикран чиқарилган хулосадан иборат оддий мантиқий йўсин; оддий ҳолларда хулоса икки фикр ва якундан иборат бўлади.

**ХУЛОСА** — *мантиқда*, мулоҳаза; унинг давомида муайян бошланғич мулоҳаза, айтилганлар, ҳукмлар ёки тахминлардан хулоса (якун) — ҳукмлардан келиб чиқадиган мулоҳаза ҳосил бўлади. Яна қ. *Дедукция, Индукция*.

**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ** — давлатнинг ишлаб чиқариш, мулк, турар жой, ер, табиий ресурсларга бўлган эгаллик ҳуқуқини бекор қилиш жараёни, яъни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш. Давлат мулкни жамоа ёки хусусий шахсларнинг хусусий мулки қилиб сотиш ёки текинга бериш воситасида амалга оширилади.

**ХУСУСИЯТ** — ўзи учун одатий ҳулқ-атворларга асосланган фаолият ва мулоқот вақтида шаклланадиган ва юзага келадиган шахснинг барқарор индивидуал ўзига хос жиҳатларининг мажмуи. Хусусият инсоннинг қилиқларида, унинг хатти-ҳаракатида, ақлий жиҳатида намоён бўлади; инсонда содир бўлаётган барча ўзгаришларни, шунингдек, ташқи таъсирга қаршилик қилувчи кучни белгилайди, шахснинг моҳиятини ва унинг ахлоқий қарашларини намоён этади ҳамда субъект ҳаракатларига у ёки бу экспрессив хусусият (қатъият, мулойимлик, қизиққонлик, очиқ кўнгиллилик, эҳтиёткорлик ва б.) бахш этади.

## Ч

**ЧАРЧОҚ** — толиқиш ҳолати ривожланишига кўмаклашувчи субъектив кечинмалар мажмуи. Кучсизланганлик, ланжлик, қувватсизлик, жисмоний ноҳушликни ҳис этиш, ишга қизиқишнинг йўқолиши, фаолиятни тўхтатишга бўлган хоҳишнинг устун келиши, салбий эмоционал муносабат синга-

ри ҳиссиётлар билан тавсифланади. Чарчоқ бир хилдаги ишлар билан узоқ вақт шуғулланганда юзага келиши мумкин.

**ЧИН** — сўзловчи сўзларининг, ибораларининг ўз фикр ва ишончига мувофиқлиги. Чунки бундай мувофиқлик ҳар қандай нутқнинг моҳиятини ташкил этади, у кимга қаратилган бўлса, ўшанинг томонидан шундай деб ўйланади; тингловчи ўзганинг ҳаққонийлигига ишонади ва гапирувчига нисбатан ўз ишончини шу билан асослайди. Бу ишончининг суиистеъмол қилиниши *ёлғон* ҳисобланади.

**ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН КАСБИЙ ЎҚИТИШ, “СИЛЖИТИЛГАН” КАСБИЙ ЎҚИТИШ** — ходимга, ишчига фақат ўз меҳнат вазифасини бажаришгагина имкон беришдан ташқари, ўз касбий фаолиятини ўзи тартибга солиши, уни бошқаришига ҳам имкон берувчи билимлар ва уқувларни ўзлаштириш.

### Ш

**ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЭКСПЕРИМЕНТ** — педагогик эксперимент тури, у аниқланган далилларни қайд этиш билан чекланмайди, балки таълим ва тарбия жараёни қонуниятларини очиб беришга, уларни самаралилаштириш имконини белгилашга ёрдам беради. Педагог-тадқиқотчи эксперимент жараёнида иштирок этади, у ёки бу педагогик усуллар, воситалар ва ёндашишларни яратиш ёки такомиллаштиришнинг фаол ташаббусчиси сифатида фаолият кўрсатади. У аввалдан илгари сурилган илмий фаразга мувофиқ унинг самаралилигини текшириш учун экспериментал педагогик вазиятни мақсадга мувофиқ тарзда қайта тузади. Қ. *Педагогик эксперимент*.

**ШАРҲ** — 1) матннинг талқини, уни тушунтирувчи илова; 2) бирор нарса ҳақидаги мулоҳаза, тушунтирувчи ва танқидий фикрлар (кўплиги — шарҳлар).

**ШАХС** — ижтимоий вазифани бажарувчи ва ҳаёт йўлини танлаш имкониятига эга тарихий-эволюцион жараён қатнашчиси бўлмиш инсон, мазкур жараён мобайнида улар табиатни, жамиятни ва ўз-ўзини ўзгартиришни амалга оширади. Фақат инсон ижтимоий муносабатлар онгли яратувчи фаолият субъекти сифатида шахс бўлиб етишади, яъни муайян (ижти-



мой, тажрибавий, интеллектуал, генетик) сифат ва хусусиятларни намоён этади. Булар муайян ижтимоий жамоада ўз ҳаёт фаолиятини амалга оширишга имкон беради, уни ҳар томонлама, гармоник ривожланган шахсга айлантиради.

**ШАХСИЙ ЁНДАШУВ** — ўз-ўзини ривожлантиришга онгли равишда масъул ва тарбиявий ўзаро таъсир субъекти бўлган шахс сифатида тарбияланувчига педагогнинг тадрижий муносабати. **Шахсий ёндашув** — педагогнинг ҳар бир ўқувчи ва жамоа билан ўзаро ҳаракат қилиш позициясини белгилайдиган таянч қадриятлар йўналиши; тарбияланувчига ўзини шахс сифатида ҳис этишга, имкониятларини аниқлаш ва очишга ёрдамлашишни назарда тутати.

**ШАХСИЙ ЖИҲАТЛАР** — индивиднинг барқарор, турли вазиятларда такрорланувчи ўзига хос хулқ-атвори. **Шахснинг** эксверсия, интроверсия, безовталиқ, тушкунлик, қизиққонлик каби жиҳатлари нисбатан кўпроқ тадқиқ этилган.

**ШАХСИЙ-ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР** — интератив лойиҳалар ишлаб чиқиш ва мужассама топшириқларни бажаришдаги имитация-ўйин вазияти шароитларидаги кооператив (ўзаро ҳаракатланувчи) технологиялар; матнларни йўналтирувчи лойиҳалар, когнитив (идроклаш) йўриқлантириш усуллари ёрдамида ўз-ўзини бошқарадиган таълим.

**ШАХСИЙ-ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ** — таълим тизими, ўқитилаётганларда мустақил таълим олишларини, ўз йўналишларини ўзлари белгилашларини, ўз имкониятларини мустақил кўрсата олишларини ривожлантириш учун самарали шароитлар яратилганда ўқувчилар ва педагогларнинг биргаликда фаолият кўрсатишини ташкил этишга асосланади. **Шахсий йўналтирилган таълим** белгиланган хоссаларни шахсда шакллантириш билан шуғулланмайди, балки тўлақонли намоён этиш учун, шунга мувофиқ тарзда, таълим жараёни субъектлари шахсий функциясини ривожлантириш учун шароит яратади.

**ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ** — инсон ижтимоий қимматли сифатлари, унинг эътиқоди, қарашлари, лаёқатлари, хусусият тарзини қарор топиш жараёни. Таълим вазифасига тадбиқан инсонга жамият катта ёшдаги аъзоси — оила бош-

лиғи, ходим, фуқаронинг турли-туман мажбуриятларини муваффақиятли ва масъулиятли бажаришга имкон берувчи ижтимоий етукликнинг муайян даражасига эришганлиги назарда тутилади.

**ШАХСНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИ** — инсон ижтимоий табиатини ташкил этувчи шахсий сифатларнинг шаклланиши ва бойиши; ўз олдига қуйидаги вазифалар: а) инсонни жамият ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ваколатли ва масъулиятли тарзда қатнашишга тайёрлаш; б) индивид маънавий соҳасининг барча томонларини, унинг ақлий қобилиятини, фикрлашини, иродасини, ҳиссиётларини ҳар томонлама уйғун ривожлантириш; в) жисмоний, руҳий, ақлий ва ижтимоий ривожланиш бирлиги таълимнинг олий мақсадидир.

**ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ** — инсоннинг ҳаётий фаолиятини, унинг моҳияти ва аталганлигини амалга оширишни таъминловчи жисмоний, руҳий ва маънавий бойиши ҳамда қарор топишининг объектив жараёни, индивиднинг ижтимоийлашуви натижасида ўзгариши жараёни. Ижтимоийлашиш жараёнида бола атроф-дунё билан ўзаро алоқага киради, катталар ёрдамида инсоният ютуқларини эгаллайди; шу билан тарбия жараёни унинг шахси ривожланишида етакчига айланади. Шахснинг кейинги ривожланиши фаолиятда, мотивларнинг мазкур шахсга тааллуқли бошқариладиган тизимда амалга ошади; эҳтиёж инсоннинг ривожланиш имкони ва эҳтиёжи сифатида намоён бўлади. Биргаликдаги фаолият жараёнида анча референт гуруҳ билан инсонда юзага келадиган ўзаро муносабатлар тури шахснинг ривожланишини белгиловчи омил бўлиб, ҳисобланади.

**ШИФР** (фр. *chifre* — рақам) — 1) муайян маъно берилган шартли белгилар ва уларнинг уйғунлашган тизими; хабарни шифрланган тарзда узатишда фойдаланилади; 2) ҳужжатлар, қўлёзмалар, китоблар, ахборот материаллари ва ҳ.к.ларга уларни сақлашни тартибга солиш ва кутубхоналар, архивлар, маълумотлар жамғармасидан излашни енгиллаштириш мақсадида тушириладиган қайд этишининг шартли белгилари.

**ШКАЛА** (лот. *scala* — зинапоя) — объектнинг узлуксиз хосасини ўлчаш учун қўлланадиган асбоб; рақамли тизимдан

иборат бўлади, унда объектларнинг турли хоссалари ўртасидаги муносабат рақамлар қаторига хос ифода этилади. Шкалалар ижтимоий-руҳий ҳодисаларнинг турли тавсифларини ўрганиш учун қўлланади; математик хоссаларига ва ахборотни тўплашнинг турли усуллариغا кўра фарқланади. Ўлчашнинг 4 шкаласи алоҳида ажралиб туради: номлар шкаласи (номинал шкала), тартиб (ординал), интерваллар (интервалли) ва муносабатлар (нисбатли).

**ШУҒУЛЛАНИШ** — ҳаракатларнинг, уни ўзлаштириш мақсадида қайта бажарилиши. Турли шароитларда шуғулланиш ягона усул ҳисобланади, бунинг доирасида ўқув жараёнининг барча компонентлари — ҳаракат мазмунини аниқлаштириш, уни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва автоматлаштириш ёхуд усуллардан бири тушунтириш ва ёдлатиш билан бир қаторда шуғулланишдан олдин келади ва ҳаракат мазмунини бошланғич аниқлаштиришни, уни олдиндан мустаҳкамлашни таъминлайди. Шуғулланиш — касбий таълимнинг асосий усули, унинг ёрдамида техникавий ва махсус фанларни ўрганиш жараёнларида ўқувчиларда олган билимлардан амалий фойдаланиш уқуви шаклланади. Шуғулланиш муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлашни назарда тутаяди, ўқувчи билимларини ва уқувларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришнинг самарали усули ҳисобланади.

## Э

**ЭВОЛЮЦИЯ** (лот. *evolutio* — ёйиш) — табиат ва жамиятдаги ҳаракат, ривожланиш шаклларида бири; оҳиста, тадрижий, миқдорий ўзгариш, бу муайян шароитларда янги сифатларга олиб келади, тирик табиатнинг қайтарилмас тарихий ривожланиши.

**ЭВРИКА** (юн. *heurēka* — «мен топдим») — 1) ривоят қилишларича Архимедга тааллуқли деб ҳисобланувчи хитоб, у чўмилаётган вақтида гидростатиканинг асосий қонунини кашф этади, бу қонунга кўра жисм суюқликка туширилганда ўз оғирлигини сиқиб чиқарган суюқлигининг оғирлигига тенг миқдорда йўқотади; 2) кўчма маънода, мураккаб масалани ечгандаги, самарали ғоя юзага келгандаги қувонч ва ҳаяжоннинг ифодаси.

**ЭВРИСТИК ИМКОНИЯТ** — ҳақиқатни муваффақиятли излаш, мураккаб муаммоларни ҳал этишнинг янгича усуллари-ни топишга бўлган укувлар мажмуи. Термин индивидда билимлар, укувлар, ижодий ёндашиш мавжудлигини белгилайди, булар тадқиқий фаолият билан муваффақиятли шуғулланиш, шунингдек, улар ўзлаштирган излаш методологиясининг билиш имкониятини беради.

**ЭВРИСТИК СУХБАТ** — таълимнинг савол-жавоб шакли, бунда ўқитувчи ўқувчиларга тайёр билимни етказмайди, балки оқилона берилган саволлар, баъзан йўналтирувчи саволлар (лекин булар тўғридан-тўғри жавобни ўз ичига олмаган бўлиши керак) ёрдамида ўзларининг эгаллаган билимлари асосида, тасаввурлари, кузатишлари, шахсий турмуш тажрибалари ёрдамида янги тушунчалар, хулосалар ва қоидаларга олиб келади.

**ЭВРИСТИКА** (юн. *heurisko* — топаман, излайман, кашф этаман) — 1) антик фалсафада «ҳақиқатни топиш санъати», назарий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизими; 2) *психологияда*, фикрлаш операциялари табиатини, асосан турли масалаларни ҳал этишда инсоннинг самарали ижодий фикрлашини ўрганувчи психологиянинг бўлими (эвристик фаолият); 3) *педагогикада*, топқирлик, фаллиқнинг ривожланишига кўмаклашувчи йўналиш бериладиган саволлар йўли билан ўқитиш усули; 4) *иқтисодда*, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни, интуиция, топқирлик, ўхшашлар, тажриба, ихтирочиликка асосланган таҳлил усули, инсон миясининг ўзига хос хусусиятлари ва инсоннинг масалани ечиш қобилиятига таянади, булар учун формал математик алгоритм, ечиш усули номаълумдир; 5) анча тор маънода — янгиликни очиш жараёнидаги махсус усуллар ва ечимни излаш усуллариининг мажмуи (эвристик усул ва йўсинлар).

**ЭГОЦЕНТРИЗМ** (лот. *ego* — Мен ва *centrum* — марказ) — *индивидуализм*, *худбинликнинг* ашаддий шакли; мутлақо ўз индивидуал «Мен»и нуқтаи назаридан атроф-дунёга бўлган муносабат; индивиднинг ўз шахсий манфаатларига мутлақо берилиб кетганлиги туфайли, баъзи объект, фикр ёки таассуротга, хатто очиқ-ойдин кўриниб турган ҳал этиб бўлмайдиган қарама-

қаршиликлар олдида ҳам ўз бошланғич нуқтаи назарини ўзгартиришга ноқобиллиги. Эгоцентризмнинг илдиизи субъектнинг бошқа, қарама-қарши нуқтаи назарларнинг ҳам мавжуд бўлишлигини тушунмаслиги заминиди ётади.

**ЭЙФОРΙΑ** (юн. euphoria ei — яхши ва рнего — бошдан кечираман) — объектив вазиятга мос келмайдиган оптиқ даражадаги хурсанд, қувноқ кайфият, димоғчоғлик ва ташвишсиз ҳолат, бунда умумий ҳаракатлантирувчи ва эмоционал жонланиш, психомотор ҳаяжон кузатилади.

**ЭКВИПОЛЕНТ** (лот. aequipollens — тенг даражадаги аҳамиятли) — тенг миқдорий, бир хил ҳажмга эга, аммо турли моҳиятли. Масалан, қуйидагилар эквиволент ҳисобланади: А В нинг отаси; В Анинг отаси. Али хўжа; Хўжа Али.

**ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ** — «инсонпарвар психология» йўналишларидан бири; қуйидагиларни ўрганеди: вақт, ҳаёт ва ўлим муаммолари; эркинлик муаммолари, масъуллик ва сайловлар; мулоқот, севги ва ёлғизлик муаммолари; яхшилик маъносини излаш муаммоси. Экзистенциал психология муайян инсон шахсий тажрибасини умумий тархларга сингдириб бўлмаслиги жиҳатидан ноёблигини таъкид этади. Унинг мақсадларидан бири шахс аутентлигини — турмуши унинг ички дунёсига мувофиқлигини — тиклаш муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади.

**ЭКОЛОГИК ПСИХОЛОГИЯ, МУҲИТ ПСИХОЛОГИЯСИ** — инсон ҳаёт фаолияти билан узвий қўшилиб кетган, унинг хатти-ҳаракати ва ижтимоий ўзаро таъсирини бошқаришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилувчи инсон ва атроф муҳит (фазовий-жугрофий, ижтимоий, маданий) ўзаро таъсирининг психологик жиҳатлари ҳақидаги фанлараро билим соҳаси. Психология ва ижтимоий экология туташган ўринда турувчи инсон ва атроф муҳит ўзаро таъсирининг кенг ижтимоий-гуманитар доирасини ўрганувчи ўзига хос фан. Экологик психология соҳасидаги тадқиқотлар ҳозирги вақтда экологик тангликдан чиқишнинг самарали йўлларини излаш туфайли алоҳида долзарблик касб этмоқда. У ёки бу даражада атроф-муҳитга таъсир этувчи янги илмий-техникавий лойиҳа ва ишланмаларни чуқур экологик экспертизадан ўтказиш лозим.

**ЭКОЛОГИК САВОДЛИЛИК** — ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти табиатга етказадиган зарарнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш бўйича фаолиятда ваколатли иштирок этиш хусу-сияти. Қуйидаги таркиблардан ташкил топади: табиатни инсон яшайдиган муҳит, унинг уйи деб билиш; табиат ва инсон ўзаро таъсири қонуниятларини билиш ва табиий билимларни билиш; табиатни ҳимоя қилиш фаолиятига қобиллик; табиий муҳитнинг аҳволини қайд этувчи асбоблар билан ишлаш уқуви ва малакаси.

**ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ** — аниқ мақсадга йўналтирилган мунтазам педагогик фаолият, қуйидагиларга йўналтирилади: болаларнинг экологик маълумотлилиги ва тарбияланганлиги; экологик билимларни жамлаш, табиатдаги фаолият уқув ва ма-лакаларини шакллантириш, юқори даражадаги ахлоқий-эстетик ҳиссиётларни уйғотиш, табиатни муҳофаза қилишни амалга оширишда юқори даражадаги маънавий шахсий сифат-лар ва мустаҳкам иродага эга бўлишга.

**ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ** — инсоннинг ҳаёт фаолияти сифа-тидаги атроф-муҳит ҳақидаги, ишлаб чиқариш фаолиятини та-биий муҳитга таъсири ҳақидаги билимлар, шунингдек, табиат-ни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича билим ва малакалар ти-зими.

**ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА** — хўжалик қурилиши лойиҳаси ва табиий ресурслардан фойдаланишни экологик ҳавфсизлик талаблари ҳамда ердан самарали фойдаланишга мувофиқлигини атрофлича баҳолаш тизими. Ўзбекистон Рес-публикасининг экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчилиги Республика Конституцияси ва тегишли қонунларга асосланади.

**ЭКОЛОГИЯ** (юн. oikos — уй, турар жой ва logos — таъли-мот, тушунча) — ўсимлик ва жониворларнинг, улар ҳосил қилган ўзаро ҳамда атроф муҳит билан ташкил қиладиган уйғунлик ҳақидаги фан. Организмлар, турлар, оилалар, экоти-зим ва умуман биомуҳит популяцияси экологиянинг объекти бўлиши мумкин. 20- асрда инсоннинг табиатга таъсири кучай-иши туфайли экология табиатдан оқилона фойдаланиш ва ти-рик мавжудотни муҳофаза қилишнинг илмий асоси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. 20- аср 70- йилларида инсон эко-

логияси ёки ижтимоий экология юзага келди, у инсонинг атроф муҳит билан ўзаро таъсири қонуниятларини, шунингдек, уни муҳофаза қилиш амалий муаммоларини ўрганади. Фан сифатида экологиянинг вазифаси фақат ҳалокатли хавфларнинг олдини олишдангина эмас, балки инсон ва Ердаги барча тирик жоннинг ривожининг биологик ва ижтимоий ривожланишини яхшилашга имкон берадиган атроф-муҳитга таъсир этиш усулларини излаш ва таклиф этишдан иборатдир.

**ЭКОНОМИКА** (лот. *economia* — ҳўжалик, юн. *oikonomike* — айнан уй ҳўжалигини юритиш санъати) — 1) жамият ишлаб чиқариш кўчлари ривожининг муайян босқичига мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи; 2) муайян мамлакатнинг умуман ёки бир қисмининг тегишли тармоқ тарзидаги ва ишлаб чиқариш тарзидаги халқ ҳўжалиги; 3) илмий соҳа, ҳўжалик шўъбалари (саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар)ни, уларни юритиш усуллари, ҳўжалик жараёни боришининг қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий фан.

**ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ ВАЛИДЛИГИ** — хатосиз эксперимент натижалари билан таққослаш бўйича аниқ эксперимент натижалари таъмин этувчи ҳулосаларнинг ишончлилиги (ва ишончлилиқ даражаси). «Валидлик» тушунчаси тадқиқот асосий мақсадининг унга эришиш идеал эталони ва эксперимент ўтказишнинг аниқ жараёнлари билан боғлайди.

**ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ УСУЛИ** — педагогикада, мутахассисларда ахборот олишга йўналтирилган мантиқий ва математик тартиблар мажмуи, уни самарали ечим тайёрлаш ва танлаш мақсадида таҳлил қилиш, умумлаштириш. Усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда экспертлар сифат ёки миқдорий баҳолаш ва индивидуал фикр натижаларини расмий ишлаб чиқишни амалга оширадилар (қ. «*Дельфи*» усули). Эксперт усули ёрдамида асосан сифат, расмийлашмаган белгилар асосида тавсифланувчи мураккаб педагогик жараёнлар таҳлилинини ўтказиш мумкин; билим соҳаси ривожланишини, таълим ва тарбия жараёнларини ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирини башоратлаш мумкин; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг энг мақбул кўринишларини ажратиш ва муқобил ечимларни баҳолаш мумкин. Ўқувчилар билим ва ўқувларини баҳолашда субъективликни истисно этмаслиги,

баҳолаш натижаларини экспертнинг шахсий касбий ва маънавий сифатларига боғли қилиб қўйиши усулнинг жиддий камчилиги ҳисобланади (кўпинча ўқитувчи ёки имтиҳон комиссияси эксперт вазифасини ўтайди); нисбатан соддалиги, қиммат тушмаслиги ва оммавий амалиёт учун қулайлиги усулнинг афзалликлари ҳисобланади.

**ЭРКИН РИВОЖЛАНИШ** — тўсиқ ва чекловларни билмайдиган, қаршиликка учрамайдиган инсонга хос турли лаёқатларнинг куртакларини очиш ва такомиллаштириш. Бунда консултация олиш ва аниқ мақсадли кўмаклашиш шакллари, шунингдек, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳит томонидан бўладиган рағбатлантириш истисно этилмайди. Ўз-ўзини белгилаш ва ўз қарорига асосланган мотивлаштирилган танлаш учун жамият берадиган имконият қанчали бой бўлса, индивиднинг ривожланиши шунчали эркин бўлади.

**ЭРКИН ТАРБИЯЛАШ** — тарбия нуқтаи назари, унда боланинг ўзи ривожланиши ва унга фақат ривожланиши учун қулай шарт-шароит кераклиги таъкидланади. Бошланғич қоидасига кўра бу хатодир, чунки у катталар томонидан болаларга махсус ёрдам зарурлигини инкор этади.

**ЭРКИНЛИК** — қандай истаса шундай қилиш имкони, ирода эркинлиги. Тарихда ижод эркинлиги тушунчасининг ривожланиши тўсиқлар (мажбурлов, тақдир)дан эркинлик тушунчасини аста-секин сиқиб чиқаради. Қадимий фалсафа (Сукрот ва Афлотун)да сўз аввало, эркинлик ва тақдир хусусида боради, сўнг сиёсий зўравонлик (Афлотун ва Эпикурда) ҳақида боради. Ўрта асрларда эркинлик деганда гуноҳ ва черковнинг лаънатидан ҳоли бўлиш тушунилган, шу билан бирга инсоннинг ахлоқан талаб этилаётган эркинлиги билан дин талаб қилаётган эркинлик орасида номутаносиблик пайдо бўлади. Уйғониш даври ва ундан кейинги даврда эркинлик деганда инсон шахсининг кенг тўсиқсиз такомиллашуви тушунилган. Маърифат вақтида табиий сабабият ва қонуниятнинг барча нарсалар устидан ҳукмронлигини тан олувчи эркинлик тушунчаси пайдо бўлди. *Экзистенциализм*га кўра турмушнинг асосий ҳолати йўқликка кетиш мумкинлиги туфайли қўрқув, яъни инсонни борлиқдаги барча шартлиликлардан озод этувчи, шундай қилиб



унинг муайян даражада эркинликка эришишига имкон берувчи кўрқув ҳисобланади.

**ЭСЛАБ ҚОЛИШ** — ўрганилган материални хотирада сақлаб қолиш усули, уни исталган вақтда қайта тиклашга тайёрлик, ўқув ва амалий топшириқларни ечиш учун қўллай билиш. Эркин бўлмаган (олдндан кўйилган мақсадсиз эслаб қолиш, ирода сарфламай гўё ўз-ўзидан эслаб қолиш) ва эркин (иродавий куч ва махсус ташкил этилган фаолиятни талаб қилади), механик ва идрокланган бўлиши мумкин. Эслаб қолишнинг самаралилиги материалга, унинг ҳажмига, мураккаблигига, кўпгина ҳолларда, ўқувчининг иродавий сифатларига боғлиқ.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ҲУЖЖАТЛАР** — нашр этилгандан ва расмий рўйхатга олингандан сўнг илмий фойдаланиш учун тақдим этилган китоблар, вақтли ва давом этувчи нашрлар, рефератив материаллар. Ҳужжатларни нашр этилган ва нашр этилмаганга ажратиш яқин кунларгача асосий ҳисобланган. Репродукциялаш воситаси пайдо бўлгандан сўнг бу белги ўз асосий хусусиятини йўқотди; ҳужжатлар ва нашрларни биринчи ва иккиламчига, улардаги эълон қилинаётган ахборот мазмунининг янгилигига боғлиқ ҳолда, ажратиш биринчи ўринга чиқди.

**ЭЪТИҚОД** — сиёсий, диний, фалсафий, эстетик, табиий-илмий ва б. қарашларнинг тартиблаштирилган тизими, булар инсоннинг дунёқараш мажмуидан иборат бўлади, атроф-муҳитга эмоционал руҳий муносабатини белгилайди, ҳаракати моҳиятини ва хулқ-атвор йўналишини кўрсатади.

**ЭЪТИБОРНИНГ КЎЧУВЧАНЛИГИ, ЭЪТИБОРНИНГ КЎЧИШИ** — эътиборнинг бир объектдан бошқасига онгли ва тушунган ҳолда кўчиши, мураккаб ўзгарувчан вазиятга тезда мослашиш қобилияти.

**ЭҲМ УЧУН ПРОГРАММА** — Ўзбекистон Республикаси-нинг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилиги бўйича муайян натижаларни олиш мақсадида, ЭҲМ учун программалар яратиш мобайнида олинган тайёргарлик материалларини ҳам кўшганда ЭҲМ ва бошқа компьютер қурилмалар ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар, буйруқлар мажмуини тавсия

этишнинг объектив шакли, унинг аудио-визуал тасвирининг ҳосил бўлиши.

**ЭҲТИМОЛИЙ БАШОРАТЛАШ** — аввал ўтказилган тажрибанинг эҳтимолий тузилиши ва вазият мавжудлиги ҳақидаги ахборотга асосланган келажак олдида ҳайратланиш; келгуси истиқбол ҳақидаги фаразларнинг ҳар бири муайян эҳтимоликка асосланади.

## Ю

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИ** — ишчининг янги тури, кенг умумтаълим, умумтехникавий ва касбий билимлар, малакалар ва уқувларга эга бўлади, булар унга саноатнинг муайян тармоғида, янги ишлаб чиқариш шароитида осон мослашиш, барча мураккаблашаётган ва ўзгараётган меҳнат функциясини бажариш учун зарур янги билимлар, уқувлар ва малакаларни эгаллаш имконини беради.

## Я

**ЯГОНА МАКТАБ** — таълим тизимини ташкил этиш таъмоили, бу унинг барча қуйидан то юқоригача бўлган босқичларининг ворисийлиги ва очиқлигини таъминлайди; барча турдаги таълим муассасаларида таъмоиллар, тарбия ва таълимнинг мақсад ҳамда вазифалари ягона бўлишини, таълим турли босқичидаги ўқув режалари ва программаларининг келишилган бўлишини, ҳамма учун бир хил босқич ва мажбурий ўқув фанлари жамланмаси бир хилда бўлишини кўзда тутлади. Шунга кўра таълимни унинг анча юқори босқичларида давом эттириш учун бошланғич имкониятлар тенглиги вужудга келади ва бўлажак касбни эркин танлаш имконини таъминлайди.

**ЯНГИ АВЛОДНИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ** — ўқитиш воситалари, таълим жараёнини уйғунлаштириш учун имкониятлар яратувчи ахборот ва алоқа технологиялари негизида фаолият юритади ҳамда зуд қайта алоқани; ахборотни компьютерда кўришни; маълумотлар марказий жамланмасига кириш имконини бериш билан ахборотлар катта ҳажмини архивда

сақлашни; ахборот-қидирув фаолиятини автоматлаштиришни; ўқув фаолиятини бошқаришни ва бошқариш натижаларини назорат қилишни автоматлаштиришни таъминлайди.

**ЯНГИЛИКНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ, ЯНГИ ТЕХНИКАНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ** — янги ғоянинг туғилиши, унинг янги буюмга амалда айланишидан то мазкур буюмларнинг маънавий путурдан кетиши ва уларни ишлаб чиқаришдан олиниши, уларнинг амалда қўлланилиши сезиларли даражада камайгунигача бўлган вақтдан иборат давр. Янгиликнинг ҳаёт циклини алоҳида босқичларга ажратиш қабул қилинган: 1) ғоянинг туғилиши, ихтиронинг юзага келиши; 2) илмий тадқиқот ва ишланма, фикрни амалга ошириш имкониятини эксперимент тарзида текшириш; 3) бозорда янги ашёнинг пайдо бўлиши, талабнинг шаклланиши; 4) янги буюмларни кенг тайёрлаш; 5) бозорнинг тўйинганлиги; 6) сотувнинг касодга учраши ва буюмнинг янгиси, анча мукаммали томонидан сиқиб чиқарилиши. Баъзан янгиликнинг ҳаёт цикли қуйидаги шаклда ифодаланади: «фан — техника — ишлаб чиқариш — қўлланиш».

**ЯНГИНИ УМУМЛАШГАН ТАРЗДА ҲИС ЭТИШ** — интеллектуал ҳиссиёт, ҳам билиш соҳасида, ҳам амалий фаолият соҳасида янги, илғор нарсалар учун кураш ва уни мунтазам излашда акс этади. Бу ҳиссиёт ҳар қандай янги ахборотни олиш талаби билан, «когнитив гармония»га эҳтиёж билан, яъни янгидан таниш, одатий бўлган нарсани излаш билан боғлиқ.

**ЯНГИЧА ПЕДАГОГИК ТАФАККУР** — янги вазият ва турмуш талабларига одатдаги педагогик тасаввурларнинг зид келиши, эскиларининг мувофиқ бўлмай қолиши натижаларидан иборат бўлган фикрлаш; ижодий, янги фикрларнинг устун келиши, педагогик фаолиятни торайтирувчи, фан тараққиётини секинлаштирувчи ақида ва чекловларнинг оғир юкидан халос бўлиш жараёни. Янги педагогик тафаккур шу билан бир вақтда маънавий, интеллектуал кучларни эркинлаштиради, уларни замонавий тизим ва технологиялар усулларини, педагогик ҳаракат шакл ва усулларини яратишга йўналтиради.

## Ў

**ЎГИТ** — 1) панд-насиҳат, маънавий таълимот, масалан, отананинг ўгити; 2) йуриқнома, фармойиш; йуриқлантирувчи хужжат.

**ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ** — жамоани ташкил қилиш усули, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича меҳнатсеварлик, уқув ва малакаларни ривожлантириш, шунингдек, умумий куч-ғайрат билан жамоа турмуши ва меҳнатининг анча қулай шароитларини яратиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида унинг аъзоларга ғамхўрлик қилишни шакллантириш. Ташкиллаштирилган меҳнат жамоасида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш хоналарни тозалашдан тортиб, иш жойида тартиб ўрнатиш ва ишловчилар учун мақбул шароит яратишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишловчи ёшларнинг топқирлиги ва ижоди учун кенг шароитлар яратади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ЎҚИТИШ** — моҳияти педагогик йўсинлар, усуллар, йўللарни шахснинг ички режасига киритиш, уларни мустақил эгаллаш учун шароит яратиш, уқув ва малакалар мажмуини бутун ҳаёт мобайнида билимга мустақил эришиш усулларига айлантиришдан иборат моҳиятга эга таълимнинг ички, иккинчи томони. Ҳам ўқув машғулоти билан, ҳам ички, тугён уриб чиқадиган манфаатлар, қобилиятлар, эҳтиёжлар рағбатлантириши билан боғлиқ уй вазифаси, консультантлар ёрдамидаги ўзаро ўқиш, мустақил ижодий ишларни бажариш ўз-ўзини ўқитишнинг муҳим шакли ҳисобланади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** — ўз Менини ўз хусусияти, акс таъсир шароитлари ва усуллари, мойиллиги ва қобилликлари, хатолари ва заифликлари, ўз Мени кучи ва чегарасидаги англаш. Апполон ибодатхонасига кираверишда «Ўз-ўзингни англа!» деган ёзув мавжуд (бу сўз Фалесга тааллуқли дейилади). Гёте шундай деб ҳисоблаган: инсон ўзи ҳақида дунё ҳақида қанча билса, шунча билади, зеро, у дунёни ўзида мавжудлаштиради, ўзини эса фақат унда. «Ўз-ўзини қандай қилиб билиш мумкин? Балогага етишса ҳам, бу мумкин эмас, бу фақат ҳаракат ёрда-

мидагина мумкиндир. Ўз бурчингни адо этишга интил — мана шундагина сен ўз моҳиятингни англайсан».

**ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ** — инсоннинг ўзи, ўз сифатлари, қадр-қиммати, камчиликлари, лаёқатлари, имкониятлари, шунингдек бошқалар орасидаги ўзининг ўрни ва аҳамияти ҳақида ва ўзи шуғулланаётган фаолиятнинг ижтимоий қиммати, унинг самараси ҳақидаги фикри ва мулоҳазаси. Ҳулқ-атворни тартибга солишнинг муҳим омили ҳисобланади ва ўқув фаолиятига бўлган муносабатга сезиларли таъсир кўрсатади. Ўз-ўзини баҳолашнинг адекватлиги кўп жиҳатдан субъектнинг ижтимоий етуклик даражасига, унинг ҳаёт тажрибасига, олган маълумотига боғлиқдир.

**ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ** — жамоанинг ўз-ўзини ташкиллаштириш усули, жамоа аъзоларида биргаликдаги масъулиятни, жамоа ишини бошқариш билан аниқ ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган ишга қобил орган шуғулланган шароитларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришни таъминлайди. Муайян жамоада ўз-ўзини бошқаришни ўрнатиш 3 омилга кўра белгиланади: жамоанинг таркиби, унинг ҳаёти мазмуни ва аъзоларининг ташкилотчилик қобилияти.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ИДРОКЛАШ** — инсоннинг ўз дунёқараши, мақсадлари, манфаатлари ва хатти-ҳаракати моҳиятини англаши, баҳолаши, булар ёрдамида у бошқа одамлар билан ўз муносабатини ўрнатади; ўз шахсий қадр-қимматига бўлган ишонч.

**ЎЗ-ЎЗИНИ КЎРСАТА БИЛИШ** — ўз ички имкониятларини ва қобилиятларини турмушга тадбиқ эта билиш.

**ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ** — ўз идрокининг руҳий ҳолатларини бевосита ўрганиш. Ўз-ўзини кузатиш қийинлиги шундаки, кимдаким ўзини-ўзи кузатар экан, бир вақтнинг ўзида кузатишнинг ҳам субъекти, ҳам объекти ҳисобланади, демак, мана шу икки ҳолат ўртасидаги доимий иккиланишда натижаларга (булар шунинг учун ҳам ноаниқ ҳисобланади) эришиш мумкин.

**ЎЗ-ЎЗИНИ МОЛИЯЛАШ** — меҳнатни ташкил этиш шакли, бунда давлат томонидан молияланмайдиган корхона, муассаса ўз даромадлари ҳисобидан фақат жорий фаолиятини ташкил этибгина қолмай, балки улар ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлайди.

**ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ** — эркин, онгли, мажбур этишдан холи бўлган ўз ҳулқ-атвори, унинг мотивлари ва ҳиссиётларини бошқариш. Ўз-ўзини назорат қилишга қобиллик ахлоқий-маънавий тажрибани ўзлаштириш жараёнида, шу жумладан, таълим тизими орқали шаклланади, унинг ривожланиш даражаси эътиқодлар, билимлар, одатлар, шунингдек, ўз хатти-ҳаракати, ҳиссиётлари, маънавий сифатларини ўзи баҳолашига боғлиқ. Ўз-ўзини назорат ирода ва руҳни мустаҳкамлайди, эътироф этилган ва ичдан маъқулланган қоидалар доирасида ўзини тута билишни таъминлайди.

**ЎЗ-ЎЗИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ** — ўз-ўзини тута билиш усули, бунинг моҳияти ўз куч-ғайрати ҳисобига керак ва зарурни исталган ва мойил бўлганга айлантириш; ўқувчилар қандайдир жозибадор янгини кашф этишга интилиб ўқишда ўз-ўзларини рағбатлантирадилар; кундалик ҳулқ-атворда ўз-ўзини ёқтириш, ўз иродасини англаш, ўзининг мардона хатти-ҳаракатларини жамият тан олишдан пайдо бўлувчи кутилаётган қувончга таянади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** — руҳи, ҳиссиёти, ақли, иродаси ва хатти-ҳаракатини, ўз-ўзини ташкиллаштириш усули; инсоннинг ўз муайян ҳулқини баҳолаш, ўз ҳулқ-атвори ҳақида шахсий фикрини шакллантириш, жамоадаги мавқеи, атрофдагилар, ота-онаси, ўқитувчилар билан муносабати ҳақида ўз фикрига эга бўлиши. Ўз-ўзини таҳлил қилиш ақлнинг ҳиссиётлар, инстинктлар ва хатти-ҳаракатдаги бошқа хусусиятлардан устунлигини мустаҳкамлайди.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД** — жамиятда, жамоада, оилада ўз-ўзини, ўз муносабатларини танқидий баҳолаш уқуви. Ўсмирлар ва ёшлардаги ўз-ўзини танқидий баҳолаш эмоционал,

ўзгарувчан, аммо етарли даражада объектив бўлмайди, баъзиларда у умуман учрамайди, мағрурлик, ўзи ҳақида юқори фикрлилик туфайли унга ўрин берилмайди; бошқаларда аксинча тўлақонли эмаслик, ўз-ўзини камситиш ҳисси устун туради. Ёшлар ўз ҳулқ-атвори ва ички дунёсини ички монолог ёрдамида ва ишончли дўстлари билан суҳбатда, ўзлари ҳақида ўртоқлари даврасида фикр билдириш, мажлисларда, диспутларда онгли равишда танқид қиладилар. Ўз-ўзини танқид натижасида мураккаб маънавий жараён амалга ошади, индивид ўзини-ўзи объектив баҳолашга яқинлашади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ** — ўз-ўзини такомиллаштириш тури; индивиднинг янгини ўзлаштиришга ёки шаклланган хислатлари ва ижтимоий сифатини, шу муносабат билан амалга оширадиган ҳаракатларини яхши томонга ўзгартиришга интилиши. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўқувчи ўз ҳулқ-атворини таҳлил қилади, ижобий жиҳатлар ва қутилиши лозим бўлган камчиликларни фарқлайди; бу фаолиятда ўз-ўзини бошқарувни қуйидагилар амалга оширади: ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини таҳлил этиш, ўз-ўзини баҳолаш, унинг бориши ва натижалари, зарур ҳолларда мақсад ва вазифаларни тўғрилаш.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ** — 1) инсоннинг ўз салоҳияти имконлари ва лаёқатини янада тўлиқроқ намоён этиш ва ривожлантиришга интилиши; 2) билим, ўқувни замонавий талабларга мувофиқлаштириш учун йўналтирилган мустақил ўқув фаолияти.

**ЎЗ-ЎЗИНИ ЧЕКЛАШ** — ўз-ўзини тута билишнинг таркибий қисми; унинг моҳияти ўз шахсий манфаатидан, қулайликлардан, эгоистик хоҳишдан, ишдан манфаатдорлик ёки бошқа кишилар манфаатдорлигидан фойдаланиб ҳузур-ҳаловатга эришишдан воз кечиш ўқувидан иборат. Ўз-ўзини чеклаш натижасида инсон мавжуд инсоният тажрибаларини эгаллайди, очқўзлик, худбинлик, мол-дунёга ружу қилиш, мол-парастлик ва боқимандалик муҳитида маънавиятни йўқотишга қарши туради. У аста-секин ўз-ўзини идора этади, яъни ўз усидан ҳукмронга айланади, бу рамзий маънода мутлақ бўлиши

керак. Гуманистик идеалларга эга бўлган ва ўз шахсий ҳаётида уларни юзага чиқаришга интилган ёшлар (қизлар)гина ўз-ўзини чеклашни ўзига шахсий хусусият, хислат қила олади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар тааллуқлидир: таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; таълимни устидан давлат бошқарувини аамлга оширувчи идораларга раҳбарлик қилиш; таълимни ривожлантириш программаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; таълим муассасаларини барпо қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибларини ўрнатиш; таълим муассасалари аккредитацияси, педагог ва илмий ходимлар аттестацияси тартибларини белгилаш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа давлатларнинг таълим муассасалари таълим фаолияти билан шугулланиши учун рухсат бериш; қонунчиликка мувофиқ чет давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва муқобиллик белгилаш тартибини аниқлаш; давлат таълим стандартларини тасдиқлаш; таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намуналарини тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини ўрнатиш; давлат гранти миқдорини ва таълим муассасаларига қабул тартибини белгилаш; давлат олий таълим муассасаларининг ректорларини тайинлаш; таълим олувчиларнинг аккредитацияланган битта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш; қонунчиликка мос келадиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолиятини 1918 йилдан бошлаган. Университет таркибида 14 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрланади: ўзбек филологияси, славян филологияси, роман-герман филологияси, инглиз тили, немис тили, француз тили, таржимон (тиллар бўйича), фалсафа, жаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ, тарих, сиёсатшунослик, психология, социология, журналистика, иқтисодиёт, менежмент, ҳуқуқ, математика, амалий математика ва информатика, механика, физика, кимё, биология, тупроқшунослик,



география, гидрометеорология, геология, астрономия, геодезия, картография ва кадастр, информатика ва ахборотлар технологияси, экология ва табиатдан фойдаланиш; куйидаги ихтисосликлар бўйича **магистр**лар тайёрланади: ўзбек филологияси, турк тили ва адабиёти, славян филологияси, адабий манбашунослик ва матн-шунослик, таржима назарияси ва амалиёти, фалсафа, эстетика назарияси ва тарихи, фалсафа ва фанлар услубиёти, тарих, Ўзбекистон тарихи, тарих-архившунослик, манбашунослик ва тарихшунослик, археология, этнография, сиёсатшунослик, психология, социология (фаолиятнинг турли доираларида), телевидение ва радио эшиттириш, давлат ва маҳаллий бошқарув, ҳуқуқшунос-педагог, биология, физиология, назарий физика, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, радиофизика, физик электроника, гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, назарий механика, кимё, география, метеорология, геология, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, амалий математика ва инфор­мацион технологиялар, композицион, кукунли материаллар ва қўғламалар, экология. Университет таркибида 1963 йилдан Олий педагогика институти иш бошлаган. 1998 йилда ташкил этилган академик лицей-интернатга республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан 9—11-синфларда ўқиш истагини билдирган иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинади. 1996 йилда университет қошида гимназия ташкил этилган, ўқувчилар куйи синфдан бошлаб илмий фаолиятга жалб этилади, уларда касбий кўникмалар шакллантирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти (1948) негизида ташкил этилган. Университетда 6 факультет фаолият кўрсатади. Куйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: таржимон, роман-герман, инглиз, немис, француз, испан, славян филологиялари, халқаро журналистика; куйидаги ихтисосликлар бўйича **магистр**лар тайёрлайди: инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти, таржимон-референт, славян филологияси. Университет қошида Ўзбекистон тил ўрганиш

маркази мавжуд, унда инглиз, немис, француз, испан, ўзбек ва рус тиллари ўргатилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ** — 1955 йилда ташкил этилган. Институтда 4 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналиш бўйича **бакалавр** тайёрлайди: жисмоний маданият (спорт турлари бўйича).

**ЎЗИГА ХОСЛАШТИРИШ** — 1) алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган тафсилотлар рўйхати; 2) жадвал тарзида бажариладиган техникавий-конструкторлик (буюмга, маҳсулотга ва бошқаларга) ҳужжатларнинг асосийларидан бири, унда буюмнинг номи, қисми ва унсурларининг ҳолати, қандай материалдан тайёрланганлиги, оғирлиги ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

**ЎЗИНИ ТУТА БИЛИШ** — табиий ривожланиш ва самараларга қарамай, ақлий-ахлоқий ирода ёрдамида такомиллашиш йўналишида инсоннинг ўз ҳаётини шакллантиришга бўлган қобиллиги. Бу асосан икки шаклда — мўътадиллик ва матонатда намоён бўлади. Биринчиси (мўътадиллик) ҳар қандай шаклдаги ҳузур-ҳаловатга бўлган ҳиссиётга, айниқса, сезги соҳасида намоён бўладиган ҳиссиётга қарши тура олиш қобилиятини англатади. Матонат — хавф олдидаги кўрқув ва даҳшат таҳдидига қарши кураш, изтироб, куч-ғайрат билан қарши туришнинг айни шундай қобилиятидир; жиддий ҳаётий вазифа сабр ва тоқат талаб этаётган ўринда қатъийлик кўрсатиш. Тарбияланувчида фавқулоддаги вазиятларда ҳам оқилона фикрдан устун келишга йўл бермайдиган хислатни ривожлантириш керак. Ўз-ўзини тутта билиш иродани мустаҳкамлайди, хулқ-атвори шакллантиради, онгли равишда мардлик, жасорат ва шу билан бирга ҳар нарсани ҳисобга ола билиш, мулоҳазалиликни рағбатлантиради.

**ЎЗЛАШТИРГАНЛИК** — ўқув программасида белгиланган билимлар, ўқувлар ва малакалар тўлақонлиги, чуқурлиги ва мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан ўзлаштирганлик даражаси; баҳолаш балларида ўз ифодасини топади. Айрим фанлар бўйича баҳоларнинг қиёсий маълумоти ҳар бир ўқув фани, фанлар туркуми, умуман

таълим муассасаси буйича ўзлаштирганликни тавсифлайди. Юқори даражада ўзлаштирганликка дидактик усуллар ва воситалар ҳамда тарбиявий тадбирлар тизими ёрдамида эришилади.

**ЎЗЛАШТИРИЛМАГАНЛИК** — педагогик фаолиятдаги салбий ҳодиса, ўқув йили программасини ўзлаштирмаган ва бир ёки ундан ортиқ фанлардан академик қарзи бўлган талабаларда кузатилади.

**ЎЗЛАШТИРИШ** — бирор тилга бошқа тилдан кириб келган ва одатда ушбу тилнинг фонетикаси, грамматикаси ва сўз ясалиши қонуниятларига «бўйсундирилган» сўз (масалан, мижоз, карават, митинг ва ҳ.к.); баъзи ҳолларда улар «беғона»лигича қолади. Сўз ўзлаштириш бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларнинг табиий оқибати ҳисобланади, бунда нарса ва тушунчалар билан бирга уларни ифода этувчи сўзлар ўзлашади. Сўз ўзлаштириш сўз олаётган тилнинг луғат таркибини бойитишга хизмат қилади; аммо бошқа тилдаги сўзларни олавериш, улардан асоссиз фойдаланиш адабий тилда кераксиз ортиқча сўзларнинг кўпайишига олиб келади.

**ЎЗЛАШТИРИШ** — индивиднинг ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлишининг асосий усули. Ўзлаштириш жараёнида инсонлар предметлар ўзига хос аҳамиятларини ва улар билан муомала қилиш усулларини ўрганадилар, шунингдек, бошқа кишилар билан муомала қилиш шакллари ва ҳуққ-атворнинг ахлоқий асосларини эгаллайдилар. Ўзлаштириш — бирор янгини ўзи учун хос, одатдагига айлангириш ўқуви, бирор нарсани тушуниб ва англаб етиб ёдлаш, эслаб қолиш. Ўзлаштириш — ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида муҳим компонент ҳамда натижа; у ўз навбатида қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: ўқув материални тасаввур этиш, уни англаш ва идроклаш, эслаб қолиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва қўллаш. Ўзлаштиришнинг барча компонентлари ўзаро жипс боғли, бир-бирига қўшилиб кетади ва биргалликда муайян ўқув жараёнига кириб боради.

**ЎЗЛАШТИРИШ ҲАЖМИ** — берилган амалларни ўзлаштириш учун ўқувчи қайта ишлаши зарур бўлган ахборот ҳажми.

**ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ** — таълим мазмунини эгаллаш даражаси, таълимнинг берилган мундарижасида тавсия этилган фаолиятни эгаллаш маҳоратини ўргатишда эришилган билимнинг ўлчови; инсон ечадиган вазифанинг қийинлигини тавсифлайди. Фаолиятда бошланғич материалдан фойдаланиш усуллари билан фарқланувчи ўзлаштиришнинг 4 даражаси фарқланади: I даража — ўқувчилик, билиш, яъни айтиб туриш билан биргаликдаги репродуктив ҳаракат; II даража — алгоритмик — хотира бўйича репродуктив ҳаракат; III даража — эвристик — объектлар айрим кўпчилигида маҳсулдор фаолиятни бажариш; IV даража — субъектив янги (ўзи учун) ахборотларни яратиш.

**ЎЗЛАШТИРИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (К)** — тест топшириғи (М)даги тўғри бажарилган операциялар сонининг тест (N) операциялари умумий сонига нисбати

$$K = \frac{M}{N}$$

Ўзлаштириш коэффициенти тест назоратида ўқув материалли муваффақиятли ўзлаштирилганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади; унга асосан тегишли босқичда таълим жараёнининг тугалланганлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Қониқарли билим ва ўқувни қониқарсиздан ажратувчи ўзлаштиришнинг мезоний қиймати сифатида 0,7 ни қўллаш мумкин.

**ЎЗЛАШТИРИШ ТЕЗЛИГИ** — ўқувчи ахборотларни ўзлаштиришнинг белгиланган сифати даражасида ўзлаштириши бўйича ўртача тезлик; ўқувчининг мазкур материални ўзлаштиришга сарфлаган вақти билан ўзлаштирилган ҳажм нисбати сифатида аниқланади.

**ЎЗНИ ТУТА БИЛИШ** — хулқ-атворни назорат қилиш, жўшқин ҳаракат ва туйғуларни жиловлай олиш, уларни хулқ-атворнинг мавжуд меъёр ва қоидаларга бўйсундира олиш ўқуви.

**ЎЙИН** — ўқув-тарбия фаолиятининг шакли, бирор амалдаги вазиятни намоён этади; ўйин ўқув жараёнини фаоллаштириш воситаларидан бири ҳисобланади, ақлий ривожланишга кўмаклашади. Ўйиннинг узига хос хусусияти икки тарзда намоён бўлади: бир томондан, ўйинчи аниқ фаолиятни амалга оширади, уни амалга ошириш аниқ, кўпинча ностандарт вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатларни талаб қилади, иккинчи томондан бу ҳаракат кўпгина ҳаракатларда шартли тавсифга эга бўлади, аниқ вазиятдан унинг масъулиятлилиги ва кўплаб бирга кечадиган вазиятларига кўра четга чиқишга имкон беради. Ўқув жараёнидаги ўйиннинг функцияси эмоционал кўтаринки, материални ўзлаштиришни енгиллаштирувчи, ишонтирувчи таъсир ўтказувчи вазиятни таъминлашдан иборатдир.

**ЎЙИН НАЗАРИЯСИ** — мавҳумлик шароитларида, ўйин вазиятларида ҳаракатнинг энг яхши вариантларини айтиб бериш, ишлаб чиқиш мақсадларида математик моделлаштириш аппаратидан фойдаланувчи фандаги назарий йўналиш.

**ЎЙИН УСУЛЛАРИ** — *иш ўйинларини* ўз ичига олувчи бошқариш ходимларини психологик тайёрлаш усуллари.

**ЎЙИНЛИ ТАЪЛИМ** — таълим технологияси, ўз олдига билимни ўзлаштиришнинг шахсий-фаолиятли тавсифини таъминлаш, ўқув ва малака ҳосил қилишни мақсад қилиб қўяди; таълим олаётганларнинг ижодий фаолиятга жалб этиш ўйин усуллари ёрдами билан ўқув ахборотини излаш, ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил билиш фаолиятини фаоллаштиради.

**ЎЛЧАШ** — қабул қилинган ўлчов бирликларида ўлчанаётган катталиқ рақамли қийматини топиш мақсадида бажариладиган амаллар мажмуи; *педагогикада* — ўрганилаётган педагогик ҳодисанинг миқдорий тавсифини аниқлаш.

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ** — эгалланган ихтисослик ёки кейинги босқичда таълимни давом эттириш

ҳуқуқини берувчи умумий ўрта таълим негизидаги таълим. Академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларида амалга оширилади.

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ (ЎМКҲТДТС)** — таянч меъёрий ҳужжат, кадрлар тайёрлаш сифатига бўлган умумий талаблар таълим мазмунини; ўқувчилар зарур ва етарли даражада тайёрланганлик умумий даражаси ва ЎМКО таълим муассасаларини битирувчиларга умумий малакавий талабларни; ўқув юкмаси ҳажмини; академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва воситаларини белгилайди. ЎМКҲТДТС таълим жараёнини, кадрлар тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар сифатини белгилаб берувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар (кичик мутахассислар тайёрлаш йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари программалари ва б.)ни яратиш учун асос ҳисобланади.

**ЎТМИШДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ** — Ўзбекистон ҳудудида ўтмишда (20- аср бошларигача) уч босқичдан иборат таълим-тарбия тизими мавжуд бўлган:

1) бошланғич таълим — мактабларда амалга оширилган; арабча «мадрасат ул-ибтидоия» — бошланғич мадраса деб аталган ва улар дарс ўқиш — таълим-тарбия жойи ҳисобланган; 2) умумий таълим мадраса (мактаб, билим маскани, дарс ўқиш жойи), мадрасат ул-улум — университетда амалга оширилган. Умумий таълим мадрасасида таъсил олганлар бошланғич таълим (мактаб) муаллимлари, масжид имоми, қозихона ходими сифатида фаолият кўрсатган. Мазкур мадрасаларнинг иқтидорли толиблари ўқишни мадрасайи олия, мадрасат ул-улумларда давом эттирган; 3) олий таълим мадрасайи олияда ёки мадрасат ул-улумда амалга оширилган. Бу масканлар ҳозирги университет даражасида эканлиги лугатларда қайд этилган. Бундай олий мадрасалар Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қўқон ва бошқа бир қатор йирик маданият марказларида, илмий жиҳатдан юксак даражага эришган алломалар тўпланган шаҳарларда фаолият кўрсатган. Мамлакатимиздаги олий таълим тизими тарихан қадим-қадим даврларга бориб тақалади, унинг олий маскани — олий мадра-

салар ҳозирги университет мавқеига эга бўлган. Истиқлол туфайли юртимизда таъсис этилган университетлар қадимий олий мадрасаларга боғланади, десак, тарихни ҳолисона ёришиш, тиклаш ҳусусида адолатли ҳукм бўлади.

**ЎҚИТИЛАДИГАН МУҲИТ ЯРАТИШ** — таълим муассасаларида техникавий, технологиявий, эргономик, экономик, тиббий-гигиена, педагогик, экологик талабларга, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва ўқувчилар соғлигини муҳофаза қилиш талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш таълими ва таълимнинг дидактик воситалари негизида ўқув моддий негизни яратиш.

**ЎҚИТИЛАДИГАНЛАР** — муайян курсни ўташ ёки программани ўзлаштириш учун таълим муассасасига қабул қилинган ҳамда машғулоғларда қатнашишни бошлаган шахслар.

**ЎҚИТИЛГАНЛИК** — касбий фаолиятнинг бирор турига тайёрланганлик, ишнинг моҳияти, муайян мазмундаги ва мураккаблик даражасидаги вазифани муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ишнинг, билимнинг, ўқув ва малакаларнинг моҳиятини тушуна олишлик.

**ЎҚИТИЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ** — ўқувчининг ноташи, илгариги мавжуд ўқув даврида ўзлаштирилмаган билимни мўлжаллай олиш қобилияти акс этиши даражасининг кўрсаткичи.

**ЎҚИТИЛУВЧИ** — ўз ҳаётий фаолияти жараёнида фаол фойдалана олиши мумкин бўлиши учун билимлар, ўқувлар ва ижтимоий-маданий тажрибанинг бошқа томонларини мақсадли тарзда бериш қаратилган шахс.

**ЎҚИТИШ** — ўқувчиларнинг билимни ўзлаштиришига мақсадли йўналтирилган жараён, кейинги амалий фаолият учун ўқув ва малакага эга бўлиш. Кенг маънода — умумлашган тарзда турли-туман ижтимоий тажрибаларни эгаллаш. Шундай қилиб, ўқишнинг асосий мақсади, бу — келгусидаги мустақил меҳнат фаолиятига тайёргарлик, унинг асосий воситаси — ин-

сониятнинг аввалги меҳнати натижасида бунёд этилганларнинг умумлашган натижаларини ўзлаштириш. Ўқишнинг умумий тузилиши материални тасаввур этишни, уни идроклашни, онгли равишда ижодий қайта ишлашни, ўз-ўзини текширишни ва ҳам ўқув машқлари тизимида, ҳам ҳаётий масалаларни ҳал этишда қўллашни ўз ичига олади.

**ЎҚИТИШ** — ижтимоий тарихий тажрибани беришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган жараёни, уни махсус усуллар ва турли-туман шаклларда ўқувчиларга сингдириш; мутахассис педагог ёки ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Таълим бир вақтда ҳам мазмуний (билимларни бериш, ижтимоий фаолиятни турли соҳаларида муваффақиятли қатнашиш учун зарур ўқув ва малакаларни шакллантириш), ҳам ривожлантириш (инсонни шахс сифатида умумий ривожлантириш, унинг маънавий дунёси ва ижодий имкониятини ошириш) унсурларига эгадир. У фақат билимлар бериш жараёнидангина иборат бўлмай, балки аввало, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш воситаси ҳамдир; таълим жараёни асосий ташкил этувчиси ҳисобланади. ХТСТ бўйича таълим, у — ҳулқ-атвордаги, маълумотлиликдаги, билимлиликдаги, тушунишликдаги, дунёқарашдаги, қадриятлар тизими ва малакалардаги (яхши томонга) хоҳланган ўзгаришлардир.

**ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ** — ўқув ахборотини ташувчи сифатида ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиладиган моддий ва табиий объектлар, ўқувчилар билиш фаолиятини ташкиллаштириш ва бу фаолиятни бошқариш. Ўқитиш воситалари дарсда ва дарсдан ташқари вақтда мустақил ишларни самарали ташкил этишга, ўқитиш жараёнини фаоллаштиришга ва уни ҳаёт билан жипс боғлашга имкон беради; улар айниқса ўқувчиларни янги техника, технология, меҳнатнинг илғор усуллари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

**ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ ТИЗИМИ** — дидактик туркум бўйича таълим жараёнини амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган объектлар мажмуи.



**ЎҚИТИШ МОДЕЛИ** — педагог ташкил этадиган амалга оширадиган ва ўқув жараёнининг тасвирий тархи.

**ЎҚИТИШ СТАНДАРТИ** — таълим сифати кўрсаткичлари стандартларида ифода этилган ва назоратнинг стандарт усулларига бўйсунадиган таълим ва уни ўзлаштириш сифатига минимал талабларнинг диагностик тавсифи.

**ЎҚИТИШ УСЛУБИ** — ўз фаолияти жараёнида ўқиётганлар фойдаланадиган шакллар, усуллар, йўсинларнинг индивидуал тизими. Ҳулқ-атвор тарзи, ўқувчилар ва бошқа ўзига хос индивидлар билан мулоқотнинг тавсифи, вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ва қўйилган мақсадга тўла равишда эришишга таъсир ўтказади.

**ЎҚИТИШДАГИ ФОРМАЛИЗМ** — ўқув материални, уни амалиётда қўллашни етарли даражада тушунмаган ҳолда ва бундан уйдалай олмаган тарзда қуруқ ёдлаш. Формализмнинг асосий сабабларидан бўлиб, ўқитишдаги мавҳумлик, ўқув материални ҳаёт ва амалиёт билан боғламаган ҳолда баён этиш, қарашларнинг, онглилик ва фаолликнинг дидактик тамойилларидан етарлича фойдаланмаслик ҳисобланади.

**ЎҚИТИШНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШ** — ўқув фаолиятини ташкил этишнинг шакли, бунда ўқиётганнинг мойиллиги, манфаатлари ва лаёқати ҳисобга олинади, аммо умумтаълим тайёрловининг умумий (таянч) даражаси пасайтирилмайди; муайян белгилар (манфаатлар, мойилликлар, лаёқатлилиқ, эришилган натижалар) асосида сафарбар ёки барқарор ўқув гуруҳларини тузиш кўзда тутилади, бу ҳол ўқитишнинг мазмунини ва ўқувчиларга қўйиладиган талабларни моҳиятан турли-туман бўлишига имкон беради.

**ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ** — ўқитиладиганнинг ҳаёт фаолияти тартиби ва унинг ижтимоий-руҳий ўзига хослигини ҳисобга олувчи таълим хизмати кўрсатиш усули; педагоглар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги билиш фаолиятдан иборат, мунтазамлик ва яхлитлик, етакчи дидактик мақсадларнинг муайянлиги таълим олувчилар тарти-

бининг доимийлиги, ўтказиш муайян тартибининг (белгиланган давомийлик, ўтказиладиган жой ва ҳ.к.) мавжудлиги унинг учун хосдир. Ўқишни ташкил этишнинг асосий шакли — дарс. У билан бирга қўшиб олиб бориладиган шакллар хилма-хилдир: лаборатория-амалиёт машғулоти, семинарлар, маърузалар, мунозаралар, лойиҳа ҳимояси, студиявий ёзув, факултативлар, тўғарақлар шулар жумласидандир.

**ЎҚИТИШНИНГ АДЕКВАТЛИГИ** — ўқув фаолияти субъектининг у ёки бу таълим программаси ёки таълим муассасаси курсини тугатганидан сўнг бажариши лозим бўлган амалий ва бошқа вазифалар мураккаблик мазмуни, тавсифи ва даражасига ўқитишнинг мувофиқлиги.

**ЎҚИТИШНИНГ МУНДАРИЖАСИ** — келгусида муайян касбий фаолиятнинг бажариш учун зарур бўлган маълумотлар мажмуи. Ижтимоий онгнинг асосий шакллари, аввало, барча фанлар, санъат, ҳуқуқ, ахлоқ, шунингдек, маданият, ишлаб чиқариш тажрибаси ва меҳнат малакаси ўқитиш мундарижаси ҳисобланади. Касбий ўқитишнинг мундарижаси техникадаги, технология ва меҳнатни ташкил этишда янгиликлар пайдо бўлиши билан дарҳол ўзгариши лозим. Таълим мундарижаси ўқув режалари ёки программаларидан анча тор тарзда; дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маърузалар ва ўқитувчиларнинг дарсларида анча кенг берилади.

**ЎҚИТИШНИНГ ОНГЛИЛИГИ** — ўқувчиларда ўқув материални тушунишни, билимга ижодий ёндашишни, ўқув сифати учун масъулиятни, ўқув ва меҳнат интизомига амал қилишни шакллантириш. Тушунишнинг онглилиги дарсдаги назарий ва амалий материалнинг нисбати билан белгиланади. Ҳозирги вақтда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига, унинг ўзи тайёрланишига талаб кучаймоқда; билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий хусусият касб этмоқда; тобора кўпроқ эътибор ўқувчиларнинг билимга бўлган муносабатига қаратилмоқда; ўқишга бўлган иштиёқ таълимнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилайди ва аксинча, ўзлаштирмаслик ҳолати кўпинча ижобий мотивларнинг етарли эмаслиги билан асосланади.

**ЎҚИТУВЧИ** — ўзлаштирган билимлари, уқувлари, эгалланган тажрибасини, ҳаёт ҳақидаги тушунчасини ва унга бўлган муносабатини бошқаларга берувчи шахс. Анча тор маънода — умумтаълим мактабида бир ёки бир неча ўқув фанидан дарс берувчининг лавозими, ўтилайётган фаннинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўқувчини ўқитиш ва тарбиялаш, шахс умумий маданиятини шакллантириш, ижтимоий меҳнатга кўникиш касбий программасини онгли суратда танлаш ва ўзлаштириш унинг вазифасига киради.

**ЎҚИТУВЧИ** — муайян вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал қилишда ўзи ўзлаштирган билим, уқув ва қобилиятни, шунингдек, ҳаёт тушунчасини ва унга муносабатини мақсадли равишда берувчи шахс.

**ЎҚИТУВЧИ-ДЕФЕКТОЛОГ** — педагог ходим, ривожланишда айрим камчиликлари бўлган ўқувчилар (тарбияланувчилар) билан ўқув-тўғрилаш ишларини олиб бориш унинг вазифаси ҳисобланади.

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА КАСБИЙ ТАЪЛИМИ** — ўқитувчилар касбий билимининг аниқ мақсадга йўналтирилган узлуксиз оширилиши ва педагогик маҳоратининг такомиллашиши. Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бўйича таълим муассасалари самарали фаолиятининг зарур шарти ҳисобланади ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда муҳим мезон сифатида қаралади. Мустақил таълим, таълим муассасаларида ўқитиш, корхона ва ташкилотларда тажриба орттириш, мавзули ва муаммоларга бағишлаб таълим муассасаларидаги кафедралар (таркибий бўлинмалар) томонидан ташкил этиладиган семинарларда қатнашиш йўли билан амалга оширилади.

**ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ** — ўқитиш ва ўқувчиларни тарбиялаш амалиётида педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланиш фаолиятига ўқитувчининг жалб бўлиши, таълим муассасасида муайян инновация муҳитини яратиш. Замонавий касбий мактабда бой

педагогик тажриба тўпланган, у муайян ўқитувчилик фаолиятида амалга оширилиши лозим.

**ЎҚИТУВЧИ-УСЛУБЧИ** — юқори педагогик маҳоратга эга мактаб ўқитувчиси, унинг билими, ўқуви ва тажрибаси ўзининг камроқ тайёргарликка эга ҳамкасбларига маслаҳатлар беришга, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни ўқитишда иштирок этишига имкон туғдиради.

**ЎҚИШ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТИ** — таълим олувчининг эришган билим даражасини текшириш ва унинг ўқув программасини ўзлаштирганлик даражасини белгилаш. Таълим сифатини назорат қилишда икки асосий усулдан фойдаланилади: ўқувчи таълим фаолиятининг жорий назорати, унинг билим ва ўқувини якуний текшириш.

**ЎҚИШ СУРЪАТИ** — тезлик даражаси, бу билан ўқув жараёни ривожланади, ўқув программаси бажарилади, материали ўзлаштирилади; бир қатор шартлар билан боғлиқ: ўқувчиларнинг тайёрланганлик даражаси, улар билиш қобилиятларининг ривожланиш даражаси, ўрганилаётган материалнинг хусусияти, ўқувчиларнинг ёш даражаси, кўргазма воситаларнинг қўлланиши.

**ЎҚИШГА ҚОБИЛЛИК** — инсоннинг янги билимлар ва ўқувлар, шунингдек, таълим жараёнида самарали фаолият усуллари ва йўсинлари.

**ЎҚИШДАГИ ВОРИСЛИК** — дидактика тамойилларидан бири, билимларни ўзлаштиришдаги муайян тартиб ва кетмакетликни, тушунчага эга бўлиш ва ўқувларнинг шаклланишини кўзда тутати. Ўқув материалининг ҳар бир унсури аввал ўзлаштирилгани билан мантиқан боғланган бўлиши керак, таълимнинг ҳар бир янги поғонаси эса аввалгисига таяниши ва янгини ўзлаштириш, ақлий қобилият ривожланишида анча юқори босқичга ўтишга тайёрлаши лозим. Ворислик воситасида бутун ҳаёт мобайнидаги таълим жараёнининг ва унинг тобора ошиб бориш тавсифига эришилади.

**ЎҚИШДАГИ МАЛАКА** — ўқув хатти-ҳаракати, кўп марта такрорлаш натижасида автоматлаштирилган тавсифга эга бўлиш. Ўқувчилар билим ва ўқувларга эга бўла борар эканлар, уларнинг нутқи (ёзма, оғзаки)да, ўқув топшириқларини бажаришларида автоматизм унсурлари пайдо бўлади; ўқув унсурлари (онгли хатти-ҳаракат) малакага айланади, булар ўз навбатида ўқувни такомиллаштиришга кўмаклашади, баъзан уларнинг шаклланиши олдидан юзага келади.

**ЎҚИШДАН КЕТИШ КЎРСАТКИЧИ** — курс ёки ўқув программасини ўташ учун қабул қилинган, аммо ўқишни у тугагунга қадар ташлаб кетган шахслар миқдори ёки фоизи.

**ЎҚИШНИНГ ИЛМИЙЛИГИ** — касбий таълимдаги таълимчилардан бири, касбий таълим сифат кўрсаткичи; фанга таянишни билим манбаи сифатида белгилайди, билим атроф-олам қонуниятларини акс эттиради, ақлий ривожланишга таъсир этади, замонавий фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият, санъатни эгаллашга имкон беради. Илмийлик таълимчилар аввало ўқув материалларини саралаш ва қўлланаётган таълим методларида намоён бўлади. Ўқитувчи фан томонидан аниқ белгиланган назарий муҳим далиллар танлаши лозим, ўқув материалларини баён этишда талабаларга мунозарали муҳим муаммолар ҳақида, илмий фарозлар тўғрисида маълумот бериши керак, шунингдек, фаннинг тараққиёт истиқболлари ҳақида тушунарли шаклда сўзлаб бериши лозим. Илмийлик таълимчилар файриилмий терминларни қўллаш ва илмий назарияларни сохталаштиришни истисно қилади; ҳозир педагогика жараёнига мустақкам кириб келаётган ўқитиш усулини фанга хос усуллар билан оқилона уйғунлаштиришни амалга оширади.

**ЎҚИШНИНГ ТУШУНАРЛИЛИГИ** — дидактик таълимчилар, таълим мазмуни ва усулларини ўқувчининг мавжуд имкониятлари, унинг билим даражаси ва ўқувининг ривожланиш даражаси ҳамда ўқув материалларини ўзлаштириш малакасини, ўқув топшириғининг ҳажми ва мураккаблигини оқилона танлашни, шунингдек, ўқувчининг таълимдаги тажрибаси ва бошқа индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи оқилона таълим технологиясини кўзда тутати. Ўқувчи аввалги ўқиши жараёнида тай-

ёрланган мураккаблик даражасида баён этилган ўқув материали ўқувчи учун тушунарли ҳисобланади. «Оддийдан мураккабга» деган машҳур дидактик қоида нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, ўқув фанини ўрганишда абстракциянинг анча қуйи босқичида баён этилган материалдан ўқувчининг тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда абстракциянинг юқорироқ даражада бажарилган тавсифига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА (ХРЕСТОМАТИЯ)** — мунтазам тарзда тўпланган бадиий, мемуар, илмий, ўқув материаллари ёки улардан олинган парчалар, шунингдек, турли ҳужжатлардан олинган қисмлардан иборат тўплам тарзидаги қўлланма.

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ** — ўқув нашри, айти шу тур нашр сифатида расмий тасдиқланган бўлади. Дарсликнинг ўрнини қисман ёки тўлиқ босиши ёки уни тўлдириши мумкин.

**ЎҚУВ ЎЙИНЛАР, ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР, ЎҚИТИШ ЎЙИНЛАРИ** — ўқитиш мақсадлари учун махсус мўлжалланган ўйинлар; ўйин иштирокчилари ўртасидаги мусобақа ёки беллашув, уларнинг ҳаракати муайян шартлар (қоидалар) билан чекланади, муайян мақсадга (ютиш, ғалаба қилиш, соврин олиш)га йўналтирилади. Ўқув ўйинлари давомида ўқувчилар улар ўзлари ҳаётда олиши мумкин бўлганига ўхшаш фаолият тажрибасига эга бўладилар. Ўқув ўйинлари ўқувчилар учун педагогик жиҳатдан жозибалидир, у кузатувчанликни, эътиборни, фикрлашни ривожлантиради. Улар, шунингдек, улкан тарбиявий аҳамиятга эга, чунки мақсадга интилишни, сабр-тоқатни, мустақилликни ва жамоани ҳис этишнинг ривожланишига кўмаклашади, ҳулқ-атворнинг муайян меъёрларига мувофиқ ҳаракат қилиш ўқувини шакллантиради.

**ЎҚУВ АМАЛИЁТИ** — таълим жараёни унсури, унинг асосий мақсади назарий билимлар ва амалий ўқувларни уйғунлаштиришдан иборатдир. Бир қатор анча хусусий вазифаларни бажариш воситасида эришилади, хусусан, билимларни уларни бевосита қўллаш жараёнида мустаҳкамлаш; мунтазам машқлар мобайнида ўқув ва малакаларни ҳосил қилиш;

технологиявий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда билимларни қўллаш уқувини шакллантириш.

**ЎҚУВ БЎЙИЧА УЙ ВАЗИФАСИ** — таълим жараёнининг таркибий қисми, ўқитувчининг топшириғи бўйича ўқувчининг машғулоти (дарс, маъруза, семинар)дан сўнг мустақил ўқув ва амалий ишни бажаришидан иборат. Ўқув программасида мақсадга мувофиқ ҳажмдаги уй вазифалари кўзда тутилган, бу дарс вақтида мустаҳкамланган билимлар ҳажмига тўғридан-тўғри алоқадордир. Уй вазифаси тушунарли бўлиши, унда янгилик унсурлари ва мустақилликни намоён қилиш учун имконият мавжуд бўлиши лозим; бунда албатта ўқитувчи методик кўрсатмалар беради. Уй вазифалари мунтазам текшириб борилиши керак.

**ЎҚУВ БЛОКИ** — умумий мақсадлар асосида бирлашган бир неча (одатда 4 та) дарслардан иборат машғулоти; у таълимни ташкил этишнинг ўзаро боғли бўлган шакллари мажмуидан иборатдир, ўқувчилар уларда ўқув материалларини онгли тарзда тадрижий ва бир вақтда ўзлаштирадilar, билим ва уқувларини шакллантирадilar, ижодий қобилиятларини ривожлантирадilar.

**ЎҚУВ ГУРУҲИ** — тайёргарлик даражаси тахминан бир хил, айни бир вақтда ва айни бир нарсани айни бир ўқитувчилар раҳбарлиги остида ҳамма учун бирдек давр мобайнида ўрганувчи шахсларнинг муайян миқдори; таълим муассасасининг бошлангич жамоа аъзолари ҳисобланган контингентининг айримлаштирилган қисми.

**ЎҚУВ ДИСКУССИЯСИ** — ўқитишнинг ташкилий шакли (модел) ва ўқув материали мазмуни билан ишлаш усули; педагог ташкил этадиган фикр алмашишдан иборат, бунда ўқувчилар ўрганилаётган масала бўйича ўз субъектив нуқтаи назарларини ҳимоя қиладilar. Дискуссия ўқувчилар онгида назария, гоё, қонуниятларни, умумлаштириш, ҳақиқатни ўзлаштиришга олдиндан тайёрловчи ўқув функциясини бажаради; шу билан бир вақтда барча ўқувчиларни фаол ўзаро муносабатга жалб этилишини таъминлайди, уларни билиш фаолиятининг субъектига айлантиради. Дискуссия педагогга

ўқувчилар умумий ривожланиши, маданий дунёқараши аҳволини, уларнинг интеллектуал топқирлигини, бошқаларни эшитишга қобиллигини, мунозара қоидасига риоя қилишни, шунингдек, уларнинг интеллектуал қобиляти ва ўртоқларига эмоционал таъсирини диагностика қилишга имкон беради. Уни қўллаш танқидий фикрлашни ривожлантиришга, ёш фуқароларни демократик жамият маданияти билан таништиришга ёрдам беради. Кейинги ўн йилликлар давомида дискуссия тобора бир қатор мамлакатларда педагогик тадқиқотнинг барқарор таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

**ЎҚУВ ЖАДВАЛИ** — ўрганилаётган объектлар ва ҳодисалар, уларнинг тузилиши, хоссалари, муайян тушунча, малака, ўқувни шакллантиришда зарур бўлган турли ҳаракат ва операцияларни бажариш йўсинлари ва усуллари тўғрисидаги синовдан ўтган илмий ахборотни кўргазмали тарзда ва лўнда шаклда ўзида жамлаган ўқитишнинг моддий воситалари (плакат, схема, диаграмма, график ва б.).

**ЎҚУВ ЖАМҒАРМАСИ** — ўқув фанининг бирор бўлимини ўрганишда индивидуал тарзда мустақил ишлашга мўлжалланган дидактик материаллар мажмуи. 1980-1990 йилларда программалаштирилган таълимнинг ривожланиши билан ўқув жамғармаси ўрта ва олий мактабларда сиртқи таълим тизимидаги ўқитиш амалиётида кенг тарқалди. Фан мазмунининг унча катта бўлмаган бир қисмини қамраб олиш, ташкиллаштиришнинг сезиларли даражада мослашувчанлиги уларни ҳам анъанавий, ҳам анъанавий бўлмаган ташкилий шаклларга киритиш ва таълимни сезиларли даражада индивидуаллаштиришга имкон беради.

**ЎҚУВ ЖАМОАСИ** — таълим муассасаси таркибий қисмининг бир бўлаги, унинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита алоқада бўладилар ва бир ижтимоий уюшмага тааллуқли индивид сифатида қабул қилинадилар. Қуйидагилар хусусиятли белгилар ҳисобланади: ўқув топшириғини бажариш доираси билан чекланмаган биргаликдаги фаолият, бир-бири билан ҳамкорлик ва бир-бирига масъуллик ҳамда умумий иш муваффақияти учун биргаликда ҳаракат қилиш.



**ЎҚУВ ЖАРАЁНИ СТАНДАРТИ** — белгиланган ўқув вақтида ўқув мақсадларининг белгиланган диагностик кўрсаткичларига эришишни кафолатловчи фаолият юритиш ва бошқариш алгоритмларининг гайриоперациявий тавсифи.

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** — қуйидаги масалаларни ҳал қилиш учун ўқув жараёнида компьютерлардан фойдаланиш: таълимни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш; қайта алоқали, хатолар диагностикаси ва ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш орқали назоратни амалга ошириш; тадқиқ этилаётган ёки ўрганилаётган объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларни моделлаштириш, эммитациялаш; ўқувчилар билишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш; қарор қабул қилиш уқувини шакллантириш. Ўқув жараёнини компьютерлаштириш уч босқичга ажралади. Биринчи босқич глобал ёки минтақавий компьютер тизимлари (INTERNET, WORLDCCLASSROOM ва б. каби) асосида таълим кўламини яратишни кўзда тутуди. Мазкур тизимлардан исталган биронтасини ўқув жараёнига жорий этиш шарти бўлиб, ўқув режаларининг тизим талабларига мослиги, кучли ва қимматбаҳо компьютер техникасининг мавжудлиги, фойдаланувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва ўқувчиларнинг юқори даражада тайёргарлиги ҳисобланади. Иккинчи (анча қуйи) босқичда асосий эътибор маҳаллий компьютер тизими (масалан, таълим муассасаси ёки синф миқёсидаги) асосида таълим муҳитини яратиш кўзда тутилади, бу ўзига хос таълим программаларини лойиҳалашни ёки мавжудларини мослаштиришни талаб қилади. Учинчи босқичда компьютер техникасига ўқув жараёнини таъминловчи дидактик воситалар мажмуини ўқувчилар ўқув-тарбия фаолиятини фаоллаштирувчи унсур сифатида киритишни назарда тутуди. Бундай тизимларни лойиҳалашнинг шарти бўлиб содда компьютер воситалари ва малакали ўқитувчилар мавжудлиги ҳисобланади. Таълим тизимини молиялаш чекланганлиги, бир қатор минтақаларда малакали программачиларнинг йўқлиги шароитида компьютерлаштиришнинг учинчи босқичини таъминловчи компьютер тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЖАДВАЛИ** — курслар, оралиқ аттестация, таътил, амалиёт, якуний давлат аттестацияси бўйича ўқув машғулотларининг бошланиш ва тугадини кўрсатувчи жадвал.

**ЎҚУВ ИШ ҲИЙНЛАРИ** — таълим жараёнида бўлажак касбий фаолият фани ва ижтимоий мазмунини қайта тузиш шакли ва бу билан мутахассис шахсини шакллантириш шароитини анъанавий ўқитишга қиёслаш бўйича анча адекват моделини яратиш.

**ЎҚУВ ҲИЛИ** — кузги машғулотлар бошланган (одатда 1 сентябр)дан ёзги таътилгача бўлган таълим муассасасининг фаолият даври. Ўқув йилининг бошланиши ва тугаши, шунингдек, унинг чорақларга ёки семестрларга бўлинишини таълим муассасаси мустақил равишда белгилайди.

**ЎҚУВ КУРСИ** — 1) маълум таълим программасида кўзда тутилган ўқув фани, предмети ва мавзулардан иборат туркум; 2) бирор ўқув предмети ёки илмий фан бўйича билим, ўқув ва малакаларнинг аниқ чегараланган доираси; 3) одатда, ўқув йили муддатига тенглаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларидаги таълимнинг муайян даражаси.

**ЎҚУВ ЛУҒАТИ** — ўқув мақсадларида тузилган 1, 2 ёки undan ortiq тилли луғат, тилнинг лексик таркибини ўрганишни ташкил этишга ёрдам беради ва ўқитишни йўналтиради. Айрим мактаб ва ОТМ фанлари бўйича ўқув луғатлари анча кенг тарқалган. Буларнинг мақсади мустақил ишлаш учун ўқувчиларни сифатли материал билан таъминлашдан иборат. Луғатларнинг бир туркуми масалан, ўзбек тили бўйича — имло, фразеологик, изоҳли, хорижий сўзлар луғатлари яратилган.

**ЎҚУВ МАРКАЗИ** — ходимлар малакасини ошириш ёки уларни қайта тайёрлаш мақсадларида, шунингдек, муайян соҳа бўйича таълим хизматида эҳтиёжи бўлган янги ходимлар ва б. шахсларни ўқитиш учун ташкилотлар, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларида тузиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг умумий номи. Тор маънода масофадан ўқитиш

билан шуғулланувчи шахслар вақти-вақти билан учрашиб туриши учун мўлжалланган муассаса тушунилади.

**ЎҚУВ МОДЕЛИ** — табиий объектларни сунъий тарзда қайта тикловчи ва уларнинг тузилиши, хусусиятли томонлари, алоқалари ва муносабатларини берувчи ўқув-кўргазмали тасвирий қўлланма, объект қурилишининг тархи, шартли қиёфаси ва ҳ.к.

**ЎҚУВ МУНОЗАРАСИ ШАКЛЛАРИ** — ўқув жараёнида фикр алмашишни ташкиллаштириш усули. *Давра столи, экс-перт гуруҳ йиғилиши, анжуман, симпозиум, мунозаралар, суд йиғилиши* шулар жумласига киради.

**ЎҚУВ НАШРИ** — даврий бўлмаган нашр, ўз ичига ўқитиш ва ўрганиш учун қулай шаклда баён этилган илмий ёки амалий тавсифдаги мунтазамлаштирилган маълумотларни олади; ўқув программалари, ўқув-услубий ва ўқув-кўргазмали қурооллар, амалий машқлар, турли хил дарсликлар, дидактик материаллар ва ҳ.к.лар шуларга тааллуқли.

**ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ** — таълимнинг мазмуни белгиланган ва ўқувчилар уни ўзлаштиришини ташкиллаштиришнинг энг мақсадга мувофиқ усуллари кўрсатилган ҳужжат. Ўқув программаси муайян педагогик тизим ахборот моделининг чизмаси ҳисобланади, тизимнинг таълим ва тарбия мақсади сингари унсурларини акс эттиради, булар мазкур ўқув фанини ўрганиб амалга оширилади. Ўқув программасида предметнинг мазмуни очиқ берилади, тавсия этилаётган дидактик жараёнлар ва мазкур фанни ўқитишнинг афзал саналган ташкилий шакллари кўрсатилади.

**ЎҚУВ ПРОГРАММАСИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ** — таълим олувчиларнинг академик тайёргарлиги даражасига боғлиқ ҳолда университет, коллеж ёки бошқа таълим муассасаси курсини ўтиш мазмуни ва суръатларини модификациялаш; барча хоҳловчиларни, уларнинг расмий таълими ҳужжатлаштирилган даражасидан қатъий назар таълим муассасаси курсини ўзлаштира олиши мумкин бўлганларни қабул қилишни кўзда тугувчи очиқ таълим тизимида қўлланади.

Таълимнинг бошланишида мавжуд бўлган академик тайёргарликдаги фарқлар битирув вақтига келиб баргараф этилиши кўзда тутилади.

**ЎҚУВ РЕЖАСИ** — таълим муассасаларида ёки таълимнинг муайян босқичларида ўрганиладиган ўқув фанлари ва курсларнинг таркибини ҳамда уларнинг ҳажмини соатларда белгилайдиган ҳужжат. Режалаштирилган аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги ишлар мазмунининг кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин. Ўқув режаси олий ёки ўрта малакадаги мутахассисларни тайёрлашнинг умумий мақсадини белгилайди ва экспертлар, уларнинг у ёки бу ихтисослик бўйича тайёрловнинг зарур шартлари ҳақидаги тавсиялари асосида тузилади.

**ЎҚУВ РЕЖАСИНИНГ МОДЕЛИ** — ҳужжат касбий таълим мазмуни асосий инвариант тузилмавий қисмларини акс эттиradi. Касб-ҳунар таълими муассасаларида ишчи ва хизматчиларни тайёрлаш малакавий тузилмаси ва шакллари ҳақидаги маълумотларга эга бўлади; шунингдек, унда мазкур таълимни ташкил этувчи туркумлар, курслар ва фанлар, шунингдек, фан туркумларига ажратилган соатлар тахминий миқдорининг кўрсаткичлари, таълим муддатига ва малаканинг эришилган босқичига боғлиқ равишда консультациялар, имтиҳонлар, вақт захиралари бўлади.

**ЎҚУВ СЕМЕСТРИ** — ўзаро боғли фанлар муайян мажмуи асосида ҳисобланадиган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган олий таълим муассасасидаги ўқув йилининг ярми.

**ЎҚУВ СТРАТЕГИЯСИ** — асосий мақсадларга эришиш йўли сифатида ўқитувчилик ва ўқиш фаолияти субъектлари қабул қилган ҳамда маъқуллаган таълимнинг етакчи концепцияси ва умумий тартиблари.

**ЎҚУВ ТАДҚИҚОТИ, ТАДҚИҚИЙ-НАЗАРИЙ БИЛИШ ФАОЛИЯТИ** — қандайдир масала ёки муаммонинг кўйилиши, фарзнинг илгари сурилиши ва текширилиши, экспериментни ўтказиш ёки моделлаштиришдан иборат қандайдир масалани ёки

амалий жиҳатдан долзарб муаммони мунтазамлаштирилган ўрганиш бўйича мустақил бажариладиган аналитик ишлар тури. Педагог раҳбарлиги остида ўтказилади ва битта шахсга ёки шахслар гуруҳига топширилган топшириқ сифатида бажарилади. Касбий илмий-тадқиқот фаолиятида амалда бўлган шаклларга ажралади: а) реферат — муаммога бўлган нуқтаи назарнинг идрокланган ва қисқача баёни ҳамда уни ечиш йўли; б) диагностика — ўрганилаётган объект ҳолатини тавсифловчи эмпирик маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш; в) концепциялар ишлаб чиқиш — масала ёки муаммони ўз тушунишига кўра асослаш ва баён этиш ҳамда уларни ечиш йўллари; г) натурадаги эксперимент — илгари сурйлаётган фарз ҳақиқат эканлигини тажрибада текшириш.

**ЎҚУВ ТИНИМИ** — одатда, касбий тавсифдаги малака ошириш курсини ўташ, қайта тайёрлов ёки бошқа тур ўқув учун бериладиган ўртача иш ҳақи тўлиқ ёки қисман сақланган ҳолда ишдан озод этилиш. Бир қатор мамлакатларда ходимнинг ўз танлови бўйича ўқиш учун ҳақ тўланадиган ҳар йилги тиним кўзда тутилган, ўқиш касбий йўналишда бўлиши шарт эмас, бу қонунчилик йўли билан мустаҳкамланган.

**ЎҚУВ ТОПШИРИҒИ** — 1) кузатиш, тажриба, адабиётларни ва билиш фаолиятининг бошқа турларини ўрганиш мобайнида ҳал этишни талаб этувчи топшириқлар ифодаси; 2) бирор масалани ўрганиш бўйича педагог томонидан белгиланган ишлар ҳажми, буларни таълим олувчи мустақил равишда аудиторияда, лабораторияда, устахонада ёки қандайдир бошқача шароитларда бажариши зарур; бутун ўқув гуруҳи, унинг қандайдир қисми учун ёки индивид учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

**ЎҚУВ УНСУРЛАРИ (ЎУ)** — объектлар, ҳодисалар ва фандан олиниб ўқув жараёнига тадбиқ этилган фаолият усуллари. Объектив мавжуд нарсалар ҳақидаги ахборотлар, бизни қуршаб турган оламнинг муайян соҳасига тааллуқли ҳодисалар ва усуллар фаннинг у ёки бу тармоғини ташкил этади. Муайян илмий соҳадаги фикрлаш ва фаолият усуллари ушлаштириш ҳар қандай киши уддасидан чиқиши мумкин бўлган вазифадир; фақат мутахассисларнинг улар касбий мажбуриятларига мувофиқ тўлақонли ва оқилона фаолиятларини таъминловчи фан-

лардан энг устувор объектларни, яъни ўқув унсурлари (ЎУ)ни тўғри танлаш керак холос. Барча ўқув программалари ва ўзларида мавжуд бўлган ЎУ билан фарқланувчи ўқув фанлари ўқув унсурларидан ташкил топади.

**ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИ, ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСТАХОНАЛАРИ** — тегишли касблар бўйича ўқувчиларга касб ўргатиш учун мўлжалланган касб-ҳунар таълими муассасасининг таркибий бўлинмаси, хўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади.

**ЎҚУВ ФАНИ** — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолияти муайян соҳаларидан танлаб олинган билимлар, уқувлар, малакалар тизими.

**ЎҚУВ ФАНИ МЕТОДИКАСИ** — муайян ўқув фанини ўқитиш назарияси: ўқитувчига таълим олувчиларга таъсир этишнинг муайян тизимини ишлаб чиқади ва тавсия этади, улар таълим мазмунида, ҳар бир ўқув фани бўйича программалар ва дарсликларда аниқ ўз ифодасини топади; таълимнинг усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларида амалга оширилади.

**ЎҚУВ ФАНИ ПРОГРАММАСИ** — меъёрий ҳужжат, унда таълим мазмуни, таълим олувчилар уни ўзлаштиришини ташкил этишининг энг мақсадга мувофиқ усуллари, ахборот манбалари белгиланади.

**ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ** — муайян касб учун хос бўлган фаолият усуллари ёки объектлар, ҳодисалар (жараёнлар) ҳақидаги маълум ахборот. Ўқув фанлари объектлар, ҳодисалар ва фаолият усуллари таркибига кўра фарқланади, гарчи ўқув фанлари умумий объектлар ёки ҳодисаларга эга бўлса-да, шунингдек, фаолият усуллари ҳам умумий ҳисобланса-да; бундай ҳолда улар ўртасида фанлараро алоқа мавжуд бўлади.

**ЎҚУВ ФАНИНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ КОЭФФИЦИЕНТИ** — ўрганилаётган фандаги ўқув унсурлари миқдорининг фан

соҳаси тегишли ўқув предмети объектлари миқдорига нисбати (касб-ҳунар мактаблари олий таълим муассасасидаги тегишли ўқув фани ҳажми бўйича баҳолаш мумкин).

**ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ** — аниқ мақсадга қаратилган жараён, бунинг воситасида ўқувчилар янги билим ва ўқувларни ўзлаштирадilar, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларни ва ўз ижодий қобилиятларини оширадilar. Унинг мақсадга мувофиқлиги турли хил амалий муаммоларни ва билиш режаларини идроклаш ҳамда ҳал этишга йўналтирилганлигида намоён бўлади, шунингдек, таълим даражасини ошириш билан боғли ижтимоий мавқедаги мақбул ўзгаришларга томон боришда кўринади.

**ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ** — ўқишга, ишлашга ва унинг хизмат бўйича кўтарилиш, иш ҳақининг ошиши ва б. каби натижаларига субъектнинг шахсий манфаатдорлиги ошишига, ўқишга нисбатан ижобий муносабат шаклланишига кўмаклашувчи ижтимоий ва иқтисодий рағбатлар (ундовчилар)дан фойдаланиш.

**ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ** — ўқув фаолиятини жадаллаштириш ва самаралигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган чоралар мажмуи; уч йўналиш — педагогик, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-иқтисодий йўналиш бўйича амалга оширилади.

**ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРОИТИ** — ўқув фаолияти амалга ошадиган ташқи вазиятлар ва унинг субъектлари ҳаёт фаолияти вазиятларининг мажмуи. У ва бошқалар ўқув фаолияти муваффақиятига кўмаклашувчи ёки тўсқинлик қилувчи омиллар сифатида қаралади.

**ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИ** — билимлар ва ўқувларни ўзлаштириш, уларни атроф-муҳитдаги воқеликни билиш ва яхши тушуниш мақсадларида қўллаш.

**ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ, ИНТЕНСИВЛАШ** (фр. intensification) — жадалликни, кескинликни, самаралиликни, ўқув фаолиятининг ҳақиқийлигини

ошириш; имкониятга ҳар бир бирлик ресурсидан анча тўлиқ фойдаланиш ҳисобига эришилади.

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА** — 1) ўқув фанини ўқитиш услублари, унинг бўлимлари, қисмлари ёки тарбия усуллари бўйича материалларни ўз ичига олган ўқув нашри; 2) масофадан ўқитиш тизимида ёзма ишларни бажаришлари керак бўлган ўқувчилар учун махсус мўлжалланган дарслик тури.

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА (ЎУМ)** — ўқув-тарбия жараёнини тизимли тавсифлаш лойиҳасидан иборат барча ўқув-услубий ҳужжатлар (режалар, программалар, методика, ўқув қўлланмалар ва ҳ.к.). Булар кейинчалик амалда жорий этилади; мутахассислар тайёрлашни *бошқаришнинг дидактик воситаси* ҳисобланади. Ўқув жараёнини тизимли-услубий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади. ЎУМ педагогик тизим ва унинг унсурларини муайян тарзда акс эттирувчи, педагогик тизим тузилишини белгиловчи педагогик тизимларнинг ахборот моделлари мажмуи ҳисобланади. ЎУМга киритиладиган ҳужжатлар рўйхати: фанлар бўйича ўқув программалари; ишчи ўқув программаси, кафедрада ўтказиладиган ўқув машғулотларининг асосий турлари бўйича методик кўрсатмалар; талабалар мустақил иш жадвали; ихтисослаштирилган аудитория рўйхати (агар шундай бўлса) ва фанлар бўйича талабаларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик картаси.

**ЎҚУВЧИ** — 1) умумтаълим мактабига қатнашувчи ёки бевосита иш жойида касб-ҳунар таълими курсини ўтовчи шахс; 2) бирор ишда алоҳида юқори натижаларга эришган шахснинг давомчиси, унинг маҳоратини эгалловчи.

**ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИ** — ўқувчилар жамоаси ҳаёт фаолиятини ташкиллаштириш шакли, ижтимоий қимматга эга мақсадга эришиш учун қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда ўқувчилар мустақиллигини ривожлантиришни таъминлайди.

**ЎҚУВЧИЛАР ҲУҚУҚИ** — таълим олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва



бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган бирор тарзда ҳаракат қилиш ва амалга ошириш имкони.

**ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ** — ягона мақсад ва умумий ижтимоий фойдали фаолиятга кўра бирлашган ўқувчиларнинг барқарор мустақил фаолият юритувчи ташкилоти, жамоа органига эга ва бошқа (ўқув, ишлаб чиқариш) жамоалар билан узвий боғли бўлади. Шаклланган ўқувчилар жамоаси учун масъулиятлилиқ, боғлиқлик, ошкоралиқ, ташкилийлик, хабардорлик сифатлари хосдир (яна қ. *Жамоа*).

**ЎҚУВЧИЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ** — таълим муассасасига, унинг уставида белгиланган тарзда ўқувчиларни қабул қилиш тартиби.

**ЎҚУВЧИЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ** — ўқиш жараёнида салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган саломатлик ҳолати ва аномал ҳолатларни белгилаш учун мутахассислар олиб борадиган текширув.

**ЎҚУВЧИЛИК** — меҳнатнинг оддий тури, асосан қўл меҳнати билан шуғулланувчи ходимларни дастлабки тайёрлов ёки қайта таёрловнинг қисқа муддатли шакли; гуруҳли ва индивидуалга бўлинади. Гуруҳли ўқувчиликда синфлардаги (15-20 кишидан иборат гуруҳдаги) назарий машғулотлар иш жойида аста-секин мураккаблашиб борувчи топшириқларни бажариш билан алмашилиб боради. Ўқиш муддати — 3-4 ой. Индивидуал ўқишда назарий машғулотлар кўзда тутилмайди. Ўқиш жараёни ускуналар билан танишиш, улар билан муомала қилиш уқуви ва малакасини ҳосил қилишдан иборатдир; ҳақ тўланадиган ишни бажариш мобайнида йўриқлантирувчининг кундалиқ раҳбарлиги остида амалга оширилади.

**ЎҚУВЧИНИНГ ДУНЁҚАРАШИ** — ўқувчиларнинг улар ақлий ривожланиши ҳар бир босқичидан тушунарли бўлган нарсалар ва табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввур, тушунча ва ҳақиқий маълумот. Таълим жараёни ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш вақтида ҳосил қилинган билим дунёқарашининг асоси ҳисобланади. Ўқувчининг дунёқараши ўқув программа-

сида белгиланган билим доирасидан четга чиқади; ўқувчиларнинг қизиқишлари ва билимлари қанчали рангбаранг бўлса, улар дунёқараш шунчали кенг ва уларнинг умумий ривожланиши шунчали юқори бўлади.

## Қ

**ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАШ** — инсоннинг онгида стратегик ҳаётий мақсад ва умумий дунёқараш сифтида тан олинган қадриятларнинг акс этиши. Назарий қадриятлар тизими билан жамият эҳтиёжи ва шахснинг фаолияти ўртасида ўзаро алоқа мавжуд.

**ҚАЙТА ЎҚИШ** — илгари ўзлаштирилганларнинг маънавий эскириши ёки уларнинг яроқсизлиги аён бўлиши билан боғли ҳолда янги билим ва ўқувларни ўзлаштириш жараёни.

**ҚАЙТА АЛОҚА** — ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган мулоқот, таълим мақсадларига эришиш жараёнларида уларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлайди. Термин янги билимлар ва ўқувларни ўзлаштириш жараёнларида таълим натижаларига ижобий ёки салбий таъсирни ифода этади. Мураккаб (ижтимоий, биологик) тизимларда қайта алоқага жараённинг бориши ҳақидаги ахборотни узатиш сифатида қаралади, бунинг асосида (ахборот) жараённи кучайтирадиган, сусайтирадиган, тўхтатадиган у ёки бу бошқарув таъсири ишлаб чиқилади. Қайта алоқа бошқариладиган объект кўрсаткичларини барқарорлаштиришни таъминлайди.

**ҚАЙТА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ** — иқтисодиётга олинган даромадлар, фойдалар ҳисобидан аввал қўйилган инвестицияни кучайтириш шаклида ўзининг ёки чет эл капиталининг такрор, қўшимча қўйилиши. Бундай инвестициялаш инвестицияларни битта объектда жамлашга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон беради. Молиявий қайта инвестициялар соҳаси бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар ҳисобланади, реал инвестициялар соҳаси эса асосий ва айланма капиталдир.

**ҚАЙТА ТАЙЁРЛОВ** — касбий вазифалар тавсифи ва мазмунидаги ўзгаришлар билан боғлиқ таълим турли хилларини белгилаш учун умумий термин; бу меҳнат жараёнининг модернизацияси туфайли қисман ёки ходим эгаллаган касб мутлақо керак бўлмай қолиши ёки унга бўлган талабнинг кескин пасайиши туфайли тўлиқ бўлиши мумкин. Анча тор маънода термин шахс бажариш учун қабул қилинган ишидан фарқ қилувчи топшириқни бажариши учун зарур янги билим ва ўқувларни ўзлаштиришини ифода этади. Янги касб эгаллаш ёки ихтисослик билан боғли кадрларни қайта тайёрлаш касбий таълим муассасаларида ёки бошқа таълим тузилмаларида амалга оширилади.

**ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШ** — тарбия тури, унинг мақсади — шахснинг салбий хусусиятларини бартараф этиш ва ижобийларини ривожлантириш, шуларга таяниб, шахсни ва унинг фаолияти мотивларини уйғун ҳолда шакллантириш.

**ҚАЙТА ТИКЛАШ** — ўқув материалининг фаоллаштирилган мазмунини тиклаш ва қайта қуришдан иборат ақлий фаолият. Ўқув материални қайта тиклаш уни тўлиқ ўрганилгандан сўнг ва шу жараёнда (қайта айтиб бериш тарзида) ўз-ўзини назорат қилиш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Тажриба шунини кўрсатадики, қайта тиклаш билан боғлиқ ўрганиш ўз-ўзини назоратсиз ўқув материални қайта-қайта ўқишдан кўра самаралироқдир.

**«ҚАРОРЛАР ДАРАХТИ»** — муайян муаммо бўйича дарахтсимон тузилишга эга бўлган чизма тасвирдаги бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг тархий акс эттирилиши; ҳаракатнинг энг яхши усулини танлаш учун қарорлар ишлаб чиқиш жараёнини тайёрлаш босқичларидан бошқарувда фойдаланилади.

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — 1992 йил 28 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан педагогик институти (1956) негизида ташкил этилган. Университетда 10 факультет фаолият кўрсатмоқда. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалавр**лар тайёрлайди: математика, касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний

маданият, бошланғич таълим ва тарбиявий иш услубияти, му-  
сиқа таълими ва эстетик тарбия, педагогика ва психология,  
ўзбек филологияси, роман-герман филологияси: инглиз тили,  
немис тили, славян филологияси, тарих, психология,  
иқтисодиёт, молия, биология, физика, астрономия, кимё, гео-  
графия, амалий математика ва информатика, тупроқшунослик,  
экология ва табиатдан фойдаланиш. Университетда халқаро  
бизнес мактаб, лицей (1996) ва гимназия (1997) мавжуд.

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**  
— 1992 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини ме-  
ханизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали (1975)  
негизида ташкил этилган. Институт қуйидаги йўналишлар  
бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: иқтисодиёт, касбий-педагогик  
тайёргарлик, менежмент, нефть ва газ иши, иссиқлик энерге-  
тикаси, электроэнергетика, агроинженерия, сув хўжалиғи ва  
мелиорация, агрономия, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси, Ер  
тузиш ва ер кадастри, атроф-муҳит муҳофазаси. Институтда  
лицей-интернат (1995) мавжуд.

**ҚАТНАШИШ КОЭФФИЦИЕНТИ** — аҳолининг таълимдаги  
фаоллик кўрсаткичи, таълим тизимидаги ўринлар умумий сонига  
муайян ҳудуддаги ўқув фаолиятидаги амалда жалб этилган катта  
ёшдаги шахслар миқдорини булиш орқали ифодаланади.

**ҚАТЪИЯТ** — шахснинг ижобий иродавий хислати, баъзан  
табиати ҳам; бу мунтазам ва давомий тарзда қийинчиликларга  
қарши курашишда куч-ғайратни сусайтирмаган ҳолда мақсад  
сари интилишда намоён бўлади. Қатъиятли инсон атроф-  
муҳитда мақсадга эришиш учун нима ёрдам беришини топишга  
қобилдир; у муваффақиятсизликка дуч келганда тўхтаб  
қолмайди, шубҳаларга берилмайди, акс таъсирларга эътибор  
қилмайди. Шу билан бирга қатъийлик туфайли муайян мосла-  
шувчанлик йўқолиши мумкин ва у қайсарликка айланади, бун-  
да инсон ҳеч нарсага қарамай ўз билганида қатъий туришга  
интилади; бундай вақтда биринчи ўринга мантиқ, идрок,  
ташқи муҳит далиллари эмас, шахсий манфаат чиқади.

**ҚИЁСЛАШ** — нарсалар ва ҳодисалар ёки уларнинг айрим белгилари ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқни аниқлаш. Фаолиятни чуқур ва аниқ билиш учун ўхшаш нарсалар фарқини ва турли бўлганларнинг ўхшаш томонини топа билиш қобилияти сифатидаги тафаккур хусусияти катта аҳамиятга эгадир.

**ҚИЗИҚИШ** — қандайдир фаолиятга берилганлик, ўзи учун ёқимли машғулот, бўш вақтдаги кўнгилга ёққан иш билан шуғулланиш; баъзан — «мўъжизакор» фаолият.

**ҚИЙМАТ** — биргаликдаги фаолият ва мулоқот жараёнида ҳосил қилинган, ҳаракат, ижтимоий аҳамият, меъёр ҳамда қадриятларда намоён бўладиган тушунча тарзида мавжуд бўлган ижтимоий тарихий тажриба субъекти акс этишининг умумлашган шакли. Субъектни идроклаш қийматлари тизими воситасида дунёнинг, бошқа кишиларнинг, ўз-ўзининг образи намоён бўлади, субъектнинг индивидуал фаолияти жараёнини бошқариш амалга оширилади. Табиий тил тузилиши билан бир қаторда қийматлар ташувчи бўлиб, тарх, харита, тенглама ва чизмалар, санъат (тасвирий санъат, архитектура, рақс ва ҳ.к.) «тили» ҳисобланади. Қиймат белгилар, образлар, ҳаракатлар сифатида уларнинг муайян маданият индивидлари учун барқарор ижтимоий меъёрий маъносида очиб берилади.

**ҚИСҚА МУДДАТЛИ ХОТИРА** — хотира кичик тизими, сезги аъзолари ва узоқ муддатли хотирадан келаётган маълумотларни сақлаш ва ўзгартиришни таъминлайди. Маълумотларни қисқа муддатли сақлаб туришда ички такрорлаш жараёни ва ички сўзлаш шаклида кечадиган материалларни фаол такрорлаш марказий ўринни тутди.

**ҚИСҚАЧА БИБЛИОГРАФИК ТАВСИФ** — индекслаш учун зарур бўлган ҳужжат библиографик тавсифининг фақат шарт бўлган унсурлари таркибига киритиладиган тавсиф.

**ҚОБИЛИЯТ** — юксак лаёқат, ғайритабиий иқтидор бу ҳислат индивидда тугма бўлиши ёки машқ натижасида юзага келиши мумкин, энг юқори даражада ривожланган бўлади, инсонга у ёки бу фаолиятни анча муваффақиятли бажариш им-

конини беради; тубдан янгилиги, ёндашишнинг ўзига хослиги билан фарқланувчи инсон фаолияти натижалари бўйича қобилиятнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

**ҚОБИЛИЯТЛАР** — шахснинг индивидуал хусусияти, муайян тур фаолиятни муваффақиятли бажаришнинг субъектив шарти ҳисобланади; билимлар, ўқувлар ва малакаларга тенглаштирилмайди; фаолиятнинг усуллари ва йўсинларини тез, чуқур ва мустаҳкам эгаллашда намоён бўлади. Айрим қобилиятлар диагностикаси *тестлар* ёрдамида амалга оширилади. Қобилиятнинг юқори даражада ривожланганлиги иқтидор ва даҳолик тушунчаларида ифодаланади.

**ҚОИДА** — 1) қандайдир жараёнлар ва ҳодисаларга тааллуқли қонунийлик, барқарорликни ифода этувчи йўсин (грамматик қоида); 2) қарор, кўрсатма, белгилаш (ички тартиб қоидалари).

**ҚОИДА ВА ТАМОЙИЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ** — ўқувчиларнинг мавжуд билимларини қўллаш йўли билан янги ҳодисаларни тушунтириш (оқибатларни олдиндан айтиш, номаълум бўлганни тушунтириш, фаразлар тузиш ва ҳ.к.)га рағбатлантирувчи таълим стратегияси.

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети 1976 йилда Қорақалпоқ давлат ўқитувчилар институти (1935), Қорақалпоқ давлат педагогика институти (1944) негизда ташкил этилган. Университетда 11 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: касбий таълим (соҳалар бўйича), жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, ўзбек филологияси, туркий тиллар ва адабиётлар, қорақалпоқ тили ва адабиёти, қozoқ тили ва адабиёти, туркман тили ва адабиёти, роман-герман филологияси: инглиз тили, немис тили, славян (рус) филологияси, тарих, журналистика, иқтисодиёт, иқтисодиётда ахборот тизимлари, ҳуқуқ, биология, физика, кимё, география, математика, амалий математика ва информатика, электроэнергетика, кимёвий технология ва биотехнология, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси, агроинженерия, агрономия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш, экология ва табиатдан фойдаланиш, молия; қуйидаги ихтисосликлар бўйича **магистрлар** тайёрлайди: қорақалпоқ тили ва адабиёти, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш тизимлари, фуқаролик ҳуқуқи, биология, кимё, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, агрономия, экология. 1998 йилда университет қошида академик лицей очилди, шунингдек халқ хўжалиги ва маориф ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази фаолият кўрсатади.

**ҚУРУҚ ЁДЛАШ** — эслаб қолиш объектларининг вақт ва макондаги яқинликларига асосланган ёдлаш; сўзлар, нарсалар, ҳодисалар, ҳаракатлар, улар ҳеч бир ўзгаришларсиз қандай қабул қилинган бўлса, худди шундай тарзда ёдда қолади. Қуруқ ёдлаш қайта-қайта такрорлашни талаб этади; қуруқ ёдлаган киши маълумотни ҳамма вақт ҳам ўрни ва вақтига кўра эслай олмайди (унинг қарама-қаршиси — *тушуниб ёдлаш*).

**ҚУТБЛИЛИК** — муносабатлар қарама-қаршилиги, икки қарама-қарши, лекин шу билан бирга ўзаро боғли ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи йўналишларда моҳиятнинг ривожланиши.

**ҚЎЛЁЗМА** — 1) кенг маънода қўлда ёзилган ёки ёзиш машинкасида босилган ёки компьютер ёрдамида терилган матн; 2) ёзув асари (қадимий қўлёзма); 3) нашриёт соҳасида — нашриётга тақдим этилган муаллиф матни.

**ҚЎЛЛАШ** — ўзлаштирилган материаллардан муайян шароитларда ва янги вазиятларда фойдаланиш уқуви. Қоидалар, усуллар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар, назарияларни қўллаш шунга киради. Таълимнинг тегишли натижалари тушуннишдан кўра кўпроқ материалларни эгаллаш даражаси анча юқори бўлишини талаб этади.

**ҚЎРҚУВ** — субъект ўз ҳаётий муваффақиятига эҳтимоли бўлган хавф тўғрисидаги, аниқ ёки тасаввурдаги хавф тўғрисидаги ахборотни олганда пайдо бўладиган салбий эмоционал ҳолат. Киши эмоционал қўрқувни бошдан кечирар

экан, эҳтимоли бор муваффақиятсизликнинг тахминий башоратигагина эга бўлади ва шу асосда ҳаракат қилади (у кўпинча етарлича асосланмаган ёки ошириб юборилган бўлади).

**ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ** — мақсад ва мазмуни таълим муассасасининг мажбурий программасида кўзда тутилмаган таълим, бироқ инсоннинг шахс сифатида ривожланишида, жамиятда турмуш кечиришида муҳим аҳамиятга эга, унинг мойилликлари ва манфаатларига мос келади; у, қоидага кўра, асосий таълим программаси ўрганилгандан сўнг амалга оширилади.

**ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ ПРОГРАММАЛАРИ** — таълим муассасаларида уларнинг асосий таълим программалари мақомини белгилашдан ташқарида амалда ошириладиган турли йўналишдаги таълим программалари.

**ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ** — аҳолига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга пулли таълим хизмати кўрсатиш, булар қўшимча таълим программалари махсус курсларда ўқитиш ва фанлар туркуми бўйича дарс ўтиш, репетиторлик, ўқувчилар билан фанларни чуқур ўрганиш ва таълим программаси давлат таълим стандартларидан ташқари хизмат кўрсатишдан иборатдир.

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти 1931 йилда ташкил этилган. Институтда 11 факультет фаолият кўрсатади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **бакалаврлар** тайёрлайди: чет тили (инглиз), математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, география, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, рус тили ва адабиёти, касбий таълим (соҳалар бўйича), бошланғич таълим ва тарбиявий иш, педагогика ва психология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, мусиқа таълими ва эстетик тарбия. 1994 йилда лицей ташкил қилинган.



## Ғ

**ҒАЙРИРАСМИЙ ҰҚИТИШ** — аввал белгиланган программалари, ўқув режалари ва тартиблари бўйича амалга оширилладиган ўқитиш, у яқунланганда ўқувчилар муайян ҳуқуқлар мажмуига эга бўлади.

**ҒАЙРИРАСМИЙ ГУРУҲ** — юридик мақомга эга мавжуд ёки шартли ижтимоий уюшма, буларнинг аъзолари меҳнатнинг ижтимоий тақсимланганлиги шароитларида улар меҳнатини ташкиллаштирувчи ижтимоий фаолиятга кўра бирлашадилар. Формал гуруҳ ҳамisha меъерий жиҳатдан қатъийлашган муайян тузилмага, тайинланган ёки сайланган раҳбариятга, меъерий жиҳатдан мустаҳкамланган аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади (масалан, турли комиссиялар, референтлар гуруҳи, маслаҳатчилар ва ҳ.к.). Акси — расмий гуруҳ.

**ҒАЙРИРАСМИЙ ТАЪЛИМ** — программа ёки курс, у яқунланганда шахсдан қонунчилик йўли билан белгиланган ҳуқуқларнинг муайян мажмуи юзага чиқади. Хусусан, ўқилган курс соҳаси бўйича ҳақ тўланадиган касбий фаолият билан шуғулланиш, анча юқори лавозимни эгаллаш, анча юқори даражадага таълим муассасасига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлинади. Бунга диплом ёки давлат намунасидаги сертификат асос бўлиб хизмат қилади.

## Ҳ

**ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ** — индивид ҳаёт фаолиятининг мотивланган йўналиши, унинг ҳаёт маъносини, хулқ-атвор йўналишини танлаш асосига қўйилган ижтимоий қадриятлар ва меъёрларни тушуниши; яқин муҳит ва жамоат ичида шаклланган тартибга оқилона идроклаш ва эмоционал муносабатда намоён бўлади. Ҳаёт мазмунининг ранг-баранглигини асосан икки хил тарзга келтириш қабул қилинган: пассив — мавжуд ҳолатга итоатда бўлиш ва кўникиш, ҳодисаларнинг боришига аралашмаслик; актив — мавжуд ижтимоий вазиятни инкор этиш ва уни яхши томонга ўзгартириш бўйича фаолиятда қатнашиш.

**ҲАЙРИЯ, ФИЛАНТРОПИЯ** — муҳтож инсонлар ва ташкилотларга беғараз (моддий ва пул маблағи билан) ёрдам кўрсатиш, ҳомий ҳисобига кишиларни неъматлар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (қисман шахслар ёки ташкилотлар томонидан).

**ҲАЙЪАТ** — 1) маъмурий, кенгашувчи ёки фармойишчи органни ташкил этувчи амалдор шахслар гуруҳи, масалан, вазирлик ҳайъати, таҳрир ҳайъати; 2) баъзи касбдаги шахсларнинг уюшмаси, масалан, адвокатлар ҳайъати.

**ҲАМДАРДЛИК** — ачиниш, педагог томонидан ўқувчиларнинг муваффақиятлар ва қувончларни, шунингдек, муваффақиятсизлик, нохушлик ёки қайғуларни бошдан кечирिशлари хусусидаги ўз ҳиссиётларини ётиғи билан баён этиш усули. Ҳамдардлик педагогга ўқувчилардаги эмоционал акс таъсир жавобини, уларда инсонпарварлик туйғулари ва раҳмдилликнинг ривожланганлик даражасини ўрганишга имкон беради. У инсонпарварлик, инсонийликни шакллантиради, оддий ачинишдан изтироб чекувга фаол ёрдам беришга томон тадрижий ҳаракатни таъминлайди.

**ҲАМКОРЛИК** — объектларнинг бир-бирига бевосита ёки билвосита таъсир этиш, улар бир-бирига боғли ва алоқадорлигини юзага чиқарувчи жараён. Ҳамкорликнинг ўзига хослиги унинг сабабий эканлиги ҳисобланади; ҳамкорлик қилаётган ҳар бир томон бошқасига сабаб сифатида ва қарама-қарши томоннинг бир вақтнинг ўзидаги қайта таъсирининг оқибати сифатида намоён бўлади.

**ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАЪЛИМ** — усуллар, ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги турли-туманлигига асосланувчи гуруҳ таълими усули, у ўрганилаётган асосий ва қўшимча ахборотларнинг айирбошланиши, ўқув ва малакаларнинг биргаликда сайқалланиши, ўзлаштириш мустаҳкамлигини ўзаро текширишдан иборатдир. Ҳамкорликдаги таълим ҳар бир ўқувчига навбатма-навбат ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини бажариш имконини беради, биргаликда ҳаракат қилаётган шериклар билимининг мустаҳкамланишига кўмаклашади, улар-

нинг фикрлаши, тасавури, нутқи ва ички ўз-ўзини рағбатлантиришини фаоллаштиради.

**ҲАММУАЛЛИФ** — ҳамкорликда бошқа шахс (шахслар) ёки ташкилот (ташкилотлар) билан биргаликда асар яратувчи шахс ёки ташкилот.

**ҲАММУАЛЛИФЛИК** — икки ёки undan ортиқ шахсларга уларнинг умумий меҳнати натижасида ёзилган асарга ёки иxtирога ёхуд саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқининг биргаликда тегишлилиги. Биргаликда икки ёки undan ортиқ шахснинг ижодий меҳнати билан яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларга ўзаро бундай асар яхлитлигидан ёки мустақил мазмунга эга бўлган қисмлардан ташкил топганлигидан қатъий назар тааллуқли бўлади.

**ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШ** — комил инсон тўғрисидаги таълимотнинг марказий ғояларидан бири; ақл идрок, ирода ва ҳиссиётларнинг узвий бирлигини таъминловчи турли инсоний сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўзаро мувофиқлик ва мослик зарурлигини таъкидлайди.

**ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК** — педагогиканинг соҳаси, ҳарбий таълим олий ва ўрта махсус муассасалари, касб-ҳунар таълимида, қуролли кучлар шахсий таркибини ҳарбий-ўқув ихтисосликлари бўйича ўқитишда ҳарбий тайёргарлик муаммоларини тадқиқ этади.

**ҲАҚИҚАТ** — идрок этаётган субъект томонидан мавжуд нарса ва ҳодисаларни тўғри, айнан идроклаш; ўзига қарама-қарши бўлган мулоҳаза тўла тўқис мумкин бўлмагандагина ҳар қандай мулоҳаза ҳақиқат ҳисобланади. Объектив борлиқ, «чинлик», амалиёт ҳақиқатнинг олий мезони ҳисобланади.

**ҲИС ЭТИШ** — объектив борлиқнинг уларни мия асабларини қўзғатувчи сезги мучаларига таъсири натижасида юзага келадиган хусусиятининг акс этиши. Ҳис этиш ташқи дунё ва ўз жисмимиз ҳақидаги билимларимизнинг асосий манбаи ҳисобланади; улар ташқи оламдаги ҳодисалар ҳақидаги ва жис-

мимиз ҳолати ҳақидаги хабар мияга етиб келадиган асосий йўналишларини ташкил этади, инсонга атроф, муҳит ва ўз жисми бўйича мўлжаллаш имконини беради. Агар бу йўналишлар ёпиб қўйилса ва сезги мучалари керакли хабарни келтирмаса, бирон-бир онгли ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Кўпдан-кўп кузатишлар шуни исботладики, кар ва кўрлик билан боғлиқ илк ёшликда хабар оқимининг бузилиши руҳий ривожланишнинг кескин тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Агар кўр, кар бўлиб туғилган ёки илк болалигида эшитиш ва кўришдан маҳрум бўлган болалар ўз камчиликларини ўрнини босадиган махсус усуллар билан, яъни ҳис этиш усуллари билан ўқитилмаса, уларнинг руҳий ривожланиши мумкин бўлмай қолади, улар мустақил ривожлана олмайди.

**ҲОКИМИЯТ** — кишилар ўртасидаги муносабатларда ҳукмронлик ёки бўйсунлиқнинг ифодаланиш жабҳаси. Ҳокимият бошқарувнинг ижтимоий зарурий шартни ҳисобланади, йўналтирилган ахборот узатиш билан бирга кечади ва хатти-ҳаракатлар орқали амалга ошади. Ҳокимият ҳукм ва қарорлар қанчалик мақсадга мувофиқ ва самарали эканлиги тўғрисидаги ахборот оқими келиши бўйича қайта алоқа мунтазам амалга ошаётгандагина самаралидир. Тоталитар жамиятда бу оқим чекланган ва ҳокимият уни тўғрилаш кучсиз даражада бўлганда ёки мутлақо йўқлигида амалда бўлади.

**ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР** — 1) бирор лойиҳани, ижтимоий, маданий тадбирни ўтказишни молиялаштирувчи жисмоний ёки юридик шахс; ҳомийлик улуш ёки даромад олиш мақсадида маданий, ижтимоий ёки ишлаб чиқариш тадбирларини молиявий қўллаб-қувватлашдир; 2) радиостанция ёки ТВ ва ижрочиларга программа билан банд бўлган вақтнинг бир қисмини қандайдир товар ёки хизматнинг рекламаси учун ажратилиши шартли билан унинг ишига ҳақ тўлайдиган ташкилот ёки шахс.

**ҲОМИЙЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ** — халқаро термин, таълим муассасалари ва программаларни молиявий қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи муассасалар, бирлашмалар, ҳокимият идораларини аташ учун қўлланади. Одатда, булар ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмалари, касаба уюшмалари,

сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар, муниципал хизматлар, хусусий шахсларнинг бирлашмаларидир.

**ХУҚУҚ** — ҳуқ-атвор (меъёр) умуммажбурий қоидаларининг мажмуи, давлат томонидан ижозат этилган, тартибга солинадиган ва ҳимояланадиган инсоннинг қонунийлаштирилган имкониятлари (мулк ҳуқуқи, бошпана ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ва б.). Ҳуқуқларнинг асосий манбаи Конституция ҳисобланади. Унинг асосида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амал қилувчи қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилади: меҳнат, фуқаролик, мулк ҳақидаги, атроф муҳитни муҳофазалаш тўғрисидаги, маъмурий, жиноий ва ҳ.к. Бунда ҳуқуқнинг бошқарув вазифаси намоён бўлади. Ҳуқуқ шунингдек, тарбия ва ҳимоя (муҳофазалаш) вазифасини ҳам бажаради.

**ХУҚУҚБУЗАР** — қонунни бузувчи, жиноят деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатни содир этувчи; кўпинча бундай хатти-ҳаракатларни балоғатга етмаганлар содир қилади, уларнинг иши балоғатга етмаганлар иши бўйича суд томонидан кўрилади.

**ХУҚУҚИЙ ҚОБИЛЛИК** — 1) ёш ва соғлиқ билан боғли бўлган шахс, фуқаронинг инсон туғилган дақиқадан бошлаб юзага чиқувчи хусусияти, мулкӣ ва мулкӣмас ҳуқуқлардан фойдалана билиш, мажбуриятга риоя қилиш ва у бўйича жавоб бериш; 2) юридик шахсларнинг мулкӣ ва мулкӣмас ҳуқуқдан фойдаланишларига қобилигининг давлат томонидан тан олиниши, ва мулкӣ ва мулкӣмас ҳуқуқдан фойдалана олиш, улар бўйича қайд этилган дақиқадан бошлаб масъулият ва жавобгарликни зиммага олиш.

**ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ** — ҳуқуқнинг маънавий ғояларига зид келадиган бирон бир қонун чиқарилмайдиган давлат, бунда давлат манфаати, доимо қонунларни айланиб ўтувчи, ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. Бундай давлатнинг идоралари ва институтлари (айниқса, судлар ва ҳуқуқ тартибни сақловчилар) мавжуд қонунларга аниқ риоя қилади.

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ** — қуйидагиларни ўз ичига оловчи тушунча: ҳуқуқий меъёрларни билиш; маънавий-ҳуқуқий эмоционал соҳани ва тафаккурни ривожлантириш; ташкилотлар, фуқаролар, ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳуқуқ меъёрларидан фойдаланиш; ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқбузарлик билан курашни амалга оширишга фуқаролик эҳтиёжи.

**ҲУҚУҚИЙ ПСИХОЛОГИЯ** — психология соҳаси, ҳуқуқ руҳий асосларининг амалдаги турли-туман кўринишлари мажмуи. Ҳуқуқий ҳиссиёт ҳақидаги масалалар, ҳаракатлар, ирода эркинлигининг руҳий омиллари ҳақидаги, таъқиқлаш ва ижозат этишнинг маънавий таъсири ҳақидаги масалалар шунга таллуқли.

**ҲУҚУҚИЙ САВОДЛИЛИК** — қонун асосида кишилар муносабатини тартибга солувчи давлат ҳуқуқи асослари, ҳуқуқ ва меъёр турлари билан умумий танишганлик. Ҳуқуқий саводлилик фақат фуқаро ва ҳуқуқий онг билан ўзаро узвий алоқада бўлсагина таъсирчан кучга айланади. Фуқаровий онглилик демократик жамият ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий меъёрларнинг моҳияти ва ижтимоий қимматини тушунишга ёрдам беради. Маънавий онглилик ҳуқуқий меъёрларни чуқур ўзлаштиришга кўмаклашади; у ахлоқий хатти-ҳаракатнинг чегарасини кўришга имкон беради, бу чегаранинг нариги томонида маънавий қашшоқлик ва ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар бошланади.

**ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ** — ўқувчиларда фуқаролик туйғусини, ўз давлати учун фахр ҳиссини, белгиланган қонунларга ҳурматни, уларни бузиш мумкин эмаслигини шакллантириш. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий-демократик жамиятда инсон хатти-ҳаракати рамзи бўлиб, унинг ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрларини фаол ва онгли равишда бажариши ҳисобланишига асосланади. Педагогик ва юридик фанларнинг ўзаро алоқаси ҳам шунга асосланади: педагогика ахлоқий меъёрларни тарбиялашдан ҳуқуққа томон борса, юриспруденция ҳуқуқийдан ахлоқийга томон боради. Ҳар икки фан ҳам ягона вазифани — ҳуқуқий онгни ва ўсиб келаётган авлодда ҳуқуққа итоат этиш ҳулқ-атворини шакллантиришни ҳал этади.

**ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР** — ҳуқуқий билимларга асосланган ҳолда ҳуқуқ меъёрлар нуқтаи назаридан кишиларнинг фикрлари, хатти-ҳаракати, ҳуқ-атворини баҳолаш қобилияти.

**ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ** — ахборот технологиявий занжири бўйича тузувчилар ва бажарувчилар ўртасидаги ҳужжатларнинг ҳаракатланиши, бу барча манфаатдор шахсларга маълумот етказиш, уларга қарорлар қабул қилиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширишни етказиш имконини беради.

**ҲУЖЖАТ РЕКВИЗИТИ** (лот. *requisitum* — талаб этилади-ган, зарурий) — ҳужжатлар учун қонун ёки қоидалар томонидан белгиланган мажбурий маълумотлар; ҳужжатда реквизитлардан бирортасининг бўлмаслиги ҳам унинг эгасини ҳужжатдан белгиланган мақсад учун фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Ҳужжатнинг доимий реквизити бланкада уни тайёрлаш вақтидаёқ қайд этилган бўлади.

**ҲУЖЖАТ, ГУВОҲНОМА** — 1) иш қоғози, эгалик қилувчининг муайян ҳуқуқларини юридик жиҳатдан тасдиқлайди, муайян далил, ҳодисани қайд этади, тасдиқлайди; 2) моддий асос (қоғоз, фотоплёнка, магнитли диск)да қайд этилган ахборот, маълумот, булар расмий тавсифда бўлади, ундан фойдаланилади ёки кейинчалик қайта ишланади, адресатга қайтарилади.

**ҲУЖЖАТЛАШ** — 1) *инф.-да*, аввало ахборот тизимини тавсифлаш учун хизмат қиладиган, унинг ишлари тамойилларини тушунишни енгиллаштирадиган ва унинг ишлашига бевосита алоқадор бўлмаган ҳар қандай материал; ҳужжатлаш кўпинча унинг вазифасига мувофиқ таснифланади, шунинг учун айни бир тизим учун турли ҳужжатлар, техникавий шартлар, техникавий тавсифлар ва ҳ.к.лар тузилиши мумкин; 2) расман тан олинган, муайян шакл бўйича келишилган ва кўзда тутилган ахборотга эга бўлган ҳужжатлар мажмуи. Бухгалтерия, техникавий, лойиҳавий, конструкторлик, технологик, товарга оид турлари фарқланади.

**ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ** — махсус техникавий воситалар ёрдамида ахборот бирликларидан ҳар бирига тезда ва ишончли кириб боришни таъминлаш учун маълумотлар жамланмаси ягона тузилмасини барпо қилиш мақсадида нашрларни мунтазам йиғиш, сақлаш, каталоглаштириш ва улардан фойдаланиш.

**ҲУЖЖАТЛИ НАЗОРАТ** — ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўтказиладиган назорат.

**ҲУЛҚ-АТВОР ГЕНЕТИКАСИ, ПСИХОГЕНЕТИКА** — инсон танаси генетик хусусиятининг ҳулқ-атворга таъсирини ўрганиш, шунингдек генетик ва муҳит омилларининг ўзаро таъсири инсон хатти-ҳаракатига қай даражада таъсир этишини тадқиқ этиш, яъни кенг маълум бўлган зиддиятларни ўрганиш: нима кўпроқ таъсир этади — табиатми ёки тарбиями? Америкалик ва англиялик олимлар мазкур муаммо билан шугулланиб умуман, генетик имкониятлар муҳитнинг таъсиридан кўра интеллект ривожланишида катта аҳамият касб этади деган хулосага келдилар; ўзлаштирилган ҳулқ-атвор кўринишлари наслдан-наслга ўтмайди.

**ҲУЛҚ-АТВОР МАДАНИЯТИ** — ахлоқий-этик тамойиллар, ижтимоий меъёрлар, этика қоидаларига мос келадиган мезонлар ва даражалар бўйича ҳулқ-атворнинг тавсифи.



## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАСБ-ХУНАР ҲАҚИДАГИ ҲИКМАТЛАР

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у баракотдин умрбод баҳраманд бўлади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,  
Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дегул инсон десанг ани не ажаб,  
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.

*Сайфи Саройи*

Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳаёт энг яхши мураббийдир.

*Оталар ўғити* ✓

Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон,  
Отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

*“Кўрқит Ота китоби”дан*

Ҳаёли киши имонлидур, имонлилар жаннатийдир. ✓

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.

*Ҳадиси Шарифдан*

Сабабсиз қулги — беодоблик белгиси.

*Оталар ўғити*

Керак тарбият ёшлиқдан керак,  
Улуғ бўлса, лозим келур ғам емак.

*Абдулла Авлоний*

Муסיқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

*Абу Наср Фаробий*

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,  
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат ҳаё  
ила иффатдир,  
Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш илмидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Бола азиз, одоби ундан азиз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Балоғатга етмаган болаларнинг шароб ичишлари ёнаётган кучсиз ўтнинг алангасига аланга қўшиш кабидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан... касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир.

*Абу Наср Фаробий*

Ўғил-қизга билим, ҳунар ўргатиш керак,  
Токи бу ҳунарлар билан феъл-атвори гузал бўлсин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мустаҳкам имонга таянган қудрат буюк бўладур.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Уста борида қўлингни тий,  
Устод борида — тилингни.

*Ўзбек халқ мақоли*

Олим киши сўзидан олгил ўгит,  
Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

*Маҳмуд Кошғарий*

Инсон ўз табиатида бир-бирига қарама-қарши қоҳирнинг  
қаҳрисиз йиғилмайдиган қоришмалардан таркиб топган бадандир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Инсон ақли — олмос.

*Ўзбек халқ мақоли*

Устозингга тик қарасанг, тўзасан,  
Ҳурмат қилсанг, аста-аста ўзасан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,  
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бошлиқ тўғри сўз, бутун ва соғлом бўлиши керак, токи эл-  
юрт ишониб унга кўнгил қўйсин. ✓

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

*Абдулла Авлоний*

Амалга қарама, ақлга қара.

*Ўзбек халқ мақоли*

Наф келтирмайдиган одам тирик кишилар орасидаги  
ўлиқдир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бировким қилса олимларга таъзим,  
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бешиқдан қабргача билим иста.

*Ҳадиси Шарифдан*

Халойикқа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировага ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Ақлинг борида эл тани,  
Кучинг борида ер тани.

✓ *Ўзбек халқ мақоли*

Бошлиқ бешта ишдан узоқ турмоғи, улардан асранмоғи шарт:  
Бириси — шошилмоқ, бири — кўзи оч,  
Бири жаҳолатдир, яқинлашма, қоч.

Тўртинчи — ёвузлик, бузуқ феъллилик,  
Охиргиси — ёлғон, кўпол тиллилик. ↓

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Инсон ақл чироғи, қолаверса бутун коинот кўзининг нуридир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка қўл урилмайди.

↓ *Аҳмад Юғнакий*

Ақлли қизни йиғлатиш ҳам қийин,  
Кулдириш ҳам.

↓ *Ўзбек халқ мақоли*

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди.

*Аҳмад Юғнакий*

Авалло олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин.

*Ҳадиси Шарифдан*

Барча сўзларимда доимо ҳақиқатгўйликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,  
Санга лозимдир ўқув бирлан ўқув.

*Алибар Отин*

Нодон агар улуғ бўлса, унга қўнғил боғлама,  
Чунки амал нодон билан боқий эмас жаҳонда.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.

↓

*Оталар ўғити*

Билимсиз кишиларнинг қўнғили хурофотга мойил бўлади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Назарий билимлардан ҳосил қилинадиган тушунчалар узоқ ва чуқур тушуниш, текшириш, кашф — ижод. таълим олиш ва бошқаларга таълим бериш йўли билан қўлга киритилади.

*Абу Наср Фаробий*

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара.

↓  
*Замахшарий*

Ўқиб илму ҳунарларни, ким ҳикмат сирини билимиш,  
Билиб ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмиш.

*Нозимахоним*

Ажаб йўлдур тамоми меҳнат ранж,  
Ва лекин ҳар қаричда бир ниҳон ганж.

*Сўфи Оллоёр*

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тутиб дил.

*Маҳмуд Кошғарий*

Билиминг шундайки, у яланғоч бўлганингда ҳам ўзинг билан қолади, уни ҳаммомга кирганингда сув ҳам йўқота олмайди.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Инсон ҳунаридан ҳурмат кўради,  
Дунёда не экса, шуни ўради.

*Оталар ўғити*

Илм ибодатдан афзал.

*Ҳадиси Шарифдан*

Агар бўлса беклар хулқи ёмон,  
Ёмонлар кўпайиб, яхшилар бузилиши аён.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Кимда ақл бўлса, у асл одам бўлур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

*Абу Наср Фаробий*

Маърифат шоирини сўзи садаф,  
Ҳарзагўй аҳли учун мисли хазаф.

*Анбар Отин*

Олғил мандин насиҳат, ўғлим, илму адаб ўргангин,  
Бўлуб билимли улуғ халқ ичида бошқага илму  
адаб ўргатгин.

*Маҳмуд Кошғарий*

Билмоқдин айтурман сўзимга қулоқ сол,  
Билимликка ўзни дўст қил, яқинроқ ол.  
Билим бирла билинур саодат йўли,  
Билим бирла топилур саодат йўли.

*Аҳмад Юғнакий*

Илмли бўлишга интилиш жумлаи мўмин эр ва аёлларга  
олий шарафдир.

*Мирзо Улуғбек*

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидин қуш бўлиб қоч.

*Сўфи Оллоёр*

Кўп дегучи дўзах тўрига ошиқиб кетувчидир. Сўзлашга бе-  
рилган киши — ҳикмат шарафидан четлашган ва маҳрумдир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Бахтсизликнинг белгиси ишёқмасликдир.

↘

*Оталар ўғити*

Илм андоқ ганжи нофеълдур бани одамғаким,  
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

*Огаҳий*

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаиди,  
дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак  
бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Айбсиз дўст излаган, дўстсиз қолар.

↘

*Ўзбек халқ мақоли*

Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

↘

*Оталар ўғити*

Бошни фидо қилгил ато бошиға,  
Жисмни қил садқа ано қошиға.  
Тун-кунингга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

↘

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Отанг тазирина олмай десанг,  
Одам таъсирини ол.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир.

*Кошифий*

Душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Уруғинга сўз айтсанг,  
Орасини узиб айт,  
Отанг ишга буюрса,  
Намозингни бузиб айт.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстлик, яқинлик икки хил бўлади: бири эзгу ниятлар туфайли юзага келса, бошқа бири дўстлик шахсий манфаатларни деб бўлади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Кўни-кўшни, қариндош,  
Кўрсин сендан яхшилиқ.

*Маҳмуд Кошғарий*

Онани отангга ёмонлама,  
Дўстингни — душманга.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстингга отилган кесакнинг чанги  
Сенинг кўзингга тушар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Дўстларим бўлсин десанг аҳли жаҳон,  
Хулқи хушлуқни қил одат, эй Аваз.

*Аваз Ўтар ўғли*



Агар (дўст) холис ва тоза чиқса, анинг бирла дўстлик қилгил.  
Йўқ эрса, они ўз сирингдин огоҳ қилмағил...

~  
*Сидқий Хондойлиқий*

Дўст тутмоқ осон, риоя қилмоғи қийин,  
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Аҳбобо, йиғилмоқни фароғат тутингиз,  
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Йўлдошинг ит бўлса, калтакни ташлама.

√

*Оталар ўғити*

Душманнинг кулгани — сирингни билгани.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Душманга жонингни берсанг бер,  
Сирингни берма.

∩

*Ўзбек халқ мақоли*

Мингта дўстинг бўлса, уни кўп кўрма,  
Битта душманинг бўлса, уни оз дема.

*Аҳмад Югнакий*

√

Синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоқ катта хато.

*Ҳожа Самандар Термизий*

Кичик теб бермагил душманқа фурсат,  
Улуғ бўлур қачонким топса рухсат.

*Қутб*

Хотиринг топса губор дўстингдин асло ранжима,  
Душманинг дуосидин авло эрур дашноми дўст.

*Зебуннисо*

Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик ва шодлик орасида яшайди.

*Замахшарий*

Жасурни — жангда,  
Донишмандни — ғазабланганда,  
Дўстни муҳтожликда сина.

Ўзбек халқ мақоли

Холис дўст улдурки, суҳбатлашмоқда малул бўлмагай,  
меҳнат бирла роҳатда ўзгача бўлмагай, ҳозир ва ғойибликда  
бўлақланмагай.

*Сидқий Хондойлиқий*

Қарз берсанг дўст кўпаяр,  
Талаб қилсанг — душман.

Ўзбек халқ мақоли

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига эҳтиёжи  
қолмаган киши ақлидир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина  
кутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло  
тушмайди.

Оталар ўғити

Доно ҳар диёрда азизу муқаррамдир,  
Нодон азиз бўлган диёрга лаънатлар бўлсин.

*Нодира бегим*

Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,  
Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.

Ўзбек халқ мақоли

Ақл одамни яшнатади, нодонлик эса қақшатади.

Оталар ўғити

Ки ҳар ишники қилди одамизод,  
Тафаккур бирла билди одамизод.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Нодон одам молни, ақлли одам эса фазлу камолни қидиради.

*Муҳаммад Зехний*

... бир аср зиндонда ётмоқ,  
Нодон суҳбатидан яхшироқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Аҳмоқ элчи икки тарафни бузар.

*Ўзбек халқ мақоли*

Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

*Соҳибқирон Амир Темури*

Бошда ақл бўлмаса, оёқда тиним йўқ.

*Ўзбек халқ мақоли*

Кўк Гумбаз тагида ўргатувчисиз,  
Барчанинг кўзи кўр, кўрсатувчисиз.  
Кўзи соғлар ташлаб турмаса нигоҳ,  
Кўрлар чоғга тушиб кетарди ногоҳ.

*Оталар ўғити*

Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

*Анбар Отин*

Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида.

*Отойи*

Аёлу ватан узра то жони бор  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ўтар кунлар, ўтар замон,  
Эй Ватаним, бўлма ҳижрон!  
Мен кетсам-да, сен бўл омон!  
Омон — Ватаң, Ватан — омон.

*Авлоний*

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

*Фитрат*

Кубизини сайратган бахшига халқи керак.

*«Кўрқит Ота китоби»дан*

Одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чекланади. Мардлик (футувват) эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам утади.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Аллоҳ ғайратли одамни яхши кўради.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ким мард бўлса сўзига,  
Ойдир элнинг кўзига.

*Ўзбек халқ мақоли*

Номард — ит кабидир, мард буюк дарё,  
Дарё ит дамидин ҳеч мурдор бўлмас.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Дунёда номард кўпдир, мард қадрини на билур.

*Хувайдо*

Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди.

*Оталар ўғити*

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

*Соҳибқирон Амир Темур*

Ҳар бир иш мулойимлик билан қилинса, рўёбга чиқиши аниқ ва равшандир.

*Ҳадиси Шарифдан*

Агар тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан.

*Замахшарий*

Сўз ўликни тирилтирур, тирикни ўлдирур.

*Аҳмад Юғнакий*

Эшитган ҳар бир нарсани гапиравериш кишини гуноҳқор бўлишига кифоя қилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Ариқни сув безар,  
Одамни — сўз.

*Ўзбек халқ мақоли*

Яхши хулқдек олий насаб йўқ.

*Ҳадиси Шарифдан*

Тилни боғла дил билан,  
Дилни боғла тил билан.

*Ўзбек халқ мақоли*

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

*Аҳмад Юғнакий*

Имон билан сўз сўйласин,  
Ва имонга амал қилсин.

*«Авесто»дан*

Кишида илм билан ҳалимликнинг бирга бўлиши буюк фазилат.

*Оталар ўғити*

Чиқармоғул оғиздин қилмас ишни,  
Қилурман дема қўлдин келмас ишни.  
Оғуздин чиқса сўз қайтормагил қош,  
Агарчи кетса ҳам, ул сўз учун бош.

*Сўфи Оллоёр*

Одам тил орқали бошқа ҳайвондан имтиёз ва ҳам у орқали бошқалардан кўра афзалроқ бўлади. Тил бунча шараф билан нутқ (сўзлашиш) қуролидир ва ҳам нутқнинг ўзи номақбул юзага келса тилнинг офатидир.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Сўз тошта бўлса, ичда маза бўлмас,  
Ичми қуриқ бўлса, анда маза бўлмас,  
Нечалар орзу қилиб баҳра олмас,  
Даъвога маъно олиб юзланмас ул.

*Аҳмад Яссавий*

Ҳар кимки рослиқни қилди шиор ўзига,  
Бунёди илан ҳар иши бўлди жаҳонда маҳкам.

*Пошшоҳўжа*

Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар,  
Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлар.

✓ *Ўзбек халқ мақоли*

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,  
Она тил бўлгай ўшал тил, она тил.

*Анбар Отин*

Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ ондин,  
Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин.

✓ *Сўфи Оллоёр*

Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат  
ҳаё ила иффатдир.  
Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир.

✓ *Абу Али Ибн Сино*

Номусдан афзалроқ бўлса агар бош,  
Салламас чимматни ёпингин эй ёш!

*Хожа Самандар Термизий*

Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради.

✓ *Ҳадиси Шарифдан*

Қила олғунча таъзим ва одоб биносин йиқма,  
Ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳаё, номус имона далилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

✓ *Абдулла Авлоний*

Ор-номуссиз кишининг ўзи гўштсиз сўнгақдир,  
Ор-номуссиз кишининг ўзи битмас мараздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялма-  
са, олам низомига халал етади.

✓ *Кошифий*

Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир...

Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат

пардаси йиртилмас.

✓  
*Абдулла Авлоний*

Ори бўлмаган йигитдан номусли қиз яхши.

✓  
*Ўзбек халқ мақоли*

Яхшиликка интилиш мурувватлиликнинг, олижаноблик-  
нинг ўсгани сари кучаяверади ва яхшилик жамики одамларга...  
яхшилик қилишдан иборатдир.

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Миннат — силтовлар билан қилинган ҳотамлик ортиғи би-  
лан ёққан ёмғирдек бўлса-да, унда яхшилик бўлмайди.

✓  
*Замахшарий*

Кимда ким ёмонлик кўруб, яхшилик қилса,  
✓ Эй эзгу киши, мен сени орзу қиламан.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Қозининг пора олиши динсизликдир.

✓ *Ҳадиси Шарифдан*

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

✓ *Оталар ўғити*

Ёйни эгру кўриб, тўғрилигидан

✓ Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

*Паҳлавон Маҳмуд*

Тоғ арқон билан эгилмаганидек, денгиз ҳам қайиқ билан беркигилмайди.

✓  
✓ *Маҳмуд Кошғарий*

Тўғри йўлдан атайлаб энг узоқ йўлга ўтиш жуда зўр хатодир.

✓ *Абу Райҳон Ал Беруний*

Оғочким аввалида эгри битса,  
Ани ўт бўлмаса, бўлмас туз этса.

✓ *Қутб Хоразмий*

Ҳамиша яхшилиқ қилгил, кетарсен ушбу дунёдин,  
Қиёмат обрўйига керак хуни жигар қилсанг.

✓ *Аҳмад Яссавий*

Яхшиликни эрдан сўра,  
Эр билмаса, элдан сўра.

✓ *Ўзбек халқ мақоли*

Ёлғон сўз бедаво дард бўлур, тўғри сўз шифодур.

✓ *Аҳмад Югнакий*

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,  
Кўп эшитиб, доно барчага бош бўлади.

✓ *Юсуф Хос Ҳожиб*

Айтур сўзни айт,  
Айтмас сўздин қайт.

✓ *Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Мард бўлсанг, ўз сўзингни қилма кўп безътибор.

✓ *Оразий*

Сўзда керак маъною маънида завқ,  
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

✓ *Ҳайдар Хоразмий*

Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сўз ва тафаккурсиз сукут.

✓ *Оталар ўғити*

✓



Қўлингдан келмаган нарсани тилингга келтирма.

*Оталар ўғити*

Кўпайган сўзни бўлмай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.

*Абдулла Авлоний*

Сўз борки, тингловчи танига жон киритади,  
Сўз борки, айтувчи бошини ерга беради.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳар бир кишининг сўзи ақлига яраша бўлади.

*Оталар ўғити*

Киши бўлмаса маънидин хабардор,  
Ани дема одам, де нақши девор...

*Хувайдо*

Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб бўлмас ўқдир.

*Оталар ўғити*

Киши икки нарса туфайли қаримайди,  
Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Бу айланиб турувчи гўмбаз(таги)да яхши сўз садосидан  
ёқимлироқ бирор ёдгорлик топмадим.

*Абдураззоқ Самарқандий*

Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади.

*Ўзбек халқ мақоли*

Давлат учун кўнгилини зор этма,  
Иззат учун ўзингни хор этма.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Амир бўлса таъмагир, на товук қолур, на кулонкир.

*Ўзбек халқ мақоли*

Қорнимга йиғламайман,  
Қадримга йиғлайман.

✓ *Ўзбек халқ мақоли*

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Қилар бўлсанг ишни чамалаб, ўйлаб қил,  
Ҳар иш келса сенга сабру тоқат билан қил.

✓ *Аҳмад Юғнакий*

Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса, қилган  
иши тўғри чиқади.

✓

*Ҳадиси Шарифдан*

Сабр била боғлиқ иш очилур,  
Ишда ошиққан кўп тойилур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Сабр била топқасен охир мурод,  
Ғам еган одам бўлур, албатта шод.

✓

*Дурбек*

Сабр шундай бир кучли нарсадирки, ғазабни шижоатга,  
шиддатни ҳалимга, катталикни тавозеъга, ёмонликни яхши-  
ликка айлантирмакликка қуввати етар.

✓

*Абдулла Авлоний*

Салобатли бўлма, саботли бўл.

✓ *Ўзбек халқ мақоли*

Кимда ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ,  
на тангри севади.

✓

*Аҳмад Юғнакий*

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

✓ *Соҳибқирон Амир Темур*

Қор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди.

✓

*“Кўрқит Ота китоби”дан*

Ўтганлардан ибрат ол,  
Келажакка ибрат бўл. ✓

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўзига берилган ақлсиз тентақдир. Ўзини безаган хушрўй сатангдир.  
Ўзини торпган — панд еган, мағрурланган — лаънат остида қолган.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак:  
бахиллик ва ахлоқсизлик.

✓ *Ҳадиси Шарифдан*

Чайқовчи — овчи ити.



*Замахшарий*

Ошиқмагил, сабр керак киши ошина.

*Лутфий*

Таъма қилган одам қул бўлади қул,  
Унинг озодлиги ўлим билан, бил.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Уйларига меҳмон қўнмайдиган кишилар ёмон одамлардир. ✓

*Ҳадиси Шарифдан*

Бахил мезбон меҳмонни ўғри кўрар,  
Берганини миннат қилиб юзга урар. ✓

*Маҳмуд Кошғарий*

Меҳмони йўқ қора уйдан дала-туз яхши. ✓

*“Қўрқит Ота китоби”дан*

Меҳмонли уй баракали уй.

Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди. ✓

*Оталар ўғити*

Теран фикрни доим кексалардан қидиргин, баҳор сувлари  
кузда мусаффолик топади. ✓

*Хожа Самандар Термизий*

Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф келтиради. -  
*Аҳмад Югнакий*

Кишига ҳиммати мардона керак. ✓  
*Нодира бегим*

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,  
Ва руҳсиз киши тирик демас.  
*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризқнинг барака-  
ли бўлишига олиб келади. J  
*Кошифий*

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.  
*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Аблаҳ одам аблаҳи шундай одам,  
Доимо нафс кўйида ургай қадам!  
*Фаридиддин Аттор*

Гарчи зоҳирин тўғридиндур нафс,  
Жаълинг уйида ўғридиндур нафс.  
Нафс тавсанини ром қил ўзингга,  
Қодир ул ҳар ва сўз десанг сўзингга.  
*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Тамоққа эҳтиёт бўлинса, умрга фойдалидир,  
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатлидир.  
*Юсуф Ҳос Ҳожиб*

Ўлим касалликнинг натижасидир, касаллик қоннинг бузи-  
лиши, сафро, қора сафро ва шиллиқ кўпайиши натижасида  
пайдо бўлади. Бу тўрт унсурнинг ҳолати эса овқатланишга  
боғлиқдир, овқатланиш ўсимликка боғлиқ.  
*Абу Наср Форобий*

Сиҳат тиласанг кўп ема,  
Иззат тиласанг кўп дема. ✓  
*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,  
Минг шарофатни касофат босадур.

*Машраб*

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,  
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

*Аҳмад Яссавий*

Ёмонликнинг шаҳобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси  
тамаъ, ғазаб ва илмсизликдир.

✓

*Абу Райҳон Ал Беруний*

Тамаъси кўпнинг, инсофи оз бўлар.

*Оталар ўғити*

Иззат бермас, нақду дирам борлиги,  
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Агарчи тил сақламоқ кўнгулга оғирдур, аммо  
Сўзни сочиб юбормоқ бошга офатдур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Яхшиликка йўйиш мумкин бўлган бир сўзни ёмонликка  
йўйишнинг ўзи ёмонликдир.

*Оталар ўғити*

Аралашдингми, фитна кўтаради, кўр,  
Бир — ғийбатчи, чақимчилик қилувчи.  
Бир — иккиюзлама киши, тамагир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Яхши одамнинг ғийбатчилари кўп бўлади.

✓

*Оталар ўғити*

Тузлик эрмас шифосию мояси ҳам, ✕  
Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам. ✓

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кетар бировдин инсофу диёнат,  
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.

*Хувайдо*

Омонатга хиёнат қилувчида иймон йўқ, аҳдида турмайди-  
ганларда диёнат йўқ.

*Ҳадиси Шарифдан*

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат ибодатдан афзал. ✓

*Соҳибқирон Амир Темур*

Адолат инсон хатти-ҳаракатининг энг яхши безагидир.

*Абу Али Ибн Сино*

Икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири — соя,  
иккинчиси — бадфёълик

*Хиромий*

Сўз кишининг ўзаги,  
Одоб кишининг безаги. ✓

*Ўзбек халқ мақоли*

Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

*Зехний*

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва  
бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Адолатдин ўлди эл осойиши,  
Эл осойиши — мулк оройиши.

*Муниц*

Озор ила неча гуфтугў қилгайсиз,  
Озурда бўлурни жустужў қилгайсиз.

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма,  
Ўзгалар қонини тўкма, хусумат ва гараз қилма. ✓

*Юсуф Хос Ҳажиб*

Мойили зулм этма кўзинг турқини,  
Йўқса қилур мардум уйини хароб.

*Нодира бегим*

Тилингни тиёлсанг омондур бошинг,  
Сўзингни қисқа қилсанг узайди ёшинг.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Адоват қилур барча миллатни йўқ,  
Адоват қилур меҳру шафқатни йўқ.  
Адоват қилур барчани хору зор, ✓  
Адоват қилур элни безътибор.

*Сидқий Хондойлиқий*

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритади. ✓

*Соҳибқирон Амир Темур*

Улуғликка етишсанг — янглишма, атлас кийсанг, бўз  
кўйлагингни унутма. ✓

*Аҳмад Югнакий*

Ҳисобсиз мол йиққан билан одам саҳий бўла олмайди. ✓

*«Кўрқит Ота китоби»дан*

Мўмин киши бировни ҳақиға хиёнат қилмайди. ✓

*Ҳадиси Шарифдан*

Иш бошлашда ҳовлиқмай, диққатла боқ  
Чақмоқтошни шошиб чақсанг ўчар чироқ.

*Маҳмуд Кошғарий*

Ишда ошиққон кўп тойилур,  
Кўп тойилган кўп йиқилур.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,  
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан ажрайди.

*Ўзбек халқ мақоли*

Ўзинг бу дунёда бойлик истасанг,  
Тўғри бўл, сўзларингни тўғри тут.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган ва  
билганларининг ҳақиқатини ва тўғрисини сўзлайдилар.

✓ *Абдулла Авлоний*

Тўғри бўл, тўғри иш қил, тўғри деб ном чиқар,  
Халойиқ сени тўғри деб атасин.

✓ *Аҳмад Юғнакий*

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

✓ *Абдулла Авлоний*

Ёлғончи бўлиб яшагандан, умр сурмаган яхши. ✓

*«Кўрқит Ота китоби»дан*

Ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлғоч у ёлгон.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри бўлади.

✓ *Оталар ўғити*

Бўлма ўтуз олиб огир соткучи,  
Унга кепак, сиркага су қотқучи.

*Ҳайдар Хоразмий*

Ҳаром билан ўсиб унган ҳар бир тан дўзахга лойиқдир.

✓ *Ҳадиси Шарифдан*

Нодонликнинг ҳам, касалликнинг ҳам сабаби — бекорчилик.

*Абу Али Ибн Сино*

Навосиз улуснинг наво баҳши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

*Низомиддин Мир Алишер Навоий*

Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик номардлик.

*Соҳибқирон Амир Темур*



Киши меҳнатини менсимас инсон,  
Киши ҳисобланмас, аталар ҳайвон.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган  
одамнинг гуноҳлари тўкилади.

*Ҳадиси Шарифдан*

Машаққатсиз ҳаёт йўқ бунда асло,  
Эзгуликни кўрмасдан умр битар.

*Маҳмуд Кошғарий*

Бу дунёда шундай йўл тутки, кийган кийиминг ва еган  
овқатинг ҳалолдан бўлсин! ✓

*Оталар ўғити*

Давлатқа етиб меҳнат элини унутма,  
Бу беш кун учун ўзунгни асру унутма.

*Заҳриддин Муҳаммад Бобур*

Зўр бирла хушбахтлик ҳосил бўлмас.

*Сидқий Хондайлиқий*

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қилур.

*Абдулла Авлоний*

Тинч бўлай десанг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил. ✓

*Оталар ўғити*

Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр  
яшамоғи лозим.

*Абу Наср Форобий*

Кимики одамлар орасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам аҳли  
исломдан эмас.

*Ҳадиси Шарифдан*

Кимики кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса,  
унинг жаннатга кириши муқаррардир. ✓

*Ҳадиси Шарифдан*

Ҳалимлик инсоннинг олижаноб фазилатларидан биридир. Ҳалим киши очиқ юзли, хушмуомила, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун иккиюзламачилик, дағаллик ётдир. Ҳалим кишиларни бир-бирларини ҳурмат ва иззат қилишга, камтарин ва хоксор бўлишга ўргатади... Ҳалим инсонларнинг табиатидан хусумат, адоват, ғазаб каби ёмон хулқларни йўқ қиладиган ва ҳар кимга мақбул бир сифатдир. Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг калити ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки, ҳалим кишилар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомила қилмас, фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим бўлур... Ҳалим хулқларнинг саидидир.

*Абдулла Авлоний*

Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди, жамиятда меҳнат тақсимооти, умуман, ўзаро муносабат бўлмоғи керак. Бу муносабатлар адолат талаблариға мос бўлиши зарур.

*Абу Али Ибн Сино*

Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбагалдан устун қўймадим. ✓

*Соҳибқирон Амир Темур*

Темир ёки тошдан чиқарилган ўт ўтинсиз бефойда бўлганидай, инсон қобилияти ҳам шунга ўхшайди. Агар унга тарбия берилса, юрак ўти мангу алангаланает, тарбия орқали баркамолликка эришилади. ✓

*Оталар ўғити*

Билимни буюк, укувни улуг бил,  
Бу иккиси танланган бандасини улуглайди.  
Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади,  
Билим кимда бўлса, буюклик олади.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Агар кўппак (ит)ларга арслон бош бўладиган бўлса, барча кўппак (ит)лар ҳам арслон сингари яшайди. Арслонга кўппак бош бўлса-чи? Унда арслон ҳам шу кўппак ҳисобига қиради.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим; ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим.

**Соҳибқирон Амир Темури**

Эй келди фунуни илм таслим сенга,  
Қилмоқ манго лозим бўлди таъзим сенга,  
Гарчи йўқ эрди қувват аёқимда, вале  
Келдим бош ила олғоли таълим сенга.

**Огаҳий**

Камол эт касб ким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

**Низомиддин Мир Алишер Навоий**

Қўю бу илм йўлида қадам дарс,  
Ўқуғил саъй ила ҳар субҳидам дарс.  
Ки бу йўлда ғиноға не қадрдур,  
Ололмасдур сотиб аҳли дирам дарс.  
Тушуб чун илм йўлиға дарс ўқирдин,  
Бошингга тиг келса қилма рам дарс.

**Сўфи Оллоёр**

Баъзилар Одамнинг (барча инсонлар) отаси эканига иқроп бўлади, баъзилар эса (буни) инкор этиб, ҳар бир тоифани алоҳида отага нисбат берадилар. Улар: «Агар дастлаб ота битта бўлганда гавда тузилишлар ва кўринишлар албатта бир-бирига ўхшаш бўлар, тиллар ва луғатлар мувофиқ келар эди»,— дейдилар. Бу гапларнинг қайси далилга асосланганини билмайман. Чунки (одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоққа турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг (одам) яшайдиган жойларининг турличалигидан ҳамдир.

**Абу Райҳон Ал Беруний**

## АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, —Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. —Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. —Т.: «Шарқ», 1993.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. —Т.: «Ўзбекистон», 1994.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. —Т.: «Ўзбекистон», 1994.
6. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. —Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, 1996.
8. Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т.: «Шарқ», 1997.
9. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур», 1998.
10. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. 1997.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонуни.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№4, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида».
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№5, 05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№77, 24.02.98 й.), «Академик лицейлар ва касб-ҳунар

коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида».

16. Ватанни севмоқ иймондандир (иншолар тўплами). —Т.: 1995.

17. Олимжонов О. О., Маликов Т. С., Қоралиев Т. М. Замонавий молия-банк атама ва ибораларининг инглизча-русча-ўзбекча эквивалент лугати. —Т.: «Шарқ», 1996.

18. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. —Т.: «Ўқитувчи», 1997.

19. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари. —Т.: «Шарқ», 1998.

20. Файбуллоҳ ас-Салом. Ҳалоллик бозорда соғилмайди. —Т.: «Адолат», 1998.

21. Файбуллоҳ ас-Салом, Юсупов И., Отажонов Н. Истиқлол ва маънавият (илмий мақолалар). «Наманган», 1999.

22. Маънавият юлдузлари: «Марказий осийлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар». — Тўлдирилган қайта нашр. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999.

23. Мустақиллик, маънавият ва тарбия (мақолалар тўплами). Термиз, 2000.

24. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. —Т.: «Шарқ», 2001.

25. Фуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. —Т.: «Меҳнат», 2001.

26. Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим — мадрасайи олия — университет тарихидан лавҳалар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Самарқанд, 2001.

27. Идея национальной независимости: основные понятия и принципы. —Т.: «Ўзбекистон», 2001.

28. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли, тажрибавий лугат). —Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

29. Давлат хизмати персоналини бошқариш (Ўқув қўлланма). —Т.: «Академия», 2002.

30. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. —Т.: «Шарқ», 2002.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ

(ЛУҒАТ-МАЪЛУМОТНОМА)

## **ТУЗУВЧИЛАР:**

**МУҲАММАДАЛИ ҲАКИМОВИЧ САИДОВ,**  
*иқтисод фанлари доктори*

**ЛЕОНИД ВАСИЛЬЕВИЧ ПЕРЕГУДОВ**  
*техника фанлари доктори, профессор*

**ЗОИР ТОҲИРОВИЧ ТОҲИРОВ**  
*филология фанлари номзоди*

**Тошкент — «Молия» — 2003**

Муҳаррирлар	<i>Л. Тоҳиров, М. Тожибоева</i>
Техник муҳаррир	<i>А. Мойдинов</i>
Мусахҳиҳ	<i>Н. Мадёрова</i>

Босишга рухсат этилди 15.12.2003 й. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«TimesUZ» ҳарфида терилди. Босма табағи 28,25.  
Нашриёт ҳисоб табағи 26,8. Адади 1500. Буюртма №157.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент. Ҳ. Орипов кўчаси 16-уй.  
Шартнома №21-03.

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.  
Тошкент ш. Олмазор, 171-уй.